



# Шарқ юлдузи

Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

---

2

1986

55-йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Сарвар АЗИМОВ

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Нинель ВЛАДИМИРОВА

Жуманиёз ЖАББОРОВ

ЗУЛФИЯ

Абдусайд КҮЧИМОВ

/масъул секретарь/

Тоҳир МАЛИК

МИРМУҲСИН

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

Умарали НОРМАТОВ

Абдулла ОРИПОВ

Иброҳим РАҲИМ

Туроб ТҮЛА

Худойберди ТҮХТАБОЕВ

/бош редактор ўринбосари/

УЙҒУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Ўнтам УСМОНОВ

Раҳмат ФАЙЗИЙ

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ

Иброҳим ЮСУПОВ

Нурали ҚОБУЛ

Ҳамид ҒУЛОМ

---

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

# УШБУ СОНДА



*Шеърмат*

**Туроб ТУЛА**

**АРУЗ ТАЛҚИНИДА УН БЕШ  
ҚУШИҚ**

Ғазаллар

Нодирабегим ҳаёти ва ижоди-  
ни ўрганиб юрганим онлар, аруз  
санъатининг нāқадар нафис эка-  
нини такрор англадим. Уни на-  
инки ёза билиш, ўқий билиш ҳам  
улуг санъат.



*Ҳаср*

**Дилбар САИДОВА**

**ОВОЗ**

**Қисса**



Одамзод балки бир умр бахти-  
ёрлик ва бахтсизликнинг аниқ  
чегарасини, ўлчовини излаб, то-  
пиб, йўқотиб, яна излаб яшаса  
керакки, шундан у омаду омад-  
сизликлар, хато ва адашувлар  
гирдобида, тўфонидида ҳаёт кечи-  
рар...



*Ҳикоялар ҳазиниши*

**Эрнест ХЕМИНГУЭЙ**

**ФРЭНСИС МАКОМБЕРНИНГ  
ОМОНАТ БАХТИ**

**Ҳикоя**

Одамни ўлдириш мумкин, ле-  
кин уни енгиб бўлмайди





Мақсуд Шайхзода

## **Менинг тухфам**

*Ҳар ким ўз қўлининг маҳоратидан,  
Ишининг меҳридан, саховатидан,  
Виждон товушидан, жасоратидан  
Съездга юборар азиз армуғон.*

*Бинокор кўтарган уйлари билан,  
Қўшиқчи энг ширин куйлари билан,  
Учувчи юлдузи, ойлари билан —  
Вафосин оламга айлайди баён.*


*Ғаллакор дастурхон қадрини ўйлаб,  
Кимёгар формула сатрини ўйлаб,  
Боғбонлар гулларнинг атрини ўйлаб,  
Элга ғамхўрлигин айлар намоён.*

*Пахтакор пахтанинг хирмонларида,  
Геолог тайганинг ўрмонларида,  
Генерал ўзининг фармонларида  
Ватан қудратини ўйлайди ҳар он.*

*Шоир ҳам бўш келмас ўз тухфасида,  
Улуғ анжуманнинг арафасида —  
Ёзаман қалбимнинг саҳифасида  
Кўзим сиёҳи-ла:*

*Партия-жонажон!..*





Жуманиёз Жабборов

## КОММУНИЗМ ИШИГА САФАРБАРДИР УЛУҒ ВАҚТ.

### Биз билан юзма-юз...

Биз билан юзма-юздир масъул, шиддатли замон,  
Ҳақиқат нури билан сирилгандир торлари.  
Рақамдайн аниқ у, хаёлдайн бепоён,  
Севги билан йўғрилган чақмоқли баҳорлари.

Абадият йўлида уфқлари гирдо-гирд,  
Алвон шуъла мавжида қарши оларкан тонгни,  
Мен унинг ҳузурида бамисоли бир шогирд,  
Инқилобий ўтида тоблаيمان қалбу онгни.

Токи, бу жаҳон ичра бир мазлум қолур, барҳак,  
Ярадор бўлиб ётур она-замин танаси.  
Зулмату нур жангида чекиниш бўлмас мутлақ,  
Ғоялар курашида — адолат тантанаси.

Мураккаб бу дунёда қарор топгай ишқу бахт,  
Парвозга ундайверар Лениннинг ҳар бир сўзи.  
Коммунизм ишига сафарбардир улуғ Вақт,  
Истиқбол ҳам, аслида, яшарган вақтнинг ўзи.

Ер шари боши узра ҳилпирар алвон байроқ,  
Қадрдон, азиз ёғду... шафақдай ёрқин, мунис.  
Йигирма биринчи аср дарвозасин қоқароқ,  
Замон юкин елкада даст кўтармиш коммунист.



Эй сўзлар оламига  
жавлон уриб кирган дўст,  
Англа, бу олам ичра  
энг улуғвор бойлик — сўз.

Олмосу юлдузлардан  
минг бор асилроқ мато,  
Виждон билан ўлчанур  
унинг мисқоли ҳатто.

Сен билиб-билмай буюк  
юкни елкага олдинг,  
Бу поёнсиз водийнинг  
бўсағасида толдинг.

Минг-минг уммон уюшиб,  
туташиб ётар унда,  
Қалқар олтин кемалар  
бу ҳудудсиз тўлқинда.

Уфқларда кўринар  
Фирдавсий қурган бино.  
Бир ён Навоий қасри,  
бир ён Пушкин — бир дунё.

Сўз тоғлари қатма-қат,  
сен боқмагил қаёққа.  
Синовларга кўкрак ур,  
интил порлоқ маёққа.

Жажжигина қайиғинг  
кирдими шу мавжга, бас,  
Демак, сенга ором йўқ,  
ҳаловат йўқ бир нафас.

Ҳар бир сўз — шамшир дами,  
атомдан чўнгроқ қурол.  
Қарол бўлма бу жангда,  
сўз мулкига бўл қирол.

Чунки сўз — бу инсоннинг  
ишидир, аъмолидир.  
Коинот сарвари деб,  
ном олган камолидир.

Ҳар бир сўзни қоғозга  
муҳр қилишдан олдин,  
Ўзинг англаб ет, сўзинг  
жезмидир ёки олтин?

Оппоқ пахтазорин сут ранги билан  
Мангу чайилгандир ўзбек даласи.  
Хирмонлар фаслининг жаранги билан  
Гувранар бешикда ҳатто боласи.

Қиш эмас, юртимда ёйган супрасин,  
 Беҳад пахтазорим оқ достони бу.  
 Кўргил тоғларимнинг мармар супасин,  
 Тоғмас, хирмонларим минг карвони бу.

Ойдин оқшомлару парку булутлар  
 Ранг олур пахтамик пок жилосидан.  
 Бу юртда мавжланган омаду қутлар,  
 Бахту табассумлар — оқ тилосидан.

Тунлар кўкка боқиб санама юлдуз,  
 Само ҳам даламга тақлидда гўё.  
 Ўзбекистон дея бошланганда сўз,  
 Пахта уммонларин тушунар дунё.



Сухбат ичра ёр ила пайванду пайвастан яна,  
 Ёр баҳордан завқланиб, мен ёр ила мастман яна.

О, висол, кўксимда туйғу чашмасин фаввора эт,  
 Чун бу ишқ водийсида орзуга ҳамдастан яна.

Лолазор ичра кезур ёр лолаларни ёндириб,  
 Гул ёноғин тафтидан зир титраган хасман яна.

Кўксим ичра турфа ҳислар жилваланган лаҳза бу,  
 Бундан ортиқ бахт ўзи бўлгайму билмасман яна.

Севгида олий садоқат ҳам саодат жобажо,  
 Не машаққат бор бу йўлда, кўзга илмасман яна.

## Қулоққа чалинган гап

Ҳазил

Бир ҳафтаки санқиб юрибсиз,  
 Қайда ётиб, қайда турибсиз?

Қизиқ гаплар кўпдир заминда,  
 Ўзимизнинг тоғли Зоминда

Ё урдими ёшроғи йўлдан,  
 Жуда келмай қолдингиз чўлдан?

Дуч келдим бир ғалати ҳолга,  
 Кампир дашном берарди чолга:

— Эй момоси, қизиқсан-да хўп,  
 Билмайсанки дунёда гап кўп.

— Нима уйдан чиққанми чаён,  
 Кўрдингизми ё заҳмат-зиён?

Неваралар олиб қолишди,  
 Тин олдирмай гапга солишди...

Ё ўтдими орадан бир гап,  
 Бирдан мунча бўлмасангиз чап?

— Хайрият-э... — дер энди кампир, —  
 Бундоқ айтиб кетинг-да, ахир.

Арпангизни ё хом ўрдимми,  
 Қош чимириб ё лаб бурдимми?

Бўлдими деб бирон кори ҳол,  
 Етти кеча ухламабман, чол.

## Тоғлар бағрида мушоира

1.

Тоғлар қават-қават эди,  
 Қоялар неча-неча.

Бу кеч шеърга навбат эди,  
 Мушоира бу кеча.

Осмон тўла юлдуз-юлдуз,  
Осмон тўла жимжима.  
Гувранади шўх бир кўбиз,  
Керак эмас таржима.

Тўқтағулнинг дардларидан  
Куйлар эди Нуржамол.

Нозик бармоқ зарбларидан  
Тўкиларди арзи ҳол.

Давра эди, кимиз эди,  
Дўстлик эди ўртада.  
Туйғу, фикр тиғиз эди  
Тўқтағулнинг юртида.

## 2.

Биров деди: кенг осмонни  
Тутиб турар чўққилар.  
Биров деди: чақмоқлар ҳам  
Чўққиларга чўқинар.

Биров деди: офтоб эрур  
Коинотнинг жиғаси.  
Биров деди: дарёлардир  
Ерда ҳаёт жилваси.

Биров деди: керак эрур  
Табиатга саҳролар.  
Биров деди: ўммонлардан  
Она-замин баҳр олар.

Биров деди: бу дунёда  
Яшамоқлик олий бахт.  
Биров деди: бу оламнинг  
Бош ҳаками эрур вақт.

Севги — ҳаёт мўъжизаси! —  
Яйраб айтди бир шоир.  
У инсонни жаҳон ичра  
Этолган танҳо — қодир.

Фақат дўстлик бахш этгайдир  
Қудрат, қувват одамга.  
Эзгу мақсад уюштира  
У таянчдир оламга!..

## 3.

Порлар эди турфа фикр,  
Туйғу — сўнмас кўр эди.  
Бу кўшиққа сою осмон,  
Тоғу тошлар жўр эди.

Шеърятнинг уфқи кенгдир,  
Мавзулари бепоён.  
У ҳавога, нонга тенгдир,  
Ярқирар унда инсон.

Ёвузликка, адоватга  
Шеър ҳеч қачон юрмаган.  
Адолатга пешвоз борган,  
Ноҳаққа йўл бурмаган.

Алладир у, ялладир у,  
Она-ватан гимни у.

Чин кўнгилдан меҳр кўйса,  
Юксалтмагай кимни у?

Барча иқлим, барча қитъа  
Эрк, тинчликка ташнадир.  
Шеърят — бу эзгу дилдан  
Қайнаб чиққан чашмадир.

Шўх болалик, ёшлик завқи,  
Она қалби — шеърдадир.  
Миллион юлдуз барги бўлса,  
Ўқ илдизи ердадир.

Барча фикр бир тўпланиб,  
Шундай топди бир қарор:  
Шеърятнинг жон-жонидир  
Куйланса ёру диёр!


## 4.

Қирғизнинг бўз ўтовида  
Неча дўстлар эдик жам.  
Олатовнинг қуршовида  
Авжида шеърый байрам.

Одам ҳоврин олар одам,  
Халқ дилини билар халқ.  
Шунда жануб ва шимол ҳам,  
Шунда эди ғарбу шарқ.


Бу ўмровли, залворли эл  
Фазоларга пайваста.  
Хушбўй ҳаво шопирар ел  
Давримизга ҳавасда.

Бизда гўё ёрқин тимсол  
Акс этганди давримиз.  
Товланарди ширин висол  
Мавжларида давраимиз.




Расмни **Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ** чизган





Дилбар Саидова



## ОВОЗ

### ҚИССА

Мен гапимни тугатолмай қолдим. У бошига телпагини бостириб, бўйнини шарф билан яхшилаб ўради, пальтосини кийди-да, эшикни зарб билан ёпиб чиқди-кетди. Ташқарида қор, ҳаво тоза: тўйиб-тўйиб нафас олиб, бўғиқ кайфиятдан қутулиш мумкин.

Бу гал ҳам ҳамма ўйлаганларимни унга айтолмай қолдим. Чиқди-кетди. Мен-чи?

Бошимга оппоқ жун рўмолни ўраб, пальтомни кийиб, қўнжи узун этикни юмшоқ қорга ғарч-ғурч босиб чиқиб кетишга ҳаққим йўқ. Шундай эшикни зарб билан қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетолмайман бу уйдан. Анчадан буён овоз чиқариб тўйиб-тўйиб йиғлагим келади. Лекин қўнглимни ёзиб йиғлаб олишга ҳам вақтим йўқ. Эрталабдан бир дунё юмуш кутиб туради. Болаларни боғчасига олиб бориб қўйишим, магазинга ўтиб сут ва нон олишим, уйни йиғштириб чиқишим, кечқурун келганда ювишим осонлашиши учун кирларни ишқорли сувга солиб қўйишим керак. Кийиниш, ишга жўнаб кетиш учун тайёргарлик кўришга жуда оз муддат қолади. Ҳаммасига улгуришим лозим. Бу уйдаги юмушлар занжирини узиб, эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетолмайман.

\* \* \*

Ҳар оқшом аҳвол шу. Эшик қўнғироғи аллапайтда жиринглайди. Мен ишдан қайтиб, қозонга овқат солиб, уй йиғштиргач, болалар хархашаси билан овора бўлсам-да, ўзим сезиб сезмаган ҳолда уни кутаётган эдим. Мана, ниҳоят қўнғироқ овози. Кичкинтой жуда сезгир, қўнғироқ қайта жирингласа, унинг уйғониб кетишидан қўрқиб, сарпойчан югуриб бориб эшикни очаман. Қоронғи йўлакдан димоғимга энг аввало ароқ ҳиди урилади. Шу топда вужудим бирдан музлайди. Қаршимда турган эркак кўзимга ёмон кўришиб кетади. Эшикни тарс этказиб ёпиб қулфлагим, шу билан мени кийнаган дард-аламларга биратўла нуқта қўйгим келади. Лекин ҳали бирон марта шундай қилганим йўқ. Мен эшикни очмасам ёки қайта ёпиб қўйсам, қандай воқеа юз беришини билмайман. Балки у мастлик билан эшикни уриб синдирар, жанжал қилар, балки менга қўл кўтарар. Йўқ, бундай

нохуш манзарани ҳатто тасаввур қилиш ҳам даҳшатли. Балки индамай яна кўчага чиқиб кетар, аламини ичкиликдан олар? Билмадим...

— Нега, нега менга ўқрайиб қарайсан? Нима, менинг бешигимни тебратганми-динг? — дейди у.

Чайқала-чайқала, пальтосини ечиб шкафдаги илгичга илиб қўяди, телпагини олиб менга кийдирмоқчи бўлади, мен қўлини силтаб ташлайман. Телпак тап этиб ерга тушади. Унинг қўли бир зум ҳавода муаллақ қолади. Йиқилиб кетай дейди, лекин ўзини тутти, кўзларини қисиб, истеҳзоли қарайди.

— Ҳа, биздан жирканяптиларми? Биладан, мени кўргани кўзинг йўқ. Тўппончанг бўлса, ҳозир пақ этказиб отиб қўя қолардинг. Тўғрими? Ҳе, номард... Ит — вафо, хотин — жафо, деб бекорга айтишмаган экан.

— Тўғри, мен номардман, бошингизга битган жабру жафومان. Сиз эса мард бўлдингизми? Ургулдим сиздақа марддан...

— Эй, ҳар куни жанжал чиқармасанг, кунинг ўтмайди-я... Гуноҳим — ичганимми? Ё сўқдимми? Кайфиятни бир бузмасанг кунглинг тинчимайди-я... Ке, ростингни айта қол, мендан нима истайсан ўзи?

Мен ундан нима истайман?

У мендан нима истайди?

Умунан биз нега бир уйда — бир том остида яшайпмиз? Бир том остида, бир уйда яшашимиз шунчалик зарурми?

Болалар...

Ҳар гал менинг эркин фикрларим болаларга келиб тақалганда таққа қотиб қолади. Улар дадаларини ўзгача меҳр билан яхши кўришади. Кечқурун янграган ҳар бир эшик кўнғироғида улар дадаларини кутишади. Шўхлик қилишганда урсам, койисам, йиғлаб дадаларини чақиривади.

У ботинкасини ечмай менга тикилиб жавоб кутяпти.

Мен ундан нима истайман?

— Нега яна ичдингиз, нега кеч келдингиз?

— Бугун Сатторнинг туғилган куни эди, зиёфат берди. Яна савол борми?

Яна нима деб савол бериш мумкин? Уйга тезроқ етиб борай, хотиним ҳам ишдан чарчаб келади, ёрдамим керакдир, деган гапни хаёлига келтирмаган, келтирмайдиган эркакка яна нима дейиш мумкин? Бу эркак ёш бола бўлса, кучинг етса-ку, роса дўппослаб урсанг. Лекин бу эркак — эринг. Сен аёлсан — кучинг фақат тилиннга етади.

— Кеча Марат янги картинасини чизиб тугатганини нишонлагандиларинг. Ундан аввалги кун расмингизни кўргазмага қабул қилишмаганига хафа бўлиб ичгандингиз. Беш кун олдин Умаржоннинг ҳовли тўйида эдингиз. Бугун бу гап. Эртага-чи? Эртанги баҳонани ҳозир айта қолинг. Бутун ҳафта бўйи, йил бўйи баҳона бор. Рўзғор, бола-чақа нима бўлади? Сира ўйлайсизми?

— Сенга қолса, этагинга ёпишиб олишим, одамгарчиликни йиғиштириб қўйишим керак экан-да?

— Қўйинг, сиз гапирманг одамгарчиликдан. Одамгарчилик айшу ишрат эмас-ку!

— Сен мени тушунишни сира истамайсан-а, хотин. Ахир мен рассомман — санъаткорман. Ичиб туришим керак, кўнглимни хушлаб туришим керак. Ичсам, дунё кўзимга яхшироқ кўринади, асабларим сал ҳордиқ олгандай бўлади. Сен эса менинг хуш кайфиятимни бузганинг бузган. Бунақада албатта ижод қилолмайман. Ўйлайсанми, сенга уйланганимдан бери дурустроқ сурат чизганим йўқ. Сенгача мен ким эдим, мана бугунга келиб кимга айланиб қолдим, ахир...

— «Замондош қиз» сериясидаги картиналарни қачон чизгансиз? Эсингиздан чиқиб кетдики?

— У бошқа гап. Унда сенга уйланмагандим. Унда сен фаришта эдинг. Тўғриси, энди ўйлаб қарасам, ўзингни одамлар ўртасида фаришта қилиб кўрсатиб юрган пайтларинг экан. Менга тегишинг билан фаришталигингдан асар ҳам қолмади. Буни мен кейин билдим.

— Ижодингизни бўғган одам мен эканман-да, бўлмаса.

— Санъаткорнинг хотини гўзал, латофатли, назокатли бўлиши керак. Сенда бу хусусиятларнинг биронтаси ҳам йўқ. Шунга яраша кайфиятимни бузма, ахир. Сал фикрлашга, ўйлашга имкон бер...

Унга фақат гўзаллик керак, латофат, назокат керак. У тўғри гапиряпти. Менда эса булар йўқ. Йўқ нарсани топиш қийин-да. Йўқ нарсани очик тан олиб, «йўқ» дейиш керак, тақдирга тан бериш керак.

— Эрталаб қўлингизга сетка бергандим, гўшт тамом бўлди, деб. Қани гўшт? Мен гўшт келтирсангиз овқат қиламан, деб кутиб ўтирибман.

— Овқатни энди қилмоқчимисан? Соат ундан ошди-ку. Мана, қанақа хотинсан... Хўп, менинг бўларим шу, ўзгармайман энди. Бор, ана, кенг кўча, мендан яхшироғи топилиб қолар...

У ҳақиқатни гапиряпти — ўзгармайди энди. Мен аҳмоқ уни қайта тарбияламоқчиман. Лекин қандайдир бир чора кўриш керак — ҳаёт шў тарзда давом этавериши мумкин эмас. Сен эрта тонгдан то қоронги тунгача рўзгорни деб жонингни жабборга берсанг-у, ёстиқдошинг буни сезмаса, шунга яраша жавоб қайтармаса... фақат ўз кўнглини чоғ қилиб юрса. Сенинг эса, кўнглингу вақтичоғлик ҳақида ўйлашга вақтинг ҳам бўлмаса. Кунлар, ойлар, йиллар, олтиндан азиз умрингнинг дақиқалари майда кундалик ташвишларга аралаш-қуралаш бўлиб юмалаб ўтиб кетаверса. Ҳаётда нени чинакам ҳис этган, нимага эришган бўлсанг, ҳаммаси йигирма беш ёшинггача бўлган. Дорилфунундаги ўқиш, заводдаги иш, аспирантлик даври... Яна шаҳар чемпиони эдинг. Баланд, хипча қоматинг, чаққон ҳаракатларинг ўша чемпионлигинг нишонаси. Эсласанг кулгинг келади — югуриш бўйича собиқ чемпион. Ҳозир ҳам эрта тонгдан ярим тунгача югур-югур қиласан. Лекин ҳеч ким бундан ҳайратга тушмайди, ҳеч ким сезмайди. Йигирма беш ёшингга эгнингга келинлик либосини кийдингу кундалик турмуш ташвишларига ўралашиб, ҳаётинг ўша бўйича қотиб қолгандек туюлди, илмий иш ҳам қолиб кетди. Сен шундагина дунёдаги кимгадир аччиқ қилиб, кимдандир қасд оламан деб қўйган қадаминг нақадар катта хато эканлигига иқрор бўлдинг. Лекин қадам қўйилган, орта чекиниш номардлик эди. Сен эса номардлик қилишга ўрганмагансан. Кейинги пайтларда сен ғоятда серғап, серғалва, латофату назокатдан маҳрум аёлга айланиб қолгансан...

— Балки сиз қай бир аёлга суюқлидирсиз, шу ҳолингизча ҳам. Лекин менга бунақа одамнинг сираям кераги йўқ. Ҳар кун эшикни бадмаст эркак очиши, бадмаст эркак билан бирга овқатланиш, суҳбатлашиш, ётиб-туриш, рости гап, жонимга тегиб кетди. Шу уйдан ё сиз чиқиб кетинг ё бизлар кетайлик, — дейман мен яна «эски кўшиқ»ни давом эттириб. Ҳафиз бу пайтда ботинкасини ечиб, уйга кириб телевизорни вангиллатиб қўйган, диванга ястаниб чўзилган бўлади.

— Биланан, сен мени ҳеч қачон яхши кўрмагансан, яхши кўрмайсан ҳам. — Бу гап Ҳафизнинг ҳам «эски кўшиқ»ларидан бири. — Мен бечоранинг бўлар-турарим шу эканлигини яхши биласан-ку. Сенинг идеалинг, сенинг севгинг — бошқа одам. Хуллас, мени яхши кўрмайсан.

— Жонимга тегиб қетди шу яхши кўрмайсан, яхши кўрасан, деган гаплар ҳам. Уялмайсизми шунақа гапларни гапиришдан. Ёшингиз ҳам ўттиздан ошиб қолди, ахир. Ундан кўра каллани мундоқ ароқдан холи қилиб ўйланг, рўзгор керакми-йўқми?

— Нега керак бўлмасин, керак... Фақат сен ҳалиям ўшани яхши кўрасан, ўшани ўйлайсан...

Ё, тавба, эрим шу гапни гапираверса, мен ихтиёрсиз равишда Абдулатифни ўйлайвераман. У билан яшасак, жуда чиройли турмуш кечирардик, деб беихтиёр ўйланиб қоламан...

Эрталаб мен кечаги гапларни яна давом эттиравераман. У бўлса миқ этмайди. Менинг жоң куйдириб айтган очиқ, аччиқ гапларимни у эшитдими-йўқми, билмайман. Мен ўзи нега бунча куйиб-пишаман, асабимни бузаман, юзимдаги ажинларни кўпайтириб, юрагимни чарчатаман? Сал беғамроқ бўлсам, осмон узилиб ерга тушармиди? Э, тавба, Ҳафиз билан бутунлай бошқа-бошқа одам эканлигимизни нега илгари билмаган, сезмаганман-а?

— Ҳафиз, сизнинг мenden кўра ҳар жиҳатдан кучли бўлишингизни истайман. Нега кучли эмассиз? Нега сиз билан уришишимга, сизни кундан-кун ёмон кўриб бораётганимга индамайсиз, ҳеч бир чора кўрмайсиз? Наҳотки кучли бўлиш шу қадар қийин иш бўлса. Энди бошқа ичмайман дейсиз-у, кичик бир ғамдан ҳам, кичик бир қувончдан ҳам ўзингизни йўқотиб қўясиз — яна дарҳол шу ланъати шишага ёпшасиз. Истеъдодингизни шу шиша ютиб юбораётганини билмайсиз. Одамнинг бошига не кунлар тушмайди. Катта бир ғам қаршингиздан чиқиб қолса, умуман ўзингизни йўқотиб қўйсангиз керак. Сиз эркаксиз, бир озгина ўзингизни мардона тутинг, бир озгина ўзингиздан, майда-чуйда ғаму қувончдан кучлироқ, баландроқ бўлинг. Мен сиз билан эрим деб фахрланишни истайман, толиққан пайтларимда бақувват елкангизга бош қўйиб, мадад олгим келади...

Ичмаган пайтида унга гапириб, гап олиш қийин. Ундаги ўзгаришни ҳам англаш қийин, қиёфаси ҳам, кайфияти ҳам ўзгармайди, индамайди.

Гапим чала қолди.

Индамай чиқди-кетди...

Чиқиб кетгани ҳам яхши бўлди. Чунки гап билан бўлиб, эрталабки юмушлар кечга сурилаётган эди. Мен болаларни бирин-кетин кийинтираман, хархашасига чидаб, алдаб-сулдаб боғчага олиб бораман. Турли қаватларда жойлашган группаларга топшираману бир зум ўзимни қушдай енгил ҳис қиламан. Энди ўзим ҳақимда ўйлашим мумкин. Сўнг автобусга илиниб, кечикмай ишхонага етиб олиш ташвиши...

Ишхонадаги тинч ҳаётим ҳам бузилди.

— Йигитлар пахтага кетишди. Командировкага боришингизга тўғри келади, — деди лабораториямиз бошлиғи ҳузурига чақириб.

— Ахир, болаларим бор, қарайдиган одамим йўқ...

— Тўғри, болаларингиз ёш, лекин начора...

— Боролмайман, Бобохон Умарович...

— Жуда қизиқ одам экансиз-ку... Аҳволни тушуниб турибсиз, ёш бола эмассиз. Қандай қилиб «боролмайман» деган гапни айтасиз. Мана, етти йил бўлди бизда ишлаётганингизга. Бирон марта айтдимми, командировкага бориб келинг, деб? Дастлаб сизни ишга олаётганимизда қувонгандим. Лекин умидларим пучга чиқди. Ҳали бирон бир ишни қойиллатиб бажарганингиз йўқ. Ойлаб олиб борган тажрибаларингиздан амалий натижа чиққани йўқ.

— Тажрибаларнинг амалий натижаси биргина менга боғлиқ эмаслиги ўзингизга ҳам аён-ку, Бобохон Умарович...

— Тўғри, ҳаммага ва ҳар биримизга боғлиқ. Лекин сиз бир ўйлаб кўринг, келганингизга неча йил бўлдию ҳақиқий иш кунларингиз неча кунни ташкил этади? Уч марта бир ярим йиллаб декрет отпускасини олгансиз, ойлаб, ўн беш кун-йигирма кунлаб болаларингиз касал бўлиб туришади... Ҳеч бир ой йўқки, прогул қилмасангиз. Фан деганини чидаганга чиқарган, «бу — машаққатли, қора меҳнат, болаларнинг кўйлақ-иштончасини ювиб-қуриштиш, бурнини артиш деган гап эмас, ахир. Бутун борлигиниз билан берилмасангиз, дунёдан, роҳат-фароғатдан кечмасангиз, ҳеч нарса чиқмайди. Йўқ, мен ҳайронман сиз хотинларга, аввало ҳамма томонга ўзингизни урасиз, олим бўлганингиз келади, ҳатто арбобликкаям талабгорлик қиласиз. Ойлиги кўпроқ ишни беришларини сўрайсиз, бермасалар, бинойидек хафа ҳам бўласиз... Бунинг устига, яна йил ўтказмай бола туғасиз. Ахир ҳозирги давр қанақа давр эканлигини ҳам бир ўйлаб кўринглар.

У гапираверади, гапираверади, мен столга таянганча юзимни кўлларим билан тўсиб, индамай эшитаман. Унга қарши ҳеч гап айтолмайман. Унинг ҳамма айтганлари тўғри — етти йилдан бери ишимни ҳисоблаб чиқилса, ишлаганим икки йилни ҳам ташкил қилмайди. Болаларим асли касалванд, бирининг кетидан бири оғриб туради. Тўғри, мен фаннинг машаққатли меҳнат эканлигини билардим; химияни яхши кўрардим, сонсиз тажрибалар устида суткалаб ишлашдан ҳам эринмасдим, катта олим бўлишни, оламни лол қолдиришни, шон-шўхратни истагандим. Бунинг учун куч-қудратим бор, етиб-ортади ҳам, деб ўйлагандим. Ортиб қолган куч-қувватимни югуришга сарфлардим. Суратларим газеталарда босилиб чиқарди, телевизорда интервьюлар берардим, пионерлар билан учрашганимда, бўйнимга қизил галстук боғлаганларидан чексиз бахтиёр булишарди, уларни ютуқларим, муваффақиятларимнинг боиси нимадалиги қизиқтирарди. Буларнинг ҳаммасига мен атиги йигирма беш ёшимгача эришгандим.

Бобохон Умаровичнинг арбобликкаям, ойлиги кўпроқ ишга ҳам тагин талабгорсан, деган шамасида жон бор. Мен етти йилдан бери кичик илмий ходимман. Катта илмий ходимнинг ўрни бўшаганда олдига кирганман. Лекин бу ўринни менга беришмаган. Бобохон Умаровичнинг раҳбарлигида кандидатликни ёқлаб, унинг истаган хизматини бажо келтиришга қодир бўлган Хадихахон Жамолова аллақачон тайинланиб бўлган экан. У ёш, эрга теккан, тезгина ажрашган ва фан йўлидан кетган. Ортиқча ташвиши ҳам йўқ. Лекин у ўтказаётган тажрибалар қандай натижаларни бераётгани менга ҳам, бошқаларга ҳам қоронғи.

— Ахир, мен ундан кўпроқ вақтдан бери ишляпман-ку, — деганман мен, тик турганча кўзёши қилиб.

— Ишлайверинг ўз жойингизда. Сизни биров ҳайдаяптими? — деганди Бобохон Умарович креслосида айланганча.

— Ахир, токайгача 130 сўмга ишлайман?

— Нима, сизни ойлиги қизиқтирадимми? — чиндан ҳам ҳайратланиб сўраганди Бобохон Умарович.

— Бўлмасам-чи, ахир учта болам бор-ку, — дегандим мен ҳиқиллаб.

Ойлигим кўпайса, ҳарна рўзғор учун ортиқчалик қилмаслигини ўйлаганман. Чунки Ҳафиз икки гапнинг бирида: «Ишла, оила ташвишлари оғирлик қилаётган бўлса, бирини танла-да, қолаверса, сенинг юз ўттизингни ҳали кўлимда ушлаб кўрганимча йўқ», деганлари жонимга тегиб кетганди.

— Рўзғор ўтказишга қийналаётган бўлсангизлар, майли, чўнтагимдан тўлай қолай, — деганди Бобохон Умарович безрайиб...

Менинг ўша «кирдикорим» Бобохон Умаровичнинг шунчалик ғашини кўзфаган экан, унутолмай энди юзимга солаётганди. Лекин яна ҳам ҳаққоний ўйлаб қаралганда, бари бир катта илмий ходим мен бўлишим керак эди. Агар Бобохон Умаровичга яқинроқ одам бўлганимда, агар унинг ҳамма хизматига яроқли бўлганимда, бўлардим ҳам.

Тавба, нақадар чорасиз бўлмасам-а... Биргина: «Командировкага боролмайман», деган гапимга шунчалар таънаю маломатлар эшитиб ўтирсам-а. Мен ҳозир ё «ҳа», ё «йўқ», дейишим керак. «Ҳа» ёки «йўқ» дейишим билан ҳамма гап ҳал бўлади қолади. Бу ишда ё қолиш, ё кетиш, деган гап. Айтилаётган бу гап-сўзлардан сўнг бошқача йўл тутиб бўлмайди. Мен ишдан кетолмайман. Ҳафиз хоҳласа, уйга яна қайтиб келади. Хоҳламаса — йўқ. Унинг феъли аён. Кайфиятига қараб иш юритадиган, ҳеч кимга ҳисоб бермайдиган, бўйсунмайдиган одам. У қайтиб келганда ҳам, келмаганда ҳам ишдан воз кечиб кетишим мумкин эмас. Уч боланинг тақдири менинг зиммамда. Уларни боқиш, тарбиялаш, оёққа турғазаш... Тажрибаларим халқ хўжалиги учун амалий натижа бермаса ҳам, бир ойда ўн беш кун ишга чиқмасам ҳам, бари бир корхонадан кетолмайман, кетмайман ҳам. Бу менинг хоҳишимга боғлиқ эмас.

— Майли, қаёққа юборсангиз ҳам боравераман командировкага, — дея бошимни кўтараман, Бобохон Умаровичга тик қарайман.

— Бу бошқа гап, — Бобохон Умарович шунча гапирган гапи ерда қолмагани, инобатга олинганидан мамнун ҳолда табассум қилади. — Фақат... болаларни нима қиласиз?

Унинг ёлғондакам ғамхўрлиги ғашимни келтиради.

— Бу ёғи энди менинг ишим, — дейман чўрткесарлик билан. — Қачон ва қаерга боришимни айтинг...

— Эртага, Самарқанд суперфосфат заводига...

Жуда яхши. Уз шахримга бориб келсам ёмонми, ўрта мактабни битиргач, дорилфунуннинг кечки бўлимида ўқиб, худди ана шу завод лабораториясида ишлаганман. Қариндошларим, қадрдонларим, дўстларимни кўриб келсам, бир оз кўнглим ёзилармиди...

Бобохон Умарович бари бир раҳмдил одам. Уз шахрига бориб келсин, қийналмасин, деди шекилли.

— Ҳа, нима гап? — мен бошлиқнинг хонасидан чиққанимдан сўнг ёнимда ишловчи уч аёл худди ҳеч нарсадан беҳабардек суриштира кетишди.

— Нима дедилар Бобохон Умарович?

Бобохон Умаровичнинг нима деганини улар яхши билишади. Мендан олдин худди ана шу борада улар билан ҳам яккама-якка гаплашилган, уларнинг ҳар бири ўз баҳонасини пеш қилиб командировкадан қутулиб қолишган. Улар — пишиқ одамлар, кўнгилларидаги гапни худди менга ўхшаб ҳар жойда ошқор этишмасада, ҳар бирлари бу сир-синаотни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди, деб ўйлашсада, муғомбирлик юриш-туришларида, чехраларида шундоқ сезилиб, билиниб туради. Мен уларнинг ҳар бирининг сабаб-баҳонасини мана бундай деб тахмин қиламан.

Санобар опа, 45 ёшлардаги, бесўнақай, семира бошлаган, қандай бичимда, қандай қийматдаги кийимни киймасин, бари бир рангига ҳам, қомастига ҳам ўтиришмайдиган, агар сочини устара билан қиртишлаб ташласа, тайёргина эркакка айланувчи аёл шундай дейди:

— Бобохон Умарович, командировкаларда хўп юрганмиз ёшлик йилларимизда... Шу юришларда соғлиқдан ажралганмиз. Мен махсус тайёрланган овқатларни емасам, қонимдаги қанд моддаси ошиб ёки камайиб кетади. Докторлар командировкага сира рухсат беришмайди. Бу ёқда беш боланинг ташвиши... Қўйинг энди, пенсиямга беш йил қолди. Бир оз чидайсизлар энди, беш йилдан кейин кетаман, ана ўшанда ўрнимга келадиган одам қаёққа десаларинг бораверади...

Рафиқа опа 38 ёшларга бориб қолган, қорача, истарали хотин, аммо ўзини ғоятда гўзал ва ғоятда латофатли аёл деб ҳисоблайди. Қадамни қандай босишни, одамлар билан муомала қилганда қандай овозда гапиришни, лабини қандай қимирлатганда оғзининг ўнг томонида ўрнатилган тилла тишлар кўриниб кетишини, кўзларини қандай ўйнатишни обдон машқ қилиб ўрганиб олган. У одамлар ўзининг бу ёқимсиз қилиғини сезишмайди, мен уларни боплаб лақиллятлапман деб ўйлайди. Лекин ҳар қандай сохталик ва ясамалик бари бир яланғоч эканлигини, ўз-ўзини беихтиёр фош этаётганлигини билмайди. У шундай дейди:

— Бобохон Умарович, эрим мени жудаям рашк қилади. Ҳатто ишхонага келиш-кетишимгача пойлаб, кўриқлаб юради. Кўзга яқинлигим пешонамга битган бало бўлди. Командировкага боришимни эшитса, мени эмас, сизни тинч қўймайди...

Бобохон Умарович — соясидан кўрқадиган одам, «кўзга яқин» аёлнинг касофатига қолишни сира-сира истамайди. Ҳадичахон билан бўлиб ўтган гапни улар иккаласи билади. Ҳар ҳолда Бобохон Умарович кўрқа-писа:

— Командировкага борармидингиз? — деб сўрайди кўнглига бориб.

Ҳадичахоним эса:

— Менга бари бир, Бобохон Умарович, ҳамма жойда ҳам бир тошу бир тарозу-да, — дейди.

Йигирмадан сал ошган, қилпиллаб турган жувоннинг бу гапидан элликни қоралаб қолган, қориндор эркак албатта ўзига яраша хулоса чиқариб олади. Бу гапни ортиқ давом эттирмайди.

Уларнинг ҳаммаси дил-дилидан менга умид боғлашади: эри бўлар-бўлмасга рашк қилавермайди, бола-чақанинг зиён-заҳматидан сулайиб қолган, қарши овоз билдиришга ҳол-қудрати ҳам йўқ, болаларини эплаштира, бориб кела қолиши мумкин. Осмон узилиб ерга тушмайди-ку...

Мен бу аёлларнинг ҳар бирининг юзига худди Бобохон Умаровичга тик боққанимдек қарайман.

— Эртага командировкага кетяпман! — дейман виқор билар.

— Вой, сизни қаранг, болаларни нима қиласиз? — дейди Санобар опа.

— Эрингиз жуда ажойиб одам-да, рашк ҳам қилмайди, бахтлисиз, — дейди Рафиқа опа.

— Бобохон Умарович, сиз шу ерда бизга кераксиз, демаганларида «пирр» этиб учиб кетган бўлардим-а, ўзгинам, — чийиллайди Ҳадича. Мунофиқлик шундоқ кўриниб турибди, лекин нега бунга қайта-қайта таъкидлашаверади — ёлғон қилиқлари, ёлғон сўзлари, ёлғон меҳрибончиликлари билан?.. Кўзларида меҳр йўқ, нигоҳлари совуқ, фақат ўзим бўлай, фақат мен тинч бўлай, фақат менга тегишмаса бўлди, деган фикру хаёл билан кун кечиришади...

Энди, эртадан бошлаб, узоқ пайтлардан буён ўйлатиб келган, лекин қатъий қарорга айланмай қийнаган ниятни амалга ошираман. Болаларни ҳафталик гуруппага ўтказаман, ҳақиқий меҳнатдан иборат ҳақиқий ҳаётни бошлайман. Хотиржам, хоҳлаганимча ишхонада қолиб ишлайман, уйга сира шошилмайман, овқат пишириб юрмайман. Бўлди энди, ўзим ҳақимда ҳам ўйлашим керак. Бобохон Умарович жуда тўғри айтдилар — нимадандир воз кечилмаса, нималаргадир эришиш қийин. Энди бундан сўнг спорт кийимлари сотиб оламан, эрта тонгда туриб, ҳар кун югураман. Юзимдаги ажинларни кўпайтирмаслик чораларини кўраман. Косметикага қатнайман, сочларимни яхшилаб қирқтириб, жингала қиламан. Кийим-бош ҳақида ҳам сира ўйламаганман. Илгариги тикувчимни излаб топишим керак. Кўйлақлар тиктираман. Буларнинг ҳаммасига пул керак. Астойдил ишласам, топилади. Биламан, ўтиб кетаётган умрни, ёшликни тўхтатиб бўлмайди. Лекин ўз-ўзингда ёшликни, чиройни, куч-қувватни кўпроқ муддатга сақлаб қолишга ҳаракат қилиш ҳам керак. Бировларнинг таънаю маломатига учрамаслик, сени топташларига йўл бермаслик учун қўлингдан келадиган чора-тадбирни кўришинг даркор. Кейинги йилларда рўзғорга, болаларга, эрга ўралашиб қолиб жудаям майдалашиб кетдим. Лекин ҳалиям кеч эмас. Фақат феълни кенг қилиш, эртанги кунга умид билан қараш керак. Кутмоқ ва умид қилмоқ...

Бугунги куним ҳам одатдагидек кечади. Ишхонадан чиққач, сал нарироқдаги, кўча бошидаги кичик бозорчага ўтаман. Бу ерда рўзғорга керакли нарсанинг ҳаммаси бор. Бозорни бир айланиб чиққунча қўлимдаги катта қора сумка тўлиб қолади. Ишдан кейин чарчоқдан эзилган гавдага бу юк оғирлик қилади, албатта. Лекин бу юкни мен кўтармасам ким кўтаради? Автобус бекатигача анча пиёда йўл босиш керак. Уйга етиб боришим учун бор-йўғи ўн тийин сарфлайман. Узоқ навбат кутсам, йигирма тийин тўлаб, маршрутли кичик автобусда бемалол таксида ўтиргандек кетишим мумкин. Мен эса ҳар доим бозор биқинида тўпланувчи таксиларнинг бирида юмшоқ ўриндиққа ястаниб ўтириб кетгим келади. Бунинг учун уч сўм керак. Шофёр қайтимни ҳеч қачон қайтармайди. Йўқ, мен ҳар гал бу истакни ўзимдан узоқлаштираман. Уч сўм қайдаю ўн тийин ёки трамвайга кетадиган уч тийин қайда?..

Мен ана шундай ўй-хаёлларга ўзимни овора қилганча борарканман, кутилмаганда кўчанинг нариги бетида, одамлар оқими орасида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай бораётган Ҳафизга кўзим тушгандай бўлади. Ҳеч қаёққа қарамай, шошилмай, секин-секин қадам ташлаб боряпти. Ёнида кимдир бор, унга қараб гапирганда юзи мен томонга аниқ кўринади. Ёнидаги ким экан? Бўйи ундан бирон қарич пастроқ ёш бир аёл... Юрагим бирдан тўхтагандай қадам босолмай, ўрнимда қотиб қолдим. Мана, ниҳоят кўрдим. У менинг шу пайтда ишдан чиқишимни билиб, шу йўлдан ўтиб кетяпти. «Мана, кўриб қўй, мен шу ҳолимча ҳам кимгадир керакман, ким учундир қадрлиман. Сен мени сарсон бўлади, бир кун яна қошимга ялиниб қайтади, деб ўйлабмидинг?» демоқчи бўлгандир. Ҳафизнинг кўлида аёлнинг кичкина сумкачаси. Тавба, нақадар калтафаҳмлик. Ахир бу нозиккина аёл ҳам вақти келиб менинг аҳволимга тушади-ку. Бунақа сайр этиб юришлар узоққа чўзилмайди. Аёл болали бўлади, яна ҳаёт, серташвиш, ҳақиқий ҳаёт қайтадан бошланади-ку! Бари бир бугун бўлмаса эртага оғир сумкани кўтаради. Тақдирдан қочиб қутулиб бўлармиди?

Мен айна дамда уларнинг назарига тушиб қолишни сира-сира истамайман. Балки мenden бошқа хотин бўлса, ҳозир уларнинг ёнига югуриб борар, катта қора сумкаси билан иккаласининг ҳам бошига боплаб тушириб, дард-аламларининг хуморидан чиқармиди? Йўқ, мен ундай қилмайман. Мен ҳозир борсам, уларнинг йўлини тўссам, Ҳафиз аёлга: «Ана, кўряпсанми, мен айтсам ишонмовдинг, тарафини олудинг. Хотинимнинг асл башарасини кўряпсанми? Қарагулик жойи йўқ. Бунинг устига жуда тез қариб қолди. Қўполлигию маданиятсизлигини айтишнинг ҳожати ҳам йўқ. Бу хотинга мен чидаб келаётгандим. Энди чидаб бўлмаслигига ишонапсанми?» дейди, ўзининг ўзича ҳақлигини исботлаш учун баҳона топилганидан беҳад қувонади. Хотин эса: «Гапинг тўғри экан, Ҳафиз. Хотининг сендай нозиктаъб инсонга сираям лойиқ эмас экан. Дидингга қойил қолмадим. Бундай одамга мен ҳам чидаш бермаган бўлардим. Сен-ку етти йил яшабсан, уч болали бўлибсан. Мен бир соат ҳам яшамасдим», демайдими, тагин ҳам яқинроқ суйкалиб. Менга эса, «Ёмонлигинг ўзингга ҳам аён дидир. Яхши бўлсанг, эринг сени ташлаб чиқиб кетмасди. Мен яхши эканман, менга хушомад қилиб юрибди. Қайга борсанг бор, қўлингдан келганини қил. Лекин айтиб қўяй: агар тўполон кўтарсанг, милиция чақираман. Ҳозир зўрлик замони эмас. Ҳар бир инсон хоҳлаган одами билан яшашга ҳақли», демайдими?

Улар кафе яқинига борганда бир зум тўхтаб қолишди. Афтидан «Кафега кирамизми, йўқми? Бошқа бирон кўнгилочар жойга бориб мириқиб дам оламизми?» дея маслаҳатлашяпти.

Улар мен яқинлашиб бораверсам, қўрқиб қолишлари тайин гап. Тўхтаб кутиш эса ноқулай. Одамлар айтмайдими, сумка кўтариб олган бу аёл ўзидан-ўзи нега таққа тўхтаб қолди, уйига тезроқ шовилмайдими, деб. Мен йўлдан бурилиб трамвай бекати томонга қараб юрдим. Бу жойдан ҳам Ҳафиз ва унинг ҳамроҳи кўриниб туришарди. Йўқ, улар кафега киришмади. Ҳафиз йўл ёқасига чиқди-да, машиналарга қўл кўтара бошлади. Ҳаворанг «Жигули» тўхтади. Ҳафиз машина эшигини очиб тавоз билан олдин аёлни ўтказди, сўнг ўзи тирди. Машина кетди...

Мен бекатнинг темир панжарасига суяниб қолавердим. Чайқалиб йиқилиб кетай дедим. Лекин ўзимни тутиб қолдим. Йиқилиш мумкин эмас.

Бу шаҳар нақадар катта ва кенг. Бунчалар одамлари кўп, ҳамма ўзи билан ўзи овора, ўз ташвиши, ўзининг ғами, қувончи бор. Агар шу зум йиқилсам, улар лоқайд ўтиб кетишмади. Турғазиб қўйишади. Туролмасам, «Тез ёрдам» чақириб ҳам уларга малол келмайди. Лекин мен улардан дарду ғамимга чора сўрасам-чи? Бош чайқаб қўйишади, насиҳат қилишади. «Ўзингни бардам тут, кўп куйинма, бу ҳаёт арзимайди кўп куйинишга», дейишади. Шу, холос... Бу катта шаҳарда ҳам минг азобда бола туғиб, катта қилиш, ҳам ишхонада амалий натижа излаб юзлаб тажрибалар ўтказиб, ҳам хўжалик сумкасини ерга кириб кетгудек бўлиб кўтарганча, ўн тийинлик автобусга илиниб олиб, бир соат тик туриб уйга етиб бориш, рўзгорнинг майда-чуйда ташвишларига кўмилиш, бадмаст эр билан ҳар кун, ҳар тун сан-манга бориш, уни ўзга бир аёлни етаклаганча жўнаб кетаётганига қараб туриш ва индамаслик, ниҳоят яна гўзал, латофатли, назокатли бўлиб қолиш, қаримаслик, ҳамisha ёш бўлиб яшнаб юриш... Йўқ, бу катта, бу серғалва шаҳарда унинг асфальт ва бетон қориштириб ясалган йўлларига урилиб, мажақланиб кетмаслик учун тошга, темирга айланиш керак...

Мен йиқилиб кетмадим. Сабр-тоқат билан трамвайни кутавердим, кутавердим... Биринчи, ўн учинчи, еттинчи, саккизинчи, йигирма олтинчи, йигирма учинчи ва яна қаёққа кетаётганлиги менга номаълум бўлган қанчадан-қанча трамвайлар тўхтаб-ўтиб кетаверди. Фақат менинг трамвайим келмасди. Кутавердим. Шаҳарга қоронғилик чўкди. Мен кутган трамвайдан дарак йўқ

Қаршимдаги кўп қаватли иморат тепасида ўрнатилган соатнинг чироқлари ёниб порладию мен бирданига ўзимга келдим. Боғчага кечикаётгандим. Соат 8 дан ҳам ошиб кетибди-ку... Сумкани кўтарганча маршрутли такси бекатига қараб югурдим. Бу ерда бирон соат навбат кутиш керак. Йўқ, мен навбат кутиб туролмайман. Бор куч-қувватимни йиғдимю одамлар тўдаси ёнига келиб тўхтаган таксига ўзимни урдим. Туртиниб-суртиниб олдинга ўтиб, бир оёғимни зинага қўйганимни биламан, бурнимга ароқнинг ўткир ҳиди ўрилиб, қулоқларим остида зардали, баджаҳл овоз янгради:

— Ҳов, оймоча, бир уриб тумшўфингни мажақлаб ташлайинми? Нега навбатга қарамай чиқиб олмоқчи бўляпсан... — У тирсаги билан мени бир итардию йўлимни тўсди. — Қўймайман, туш пастга...

— Мен ҳам анчадан буён турибман навбатда! — дея чинқирдим — Кўясанми, йўқми, сассиқ пияниста? Ё милицияни чақирайми?

Орқадагилар бақирди:

— Вақтни ўтказманглар, ё пастга тушиб жанжаллашинглар, ё йўл бўша-тинглар...

— Ешгина аёл экан, навбатда турса ўлиб қоладими? Яна гап талашишга бало борми?

Менга дағдаға қилган эркак кўполлик билан бир силтандию таксига чиқиб олди. Унинг ортидан мен ҳам кўтарилдим. Тезгина бориб бўш ўриндиққа бемалол ўтириб олдим. Бир зумда такси лиқ тўлди. Машина юриб кетди.

Бугун ҳаддан ташқари чарчаганимни энди ҳис қила бошладим. Бояги эркак оғир муштуми билан бир тушириб қолса, қандай ҳолга тушардим? Узим шунчалик чарчаган бўлсам, оёқда зўрға турибман-ку, кўрқмабман ҳам. Бир турса тунтарилиб йиқилишим, оғир сумкамдаги нарсалар ҳам ҳар ёққа сочилиб кетишини кўз олдимга келтирдиму шунча воқеа-ҳодисалар бошимдан кечган шу бугунги кунда биринчи бор ҳўрлим келиб кетди. Кўзларим беихтиёр қайноқ ёшга тўла бошлади, овоз чиқариб йиғлаб юборганимни билмай ҳам қолдим. Агар боя калтаклансам, бунчалик йиғламаган, балки ўрнимдан тура солиб кучим борича, хумордан чиққунча ўша эркакни дўппослаган бўлармидим...

— Кўйинг, йиғламанг, синглим, — далда берган бўлди ёнимдаги бир кампир.

— Ҳозирги замондаги эркакларда инсоф йўқ ўзи... — деди яна бир аёл.

— Ҳақиқий эркакларни яқин вақтда фақат кўриқхоналарда намуна учун сақлайдиган бўлишади...

— Ҳақиқий аёлларни ҳам учратиш қийин бўлиб қолди-ку, опагон, — деди бир йигитча олдинги қатордан дўрилдоқ овозда.

— Ахир аёл бечора бекорга уйига шошилмайди-ку. Болалари бордир, ўшаларнинг ташвишини ўйлаб шошилаётгандир...

— Шунчалик катта ва оғир сумка билан навбатга келиб тиқиласанми-я, қизим, — деди яна ёнимдаги кампир. — Илгарилари ҳатто кўчанинг нариги бетидаги ҳовуздан бориб сув ташиб келтирмасдик. Бўш сатилни шундоқ ҳовли эшигининг олдида қўйсақ, ўтиб кетаётган ҳар қандай эркак ҳам йўлидан тўхтаб, сатилни олиб, сув келтириб қўярди. Ҳозир каттаю кичикнинг фарқи йўқ — аёлу эркак югургани югурган. Қаёққа шошади ўзи булар, а?

— Кўйинг, бувижон, ўтган кунлардан, ўтган замонлардан гапирманг, у пайтлар сизлар ҳақ-ҳуқуқсиз эдиларинг, ҳозир биз билан ҳамма соҳада тенг ҳуқуқлисизлар. Ҳатто бошимизга чиқиб олгансизлар. Тенг ҳуқуқлимиз, деб доим мақтанасизлар. Шу жумладан сатилни тўлдириб сув келтиришу навбат билан автобусга чиқишга ҳам ҳуқуқлисизлар... — дейди қай бир эркак.

Мен эса йиғлардим, темир ёки тош эмас, оддийгина, кучсизгина аёл эканлигимни ҳис қилиб, алам билан йиғлардим...

...Болаларим бўй-бастларига мос пастгина курсичаларда кўчалик кийимларини кийиб, кутиб ўтиришибди.

— Аям, аям келдилар! — улар ўринларидан ҳовлиқиб туриб чапак чала бошлашади.

Менинг болаларим... Бағримга тортарканман, галма-галига ўпа кетишади.

— Ая, йиғладингми-а, нега йиғладинг, — кичкинам ҳали «сен» ва «сиз»ни фарқлаб айтолмайди. Яна сўрайди, энди «сиз»лайди: Йиғладингизми?

— Йўқ, йиғламадим.

— Нега бўлмаса кеч келдингиз, бизларни боғчадан эртароқ олмадингиз... — дейди каттаси.

— Кеч келсам ҳам келдим-ку, болажоним, — дейман худди гуноҳкордек. Эртадан бошлаб уларни ҳафталик группага ўтказиб қўйсам, болагиналаримнинг аҳволи не кечишини ўйлайман, юрагим аллақандай эзилиб кетади.

Бу тун Ҳафиз уйга қайтмади. Чарчагандим. Ухладимми, йўқми — билмайман. Ҳарҳолда қаттиқ ухлаб қолган пайтимда ҳам уйимиз олдида келиб тўхтаган ҳар бир машинани сезиб ётдим, лифтнинг ҳар бир кўтарилиб тушишидан хабардор эдим, эшик қўнғироғи жиринглаб қолишини кутардим...

\* \* \*

Самарқанд. Аэропорт. Ҳаво очиқ. Илиқ шабада эсиб турибди. Тўйиб-тўйиб нафас оламан. Кечаги, олдинги кунлардаги, ўтган тундаги оғир ўй-хаёллар, ташвишлар ўзга шаҳарда, ўзга осмон остида қолиб кетгандек гўё. Мен ўзимни ниҳоятда енгил сезаман. Анча вақтлардан буён бу менинг биринчи марта ёлғиз сафарга чиқишим. Ҳамиша ёнимда Ҳафиз, қўлимда ва атрофимда ёш болалар, кийим-кечаклар тўла оғир сумка бўлар эди. Ҳозир қоғоз-қалам, атир-упагина сиғадиған кичкинагина сумкачани кўлтиғимга қистириб олганман. Кўзимга дастлаб кўринганларнинг барчаси таниш. Газета-журнал киоскаси сотувчиси, буфет хизматчиси, шу атрофда ҳамиша кезиб юрувчи милиционер — ўша-ўша, мен кўрган, билган одамлар. Йўловчилар ҳам ҳаёлимда менга таниш, уларни бу кичик шаҳарнинг қаеридадир кўрганман, уларнинг ҳаммаси ҳам қандайдир бир-бирига



Ўхшаб кетади, башараларими, кийим-бошларими, кулгиларию гап-сўзларими... Худди ҳамма бир-бирига қариндошдек.

Ҳафиз ҳам менга бир пайтлар худди қариндошдек, балки ундан ҳам яқинроқдек эди.

У пайтлар мен ёш эдим, чемпион эдим, изланувчан илмий ходим эдим. Бу шаҳарда ҳамма мени танирди. «Саодат» журнали муқовасида чиққан рангли суратим ҳаммаёқда осифлиқ эди. Мени севишарди, мен билан фахрланишарди. Уша пайтлар хаёлимда гўё ҳамма одамлар дунёни мендай кўрар, мендек тушунар эди.

Мен худди ана шу ерда, аэропортда Ҳафизнинг ёнига борганман, биринчи бўлиб ўзим гапирганман:

— Ҳой, менга қаранг,— дегандим унга дабдурустдан.— Менга битта билет топиб беринг, Москвага учмоқчийдим.

— Қачонга?— деган у ҳам ҳеч иккиланмай. Ҳафиз ўз-ўзидан келиб гап бошлаган қизнинг дадиллигидан эсанкираб қолмайдиган йигит экан.

— Эрта эмас, индинга...

— Мен сизга билетни қачон ва қаерга келтириб бераман?

— Эртага шу пайтда шу ерга келаман.

— Бўпти.

Эртасига шу пайтда мен бу номаълум йигитдан билетни олдим. У билан атиги троллейбус бекатигача гаплашиб келдик. Менинг исмимни биларкан. Танишишни орзу қилиб юрган экан. Рассомман, суратингизни чизмоқчиман, деди. Қачон қайтишимни сўради.

— Нимади?— деб сўрадим.

— Кутиб оламан,— деди.

— Ҳали ўзим ҳам билмайман,— дея жавоб бердим. Менинг шунгача бўлган ҳаёт йўлимда Ҳафизга ўхшаш йигитлар кўп учраганди. Негадир мен йигитлар билан ҳайиқмай, дадил гаплашар, ҳеч қандай ваъда ҳам бермай, ҳеч қандай майл ҳам билдирмай, шунчаки таниш қаторида муомала қилар эдим. Улар эса менинг истакларимни жон-дилдан бажаришарди. Ҳафиз ҳам ана шундай танишлар қаторига кирарди.

Йўқ, мен Ҳафизга дабдурустдан бориб гапирмаганман. Уни мен анчадан буён сезиб юрардим.

Ҳар тонг ҳовлимиз эшигини биринчи бўлиб мен очардим. Ҳаммадан аввал ишга кетардим... Мана, анчадан буён дарвозани очишим билан оёқларим остига шитирлаб гуллар тўкилади. Ҳар куни улар турлича — атиргуллар, чиннигуллар, лолалар ё чиройли дала гуллари — эшикнинг дастасига қистириб қўйилган бўлади. Бу ишни ким қилаётганини ҳам сездим. У кўпинча кўчамиз бошидаги телефон будкаси, ё бекатдаги газета-журнал киоскаси орқасида, ё заводимиз қаршисидаги ойнавандли сартарошхонадан мен томонга қараб турган бўларди. Қаерга бормайин, қаерда бўлмайин, беихтиёр нигоҳим шу йигитга тушади, бир сўз демайди, дардманд одамдек қисиниб-қимтиниб тураверади. Негадир унинг қийналишини, эзилишини истайман. Ахир менинг ўзим ҳам Абдулатифни ўйлаб, унутолмай, қийналиб юргандим-да уша пайтлар...

Атрофимдаги таниш-нотаниш йигитларнинг ҳеч бири мен учун Абдулатиф ўрнини эгаллай олмасди. У мен учун ҳаммадан кўра баркамол, ақлли, кўркам йигит эди.

Абдулатиф — лабораторияда мен билан ёнма-ён ишловчи, иш ўргатиб, кўнглимда химияга ҳавас уйғотган Мукаррама опанинг жияни эди.

— Бир жияним бор, ажойиб йигит, Роҳилага муносиб,— деб кўярди доим Мукаррама опа.— Каникулда келса, икковини таништириб кўяман.

— Кераги йўқ, мен эрга тегмайман,— дердим уялиб.

— Ундай дема, тенги чиқса қизингни текинга бер, деган гап бор. Абдулатиф ҳам ўзингга ўхшаган илм кетидан қувадиганлардан. Москвадан келсин, ҳали ўзингга ҳам ёқиб қолади.

У менга ёқиб қолди. Дунёда яхши кўриш деган гап бўлса — яхши ҳам кўргандим. Нима учун? Билмайман — баланд қоматими, сиполигим, кийинишими, муомаласими ва ёки Москвадан келиб-кетиб туриши, аспирантлигим — ишқилиб, менга у ёқарди. Келганида шаҳар айланардик, кинога тушардик. Битиришига бир йиллар қолган, у қайтгач, турмуш қурамыз, деб аҳд-паймон қилгандик.

У кейинги пайтларда қандайдир ўзгарган, хатларида доим «бир ам иш кўпайиб кетганки» деган гапни ҳадеб такрорлар эди. Кейинчалик почтага бориб, узок навбатда туриб, «сизга хат йўқ», деган жавобни оладиган бўлдим. «Уни кўришим керак, балки касалдир, балки бошига бирон мушкул иш тушгандир? Мен хабар олмасам, ким олади»,— миямда ана шу гап қаттиқ ўрнашиб қолди-ю, Москвага учиб борадиган бўлдим. Аэропорт кассасида мен борадиган муддатга билет йўқлигини билиб, бошим қотиб турган пайтда Ҳафизга кўзим тушгану ўйламай-

нетмай, унга билет топиб беринг, деб, негадир ишонч билан иш буюргандим. Белгиланган жойга, белгиланган пайтда Ҳафиз билет топиб келди. Москвага бордим ҳам. Абдулатифни излаб топдим. Аллақачонлар бир аёлнинг эри, кўзлари кўм-кўк, мунчоқдай бир қизалоқнинг отаси бўлишга улгурган, бундан мени қандай хабардор этишни билолмай қийналиб юрган экан.

Қайтишимда кузатиб чиқди.

— Мени кечир, Роҳила,— дейди нуқул.

Мен эса ундан кўр узолмайман. Унинг бутун қиёфасини қорачиқларимга жойлаб олмоқчи бўламан. Қоп-қора кўзлари, елкасигача ўсиб тушган сочлари, кулранг костюми, оппоқ ёқали кўйлаги... Тикилиб қоламан. У нигоҳимдан ўзини олиб қочмоққа уринади, ҳали ярмига ҳам етмаган сигаретини ерга ташлаб, оёғи билан эзгилаб ташлайди. Елкамдан тутиб:

— Эшитяпсанми, Роҳила, мени кечир,— дейди яна.

«Кечир... Нима учун? Мен ҳозир ҳеч нарсани фаҳмлай олмаяпман...»

— Сен яхши қизсан. Мен сендай қизга арзимамайман...

— Йўқ, йўқ, ундай деданг,— мен қўлимни унинг оғзига тутаман.

Мен худди шундай ҳолатни илгарилари фақат тушларимда кўраддим ва ёки тасаввур қилиб кўришга уринардим. Биз ҳозир қанчалар яқин турибмиз. Қўлларим ўз-ўзидан оппоқ ёқали бўйнига чўзилади. У энгашгандай бўлади, бошим устида аввал мовий осмонни кўраман, тиниқ осмон, кейин унинг ўрнини қоп-қора кўзлар эгаллайди, иссиқ сигарет ҳидига қоришиқ ҳаводан бир зум вужудим беҳоллашади.

Яшаш... Яшаш шундай лаҳзалардан иборат эмасми? Яна нима керак одамга?

— Йўқ, Роҳила, йўқ,— у бирдан қўлларимни бўйнидан олиб итаради.— Қўйинг, керакмас...

Мен қўлларимни чўзганча қотиб тураман ва бирдан ўкириб йиғлаб юбораман...

— Йиғламанг, мен сизнинг кўзёшларингизга арзимамайман. Нега мени қарғамасиз, нега тарсакилаб урмайсиз?..

«Қизиқ, нега энди мен уни қарғашим, тарсакилаб уришим керак? У ҳаммадан ҳам яхши бўлса, бунинг учун у гуноҳқорми?»

— Сиз бари бир яхшисиз!— дея ҳиқиллайман мен.

Қизиқ, унинг хиёлати, бевафолиги заррача ҳам менинг муҳаббатимни ўзгартиролмаган, аксинча, яна қанча пайтлар унутолмай, қайтишини истаб, умид боғлаб юрганман. У эса қайтмаган...

Мен уни Ҳафиз қиёфасида кўришга ҳаракат қилиб, ўз-ўзимни овунтириб яшаганман. Қайда бўлмайин, қайга бормайин Ҳафиз мени изма-из таъқиб этарди. У «Замондош қиз» суратлар туркумини ўшанда яратганди.

Ҳафизга турмушга чиқишим ҳам худди у билан илк дафъа танишувимдек жуда оддий бўлганди. Абдулатиф ҳақида беҳад кўп ва бесамар ўйлавериш, «фолбинлик» қилавериш охир-оқибат жонимга тегди. Бир куни атрофимда гирдикапалак Ҳафизга юзма-юз келганимда:

— Менга уйланишни истармидингиз?— дедим томдан тараша тушгандек. Мен ўзимнинг бу қилиғимдан кейин ойлар, йиллар давомида уялиб юрганман. Чунки фақат катта ҳис-туйғу мажбур қилгандагина бу гаплар айтиб юборилиши мумкин ва шундагина улар ўзини оқлаган бўларди, деб ўйлардим.

— Ҳазиллашасизми?— менинг саволимдан у бу гал ҳақиқатан эсанкираб қолганди.

— Йўқ, рост гапни гапиряпман,— дедим.

— Мендан кулаётганга ўхшайсиз. Лекин бу рост бўлса, бу ҳақда орзу қилишнинг ўзи ҳам мен учун энг катта бахт-ку!— дея қувонганди.

Ҳафиз эртасигаёқ бизникига совчиларини юборди.

Мен ўшанда: Ҳафиз мени яхши кўради, бир умр бошида кўтариб юришга ҳам тайёр, деб ўйлагандим. Бир аёлга яна нима керак?

Ҳафиз эса: «Мен бу қизни яхши кўраман. У ҳам яхши кўрса керак. Ўзи биринчи марта менга гап қотди, ўзи «Менга уйланинг, деб таклиф қилди-ку?» деб ўйлаган бўлса керак ўшанда... Менга уйлангач, «Замондош аёл» деб номланган суратлар туркумини яратаман, деб ният ҳам қилган бўлиши мумкин.

Лекин замонга муносиб, ярашиқли ҳақиқий аёл бўлиш нақадар қийин... У менинг қиёфамда замондош аёлни учратолмай қийналди, биргаликдаги турмушимиз давомида кўнглига ёқадиган бирон асарни ҳам яратолганича йўқ... Ҳамиша тажанг, ҳамиша нимадандир норози...

У бизникига совчиларини юбориб, тўйга тайёргарлик кўриб юрган пайтларимизда, мени излаб бир қиз келганди. Афт-башараси ҳозир ёдимда йўқ. Чиройли миди-хунук миди, билмайман. Чунки ўша пайтлар бу дунёда фақат ўзим гўзалман, деб ўйлардим, бу борада ўзгаларга ҳавас қиладиган туйғум йўқ эди.

— Сиз экансиз-да Ҳафизнинг бош-кўзини айлантириб, ақлу ҳушидан айирган! Сизни кўришни жудаям хоҳлардим... Мана, тақдир учраштирди.

У менинг юзимга қаттиқ тикилиб қолди. Кўзлари ўткир боқарди. Мен бошқа ёққа ўгирилиб олдим.

— Бахтингиз бор экан. Ҳафиз яхши йигит. Лекин кўзларингизда меҳр кўрмайман. Билишимча, сиз бошқани севгансиз, Ҳафизга аччиқ устида тегаётган экансиз. Ҳафиз эса чинакам, тўлиқ бахтга лойиқ йигит. Биламан, уни мендан ортиқ севадиган, қадрлайдиган одам бу дунёда йўқ. Лекин у сизни танлади — уни куйдирманг, жонига қийноқ солманг. Севмасангиз ҳам, унинг сизга бўлган муҳаббатини ҳурмат қилинг. Менинг сиздан ягона ўтинчим шу.

— Сен уни яхши кўрасанми?— дея сўрагандилар холам ўшанда.

— Билмадим. Бунинг нима аҳамияти бор?— дегандим лоқайдлик билан.

— Ие, нега аҳамияти бўлмаскан?

— У мени яхши кўради, шунинг ўзи бир умрга етиб ортади,— дегандим ишонч билан худди юз йил умр кўрган кампирлардек.

— Йўқ, ҳаёт узун, ҳаёт машаққатга тўлиқ. Бунинг учун бир кишининг севгиси камлик қилади. Қалбингда чинакам муҳаббат бўлса, турмушнинг кам-кўстлари, йўлдаги қийинчиликларни сезмайсан, ҳаммасини енгиб ўтасан. Ҳалиям кеч эмас, яхшилаб ўйлаб кўр...

Қиёфаси ҳозир хотирамда қолмаган, исми билан қизиқмаган ўша қиз ҳам, холам ҳам нақадар доно эканлар. Мен ҳаддан зиёд худбин одам эканман. Уларнинг маслаҳату ўғитларига эътибор қилмаганман. Қайда эшитган бўлсам, ўша жойда қолдириб кетаверибман. Йўқ, қолдирмаганман — улар ҳамиша мен билан бирга бўлган, мени таъқиб этган, ёдимга қайтиб келиш учун пайт пойлашган. Мана, пайти етиб, эслаяпман...

Мен бу дам нега бунчалар сокинман, нега ҳеч қаёққа шошилмайман, нега ҳаво бунчалар ёқимли, атрофимдаги одамлар нега бунчалар чиройли?

Мен она шахримдаман... Атрофимдаги одамлар билан, агар бундоқ ўтириб сўраб-суриштирилса, қачондир, қай пайтлардадир қариндошлик иплари билан боғланганимизга аён бўлади. Ҳафиз билан бир гал ўтириб гаплашиб қолганимизда, узоқ бир даврларда қариндош бўлганлигимизни аниқлагандик...

Автовбуслар келади, тўхтади, жўнаб кетади.

Ҳаво илик, ёқимли. Самарқанднинг тўрт тарафи тўрт хил об-ҳавога эга экан, дейишарди қариялар. Мен ўтирган жойлар — Боғи баланд деб аталади. Бу тарафларда анжирнинг таъми, ранги алоҳида, бўлакча. Бундай тотли анжирларни ҳеч жойда учратмаганман. Нони осибни шу томонда яшовчилар тобига келтириб пиширади. Анжир пишган кезларда шу тарафда яшовчи қариндошларникига меҳмонга келардик. Тўйиб-тўйиб анжир еб кетардик. Тутлар пишганда қариндошларимиз бизникига келишарди. Тўй-маросимларда хабарлашиб турардик... Нега мен бу гапларни ўтган замонда гапиряпман? Қариндош-уруғларнинг борди-келдиси ҳамон давом этапти-ку. Фақат бу муносабатларда мен йўқман. Биз — мен билан Ҳафиз йўқмиз, болаларимиз йўқ... Бир келганимда: «Катта холангдан ҳам айрилиб қолдик, қизим, бир бориб таъзия билдириб келсаларинг бўларди кувёв билан», дегандилар аям. Биз бунга сира вақт тополмагандик. Қорачадан келган, жиккаккина холам доимо иккала кўзи кўр эрларини етаклаб юрардилар. Чол, гарчи кўзлари кўрмаса ҳам, биз — ҳовлини тўлдириб юрган болалардан қайси биримиз қайси қариндошнинг болалари эканлигини фарқлай оларди. «Ҳой, фалончининг боласи, катта бўлиб қолибсан-ку», дерди худди кўзи очик, кўриб тургандек. «Мановниси бизнинг қизалоқми, Махфуз», дерди менинг бошимни силаб.

— Буларнинг ҳаммаси ака-ука, опа-сингил — бир-бирининг сутини ичиб қўйган, бўлмаса, узоққа бориб юрмай, ўғилларимга келин қилиб қўя қолардим,— дердилар катта холам.

Оёқлари узун-узун, қоп-қора, ҳаддан ташқари шўх ўғиллари бор эди. Биз тупроққа беланиб, ҳовли ўртасидаги ҳовузчада чўмилиб, бир-биримизни қувиб, ўйнқлаб бирга катта бўлгандик.

Ўша қоп-қора ўғлонлар улғайиб кўркам йигитларга айланиб қолишган, қай бир аёлларга эр, қай бир ўғил-қизчаларга ота бўлишганикин. Раҳматли катта холамиз етаклаб юрган чолчи? У киши тирикмиканлар? Тирик бўлсалар, ким тоқат билан у кишини етаклаб юрганикин?..

— Опа, ҳов опа!

Яқингинамга келиб тўхтаган таксининг ёшгина шофёри деразадан бошини чиқариб, мени чақираётганди. Мен: «Нима дейсиз?» дегандек ажабланиб унга қарайман.

— Бировни кутаяпсизми, ё борадиган жойингиз номаълумми? Шаҳардан аэропортга — аэропортдан шаҳарга одам ташиб уч марта келиб-кетдим, ўшандан буён ўтирибсиз. Ё тобингиз қочиб қолдимми?

— Йўқ, қачон келиб мени олиб кетасиз деб, сизни кутиб ўтирибман,— дейман мен кулиб.

— Келинг, ўтиринг бўлмаса, хоҳлаган тарафингизга олиб бориб қўяй,— дейди у ҳам хандон отиб кулиб.

— Менинг бугун борадиган жойим кўп, шунинг учун бошим қотиб ўтирибман,— дейман.— Лекин аввало суперфосфат заводига ўтишим керак...

Мен заводда директорга ҳам, лаборатория бошлигининг олдига ҳам кирмайман. Тўғри ўзимнинг илк иш жойимга — Мукаррама опанинг ҳузурига ошиқаман. Менинг қадрдоним, сонсиз қариндошларимдан ҳам яқинроқ кишим — Мукаррама опа билан кучоқлашиб, қувончу шодликдан энтикиб кўришамиз.

— Мана, ўтирибмиз ўша-ўша ўринда, ўша-ўша ишни бажариб,— дейди у ниҳоят.

— Болаларингиз соғ-омонми?— дейман. Мукаррама опанинг не азоб-уқубатларни чекиб фарзандлар ўстиргани, рўзгор юритганидан хабардор эдим. Ҳеч бир куни ароқсиз ўтмайдиган Аширмат ака билан яшаб фақат беш болани орттирган, унинг ур-сурлари, дўқ-пўписаларидан зўрға қутулиб, ажралиб кетишганди. Бошидан кечган кўргуликларга биз — касбдошлари ҳам ҳамдард, ғамдош бўлгандик.

— Эй, бола дегани кичкиналигида яхши экан. Каттарса, худди қанот чиқарган қушлардек учаркан-кетаркан. Қизлар эрга тегиб кетди, ўғилларни уйлантирдик. Мана энди Аширмат акангиз билан бир-биримизга суяниб, яшаб юрибмиз.

Мен Мукаррама опанинг Аширмат акага суяниб яшаб юрганидан беҳабар эканман. Ҳайрон қолдим, жаҳлим чиқди.

— Ҳой, мен билган пайтлар Аширмат акадан қутулганингизга шукур қилиб юрувдингиз-ку?

— Тақдир экан-да, қўлимиздан нима ҳам келарди,— дейди Мукаррама опа шу сўз билан ўз қилмишларини оқламоқчидек.

— Яна ярашиб кетдингизми? Ҳамма ёмонликларини кечирдингизми? Кечиролдингизми?— дея астойдил жаҳлим чиқади.

— Нима қилай, менсиз бутунлай сондан чиқиб кетди-ку. Махсус касалхонага бориб даволаниб ҳам келди. Оёғимга бош қўйгудек бўлиб ялинди-ёлворди.

— Ахир, сиздан кейин яна уйланди, яшаб ҳам юрди-ку? Сиз озмунча қийналдингизми беш бола билан?!

— Ҳаммаси ўтиб кетди. Балки у мендан бўлак, мендан яхшироқ, гўзалроқ аёлларни кўргандир. Лекин ундан бўлак эркакнинг менга эрлик қилиши мумкинлигини сира тасаввур ҳам қилиб кўрмаганман. Пешонамга ёлғиз шу одам ёзилган экан...

Мукаррама опага боқарканман, балки у ўзи ҳам билмаган, сезмаган ҳолда бир умр Аширмат акани қаттиқ яхши кўриб яшагандир, дея ўйлайман. Яхши кўрсанг, ҳаёт машаққатларини енгишинг ҳам осон бўлади, дердилар холам. Аширмат ака — кўли гул, ақли расо, лекин ичкилик тўфайли хароб бўлган эркак, балки Мукаррама опадек олийжаноб, садоқатли аёл билан умр кечирганлиги учун бахтиёрдир, лекин буни ўзи сезмас, хаёлига ҳам келтирмас. Балки энди ақл-ҳуши жойига келган, Мукаррама опадан айрилиқда яшагандан кейингина, нақадар катта хатога йўл қўйганини энди тушуниб етган, ана шу иқрор сабаб бош эгиб, кечирим сўраб келгандир.

Одамзод балки бир умр бахтиёрлик ва бахтсизликнинг аниқ чегарасини, ўлчовини излаб, топиб, йўқотиб, яна излаб яшаса керакки, шундан у омаду омадсизликлар, хато ва адашувлар гирдобиди, тўфонида ҳаёт кечирар.

Ўз яқинларинг билан узоқ вақтлар кўришмасдан юриб кўришиб қолиш қандай яхши. Сенинг келганингни эшитиб, сени бир кўрайлик, деб соғиниб келган қариндош-уруғлар қуршовида ўтираркансан, бу ёруғ дунёда сенинг умр кўришинг учун ажратилган муддатда қайда яшасанг ҳамки, уларнинг дийдорини узоқлаштирамай ўзинг билан бирга олиб юришингни, уларнинг тақдири, бахтию бахтсизлиги, соғ-саломатлиги сен учун бари бир эмаслигини жисму жонинг билан ҳис этгандай бўласан.

— Куёвинг яхшими?

— Болалар соғ-саломатми?

— Куёв келмадиларми?

— Болалар қани?

— Поччамизнинг аҳволлари қалай?

— Болалар катта бўлиб қолишдимми?

Бу саволларга жавоб бераман, деб чарчаб кетаман. Бир пайт тўлиб-тошиб, чақнаб, хандон отиб холам келиб қоладилар.

— Қани, юр, кетдик бизникига, ошни дамлаб чиқдим. Бувинг зор-интизор кутиб ётибдилар,— дейди холам. Менга ана шу гап керак эди. Қувониб кетаман. Зерикиб ўтирувдим.

Холамлар турмуш қурганларидан сўнг бу ҳовлини сотиб олишганди. Катта ўрикзор боғи, бир уйи, бир даҳлизи бор эди. Йиллар ўтган сайин дарахтлар кесиб

ташланаверди, ўрнини бирин-кетин иморатлар эгаллайверди. Ҳар йили иморат бошлашани, қурилиш сира тугамайди, ҳовли юзи бир парчагина ерга айланди. Ҳар гал келганимда холам билан поччамни койган бўламан:

— Бу иморатларнинг нима кераги бор. Ундан кўра сафарга чиқиб келмай-сизларми, дунёни томоша қилиб, дам олмай-сизларми?— дейман.

Эр-хотин ўз билганларидан қолишмайди. Ҳали уйланмаган уч ўғилга иморат керак, ҳали дунёда йўқ невараларнинг ҳам уйини тайёр қилиб қўйиш керак эмиш.

— Келмаганингдан буён бизда қанчалаб ўзгаришлар юз берганини сезяпсанми?— дейди холам.

Атрофга разм соламан, қўққайиб турган қатор иморатларга лоқайд нигоҳ ташлайман. Уйларга бирма-бир кириб чиқамиз — оёқ остидаги чўғдек гиламлар, ялтироқ дарпардалар, ҳар бир хонадаги жиҳозу мебелларга ҳавас қилаётгандек бўламан. Лекин фикру ўйимни банд этган саволни сира ўзимдан узоқлата олмайман.

— Бу йил охиригача эллик ёшимни нишонлаб тўй бермоқчимиз. Шунгача чала қолган иморатларни битказиб оламиз, камчиликларини тўлдирамиз.

«Яна қанақа иморат, қанақа камчилик? Буларнинг ҳаммаси нимага керак?»

Бу саволни овоз чиқариб айтганим билан, унга фикримни тушунтирмоқчи бўлганим билан, ҳеч нарса ўзгармайди, жойидан кўзғатилмайди, бузиб кўчага улоқтириб ташланмайди. Икки-уч кунга соғиниб, соғинтириб келган одамман ахир.

— Сизга ҳавасим келяпти, жуда бахтли-сизлар, холажон,— дейман мен унга.

— Бахт қайда, Роҳилажон, буларнинг ҳаммаси болаларники.

— Наҳотки, бахтли эмассиз?

— Бахтми, қолиб кетган, ҳу-ув ўша йигирма ёшимнинг остонасида.

— Менга айтган гапларингиз ёдингиздами, хола? Қалбингда муҳаббат бўлмаса, яшаш оғир, дегандингиз. Бу гаплар маъносига мен энди тушуниб етяпман.

— Қийналяпсанми?

— Ҳа...

— Сен ҳалиям бунга эрта тушунибсан. Мен тушунганимча ёшим ўтиб кетганди.

Бундан бу ёғини кўриб турибсан...

Биз бувимнинг хоналарига кириб борамиз. Бошларида оппоқ рўмол, кўйлаклари оппоқ... Каравотда ўтирибдилар. Қўлларида китоб. Кўзойнаксиз ўқийдилар.

— Катта шаҳарда катта ишларни удалаб юрган боламдан айланиб кетай,— дейди бувим кучоғини очиб.

Бувимни кўрсам, суҳбатлашсам, дунёни қайтадан кўргандай бўламан. Лекин бир йил бўлди, бувим оёқдан қолдилар. Яқин вақтларгача ҳам гурс-гурс қадам босиб бардам юрардилар. Энди эса...

Мен югуриб бориб елкаларига бош қўяман, ўзимни тутолмай овозсиз йиғлайман. Бувим ҳам ҳиқ-ҳиқ йиғлайдилар.

— Начора,— дейдилар.

Холам бу орада дастурхон келтириб ёзадилар, чой келтирадилар.

— Куёв қани, болалар қани?— бувим хавотирланиб сўроқлайдилар.

Мен иш билан келганимни айтаман.

— Ҳўш, энди дунёдаги гаплардан гапир-чи?— сўз бошлайдилар бувим.— Американинг бошлиғи нима деяпти? Ҳалиям урушга ҳозирланаяптими? Урушнинг нималигини бизлар биламиз. Улар қайдан билсин.

— Дунёдаги гапларни биздан кўра ўзингиз яхши биласиз, бувижон,— дейман. Утган кунларда газета ўқишга вақтим ҳам, кайфиятим ҳам бўлмаганлигини, бу борада билимдон эмаслигимни шу билан пардаламоқчи бўламан. Холам маъноли қилиб йўталиб қўядилар. Бу — гапни чуқурлаштириб юборма, шусиз ҳам қон босимлари ошиб турибди, деганлари.

— Почтачи негадир газета-журналларни ҳам келтирмай қўйди. Менга ўхшаб касал бўлиб қолдимми?— дейдилар бувим.— Болалар мактабдан қайтса, кўчадаги дўкондан газета келтириб беришса бўларди. Лекин икки-уч кундан буён, «хўп, келтирамиз», дейишадияу ғойиб бўлишади. Эсларидан чиқариб қўйишадими, билмайман. Икки кундан бери газета ўқимаганимга худди дунёдан узилиб қолгандекман...

— Шуниси яхши эмасми, сиз ҳам тинч, биз ҳам тинч,— дейди холам.— Дунёнинг қай буржида зилзила бўладими, қай буржида уруш бўладими, қай буржида ким-кимни ўлдирадими — эшитсалар, тамом, бир пасда товлари қочиб қолади.

— Тобингиз қочиб қолади, деб радио-телевизорни ҳам қуритдиларинг. Энди, мана, газета ҳам йўқ. Қари одамга ўлимдан бошқа чора қолмаскан ўзи...

— Оёқларингиз оғриб, қийнамаяптими, буви,— мен гап мавзуини бошқа ёққа бурмоқчи бўламан.

— Йўқ, ҳеч қандай оғриқ йўқ. Кесиб ташлаш ҳам сезмасам керак. Жонсиз бир ёғочдай бўлиб қолган-ку,— дейдилар бувим оёқларига бепарво қараб.

Мен яна ноўрин гапириб қўйганимни, қари, хаста, бунинг устига ўзингдан донороқ, зийракроқ одамлар билан гаплашиш қийин эканлигини туяман. Хижолат чекаман.

— Ҳадемай баҳор келади, ҳаволар исийди, оёғингиз ҳам тузалиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз,— дейман.

Бу гап ҳам ноўрин ва ноўхшов эканлигини ҳис этаман. Лекин яна нима дейиш мумкин?

— Кетгунингча яна келгин, фақат газета олиб кел,— дейдилар бувим хайрлашарканмиз.

Тунда, алламаҳалда телефон жиринглаб қолади.

— Опа, сизни чақиришяпти,— дейди укам. Мен ҳовлиқиб югуриб бораман. «Уйимизда тинчликмикин, болалар саломатмикин?» деган ўй кечади хаёлимдан.

— Роҳила, мени танияпсизми?— дейди эркак овози. Бу овозни танимай бўларканми? Фақат яқин вақтларда уни унутай деб қолувдим. Унутмабман ҳали. Телефон тутган қўлларим титраб кетади.

— Келганимни қайдан эшитдингиз?

— Мукаррама опани кўрувдим.

— Яхшимисиз...

— Ушанда, мени кечиринг деганимда, индамадингиз. Мени кечирдингизми? Унинг бу саволига жавоб бермайман. Бутунлай бошқа гапни сўрайман:

— Айтинг-чи, бахтлимисиз?

— Ҳа, худди шу дамда бахтлиман...

— Мен сизни ўшандаёқ кечиргандим...

— Нега?

— Билмадим, нега...

— Ахир мен...

— Сиз яхшисиз, бари бир...

Телефон тутқичини ортиқ ушлаб туrolмайман, секин жойига қўяман...

\* \* \*

Телефон эрта тонгда, ҳали ўрнимдан турмай, қиладиган ишларни режалаштириб ётганимда яна қаттиқ жиринглаб қолди.

— Тошкентдан,— деди укам.

Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Мен болаларни боғчага қолдириб келаётганимда ҳам, бутун тун бўйи ҳам қандайдир воқеа юз беришини сезгандек эдим, лекин аҳамият бермасликка ҳаракат қилгандим. «У ёқда менсиз нимадир бўлган?» деган фикр миямга ўқдай санчилди. Қўшнимиз Раҳима опага, келаётиб: «Боғчага ўтиб, болаларимдан хабар олиб туринг», дея Самарқанддаги телефон номерини бергандим.

— Кечадан буён сизларга тушиш бирам қийин бўлдики...— дейди Раҳима опа.

— Болаларга бир гап бўлдими?

— Собиржон касалхонада.

— Касалхонада? Нега?

— Кўричагини операция қилишди. Яхши ўтди. Фақат аям билан дадамни чақириб келинглар, дейди нуқул.

Уғлим... Уғлим касал — бир ўзгинаси оппоқ хонада йўлимга интизор бўлиб, қийналиб ётибди... Менинг ўғлим... Ёлғизгина, ота-онаси тирик туриб, етимчадай ётибди... Мен бу ёқда ялло қилиб юрибман. Менинг ширинтойим, бебаҳойим...

Шу дамнинг ўзидаёқ йўлга отланаман. Учишга тайёргарлик кўраётган самолётга чиқишга улгураман. Уғлимнинг илтижоли овози қулоқларим остида янграйверади:

— Ая, аяжон...

У ҳақиқатан ҳам мен учун бебаҳо. Етти ойлик туғилди. Врачлар унга шундай кўз ташлашади-ю, диагнозни осонгина қўяверишади: гипотрафия; анемия, рахит... яна номи ёдимда қолмайдиган касалликлар. Ҳаммаси боламга келиб ёпишаверади — ёзда ичи кетади, қишда шамоллайверади, сал нарсага иссиги кўтарилаверади, жигари бир пасда шишиши ҳам ҳеч гап эмас. Ҳар йил касалхонада икки-уч марта ётиб чиқамиз. Мана энди кўричак ҳам бор экан. Оёқлари ёғочдай қотиб қолган бувим айтганларидай: «Начора».

Одам ўзи нега дунёга келади? Яшаш шунчалик қийин бўлса, эрта тонгдан ярим тунгача ташвишларинг тугамаса, узоқларга қочиб кетсанг ҳам изингдан қувиб етса... Дейлик, аксинча бўлса: шу ташвишлар безовта қилмаса, умр тинч кечармиди? Балки инсон шу ташвишлар билан овуниб яшар...

Болалардан биронтаси оғриб, касалхонага ётиш керак бўлса, мен эсанкираб қоламан. Касалхона деган гапдан шу қадар безганманки, эшитдим дегунча энсам қотади. Самолёт аллақачон булутларни ёриб учиб кетаётган экан, мен эса унинг учганини сезмай ҳам қолибман. Узоқда боланг йўлингга кўз тикиб, азоб чекиб ётса, сен учун ҳеч нарсанинг аҳамияти қолмас экан.

Ҳафизни излаб топишдимикан? Собиржон мендан ҳам кўра дадасини кўпроқ яхши кўради. Келмаган куни боғчага етиб боргунча «Дадам қаёққа кетди?» деб сўрайвериб, ҳоли-жонимга қўймади. Аввалига: «Ҳайдаб юбордим», деб жавоб бердим.

— Нега ҳайдайсан?— дея астойдил мендан хафа бўлди, кўзларида ёш филтиллади.

— Энди биз ким билан тўп ўйнаймиз, а?— деди каттам ҳам алам билан.

Қарасам, ёш болаларга ачиқ гапларни гапиришнинг сира ҳожати йўқ.

— Бобонгникига кетган. Сенга ҳар хил совғалар олиб келади,— деб алдаган бўлдим.

Биринчи фарзанд туғилгунча рўзгорнинг оғирию енгили сезилмас экан. Мен икки хонали уйнинг супур-сидирига ҳам, икки киши учун овқат тайёрлашга ҳам улгурардим, икки кишининг кирини ювиш, дазмол босиш каби юмушларни ҳеч бир миннатсиз, гап-сўзсиз бажарардим.

— Қалай экан ҳаёт?— деб сўраб қолганди бир куни Эргаш исмли собиқ синфдошим кўчада кўришиб қолганимизда. У анча эрта уйланган, ташвишлар юкиданми ёки мижозиданми, сочларига оқ оралаб, анча ўзини олдириб қўйган эди.

— Яхши,— дедим мен.— Емон эмас ҳарҳолда.

— Ҳа, ҳаёт ҳозирча сизлар учун яхши бўлади — ёш келин-куёвсизлар. Лекин ҳаётда байрамлар жуда кам, оддий кунлар эса жуда кўп, баъзида қаёққа қочиб кетишни билмайсан, ортага йўл йўқ, бошингни ноилож эгиб, кунлар измига бўйсунасан, бир кун қариб қолганингни, умринг ўтиб кетганини билмай ҳам қоласан.

Ҳақимжон туғилдию ташвишлар икки баробар эмас, беш-олти баробар ошибди.

— Эргаш, нега бунчалик эрта қариб қолдингиз,— дегандим мен ўшанда сочига ишора қилиб.

— Сиз бўлсангиз кўзимга ниҳоятда шодон ва ёш кўриняпсиз. Илоё ҳамиша шундай бўлиб қолинг-да... — деганди у истехзо билан.

Бизнинг турмушимиз қачон ва қай тарзда бунчалар ўзгариб, бунчалар бузилиб кетди? Бир-биримиздан нега бунчалар совиб қолдик?

Турмуш қурганимизга икки йилча бўлиб қолганди. Ҳар ҳолда Ҳақимжон жуда кичкина, лекин каравотга ётқизиб қўйса, оёқ-қўлини типирчилатиб, йиқилиб-турадиган ёшда эди. Ҳафиз қайси бир оғайнисини ичкариги хонада меҳмон қилиб ўтирарди. Мен Ҳақимжонни гоҳ қўлимда кўтариб, гоҳ каравотга ётқизиб, уларга овқат тайёрладим, сузиб, дастурхонга келтириб қўйдим. Чой дамлаб бердим. Эркаклар гангур-гунгур суҳбат қуриб ўтиришарди. Мен ошхонада ивирисиб, шошиб-пишиб юрарканман, Ҳафиз вақти-вақти билан ўтирган жойида номимни атаб, иш буюриб туради: «Роҳила, сочиқ кўринмайдими?», «Роҳила, ҳой Роҳила, стаканларни артиб бер!», «Овқат келтирганда мурчни ҳам опкелиш керак-да!», «Роҳила чой қайнагандир?»

Социқ улар ўтирган хонадаги жавонда турибди — у билади, жавон эшигини очиши билан дазмоллаб, тахлаб қўйилган сочиқни олиш мумкин. Мурчни-ку, ошхонага шундоқ чиқса, бас, топади. Стаканларни ҳам ўтирган жойда сарфетка билан артиб қўйса бўлаверади... Бола тўхтовсиз йиғлайди. Уни тинчитиш учун фақат кўтариб юриш керак. Ошхонадаги ишнинг сира охири кўринмайди.

— Роҳила! — дейди яна Ҳафиз. Ҳақимжоннинг йиғиси, телевизорнинг баланд овози орасида мен унинг нима деётганини эшитмайман. Бу ёққа чиқиб гапирса бўлмайдими?

— Роҳила!

Мен ўзимни эшитмаганга олиб, ишимни давом эттиравераман.

— Роҳила!

Қани энди ўрнидан туриб келиб гапирса гапини.

— Роҳила!

— Ҳа! — мен энди коса-товоқ юваётган ҳўл қўлим билан югуриб нариги хонага кираман.

— Анув кунги коньякни олиб бер.

Ўрнидан шундайгина туриб, қўлини чўзса, жавонга етади — коньякнинг жойини билади-ку. Албатта мен келишим, мен олиб беришим керак. Бу қандай ноинсофлик? Мен энди ўзимни туюлмайман, туюқиб кетаман:

— Шу ўлгур шиша учун чақирдингизми? Атайлаб мени хотин деб камситмоқ-

чи, ўзингизнинг эркак эканлигингизни таъкидламоқчи бўлдингизми? Жавонни очиб, хоҳлаган нарсангизни менсиз ҳам олишингиз мумкин-ку! Одам деган ҳам шунчалик бўладими? Шу хотин ҳам ишлаб чарчаб қолган, овқат пиширди, уйни йиғиштирди, тозалади, боласи ёш, қўй, у-бу ишларни ўзим қилсам ҳам бўлади-ку, деган фаҳм-фаросат йўғ-а сизда?!

Меҳмон дастурхонга тикилганча бош кўтармай ўтирибди. Ҳафиз меҳмоннинг олдига шунча гапга қолганидан уялиб, қип-қизариб кетди.

— Бўлди-бўлди, бор, ишингни менга миннат қилганинг қилган. Нега бунча бақирасан? Худди бозорчи хотинларга ўхшайсан-а...

Биринчи қадам, биринчи дағал, совуқ гап, совуқ муомала кетидан қолганлари ҳам ёғилиб, ёпирилиб келавераркан.

Кейин Барнонинг туғилиши. Ундан сўнг Собиржон... касалликлар. Уртадаги жарлик ана шунақа бўлмагур гап-сўзлар, кирдикорлар билан тобора кенгайиб, чуқурлашиб бораверди. Бунга ким гуноҳкор? Уртада яна бир аёл ҳам пайдо бўлди. Орамизда — жарлик, яна бегона аёл. Қизиқ тунов кунгача йўқ эди. Менинг узундан узоқ зерикарли ваъз-насиҳатларим, уйдаги нохуш аҳвол бунга сабабчидир. Битта таниқли артист, телевидение орқали берилган бир учрашувда, бахтиёрлик туйғусини қандай тасаввур этасиз, деган саволга: «Бахтиёрлик — бу ҳаммиша одамга керак эканлигини ҳис этишингда», деб жавоб берганди. Мен эса ҳаммиша Ҳафизни кўкрагидан итарганман: «Нега ичасиз?», «Нега кеч келасиз?», «Нега яхши суратлар чизмаяпсиз?», «Нега кундан-кун мен сизни ёмон кўриб борапман?» Нақадар совуқ, нақадар кескир, этни жунжиқтириб юборувчи сўзлар. «Яхши суратлар чизиш қўлингиздан келади-ку, чизмаяпсиз?» ёки «Сиз менга ва болаларимизга ҳар дамда кераксиз — эртароқ келсангиз бўларди» ва ё «Мен сизни жуда қадрлайман, шундай ширин болаларимнинг отасисиз-ку», дейиш ҳам мумкин.

Уртада яна бир аёл пайдо бўлди. Йўқ эди. Энди — бор. Эрта ва ё индин бирон бир эркак ҳам пайдо бўлиши мумкин-ку? Ҳафиз ўша аёлда мендан тополмаган хислату фазилатларни кўргандир. Одам тирик экан, ҳаммиша меҳрга ташна яшайди... Бундан бир йилми-икки йилми олдин бўлиб ўтган бир воқеани тез-тез эслаб тураман.

Фарғонадан бир дугонам меҳмонга келди. Уч-тўрт кундан кейин кетадиган бўлди. Аэропортга кузатишга чиқдим. Анча кеч эди, Ҳафизга, бирга чиқайлик, десам, чарчаганман, деди. Қиш, совуқ эди. Ҳамма ёқ оппоқ қор, қор яна учқунлаб турарди. Самолёт тўрт соатлар кеч учди. Қайтишда узоқ йўл юрса-да, лекин уйимизнинг олдигинасига келиб тўхтовчи троллейбусга чиқдим. Лекин ярим йўлга келганда троллейбус бузилиб қолди. Изғирин фувиллаб турган кўчада анча пайт такси пойладим. Соат ўндан ошган. Таксилар тўхтамай ўтиб кетавергач, безовтала-на бошладим. Болаларнинг ҳоли не кечди? Ҳафиз телевизорни қўйиб, қотиб ухлаб қоладиган одати бор. Уйга тезроқ етишим кераклигини ўйлардим. Қор бетиним ёғмоқда, аёвсиз совуқ вужудимни музлатмоқда. Йўловчи машиналарга атайлаб қўл кўтариб тўхтатмаётгандим. Бир пайт худди танишини чақираётгандек сигнал берганча бир «Жигули» мендан сал нарироққа бориб тўхтади. Бир оздан сўнг чап тарафдаги эшик очилиб, бўйнига шарфни узун қилиб ўраб олган йигит чиқди ва машина ойнасини қордан тозалай бошлади. Машина ичи ёруғ эди, ўриндиқлари қизил духоба билан қопланган: жуда ёқимли, жуда дардли, эрончами ва ёки туркчами қўшиқ янграрди.

— Қаёққа бормоқчисиз, келинг, обориб қўяман, — деди ҳалиги одам машинаси эшигини очиб ўтирмоқчи бўларкан.

Совуқдан қотиб қолган, тезроқ уйига кириб боришни ўйлаган одам эдим. «Йўқ», десам, тамом — моторни вағиллатадию кетади-қолади. Қоронғи ва совуқ кўчада мен тагин қолаверман.

Мен узоқ ўйлаб турмадим. Бордиму машинанинг орқа эшигини очиб юмшоқ ўриндиққа ўтирдим. Машина юриб кетди. Дардли, ёқимли, сероҳанг қўшиқ ўзининг авж кўктасига етган, сонсиз қор парчалари олддаги деразага келиб урилар, тозалагич шикиллатиб сидириб ташлар, яна ва яна қор гупиллаб ёғилиб келаверар, ичкари иссиқ, шинам, ташқари совуқ, қоронғи ва рутубатли эди...

Машина эгаси — серсоч, ёш, ўктам қиёфали бир йигит.

Аламли, дардли оҳанг, иссиқ ҳаво мени бир зумда элитди, ўзимда мастона бир кайфият туйдим.

— Анчадан буён кутаётганмидингиз машинани? — деди эркак қаршисидаги айлана ойнани тўғрилаётиб.

— Анча бўлиб қолди. Раҳмат сизга, келиб қолмасангиз, ҳалиям кўчада қаққайиб турган бўлардим.

— Одамларга яхшилиқ қилиш яхши-а? Исмингизни билмайман, кечирасиз?

— Роҳила...

— Роҳилахон. Қарасам, ёлғиз ўзингиз турибсиз... Қор ёғиб турган бўлса,



қоронғи тунда ёшгина аёл совуқдан жунжикиб турса, қандай қилиб кўз юмиб ўтиб кетавериш мумкин. Аммо-лекин, машинани тўхтатганимдан, чақирганимдан кўрқдингиз, а?

— Йўқ, нега кўрқарканман?

— Биламан, кўрқдингиз. Лекин бари бир довурак аёл экансиз.

— Йўқ, довурак эмасман, кўрқдим, — дедим мен ростгўйлик қилиб.

Шундан сўнг биз нималар ҳақида гаплашган бўлсак, менга ҳаммаса хуш ёққанди. Мен ўша лаҳзаларда бахтиёр эдим. Нега? Қандай ниятда, билмадим, лекин ўша йигит менга меҳр кўрсатганди.

— Мана, кўчангизга ҳам келдик, мана, уйингиз олдидан ўтйапмиз, тўхтатайми-йўқми? — сўраб қолди машинасини секинлатаркан. Мен ўтиргандаёқ қаергача боришимни айтгандим. Ҳозир уйимга яқинлашиб қолганимни унутиб ҳам қўйибман.

— Тўхтатинг, — дедим мен бирдан. Машинани тўхтатди. — Хўп, сизга кўпдан кўп раҳмат... хайр, — дедим мен. Шу зумда у ўгирилди, суянчиқ устида турган қўлимга қўлини қўйди.

— Роҳила, қаранг, қандай чиройли тун, яна бир оз айланайлик, — деди.

Ҳақиқатан ҳам, бу қорли тун чиройли эди, магнитофондан янграётган қўшиқлар ёқимли эди, бу йигитнинг қўлидан қўлларимга иссиқ меҳр қўйилиб келаётганди... Яна бирон лаҳза ўтса — мен рози бўлиб қўя қолардим, бу тундан воз кечиш қийин бўларди. Лекин мен қўлларимни дарров тортиб олдим, шитоб билан эшикни очдим, отилиб ташқарига чиқдим ва ортага ўгирилмай уйимиз томонга тез-тез юриб кетдим... Кўз қирим билан сезардим — машина анча пайт чирокларини ўчирмай, жойидан жилмай турди.

Мен ўша йигитдан миннатдор эдим. Яна негадир раҳмим келди. Бу совуқ ва қоронғи тунда у ким биландир гаплашишга, дардлашишга зор. Унинг иссиқ, баҳаво уйи, хотини, болалари бор бўлса керак. Бўлмаслиги мумкин эмас. Лекин у бари бир ночор, бари бир бахтсиздир ҳам. Мен сирпанчиқ йўлда йиқилиб кетмаслик учун авайлаб қадам босиб борарканман, беихтиёр Ҳафизни ўйладим. Қачондир бир кун, йўқ, фақат-бугун ва ёки шу кунларда эмас, бирор кун у ҳам бирон нотаниш аёл суҳбатига зор бўлиб, қолармикан ва ёки унинг қўлларини қўйиб юбормай, учрашувга таклиф қилармикан? Мабодо, унинг ҳаётида ана шундай воқеа содир бўлсаю мен бундан огоҳ топсам, нима қилардим?

Мана, мен шундай ҳолни бошдан кечирдим-ку... Лекин қўлимдан ҳеч иш келмади...



### Тўғроқ Клишмалар ҳаётидан

**Алишер Навоийнинг ижодий иш услуби диққатга сазовор. Садриддин Айний бу тўғрида ёзади:**

«Биз Алишернинг шахсий ҳаёти» деб унинг амалдорлик вақтида ҳукумат хизматидан бўшаб, уйда ўтказган соатлари ҳамда ҳукумат хизматидан расман бўшаган йилларини атаймиз.

Алишер бу соат ва йилларда шоир ва адиблар билан мушоира ва суҳбатлар ўтказар, олим ва донишмандлар билан илмий баҳс ва мунозаралар тузар, ёшларни, ўзининг хизматкор ва яқинларини тарбия қилиш билан машғул бўларди ва шу хилдаги ишлардан бўш бўлган вақтларини ўзининг ижодий ишлари ва илмий асарларини ёзишга сарфлар эди.

Шунинг учун Алишернинг ижодий иши кўпинча кечасига тўғри келар эди. У кечалари уйқу вақтигача ишлар, уйқу босганда ётар, аммо қоғоз, қалам, китоб ва шаъмини ўзидан узоқлаштирмасди».

Анатоль Франс тарихий романи «Жанна д'Арк» устида ишлаётганида ўз хонасини асарига тасвирланган ўрта аср воқелиги, тарихи ва санъатига хос кўплаб буюмлар, картиналар, ҳайкалчалар билан жиҳозлаб қўйган.

— Қадрли йўловчилар, бир неча минутдан сўнг самолётимиз Тошкент аэропортига кўнади. Экипаж сизларга ёқимли кайфият тилаб қолади... — стюардесса қизнинг овозидан ўзимга келаман. Хайрият, бир неча муддатдан сўнг мен Собиржон ётган касалхонани излаб топаман, ўғилгинамни бағримга босиб, ўпиб-ўпиб оламан.

— Нега бизни қолдириб кетдингиз?

— Нега дадамни ҳайдаб юбордингиз?

— Дадам энди қачон келади?

— Энди бизларни ҳеч қачон ташлаб кетмайсизми?..

У албатта ана шу саволларни беради. Мен унга нима деб жавоб бераман?

Бу саволларга жавоб бериш нақадар қийин. Умуман омадсиз кимса эканман, бир пайтлар илғор, замонга муносиб қиз бўлгандирман, лекин бугун бошқаман. Хўш, кимман? Бу саволга ўзим жавоб топмасам, дунёда бошқа ҳеч ким жавоб беролмайди...

Мана, ҳозир самолётдан тушаман — мени ким кутиб олади? Ҳеч ким. Бирор ким менга: «Ҳа, Роҳила, келяпсанми?» деб овоз қилмайди. Бунинг учун ким айбдор? Кимнингдир овози мени ҳам чақириши керакку ахир...

Бирдан дилим хуфтўн бўлди.

Командировкам чала қолди.

Бувимга газета олиб бориб беролмадим.

Муқаррама опанинг кўнглини тополмадим.

Боғибаландлик раҳматли холамнинг эрини ким етаклаб юрибди, билмадим, аҳволдан бир хабар ололмадим.

Эллик ёш остонасида турган холамга бир илиқ гап айтолмадим...

Эрим мени ташлаб кетди...

Латофатли ва назокатли хотин бўлиш, меҳрибон ва мушфиқ она бўлиш, кичик илмий ходим талабларига жавоб бериш, қариндош-уруғларга дарддош, ғамдош қариндош бўлиш — нақадар қийин...

Бошимни қуйи эгганимча такси бекатига тез-тез юриб борарканман, қулоғимга таниш овоз чалингандай бўлади:

— Роҳила!

Ҳафизнинг овозига ўхшайдими? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Мен ўгирилмай кетавераман. Йўқ, яна чақирди.


— Роҳила!

Ҳафиз. Қўлида шилдиरोқ қоғозга авайлаб ўралган гулдаста.

Бундан анча йиллар илгари Москвадан қайтганимда ҳам худди ана шундай кутиб олганди.

— Қайтишимни қайдай билдингиз, — дегандим мен ўшанда ажабланиб.

— Шу бугун қайтишингизни ҳис қилдим, — деганди у. Ҳозир ҳам Ҳафизнинг овозини эшитиб, кўнглим бирдан ёришди. Унга яқинлашарканман, шунча кўнлардан бери ненидир истаётганим, ўша истаётганим нелигини билолмаганим ва у Ҳафиз эканини, унинг таниш овози эканини англадим.



Шухрат  
ОППОҚ, ҚОР ЁҒАДИ,  
ОППОҚ, ХАЁЛЛАР



Бутунлик

Аслида, бу ёруғ олам  
Минг бир ямоқ, қуроқдир.  
Иши унинг гоҳ йиртилиб,  
Гоҳ тикилиб турмоқдир.  
Аллакимлар бир парчасин  
Узиб олмоқ бўлади.  
Қайси бири гоҳ ўзича  
Ямоқ солмоқ бўлади.  
Биров эса, парча-парча  
Қолсин, дейди, шу яхши!  
Биров уни сўзга бурқаб,  
Эрта-ю кеч нутқ — иши!  
Йиртувчимас, тивувчи бўл,  
Пухта қилиб тик, эй жон!  
Токи, қўли қичиганлар  
Йиртолмасин ҳеч қачон!  
Дунё доим гоҳ йиртилиб,  
Гоҳ тикилиб туради.  
Хазинаси гоҳо тўлиб,  
Гоҳ тўкилиб туради.  
Пишиқ ипу ўткир игна  
Ҳеч қўлингдан тушмасин!  
Бу дунёнинг бутунлиги  
Хаёлингдан ўчмасин!

\* \* \*

Куй десанг, куй чалиб бераман,  
Уй десанг, уй солиб бераман.  
Юлдузми? Мана ол, ола қол,  
Истасанг, шу боғда қола қол.  
Не десанг, барига розиман  
Ва лекин «Сев!» десанг, ожизман.  
Севганим бор, ахир...

\* \* \*

Мен қора либосда, ёқамни йиртиб,  
Кўчангдан ўтаман ҳар куни нолон.  
Танишлар кўрсатар бир-бирин туртиб,  
Бегона боқади ортимдан ҳайрон.

Сен эса хонангда, юмшоқ курсида,  
Кроссворд жумбоғин ечасан эснаб.  
Суратим туради тикка қаршида,  
Бир қараб қўймайсан баъзида эслаб!

Гарчи мен кечаги кунингман — рақиб,  
Бетимга боқишдан айлама ҳазар:  
Кишилар эртанги хатодан кўрқиб,  
Кечаги кунига ташлайди назар!

\* \* \*

Бу боғда тугади ишқ деган дoston,  
Сўнгига қўйилди аниқ бир нуқта!  
Мен олдин кетайин, сен қолгин, жонон,  
Ҳижронни аламга қилма омухта!

Иккимиз икки ён кетамиз энди,  
Муҳаббат қолади ўртада йиғлаб.  
Қачондир бу қалблар ўртанди, ёнди,  
Энди-чи, ҳеч кимса туролмас боғлаб.

Мен сенга бегона, сен эса менга,  
Эгасиз ҳовлидек, ҳувиллар кўнгил.  
Бу дардни, оҳ, кимга, айтасан кимга,  
Бу — алам билмаган кишига енгил!

## Ёшлигимнинг давоми

Ёшлигимнинг давоми —  
Сенда қолмишдир, шеърим.

1986 йил Халқаро Тинчлик йили, деб эълон қилинди.  
Бизнинг Ватанимиз аввалдан, тинчлик кўрғони, дейилади. Халқимиз  
тинчликсевар халқ. Тинчлик учун кураш доимо унинг шиори бўлиб келди ва  
шундай бўлиб қолади.

Улуғ Ватан уруши кунларида Ватанимизни ёвуз душмандан ҳимоя қилган,  
жон бериб, жон олган икки шоирнинг янги шеърлари ҳукмингизга ҳавола  
этиляпти. Булар урушларни енгиб, тинчликка хизмат қилаётган қалб оҳанглари-  
дир.

Сендан ёшлигим номи,  
Сенсан сиғинган ерим!  
Сен умримнинг энг гўзал,  
Энг мўътабар онисан.  
Сен қалбимнинг муфассал,  
Нурга тўлган қонисан!  
Не ажабдир қарисам,  
Табиатнинг ҳукми шул.  
Қачон сенга қарасам,  
Яшнаб кетар бу кўнгил.

Сен ёшлигим давоми,  
Сендан ёшлигим номи...

\* \* \*


Қор ёғар, овозсиз қўшиқлар айтиб,  
Қор ёғар, сукутни солиб ларзага.  
Сап-сарик ўт-ўлан тинглайди ётиб,  
Тоби йўқ қирларнинг йиғи-азага!

Қор ёғар. Дарёга урар ўзини,  
Бир зумда ўзи ҳам сувга айланар.  
Гоҳ-гоҳда ёндириб киши кўзини,  
Япроқсиз шохларга аста бойланар.

Қор куйлаб ёғади, овози майин,  
Шу майин оҳангда ҳузур-ҳаловат.  
Оҳ, энди оёғим қайга қўяйин,  
Оҳ, унинг куйига етмасмикин лат?!

Оппоқ қор ёғади, оппоқ хаёллар  
Фикримни чулғайди, сассиз эркалаб.  
Ҳассага таяниб ўтади чоллар,  
Мен улар ортида қоламан қараб...

●●●



Зоҳиджон Обидов

## Ёшлик чоғин дилда ардоқлаб

### Соҳилдаги ўйлар

Соҳилдаман...

Бир кўркам кема  
Пайдо бўлди жилоси билан.  
Денгиздаги бу ўктам кема  
Ўтди куй ҳам навоси билан.

Шўх садолар таралиб қувноқ,  
Хукмронди унда шавқли руҳ.  
Сафарчилар бўлиб вақти чоғ,  
Боришарди янгратаиб кўшиқ.

Менга чексиз завқ этиб инъом,  
Афсунлади кема эс-хушим.  
Эргаштириб кетди, этиб ром  
Менинг учқур хаёлим — қушим.

Мен соҳилда қолдим паришон,  
Кема кетди олисни кўзлаб.  
Тобора у кичрайиб чунон,  
Шўх садолар борарди суस्ताб.

Навқиронлик, шу кема мисол,  
Ўтиб кетар экан бир пасда.

Хушни йиғиб, бўлганинча лол,  
Қоларкансан бош чайқаб аста.

Кема қайтар, қайтарми ёшлик,  
Ортга қайтмоқ умрга хосмас.  
Кўрсатсанг ҳам қанча оташлик,  
Навқиронлик ўрнини босмас.

Мана, ёшлик борар йироқлаб,  
Масофага масофа қўшиб.  
Ёшлик чоғин дилда ардоқлаб,  
Эслагаймиз юраклар жўшиб.

На дағдаға, на нола, афсус  
Қайтаролмас ёшлик чоғини.  
Ўкинч билан ортга ташлаб кўз,  
Ўкситмайлик умр боғини.

Дадил юриб истиқбол сари,  
Бардамликни бой берма, юрак.  
Ёшлик сендан кетса ҳам нари,  
Рух ёшликда қолмоғи керак.

### Айтайин алёр

Давра жўшқин, давра дилкушо,  
Дўстлар билан хушдир бу айём.  
Гулгун юзлар шавқ этар ифшо,  
Диллар дилга бахш этар илҳом.

Табассум-ла ирғитганча бош,  
Бир-бирига бахт тилар дўстлар.  
Юракларда балқитиб қуёш,  
Тўқнашади меҳрли кўзлар.

Келди завқим авжига фурсат,  
Меҳрим тўкиб солмасам бўлмас.  
Жуш урмоқда дил тўла ҳиммат,  
Навбат беринг, йўқса дил тўлмас.

Юлдузларнинг чамани чўглаб,  
Ҳар кеч чарақласин, деб, осмон,  
Мусаффо тонг руҳимиз чоғлаб,  
Қуёш инъом этсин, деб ҳар он —

Навбат беринг, айтайин алёр,  
Юрак жўшиб бормоқда, қаранг.  
Дил шавқини этайин изҳор,  
Туйғуларим торлари таранг.

Навбат беринг, бағишлай алёр,  
Бахтли кунлар шукронасига.  
Тароналар қўшайлик ҳар бор —  
Юртнинг мағрур таронасига.

Навбат беринг, айтайин алёр,  
Бўлмасин, деб, дилўртар ҳижрон.  
Тинчлик амри бўлиб ҳукмдор,  
Эркин нафас олсин, деб жаҳон.

Алёр айтинг, қувнаб ҳар инсон,  
Гўдаклар шод ўсмоғи учун.  
Хуш ис тараб мудом иссиқ нон,  
Порох ҳидин тўсмоғи учун.

Гурунгимиз қизитинг чунон,  
Юракларни қамрасин шукуҳ.  
Уруш ваҳми бўлсину яқсон,  
Жаҳон қезсин осуда бир руҳ.

Замин ҳорган жангу қирондан,  
Қўйинг, у тинч айланиб турсин.  
Халос бўлиб ташвишли ондан,  
Орбитада сайр этиб юрсин.

Она-Ерга биз хавф-хатармас,  
Осойишлик этайлик инъом.  
Таҳликада яшаш етар, бас,  
Она-Ерга берайлик ором.

Алёр айтай, берингиз навбат,  
Эллар элга бўлсин, деб, иноқ.  
Келинг, уруш битсин, деб, иноқ.  
Келинг, уруш битсин, деб фақат  
Қўшиқ бўлсин дунёда байроқ!

Жонажон юрт, ошиғингман  
танда жоним борича,  
Сақлайин қадрингни мен то  
қатра қоним борича.  
Тунда ой, кундуз қуёшдек  
бошда парвонанг бўлиб,

Сендан ўргилсам, дегайман,  
зарра оним борича.  
Мен баҳор янглиғ қучоғинг  
гулга тўлдиргим келур,  
Чунки меҳрим кўкда минг бир  
қаҳкашоним борича.  
Ойни айвон айлабон мен  
сенга кўз солгим келур,  
Эт мудом шавқингда сархуш  
то поёним борича.  
Билки, Зоҳиджон тирикдир  
шавқу илҳомингга ёр,  
Куйласам, дер, шавкатинг то  
ном-нишоним борича.



Юрак, кенгликда бўл дарё,  
Қониққан дил чаман бўлсин,  
Десинлар, меҳри кенг дунё,  
Талай эл орзуманд бўлсин.  
Адолатнинг йўлини тутгил,  
Адоват муккадан кетгай,  
Мудом феълингни тут аъло,  
Эл ичра аржуманд бўлсин.  
Юрак, руҳингни эт равшан,  
Кишилар кўнгли чоғ ўлгай,  
Десинлар, хулқи хуш, якто,  
Суйиб эл, меҳри банд бўлсин.  
Димоғ кўймоқ билан асло  
Баландлик кўрдими пастлик,  
Қуёш янглиғ эгил ерга,  
Мудом авжинг баланд бўлсин.  
Юрак, игна кўзидан ҳам  
Ўзингни тангу тор айла,  
Ёвузлик топмасин маъво,  
Каломи нописанд бўлсин.  
Зоҳиджон қалбини чоғлар  
Мудом эл-юрт муродиға,  
Замона бўлди руҳафзо,  
Яшаш боз болу қанд бўлсин...







Олим Отахонов

# ОКШОМ ХАЁЛЛАРИ

(ТУРКУМДАН)

## 1. Ҳикоянинг туғилиши

...баҳор кунларининг бирида, сарғиш бино остидаги энсизгина йўлқадан осуда ва хиромон юришни машқ қилишга чоғланган ёш раққосадек осойишта юриб борардинг; оёқларинг тагида, оз-моз униққан кўйлагинг этакларида ҳалқа-ҳалқа соялар ўйнардди. У эса, худди шу дақиқаларда тош ётқизилган серқатнов йўлдан қарама-қарши тарафга кетмоқда эди. Кўчада одам гавжум; бироқ ҳамма ўзи билан ўзи овора; умуман, оддий кунларнинг бири — йўловчилар ошиқади, шовқин-сурон, ҳеч ким бирон ўзгариш кутмайди, зотан, бирон ўзгариш юз бериши даргумон. Эҳтимол, унинг кайфияти яхши эди. Аммо бунинг ҳеч кимсага қизиғи ҳам йўқ. Бироқ шуни эсдан чиқармаслик керакки, одамлар аксар мана шундай лаҳзаларда олижаноброқ бўлади; айнан шундай лаҳзаларда душманларига ҳам яхшиликни раво кўра олади — ким билсин, бундай осойишталик, фавқулоддаги ҳолат довюрак кишиларни жасоратга ундар; чунки бундай чоқда инсон юрагининг тубида яширинган барча жиҳатларнинг туғён уриб, ўзини намоён этишга имкон туғилади. Бу масъуд дамларда яхшилик билан ёмонлик, ўткинчи, ҳавойи нарсалар билан асл, ҳақиқий нарсалар кескин фарқ қилади... бинобарин инсон фаолияти ўз чўққисига кўтарилади.

Хуллас, тепароқда сен, пастроқда эса у юриб борар эди, атрофда катта шаҳарга хос ғала-ғовур. Сизларни пастак, ям-яшил чим ётқизилган тепалик ажратиб турарди. Сенга кўзи тушгани ҳамона у беихтиёр ҳимо билан қадам ташлашингга маҳлиё бўлиб қолди; агар шу дамда унинг кўнглидан кечган хаёлни жумлага айлантирилса, тахминан шундай дейиш мумкин эди: сен худди сокин чайқалган денгиздаги эгасиз қайиқдек енгил сузиб борардинг. Ҳолбуки, унинг сени учратгани, аниқроғи, бирдан сенга кўзи тушгани баҳор ёмғири каби табиий, ўткинчи ва тасодифий ҳодиса эди. Бундай тасодифларнинг ҳар бир одам ҳаётида сония сайин юз бериши мумкинлиги инobatга олинса, унда нега энди у фалон куни, фалон соатда аллақайси таниши билан учрашгани эртароқ йўлга чиқиб, шошилмай кетаётган чоғида битта-яримта соҳибжамол қизга тасодифан кўзи тушиб, унга қизиқиб қолиши керак экан, деган савол туғилади. Чинданам, бунинг қандай фавқулодда ёки арзигулик жиҳати бўлиши мумкин? Ахир, ҳар куни минглаб ёш йигитларнинг кўзи минглаб қизларга тушади; кечирасиз-у, бу тугма қадашдан ҳам майда ва ўткинчи ҳодиса. Бунга эслаб, унга қўшиб-чатиб юргандан кўра шу ҳақда дилкаш латифа тўқиб, айтиб юрган маъқул эмасми?!

Ўша куни топ-тоза қонларни кўпиртиргудек сархуш табиат сунбуланинг сувидек тиниқ жилваланарди; гўё у кўклам бешигида ётган жингалак соч, мимит болакай сингари мунчоқ кўзларини очиб ётар эди. Қуёш эса, бу маъсум қақалоқни беминнат ва ҳарорат тўла кўкси билан эмизаётган эди. Эҳтимол, унинг ўша кунги дилбар кайфияти ҳам сенинг синчков ва хаёлпараст кишиларгина пайқашни мумкин бир алпозда — мавзун қаддинга баҳорий зеб бериб юришинга боғлиқдир?! Бари бир, шунда ҳам мутлақо нотаниш икки ёшнинг тақдирига бунинг нима алоқаси бор; ҳамма нарса оддий, ҳатто жуда оддий эди — авжи баҳорнинг туш сингари бир мунча чала, мубҳам ва оддий куни, қуёш ҳам ўша-ўша, одамлар ҳам... Бирдан унинг сенга кўзи тушиб қолдию худди одатийликка путур етгандек бўлди. Сени — хушқад ва чиройли қизни сенлаш одобсизликка кирар, балки, аммо нима деб аташ керак? У ҳали исмингни билмасди, сизлар мутлақо нотаниш эдингиз, шунинг учун сизлаш қандайдир расмийлик касб этади. Балки бошқа бир жисминга монанд чиройлироқ исм топган яхшидир?! Бироқ бу исм сенинг рухсоринга мос тушса-ю, рухинга, ботиний оламинга тўғри келмаса-чи?! Чунки у ҳали сенинг кўнглинг тугул исмингни ҳам билмайдими-ку! Тахмину гумонлар аниқ фикр юритишга халал берапти. Аммо қизиқ... бари бир эмасми: сенлаш ёки сизлаш ҳеч нарса ни ўзгартирмайди, ҳал қилмайди. Ундан ташқари, муҳими бу эмас. Муҳими — унинг мана шундай ажойиб кунда сени кўриб қолиши. Бошқа нарсанинг нима кераги бор?! Ахир шусиз ҳам инсоннинг ҳаётида аҳамиятсиз, ўткинчи ва пуч нарсалар тикилиб ётибди.

Хуллас, дафъатан унинг кўзи сенга тушиб қолди. Сен бошингни хиёл ёнга ташлаб келардинг. Ораларингдаги масофа унча узоқ эмас, атиги ўн қадам эди. Ун қадам узоқ масофами, яқинми, буни фақатгина нотанишлигингиз ҳамда унинг сени кўрмай ўтиб кетиши мумкинлиги белгилаб бера олишга қодир. Боз устига, ўша куни унинг шундай кайфиятда бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар бошқа йўлдан юриши ёки сенга парво ҳам қилмай шўша-пиша ўтиб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Бу ҳам майли, мабодо у, дафъатан сен томонга қарамаганда, ё қуёш чарақлаб мўл-кўл нур сочмай, бино остидаги ўша йўлкада соялар антиқа жозоба касб этиб титрамаганда ҳам, тўғриси, ҳеч нарса ўзгармасди. Шунда у сени узоқ вақтгача эслаб юрмасди. Аммо буларнинг ўзaro боғланиши шунчалик беқиёс ва кучли эдики, воқеалар айнан шу тарзда, марказий нуқта — сен, у ва ажойиб баҳор жозибаси атрофида занжирдек узвий ҳолда бирлашмаса, табиат қонунларига путур етадиганга ўхшарди...

Мабодо, шу лаҳзадаги манзаранинг сурати чизилиб, билинар-билинмас, шунчаки бир ўзгариш киритилса, нима бўларди? Масалан, ўша соялар ўйноқлаган йўлкадан уч сония аввал «пирр» этиб бир қуш учиб ўтсин, хўш, унда қандай ўзгариш юз берадию, нималар ўзгармайди? Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, шу арзимаган қушни деб ҳамма нарса ўзгариб, воқеалар оқими бузилиб кетиши уёқда турсин, ҳатто эртанги кунлар ичида юз бермоғи муқаррар ва бугунги юз берган воқеалар ҳам мутлақо ўзгача тус олиши хавфи туғиларди. Аввало, энг кўрқинчлиси, у сени кўрмай қолиши мумкин эди! Чунки унинг эътиборини шаҳарда камдан-кам учрайдиган қанотлари гўзал ноёб қуш ўзига жалб этарди, йигирма қадам юргач ёки орадан бир-икки соат ўтгач, хаёли жиндай чалғигани сабабли дастлаб ўша қушни, кейин эса шаксиз сени унутарди. Ёки аксинча, аввал сени, кейин ўша қушни унутарди. Негаки бир-бирига ўхшамаган икки хил нарса одам шуурига бир пайтнинг ўзида сиға олмайди; натижада уларнинг бири иккинчисига халал беради. Лекин шунга қарамай, дуркун кўкракларинг узра илондек тўлганган бир ўрим сочинг билан хипча белларингу қадди-қоматинг ўша жонсарақ қуш жозибасидан кўра кучлироқ таъсир этиши ва бир неча кунгача унинг кўз олдидан кетмаслиги ва

Олим Отахонов 1951 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У жуда кўп ўқийди ва изланади, янги мушоҳада йўлларини излайди. Ғарб адабиётига, хусусан, Лотин Америкаси халқлари адабиётига ихлоси баланд. Илғор ёзувчиларнинг шаклий-услубий изланишларидан олган сабоқларини миллий аъналар билан боғлашга интилади. Бу нарса ёш ёзувчининг ҳикоялари тузилишига, қаҳрамонларнинг таъби табиатига, ифода шаклига ва ҳатто тилига ҳам таъсир этмай иложи йўқ.

Адабиётда янги йўл излаш ва уни топish доимо машаққатли кечади. Лекин ҳеч бир ижодкор бу умиддан бебаҳра қолмаслиги керак.

Журналнинг мазкур сонида Олим Отахоновнинг тажриба сифатида ёзган ҳикоялар туркумини ўқувчилар эътиборига ҳавола этаймиз. Уйлаймизки, адабий жамоатчилик ёш ёзувчи ижодига муносиб баҳо беради.

кейинчалик ҳаммаси унутилган пайтда, орадан анча вақт ўтиб, яна хотирида қалқиб, ширин хаёллар бағрида намоён бўлмоғи мумкин.

Аммо ҳусну малоҳат икки нотаниш одам тақдирини боғлаб қўйишга ожиз. Қолаверса, балки унинг қалби гўзалликдан кўра меҳрга, самимий, алоҳида эътиборга ташнадир! Бу ҳам майли, эҳтимол унинг учун мушфиқ ва шикаста дилнинг қайғулари, аёл гўзаллигидан кўра кўпроқ аҳамиятга эгадир. Ваҳоланки, бу тахмину гумонлар асоссиз бўлса ҳам, жилла қуриса, ўша «баттол» қушча юлдузнинг юлдузга тўғри келишига путур етказиши аниқ. Бундан ҳам ёмони, пароканда ва сершовқин шаҳар кўчаларида бунчалик ноёб қушни учратганидан унга маҳлиё бўлиб сени пайқамай қолса-чи?! Ҳеч гап эмас! Турган гапки, буни у истамаслиги мумкин. Аммо истак-хоҳиш ҳамиша амалга ошавермайди... Мабодо, қуш-ку майли, оддий бир йўловчи, чунончи, истараси иссиқ гул кўтарган жувон ўтиб қолса ҳам худди шундай ҳол юз берарди. Чунки етилган жувонга ҳар қандай йигит қизиқиш ва нафс билан қарайди — бу табиий. Модомики шунга ишонсанг, бас, нима учун сени йўқотиб қўйишини тушунтириб ўтиришга эҳтиёж қолмайди. Биринчидан, унинг юрагида ғалати, минг бор айтиб ҳам тушунтиролмайдиган бир ҳис уйғониши, иккинчидан, етук жувоннинг ҳусни-малоҳатини намоёйиш этувчи балоғат, етуклик унинг хаёлини ўғирламаслигига ким кафил бўла олади? Ҳеч ким! Мабодо жувон азадор бўлса-чи? Шундай бўлиши мумкин-ку, ахир. Фақат фарқи шуки, унинг кўлида гул бўлмасди. Сен ўзингдан икки қадам олдинроқда кетаётган бева аёлнинг юзидаги ифодани кўрмаганлигинг учун «эсизгина» деб юрагинг ачишмас ва ортиқча куйинмассан. Аммо унинг эътиборини эса, аввало, дилхаста жувоннинг катта-катта ғамгин кўзлари, ўксик нигоҳи ўзига тортарди. Нафсиламрини айтганда қора либосли мотамсаро аёлнинг рухсори янаям оқишроқ кўринади ва юзидаги ифодалар ўн қадам наридан ҳам равшанроқ кўзга ташланади. У кўзларини яширмоқчидек, дам-бадам бошини куйи солиб олади. Жувоннинг маъюс чеҳраси, тимқора рўмоли остидан тошиб чиққан гунгурт қора сочлари анчагача унинг ёдидан чиқмайди. Ўзинг ўйла, бошига мусибат тушиб эридан жудо бўлган келинчак қиёфасини унутиш осонми? Дунёда азадор жувондан кўра ғамгинроқ таассурот қолдирувчи бебахт кимса бўлмайди. Осмон узоқ, ер қаттиқ. Шўрлик ҳатто ўз жабру жафосини дўсту душмандан ҳам яширишдан бенасиб. Тўхта, нега у жабру жафосини байроқ қилиб кўтариб юради? Айтганча, байроқ сўзи ажиб мақсад билан ёзилган ҳикоялардаги жумлаларга ва фикр қалқиб чиққан руҳий ҳолатларга мос тушар экан-у, аммо мотамсаро аёл қиёфасини тасвирлашга ожизлик қиларкан. Афтидан, байроқни чироқ деб алмаштирган маъқулроққа ўхшайди. Унда аёл ўз жабру жафосини чироқдек кўтариб юрибди, дейиш керак ва энди буни хаёлан тасаввур этса бўлади. Нечоғлик фавқуллодда тушкун манзара: қоп-қора кўйлак кийган аёл ўз мусибатини чироқ янглиғ кўтариб кетмоқда! Қора кўйлак, атроф зимистон; юзи оппоқ аёлнинг кўлида бир парча ғам-алам чарсиллаб ёняпти... Одам бошига нималар тушагинини олдиндан билмайди: бошга тушганни кўз кўради, деб юраверади. Бироқ, токи дунёда айрилишу жудодик мавжуд ва бевақт ўлим гулдек йигитлар ҳаётига чанг солиб, ёш жувонлар тул қолар экан, тирик жон борки, бебаҳо ва фанимат лаҳзаларни убудотга айлантиришга ҳаракат қилмоғи лозим. Гарчи, инсон ўзи учун яратган бу убодот абадиётнинг бир заррасига тенг келмаса-да, аммо бари бир бу билан инсон ўз бахт-саодати, кечмишлари ила мангуликка дахлдор эканлигини ғурур билан оламга намоёйиш этади.

Бу кўнгли ярим аёлга ҳамдардлик билдирмагани, билдирилмагани учун у, табиийки, бир неча кунгача изтироб чекиб, қийналиб юради. Жувоннинг маъсум ва мунгли чеҳраси эсига тушса, эзилади. Биласанми нега? Чунки бу аёлга энди ҳақиқий бахт кулиб боқмаслигини, мабодо худо ёрлақаб дуруст, меҳрибон, кўнгли очиқ йигит топилиб, ўшанга турмушга чиқса ҳам, бир замонлар кўз очиб кўргани ва болу паридан айрилган жувон учун бахт энди абадулабад бировнинг омонати каби оғир ва малол келадиган буюмга айланиб қолганини чуқур ҳис қилади. Жувон марҳум дўсти, синфдоши Саиднинг соф севгисини унинг ёдига соларди. Тасодифан бино остидаги йўлқадан ўтиб кетаётган жувон кутилмаганда ўша Саиднинг умр йўлдоши бўлса-чи... Саиднинг бевақт ўлими синфдошларига жуда қаттиқ таъсир қилганди. Чунки ҳамма уни яхши кўрарди. Энг муҳими, Саид уларга ҳақиқий муҳаббат нималарга қодирлигини кўрсата олган инсон эди. У мактабда бир қизни севар экан, бироқ то унинг вафотига қадар ҳеч ким, ҳатто ўша қизнинг ўзи ҳам бундан беҳабар бўлган. Йигирмаси ўтгач, Саиднинг онаси унга бир дафтэр берди. Биласанми, бу дафтэр — хотира эди. Дафтэрдаги гаплар, иқрорлар-чи!.. У ҳаддан зиёд тўғрисўз, очиқкўнгли эди. Ҳеч ким унинг ёш бўлатуриб, ўзидаги руҳий сокинлик ва қатъий иродани қандай қилиб тарбиялаганини тасаввур ҳам қилолмасди. Дафтэрни ўқиб чиққач, улар Саиднинг ўша қизга бўлган пинҳоний муносабати асл муҳаббат эканини англашган эди.

Хуллас унинг қайлиғи — бу сарғиш иморат остидаги йўлқадан бораётган мана

шу жувон энди кулса дили ёришмайдиган, йиғлайман деса дийдаси қуриган бир аҳволда кун кечиришга маҳкум. Ҳаёт қанчалар мураккаб ва қалтис. Қараб туриб яшагинг келмай қолади. Ахир улар — ёш эру хотин, бахт кулчасини бир-бирларига илиниб, келажакни жуда яхши ва ҳатто аниқ тасаввур қилган кечаларда ҳаётнинг кутилмаганда бутунлай бошқа томонга бурилиб кетишини хаёлга келтирганмидилар. Ахир ўмид билан бир ёстиққа бош қўйган аёл икки йил ўтмай эридан ажраб бева қолишини туш кўрибдими? Унинг хотирага айланган шириндан-ширин дақиқалари хаста эрининг кундан-кунга шам янглиғ адо бўлиб бораётганлиги ҳақидаги маҳзун ҳикоялар сингари оғир таъсир қилади. У аёл яна эрга тегиши керак! Шарт! Аммо... тегмаса-чи? Кўз очиб кўрган марҳум эрининг руҳи ажойиб-ажойиб кечаларда туйқусдан таъқиб қилса-чи? Ёки энди дунёдан бир дунё армон билан, кўзёшлари юрагига қуйилиб, салт-сувай ҳолича ўтаверсинми? Ахир орадан уч йил ёки беш йил ўтгач, вужудида ҳаёт соат сайин эмас, дақиқа сайин барқ уриб, чечаклар очаётган йигирма беш ёшли жувон оқшомлари ёлғизликка қандай чидайди? Чидаёлар йармикин? Юрак ҳовурини вужуд ҳовуридан қандай ажрата олади? Бу ҳам оғир, ҳам даҳшатли тушунчаларни келтириб чиқаради. Дунёга келган инсон яшамоғи керак! У яшаш учун дунёга келади! Наҳотки нақш олмалар, ҳуркак олмахонлар, париваш оққушлар, ўлаксаҳўр қузғунлар яшаса-ю сулвдан-сулв, вужудида ўт билан сув дамодам хуруж қилаётган нозанин кўнгилдагидай ашолмаса?!

Бу қандай маҳдўдлик?

Унинг хаёлига дафъатан, мен унга уйлана олармидим, деган фикр келиши табиий. Чунки бу аёлни унингчалик тушунадиган одам ер юзида йўқдек туюлади. Лекин, шунга қарамай, бунга осонгина жавоб тополмайди, қийналади... Аёлни бахтли қилмоқ учун кўп нарсани қурбон берса ҳам, бари бир, Саиднинг ўрнини у тугул абадулабад ҳеч ким босолмаслигини тушунган одамга қийин!..

Аммо бу оч-сариқ муҳташам бино остидаги энсизгина йўлкада на думи сариқ қуш, на мотамсаро аёл кўринди; ёлғиз сен ўти борардинг. Қуёш чарақлаб турарди. Гўё ҳар бир дарахт, «қилт» этган япроқ, титраётган шувъла, эшитилаётган товуш мана шу лаҳзаларга ярашиқ ёки мана шу лаҳзаларни бунёд этаётгандек эди.

Агар у машинадан тушгач, иморатлар остидаги энсизгина йўлқадан юришга азм қилганида, худди мана шу нуқтада сенга тўқнаш келарди. Балки ўшанда сенинг кўзларинг чехрангдаги хаёлчан ифодалар, қоматинг уқтам ва мустақил қадам ташлашингга ром бўлиб, кўз тегмасин, дея ириминга туф-туфлаб ёнингдан ўтиб кетарди; балки уч қадам юргач, беихтиёр ўгирилиб қарарди: толма белинг кўйлагинингғиғим-ғижим тўлқинларидан мутаассир бўларди; бироқ ҳар қанча қойил қолгани билан тез унутарди. Чунки аёлликнинг бутун ҳалоқатини ўзида жамлаган суратни кўрганидек, вақтики келиб дўстларига сен ҳақингда бир неча кунгача талтайиб гапириб юрарди, холос. Аммо, бари бир, яна кундалик турмуш гирдоби ютиб юборарди-ю, сен унинг хаёлидан ўчиб кетардинг.

Мабодо, рўпарангга етган чоғида сен унга кулимсираб ёки мавнодор қараб қўйсанг, у секин гап ташлаб шўхлик қиларди: «Яхши қиз...» Мен яхши қиз эмасман, деб жавоб қайтарсанг ёки индамай яна кўз қирингни ташлаб қўйсанг, у: «мунча сочларингиз қоп-қора», дерди. Сен кулгига олиб, сизни қўрқитиш учун десанг, у ўзича топқирлик билан: «кўзларингиз бунча чиройли», деб сўрарди, сен, эс-ҳушингизни ўғирлаш учун, деб кулиб юборардинг. Ниҳоят у зўрма-зўраки жиддийлик билан «унда нега кулиб қарадингиз», деса, сен қизариб, ажаб бўпти, деганча ура қочиб қолардинг. У сени мана шу эрка килиғинг учун ҳам бир неча ойгача эслаб юрарди... Кейин эса... кейин орадан икки ярим йил ўтгач, худди мана шу ердан ўта туриб биринчи учрашув жозибасини қайта туймоқ илинжида эслатишга уринарди; бироқ, минг уринмасин, бахтли тасодифга дуч келган оч-сариқ иморатлар тағидаги энсиз йўлкани эслатолмай гаранг бўларди.

Сен эса, ҳеч эсимда йўқ, дейсан. У эса кўзларингга тикилиб: «Яхшилаб эслаб кўр, баҳор пайти эди. Сен ўшанда иморат тағидаги йўлкада кетаётган эдинг, бир суям оч-яшил майсалар оралаб...» дейди.

Аммо сен эслолмайман, дейсан. Хаёлан кўзларингга афсус кўланкаси қалқиб чиқади. Унга сен худди атай эслолмаётгандек туюласан. Дарвоқе, сен учун буларнинг аҳамияти йўқ бўлса, бордир. Аммо ўша лаҳзалар азиз, ардоқли дамлар сифатида унинг хотирасида бир умр яшайди. Нунки дастлаб ўзи ҳам ортиқ эътибор бермаган бу лаҳзалар унга сени тортиқ қилди. Минг афсуски, инсон ҳаётида бундай тасодифлар жуда кам ёки қарийб бир марта бўлиб ўтади. Ажабо, шунга қарамай, нима учун ҳар куни рўй бериб турадиган воқеадек туюлади? Ҳаётда одамнинг бахтли бўлмоғи, неларгадир эришмоғи, жудо бўлмоғи учун тасодифий лаҳзанинг аҳамияти бунчалар кучли экан, демак, тасодифнинг ўзи тақдир тушунчаси билан уйқашиб кетади.

Тасодиф тақдирни келтириб чиқарса, тақдир тасодифни яратади.

...Лекин ўша баҳор кунларининг бирида — сен эркин ва ҳимо билан юрйшни

машқ қилаётган ёш раққосадек мухташам бино тагидаги энсиз йўлқадан ёлғиз кетиб бораётганингда — қўлида бир талай ўйинчоқ билан сенга аталган гул ва рўмол кўтариб, остонада маънос кулимсираб турган одам ҳақидагина ўйлаганингни икковингдан бошқа ҳеч кимса билмасди... Бироқ ўша сўқмоқдан сен ҳеч кимга қарамай, ҳеч кимни кўрмай ўтиб кетдинг. У эса... ўйламади, беихтиёр сенга кўзи тушиб қолдию ҳаммаси кўз очиб юмгунча, яъни...

## 2. Тундаги гуллар



ега аёллар ярим тунда бехос уйғониб кетадилар? Мана шу кўнгилсиз лаҳзаларда нега юз-кўзларига бедорлик аломатлари қалқиб чиқмайди? Уйғонган замонлариёқ ҳамиша зориққан кўзлари ҳумор сузилади?

Армон каби дардли бир ҳиссиёт кўксини гўдак қўлларидек беозор сийпалайди; оху фиғон чекишга мажбур этади; аёл хўрсинади ва яна ҳам синиқ, умидсиз кайфият кўнглида япроқ ёзади; у бирдан уйқуми, хаёлми аралаш аллакимни, алланимани кутиб ётади, кўзини очгач эса, илк дафъа хотирига ўша аллаким келади ва ўша ҳозир ёнида эмаслигидан ўртанади.

Ажабо бундай бахтсизликлар нега табиий офатлардек доимо кечаси рўй беради. Ёки зориққан жувоннинг тунда уйғониб кетмоғи ҳам бир офатмикин? Кечалар...

Худди навнихол жувонлар билан келинларни ўғирлаш учунгина боғда — дарахтлар панасида ёки заифгина гижирлаш товуши эшитилган ётоқлар теграсида писиб юрган омадсиз ишқ қароқчилари каби безовта, маънос кечалар!..

Аёлларнинг муқаддас бисоти — минг бир тусли, етти иқлим бож-хирожига арзигулик дафиналарини мана шу ҳийлакор ва мунофиқ кечаларнинг ўзи ўғирламасмикин?

Ногоҳ кимдир дарахт шохларини ўғиринча, оҳиста силкитгандек бўлди (шамолми?) ва боғ ичкарасида андишали, бироқ бир маромдаги шовуллаш эшитилди-да, хом олмагар дўпирлаб тўкилди, сўнгра яна сукунат чўкди.

Мастура ортиқ ётолмасди; юраги ҳаприқиб, вужуди лоҳасланаётгани учун эмас, билъакс ҳар қанча тотли бўлгани билан шундай сархуш ётаверса, энди фақат тўкилган хом олмагару уларни босиб, эзгилаб юрган оқ отли ўғлон ҳақида ўйлашдан қутулолмаслигини бирдан ҳис қилди-ю, ногаҳоний шарпадан ҳуркиган оху сингари сапчиб ўрнидан турди, сарпойчан ерга тушди.

Ётоқ эшиги очиқ эди; хонага равондан муздек шабада кириб турар, ташқарида кимдир кутаётгандек туюларди; бир тавақаси очиқ эшик бўсағасига оқ чойшабдай шуъла тўшалган эди. «Эшикни ким очиб қўйди экан?» деб ўйладию, Мастура кўнглига келган хаёлдан чўчиди. Аммо бу чўчишнинг кўрқув ёки саросимага алоқаси йўқ эди, у кўпроқ сири очилиб қолишини истамаган кишининг ҳадиксирашига ўхшар эди. Мастура даставвал айвон деразалари очиқ ёки берк эканига эътибор қилди: деразалар ёпиқ эди. Унда шамол қаердан қиряпти?

У ҳамон ўша ҳадик билан деразалардан бирини очиб юборди: энгашиб боққа разм солган чоғида сочлари елкасига тўкилди. Аммо у ҳеч қандай шарпа сезмади, фақат назарида айни шу лаҳзаларда кимдир оқ ургандек бўлди ва зум ўтмай хушбўй майсалар орасида тўнтарилиб қолган кўнғиз ночор дизиллади. Мастура унинг ётишини кўз олдига келтириб кулимсиради. Боғнинг хилват гўшаларида ниманидир (эҳтимол кимнидир) кутиб, яшириниб ётган ҳидлар — гул билан тун ҳиди равонга ёпирилди. Мастура шошиб ётоқ эшигини ёпди. Эшикни зичларкан, шабада яланғоч елкаларига ёпишди.

У пешайвонга чиққанида ётоқхона деворидаги осма соат занг урди ва идрокини эҳтиросу хаёл пардаси қоплаган бу рўёда кетма-кет эрининг хурраги эшитилди. Соат неча марта занг урди — уч мартами, тўртми, аҳамият бермагани учун билолмади. Мастура катта-катта, таранг сийналарини дўппайтириб чуқур нафас олди, сўнг уялинқираб керишди; хиёл энгашиб, сочларини силкитиб-силкитиб юборди-да, афсункор лўли хотиннинг ёқимли ва махфий башоратлари каби умидбахш хаёллар оғушида майсаларга оёқ қўйди... Майсалар нам, беозор эди: афсус, ҳозир бемаҳалда уларнинг вужуди эзилди, пайҳон бўлди. Аммо бу пайҳонликда ҳаёт, лаззат, ором бор эди. Аёлнинг дуркун баданига тунги ҳарир кўйлаги юмшоққина тегаётгани баробарида танасига барқут япроқлар ҳам енгил-енгил урилаётгандек туюларди. Мастура боғда нозик жойларини захдан, салқин ва тунги қароқчилардан асраш учун бирор нима кийиб олмаганини эсладию уялиб кетди. Аммо кимдан? У атрофга боқди, сарвқад дарахтларга юзланди; дарахтлар қават-қават пўстинлари устидан ойнинг оппоқ шуъласига ўралиб олган эди.

Кечалари боғда ёлғиз юрган аёл нимани истайди? Устига устак, ҳаво илиқ — роҳатбахш бўлса, қилт этмаётган шох-шаббаю рангсиз гиёҳлар умрининг ўткинчи ва ниҳоятда қисқалиги, ёшлик билан гўзаллик умри эса бу ўткинчи нарсалардан юз

карра мухтасарроқ эканини эслатиб турса-чи? Нима қилиш керак? Бу ҳар куни, айниқса, кечалари мунтазам равишда рўй бераверса-чи?

Аёл қачон илоҳий тун фароғатидан бахраманд бўлади? Қачон қайноқ муҳаббат оғушига етади? Уша муҳаббат туфайли кимнингдир рангин тушларига айланади, қачон? Оҳ, мабодо дунёда биргина аёл шундай муҳаббат умидида яшаб муродига эришса борми, у ҳақиқий муҳаббат дунёсини ярата оларди. Кундузи ҳаёт қанчалар сергавго, оғир, ёқимсиз кечса, майли — чидайди, чунки зумрад кечанинг ёнар лаҳзаларида бу толиқишлару ҳорғинликдан бир зумда асар ҳам қолмасди: зотан, кундузи риё, мунофиқлик, ёлғон-яшиқлар мана шу кечалар бағрида тонг сингари туғилиб, гулдек очилган аёлга таъсир этмасди.

Аммо аёл кечаси қайта дунёга келолмаса, туғулолмаса-чи? Ҳар кеча уйғониб, боғда бедор кезиб кимнидир, ниманидир излаш билан умри ўтиб кетаверса-чи?!

Мастура беихтиёр энтикарди. У кейинги кунларда гўё ҳаво билан эмас, балки шу дақиқалардагидек зориққан туйғулар билан нафас олиб яшаётган эди. Фақат гулларгина барқ уриб очилишга интизор кезларда бу аёлга ўхшаши мумкин. Бошқа барча нарсалар аёлнинг ўт-олов вужуди олдида макруҳдек туюларди.

Тунда муҳаббат маконидан қувилган ошиқ тимсоли янглиғ боғ кезиб юрган аёл руҳи алланарсалардан покланаётганини ҳис қилди-ю, аввалига бундай янги, номаълум ўзгаришдан саросимага тушди: бироқ кўп ўтмай, бу туйғуларнинг безарар ва умидбахшлигини сеза бошлади.

У дарахтлар орасида турарди. Шамол кучайиб, ипакдек гулбарглар сассиз тўкилди, бир-иккитаси кўйлаги ёқасидан тошиб чиққан сийналарига қор парчасидай оҳиста кўнди. Аёл бу гулбаргларнинг майин ва энгиллиги орқали уларнинг нафармон эканини ҳис қилди. Ажабо, туйқус унинг ҳам мана шу дарахтлардек ўзидан — сочларидан, сийналаридан — аъзойи баданидан бир нималар тўкилишини истарди; вужуди қизиди, ёнди, ожиз, иложсиз севгига, оташин оғушларга жуда-жуда зор эди; шуни айниқса ҳозир, ярим кечаси, боғда гулбарглар сассиз тўкилаётган чоқда чуқур ўкинч билан ҳис қилди: адоқсиз ва мунофиқ армон юрагини ўртаб юборди. Аёл гулга эмас, кулга айланди, унинг ўрнида бир ҳовуч оқиш, хира кул қолди: шамол кулни совуриб атрофга сочиб ташлади. Аллақандай қушлар — тун қушлари бехос ҳуркиб учиб кетдилар... Мастура телба-тийиқсиз ҳаяжон оғушида дарахтни кўллари билан ушлаб олди-да, унинг теграсида чир айлана бошлади. Кўнгли беҳузур бўлиб, кўзлари тингунча айланаверди. Охири нозик, бемажол кўллари толди-ю, ерга йиқилди: юзтунбан ётаркан, дағал ўт-улан юмшоқ-юмшоқ ерларига ботиб, тиканлар баданига игнадек санчилиб, вужуди оғир бир туш исканжасидан халос бўлгандек, сал ўзига келди.

Тонг отишига ҳали анча вақт бор эди.

Май ойининг охирлари эди, боғлар етилган, алланечук бир ўзгаришлар арафасида ҳоргин нафас оларди. Бирдан шуълаларга бурканган ойдин кеча, нурлар аро мавжланган боғ зору нотавон жувоннинг оёқлари остига йиқилди. Сўнгра ой булутлар орасига яширинди. Шамол кучайди. Аммо энди гулбарглар тўкилмади. Шамол қўллари оққуш қанотидек эркин ва осуда ёйиб, майсалар устида чалқанча ётган аёлнинг ичкўйлаги этақларидан кириб, баданини беозоргина сийпалаб ўта бошлади; сўнг торқилади, охири ғижимлагандек бўлди. Аёлнинг этаги мағлуб лашкарнинг байроғи каби ожизгина ҳилпиради. Унинг вужуди уйғоқ эди, барини сезганча ҳушсиз ётарди, шамолнинг қутилмаган шўхлиги унга хуш ёқар, шунинг учун кўтарилиб, сўнг қатланиб қолган этагини ёпмас, ёпгани хуши йўқ, кумушсимон белига қадар очилиб қолгани парвойига келмасди; шамол илиқ, унинг бадани эса оташдек ёнар эди. Шу сабабданми, шамол муздеккина, ҳузурбахш туюлмоқда эди. Аёл ташна эди, шамол унга сув тутиб қондиролмас эди, зероки шамол беҳуда эсмоқда эди.

Боғнинг хилват бурчида яна хом олмалар дўпирлаб тўкилди...

Дунёда аёл зоти учун энг вафоли сирдош — тун. Бўлмаса аёл тунга сирларини айтармиди?!

Ким туннинг қулоғи йўқ, деб айта олади? Тунларни аёллар яратгани ёки ёлвориб тилаб олгани ҳақидаги маҳзун афсоналарга ким ишонмайди?! Ахир ўтмишда ёлғиз тунга айланиб қолиш шарти билан не-не аёллар ўзини қурбон қилмаган?

Нега, нима учун кундузи — қуёш чарақлаб турган дамларда ёки ёмғирдан сўнги муаттар чошгоҳларда аёллар боғ оралашмайди?

Турган гапки, уларнинг фақат зим-зиё тун ҳис қила оладиган махфий гапи бор. Аммо нега боғда ёлғиз юрган қиз-жувонга кўзи тушган одамнинг юраги зангор бўлиб кетади?

Ажабо, уларнинг мушқулини ким осон қилади, ким уларнинг унсиз йиғисини шодлик ёшларига айлантира олади?!

Боғда хом олмаларнинг тўкилмаслиги учун нима қилиш керак?

Нега шоир кечаларнинг гуллар каби одоб сақлаши ҳақида хаёл қилади-ю,

нима сабадан бундай эканига аниқ жавоб айтмайди? Нега гуллар каби одоб сақлаётган кечанинг моҳияти билан қизиқмайди? Наҳотки, шоирни бу қизиқтирма-са!

Ахир кечаларнинг гуллар каби одоб сақлаши бир замонлар мана шу гуллар ҳам аёл бўлганлигидан дарак бермайдими?

Аёл ва тун...

Қачон бу тушунча алжабр назарияси сингари ечими, ифодасини топади? Қачон?!

Мастура ётоққа бемажол қайтганда тонг оқариб келар эди. У айвон деразаларини истамайгина ёпар экан, шундоққина идишларда билинар-билинемас тебранган атиргулларга маҳлиё бўлиб қолди. Кўнглидан: «Ҳозир гул баргида йиғилган шарбатни асалари каби сўролсам, бизникида ҳам асал кўпаярмиди» деган ғалати бир гап ўтди ва бу хаёлдан ўзи ажабланиб сергак тортди, равондаги чироқни ёкди. Ташқарида ҳозиргина ўзи кезиб чиққан боғни оғушига олган нилуфарранг кеча одоб юзасидан хилват-хилват бурчакларга чекинди...

### 3. Муқаддар туйғулар

**У** сингдами, Муҳаббат, ёшлигимда вақти-соати етиб гулнинг барқ уриб очилиш лаҳзалари ҳақида китоб ёзаман, деб орзу қилганларимни сенга бир неча йил муқаддам ҳикоя қилиб бергаң эдим. Назаримда ўша пайт келгандек туюляпти. Чунки ҳозир ёзув столига ўтирсам, бас, кўнглимда туғён урган ҳисларимни қоғозга тўкиб солишга қурбим етишига ишонч ҳосил қиляпман... Аммо... минг афсуски, энди гул ҳақида ёзолмасам керак, Муҳаббат.

Энди, мавриди билан сенга гул ҳақида ёзолмайман, деб нечоғлик ўкинганларим ҳақида ҳам бир кунни айтиб берарман.

— Гул ҳақида бир кунмас бир кун бари бир ёзасиз. Мен ишонаман, — дейсан ўшанда, Муҳаббат.

Ҳаво совуқ эди. Биз метродан чиққач, энсизгина йўлка бўйлаб кетдик. Атроф кимсасиз, қор ҳиди келарди.

— Муҳаббат, — дедим, — мен энди гул ҳақида ёзолмайман.

Муҳаббат бирдан тўхтаб, менга қаради-да, кулимсиради ва кўлимдан ушлаб, муздек бармоқларимни кафтлари орасига олди. Кўзларимга тикилиб туриб:

— Ёзасиз, мени айтди дерсиз, — деди, — фақат ўшанда мен ёнингизда бўламанми, йўқми...

Унинг майин кафти орқали ўтаётган ҳарорат вужудимга таралар ва мен беихтиёр ҳаяжонланар эдим.

— Йўқ, Муҳаббат, мен энди гул ҳақида ёзолмайман, — шундай дедиму унинг кўзларига тикилдим. Муҳаббатнинг очиқ юзи, зориққан нигоҳи, нозли қимтилган лаблари, оппоқ рўмоли остидан бўйнига тушиб қолган шокила-шокила сочлари — ҳаммасини бирваракайига кўриб туришни, кўриб ўзимни беҳад маъсуд сезишни истаб ортимга бир қадам чекиндим.

— Гул ҳақида албатта ёзаман, деб айтганларингиз эсингиздами? Ушанда тўлиб-тошиб, ишончдан кўзларингиз ёниб гапиргандингиз. Мана кўрарсиз, бир кунни пайти келиб, яна шундай дейсиз.

— Йўқ, Муҳаббат, энди ёзолмайман.

Мен сенга қачон, қай шароитда шундай деганимни эслолмайман, Муҳаббат! Мен ўшанда нега бирдан ҳаяжондан лов-лов ёнган юзларингдан ушлаб худди осмонга қарагандек кўзларингга термулиб қолганимни ҳам эслолмайман. Сенинг шивирлаб бир нималар деганингни ҳам ўша пайтда англолмагандим.

— Ёзасиз!

Ёзолмаслигим ўзимга аён, Муҳаббат. Чунки ҳозир ёзиш уёқда турсин бу ҳақда ўйлашни ҳам истамайман. Умуман, гул ҳақида нимани ҳам ёзиш мумкин. Бунинг кимга кераги бор?! Гул ҳақида роман ёзиш хаёлимга келганда, мен жуда ёш эдим, Муҳаббат. Ушанда тушларимга антиқа гуллар кириб чиқарди. Бир жуфт йирик, барги ҳаворанг, гули эса оч сиёҳ рангли афсонавий гул кўз олдидан кетмасди. Ҳатто ўша қиссанинг биринчи жумласини ёзиб қўйгандим. У ҳали-ҳануз ёдимда: «Субҳи содиқ маҳали гулнинг ранги ўзгара бошлади». Назаримда қисса асосан уч дақиқа ичида гул баргларидан юз берган сирли ўзгаришлар тасвиридан иборат бўлиши керак эди; назаримда, энг муҳими, қиссада ички оҳанг кучли бўлиши шарт ва бу нарса асарнинг мундарижаси; ундаги фикрни келтириб чиқаришга хизмат қилмоғи керак эди. Чунки ўша пайтларда мен оҳанг шеърга қанчалик зарур бўлса, наsr учун ҳам шунчалар зарур эканини тушуниб етган эдим.

Агар гул ҳақида ўша пайтда ёзилганда эди, унинг мазмунини оҳанг белгилаб

берарди. Эсингдами, табиатнинг бутун қудрати гулнинг очилиш лаҳзаларида айниқса кучлироқ намоён бўлади, шу чоқда уни тасвирлашга сўзнинг кучи етмайди, деганимда, сен ажабланган эдинг.

— Буни қандай тушуниш мумкин? — дея сўраган эдинг ўшанда.

— Оддийгина, — дегандим мен. — Биласанми, ёзувчи ҳар қанча моҳирлик билан ёзмасин, китобхон китобни ўқиётган чоғида сўзни, яъни сўз пардасини сезиб туради. Мана шу сезги асарни тўла ҳис қилишга халал беради. Бундан қутулиш учун асарни шундай ёзиш керакки, ҳислар имкон қадар сўз, жумла қаршилигини енга олсин. Бунинг учун керакли оҳанг топиш лозим. Нозик туйғуларнинг сўзда ифода этилаётгани мана шундагина билинмаслиги мумкин. Ахир куй эшитётганда унинг бир жуфт сим ёки бир суям қамишдан чиқаётган товуш эканини пайқайман-ку? Ундан ташқари, ўша асарда мен гўёки гул ҳақида ёзаётган бўламан. Аслида мақсадим бутунлай бошқа нарса бўлиши мумкин. Фақат ўша нарсага оҳанг орқали эришишим керак...

— Ўқувчи тушунмасачи ўша оҳангни, — дея лабини бурди Муҳаббат. Унинг юз-кўзида буни билишга қизиқиш кучайиб бормоқда эди.

— Тўғри, ўқувчи буни тушунолмаслиги мумкин, эҳтимол тушуниши шарт ҳам эмасдир. Уни ҳис қилади, холос.

Муҳаббат кулди.

— Тушунмасачи-ю, ҳис қилса. Жуда ғалати.

— Муҳаббат, мана, қара. Мен бирон нарсани сендан сўрайман, сен жавоб берасан. Аммо сенинг жавобингдан кўра овозингдан, гапингдаги оҳанг орқали кўнглингдагини кўпроқ сезишим мумкин. Шундайми?

— Ҳамма вақт эмас.

Мен ҳаяжонландим.

— Хўп, хўп, бунинг аҳамияти йўқ, баъзи-баъзида бўлса бўлақолсин, лекин ҳарқалай шундай экан-ку! Ҳикояда ҳам худди мана шундай. Унинг оҳанги ўша пинҳоний дэрд, чуқур фикрни англашга ёрдам беради. Лекин мен мабодо гул ҳақида ёзсам, мураккаб, тушуниш қийин шаклда ёзардим.

— Демак, бундан чиқди, ўзингиз учун ёзар экансиз-да. Нимага эришасиз бу йўл билан; билмадим? Кейинги эълон қилинган ҳикояларингизни ҳам тушуниш қийин. Китобхонга бунинг нима кераги бор?

— Китобхонлар ҳафсаласиз ва руҳан танбал бўлиб қолишган. Баъзилари чайнаб, оғизларига солиб қўйишимизга ўрганишган. Аммо мен бунга қаршиман. Улар мана шунинг учун ўз ҳаётларидаги чигалликлар, можароларни ҳал қилишга кучлари етмайди.

— Демак, сиз уларни ўша чигалликлару можароларни ҳал қилишга ўргатмоқчимисиз-да?

Муҳаббат шундай деб яна кулди. Унинг кўзлари чиройли эди. «Эҳтимол кўзлари эмас, нигоҳи шундай чиройлидир» деган ўй кўнглимдан ўтди. Мен бу хаёлимни унга айтдим. Муҳаббат қизаринди.

— Гул ҳақида мураккаб ёзиш шартми?

— Ким билади, эҳтимол шундайдир. Лекин гул ҳақида ёзаман, деб ният қилганимдаёқ, назаримда, унинг мураккаб, тушуниш қийин ифода тарзи, шакли ҳам ниятим билан бирга туғилгандек туюлади.

— Лекин сиз гулнинг очилиши ҳақида бари бир ёзишингиз керак. Чунки бу жуда сирли ва гўзал ҳодиса. Чунки бу ҳақда ҳеч ким ёзмаган. Сиз биринчи бўлиб ёзасиз. Мен гулнинг очилиши ҳақида ёзишингизни шунчалар истардимки...

Муҳаббат ҳаяжонини ошкора қилиб қўйганидан уялиқиради ва бир зум тўхтади, сўнг паст, таъсирчан овозда давом этди:

— Ахир гул ҳақидаги фикрнинг ўзи инсон қалбида гўзалликка нисбатан муҳаббат уйғотмайди?! Одам бу гўзалликдан таъсирланади. Шу тариқа гўзаллик туфайли унинг вужуди покланади. Гўзаллик шайдоси бўлган одамнинг эса қўлидан ёмонлик келмайди. Ёзишингиз керак!

Мен нима учун гул ҳақида ёзолмаслигимни тушунтириб беролмаслигимни дафъатан англаб етдим. Чунки бу жуда ғалати ва дабдурустдан тушуниш қийин ҳиссиёт эди, аммо минг қилса-да, тушунтиришим зарур эди.

Муҳаббат, ҳамонки гул ҳақида ёзмаслигим аниқ экан, қандай ёзишимдан: мураккабми, соддами — бу ҳақда бош қотиришдан фойда йўқ. Фақат бир нарсани эслатиб қўяй: мен энди бошқа мавзуларда ёзаман. Кейинги пайтларда гулнинг эмас, инсоннинг туғилиши мени ўйлантиряпти. Унинг дунёга келиши эмас, шахс сифатида қайта туғилиши кўпроқ қизиқтиряпти. Шу ҳақда ёзиш қизиқарлироқ, сирли ҳамда гўзалроқ туюляпти. Ахир инсоннинг қайта туғилиши, шахсини англаши, ўз қадрини билиши инсонлигини дунёга намоён этиш билан баробармасми? Бундан ҳам муқаддас ёки муқаддар туйғулар бўлиши мумкинми? Қандай ажойиб мавзу! Орзу-умид билан яшаб, яхши ҳаёт кечириш учун табиат инъом этган ажойиб фазилатлар: тўғрилиқ, довюраклик, ҳамдардлик сингари



туйғулардан секин-аста махрум бўлиш оқибатида камгап, одобли бўла туриб эҳтиёткор, ҳафсаласиз, муте кимсага айланиб қолган одамнинг қайта дунёга келиши ҳақидаги қисса қандай ёзилганлигидан қатъи назар, гулнинг очилиши ҳақидаги қиссадан кўра муҳимроқ, жиддийроқ ва қизиқарлироқ бўлмайдими? Тўғри, Муҳаббат, гулнинг очилиш лаҳзалари гўзал. Гулбарглар ёйила бошлаганда унинг ранги жуда тез — кўз очиб юмгунча ўзгаради, шу асно новдалари тириклик шарбатига тўйинади ва у дунёни тутиб кетган, инсон боласи абадулабад тинглаш лаззатидан бенасиб сирли товушлар орасидаги номаълум оҳангларни эшитиши ҳамда бу оҳанглар бир лаҳзада унинг вужудида аввал гулмойга, кейин муаттар ҳидга айланиб оламга тарала бошлайди ва бу ҳид ёйилгани ҳамано олам унга мурувват кўрсатиб таъзим қилади... Нақадар гўзал манзара!

Аммо, тасаввур қилгин-а, Муҳаббат, ўз умри давомида андишани деб кўрқоқликка кўникиб кетган, бошқалардан яхшироқ яшайман деб талпиниш оқибатида яхши ҳаётни эмас, балки кучлироқ ва ўзидан бадавлатроқ одамларнинг қулига айланиб қолган ёки ўз нафси, жаҳолати ҳамда ортиқча истихолою бидъатларнинг исканжасидан қутулолмай, уларга асир бўлган одамнинг бирдан ҳақиқий афти-ангорини ойнада кўриб қолгандек ҳидоят йўлига — эътиқод, ростгўйлик, ҳалоллик йўлига ўта бошлаши нечоғли таъсирчан ва ибратли! Унинг соат сайин инсонлик қадр-қимматини англаб боришини қандай мўъжиза билан тенглаштириш мумкин? Гулнинг очилишидаги илк дақиқалардан кўра инсоннинг ўз-ўзини таниш жараёнидаги дақиқалар пурҳикмат ва пурмаънолигини ким инкор эта олади?

Иккинчи дақиқани олиб кўрайлик.

Гул энди оламнинг бир ҳужайрасига айланди. У энди худди инсон, дарахт, ҳашоратлар, сув каби олам мукамаллигини яратишда иштирок этади ва шунинг учун муқаддар ҳақ-ҳуқуқлардан фойдаланади: даставвал қушлар сайроғидан мастона тебранади, кейин еллар билан ўйнашади, капалақларга тузоқ кўяди. Охири Буюк Инсон эътиборига сазовор бўлади. Унинг учун сўнгги лаҳза янгила-ниш, ўзгаришдек бутун бир давр вазифасини ўтайди.

Инсон-чи... У ўзини таниди, шаъни-шавкатини ҳурмат қилишга ўрганди. Энди у ҳам барча одамлар каби жамятнинг етук аъзосига айланди. Аммо айна шу ҳолатда янама мураккаброқ ва бир оз қутилмаган ўзгарish юз беради. Узини таниган одам сиқила бошлайди; у энди аввалгидан кўпроқ куюнади, чунки у атрофида айна номукамаллик мавжудлигини пайқаб қолади. Илгари ҳеч нарса — на фирибгарлик, на кўрқоқлик, на хушомадгўйлик, на чаладумбуллик, на да қарамлик, таъмагирликни кўрмаган бўлса, энди барчасини рўйи-равшан кўради, пировардида бошқаларнинг ҳам бу нарсага муросасиз бўлишини иштайди; аммо бошқалар яшашни, яшаганда ҳам оёқ-кўлни узатиб, айш-ишрат ботқоғига ботиб, нафс маъбудаларига саждалар қилиб яшашни иштайди. Мана шунинг учун ўзини таниган одам уларнинг ҳам бундай маразлардан тезроқ халос бўлишини хоҳлайди, ўзидек дунёга кенг ва жиддий қараши учун, умуман дунёни билиши учун маърифат тарқатиш умидида куйиб-пишади.

Муҳаббат, кўраяпанки, кейинги вазият хийла мураккаб ва қизиқроқ. Бунинг сабаби қайта туғилаётган одамнинг муҳаббати, насли, агар бўлса амалидан, хонумонидан воз кечишидан бўлса керак. Ҳа, Муҳаббат, ҳар қанча оғир бўлса ҳам, у барчасидан кеча олади, бунга унинг кучи, бардоши этади. Чунки Инсон ўзининг заминдаги ўрни, яшашдан мақсади нимадан иборат эканини бирдан англаб етди. Энди ҳеч қандай куч уни ортига қайтаролмайди.

Гул-чи?! Гул эса ўткинчи гўзалликнинг рамзи бўлишга ҳам нолойиқдир.

Энди сўнгги, учинчи дақиқани тахминан шундай тасаввур қилиш мумкин.

Гул очилди дейлик. Дарҳақиқат, гулнинг очилишини чинданам мўъжизага киёс қилса арзийди. Тўғрида заифгина ғунчанинг ўрнида кўз очиб юмгунча чиройда тенгсиз гул пайдо бўлсаю мўъжиза бўлмай нима бу! Менимча, дастлабки замонларда одам боласи бундай ҳодисага дабдурустдан ишнолмаган бўлса керак. Гул энди гўзаллик тимсолига айланиш ва борлиқ дунёни мафтун этиш учун товлана бошлайди. Унга қараб туриб ажабланасая: наҳотки, ёлғиз шунинг учун дунёга келганми, дейсан — унинг чиройи бир лаҳзалик қониқиш бахш этади, холос. Афсуски, у энди қайта туғила олмайди, яъни, ўша мен ёзишга аҳд қилган муқаддар ва сирли дақиқаларни қайта бошдан кечирмайди.

Демак, кўриниб турибдики, ёзишга арзимайди, Муҳаббат!

Инсон-чи... Узини таниб улгурган, одамларнинг кўзини очши учун ҳаётини тиккан инсон янги бир йўл кашф этади. У курашга даъват этади. Одамлар учун — халқ учун курашга отланган шахс афсонавий, гўзал қаҳрамонлардек юрагимиздан ўрин олади. Бу бежиз эмас. Чунки бу йўл ҳар кимга насиб этавермайди, чунки бу ҳақиқий инсонга муқаддар — тақдир этилган йўлдир. Нега Спартак, Спитамену Торобий, Жанна Д Арк, Жалолоддин Мангубердини, шунингдек, Рилеев, Пестель, Каховский, Апостоль-Муравьев, Бестужев каби декабристларни, Махатма Ганди,

Патрис Лумумба, Че Гевараларни биз улуғ инсон сифатида тилга оламиз? Чунки улар одам боласига хос энг гўзал ва муқаддар туйғуларини инсоният бахти йўлида фидо қилганлар. Улар худди ҳозир ҳам бизлар билан яшаётгандек туюлади менга. Улар баъзан ер юзини бир мисқол бўлсин равшанроқ ёритиш учун нурга айланиб кетганми, деб ўйлаб қоламан. Мана энди, айт, Муҳаббат, мен гул ҳақида ёзишим мумкинми?

Гул ҳақида ёзиш учун одамга нафис дид керак, аммо кураш ва инсоннинг қайта туғилиши ҳақида ёзиш учун эса бу оз — яна ШИЖОАТ ҳам керак. Мен ўзим учун мана шу нарсани кашф қилдим, Муҳаббат. Мана шунинг учун энди гул ҳақида ёза олмайман.

— Ёзасиз, ёзишингиз зарур. Чунки гул билан кураш ҳақида ёзиш аслида муштарак мавзулардир. Мен сизни ҳақиқий ёзувчи бўлишингизни истайман. Эсингиздами...

— Эсимда, Муҳаббат, аммо шуни унутма, токи мен гул ҳақида ёзар эканман, чин маънодаги ёзувчи бўлиш у ёқда турсиң, оддий қаламкаш ҳам бўлолмайман. Мабодо гўзаллик ёки гул ҳақида ёзсам, унинг муаттарлиги, чиройи ҳақида эмас, балки булар баҳонасида бутунлай ўзга нарсаларни ёзган бўлардим. Муҳаббат, ҳатто гул бағрида ҳаёт оҳанглари мавж урган тақдирда ҳам ёза олмайман. Чунки минбаъд гул бағрида яширинган ҳаёт оҳанглари кураш оҳангларига айланолмайди. Шунинг учун азбаройи ёзолмаганимдан эмас, балки истамаганимдан қўлим бормайди. Гулнинг гўзаллиги орқали одамлар нигоҳини жалб этиш, гўзаллик орқали эса ҳақиқатдан ва оқибат уларни кураш моҳиятидан огоҳ қилиш мумкин-дир, аммо бу йўл тасодифийдир ва шунинг учун кўпинча боши берк кўчага олиб бориши мумкин. Гулнинг гўзаллиги ҳақида ёзиш истагини ўзиёқ юлдузлар ҳақида ёзишга илҳомлантиради. Юлдуз эса беихтиёр баҳор, бахт ва муҳаббат мавзуларида қалам тебратишга ундайди.

Араб шоири Котиб Ёсиннинг шеъри эсингиздами? У: «Етар ишқ саҳросида адашмоқ, дўстим!» деб ёзган эди.

Шунинг учун мен энди ўзини таниган инсоннинг аҳди ёки кураши ҳақида ёзаман. Эҳтимол, худди мана шу мавзу менга одамларнинг қалбида гўзал гулларга нисбатан ҳақиқий муҳаббат уйғотишимга ёрдам берад!

Гаршин бир дона қизил гул баҳонасида ер юзида ҳукм сурган зулмни бир ҳамлада яқсон этмоқ учун жонини тиккан савдойи одамнинг адоқсиз изтиробларини тасвирлаб берганидек, балки мен ҳам гулнинг очилиш лаҳзаларини кўрсатиш баҳонасида чин этиқод ва одамийлик учун бош кўтарганларнинг тенгсиз кураши ҳақида қуйлаган ҳаваскор ёзувчининг ниятига аслида бир дона гул сабаб бўлганлиги ҳақида ёзарман.

Муҳаббат, ҳеч ким тенгсизлик ва зулмни енгиш учун гул кўтариб бормайди. Зулм ва адолатсизлик тўқилган қонлару қурбонлар эвазига маҳв этилади. Мана шунинг учун ҳам қон гулга эмас, байроққа ўхшайди.

Гул билан жангга кирилмаганидек, жангчини ҳам гул билан қарши олмайдилар; уни ё севинч ё алам ёшлари билан кутиб оладилар. Чунки жангчи қўлга киритган озодлик ҳар қанча муқаддар бўлмасин, бари бир сон-саноксиз қурбонларни ёдга солиши мумкин.

Муҳаббат, сен бир неча йиллар давомида мени ёзишга, бошқалардан кўра ўзгачароқ ёзишга даъват этиб келдинг. Сенинг кўзларинг маҳзун жилмайишларинг, сиқилишларинг уртанишларинг доимо мени ҳаёт, унинг қоҳишлари ҳақида зор-зор ўйлашга жалб этарди. Мен бундан буён ҳам сенга интизорман, Муҳаббат. Сен гул ҳақида ёзишимни истар экансан, бир эмас, ўнта асар ёзишга сўз бераман; ҳатто сариқ гуллар, шифобахш гуллар ҳақида оддийгина, тушунарли қилиб ёзаман! Аммо, илтимос, ҳозирча менга кураш ва енгилмаган инсон ҳақида ғамгин ҳикоялар ёзишим учун далда бер. Майли, бу ёзганларим эълон қилинмасин, фақат вақти келиб бу ҳикояларни ўзим учун эмас, одамлар учун ёзганлигимга гувоҳлик бера олсанг, бас.

Муҳаббат, куни кеча мен бир ҳикояга сўнги нуқтани қўйдим. У «Муқаддар туйғулар» деб аталади. Уни сенга бағишламоқчиман.

Мабодо ҳикоям тасодифан эълон қилинса ҳам, аминманки, китобхонлар севиб ўқимайди. Биринчидан, у ҳали хом. Лекин севиб ўқимасликларининг сабаби бунда эмас. Дарвоқе, аслида бунинг ҳикояга алоқаси йўқ, у шунчаки хаёллардан иборат. Аммо бу хаёллар мен учун ардоқли ва азиз. Шунинг учун ушбу ҳикоямнинг эълон қилинишини жуда-жуда истайман. Китобхонларнинг севиб ўқимасликларига келсак, балки улар ҳам аслида менинг гул ҳақида ёзишимни хоҳлашар. Минг афсуски, китобхонлар учун гул ҳақида ёзиш шарт асламиги уларни қизиқтирмайди.

# ДУНЁ КЎРИБ, ДУНЁ ТОПДИМ

Каркидоннинг хўжайини

**Т**анжер шаҳри Саҳрои Кабир қумликларининг чап томонида жойлашган. Бу ерга дунёнинг барча мамлакатларидан сайёҳлар келиб, ҳайвот дунёсини томоша қиладилар. Қўриқхонада илонларнинг беш юздан ортиқ хиллари, Африка сиртлони, думсиз маймунлар; бубола жайронлари, фенек номли тулқилар; туяқушу бир ўрқачли туялар, филлар, сув сигирлари, митти бегемотлар; жирафа, зебралар бор. Кўпчиликнинг диққати Каркидоннинг устида ўтирган болага тушади. Унинг исми Муҳаммад. Ун уч ёшда. Ориқ, суяклари кўриниб туради. Муҳаммад ўзини Каркидоннинг хўжайини деб билади. Чунки, Каркидон ҳам ундан бошқанинг гапига кирмайди. Унинг ота-онаси ҳам шу кўриқхонада ишлаган. Қурғоқчиликда бир томчи сувга зор бўлиб ўлиб кетган. Акасингилларининг ҳам умри қисқа экан. Суянгани етти яшар Убайда исмли синглиси. Қўлига нима тушса унга илинади.

Бугун унинг бахти юришган кун бўлди. Совет саёҳатчилари писта-бодом, ҳаммасидан ҳам қутилмаган совға — дафтар, қалам беришди. У ўзида йўқ хурсанд. Акробатик машқлар бажариб, миннатдорчилигини билдирди. Кейин бир боғ пичан олиб келиб, «Жем» деб бақирган эди, Каркидон оғзини катта очди. Хашакни ҳайвон оғзига олиб борган эди, у бир ямлашда ютиб юборди-да, яна хўжайинига қаради. Муҳаммад ниҳоятда хурсанд эди. Энди қалам ҳам, дафтар ҳам бор. Бир йил мактабга борса бўлади.

Нон ва мева-чеваларни синглиси Убайдага илинди.

## Укинч

**И**стамбўлнинг камбағаллар даҳасида бир мусофир она яшайди. Ҳожира она дейдилар уни. Қовоқлари ичига ботган, кўзлари катта-катта, бир қарич ҳам чиқмайдиган соч ўрими учига Николай замонида чиққан танга осилган. Уч кун бўлибдики, иситмаси тушмайди, алахсирайди. Оғзига бир қултум сув қуядиган, бир қошиқ атала ичирадиган ҳеч кими йўқ. Хаёлига ёшлик йиллари, Қўқоннинг чанг, тор кўчалари, Ҳожибек гузари келади. «Она шаҳрим — Қўқоним, қайдасан?! Бағрингда ўлсам эди. Чойхонада Муқимий домла, Завқий домла, Ҳамзахон домлалар шеърлар ўқишарди-я!..»

Ҳожира бувини ўн уч ёшида оқ салла ўраган чол кўқон аравадан кўтариб оламан, деб йиқилиб тушгани эсида. Хотинлар ёр-ёр айтишарди. Кейин, узундан узоқ сафар: Чоржуй, Термиз, Қобул, Истамбул...

Чол йил ўтмасдан қазо қилди. Унинг ясовули Аҳмад чўлоқ маҳалла имомига уч сўлкавой бериб, қубба ўқитиб, уйланиб олди. Кунлар ўтди, Аҳмаднинг ҳам куни битди. Мана, уч кун бўлибдики, емиш топиб келаман деб чиқиб кетган ўғли Назирбекдан ҳам дарак йўқ. Онани хаёл тутмоқда: «Боғчамиздан оққан ариқнинг сувидан бўлса тўйиб-тўйиб ичи олардим, армоним қолмасди...»

Ҳужра эшиги ғийт этиб очилиб, кўлида тугунча Назирбек кўринди.

— Ойижон, тузукмисиз?

Ҳожира она бошини кўтариб, илжайгандай бўлди. Назирбек энгашди, онасининг оғзига ёғоч қошиқда қатиқ томизди. Қурқшаган лаблар қимирлади: «Болажоним, шу кунларга тушишимизга мен сабабчиман. Кечир, заифалигимга бордим... Биласанми, эртак айтиб, Қўқон деган шаҳар, зилол сувлар, турли-туман мева-чевалар ҳақида сўзлардим. Бу эртак эмас, ҳақ гап! Уша шаҳарда туғилганман, сени аравада туққанман. Уғлим, бир амаллаб Қўқонга кет. У ерда ҳамма тенг, бахтиёр деб эшитаман... Агар вақти келиб Истамбулга йўлинг тушса Қўқондан бир сиқим тупроқ келтир!..»

Ҳожира онанинг қўли бир сиқим тупроқ олмоқчи бўлгандек қимирлади-ю, шилқ этиб тушди.

## Ажал чўққиси

**В**ендивуднинг отаси Акапулко шахрига тирикчилик важдан келган. Ҳамма болалари очлик ва касалликдан нобуд бўлиб, фақат шу ўғлигина фалакнинг гардиши билан тирик қолган. Улар Тинч океан қирғоғидаги тоғ ёнбағрида, кулбада яшашади. Қари ота ҳар сафар «Ажал чўққисига қараб йўл олганида она бечорада жон қолмай егулик бирор нарса топиб келишини яратгандан тилиб қолади.

«Ажал чўққиси» тик бўлганидан унга абжир спортчи ҳам аранг кўтариларди. Чол бунинг уддасидан чиқар, кейин эса, ҳайқириб оқаётган сувга ўзини отар, эсон-омон чиқиб олса, томошабинлардан чойчақа йиғар, уйига озроқ егулик олиб борарди. Чол бугун ҳам оёғи тортмаса-да, жингалак сочли ўғли Вендивудни етаклаб кета бошлади. Ортига ўгирилиб, букчайиб қолган хотинига узоқ боқди. Хотини негадир сесканиб кетди. Гўё эрини сўнгги бор кўраётгандай эди. Қўлини чўзиб бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин кўзларига ёш сизиб, титроқ қўллари билан юзини бекитди.

Чўққида бугун одам гавжум. Чет эллардан сувга сакровчини кўргани сайёҳлар келишган. Чол ўғлини одамлар орасидан зўрға топиб, «шу ерда мени кутиб тур» дегандай ишора қилди-да, ўзи юқорига илондай тирмашиб чиқа бошлади. Зўрға қоя чўққисига етди. Чуқур нафас олди. Кўзига қачонлардир кимдир ўрнатган Иисус ҳайкали чалинди, ундан мадад сўради. Ҳамма жим, тўлқинлар қояларга урилиб даҳшатли овоз чиқарарди. Чол яна бир қарра ўғлига — кичик Вендивудга қаради. Оёғи қалтиради. Лекин сувга сакрамаса бўлмайди — уйда егулик ҳеч нарса қолмаган, хотини умид билан кутмоқда.


У осмонга узоқ тикилиб турди-да, сув қаърига ўзини отди. Ҳамма бирданига чапак чалиб, ҳайқириб юборди. Вендивуд ҳам «бу менинг дадам» дегандай ён-верига қараб кўйди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас чинқирган овоз атрофни босиб кетди. Ҳамма томошабинларнинг кўзи сув остида қонга бўялиб ётган кишига қадалди.

Эртаси «Ажал чўққиси»да яна дўмбиралар садоси янгради. Йиғилган оломон қояда қад кўйиб турган кўнғир сочли, чиройли болани кузатарди. Бу — кичик Вендивуд эди.

## Балиқчи Джо

**Д**жо неча ёшга кирганини билмайди. Отаси унинг оч қолишини истамай денгизда шамол-довул бўлишига қарамай қайиққа ўтирган, «сенга балиқ олиб келаман» деганди. Уша кетганча қайтиб келмади. Джо на уйланди, на уй-жой қилди. Тирикчилиги балиқ билан. Ўзи ҳам қариб, мункайиб, қоқ балиққа ўхшаб қолган. Лекин бир кун ҳам денгизсиз яшай олмайди. Чунки унинг киндик қони денгизга тўкилган. Довул куни онаси денгизда — қайиқда туққан экан.

У тешик тўрни елкага ташлаб, узоқ йиллик қадрдони — қайиғига ўтирди. Бу ўзининг сўнгги ови эканлигини билмас эди. Яхши ўлжа топиш учун узоқ-узоқларга кетди. Иши юришиб, бирин-кетин эски тўрига балиқлар туша бошлади. Орқага қайтишни ўйламасди. Бир пайт қайиқ қутилмаган кучли зарбадан чайқалиб, тўнтарилиб кетди. Бахайбат махлўқ оғзини очиб келарди. Бирдан қўлини кўтариб, денгиз тубида сузиб келаётган дадаси кўз ўнгида гавдаланди. Кейин, нафас олиши қийинлашди. Олам бир ёришиб сўнди.



Туроб Тўла

**АРУЗ ТАЛҚИНИДА  
ЎН БЕШ ҚЎШИҚ**



ۋەزەن ۋەزەن ۋەزەن ۋەزەن ۋەزەن  
\* \* \* \* \*

Бу не ҳаволаган, най навосимидир,  
Баҳор ҳавосими, май ҳавосимидир...

Тонгдан қирчинларга кўниб ун тортган  
Май навосимидир, ёр овозимидир...

Новдаларнинг бағрин тилиб уйғонган,  
Керишиб уйғонган гўзал нозимидир...

Адирларни тутди ажиб лола базми,  
Май либосими ё май жиҳозимидир...

Ер кўксини ёриб чиққан бойчечакнинг  
Ҳаёт кўмачига иқтибосимидир...

Ҳассос ҳисларингга қўймоқда ошиён,  
Бу ҳам ҳаёт мулкин бир меросимидир...

Бу бир манзарами ёки мунозара,  
Табиатнинг эрка бир ғаммозимидир...

Майнинг тилсимига тенг йўқ, тараф йўқ,  
Умр боқийлигин қиёсимидир...

Солланиб-солланиб ёниб келаётир,  
Гўзал табиатнинг гўзал ёзимидир...

# Ҷаъфар Ҳасанов

## Ҷўшўзи

Юнус Ражабийни эслаб...

I

Сухбат этгум мен бугун Сен бирла, лек Сендин йирок,  
Бормидир оламда сухбат лутфидин ҳам яхшироқ!

Лутф бу баҳри карамдир қалб аро ёғду мисол,  
Ажратолмас яшиларни бўлса ҳар қандай фироқ!

Фаҳр қилдинг ким мақом меҳробига қўйганда бош,  
Лутф кўргазди унга қалбингдин ўтган минг синоқ.

Ворисинг бўлмоқ менинг ҳам сидқидил зиммамдадир,  
Истагим — ҳар дилда порлаб турса Сен ёққан чироқ.

Кимни машшоқ, кимни ҳофиз этди Сен очган чаман,  
Хур, табаррук юртини мадҳ айламоқдин вақти чоқ.

Кўз юмиб Сен «Шашмақом»га чархни этганда фарқ,  
Дийдаи чашмим, эсингда, бўлгани беун булоқ...

Толеим торига минг қуллуқ этурмен бир умр,  
Бир умр иқболдир оламда мен олган сабоқ...

II

Муғанний, фазли комил, созимизнинг кулли устози,  
Не устоз, кўҳна тилсим қаърининг аллома ғаввоси!

У тилсим қулф уриб ардоғи бўлди юртининг чандон,  
Кўринг, эл меҳри бирла таҳбатаҳ парвона парвози.

Билганга қийин услуб йўқ. Аруз услуби ҳам «бармоқ» сингари ўнг услуб. Фақат нисбатан озгина ортиқча меҳнат, ортиқроқ машаққат ва машқ талаб қилади. Арузнинг ҳам «бармоқ» сингари турлари кўп, устоз Ғафур Ғулом айтганларидек, унинг қирқдан ортиқ баҳри юради машқда. У, улуғ Навоий айтганларидек тилимиз таркиби ва табиатига жуда хос, ўзга халқлар адабиёти арузидан фарқ қилароқ бармоқ вазнига жуда яқиндир. Шундан, классик шеърятимиз арузнинг юксак намуналарида ҳамон барҳаёт, Лутфий ва Навоийда, Нодира ва Машрабда, Муқимий ва Фурқатда, арузнинг зукко билимдони шоир Ҷамол Камол деганларидек, Ҳамза ижодида, Ғафур Ғулом ва Ойбекда, Ҳамид Олимжон ва Собир Абдуллада, Чархий ва Ҳабибийда, Усмон Носир ва Чустийда, Уйғун ва Ҳамид Ғуломда, Восит Саъдулла ва Эркин Воҳидда!

Нодирабегим ҳаёти ва ижодини ўрганиб юрганам онлар, бу санъатнинг нақадар нафис эканини тақрор англадим. Уни нанки ёзабилиш, ўқийбилиш ҳам улуғ санъат.

Мени аруз мулки хазинасига қўшиқ олиб кирган, унинг сеҳрли оҳанг ва жаранги! Қатор қўшиқлар у сабаб яралганлар ва яшамоқдалар.

Бу сафарги, унинг 9 — 10 баҳрида, сиз муҳтарам журналхонларга тақдим этаётганим машқларга ҳам ана шу қўшиқ санъатига бўлган қаттиқ муҳаббатим сабаб!

МУАЛЛИФ

Наво, Бузрук, Ирок, Сегох, Дугох, Рост тарҳидин  
Етиб келган буюклик рамзининг энг кўҳна овози.

Табаррук халқимизнинг кўҳна мулки «Шашмаком»дир бу,  
Алишер «Хамса»сидек беш буюк сайёра мероси!

Хазина дерлар аввалдин бу янглиғ мулки аввални,  
Муборак номини ёзмиш муборак сафҳи шерози!

Қадрлиқ Қўшмақ

Қўшмақ

Сарв гулдек қоматингга сарвдин майдон керак,  
Қанча ҳайрат, қанча андух, қанчалар ҳайрон керак.

Тальятингга, толеингга масканинг бир армуғон,  
Куйламакка қанча савту қанчалар дoston керак.

Ким ҳавас қилса сенга, дилдор, фаразким, унга ҳам  
Сен етилган маскану сен яшнаган даврон керак.

Ғамзадин қошлар ҳилол, афсундин кўзлар хумор,  
Мен каби боғбон йўлингга,\* мен каби курбон керак.

Офтобнинг етти ранги баҳси эрмиш давлатинг,  
Сенга етмоқ, куйламоққа бахт беармон керак.

Хулқи хуш, хушфеъл, хуштаъб, хушбичим, хушрўйсан,  
Бу саодат фазлига бир шеър эмас, девон керак.

Сайри боғ этмоқ эсанг, гарким Туробинг билгича  
Сайрингга зебо хиёбон, бир чаман бўстон керак.

Дарҳақиқат Қўшмақ

Қўшмақ

Ортмагай ҳусну жамолинг минг бино қўйган билан,  
Ҳайратомуз қўлларингга минг хино қўйган билан,  
Қолмагай мангу, жамолингга жило қўйган билан,  
Қайси кўз равшан бўлибмиш тўтиё қўйган билан,  
Ўз баҳоси бирла қиммат минг баҳо қўйган билан!

Нуқта қўйдингми, деб эрдим, асли у холинг экан,  
Ҳайратул бармоғи лаб узра ажаб лoлинг экан,  
Ол ёноғинг унга қўйган қутқи бир болинг экан,  
У менинг армониму у нақди иқболинг экан,  
Меҳр ортарму асл, меҳри гиё қўйган билан!

Истадим қолгин табиий тальятинг, руҳинг билан,  
Одмию андиша ғолиб, майли, андуҳинг билан,  
Мен учун борсан нигоро, шу бору йўғинг билан,  
Ҳамма бор-йўғинг билан, ҳам барча танбеҳинг билан,  
Дарҳақиқат, ортмагай ҳуснинг бино қўйган билан.

## Байроқ этдим

Сени сақлай, деб, ўлимдин, мен ўлимга кетдим,  
Булут тўсганда кўёшни, сени, ёр, тарк этдим.

У каби йўқ эди зулмат, у каби йўқ эди ёв,  
Уни қувлаб неча дарё ва адирлар ўтдим.

Унга дам бермадим асло ва булутдай ҳайдаб,  
Ватаним қопқасини кўксим ила беркитдим.

Ватаним тупроғига бош қўяр оним, жигарим,  
Юрагингга юрагим қони билан хат битдим.

У хатим, ёр, қўшиғим, шаънингга меҳринг ўтидин  
У билан васлингга қалбим йўли бирлан етдим.

Не ғаму дард кишида, билки, унинг чораси бор:  
У сабр косасидирким, уни мен ҳам ютдим.

Сен билан биз шу сабаб ғолиб аталдик элда,  
Бу зафар байроғини бошимга байроқ этдим.

## Дозим

### Қобил Қорини эслаб...

Соғинч билан яшар экан, одамки, бор экан,  
Шундан унинг қалби ҳамиша беғубор экан.

Соғинч умид тариқати, орзу каромати,  
У бор кўнгил ҳамиятга, масъудга ёр экан.

У бир овоз эди сўлим, у бир санъат сирини,  
Санъат ошиқлари ҳамон унга хумор экан.

Куйлар эди унинг куйин фазо, тупроғи-тош,  
Унинг куйин куйлаган эл бағри баҳор экан.

Таъзимдайди ҳамища у халқи, диёрига,  
Таъзим билан ҳалок бўлди, соҳиб диёр экан.

Фарҳодга тенг кўрди эли, Мажнунга беқиёс,  
Фарҳод бўлиб яшар киши бахтибарор экан.


Ҳалок бўлди ватан учун камоли авжида,  
Ёвузга кенг экан бу чарх, яхшига тор экан.

Соғинч уни сақлар мудом кўнгиллар қаърида,  
Соғинч билан яшар киши кўп ифтихор экан.

Ваҳан ардоғида фарзанд ватан фарзандидир,  
Ҳамища у, унинг меҳри билан бедор экан.



## ЗЕБУННИСО ҚАЛАМИ



Зебуннисо қаламидек қалам қайда?  
Унинг каби кўхлик моҳи санам қайда?  
Э воҳ, ҳар бир сатри силқир алам билан,  
Алам саҳросида унга карам қайда?

Зебуннисо навосидек наво қани?  
Шеърятда унингдек подшо қани?  
«Биёки зулфи кажу чашми сурмасо инжост»,  
Дея оламни гангитган даҳо қани?

Зебуннисо қаламига ғолиб қайда?  
Ғолиб нечук, унинг каби толиб қайда?  
Бобур мирзо идрокининг шамъимидир,  
Бу оламда унинг каби ориф қайда?

## ЖАВОБ

Дебсан, хатингни олдим,  
Қалбимга тўлди оташ.  
Олдим, балога қолдим,  
Эй ошиқи жафокаш.

Найлай, хаёли ғашман,  
Мисоли хомталашман,  
Лайлога бир адашман,  
Мажнун мисоли ғамкаш.


Қолибман икки ўтда,  
Чақмоқ аро булутда,  
Тиғлайди битта-битта  
Бебош у севги саркаш.

Баҳс кирди борлиғимга,  
Дунёда борлиғимга,  
Бировга ёрлиғимга,  
Қўймай бу сир балокаш.

Қўй, жонгинам дилафгор,  
Ғуноҳга қилма дастёр,  
Сафоли суйганим бор,  
Суюкли ҳамда дилкаш.

Ёпай бу ишқ китобин,  
Кутмай энди жавобин,  
Ранжитмайин Туробинг  
Имзо чекарда, опаш!

## МЕНГА ВА РАҚС



Менга куйлашни ўргатмиш, сенга ўйнашни бу дунё,  
Насиб этмиш сенга ўйнаш билан куйлашни бу дунё.

Насиб этмиш сенга афсун ила рақс илмининг сиррин,  
Менга афсун аро тилсим билан сўйлашни бу дунё.

Фусункор санъатинг рангин, ҳаётбахш, жилвагар ғоят,  
Шукур, ўргатмади бизга ғалат ўйлашни бу дунё!

Муяссар айламиш бизга муҳаббат мулкиким, бенуқс,  
Сенга бир ғамза бирла ўртани ўрташни бу дунё.

Сенга боққанда ҳайратда ёниб бахту садоқатдин  
Менга бўзлашни ўргатмиш, сенга қувнашни бу дунё.

Сенга ҳайрон этишни ўргатибмиш кўҳна дунёни,  
Менга куйлаб сени, унга тавоф айлашни бу дунё!

Вафо расмики билким, сен, Туробинг сўзи рост ҳаргиз,  
Менга сайрашни ўргатмиш, сенга ўйнашни бу дунё.

## Ғуламжаҳон Ғуломов

Қўшмази

Олам бунча сирли,  
Бунча ҳам сеҳрли,  
Бунча ҳам меҳрли  
Одамга беармон!

Сен бўлдингу пайдо,  
Бўлиб қалбимга жо,  
Бердинг бахт бир дунё  
Шодлик оламжаҳон!

Қай китобда эдинг,  
Қайси бобда эдинг,  
Қай рубобда эдинг  
Мен излаганим он?

Бунда мени бор, деб,  
Шундай ғариб ёр, деб,

Йўлларинга зор, деб  
Ким айтди, эй жонон?

Дилни баҳор этдинг  
Ва беғубор этдинг,  
Йўқ эдим, бор этдинг  
Элни этиб ҳайрон!

Бу оташ қалбимга,  
Бу саркаш қалбимга,  
Билсанг, ғаш қалбимга  
Чирок ёқдинг, иёон!

Нур ёғди юзимга,  
Инонсанг сўзимга,  
Шодликдан ўзимга  
Келолмайман ҳамон!

## Мажидан Давидов

Қўшмази

Ҳамшира қиз, дилдор ҳамшира,  
Бемор билан бедор ҳамшира.  
Бемор юрагига қилқувват,  
Бемор билан бемор ҳамшира.

Дард кўрмасин қўлинг, юрагинг,  
О, ҳамшира, доим керагинг.  
Палаталар бўйлаб югурар  
Минг бир жонинг, минг бир тилагинг.

Ҳаёт юрар сен билан бирга,  
Лол қоласан қараб бу сирга.  
Бошинг эггинг келади гоҳо  
Сени тукқан бу она-ерга.

Ҳамшира қиз, дилдор ҳамшира,  
Бемор билан бемор ҳамшира.

# Дусторзу кўзлара



Ганижон Тошматовга икки варақ ҳазил...

I

Қушлар учар ҳаволаб қош устига хол қўйсақ,  
Қайтиб келиб қўнарлар лаб устига бол қўйсақ.

Келармилар домламиз қушларни хаёл қилиб,  
Қош устига, мабодо, дуррамизни дол қўйсақ?

Ака десак келмаслар, дада десак келмаслар,  
Келармилар, аразлаб, отларини чол қўйсақ?

Бир қарасак у ёнда, бир қарасак бу ёнда,  
Хафа бўлмасмиканлар отларин ҳаммол қўйсақ?

Домламиз ҳассос домла, ўзимизга хос домла,  
Наҳот энди келмаслар дуррамизни дол қўйсақ...

# Ўзларга Дусторлар



II


Қилқаламдек ҳайратомуз қуввайи донолигиз,  
Ринд табиат, беғараз ҳам камсуқум ошнолигиз.

Арғанундек титратур тортган камонингиз ҳамон,  
Ҳам камону ҳамда ҳассосликдаги аълолигиз.

Дўстлар баҳрин очур сиз соҳиби суҳбат экан,  
Дилкашу дилбар, зариф, ширинсухан дарёлигиз.

Қалбингиз сози ҳамон сўйлар муҳаббат созини,  
Оҳ, бу сирлар дастидин қолмас ҳамон шайдолигиз.

Баҳрибайт айтгум келур мен писабилло сиз билан  
Ошно этмиш мени бу ерда ҳам танҳолигиз.



# Шоҳтут

Ҳазил

Ўғри тушди шоҳтутга, хоҳ тутма, хоҳ тут,  
Чунки бармоғи лабига босди муҳрин шоҳтут.

Шоҳтут қони эмас бу, ёр қалби қонимиш,  
Ёр тут, дейди мени ё бўлмасам ҳамроҳ тут.

Ёки не ҳайратда қилдинг қонталаш, тишлабми лаб,  
Тишламоқнинг нафи не, ошиқларинг камроқ тут.

Минг тасанноким, тасодиф васлига бу боғда,  
Яхши ҳам тушдим, тутилдим ўғрилиқда, воҳ тут.

Чорлагай васлинг ҳамиша, билки, мисли офтоб,  
Бас, адашмасман, чироқ тут, хоҳ тунлар моҳ тут.

Кўҳна ошиқлик сиру асроридин бордир масал,  
Дейдиларким, гоҳ гувоҳмиш гоҳ шоҳтут, гоҳ тут.

Асли тут бу бир баҳона гоҳ васл айёмида,  
Васл айёми баробар хоҳ шоҳтут, хоҳ тут...



Тўғроқ  
Кўшиқлар ҳаётидан

А. С. Пушкин ўз кўшиқларидан бирини карта ўйини пайтида енгига бўр билан ёзиб қўйганлиги маълум.

Лермонтов Петербургда қисқа муддатли қамоқ пайтида ўз шеърларини вино, печка қорақуяси ва гугурт чўплари билан ёзган экан.


Маяковский айрим шеърларини кафедра, ресторанда ёки бильярдхонада ижод этганлигини замондошлари хотирлашади.

Шундай адиблар ҳам бўлганки, улар учун баъзида махсус ижодхонанинг ортиқча ҳожати бўлмаган.

Айтайлик, француз адиби Теофиль Готье кўпгина асарларни босмахонада битган.

Польша ёзувчиси Генрик Сенкевич турмуш тақозоси билан баъзи асарларини қандолат сотиладиган дўкончада битган.

Н. В. Гоголь «Улик жонлар» асарининг бир бобини Италиядаги хароб бир трактирда, шовқин-сурон ичида, хизматкорлар уёқдан-буёққа югуриб турган, чор атрофни тутун босган, ҳавоси димиққан бир шароитда ёзганлигини эслаб: «Мен бу сатрларни илҳом билан ёзилган энг яхши сатрлар деб биламан. Мен бундай эҳтирос билан камдан-кам ёзганман» дейди.



Габриэль Гарсиа Маркес

# ЮЗ ЙИЛ танҳоликда

РОМАН<sup>1</sup>

Пьетро Креспи ўзини батамом йўқотиб қўйди. У ҳеч бир уялмай-нетмай фиғон чекканида ҳам, Амарантанинг қарорини ўзгартира олмади. «Қўй, бекорга овора бўлма, — деди унга Амаранта. — Агар мени ҳақиқатан ҳам севадиган бўлсанг, уйимизнинг бўсағасига бошқа қадам босмагин». Урсула уятдан ер қаърига кириб кетишга тайёр эди. Пьетро Креспи ялинишнинг барча усулларини қўллаб кўрди. У ўзини тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада камситишгача бориб етди — жонини қурбон қилиб бўлса-да, йигитга тасалли беришга тайёр турган Урсуланинг этагини тутиб, бутун оқшом бўйи йиғлади. Креспининг ёмғирли кечаларда шоҳи соябон тутиб, Амарантанинг деразасида чироқ бор-йўқлигини кузатиб, уйни тентираб айланиб юрганини кўп кўришарди. Пьетро Креспи ҳеч қачон ана шу кунлардагидек бежирим кийинмасди. Унинг азоб-уқубат тортган императорниқига ўхшаш серҳашам боши фавқулудда ажойиб салобат касб этганди. У Амарантанинг галереяда чеварлик қилишга келадиган дугоналаридан қизнинг қарорини ўзгартиришга таъсир кўрсатишларини илтижо қилиб, уларни жон-ҳолига қўймасди. У ҳамма ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйди. Креспи уззу кун вақтини магазиннинг орқа хонасида ўтказар, телбанамо мактублар битиб, уларнинг орасига гул баргларию қуритилган капалакларни жойлаб, Амарантага йўллар, хатлар эса очилмасдан, яна ўзига қайтиб келарди. У уйга қамалиб олиб, соатлаб цитрада куй чаларди. Бир куни кечаси қўшиқ айта бошлаганида Макондо аҳли уйқудан йўғониб, цитранинг сеҳрли куйидан ва ер юзида мавжуд энг кучли муҳаббатга йўғрилган ҳазин овоздан ғоят таажжубга тушишди. Ана ўшанда Пьетро Креспи Амарантанинг деразасидан бўлак барча деразаларда чироқ ёнганини кўрди. Иккинчи ноябрда — марҳумларни хотирлаш кунини магазин эшигини очиб, ичкарига кирган укаси барча чироқлар ёқилганини, барча музикали қўтичалар очилиб, куй ижро этаётганини, барча соатлар тўхтамай занг ураётганини ва ана шу тугуриқсиз музика садолари остида ётган акаси Пьетро Креспини кўрди: унинг билакларидаги кўк томирлари кесилган бўлиб, иккала қўли бўхўр<sup>2</sup> тўлдирилган тоғорага туширилганди.

<sup>1</sup> Давоми.

<sup>2</sup> Бўхўр — Осиё жанубидаги дарахтлар пўстлогидан олинадиган хушбўй қатрон.

Урсула унинг жасади солинган тобутни уйларига қўйишни буюрди. Падре Никанор диний маросимни ўтказишга ва ўз-ўзига суиқасд қилган одамнинг жасадини муқаддас тупроққа қўйишга қарши чиқди. Урсула баҳслаша бошлади. «Менимча, у шаҳид ҳисобланади, — деди у. — Бу воқеа қай сабабдан содир бўлганини на мен ва на сиз тушуна оламиз. Иродангизга қарши борсам-да, уни Мелькиадеснинг ёнига дафн этаман». У дабдабали дафн маросимидан ва бутун эл фикрини бир овоздан қўллаб-қувватлаганидан сўнг ўз аҳдини бажарди. Дафн куни Амаранта ётоғидан чиқмади. У каравотида ётаркан, Урсуланинг ноласини, уйда тўпланган одамларнинг қадам сасларини, уларнинг паст товушларини, гўяндаларнинг марсия айтиб йиғлашларини эшитди. Хонага топталган гулларнинг ҳиди анқиб турган чуқур сукунат чўкди. Амаранта узоқ муддатгача ҳар оқшом лаванда<sup>1</sup> ҳидини туйса-да, ўзини телбаликка асир бўлишдан халос қилишга етарли куч топди. Урсула уни буткул ташлаб қўйди. Ҳатто бир куни кечкурун Амаранта ошхонага чиқиб, қўлини ўчоқнинг лаҳча чўғига тутиб, то куйган этнинг бадбўй ҳиди келгунга қадар қимир этмай, оғриққа чидаб турганидаям унга раҳми келмади, ҳатто бошини кўтариб ҳам қарамади. Бу — виждон азобини босиш учун ишлатилган кучли таъсир воситаси эди. Амаранта бир неча кун давомида қўлини тухум сариғи солинган қосага солиб юрди ва аста-секин куйган жойлари битиб кетди, яра ўрни чандиқ бўлиб қолди. Тухум сариғи баайни унинг юрагидаги жароҳатларига ҳам малҳам бўлди. Бошидан кечирган фожеани биргина қора газмолдан қилинган тасма эслатиб турарди. Амаранта бу қора тасмани куйган қўлига ўла-ўлгунча тақиб юрди.

Аркадио кутилмаганда мурувват кўрсатди — Пьетро Креспининг ўлими муносабати билан расмий мотам тутишга фармон берди. Урсула буни худди адашиб қолган қўйнинг сурувга қайтганидек баҳолади. Аммо у янглишган эди. Аркадиони ўз фарзандидай — худди Ребекани тарбиялагандек, доим эъзозлаб, ҳеч нарсага зориқтирмасдан тарбияладим, деб ҳисобларди. Аммо Аркадио одамови, кўрқоқ бўлиб ўсди. Ахир, унинг болалиги уйқусизлик касали кенг тарқалган, Урсула қурилиш ишларига муккасидан кетган, Хосе Аркадио телба бўлиб қолган, Аурелиано узлатга чекинган, Амаранта билан Ребека бир-бирига беомон рақиб бўлиб юрган бир пайтга тўғри келган эди-да. Аурелиано унинг хат-саводини чиқарди. У Аркадиога ўз кийимларини батамом яроқсиз бўлиб қолгандан кейингина ҳада қиларди, Виситасьон эса уларни Аркадиога мослаб кичрайтириб, қайта тикарди. Аркадио бесўнақай пойабзалдан, шимидаги ямоқлардан, ўзининг заифона думбасидан хижолат чекарди. У кўпинча Виситасьон ва Катауре билан уларнинг тилида сўзлашарди. Фақат биргина Мелькиадес унга ҳақиқий ғамхўрлик кўрсатар, Аркадиога ўзининг одам тушуниши қийин бўлган ёзувларини ўқиб берар, унга дагерротипия санъатини ўргатарди. Йигитча лўлининг ўлими туфайли юм-юм йиғлаганини, чолнинг ёзувларини беҳуда тадқиқ қилиб, ҳаммадан дард-аламини яширган ҳолда, таваккалига марҳумни тириштириш йўлини қидирганини ҳеч ким пайқамаганди. Ҳамма ҳурмат қиладиган ва берилиб тинглайдиган мактаб, кейинчалик шафқатсиз қонунлар чиқаришга йўл очган ҳокимият ҳамда кўркам ҳарбий либос Аркадиони юракни сиқадиган ғам-андухдан қутқарганди. Бир куни кечкурун Катарино ишратхонасида аллақим унга: «Сен ўз фамилиянгга муносиб эмассан», дейишга жазм қилди. Гарчанд ҳамма, Аркадио уни қатл қилади, деб ўйлашига қарамай, у ҳалиги мард одамни отиб ташлашга ҳукм этмади.

— Бахтим шуки, мен Буэндиа эмасман, — деди у.

Унинг асрандилиги сирини билганлар, Аркадиога ҳамма гап маълум экан-да, деб ўйлашди, аммо аслида у ота-онасининг кимлигини бир умр билмай ўтди. У ўз онаси — Пилар Тернерага худди Хосе Аркадио ёки Аурелиано каби тийиксиз бир майл сезарди: Пилар Тернера Аркадио дагерротипия билан машғул бўлган қоронғи хонага кирганида йигитнинг томирларидидаги қон жўш уриб кетарди. Гарчанд Пилар Тернера аввалги жозибасию жарангдор кулгусини йўқотган эса-да, йигит уни таралаётган ачимсиқ дуд ҳидидан қидирарди. Кунларнинг бирида, уруш бошланмасдан сал олдин, Пилар Тернера мактабга ўзининг кенжа ўғлини олиб кетгани сал кечроқ келди. Аркадио уни ўзи пешинда дам оладиган ва кейинчалик кишанларни сақлашни буюрган хонада кутиб турди. Бола ҳовлида ўйнаб юрарди. Аркадио, Пилар Тернера албатта ана шу хонадан ўтишини билиб, тўр беланчакда ётганича, сабрсизликдан титраб кута бошлади. Аёл келди, Аркадио унинг қўлларидан тутиб, гамаги сари судрай бошлади. «Бўлмади, бўлмади! — деди Пилар Тернера даҳшатга тушиб. — Сенга мудом ҳузур бағишлашни ўйлашимни билмайсан ҳам, аммо худо шоҳид — бунинг иложи йўқ». Йигит Буэндиадан мерос қолмиш кучи билан уни белидан қучиб даст кўтарди, бадани баданига теккач, кўз.

<sup>1</sup> Лаванда — ҳаворанг ёки бинафшаранг гулли хушбўй ўсимлик.

олди қоронғилашиб кетди. «Ўзингни фаришта қилиб кўрсатма, — деди Аркадио. — Бузуқлигингни ҳамма биллади». Пилар Тернера ўзининг бахтсиз қисматиға нисбатан нафратини зўрға босди.

— Болалар кўриб қолишади, — шивирлади у. — Яхшиси, бугун тунда эшикни очик қолдир.

Кечаси Аркадио тишлари тақиллаганича, талвасага тушиб, гамакда кутди. У кўзини юммас, чигирткаларнинг чириллашини, уккининг доимо бир вақтда — худди олдиндан тузилган жадвалга риоя қилгандек чинқиришини тингларкан, вақт ўтган сари алданганига ишонч ҳосил қиларди. Унинг ҳаяжони меъёридан оша бошлаган пайтда тўсатдан эшик очилди. Орадан бир неча ойлар ўтиб, девор ёнида ўзига ўқ узишларини кутиб турган Аркадио ана шу онни яна бир бор тасаввуридан ўтказди; олдин қоронғида қўшни хонада адашиб қолган аллакимнинг оҳишта қадам товушлари, кимдир урилиб кетган ўриндиқнинг шовқини эшитилди, кейин зулмат куюқлашиб, одам гавдаси шаклини олди. Атроф юрак зарбидан ларзага келарди. Йигит қўлини узатиб, бармоғига иккита узук тақилган қўлга дуч келди. Шунда бу аёл ўзи кутаётган аёл эмас, балки бошқа эканини тўшунди — ундан ачимсиқ дуд эмас, гулдан тайёрланган бриолин ҳиди келар, кўкраклари ёнғоқдек қаттиқ, ясси бўлиб, учлари эса эркакларникига ўхшаб кетар, питир-питир нозли адолари тажрибасизлигидан дарак берарди. У ҳали бокира бўлиб, исми мутлақо ҳам ажабтовур — Санта София де ла Пьедад эди. Пилар Тернера айна иш учун қизга ўзи йиққан бисотнинг тенг ярмини — нақ эллик песо тўлаган эди. Аркадио бу қизнинг озиқ-овқат сотиладиган дўконда ота-онасига ёллашиб юрганини бир неча бор кўрса-да, ҳеч эътибор бермаган эди. Аммо шу тундан бошлаб, у Аркадионинг иссиққина кифтида ювош мушукдек ғўжанак бўлиб ётди-қолди. Пилар Тернера бисотининг қолган қисмини ҳам олгач, у ота-онасининг рухсати билан мактабга пешинги ҳордиқ маҳаллари келадиган бўлди. Кейинроқ, ҳукумат жангчилари Аркадио билан Санта София де ла Пьедадни мактабдан кўчишга мажбур қилишганда, улар дўконнинг орқа хонасидаги сариёғ солинган қутилар ва маккажўхори тўлдирилган қоплар орасида ялаб-юлқашарди. Аркадио Макондога ҳукмдор бўлиб юрган пайтда аёл қиз тўғди.

Бу ҳақда қариндошларидан фақат Хосе Аркадио билан Ребека биларди, Аркадио улар билан анча қалин эди, лекин айна туйғу қариндошликка эмас, кўпроқ шериклик нуқтаи назарига асосланган эди. Хосе Аркадионинг бўйнига турмушнинг оғир хуржунни осилган эди. Ребека ўз матонати, қанча еса ҳам тўймаслиги, боринги, иззатталаблиги билан саркаш феълли эрини шу қадар жиловлаб олгандики, Хосе Аркадио танбал ва хотинбоз бир одамдан катта ва кучли иш ҳайвонига айланган эди. Уларнинг уйлари ҳаммиша озода ва сариштали бўларди. Эрталаб Ребека барча деразаларни ланг очар, қабристондан эсаётган шамол хонага кириб, девору мебелларда юпқа чанг қатламини қолдириб, эшик орқали ҳовлига чиқиб кетарди. Кесахурлик майли, ота-онаси суякларининг қарсиллаши, қонининг қизиқлиги ва Пьетро Креспининг бўшанг нозлари — буларниг ҳаммаси хотираси тубида чўкиб ётарди. Ребека дераза олдида ўтирганича, уруш ваҳималарига эътибор ҳам бермай, кунбўйи чеварлик қиларди, тоқчадаги кўзачалар титрай бошлаган заҳоти лойга беланган овчи итлару қўшоғиз милтиқ тўтган, темир нағалли этик кийган баҳайбат Хосе Аркадионинг уйга келётганини билиб, овқат иситиш учун ўрнидан турарди; эрининг елкасида баъзан кийик бўларди, аммо у кўпинча куён ёки ёввойи ўрдак отиб келарди. Эндигина шаҳарга бошлиқ этиб тайинланган Аркадио бир куни кечқурун дафъатан Ребека билан унинг эрини йўқлаб келди. Гарчи улар уйдан чиқиб кетганларидан бери бирор марта ҳам келиб кўрмаган бўлса-да, ўзини шунчалар яқин, дўстона тутдики, эр-хотиң уни қовурдоқдан тотиб кўришга таклиф этишди.

Қаҳва ичилаётган пайтда Аркадио бу ерга келишининг асл боисини айтди: унга Хосе Аркадионинг устидан маълумот тушган экан. Маълумотга қараганда, Хосе Аркадио ўз ҳовлисидаги ерларни ҳайдаб бўлиб, қўшниларининг ҳам даласига ўтган ва ҳўкизлари ёрдамида тўсиқни йиқитиб, иморатларни вайронага айлантириб, атрофидаги барча яхши ерларни ўзиники қилиб олган экан. Ерлари яроқсиз баъзи деҳқонларга тегмабди, аммо уларга солиқ солиб, боқимонда ундириш ниятида ҳар шанба елкасига қўшотарини осиб, итлар галасини етаклаб келаркан. Хосе Аркадио қилмишларидан тонмади. Эгаллаб олган ерларини Макондога асос солинганида Хосе Аркадио Буэндиа томонидан тақсимланганини рўқач қилди. У, аслида Буэндиалар оиласига қарашли бўлган бу томорқаларни бегоналар кўлига топширгани учун отасининг ўшанда ҳам телба эканини исботлашга тайёр эди. Бу изоҳларнинг кераги ҳам йўқ эди, негаки, Аркадио адолат ўрнатиш учун келмаган эди. У томорқаларни рўйхатдан ўтказувчи бюро тузмоқни таклиф қилди: агар Хосе Аркадио ўзининг ўрнига маҳаллий ҳукумат солиқ тўплаб туришини бўйнига олса, аввал эгаллаб олинган амлоки тортиб олинмас экан. Орадан бир неча йиллар ўтиб полковник Аурелиано Буэндиа ер тақсимлаш тартибини қайта кўриб чиққанида,

барча томорқалар, жумладан, қабристондан тортиб, умуман Хосе Аркадио ҳовлисидаги тепаликдан кўриниб турган ерларнинг ҳаммаси акасига қарашли эканини ва Аркадио ўзининг ўн бир ойлик ҳукмдорлиги мобайнида на фақат солиқлардан тушган пулларни, балки Хосе Аркадиога қарашли қабристон ерига ўлик кўмиш учун тўпланган пулларни ҳам ҳамёнига солганини аниқлади.

Ҳамма аллақачон воқиф бўлган, лекин аламига алам қўшилмаслиги учун Урсуладан яширилган бу сир, бечора онага бир неча ойдан сўнг бари бир аён бўлди. Аввал ҳам унда андак шубҳа туғилганди. «Аркадио ўзига уй қурапти, — деди у сохта мағрурлик билан эрига, қошиқдаги ошқовоқ қиёмини унга ичкизаркан. Аммо хўрсинишдан ўзини тиёлмади: — Сабабини билмайман-у, лекин кўнглим бежо бўлаётир». Кейин, Аркадионинг на фақат уй қурдиргани, балки ўзи учун Вена мебеллари ҳам буюрганини эшитгач, у Аркадионинг давлат мулкани кўкка совураётганига шубҳа қилмай қўйди. Бир кун и якшанба ибодатидан қайтаётганида, у Аркадионинг янги уйида ўз офицерлари билан карта ўйнаётганини кўриб қолди. «Сен оиламизни иснодга қолдирыпсан!» — деб қичқирди Урсула, унга қараб. Аркадио унга эътибор бермади. Ана ўшандагина Урсула Аркадионинг олти ойлик қизчаси борлигини ва у билан никоҳсиз яшаётган Санта София де ла Пьедад яна оғироеқлигини билди. Урсула олдинига у қаерда бўлишидан қатъий назар, полковник Аурелиано Буэндиага хат ёзиб, юз берган барча ишлардан хабардор қилиб туришга сўз берди, аммо кейинги кунларда авж олган воқеаларни кўриб, ниятидан қайтди, ҳаттоки шундай қарорга келганидан пушаймон бўлди. Шу пайтгача макондоликлар учун шунчаки товушлар йиғиндисидан иборат бўлган «уруш» сўзи ниҳоят фожиавий ҳақиқатга айланди. Февраль ойининг охирида шаҳар қопқасида супурги ортилган эшак минган, чанг-тўзонга беланган бир кампир пайдо бўлди. Кўриниши беозор бўлгани учун, соқчилар унга бирортаям ортиқча савол беришмасдан, ўтказиб юборишди. Улар кампирни водийдан келган оддий сотувчи деб ўйлашганди. Кампир тўппа-тўғри қазармага йўл олди. Аркадио уни қурол-аслаҳалар сақлайдиган хонада қарши олди: ҳар жой-ҳар жойда ҳалқаларга осиб ташланган ёки ўралган гамаклар кўзга чалинар кунжакларда тўп-тўп бўйралар уюб ташланган, ерда милтиқлар, карабинлар, ҳатто ов милтиқлари ҳам тартибсиз ҳолда ётарди. Кампир ҳарбийчасига қаддини ростлаб честь бераркан, ўзини таништирди:

— Полковник Грегорио Стивенсон.

У нохуш хабарлар олиб келган эди. Айтишича, либералларнинг сўнги истеҳкоми янчиқ ташланибди. Риоача атрофидаги жангларда чекинишга мажбур бўлган полковник Аурелиано Буэндиа уни махсус топшириқ билан Аркадионинг олдига юборибди. Одамларнинг ҳаёти ва либераллар мулкани сақлаб қолишга ростакамига шартлашилгандагина улар Макондони қаршиликсиз топширишлари керак экан. Аркадио ожиз кампир қиёфасида келган бу ғалати чопарга нафратомуз хайрихоҳлик билан назар ташлади.

— Шубҳасизки, сизда бирорта ёзма буйруқ бўлиши керак, — деди у.

— Шубҳасиз, — деб жавоб қайтарди чопар, — менда бунақанги буйруқ йўқ. Бундай шароитда бизга зиён келтирадиган ҳеч қандай ҳужжат олиб юрилмасиги ҳаммага аён.

У корсажидан олтин балиқча чиқариб, столга қўйди. «Ана шуни етарли асос деб биламан», — деди у. Аркадио, ҳақиқатан ҳам, бу полковник Аурелиано Буэндиа ясаган балиқчалардан бири, деб тасдиқлади. Аммо уни кимдир ҳали уруш бошланмасдан бурун харид қилган бўлиши мумкин ва шунинг учун гувоҳнома-ликка ўтмайди. Чопар ўз шахсига ишонч ҳосил қилдириш учун ҳатто ҳарбий сирни бузишга мажбур бўлди. У Кюрасаога, Қариб денгизи оролларида бадарға қилинганларни ёллаш, қурол-яроғ топиш ва йил охирида қирғоққа чиқиш учун муҳим топшириқ билан бораётганини айтди: полковник Аурелиано Буэндианинг бу режанинг муваффақият келтиришига ишончим комил, у ҳозир беҳудага қурбон бериш мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Аммо Аркадио қатъиятли эди. У чопарни то унинг шахси аниқлангунча қўриқлаб туришга буйруқ берди ва Макондо қалъасини қаттиқ мудофаа этишга аҳд қилди.

Кутиш кўпга чўзилмади. Либералларнинг мағлубияти ҳақидаги хабарларнинг тўғрилиги бора-бора аён бўлди. Мартнинг сўнги кечаларидан бирида, бемаврид жала Макондо кўчаларини юва бошлаганида, ўтган ҳафталарнинг осойишталигини юракни эзадиган қарнай садоси бузди, кейин тўплар отилиб, ибодатхонанинг кўнғироқхонаси ўпирилди. Қаршилиқ кўрсатиш — жинниликнинг ўзгинаси эди. Аркадио ихтиёрида ночор қуролланган атиги эллик нафар одам бўлиб, патронлар захираси киши бошига йигирма донадан ошмасди. Тўғри, бу одамлар орасида Аркадионинг баландпарвоз даъватларидан алангаланган ва бу бўлмағур иш учун ҳаётларини қурбон қилишга тайёр турган унинг собиқ талабалари ҳам бор эди. Ўзини полковник Стивенсон деб танитган одам Аркадио билан гаплашишга рухсат олганда, тўплар зарбидан ер ларзага келар, отилган ўқларнинг бетартиб қасир-



қусури, этикларининг дукур-дукури, телба-тескари буйруқлар ва карнайларнинг маъносиз сигналлари эшитилиб турарди. «Мени тахтакачда ва аёл кийимида ўлишдан халос этинг, — деди у. — Агар ўлишим лозим бўлса, жанг қилиб ўлайин». Аркадио маъбусга қурол ва йигирма дона патрон беришни буюрди, уни беш нафар одам билан казармани ҳимоя қилиш учун қолдирди, ўзи эса мудофаага раҳбарлик қилиш мақсадида штаби билан чиқиб кетди: Аркадио водийга элтадиган йўлга чиқишга ҳам улгуролмади. Макондога кираверишдаги баррикадалар яксон этилган, шаҳар мудофаачилари уйдан-уйга ўтиб, кўчаларда жанг қилишарди; улар то патронлар қолмагунча ўқ узишди, сўнгра тўппончаларини ишга солишди ва, ниҳоят, қўл жанги бошланди. Мағлубият таҳликаси аксарият аёлларни ошпичоқлар билан қуролланиб, кўчаларга отилиб чиқишга мажбур қилди. Ана шу тўс-тўполонда Аркадио ўзини қидираётган Амарантани кўриб қолди: тунги кўйлақда, Хосе Аркадио Буэндианинг эски тўппончасини ушлаб олган Амаранта ақлдан озганга ўхшарди. Аркадио милтигини жангда қуролидан ажраган офицерга берди ва Амарантани уйга элтиб қўйиш учун тор кўчага қараб бошлади. Ҳатто қўшн уйнинг пештоқини ўпириб кетган снарядлар товушига ҳам эътибор бермаётган Урсула эшик ёнида туриб, уларни кутарди. Ёмғир тинди, аммо кўчалар ачиган совундек сирпанчиқ ва юмшоқ эди. Тун қоронғисида тусмоллаб юришга тўғри келарди. Аркадио Амарантани Урсулага топшириб, изига бурилди-да, уларга қўшни бурчакда ўқ уза бошлаган икки солдатга қарата ўт очишга тушди. Жавонда анчадан буён ётган тўппончалар отилмасди. Урсула Аркадиони ўз гавдаси билан тўсиб, уни уйга киритишга уринарди.

— Кетдик, худо ҳаққи! — бақирарди у. — Бемаъниликка чек қўй!

Солдатлар уларни мўлжалга ола бошлашди.

— Бу одамни қўйиб юборинг, сеньора! — деб қичқирди улардан бири, — йўқса биз ҳеч нарса учун жавоб бермаймиз!

Аркадио Урсулани нари суриб қўйиб, таслим бўлди. Орадан бир оз вақт ўтгач, отишма тугади ва қўнғироқлар чалина бошланди. Қаршилиқ ярим соат ичида бостирилган эди. Аркадионинг бирорта ҳам одами тирик қолмади, аммо улар душманнинг уч юз нафар солдатига қарши мардонавор жанг қилиб ўлишди. Казарма уларнинг сўнги таянчи бўлиб қолди. Ҳукумат жангчилари ҳал қилувчи ҳужумга тайёргарлик кўришаётганида, ўзини полковник Грегорио Стивенсон деб атаган одам асирларни қўйиб юборди ва ўз одамларига казармани ташлаб, кўчага чиқиб жанг қилишга буйруқ берди. Унинг ўта чаққонлиги, бир неча деразага жойлаштирилган милтиқлардан ўқ узишга улгураётганлиги, йигирма патроннинг бир донасини ҳам зое кеткизмагани туфайли гўёки казарма яхши мудофаа қилиб турилгандек тасаввур ҳосил бўлганди. Шу боис босқинчилар казармани тўпга тутиб вайрон қилишди. Бу операцияга раҳбарлик қилган капитан казарма харобасида фақат биргина иштончан одам ўлиб ётганини кўриб, ҳайратга тушди; жасаднинг снаряд юлиб қўли ўқсиз милтиқни маҳкам ушлаб ётарди. Аёлларникига ўхшаган қуюқ ва узун сочи тороқ билан танғилган, бўйнига олтин балиқчали тумор осилганди. Этигининг учи билан жасадни ағдариб, унинг юзига тикилган капитан ҳайратдан қотиб қолди: «Буни қаранглар!» Бошқа офицерлар яқин келишди.

— Қаердан топганимизни қаранглар-а! — деди уларга капитан. — Ахир бу Грегорио Стивенсон-ку!

Ҳарбий-дала судининг ҳукмига биноан, Аркадио эрталаб қабристонга туташ девор ёнида отиб ташланди. Ҳаётининг икки соати қолганида уни болалигидан буён қийнаб келган қўрқув ҳисси йўқолди. Нима сабабдан йўқолганини ўзи ҳам тушуниб етишга улгурмади. У узундан-узоқ ҳукмнома бандларини ғоят хотиржамлик билан тинглади; бу билан яқиндагина туғилган жасурлигини кўз-кўз қилмоқчи эмасди, албатта. Аркадио Урсула ҳақида ўйладики, балки у муштипар аёл ҳозир каштан дарахти остида Хосе Аркадио Буэндиа билан бирга қаҳва ичаётгандир. Аркадио ўзининг ҳали исм ҳам қўйилмаган саккиз ойлик қизчаси, августда туғилажак фарзанди тўғрисида ўйлади. Санта София де ла Пьедад ҳақида ўйлади. Кеча кечқурун, урушга кетаётганида, аёл келаси шанбанинг тушлик овқати учун кийик гўштини тузлаётгани ёдига тушди, унинг елкасига тушувчи тимқора сочларини, узун ва қуюқ, худди ясамадек туюлувчи киприкларини эслаб, дилтанг бўлиб қўмсади. Унинг қариндошлар ҳақидаги фикрларида кўнгли бўшлиқ аломатлари йўқ эди — йигит ўзи ашаддий ёмон кўрадиган бу одамларни аслида қаттиқ севишини англаб, ҳаётига аччиқ якун ясарди. Ҳарбий дала судининг раиси якунловчи сўзини бошлади. Аркадио орадан икки соат ўтганини сезмай қолди. «Гарчанд унинг санаб ўтилган айблари ушбу кўп сонли далиллар билан исботланмаганида ҳам, — деди раис, — ўзига тобе одамларни беҳуда ўлимга юборган айбдорнинг масъулиятсиз ва жиноятқорона журъатининг ўзиёқ ўлим ҳукмига етарли асос бўла олади». Аркадио харобага айланган мактаб биносида илк бор ҳокимият нашъасини сезиб ўзига бино қўйган ва айни шу пайтда муҳаббат туфайли

ўзига ишончини йўқотганини эслади. Қатлга даҳлдор расмиятчилик аллақандай бемаънилик бўлиб туюларди. Тўғриси айтганда, ўлим унинг учун аҳамиятсиз эди, шу сабабли ҳам ҳукми эшитгач, кўрқув эмас, балки соғинч ҳиссини туйди. Ундан охириги илтимоси ҳақида сўрашмагунларида лом-мим демади.

— Хотинимга айтинглар, — дея жавоб берди у баланд овозда, — қизимизга Урсула деб исм қўйсин, — бир оз жим қолиб, сўнг таъкидлади: — Худди бувисига ўхшатиб, Урсула, деб аташсин. Яна унга айтинглар агар туғиладиган фарзандимиз ўғил бўлса, унга Хосе Аркадио деб исм қўйишсин, аммо амакиси эмас, бобоси шарафига.

Аркадиони девор ёнига олиб бормасларидан илгари падре Никанор уни тавба қилдиришга уринди. «Менинг тавба қиладиган гуноҳим йўқ», — деди Аркадио ва бир кружка қаҳва ичиб, ўзини солдатларнинг измига топширди. Отувга бошлиқ қилиб Роке Қассоб деб ном олган капитанни бекорга тайинлашмади — у оммавий қатллар бўйича мутахассис эди. Тинимсиз томчилаётган ёмғир остида қабристон томон бораётган Аркадио уфқда чоршанба тонгининг чароғон нурларини кўрди. Кечки туман изидан унинг соғинчи ҳам тарқалиб, энди у ҳадсиз синчковлик билан алмашганди. Унга девор томон орқа ўгирилиб туриш буюрилди. Шундагина у Ребекани кўрди. Сочлари ҳўл, пушти гулли кўйлак кийган Ребека уй деразаларини ланг очарди. Аркадио унинг диққатини жалб этиш учун бор ирода кучини тўплади. Дарвоқе, Ребека бехосдан деворга назар ташладию даҳшату ҳайратдан қотиб қолди, кейин бор кучини тўплаб, қўл силкиб видолашди. Аркадио ҳам унга шу тарзда жавоб қайтарди. Ана шу лаҳзада унга милтиқларнинг дуд босган оғзи тўғриланди ва у дафъатан Мелькиадес айтиб кетган тилсимотларни сўзма-сўз эшита бошлади ва қўлоғига симфхонада адашиб қолган Санта София де ла Пьедаднинг қадам товушлари чалинди, сўнг у худди марҳума Ремедиоснинг мурдасига қараб таажжубланган маҳалидагидек бурни совқотганини ҳис этди. «Оббо, — деб ўйлашга улгурди у, — агар қиз туғилса исмини Ремедиос қўйишсин, деб айтишни унутибман». Шунда унга бутун умр бўйи азоб бериб келган ўша кўрқув яна ёприлиб келди. Капитан ўқ узишга буйруқ берди. Болдрларини куйдира бошлаган суюқлик қаердан оқаётганини тушунмаган Аркадио, қаддини ростлаб, бошини кўтаришга улгурди, холос.

— Аблаҳлар! — қичқирди у. — Яшасин либераллар партияси!

Май ойда уруш тугади. Ҳукуматнинг кўзғолон сабабчиларини шафқатсиз жазолаш ваъда қилинган дабдабали қақирғи расмий эълон қилинишига икки ҳафта қолганида, табиб ҳинду кийимида ғарбий чегарага етай-етай деб жойида полковник Аурелиано Буэндиа асирга олинди. У урушга ўзи билан йигирма бир нафар одамни олиб кетганди: улардан ўн тўрт нафари жангларда ўлди, олтови яраланди, фақат бир киши — полковник Херинельдо Маркес мағлубиятнинг сўнгги дақиқаларигача у билан бирга бўлди. Полковник Аурелиано Буэндианинг асир олинганлиги ҳақидаги хабар расмий тарзда эълон қилинди. «У тирик, — деди Урсула эрига, — душманлар унга раҳм қилишлари учун худога топинайлик». Аёл уч кун кўзёши тўқди, тўртинчи кун, ошхонада қаймоқли ширинликлар тайёрланаётганида, ўғлининг овозини бир жойдан аниқ-аниқ эшитди. «Бу — Аурелиано! — деб қичқирганча, эрига муждани етказиш мақсадида каштан дарахти томон югурди. — Қай мўъжиза туфайли қутулиб қолганини билмайман-у, аммо у тирик, насиб этса, тез орада дийдор кўришамиз». Урсула шундай бўлишига қаттиқ ишонарди. У полларни ювиб, уйдаги мебелларни қайта жойлаштиришга кўрсатма берди. Орадан бир ҳафта ўтгач, унинг башорати аллақаердан пайдо бўлган ва расман қўллаб-қувватланмаган миш-мишларда ўзининг аянчли тасдиғини топди. Полковник Аурелиано Буэндиа ўлимга маҳкум этилган ва энди шаҳар аҳлига даҳшат солиш мақсадида, ҳукм Макондода ижро этилиши керак экан. Душанба кuni эрталаб соат ўн яримларда, Амаранта Аурелиано Хосени кийинтираётганида, унинг қўлоғига узоқдан бетартиб шовқин-сурон ва карнай садолари чалинди, бир сониядан сўнг эса Урсула: «Олиб келишяпти!» — дея хонага бақириб кирди.

Солдатлар милтиқ қўндоқлари билан беҳисоб оломон ўртасидан ўзларига йўл очишарди. Урсула ва Амаранта одамларни суришиб, қўшни кўчага чиқишди ва Аурелианони ўша ерда кўришди. У худди гадойга ўхшарди. Ялангоёқ, кийими йиртиқ, соч-соқоли тўзғиган, оёғини куйдираётган қайноқ тупроқни сезмай борар, орқага қайрилган қўллари бир учини отлик офицер кафтиса қисиб олган арқон билан танғиб боғланган эди. Полковник Херинельдо Маркесни ҳам у билан ёнма-ён судраб боришар, унинг ҳам юзлари тупроққа беланган, кийимларининг увадаси чиқиб кетган эди. Аммо уларнинг юзида қайғу ифодаси кўринмасди. Солдатларни турли ҳақоратлар билан кўмиб ташлаётган оломоннинг хатти-ҳаракатларидан иккаласи ҳам роса ҳаяжонланарди.

— Ўғлим! — шовқин ичра Урсуланинг фарёди жаранглади. У ўзини ушлаб қолишга уринган солдатни бошлаб тушқоди. Офицернинг тағидаги от олдинги

оёқларини кўтариб, типпа-тик турди. Полковник Аурелиано Буэндиа титраб кетди, онасини четга тортиб, унинг кўзига тик боқди.

— Уйга боринг, она, — деди у. — Хукуматдан рухсат сўраб қамоқхонага, менинг олдимга келинг.

У Урсуланинг ортида ийманибгина турган Амарантага қаради-да, жилмайиб сўради: «Кўлингга нима қилди?» Амаранта қора боғичли кўлини кўтариб: «Куйиб қолди», — дедию Урсула четга, отлардан нарироққа тортиди. Солдатлар осмонга ўқ узишди. Отлиқлар отряди яна асирларни ўраб олди ва отларини йўрттириб, казарма сари юрди.

Кечкурун Урсула полковник Аурелиано Буэндиа билан учрашувга келди. У дастлаб дон Аполинар Москотенинг кўмагида рухсатнома олишга уриниб кўрди, аммо бутун ҳокимият ҳарбийларнинг қўлида бўлганлиги сабабли қуданинг гапи бетаъсир қолди. Падре Никанор эса жигар хуружи билан оғриб ётарди. Полковник Херинельдо Маркеснига (у ўлимга маҳкум этилмаганди) ота-онаси ўғилларини кўрмоқчи бўлишганида, уларни қўндоқлар билан уриб қайдашди. Воситачи топа олмаслигига кўзи етган ва эртасига тонгда Аурелианонинг отилишига қатъий ишонган Урсула, ўғлига атаганларини тугунчага туғиб, бир ўзи казармага борди.

— Мен полковник Аурелиано Буэндианинг онаси бўламан, — деди у.

Соқчилар унинг йўлини тўсишди. «Мен бари бир кираман, — деди Урсула. — Агар сизларга отиш буюрилган экан, ҳозироқ ота қолинглар». У соқчилардан бирини қаттиқ туртиб юбориб, бир тўда ярим яланғоч солдатлар қуролларини тозалала ўтирган собиқ синфхонага кирди. Кўринишдан одобли, юзи қизғиш, қалин кўзойнакли, сафар либосини кийиб олган офицер Урсуланинг кетидан югурган соқчиларга имо қилгач, улар қайтиб чиқиб кетишди.

— Мен полковник Аурелиано Буэндианинг онасиман, — дея такрорлади Урсула.

— Сеньора, сиз сеньор Аурелиано Буэндианинг онасиман, демоқчисиз, — офицер илтифот билан жилмайиб, аёлнинг гапини тузатган бўлди.

Урсула унинг нафис нутқида ясситоғлиқлар — качақоларга хос чўзинчоқ оҳангни илғади.

— Майли, сеньор бўла қолсин, — рози бўлди у, — ишқилиб, мен уни кўрсам бўлгани.

Қатлга маҳкум этилганларни юқоридан берилган буйруққа биноан кўриш мутлақо тақиқланган эди, аммо офицер масъулиятни бўйнига олиб, Урсулага ўн беш дақиқалик учрашувга рухсат берди. Урсула тугунда келтирган нарсалари: ички кўйлақ-иштон, ўғли тўйда кийган ботинкани, уни деб асраб қўйган ширинликларни кўрсатди. Урсула полковник Аурелиано Буэндиани гулу кишанлар қалашиб ётган хонада учратди. Уғли қўлтиғига чиққан беҳисоб чипқонлардан азобланиб, қўлларини ёзиб ётар эди. Унга соқол олдиришга рухсат беришганди. Куюқ мўйловининг учлари буралганидан ёноқ сўяқлари баттар бўртиб кўринарди. Урсулага ўғлининг ранги аввалгидан кўра синиққандай, бўйи бир оз ўсгандай туюлди. Уғли уйларида бўлиб ўтган ҳамма нарсадан: Пьетро Креспининг ўзини ўзи ўлдирганидан ҳам, Аркадионинг қонунга хилоф иш тутганию отиб ташланганидан ҳам, Хосе Аркадио Буэндианинг каштан остидаги жинни-пинни қилиқларидан ҳам хабардор экан. У Амарантанинг қизлигидаёқ есир қолиб, бутун борлигини зехни ўткир Аурелиано Хосенинг тарбиясига бағишлаганини ҳам биларди. Урсула хонага кирган маҳалдан бошлаб ўзини ноқулай ҳис этди; ўғлининг улғайган қиёфаси, ҳукмдорлик салобати жуссасидан ёғилиб турган кўч-қувват уни хижолатга соларди. Урсула унинг ҳамма воқеалардан воқиғлигидан ажабланди. «Ахир, ўғлингизнинг башорат қила олишини биласиз-ку, — деб ҳазиллашди полковник, сўнгра жиддий қилиб қўшиб қўйди: — Мен бу воқеаларни эрталаб, мени олиб кетишаётган пайтда бошимдан кечиргандек бўлдим». Ҳақиқатан ҳам оломон шовқин-сурон солаётган маҳалда Аурелиано Буэндиа атиги бир йил давомида шаҳар жуда эскириб қолганидан таажжубланди. Бодом дарахтларининг барглари юлиб ташланган эди. Кўк рангдан пуштига, сўнгра яна кўкка бўялган уйлар аллақандай ноаниқ тус олган эди.

— Сен нима деб ўйлагандинг? — хўрсинди Урсула. — Ахир, вақт ўтاپти-да.

— Тўғри, — тасдиқлади Аурелиано, — лекин ҳар ҳолда...

Иккови ҳам бу учрашувни узоқ кутган, саволлар тайёрлаб қўйишган ва ҳатто қанақанги жавоблар олиш ҳам пухта ўйлаб қўйилган бўлса-да, гаплари ҳеч қовушмади. Учрашув шуңчаки кунлик жўн суҳбатга айланиб қолди. Соқчи ажратилган ўн беш дақиқа тугаганини маълум қилганида, Аурелиано сафар каравотининг бўйраси остидан найча қилиб ўралган ва тер сингган қоғозларни олди. Бу — унинг Ремедиосга бағишлаган ва уйдан жўнаётганида ўзи билан олиб кетган, шунингдек, кейинроқ, жанглар орасидаги қисқа танаффус пайтларида битилган шеърлар эди. «Уларни ҳеч кимга ўқитмаслигига сўз беринг, — деди. —

Бугун кечкуруноқ ўчоқда ёқиб юборасиз». Урсула ваъда бериб, хайрлашиш учун ўғлини ўпгани ўрнидан турди.

— Сенга револьвер олиб келдим, — деб пичирлади у.

Полковник Аурелиано Буэндиа яқин-ўртада соқчининг йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Худди шундай секин товuşда жавоб берди: «Менга унинг нима кераги бор? Шундай бўлса-да, майли, беринг, йўқса, чиқиб кетаётганингизда тинтиб қолишлари мумкин». Урсула револьверни корсажидан чиқариб берди, полковник Аурелиано Буэндиа қуролни бўйра остига беркитиб қўйди. «Энди мен билан видолашиб ўтирманг, — деди у хотиржам оҳангда. — Ҳеч кимга ялинманг, ҳеч кимнинг олдида ўзингизни ерга урманг. Мени аллақачоноқ отиб ташлашди, деб ўйлашга ўзингизни мажбур қилинг». Урсула кўз ёшларини тийиб, лабини тишлади.

— Чипқонингга иссиқ тош бос, — деди у ва сўнгра бурилиб, хонадан чиқиб кетди.

Ўз фикрларига ғарқ бўлган полковник Аурелиано Буэндиа эшик ёпилгунча қаққайиб турди. Сўнг яна қўлларини ёзиб ётди. У ёшлик чоғидан, ўзидаги ғойибона билиш сезгисини англаб етган пайтданоқ, ажал яқинлашса бас, бирор бехато аломат орқали дараги етади, деб ишонарди, аммо ҳозир, отилишига бир неча соат қолган бўлса-да, ўшал аломатдан дарак йўқдай эди. Бир куни унинг Тукуруандаги ҳарбий қароргоҳига ниҳоятда чиройли қиз келиб, соқчилардан полковник Аурелиано Буэндиа билан учрашишга рухсат беришларини сўради. Қизни ўтказиб юборишди, чунки айрим мутаассиб оналарнинг, уларнинг таъбири билан айтганда, наслни яхшилаш учун қизларини машҳур лашкарбошиларга қўшиб қўйишлари ҳаммага маълум эди-да. Қиз дафъатан хонага кириб келган ўша оқшом полковник Аурелиано Буэндиа ёмғирда қолиб кетиб, йўлини йўқотган одам ҳақидаги шеърини тугаллаётган эди. Полковник қоғозларни шеърлар сақланадиган стол ғаладонига яширмоқчи бўлиб меҳмонга орқасини ўгирди. Ушанда ҳам хавфни аниқ ҳис этди, ортига бурилиб қарамай, ғаладонда ётган тўппончани қўлига олиб: — Илтимос, отманг, — деди.

Тўппончасини қўлига қисиб ортга ўгирилганида, қиз қуролини тушириб, саросимада турар эди.

У ўн бир суиқасднинг тўрттасига ана шу тарзда чап берди. Аммо бошқа воқеа ҳам содир бўлган эдики, номаълум бир кимса тунда Манауредаги кўзғолончилар қароргоҳига билдирмай кириб, унинг яқин дўсти полковник Магнifico Висбални ханжар билан бўғизлаб қочиб кетганди. Бечорани безгак туггани учун полковник Аурелиано Буэндиа вақтинча унга каравотини бўшатиб бериб, ўзи эса ёндаги гамакда ухлаган эди. Шу бўлдию у ўзининг ғойибдан сезиш туйғусини таҳлил қилмоққа уринди, лекин бутун савийи-ҳаракати беҳуда чиқди. Айни туйғу ҳеч қутилмаганда, тепадан келган ваҳий каби тез пайдо бўлибдики, кўнглига инган ғалати бир белгилар шу ишончдан ўзга белгини англашга улгурмай қоларди. Белгилар шу қадар мужмал бўлардики, полковник Аурелиано Буэндиа уларни бир синоат содир этилганидан кейингина пайқаб қоларди. Баъзида эса, улар ниҳоят даражада аниқ бўлар, лекин негадир амалга ошмай қоларди. Шу сабаб, полковник уларни кўпинча оддий ирим-сиримлар билан чалкаштириб юборарди. Улим ҳукмини ўқиб бериб, сўнг, охириги тилагинг не, деб сўрашганида, у айни кўнгли буюрганидек қилиб жавоб берди:

— Мен ҳукм ижросини Макондога кўчиришни сўрайман, — деди у.

Трибунал раиси ғазабланиб:

— Бизни лақиллатишга уринманг, Буэндиа, — деди. — Фурсатдан ютмоқчи бўлиб, оддий хийла қиялпсиз.

— Истамасаларинг, ўзларинг биласизлар, — жавоб қайтарди полковник, — аммо бу — менинг сўнги тилагим.

Уша ондан бошлаб, уни турли башорат туйғулари тарк этди. Урсула ўғлини кўргани қамоққа борганида, Аурелиано Буэндиа узоқ мулоҳаза юритиб, бу гал қазо яқинлашиб келаётганидан воқиф этмаслиги ҳам мумкин, негаки ҳозир у тасодифларга эмас, балки жаллодларнинг иродасига боғлиқ, деган хулосага келди. Чипқонлари азоб бериб, тун бўйи бедор тўлганиб ётди. Тонгга яқин коридорда қадам товۇшлари эшитилди. «Келишяпти», — деди у ва негадир бирданга Хосе Аркадио Буэндиани эслади. Худди шу ваҳимали ғира-шира тонг палласида каштан тагидаги ўз ўриндиғида букчайиб ўтирган отаси ҳам у ҳақда ўйларди. Полковник Аурелиано Буэндиа қалбида на қайғу, на кўркүв бор эди. У фақатгина бемаҳал ўлим: туфайли ўзи бошлаган ишлар якунини билолмай кетишидан ғазабланарди. Эшик очилиб, солдатлардан бири қаҳва келтирди. Эртаси куни, худди ўша маҳали, полковник қўлтиғидаги яраларидан аввалгидай азоб чекаётганида бу ҳолат яна такрорланди. Чоршанба куни у Урсула келтирган ширинликларни соқчиларга тақсимлаб берди, тор келган кўйлак-иштоню локланган ботинкасини кийиб олди. Жума келди ҳамки, уни отишмасди.

Очиғини айтганда, ҳарбийлар ҳукми ижро этишга журъат этолмай гаранг

эдилар. Улар шаҳарда кўзгалган норозиликни кўриб, полковник Аурелиано Буэндиа отилиши на фақат Макондода, балки бутун вилоятда ҳам оғир сиёсий вазият туғдиради, деган фикрга боришди, шу сабабли ҳам, вилоят пойтахтига маслаҳат сўраб мурожаат қилишди. Ҳали жавоб олинмасдан бурун, капитан Роке Қассоб офицерлар билан бирга Катаринонинг ишратхонасига борди. Хотинлардан фақат биттасигина капитаннинг дағдағасидан кўрқиб, у билан ётишга кўнди. «Аёлларимизнинг яқин кунларда ўладиган одамга қўшилгиси келмаяпти, — дея тушунтирди у. — Бунинг қандай содир бўлишини ҳеч ким билмайди, аммо гап-сўзларга қарагандв, полковник Аурелиано Буэндиани отган офицер ва унинг барча солдатлари, улар тупканнинг тагига қочишса ҳам, эртами-кечми, сўзсиз бирин-кетин ўлдирилади». Капитан Роке Қассоб айна тахминни бошқа офицерлар, улар эса каттароқ бошлиқлари билан ўйлаб кўришди. Яқшанбада, гарчанд бу ҳақда ҳеч ким очикдан-очиқ айтмаган ва ҳарбийлар Макондода ҳукм сураётган оғир сукунатни ҳеч бир қилиқлари билан бузишмаган бўлса-да, офицерлар масъулиятни бўйинларига олишни исташмаётгани ва турли баҳоналар билан қатлга иштирок этишдан бўйин товлаётгани бутун шаҳарга ошкор бўлди.

Душанба куни почта орқали ёзма буйруқ олинди: ҳукм йигирма тўрт соат ичида ижро этилиши керак эди. Кечқурун офицерлар битта фуражкага ўз исмлари ёзилган олтига қоғоз парчасини солиб аралаштириб, сўнг битта-битта олишганида, машўм толенниг омадли билети капитан Роке Қассобнинг чекига тушди. «Тақдирдан қочиб қутулолмайсан, — деди капитан жуда ҳасрат билан. — Қанжиқнинг боласи бўлиб туғилган эдим, энди шу тарзда ўлиб кетаман». У эрталаб соат бешда қуръа ташлаб, бир бўлинма солдатни танлаб олди, уларни ҳовлига саф тортирди ва ўлимга ҳукм этилган маҳбусни анъанавий ибора билан уйғотди:

— Кетдик, Буэндиа, — деди у. — Фурсат етди.

— Ҳа, шундай демайсанми, — деди унга жавобан полковник. — Тушимда чипқонларим ёрилганмиш, гап буёқда экан-да.

Ребека Буэндиа Аурелианонинг отилишидан хабар топгач, ҳар гал тунгги соат учда уйғонарди. Қоронғи ётоқда Хосе Аркадио хуррагидан титраётган каравотга ўтириб олиб, қия очик деразадан қабристон деворини кузатарди. Пьетро Креспиннинг хатларига кўз тиккан пайтларидаги каби пинҳоний бир ўжарлик билан бутун ҳафта давомида кутди. «Уни бу ерда отишмайди, — дерди унга Хосе Аркадио. — Уни ярим тун пайти казармада хуфиёна қатл қилишади ва ўша ерда кўмишади». Ребека эса кутарверди. «Бу уятсиз махлуқлар уни айна шу ерда отиб ташлашади», — дея жавоб қайтарди у эрига. У ўз шуурига шунчалар ишонар эдики, ҳатто Аурелиано Буэндиа билан қўл силкиб видолашиш учун эшикни қай тарзда қиялатиб очиб қўйишгача ҳам пухта ўйлаб қўйган эди. «Уни олтига кўрқоқ соқчилигида ҳеч қачон кўчадан олиб ўтишолмайди, — ўжарлик қиларди Хосе Аркадио. — Ахир, улар халқ ҳамма нарсага тайёрлигини билишади-ку». Ребека эрининг далилларига эътибор бермай, дераза ёнидан, жилмай ўтирарди.

— Уларнинг қанчалик беҳаё аблаҳлигини ҳали кўрасан, — дея таъкидларди у.

Сешанба куни эрталаб соат бешда, Хосе Аркадио итларини бўшатиб юбориб, қаҳва ичиб бўлганида, Ребека бирданига деразани ёпди ва қулаб тушмаслик учун каравотнинг суяниғини зўрға тутиб қолди. «Олиб келишяпти, — деди у хўрсиниб. — Нақадар чиройли у. Деразага қараган Хосе Аркадиони тўсатдан титроқ чулғади. У бўзариб келаётган тонгнинг хира нурлари остида укасини кўрди. Укаси Хосе Аркадионинг ёшлик пайти кийиб юрадиган шимида эди. Полковник Аурелиано Буэндиа девор ёнида иккала қўлини белига қўйиб турарди. Қўлтиғидаги чипқонлари қўлларини туширишга имкон бермасди. «Наҳотки? — деб ғудурларди полковник Аурелиано Буэндиа. — Наҳотки мени мана шу бичилган олтига солдат отишию ва улар отаётганда иложсиз қаққайиб туриш учун шунчалар азобу машаққат чеккан бўлсам!» У бу сўзларни қайта-қайта такрорларди. Капитан Роке Қассоб унинг ғазабини тавбага йўйди, ибодат қиялпти, деб ўйлаб, кўнгли бузилиб кетди. Солдатлар милтиқларини кўтаришганида, полковник Аурелиано Буэндианинг ғазабдан тили танглайига ёпишиб, кўзлари юмилди. Ушанда тонгнинг симобий жилваси бирдан йўқолди ва у ўзининг калта иштон кийиб, бўйнига тасма тақиб олган болалик пайтини эслади, отаси ойдин кечаси лўлилар чодирига олиб борганини, томошага қўйилган муз парчасини кўрди. Ногаҳон ҳайқириқ янграганда, полковник Аурелиано Буэндиа солдатларга сўнги буйруқ берилди, деб ўйлади. Ўзига отилажак ўқларни кўрмоқ бўлиб, ғайритабиий бир қизиқсиниш билан кўзини очганда; қўлини кўтариб турган капитан Роке Қассоб ва ов милтиғини ўқталганча кўчани кесиб ўтаётган Хосе Аркадиога нигоҳи тушди.

— Отманг, — деди капитан Хосе Аркадиога мурожаат қилиб. — Сизни менга худонинг ўзи етказди.

Ушанда яна бир уруш бошланди. Капитан Роке Қассоб ва унинг олти солдати полковник Аурелиано Буэндиа билан биргаликда Риоачада ўлимга ҳукм этилган инқилоб генерали Викторио Медичани озод этгали кетишди. Улар вақтдан ютиш

мақсадида бир замонлар Хосе Аркадио Буэндиа юрган йўл билан тоғдан ошиб ўтишга аҳд қилишди, аммо бир ҳафта ўтар-ўтмас ниятлари пучга чиқди. Охири солдатлар қатл учун берилган ўша санокли патронлари билан тоғ тизмаларининг хатарли сўқмоқларидан писиб ўтишга мажбур бўлишди. Ҳар бир шаҳар ёнида қароргоҳ қуришар, бир киши кийимини ўзгартириб, қўлига тилла балиқча тутганича, куппа-кундузи кўча айланиб, либераллар билан алоқа ўрнатгач, либераллар эртасига эрталаб овга чиқиб, шаҳарга бошқа қайтишмасди. Улар довонга чиқиб, Риоачани кўришган пайтда, генерал Викторио Медича аллақачон отиб ташланган эди. Ушанда полковник Аурелиано Буэндиа тарафдорлари уни тантанали: тарзда, Кариб денгизи соҳилидаги барча инқилобий кучларнинг қўмондони ва генерал, деб тантанали суратда эълон қилишди. Аурелиано Буэндиа қўмондонлик лавозимини эгаллашга рози бўлди, аммо генераллик унвонидан воз кечди ва ўзича, консерваторлар ҳокимияти ағдариб ташланганича бу унвонни олмайман, дея аҳд қилди. Улар уч ой давомида мингдан зиёд одам тўплашди, аммо уларнинг деярли ҳаммаси ўлдирилди. Омон қолганлари эса, шарқий чегара орқали хорижга ўтиб кетишди: Кейинроқ уларнинг Антиль оролларида сузиб, ватанларига қайтишгани ва Кабо-де-ла-Вела бурнига чиққанлари маълум бўлди; шундан сўнг ҳукуматнинг, полковник Аурелиано Буэндиа ўлди, деган тантанавор хабари телеграф орқали бутун мамлакатга ёйилди. Икки кундан кейин эса яна узундан-узун телеграмма аввалги муждани қувиб етиб, жанубий воҳаларда кўтарилган янги кўзғолондан дарак берди. Полковник Аурелиано Буэндианинг бир вақтнинг ўзида ҳамма жойда ҳозир у нозир бўлиши ҳақидаги афсона ана шу тариқа юзага келди. Ўтаётган хабарлар бир-бирига зид эди: полковник Вильянуэведа зафар қучди, Гуакамайяда мағлубиятга учради, ҳиндуларнинг мотилонес қабиласи томонидан еб қўйилди, водийнинг қишлоқларидан бирида ҳалок бўлди, Урумитада яна кўзғолон кўтарди ва ҳоказо. Уша пайтда либералларни парламентга киритиш юзасидан музокаралар олиб бораётган либераллар партиясининг бошлиқлари уни фирибгар ва ҳеч қандай партиёга мансуб бўлмаган кимса, деб эълон қилишди. Ҳукумат уни қароқчилар сафига қўшиб, боши бадалига беш минг песо ваъда қилди. Полковник Аурелиано Буэндиа ўн олти мағлубиятдан сўнг, қўл остидаги яхшигина қуролланган икки минг нафар ҳинду билан Гуахирони ташлаб чиқди ва Риоачага ҳужум бошлади; ғафлатда қолиб саросимага тушган гарнизон шаҳарни ташлаб қочди. Полковник Аурелиано Буэндиа ўзининг штаб-квартирасини Риоачага жойлаштирди ва консерваторларга қарши умумхалқ уруши эълон қилди. Ҳукумат бунга жавобан, агар кўзғолончилар шарқий чегарага чекинишмаса, полковник Херинельдо Маркес қирқ саккиз соат ичида отиб ташланади, деб расмий хабар берди. Штаб бошлиғи этиб тайинланган Роке Қассоб телеграммани қўмондонга топшираётганида хийла маънос эди, аммо қўмондон телеграммани кутилмаган бир қувонч билан ўқиб чиқди.

— Жуда соз! — деб хитоб қилди у. — Ниҳоят бизнинг Макондога ҳам телеграф ўтказилди!

Полковник Аурелиано Буэндианинг жавоби қатъий эди. У, мен яна уч ойдан кейин штаб-квартирамни Макондога кўчиришни мўлжаллаяпман, агар полковник Херинельдо Маркесни тирик топмасам, асир тушган барча генераллардан тортиб, майда офицерларгача судсиз ва терговсиз отиб ташлайман, қўшинларимга урушнинг охиригача шу тахлит йўл тутишлари ҳақида буюраман, деб жавоб берди. Уч ой ўтиб, полковник Аурелиано Буэндианинг музаффар жангчилари Макондога ғолибона киришганида, уни водийдаги йўлда кутиб олиб, бағрига босган биринчи одам полковник Херинельдо Маркес бўлди.

Буэндиалар хонадони болалар билан гавжум эди. Урсула Санта София де ла Пьедад, унинг тўнғич қизи ва Аркадио отилганидан беш ой ўтгач дунёга келган эгизак ўғилларини ўз уйига кўчириб келди. Аркадионинг васиятини инобатсиз қолдириб, қизчага Ремедиос деб исм қўйди. «Ишончим комилки, — деди у ўзини оқлаш учун, — Аркадио худди ана шуни айтмоқчи бўлувди. Уни Урсула деб атамаймиз, чунки бундай исм қўйилган одамнинг қисмати оғир кечади». У эгизакларга Хосе Аркадио Иккинчи ва Аурелиано Иккинчи деб исм берди. Амаранта барча болаларни ўз қарамоғига олди. Меҳмонхонага ёғоч стулчалар ўрнатди ва яна қўшниларининг ҳам болаларини йиғиб, у ерда гўдақлар учун етимхона ташкил этди. Полковник Аурелиано Буэндиа мушакбозлик қарсию қўнғироқлар жаранги остида шаҳарга кириб келганида, уни уйлари олдида болалар хори қутлади. Бобоси каби бўйчан, инқилобий қўшин офицери либосни кийиб олган Аурелиано Хосе, барча қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда, унга ҳарбийча салом берди.

Ҳамма янгиликлар ҳам бирдай қувончли эмасди. Полковник Аурелиано Буэндиа отилишдан қутулиб қолганидан бир йил ўтгач, Ребека билан Хосе Аркадио марҳум Аркадио қурган уйга кўчиб ўтишди. Хосе Аркадио полковникнинг жонини

сақлаб қолганини ҳеч ким билмади ҳам. Шаҳарнинг энг сўлим жойида, уч жуфт қуш уя қўйган каттакон бодом дарахти тагидаги янги уйнинг дабдабали эшигию тўртта деразаси бор эди. Эру хотин бу уйни меҳмоннавоз маконга айлантиришди. Ребеканинг дугоналари, шу жумладан, ҳанузгача қизлигича қолиб келаётган тўрттала опа-сингил Москотелар гул ҳиди уфуриб турадиган галереяда бир неча йил бурун узилиб қолган гурунларини ана шу уйга кўчиришди. Хосе Аркадио бировлардан тортиб олган ерларидан фойдаланишни давом эттирарди; консерваторлар ҳукумати ҳам унинг бу ерларга эгалик ҳуқуқини тасдиқлаган эди. Кечқурунлари Хосе Аркадиони от устида, бир гала қопқир кўппакларини етаклаб, қўшотар милтиғию ўлжа қуёнларни осиб олганича уйига қайтаётганини кўриш мумкин эди. Сентябрь кунларининг бирида турган даҳшатли бўрон уни уйига одатдагидан эртароқ қайтишга мажбур қилди. У емакхонада куймаланиб юрган Ребека билан саломлашгач, итларни ҳовлига боғлади, қуёнларни тузлаш учун ошхонага киргизиб қўйди, сўнг кийимини алмаштириш учун ётоқхонага кирди. Кейинчалик Ребека, эрим ётоқхонага кирганида, мен мўрчада чўмилаётган эдим, бошқа ҳеч нарсани билмайман, деб имон келтиради. Унинг гапи шубҳали туюларди, аммо ҳеч ким бошқа, ҳақиқатга яқинроқ далил топма олмас ва аёлга ўзини бахтли қилган одамни ўлдириш нимага керак бўлганини тушуна олмасди. Чамаси, бу воқеа — Макондода очилмай қолган яккаю ягона сир эди. Хосе Аркадио ётоқхона эшигини ёпгани заҳотиёқ, уйда ўқ товуши янгради. Эшик тагидан сизиб чиққан қон меҳмонхонадан кўчага оқиб чиқди ва нотекис йўлакдан олға жилди, зинапоялардан эниб, пиллапоялардан кўтарилиб, Турклар кўчаси бўйлаб Буэндиа хонадонига йўналди, ёпиқ эшик остидан сизиб, гиламларни ифлос қилмаслик учун меҳмонхонанинг девори тарафдан оқиб иккинчи меҳмонхонага ҳам ўтди, емакхонадаги катта стол атрофини айланиб, гуллар экилган галериядан илон изи бўлиб, Хосе Аурелианога арифметикани ўргатаётган Амарантанинг стули остидан сездирмай омборхонага оқиб чиқди ва, ниҳоят, ошхонада ҳамирга қўшиладиган тухумдан энди ўттиз олтинчисини қақишга шайланаётган Урсуланинг ёнида пайдо бўлди.

— Ё қудратингдан, Биби Марям! — дея қичқириб юборди Урсула.

Урсула қон изи бўйлаб юриб, омборхонадан ўтди, Хосе Аурелиано учга учни қўшса олти, олтига учни қўшса — тўққиз бўлади, деб машқ қилаётган галериядан чиқиб, емакхонаю меҳмонхоналар орқали кўчага чиқди-да, тўғрига юра бошлади, олдин ўнг, сўнг сўл томонга бурилди ва Турклар кўчасига етди; шаҳар бўйлаб пешбанд ва шиппақда кетаётганини сезмаган ҳолда, майдонга келиб қолди, ўзи аввал асло қадам босмаган уйга кирди, ётоқхона эшигини итариб очди ва куйган порохнинг ҳидидан нафаси қайтиб кетди, қўзини этигининг қўнжигача босганча (Хосе Аркадио уни ечишга улгурган эди) мук тушиб ётган ўғлини кўрди — эндигина оқидан тўхтаган қон унинг ўнг қулоғидан сизиб чиққан экан. Хосе Аркадионинг баданидан бирорта яра топишолмади ва унинг қандай қурол билан ўлдирилганини ҳам аниқлашолмади. Жасадни уч марта совунлаб ювишиб, олдинига тузли сирка, сўнгра кул ва лимму шарбати сурйб артишса-да, сўнг хлорли жавҳар тўлдирилган бочкага олти соат солиб қўйишса-да, бари бир, мурдадан порох ҳиди анқийверди. Жасадни яна артишди, ҳатто жимжимадор татуировка безаклари ўчиб кетди. Сўнги чорани ҳам қўллаб кўришга жазм қилишди; қалампир, зира ва дафна япроғини қўшиб, жасадни кун бўйи кучсиз ўтда қайнатишди, шунда эт устихондан ажрала бошлади ва дафни тезлаштиришга тўғри келди. Марҳумни узунлиги икки метру ўттиз сантиметр, эни бир метру ўн сантиметр келадиган, ҳаво кирмайдиган, ички тарафи темир тахтачалар билан мустаҳкамланган, пўлат болтлар билан маҳкамланадиган махсус тобутга солиб беркитиб қўйдилар, аммо, шунга қарамай, порох ҳиди дафн маросимида келган оломон ўтиб бораётган барча кўчалар аро кезиб юрарди. Жигари ноғорадай шишиб кетган падре Никанор каравотидан тушмай, марҳумга дуо ўқиди. Кейинчалик қабр четига бир неча қават фишт териб, уларнинг ораларига кул, қипиқ ва сўндирилмаган оҳақ ташлашди, аммо қабрдан яна бир неча йил мобайнида, токи банан компаниясининг инженерлари унинг устига бетон қопламагунарлича, порох ҳиди анқиб турди. Тобутни олиб чиқишган заҳотиёқ Ребека уйнинг эшикларини ёпиб олди ва одамовилик зирҳини кийиб, ўзини тириклайин кўмди. У кўчага фақат бир марта, мункайиб қолганида, сийм ранг кўхна туфлида ва майда гуллар билан безатилган шляпада қолди. Бу воқеа Макондода пайдо бўлган Улмас Жўҳуд шаҳарга даҳшатли жазирама юбориб, иссиққа дош беролмаган қушлар салқин ахтариб ўзларини деразага ўрнатилган тўрларга уришиб, ерга тап-тап ўлиб тушган пайтда кечди. Ребекани охириги марта уйига кирмоқчи бўлган ўғрини отиб ўлдирган кечаси кўришди. Шундан сўнг оқсочи ва сирдоши Архенидадан бўлак ҳеч ким у билан учрашмади. Бир пайтлар Ребеканинг ўз амакиваччаси деб ҳисоблаган епископга хат ёзганлиги ҳақида гап тарқалди, аммо ундан жавоб олган-олмаганлигини ҳеч ким билмасди. Шу-шу, шаҳар Ребекани тамом унутиб юборди.

Гарчанд полковник Аурелиано Буэндиа зафар билан қайтса-да, у ортиқча хотиржамликка берилмади. Ҳукумат қўшинлари қалъаларни қаршилиқ кўрсатмай ташлаб чиқишар ва бу ҳол либералларча кайфиятга чўлганган халққа ғалабадек туюлар, аммо кўзғолончилар ва айниқса полковник Аурелиано Буэндиа ҳақиқатни ҳаммадан яхшироқ билишарди. Унинг қўл остида беш миндан ортиқ солдат бор эди, соҳил бўйидаги икки штаб ихтиёрига қарарди, аммо у ўзининг мамлакатдан кесиб қўйилгани, денгизга тақалиб қолганини ва ноаниқ бир сиёсий вазиятда эканлигини тушунарди. У ибодатхонанинг ҳукумат қўшинлари тўпларидан вайронага айланган кўнғироқхонасини тиклашга кўрсатма берганида, тўшақда ётган бемор падре Никанор: «Бу қандай бемаънилик, насроний дин Ҳомийлари ибодатхонани бузишади, масонлар эса уни қайта тиклашга бўйруқ беришади», деб бежиш айтмаганди. Полковник Аурелиано Буэндиа бирор нажот илинжида, бошқа кўзғолончи гуруҳларнинг командирлари билан маслаҳатлашиб, соатлаб телеграф ёнида ўтирар ва ҳар сафар телеграф идорасидан, уруш боши берк кўчага кириб қолди, деган ишонч билан чиқарди. Кўзғолончилар эришган ҳар бир ғалаба дарҳол халққа тантанали равишда эълон қилинарди, аммо полковник Аурелиано Буэндиа харитадан бу ғалабаларнинг чинакам миқёсини аниқлаб чиқар ва ўзининг шонли қўшинлари безгагу пашшалардан ҳимояланиб, асл йўналишга бутунлай тескари томонга — чангалзору ботқоқлар томон кетиб бораётганини кўрарди. «Биз вақтни бой беряпмиз, — деб шикоят қиларди у ўз офицерларига, — Токи бу бефаҳм сиёсатдонлар ўзлари учун конгрессдан минг тавалло билан жой ундириш билан овора экан, биз бундан кейин ҳам беҳуда вақт йўқотаверамиз». Полковник Аурелиано Буэндиа яқиндагина ўзининг отилишини кутиб ётган ўша хонага осиглик гамақда, уйқусизлик азобида чалқанчасига ётаркан, қора либос кийиб олган бу қонунпарастларни тасаввур қиларди: уларнинг муздек тонгда президент саройидан чиқишларини, ёқаларини қулоқларигача кўтариб олишларини, қўлларини бир-бирига ишқашларини, ўзаро шивирлашларини ва президентнинг ҳақиқатан ҳам «ҳа» деганида нима демоқчи бўлганию «йўқ» дегани нимани англитишини муҳокама қилишлари учун тунги қаҳвахоналарда бекиниб олишлари ва ҳаттоки президент ўзи ўйлаган нарсага зид фикр билдирганида нималарни кўзда тутганидан фол очишларини тасаввур этар ва ўзининг айни лаҳзада, ўттиз беш ҳадажали дим иссиқда, чивинларга ем бўлиб ётганини ўйлаб ғазабланарди. У, дадемай шундай бир мудҳиш дам келадики, қўшинларга: «ўзларингни денгизга ташланглр», деб бўйруқ бермоқдан ўзга иложим қолмайди, деб хаёл қиларди.

Ана шундай уқубатли тунларнинг бирида полковник ҳовлида солдатларга жўр бўлиб қўшиқ айтаётган Пилар Тернеранинг товушини эшитиб қолди ва ундан фол очишини сўради. «Оғзингга эҳтиёт бўл, — деди қарталарни уч марта чийлаб, уч марта фол кўрган Пилар Тернера. — Нелигини тушунмаяпман-у, аммо таҳдид жудаям равшан кўриниб турибди, ишқилиб, оғзингга эҳтиёт бўл». Икки кундан сўнг кимдир бир номаълум одам ҳарбий хизматчилардан бирига бир финжон шакарсиз қаҳва узатди, у финжонни иккинчи ҳарбий хизматчига, иккинчиси учинчисига ўтказди ва шу тариқа қаҳва то полковник Аурелиано Буэндианинг кабинетида пайдо бўлгунича, қўлдан-қўлга ўтиб борди. Полковник қаҳва буюрмаган эди, аммо, олиб келишган экан, майли-да, деб, қўлига олиб ичди. Қаҳвага отни ҳам ўлдиришга етарли миқдорда заҳар солинганди. Полковник Аурелиано Буэндиани уйига олиб келишганида, унинг мушаклари акашак бўлиб қотган, тили оғзидан чиқиб ётарди. Урсула ўғлини ажал чангалидан зўрга қўтқариб қолди. Ошқозонини кустириб тозалагач, уни қалин баҳмал кўрпаларга ўради ва икки кун давомида, токи ҳарорати тушгунча, тухум сариғи билан боқди. Тўртинчи куни полковник Аурелиано Буэндиа хавфдан бутунлай қутулди. Урсула ва офицерлар қўярда-қўймай, уни тўшақда тагин бир ҳафта ётишга кўндиришди. Худди ана шу кунлари у ўз шеърларининг ёндирилиб юборилмаганини билди. «Мен шошилишни истамадим, — деб тушунтирди Урсула. — Печкани ёққани борган ўша оқшомда; токи менга унинг жасадини олиб келмагунларича, яхшиси сабр қилиб турай, деб аҳд қилувдим». Ремедиоснинг чанг босган кўғирчоқлари қуршовида қолган полковник Аурелиано Буэндиа тузалиш арафасида қўлёмаларни ўқиб чиқди ва ҳаётининг энг тотли лаҳзаларини бот-бот эслади. У яна шеър ёза бошлади. Узоқ хасталиги мобайнида, боши берк кўчага кириб қолган урушни тамом унутиб, ажал билан бекинмачоқ ўйнаган пайтларида тўплаган тажрибасини бўлақларга бўлди-да, қофияга солди. Ушанда фикрлари шу қадар равшанлашдики, уларни чапдан ўнгга ва ўнгдан сўлга бемалол ўқий оладиган бўлди. Бир куни кечқурун у полковник Херинельдо Маркесдан:

— Айтчи, дўстим, сен нима учун жанг қиляяпсан? — деб сўради.

— Жанг қилишим зарур бўлгани учун, биродар, — дея жавоб қайтарди полковник Херинельдо Маркес, — либералларнинг буюк партияси учун.



— Билганинг учун бахтиёрсан. Мен эса, фақат ўз такаббурлигим дастидан қурашаётганимни эндигина англаб етдим.

— Яхшимас бу.

— Албатта-да. Лекин ҳарна, нима учун жанг қилишингни билмасликдан кўра яхшироқ-да, — у дўстининг кўзларига қараб кулди ва қўшиб қўйди: — Ёки худди сен каби, ҳеч кимга ҳеч қандай нафи йўқ нарса учун жанг қилиш керак.

Илгари, либераллар партияси раҳбарлари уни қароқчи деб эълон қилишган қарорларини ошқора рад этмагунларича, мамлакат ичкарасидаги кўзғолончилар отрядлари билан алоқа боғлаш учун йўл қидиришга полковникнинг ғурури йўл қўймасди. Касаллик унга кўп нарсаларни ўйлаб кўришга имкон берди. У Урсулани каттагина жамғармасини ва бобосининг ўша табаррук сандиқда сақланаётган тиллаларини беришга кўндирди. Полковник Херинельдо Маркесни Макондога ҳоким этиб тайинлади ва ўзи мамлакат ичкарасидаги кўзғолончилар билан алоқа ўрнатмоқ учун шаҳардан жўнаб кетди.

Полковник Херинельдо Маркес полковник Аурелиано Буэндианинг энг ишончли одамигина бўлмай, балки Урсулага ҳам ўз ўғлидай бўлиб қолган эди. Юмшоқ, уятчан, ғоят одобли бу йигит ўз ўрнини ҳоким кабинетида эмас, балки кўпроқ жанг майдонида деб биларди. Сиёсий маслаҳатчилар унинг миясини гангитиб қўйишлари ва назариянинг боши берк кўчаларига олиб киришлари ҳеч гап эмасди. Аммо у Макондода ўша бир замонлар полковник Аурелиано Буэндиа тилла балиқчалар ясаб, қариган чоғида тинчгина ўлишни орзу қилган қишлоққа хос осойишталик ва хотиржамлик муҳитини вужудга келтирди. Полковник Херинельдо Маркес ота-онасиникида яшаса-да, ҳафтасига икки-уч маротаба Урсуланинг уйида овқатланарди. Аурелиано Хосе ёш бўлишига қарамай, унга милтиқ отишни барвақт ўргатди, ҳарбий юришни машқ қилдирди, сўнг, майли, бир йўла йигит бўлиб қўяқолсин, деган ниятда, Урсуланинг рухсати билан, ўсмирни бир неча ойга казармага кўчириб ўтказди. Бу воқеалардан кўп йиллар олдин, ҳали ўсмир эканида, Херинельдо Маркес Амарантага севги изҳор қилган эди. Аммо қизнинг кўнгли Пьетро Креспига бўлган бесамар муҳаббат билан шунчалар банд эдики, у Херинельдонинг устидан кулди. Херинельдо Маркес кутишга аҳд қилди. У бир куни, қамоқда туриб, Амарантага мактуб йўллаб, бир дюжина<sup>1</sup> батис рўмолчага отаси исми шарифининг бош ҳарфларини тикиб беришини илтимос қилди. Мактубга қўшиб пул ҳам юборди. Бир ҳафтадан кейин Амаранта қамоқхонага тайёр рўмолчаларни у юборган пул билан бирга қўшиб олиб келди ва улар ўтмишни эслаб узоқ гурунглашдилар. «Бу ердан чиққанимдан кейин сенга уйланаман» — деди унга хайрлаша туриб Херинельдо Маркес. Амаранта жилмайиб қўйди. Энди у қарамоғидаги болаларга ўқишни ўргатаркан, нуқул полковник Херинельдо Маркесни ўйлар, зора уни ўша ёшлик эҳтиросим билан яхши кўролсам, дея орзу қиларди. Қамоқхонадаги маҳбусларни кўришга ҳар шанба рухсат этиларди: Қиз ўша кунлари Херинельдо Маркеснинг қариндошларини излаб борар, сўнг уларга қўшилиб қамоқхонага йўл оларди. Бир шанбада Урсула қизини ошхонада учратди: Амаранта бисквит пишираётган экан. Урсула жуда ажабланди.

— Унга тегақол, — деб маслаҳат берди у, — яна шундай одамни учратишинг даргумон.

Амаранта-ижирғаниб қовоғини осди.

— Эркакларнинг кетидан югуриш менга зарил келиптими, — деб жавоб берди у. — Мен Херинельдо Маркесга раҳмим келганидан бисквит элтаман, ахир, эртами-кечми уни отиб ташлашади.

У отиш ҳақида гапиргани билан, бунга ўзи ишонмасди. Аммо худди ана шу пайтда ҳукуматнинг, агар исён кўтарган қўшинлар Риоачани топширмаса, полковник Херинельдо Маркес қатл этилади, деган қарори очиқ эълон қилинди. Маҳбуслар билан учрашиш бекор этилди. Амаранта ётоқхонага беркиниб олиб, Ремедиос ўлганида юрагига азоб берган ўша гуноҳкорлик ҳиссига ўхшаш туйғудан кўлфат чекиб, кўзёши тўкарди: гўё ўзининг калондимоғлиги билан яна бир одамнинг жонига зомин бўлгандай эди. Онаси уни юпатди, полковник Аурелиано Буэндиа дўстини оттириб қўймайди, келиб қутқаради, дея ишонтирди, уруш тугасин, Херинельдони ўзим жалб этаман, деб ваъда берди, Урсула ўз ваъдасини белгилаб қўйилган муддатидан аввал адо этди.

Херинельдо Маркес ҳокимлик лавозимини эгаллаб, уйларига келганида Урсула уни худди ўз ўғлидек кутиб олди, уйда узоқроқ ушлаб туриш учун нозик хушомад қиларкан, кўнглида, илоё йигит Амарантага уйланиш ҳақидаги аҳдини эсласин-да, дея худога астойдил ялинди. Афтидан, Урсуланинг ўтинчи ижобатга ўтди. Полковник Херинельдо Маркес Буэндиалар хонадонига тез-тез келадиган,

<sup>1</sup> Дюжина — ўн икки дона.

таомдан сўнг гуллар экилган галереяда Амаранта билан шашка ўйнаш учун қоладиган бўлди. Урсула уларга қаҳва ва бисквит келтирар, уларнинг холи қолишларига халақит бермасликлари учун болалардан огоҳ бўлиб турарди. Амаранта ёшлигида юрагини ўртаган эҳтиросини ва унутилиб, устини кул қоплаган чўғни аланга олдириш учун зўр бериб уринарди. Дилидаги ҳаяжони ортиб, энди полковник Херинельдо Маркеснинг овқат маҳали ва кечки шашка ўйинида ҳозир бўлишини кутарди. У шашка доналарини сурганида бармоқлари билинар-билинемас титровчи, аллақандай ғуссали ва шоирона<sup>1</sup> исмли бу жангчи билан суҳбатлашганида вақт қандай ўтганини сезмай қоларди. Аммо полковник Херинельдо Маркес Амарантадан ўзига хотини бўлишини сўраганида унга рад жавоб берди.

— Мен ҳеч кимга эрга тегмайман, — деди у, — айниқса сенга. Сен Аурелианони шу даражада севасанки, унга уйлана олишинг мумкин эмаслиги учун ҳам менга уйланмоқчисан.

Полковник Херинельдо Маркес ниҳоятда сабр-тоқатли одам эди: «Мен кутаман, — деди у. — Эртами-кечми, мен сени бари бир кўндираман». У хонадондан оёғини узмади. Амаранта хонасига беркиниб олганича, пинҳоний фиғонини босар, талабгорининг Урсулага уруш янгиликларини гапириб бераётганини эшитмаслик учун қулоғини бармоқлари билан маҳкам беркитар, ўзи кўришга интиқ бўлиб турса-да, унинг ҳузурига чиқмас эди.

Ушанда полковник Аурелиано Буэндианинг бўш вақти кўпроқ бўлиб, Макондога ҳар икки ҳафтада хабар етказиб турарди. Лекин Урсулага у фақат бир мартагина, жўнаб кетганидан қарийб саккиз ойдан кейин хат ёзди, холос. Махсус чопар ичига полковникнинг ҳусниҳатида битилган, «Отамни эҳтиёт қил, у яқинда ўлади», деган сўзлари солинган сўргичли, каттакон муҳри бор конверт келтирди. Урсула тинчини йўқотди. «Аурелианонинг айтгани ўнгидан келади». У одамлардан Хосе Аркадио Буэндиани ётоқхонага кўчиришда ёрдамлашишни сўради. Хосе Аркадио аввалгидай баҳайбат эди, қолаверса, узоқ йиллар мобайнида каштан дарахти тагида ўтиравериб, вазини ўз хоҳишига кўра оғирлатишдек ғаройиб қобилиятни ҳам ўзлаштирган эдики, уни олти нафар эркак ҳам ўриндиқдан кўтара олмади, ахийри уни каравотгача судраб боришга мажбур бўлишди. Қуёшда қорайган ва ёмғирлардан роса ивиган бу улкан чол ётоқхонага жойлашганида, хона ҳавосига гуллаётган каштан, кўзиқорин ва эски рутубат ҳиди ўрнашиб қолди. Эртасига эрталаб унинг тўшаги бўм-бўш эди. Барча хоналарни қидириб чиққан Урсула, эрини яна каштан тагидан топди. Сўнг уни каравотга боғлаб қўйишди. Гарчанд Хосе Аркадио Буэндиа олдингидек бақувват бўлса-да, ҳеч қаршилиқ кўрсатмади. У ҳамма нарсага лоқайд эди, каштан тагига ҳам атайлаб эмас, балки танаси ўша жойга ўрганиб қолгани сабабли борган эди. Урсула ўшанда эрининг ёнига мудом қатнар, овқат ташир, Аурелиано ҳақидаги янгиликларни гапириб берарди. Лекин, очигини айтганда, Хосе Аркадио Буэндиа фақат бир киши — Пруденсио Агиляр билан мудоқат қилишга қодир эди. Ўлгудай ҳолсизланиб, тўкилиб қолган Пруденсио Агиляр кунига икки мартаба келарди. Улар кўпроқ хўрозлар ҳақида суҳбатлашишарди. Ҳатто биргаликда ажойиб паррандалар етиштирадиган кўриқхона қуришга аҳд қилишган эди. Бу тадбир уларга хўрозлар ғалабасидан шодланиш ниятида эмас (ўшанда уларга бу эрмакнинг ҳожати ҳам қолмайди), ўлимнинг туганмас ва зерикарли кунларида шунчаки нима биландир овуниш учун керак эди. Пруденсио Агиляр қари Буэндиани ювинтирар, овқатлан-тирар ва аллақандай Аурелиано исмли номаълум ва аллақердаги урушда юрган полковник ҳақида қизиқарли янгиликларни сўзлаб берарди. Хосе Аркадио Буэндиа ёлғиз қолганида сон-саноксиз хоналарни туш кўрарди. У тушида кароватдан тушиб, эшикни очар ва худди шу хонага ўхшайдиган, худди шу хонада жойлашган каравот каби суянчиқли темир каравот, хивичлардан тўқилган курси қўйилган ва орқа деворига Биби Марямнинг кичик тасвири туширилган хонага ўтарди. Бу хонадан у айни шунга ўхшаш хонага ўтарди. Хонадан хонага ўтишларнинг ниҳояси йўқ эди. Унга хонадан хонага ўтиш хуш ёқар, гўё узун галерея бўйлаб, ҳар икки тарафга ўрнатилган кўзгуларни оралаб юргандай бўларди... Сунгра Пруденсио Агиляр унинг кифтига қўлини қўярди. Шунда у аста-секин уйғонар, яна хонама-хона юриб ортига қайтар ва Пруденсио Агиляр билан ҳақиқий хонада учрашмагунича, узундан-узоқ йўлни босиб ўтарди. Аммо, Хосе Аркадио Буэндиани каравотга кўчирганларидан икки ҳафта ўтгач, бир кун тунда, у энди тушида нариги хонага ўтганида Пруденсио Агиляр елкасидан туртди. У эса ана шу рўёвий хонани ҳақиқий хона деб ўйлаб, ортига қайтмай, шу ерда муқим қолиб кетди. Эртасига эрталаб эрига нонушта олиб кираётганда Урсула йўлакда рўпарасидан келаётган нотиғ эркакни беҳосдан кўриб қолди. Кичик ва гирдиғум

<sup>1</sup> Херинельдо — испан халқ романсининг қаҳрамони, уни подшонинг қизи яхши кўриб қолади.

гавдали қора мовут кўйлак кийган, катта қора шляпаси мунгли кўзларини деярли бекитган бу кишига кўзи тушдию: «Вой, худойим-ей, — деб ўйлади. — Ахир бу Мелькиадеснинг ўзи-ку!» Лекин бу одам Виситасьоннинг акаси, ўша уйқусизлик касалидан қочиб қутулган ва ўшандан буён дом-дараксиз йўқолган лўли эди. Виситасьон ундан нега келганлигини сўради, акаси унга ўз қабиласининг тантанали ва тиниқ лаҳжасида жавоб берди:

— Мен қиролни дафн этишга келдим.

Ўшанда ҳаммалари Хосе Аркадио Буэндианинг хонасига киришди, уни бор кучлари билан силкитишди, қулоғига бақаришди, бурнига кўзгу тутишди, лекин бари бир уни уйғота олишмади. Анчадан кейин, дурадгор марҳумга тобут ясаш учун андаза олаётганида, дераза ортида митти сариқ гуллар ёмғир бўлиб ёғаётганини кўрди. Гуллар кечаси билан сим-сим ёғиб чиқди, томларни қоплади, эшикларни кўмиб юборди. Гуллар ҳатто очиқда ухлаб қолган жониворларни димиқтириб ўлдириди. Осмондан шунчалик кўп гул ёғдики, эрталаб гўё бутун Макондо узра қалин гилам тўшалгандай бўлди; белкурак ва хаскашлар ёрдамида тобуткашлар учун йўл очишди.

\* \* \*

Амаранта хивичдан тўқилган тебранма курсида каштасини тиззасига қўйиб ўтирганча, юзларию иягига совун кўпиги суртиб, қўлидаги паккисини хомтери камарга қайраб, умрида илк бор соқол ола бошлаган Аурелиано Хосега боқарди. Йигитча сарғиш тукларига мўйлов шаклини беришга уриниб, хуснбузарларини кўчириб юборди, тепа лабини кесиб олди, лекин олдин қандай бўлса, худди шундайлигича қолди, аммо Амаранта бу мураккаб маросимни кўриб, Аурелиано Хосе ана шу пайтдан бошлаб қарий бошлади, деган хаёлга борди.

— Сен ҳозир Аурелианонинг ўзисан, айнан унинг ёшидасан, — деди йигитча. — Энди сен эр кишисан.

Аммо йигитча анча илгари, аммаси уни ҳанузгача бола ҳисоблаб, одатдагидай мўрчага киришганида уялмай-нетмай ечинган ўша олис кундаёқ эр кишига айланган эди. Пилар Тернера болани топшириб кетган кундан буён Амаранта шундай қиларди. Аввалига бола Амарантанинг кўкраклари ўртасидаги ботиқ жойга қизиқиб қолди. Ўшанда шунчалар содда эдики, Амарантадан, бу ерингга нима бўлган, деб сўради. Қиз эса: «Кавлашди, кавлашди ва ниҳоят кавлаб олишди», — деб жавоб берди, сўнг қўли билан қандай кавлашганларини ҳам кўрсатди. Орадан анча вақт ўтиб, Пьетро Креспининг ўлимидан сўнг, ўзини сал ўнглаган Амаранта тагин Аурелиано Хосе билан ювина бошлаганида, у қизнинг аввалги жойига эътибор қилмади, лекин бўлиқ кўкракларнинг долчинранг учлари баданига нотаниш бир титроқ киритди. Аурелиано Хосе ҳали гўдаклигидаёқ ҳар сафар тонгга яқин ўз гамагидан Амарантанинг тўшагига чопқиллаб ўтишга одатланган эди. Унинг ёнига ўтса бас, барча ҳадиғу хавотирлардан халос бўларди. Аммо Амарантанинг яланғоч баданига эътибор берган ўша кундан бошлаб, зимистондан қўриқш эмас, балки тонг маҳали унинг иссиқ нафасини туйиш истаги болани қизнинг ўрнига ўтишга ундарди. Кейин улар ҳолдан тойдирадиган эркалитишларга батамом берилиб, яланғоч ҳолда бирга ухлашадиган, истаган маҳалда ётоқхонага беркиниб олишадиган бўлишди. Бир гал Урсула, улар эндигина ўпишиб бўлишган қазноққа бехосдан бостириб келиб қолди. «Сен аммангни жудаям яхши кўрасанми?» — деб сўради у неварасидан соддадиллик билан. Бола тасдиқ маъносида жавоб қайтарди. «Тўғри қиласан», — деди Урсула, сўнг хамирга ун олиб, ошхонага қайтди. Шу кичик воқеадан Амаранта бирдан хушёр тортиди. У ҳаддиданшиброқ кетганини, эндиликда бола билан жўнгина ўпиш-ўпиш ўйнамасдан, балки анча кеч туғилган бесамар ва қалтис эҳтиросга берилганини тушунди. Тушундию бу ишга узил-кесил нуқта қўйди. Ҳарбий ўқишини охирига етказётган Аурелиано Хосе ҳам тақдирга тан бериб, казармада тунай бошлади. Энди шанба кунлари у солдатлар билан биргаликда Катаринонинг ишратхонасига борарди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Макондога урушнинг бориши тўғрисида бир-бирига зид хабарлар кела бошлади. Гарчанд ҳукумат қўзғолончиларнинг ғалаба кетидан ғалабага қозонаётганларини расмий тан олса-да, Макондодаги офицерлар капитуляция муқаррарлиги ҳақидаги махфий маълумотларни билишарди. Апрельнинг бошида полковник Херинельдо Мәркес ҳузурига чопар келди. У, ҳақиқатан ҳам либераллар партиясининг раҳбарлари ички вилоятлардаги қўзғолончи отрядларнинг бошлиқлари билан музокаралар олиб боришяпти, яқин орада ҳукумат билан сулҳ тузилади, сулҳ шартига кўра, либераллар учта министрлик курсисини олишади, парламентда либераллар гуруҳи вужудга келади ва куролларини топширишган қўзғолончилар учун умумий авф эълон қилинади, деб

таъкидлади. Чопар айни замонда полковник Аурелиано Буэндианинг сулҳ шартларига мутлақо зид махфий буйруғини олиб келди. Унда полковник Херинельдо Маркесга, энг ишончли, биргаликда ҳатто мамлакатни ҳам ташлаб чиқиб кетишга тайёр турган беш нафар одамни шайлаб қўй, деб буюрилган эди. Буйруқ ғоят махфий тарзда ижро этилди. Сулҳ ҳақида расмий хабар эълон қилишмасидан бир ҳафта олдин, Макондо бир-бирига зид турли миш-мишлар билан тўлиб-тошганида, полковник Аурелиано Буэндиа ва унинг садоқатли ўн нафар офицери, жумладан, Роке Қассоб ҳам, тун қоронғисида шаҳарга келишди, гарнизондагиларни уй-уйига тарқатиб, қуролларни кўмишди ва архив ҳужжатларини йўқ қилишди. Тонготарда улар полковник Херинельдо Маркес ва унинг беш нафар одами билан Макондодан чиқиб кетишди. Бу операция шу қадар тез ва шовқин-суронсиз бажарилдики, Урсула воқеадан энг сўнги дақиқада, ётоқхона деразасини аллақим оҳиста қоқиб: «Агар полковник Аурелиано Буэндиани кўрмоқчи бўлсангиз, тазроқ чиқинг», деб шивирлаганида огоҳ бўлди. У каравотдан ирғиб турди-да, тунги кўйлақда кўчага югурди, аммо ҳеч кимни учратмади. Фақат узоқ қоронғиликдан туёқларнинг товуши эшитилди — бир тўда суворий жон борича от қўйиб, чанг-тўзон кўтариб, Макондони ташлаб кетишарди. Эртаси куни Урсула Аурелиано Хосе ҳам отаси билан бирга қетганини билди.

Ҳукумат ва оппозициянинг, уруш тугади, деган қўшма баёноти чиққанидан кейин бирор ўн кун ўтгач, полковник Аурелиано Буэндианинг ғарбий чегарада кўтарган биринчи қўзғолони ҳақида хабар келди. Оз сонли ва ёмон қуролланган қўзғолончилар отряди бир ҳафтага етмай тор-мор қилинди. Аммо бир йил давомида, мамлакат аҳлини либераллар билан консерваторлар бир-бирлари билан ярашганига батамом ишонтирганларига қадар, полковник Аурелиано Буэндиа яна еттига қуролли қўзғолон уюштирди. Бир куни тунда у елканли кема бортидан туриб, Риоачани тўплардан ўққа тутди. Риоача гарнизони бошлиқлари бунга жавобан, шаҳардаги ўн тўрт нафар энг таниқли либералларни тўшагидан кўчага судраб олиб чиқиб, отиб ташлашди. Полковник Аурелиано Буэндиа чегарадаги божхона постини ишғол қилиб, уни ўн беш кундан зиёд сақлаб турди ва шу ердан мамлакатни умумхалқ урушини бошлашга чорлади. Бошқа гал у, мамлакат пойтахти атрофидаги посёлкаларда қўзғолон кўтариш учун, ҳали инсон қадами тегмаган чангалзорлар оралаб беш юз қақиримга яқин масофани босиб ўтмоқчи бўлиб уч ой беҳуда тентиради. Бир куни Макондога йигирма қақирим қолгунча яқинлашиб келди, аммо ҳукумат қўшинларининг олдинги отряди зўрлик қилиб, уни тоғлар тарафга — бундан анча йиллар илгари отаси испан кемаси қолдиғини топган ўша афсункор далага яқин жойларга — чекинишга мажбур этди.

Виситасён худди ана шу пайтларда ўлди. У асл ниятига етиб, ўз ажали билан оламдан кўз юмди. Ва шу тахлит, у уйқусизлик касали юқиб, бемаҳал ўлимга гирифтор бўлмайн деб, тахтдан воз кечгани зое кетмади. Ҳинду аёл йигирма йилдан зиёдроқ вақт мобайнида тўплаган пулларини каравоти остидан олиб, урушни давом эттириш учун полковник Аурелиано Буэндиага жўнатишларини васият қилди. Аммо Урсула бу пулларга қўлини ҳам тегизмади, чунки ўшанда полковник Аурелиано Буэндиа вилоятнинг бош шаҳри яқинида қирғоққа тушаётганида ҳалок бўлди, деган миш-миш тарқалган эди. Бу унинг ўлими ҳақида сўнги икки йил мобайнида тарқалган расмий хабарларнинг тўртинчиси бўлиб, олти ойгача рост ҳисобланди. Урсула билан Амаранта эски азалари тугамай туриб, янги аза очишганларида, Макондо бўйлаб одамларни ларзага солувчи бошқа хабар тарқалди. Полковник Аурелиано Буэндиа тирик экан, аммо у ўз денгизининг бошқа мамлакатларида ғолибона жанг олиб бораётган федералчиларга қўшилиб кетган экан. Полковник исмини ўзгартириб, ҳар сафар она ватанидан йироқ-йироқ жойларда пайдо бўларди. Кейинчалик эса унинг Марказий Америкадаги барча федерал кучларни бирлаштириш ва бутун қитъадаги — Аляскадан то Патагониягача бўлган барча консерватор ҳукуматларини ағдариб ташлаш ғоясидан ниҳоятда руҳлангани маълум бўлди. Урсула бир неча йиллардан сўнг ўғлидан мактуб олди; Сантьяго-де Кубадан юборилган бу хат қўлдан-қўлга ўтаверганидан роса ғижимланиб, ҳарфлари хиралашиб кетган эди.

— Биз Аурелиано бир умрга йўқотдик, — деди хўрсиниб Урсула хатни ўқигач. — Шу кетиши бўлса, у яна бир йилдан кейин дунёнинг нариги чеккасига ҳам етиб боради.

Урсула бу сўзларни уруш тугагач, Макондога ҳоким бўлган генерал-консерватор Хосе Ракель Монкадага айтди. Хатни ҳам кўрсатди. «Эҳ, қанийди Аурелианодек шоввоз йигит консерватор бўлса!..» — деди генерал Монкада. У полковник Аурелиано Буэндиадан чинакамига завқланарди. Консерваторлар партиясининг ҳарбий ишга ҳеч бир алоқаси бўлмаган ўнлаб аъзолари каби, Хосе Рокель Монкада ҳам ўз партияси манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида урушга қатнашди ва ҳарбий хизматга мутлақо иштиёқи бўлмаса-да, жанг майдонларида



қайта тикланди. Йигит Амарантани тусагандан тусарди. У қуролдошлари «дов-юрраклик» деб аташган телбалиқ ёрдамида Амарантани унутмоқчи бўлиб уйдан қочган эди, аммо у қиз сиймосини уруш балчиғига қанчалар кўп қориштирмасин, эсдан чиқаролмади. У токи ўз аммасига уйланган одам ҳақидаги эски латифани эшитмагунича, қувғинликда азоб чекди, ўзига-ўзи ўлим тилади, шу йўл билан Амарантадан қутулишни истади.

— Ахир, одам ўз аммасига ҳам уйланиши мумкинми? — деб сўради ўшанда Аурелиано Хосе.

— На фақат аммасига, — дея жавоб қайтарди унга солдатлардан бири. — Ахир, биз нега попларга қарши курашяпмиз? Кишининг истаса ўз онасига ҳам уйланиши учун курашяпмиз-да!

Ана шу суҳбатдан роса икки ҳафтадан сўнг Аурелиано уйига қочиб келди. «Сен ҳайвонсан, — деди Амаранта, унинг таъқибларидан силласи қуриб. — Ахир, аммага уйланиш учун фақат Рим папасидан рухсат олиш кераклигини билмайсанми?» Аурелиано Хосе эмас-да Европага, Римга боришга ва ҳатто авлиё папанинг бошмоғини ўпишга ҳам ваъда берди.

— Лекин гап рухсатдагина эмас, — деди Амаранта. — Ахир, бундай никоҳдан чўчка думли болалар туғилади.

Аурелиано Хосе унинг баҳоналарини эшитишни хоҳламас эди.

— Тимсоҳ туғилса ҳам майлига, — дея ўтинарди у.

Бир куни тонгда азобга дош беролмай, Катаринонинг муассасасига йўл олди. Аурелиано Хосе у ердан арзон, ширинсўз, кўкраклари салқиб қолган, аммо дардига вақтинча малҳам бўладиган аёлни топди. Энди у Амарантани сохта бепсандлик билан енгмоқчи бўлди. Галереядан ўта туриб, қизга ҳатто бир оғиз ҳам гапирмади. Амарантанинг елкасидан тоғ қулагандек бўлди. У яна Херинельдо Маркесни ўйлай бошлади, кечқурун биргаликда шашка ўйнаган дамларини орзиқиб эслади ва уни ўз ётоғида кўришни истаб қолди. Аурелиано Хосе ўзининг қанчалар катта хато қилганини тасаввур ҳам этолмасди. Бепарво кўриниш жонига тегиб, бир гал кечаси яна тагин Амарантанинг хонасига борди. Амаранта ҳеч иккиланмай, қатъийлик билан рад этди ва эшигини маҳкам қулфлаб олди.

Аурелиано Хосе Макондога қайтганида бир неча ой ўтгач, уйларига ёсумангул ҳиди таратгувчи семиз бир аёл беш яшар бола билан кириб келди. Аёл Урсулага, бу бола полковник Аурелиано Буэндианинг ўғли, уни чўқинтириш учун сизга олиб келдим, деб айтди. Гўдакнинг кимлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмади: у полковникнинг ўзгинаси эди. Аёлнинг айтишича, бола кўзлари очиқ ҳолда туғилгану атрофга димоғдорлик билан боққан экан, бирор нарсага мижджа қоқмай тикилиши кўрган одамни чўчитар экан. «Отасининг ўзгинаси, — деди Урсула. — Энди бир нарса: кўз қири билан курсиларни қимирлатиши етмай турибди». Болага Аурелиано деб исм қўйишди ва онасининг фамилиясини беришди; қонунга биноан, то отаси тан олмагунича, бола унинг фамилиясига ўтолмасди. Генерал Монкада чўқинтирган ота бўлди. Амаранта болани ўз тарбиясига олишга уриниб кўрди, аммо онаси кўнмади.

Илгари Урсула қизларни худди товукларни зотдор хўрозлар олдига қўйиб юборгандек машхур қўмондонлар ётоғига йўллаш удумини ҳеч эшитмасе-да, унинг борлигига айна ўша йили ишонч ҳосил қилди: полковник Аурелиано Буэндианинг яна тўққиз нафар ўғлини чўқинтириш учун унинг уйига олиб келишди. Уларнинг тўнғичи, қора сочли, кўк кўзли ғалати бола бўлиб (у отасига ўхшамас эди), ёши ўндан ошганди. Турли ёшдаги ва турли тусдаги болаларнинг бариси ўғил бўлиб, ҳаммаси бир-бирига ўхшаш эдики, уларни отаси бир киши эканига шубҳа қолмасди. Урсула фақат икки неварасини аниқ эслаб қолди. Бирининг гавдаси ёшига нисбатан анча йирик бўлиб, у Урсуланинг гулдонини ва бир неча дона ликобчасини чил-чил синдирди; гўёки қўллари теккан нарса синмай қолиши дарғумондек туюларди. Бошқаси оқ-сарикдан келган бўлиб, кўзлари онасиники каби кулранг-қўкиш, сочлари эса худди қизларникидай узун ва жингалак эди. У уйга худди шу ерда туғилиб ўсган ва бу ерни мукаммал биладиган одамдек, заррача ҳам хижолат тортмай кириб келди-да, тўғри Урсуланинг ётоғидаги қутича томон юриб: «Менга мурватли раққоса керак», деб айтди. Урсула аввалига чўчиб тушди. Қутичани очиб, Мелькиадес давридан қолган эски-туски нарсаларни кавлаштириб, ичидан эски пайпоққа ўраб ташланган раққосани топди; қачонлардир Пьетро Креспи олиб келган бу ўйинчоқ ҳамманинг эсидани чиқиб кетган эди. Полковник Аурелиано Буэндианинг ўн икки йил уришиб, қадами теккан жойларда орттирган ўғилларининг барчасига Аурелиано деб ном берилди. Улар ўз оналарининг фамилияларини олишди. Полковник ўғилларининг сони жами ўн етти нафарга етди. Дастлаб Урсула уларнинг чўнтақларини пул билан тўлдирар, Амаранта бўлса болаларни олиб қолишга уринар эди. Аммо кейинчалик Урсула билан Амаранта бирон бир совға беришу чўқинтириш билан чекланадиган бўлишди. «Биз уларни

чўқинтириб ҳам ўз бурчимизни бажараяпмиз, — дерди Урсула, махсус китобчасига галдаги онанинг фамилияси ва адресини, бола туғилган кун ва жойни ёзиб қоларкан. — Бу борадаги ҳисоб-китобимиз аниқ бўлиши шарт, ахир, Аурелиано қайтиб келиб фарзандларига оталик қилади-да». Урсула бир кунга тушлик маҳали генерал Монкада билан фарзанднинг серпуштлигини муҳокама қила туриб, ўғлим тезроқ келиб болаларини бир жойга йиғса яхши бўлармиди, деб айтди.

— Хавотир олманг, қариндош, — сирли жавоб қайтарди генерал Монкада. — У сиз ўйлаганингиздан олдинроқ келади.

Генерал Монкада очишни истамаган сир шу эдики, полковник Аурелиано Буэндиа ҳозиргача бўлган кўзғолонлари ичида энг узоқ, энг оғир ва серталафот кўзғолонга бошчилик қилиш учун аллақачон ватани томон йўлга тушган эди.

Вазият худди биринчи уруш бошланган ойлардаги каби яна кескинлашди. Ҳокимнинг ўзи рағбатлантириб турадиган хўроз уриштиришлар ман қилинди. Гарнизон кўмондони капитан Акилес Рикардо аслида тинч фуқарога ҳам ҳокимлик қиларди. Либераллар уни «ифвогар» деб эълон қилишди. «Бир бало бошланиши аниқ, — дерди Урсула Аурелиано Хосега. — Кеч соат олтидан сўнг кўчага чиқма». Унинг ёлворилари бефойда эди. Аркадио бир вақтлар унга бўйсунмай қўйганидек, Аурелиано Хосе ҳам Урсуланинг измидан чиққан, тамом бегона бўлиб қолган эди. Уйга қайтиб келгач, ҳавойиликка ўрганди, егани олдида, емагани ортида, хуллас, кайфу сафога берилиб, худди амакиси Хосе Аркадио каби ишەқмас, танбал бир кимсага айланди. Амарантага ишқивозлиги йигит юрагида ҳеч қандай жароҳат қолдирмасдан сўнди. У гўеки толе тўлқинлари ичра сузарди: бильярд ўйнар, дуч келган бузук аёлларга илакишар, Урсула яширган пулларни ахтариб, уйдаги тешик-тирқишларни титар эди. Ниҳоят, у уйга кийимларини алмаштириш учунгина кирадиган бўлди. «Буларнинг бари бир гўр, — шикоят қиларди Урсула. — Дастлаб ювош, итоаткор, худди мусинадек беозор бўлиб ўсишади, иягига тук битди дегунча, дарҳол гуноҳга ботишади». Узининг наслу насабига қизиқмаган Аркадиода фарқли ўлароқ, Аурелиано Хосе сўраб-суриштириб онаси Пилар Тернера эканини билиб олди. Пилар Тернера ўғлининг пешинги ҳордиғини ўйлаб, уйига Аурелиано Хосенинг тўр беланчагини осиб ҳам қўйди. Уларни чинакам она-болалик эмас, балки танҳолик ҳисси бирлаштиради. Пилар Тернеранинг қалбидаги сўнги умид учқунлари ҳам сўнган эди. Унинг кулгиси орган овозидек йўғонлашган, тасодифий, нохуш эркалатишлардан кўкраклари шалвираб қолган эди. Энди у пуч умидлар бағишловчи фолбинликдан воз кечган ва бегоналарнинг севгисидан юпанч топиб, осудагина ҳаёт кечирарди. Аурелано Хосе пешинда дам оладиган хонада кўшни қизлар ўзларининг тасодифий машуқлари билан учрашиб туришарди. «Киришга рухсат бер, Пилар», — дейишарди улар, хонага бостириб кириб. «Марҳамат қилинглар», — дея жавоб берарди Пилар. Агар ёнларида яна бирор одам бўлса, тушунтирарди: «Одамларнинг роҳат қилишларини кўрсам, худди ўзим роҳатланаётгандай бўламан».

Хизматлари учун ҳеч қачон пул олмасди. У ўзининг хўшторлари — оладиганини олиб, эвазига на пул, на севги ҳадея этишган, фақат онда-сонда андак ҳузур бағишлаган сон-саноқсиз эркакларнинг илтимосларини рад этмагани каби, айни илтимосларга ҳам йўқ демасди. Пилар Тернеранинг бешала қизи ҳам эрта кунданок қўлма-қўл бўлиб кетган эди. Икки ўғлидан бири полковник Аурелиано Буэндианинг байроғи остида жанг қилиб ҳалок бўлган, иккинчиси эса ўн тўрт ёшга кирганида водий шаҳарларидан бирида товуқлар солинган саватни ўғирлаётганида, яраланиб қўлга тушганди. Аурелиано Хосе аслида Пилар Тернерага фолдаги таппон шоҳ ярим асрдан бери ваъда қилиб келаётган узун бўйли, қорамағиздан келган ўша эркак бўлиб чиқди, аммо қарталар ваъда этган барча эркаклар каби, у ҳам Пилар Тернера қалбидан анча кеч, ажал соя сола бошлаган бир пайтда ўрин олган эди. Пилар Тернера буни қарталардан билиб олди.

— Бугун кечкурун кетма, — деди у Аурелиано Хосега. — Шу ерда ухла, Кармелита Монтель кўпдан буён сенинг олдинга киритишимни сўраб юрибди. Аурелиано Хосе онасининг товушидаги хавотирли илтижони илғамади.

— Унга айт, мени ярим кечаси кутсин, — дея жавоб қайтарди у.

Ўзи испан труппаси «Сорро ханжари» деган пьесани кўрсатаётган театрга йўл олди. Аслида асар Соррильни трагедияси бўлиб, унинг номи капитан Акилес Рикардонинг буйруғига биноан ўзгартирилганди, чунки либераллар консерваторларни «готлар» деб қақришар эди. Аурелиано Хосе эшик ёнида чиптасини кўрсата туриб, капитан Акилес Рикардо театрга кираётганларнинг ҳаммасини қуролланган икки солдат билан биргаликда тинтув қилишаётганида кўзи тушиб қолди. «Секинроқ, капитан, — дея огоҳлантирди Аурелиано Хосе. — Ҳали менга қўлини кўтара-

<sup>1</sup> Испан шоири ва драматурги Хосе Соррильининг (1817—1893) трагедияларидан бири «Гот ханжари» деб номланган.

диган одам онасидан туғилмаган». Капитан уни мажбуран тинтимоқчи бўлди, қуролсиз келган Аурелиано Хосе қочишга тушди. Солдатлар буйруққа буйсунишмади ва унга ўқ узишдан бош тортишди. «Ахир, бу Буэндиа-ку», — деб тушунтирди улардан бири. Шунда дарғазаб капитан милтиқни юлиб олди-да, оломонни ёриб ўтиб, кўчанинг ўртасига чиқди.

— Қўрқоқлар! — бақира бошлади у. — Ишқилиб, у полковник Аурелиано Буэндиа бўлиб чиқсин.

Ўқ товуши эшитилганида, йигирма тўққиз ёшли қиз Кармелита Монтель Пилар Тернеранинг каравотини гулоб билан артиб, устига розмарин баргларини тўшаб бўлганди. Қарталарнинг башоратига қараганда, Аурелиано Хосега Амаранта бермаган бахтни Кармелита бахши этиши керак, улар олти нафар фарзанд кўришлари ва у қаригач, Кармелита Монтелнинг қўлида ўлиши лозим эди, аммо унинг орқасидан кириб, кўкрагини тешиб ўтган ўқ, чамаси, қарталарнинг башоратини унчалик яхши пайқамганди. Аммо қазоси айни ўша тун содир бўлиши башорат қилинган капитан Акилес Рикардо ҳақиқатан ҳам Аурелиано Хоседан тўрт соат олдин ўлди. Милтиқ товуши гумбурлаган заҳотиёқ, икки жойидан ўқ еган капитан ҳам қулаб тушди, ким ўқ узганлигини аниқлай олишмади ва бир неча кишининг ҳайқириғи тун сукунатини ларзага келтирди:

— Яшасин либераллар партияси! Яшасин полковник Аурелиано Буэндиа!

Тунги соат ўн иккиларда, Аурелиано Хосенинг ярасидан оқаётган қон тийилиб, Кармелита Монтелга фол очиш мақсадида қарталар қайта аралаштириб бўлинганида, театр биноси ёнидан тўрт юздан зиёдроқ одам ўтди ва уларнинг ҳаммаси капитан Акилес Рикардонинг кўча ўртасида ётган жасадига қарата тўппончаларидан бетиним ўқ бушатди. Қўргошинлардан оғирлашиб, худди бўккан нонга ўхшаб қолган жасадни замбилғалтакка жойлаштириш учун бир неча солдат овора бўлди.

Хукумат қўшинларининг сурбетларча хатти-ҳаракатларидан дарғазаб бўлган генерал Хосе Ракель Монкада ўзининг барча сиёсий нуфузини ишга солиб, яна ҳарбий либос кийди ва Макондо ҳукмдорлигини ўз зиммасига олди.

Сентябрда келган хабарлар бир-бирига зид эди. Хукумат бутун мамлакатни назорат остига олганлигини маълум қилар, аммо либералларга ичкаридаги штатлардан кўтарилган қуролли кўзғолонлар ҳақидаги махфий маълумотлар келиб турарди. Ҳарбий трибуналнинг полковник Аурелиано Буэндиани сиртдан ўлимга ҳукм этгани ҳақидаги қарор халққа ошкор қилинганидан сўнг, хукумат уруш ҳолати юз берганини тан олди. Полковникни қўлга туширишга муваффақ бўлган гарнизон ҳукми дарҳол ижро этиши керак эди. «Демак, у қайтибди», — деди қўвоңч билан Урсула генерал Монкадага. Аммо генерал бу ҳақда ҳам бирор аниқроқ маълумотга эга эмас эди.

Ақсиди полковник Аурелиано Буэндиа мамлакатга бир ой бурун қайтиб келган эди. Унинг қайтиши турли миш-мишларга тўла, гўёки у бир вақтнинг ўзида биридан юзлаб қақирим узоқ ерларда ҳозир бўлар ва шу боис ҳам генерал Монкада, токи полковник Аурелиано Буэндианинг қиргоқ бўйидаги икки штатни босиб олганини расмий эълон қилмагунларича, унинг қайтганига ишонмаганди. «Табриклиман сизни, қариндош, — деди генерал Монкада Урсулага. — Тез орада сиз уни кўрасиз?». Фақат ана шундан кейингина Урсула хавотирга тушди. «Сиз-чи, сиз нима қиласиз?» — сўради ундан Урсула.

— У нима қилса ўшани: ўз бурчимни адо этаман.

Биринчи октябрь кунни тонг маҳали полковник Аурелиано Буэндиа яхши қуролланган минглаб солдат билан Макондога ҳужум бошлади. Гарнизон жангнинг охиригача қаршилиқ кўрсатиш зарурлиги ҳақида буйруқ олди. Чошгоҳ маҳали, генерал Монкада Урсула билан овқатланаётганида, кўзғолончиларнинг бутун шаҳар бўйлаб момақалди роқдек янграган тўпи муниципалитет хазинаси пештоқини вайронага айлантирди. «Улар биздан ёмон қуролланишмаган, — дея хўрсинди генерал Монкада, — бунинг устига катта ҳавас билан жанг қилишяпти». Кундуз соат иккида, тўплар отишмасидан ер титраган бир пайтда, мағлубиятга учрашларига тўла ишонч ҳосил қилган генерал Урсула билан хайрлашди.

— Аурелиано бугун кечқурун уйда бўлмаслигини худодан ёлвориб сўрайман, — деди у. — Аммо келиб қолса, уни мен учун қучиб кўйинг, чунки уни бошқа кўрмасам керак, деб ўйлайман.

Полковник Аурелиано Буэндиага урушни инсонпарварона изга солиш борасидаги ўзаро умумий мақсадлари эслатилган ва унга ҳарбийлар найранги ҳамда ҳар иккала партиянинг ҳам шухратпараст сиёсатдонлари устидан ҳал қилувчи ғалабани талаб қилувчи мактуб қолдириб, Макондондан қочиб чиқишга уринган генерал Монкадани шу кечасиёқ қўлга олишди. То ҳарбий инқилоб трибунали тақдирини ҳал қилмагунича, Урсуланинг уйида ҳибсда сақланаётган генерал Монкада эртасига полковник Аурелиано Буэндиа билан бирга овқатланди. Бу — оилавий даврага хос осуда бир учрашув эди. Аммо рақиблар урушни эсларидан чиқаришиб, ўтмиш воқеаларига чўмганларида, Урсула, ўғлим ватанига



босқинчи бўлиб қайтибди, деган нохуш таассуротдан халос бўлолмасди. Хавфхатар йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилиш учун хоналарни ағдар тўнтар қилган талайгина соқчилар кузатувида келган полковник, уй бўсағасидан ҳатлаб ўтган ўша илк дақиқадаёқ Урсулада ана шундай фикр пайдо бўлди. Полковник Аурелиано Буэндиа тинтувга ўзи буйруқ берди, то уй атрофини соқчилар ўрамагунича, бирорта одамни, ҳатто Урсулани ҳам яқин йўлатмади. У эгнига қўпол ип газламадан тикилган белгисиз ҳарбий либос, оёғига пошнаси баланд темири тепкили этик кийиб олганди. Камарига осилган катта калибрли револьвер тугмаси ечилган ва полковник Аурелиано Буэндианинг револьвер дастасига асабий тиралган бармоқларида худди кўзларидаги каби эҳтиёткорлик ва қатъийлик бор эди. Унинг икки чаккаси ярғоқлай бошлаган калласи гўё суст ёнган ўтда қоқ қилиб қури-тилганга ўхшарди. Қариб денгизининг шўр сувлари шилиб юборган юзларни метиндек қотиб кетганди. Энди у бурунгига нисбатан новчароқ, рангпар, суяқдор туюлар ва туғишганларига бўлган меҳр туйғусини босишга ҳаракат қилаётгани сезилиб турарди. «Вой худойим-эй, — деб ўйлади безовталанган Урсула, — унинг қўлидан ҳар бало келади-дими ўхшайди. Аслида ҳам шундай эди. У ҳали ўликларни умумий мозорга кўмишга улгурмай туриб, полковник Роке Қассобга ҳарбий, трибунални тезлаштириш ҳақида буйруқ берди, ўзи эса иккиланаётган консерва-торларнинг режимига тамоман зид ва ғоят оғир ислоҳот ишига киришди. «Биз либераллар партияси сиёсатдонларини доғда қолдиришимиз керак, — дерди у ёрдамчиларига. — Уларнинг кўзлари очилганида, жуда кеч бўлди». Айни пайтда у сўнги беш йил давомида рўйхатга олинган ерларга ҳуқуқини текшириб кўришга қарор қилди ва акиси Хосе Аркадионинг қонунлаштирилган талон-торожига дуч келди. У бир қалам тортиб, ёзувларни бекор қилди ва ишларни бир соат ортга суриб, ўз қарорини айтиш учун Ребеканинг уйига йўл олди.

Қачонлардир махфий севгисига сирдош бўлган, ўз қайсарлиги билан унинг ҳаётини сақлаб қолган бу ёлғиз бева меҳмонхонанинг нимқоронғусида ўтмишга мансуб шарпадек бўлиб туюлди. Билакларигача қора либосга ўралиб олган, юрагини аллақачон кул босган у аёл, афтидан, уруш бораётганидан ҳам беҳабар эди. Унинг суяклари гўё тери остидан нурланиб тургандек таассурот уйғотар ва Ребека шуълалар ичра юргандек туюларди; айниган ҳаводан ҳанузгача озгина порох ҳиди аңқирди. Полковник Аурелиано Буэндиа суҳбатни узоқдан бошлади, аёлга азасини сал енгиллаштиришни, уйдаги барча деразаларни очишни ва Хосе Аркадионинг ўлими учун одамларни кечиришини маслаҳат берди. Аммо Ребека бу дунё қувончларидан аллақачон воз кечган эди. Ребеканинг уларни тупроқнинг тахир таъмидан, Пьетро Креспининг атир сепилган хатларидан, эрининг жўшқин тўшагидан қидиришлари беҳуда кетган ва у, ниҳоят, шафқатсиз тасавуридаги сиймолар моддий шаклга кириб, хоналар бўйлаб тирик одамлар сингари кезувчи ана шу уйда фароғат топди. Ребека тўқима курсига суянганича, полковник Аурелиано Буэндиага разм соларкан, аксинча, полковникнинг ўзи унга бамисоли ўтмишдан келган шарпадек туюларди, Ребека Хосе Аркадио ўзлаштирган ерлар қонуний эгаларига қайтарилишини эшитса-да, бундан мутлақо ташвишланмади.

— Билганингни қил, Аурелиано, — деб хўрсинди у. — Сен қариндошларингни севмайсан, мен ҳамisha шундай деб ўйлардим, билдимки, адашмаган эканман.

Ерга эгалик ҳуқуқларни қайта кўриб чиқиш ва ҳарбий дала судлари иши бир вақтнинг ўзига белгиланди, суд мажлислари полковник Херинельдо Маркес раислигида олиб борилди ва кўзғолончилар асирга туширган барча офицерларни отиш билан яқунланди. Генерал Хосе Ракель Монкада энг кейин судланди. Урсула унинг ёнини олди. «У Макондонинг энг яхши ҳукмдорларидан эди, — деди у полковник Аурелиано Буэндиага, — унинг оиламизга меҳрибонлиги, муҳаббати ҳақида гапирмасам ҳам бўлади, буни ўзинг ҳаммадан яхшироқ биласан». Полковник Аурелиано Буэндиа унга норози бўлиб қараб:

— Суд ишларини бошқарувчи вакил эмасман, — дея эътироз билдирди. — Агар гапингиз бўлса, ҳарбий суд олдида айтинг.

Урсула на фақат полковник айтганидек қилди, балки судга макондолик кўзғолончи офицерларнинг оналарини ҳам бошлаб келди. Бу аёллар шаҳарда азалдан истиқомат қилишар, айримлари тоғ тизмалари бўйлаб уюштирилган машаққатли сафарда ҳам иштирок этишганди; улар бирин-кетин генерал Монкаданинг хислатларини таърифлашди. Охирида Урсула гапирди. Унинг қайғули, аммо тетик қиёфаси, одамлар орасидаги чексиз ҳурмати, сўзларида янграган ўктамона комил ишонч, адолат тарозисини бир пас иккилантириб қўйди. «Сизлар бундай мудҳиш ўйинга ниҳоятда жиддий ёндашиб тўғри қилдингиз, сабабки, ўз бурчларингизни бажардингиз, — деди у трибунал аъзоларига. — Аммо шуни эсдан чиқарманглarki, то бизлар ҳаёт эканмиз, сизларнинг оналарингиз бўлиб қоламиз ва ўн карра инқилобчи бўлсаларинг ҳам, бизни беҳурмат қилганларингизда иштонларингни тушириб, қайиш билан боплаб

савалашга ҳаққимиз бор». Унинг сўзлари суд аъзолари маслаҳатга чиқиб кетишганда ҳам казармага айлантирилган синфхонада жаранглаб турарди. Ярим тунда генерал Хосе Ракель Монкада ўлимга ҳукм қилинди. Урсуланинг қаттиқ таъналарига қарамай, полковник Аурелиано Буэндиа жазони енгиллатишдан бош тортди. У тонгга яқин жазога ҳукм этилган генералнинг олдига, ғулу кишанлар турадиган хонага келди.

— Эсингда бўлсин, — деди унга полковник, — сени мен отаётганим йўқ. Сени инкилоб отаяпти.

Генерал Монкада ҳатто каравотдан ҳам турмади.

— Кет, йўқол кўзимдан, — деб жавоб қайтарди у.

Қайтиб келганидан то шу дақиқаларгача полковник Аурелиано Буэндиа генерал Монкадага хайрихоҳлик билдиришдан ўзини тийди. Ҳозир эса, генералнинг кексалик сиёғи сезилиб қолган юзини, қалтираётган қўлларини ва хоксорлик, итоаткорлик билан ўлимини кутаётганини кўриб ажабланди ва олдинга ўзига нисбатан чуқур нафрат туйди, аммо уни қалбида уйғонаётган раҳмдиллик билан аралаштириб юборди.

— Мендан яхшироқ биласан, — деди у, — ҳар бир ҳарбий трибунал аслида шунчаки қўпол ҳазил, холос. Бировларнинг жиноятлари учун сендан қасос олишаяпти. Бу гал биз қандай қилиб бўлса-да, урушда ғолиб чиқишимиз керак. Сен менинг ўрнимда бўлганингда шундай қилмасмидинг, ахир?

Генерал Монкада қалин кўзойнагини кўйлагининг этаги билан артиш учун жойидан турди. «Эҳтимол, — деди у, — лекин мени сенинг отишга шайланаётганинг ташвишлантирмаяпти, бу ҳол бизга ўхшаган одамлар учун табиий ўлим ҳисобланади, — у кўзойнагини тўшакка қўйди ва соатини занжирдан чиқарди. — Мени, — дея давом этди у, — мени профессионал жангчилардан шунча кўп вақт нафратланганингдан, улар билан беомон кураш олиб борганингдан, уларни шунчалар койиганингдан кейин, ўзинг ҳам ўшаларга ўхшаб қолганинг кўпроқ ташвишлантиради ва дунёдаги ҳеч қандай ғоя бундай разилликни оқлай олмайди». У бармоғидаги никоҳ узугини, бўйнидаги Биби Марям тасвири осилган занжирини ечиб, уларни кўзойнагу соатининг ёнига қўйди.

— Агар шу ҳол давом этаверса, — дея сўзига яқун ясади у, — сен мамлакатимиз тарихидаги нафақат энг мустабид ва қонхўр ҳукмдорга айланасан, балки виждонингга таскин бериш учун онанг Урсулани отиб ташлашдан ҳам тонмайсан.

Полковник Аурелиано Буэндиа пинагини ҳам бузмади. Генерал Монкада кўзойнак, соат, узук ва кичкина санамини унга узатиб, энди юмшаброқ:

— Аммо мен сени бу ерда койигани чақиртирган эмасман. Мана буларни хотинимга юборишингни сўрамоқчи эдим, — деди.

Полковник Аурелиано Буэндиа генерал узатган буюмларни чўнтагига солиб қўйди.

— У ҳалиям Манауредга яшайдими? — деб сўради у.

— Манауредга, — деб тасдиқлади генерал Монкада, — сен ўтган сафар хат жўнатган черков ортидаги ўша уйда.

— Мен буни бажонидил бажараман, Хосе Ракель, — деди полковник Аурелиано Буэндиа.

У кўкиш туман чўккан кўчага чиққанида, юзи худди ўша узоқ тонгдагидек намиқди ва ўшандагина нега ҳукмни қабристон девори ёнида эмас, балки казарма ҳовлисида ижро этишга буйруқ беришганини тушунди. Эшик қаршисида саф тортган бўлинма солдатлари уни давлат бошлиғини олқишлагандек олқишлашди.

— Олиб чиқилиши мумкин, — деди полковник уларга.

Полковник Херинельдо Маркес урушдан мутлақо узилиб қолди. Илгари уруш унинг учун бевосита ҳаракат, тийиқсиз ёшлик эҳтиросидан иборат эди, энди эса урушдан буткул кўнгли совуб, Амаранта чеварлик қиладиган хонадан нажот изларди. Полковник Гўзал Ремедиос тикув машинаси дастасини айлантираётган маҳали оппоқ голланд матоси бурмаларини бостираётган Амарантанинг қўлларига қараб ўтиришни ёқтирарди. Улар соатлаб чўрқ этишмас, уй бекаси ва меҳмон бири-бири билан дийдор кўришиш билан қаноатланишарди, холос; Амаранта унинг садоқати сўнмаганидан ич-ичидан шодланар, Херинельдо Маркес бўлса, қизнинг яширин ниятларидан бехабар эди. Полковник Херинельдо Маркеснинг Макондога қайтиб келганини эшитган Амаранта ниҳоятда ҳаяжонланди. Аммо у полковник Аурелиано Буэндианинг хушчақчақ мулозимлари қаторида, ярадор қўли боғланган ҳолда кириб келганида, Амаранта унинг қариб қолганини, кир-чирлигини, терлаб кетганини, баданидан отхона ҳиди анқиётганини, хунуклигини кўриб, азбаройи ҳафсаласи пир бўлди. «Худойим-эй, — деб ўйлади у, — наҳотки мен кутган одам шу бўлса!» Эртасига полковник унинг ёнига ювиниб-тараниб келди. Унинг мўйлабидан атир ҳиди уфуриб турарди. Полковник Амарантага муқовасига садаф қадаб безатилган ибодатнома ҳада қилди.

— Сиз эркаклар жуда ғалатисиз-да, — деди Амаранта бошқа тузукроқ гап

тополмай. — Узларинг бутун умр руҳонийларга қарши курашасизлар-у, лекин шунга қарамай, ибодатнома совға қиласизлар.

У ана шундан бери, ҳатто урушнинг энг оғир дамларида ҳам, ҳар кеч Амарантанинг ҳузурига келарди. Гўзал Ремедиос бўлмаган пайтлари тикув машинасининг дастасини айлантларди. Унинг барқарорлиги, садоқати Амарантанинг меҳрини кўзғатар, шунчалар нуфузли одамнинг унинг қошида бош эгиши, қиличию тўппончасини меҳмонхонада қолдириб, ёнига қуролсиз кириши яна ҳаяжонга соларди. Лекин шунга қарамай, полковник Херинельдо Маркес қайта-қайта севги изҳор қилган ана шу тўрт йил мобайнида Амаранта унинг муҳаббатини бир зайлда рад этарди. Тўғри, Амаранта бунда унинг дилини оғритмасликка уринар, чунки, гарчанд ҳали у полковникни севиб қолмаган эса-да, энди усиз яшай олмаслигини англарди. Шу пайтгача ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган, ҳатто кўпчилик ақли камроқ деб ўйлайдиган Гўзал Ремедиос ҳам Херинельдо Маркеснинг садоқатидан таъсирланиб, ҳеч қутилмаганда уни ҳимоя қилишга ўтди. Шунда Амарантага ўзи ўстирган, эндигина гуллай бошлаган бу қизчанинг Макондо ҳали ҳеч қачон кўрмаган гўзал қизга айлангани аён бўлди. Амаранта юрагида қачонлардир Ребекага нисбатан туғилган ўша эски адовати қайта ўйғонаётганини ҳис этди. Адовати оловланиб Гўзал Ремедиоснинг уволига қолмаслигини, унинг ўлими тўғриси азоб чекмаслигини худодан илтижо қилиб, қизни ўз хонасидан қувиб юборди. Худди шу пайт полковник Херинельдо Маркес урушни ёмон кўра бошлаган эди. Умр бўйи топган шўхратини Амарантага садқа қилишга тайёр турган полковник, бор-йўқ нотқиқлигини, узоқ муддат давомида жиловлаб келаётган улкан меҳрини ишга солди. Аммо, бари бир, Амарантани кўндиролмади. Август кечаларининг бирида саботли жазманига узил-кесил жавоб бериб, ўжарлигининг залворли зарбидан эзилган Амаранта умрининг охиригача аза тутиб йиғлаш учун ётоғига беркиниб олди.

— Бир-биримизни умрбод унутайлик, — деди у, — биз аллақачон севги ёшидан ўтганмиз.

Уша кечаси полковник Херинельдо Маркес полковник Аурелиано Буэндиа томонидан телеграф аппаратига чақирилди. Суҳбат тугаганда, полковник Херинельдо Маркес хилват кўчага қараб, бодом баргларида осилиб турган сув томчиларини кўрди ва ёлғизликдан адои тамом бўлаётганини ҳис қилди.

— Аурелиано, — у маъно ҳолда телеграф калитини тақиллатди. — Макондо-да ёмғир ёғаяпти.

Телеграф линияси узоқ сукунатга чўкди. Сўнгра аппарат полковник Аурелиано Буэндиа юборган шиддатли нуқта ва тиреларини терабошлади.

— Аҳмоқликни йиғиштир, Херинельдо, — жавоб қайтаришди нуқтаю тирелар, — август ойи бўлганидан кейин ёғади-да.

Полковник Херинельдо Маркес анчадан бери кўрмаган дўстининг фавқуллода дағал жавобидан бир қадар саросимага тушди. Аммо орадан икки ой ўтиб, полковник Аурелиано Буэндиа Макондога қайтиб келганида, бу саросима кўрқув аралаш ҳайратга айланди. Уғлидаги ўзгаришни кўриб, ҳатто Урсула ҳам изтиробга тушганди. Уғли ҳаво иссиқлигига қарамай, ёмғирпўшга ўралган ҳолда, шовкин-суронсиз ва мулозимларсиз пайдо бўлди. Уни уч нафар маъшукаси кузатиб келди. Полковник уларни битта уйга жойлаштирди. У кўп вақтини гамагида ётган ҳолда ўтказарди. Полковник урушнинг бориши ҳақида телеграф йўллаётган дипломатик мактублар ва шошилинч ахборотларни ўқишга ҳам зўрға вақт топарди. Бир куни полковник Херинельдо Маркес унга чегара шаҳридаги қўшинларни эвакуация қилиш юзасидан буйруқ беришани сўраб мурожаат қилди; қўзғолончи қўшинларнинг у ерда қолиши халқаро можаро чиқариши мумкин эди.

— Арзимас нарсалар билан мени безовта қилма, — деб буюрди полковник Аурелиано Буэндиа. — Тангрининг ўзидан маслаҳат сўрайқол.

Бу, эҳтимол, урушнинг энг оғир пайти эди. Дастлаб инқилобни қўллаб-қувватлаган заминдор либераллар ерга эгалик ҳуқуқини қайта кўриб чиқишига халақит бериш мақсадида консерватор заминдорлар билан махфий битим тузишди. Урушда анча бойлик тўплаган сиёсатчи либералларнинг полковник Аурелиано Буэндиа қабул қилган шафқатсиз чора-тадбирларни оммавий равишда муҳокама этишлари ҳам уни лоқайдликдан халос этолмади. У беш жилддан иборат ва сандиқнинг бир четида қолиб кетган шеърларини ҳам ўқимай қўйганди. Кечкурун ёки тушки уйку маҳали хотинларидан бирини тўшагига чорлаб, ундан ҳақини олгач, тошдек қотиб ухларди. Уйқусини ҳеч қандай шовкин-сурон бузолмасди. У, телба юраги мангу ўмидсизлик азобига гирифторм бўлганини ёлғиз ўзи биларди. Дастлаб ватанига зафар билан қайтиш ва ҳатто ақл боқар қилмайдиган ғалабалардан сархуш бўлиб, манманликнинг бошни гангитадиган тубсиз жарлиги олдида бош эгди. У ҳарбий санъат борасидаги устози, йўлбарс терисидан тикилган либоси, катта ёшли одамларда завқ-шавқ, болаларда эса ҳайрат

уйғотувчи герцог Мальборо<sup>1</sup> сурати ёнида ўтиришни ёқтирарди. Ушанда полковник ўзига бирорта одамни, ҳатто Урсулани ҳам уч-газдан яқинроққа йўлатмасликка аҳд қилган эди. У ҳозир бўлган ҳар бир жойда адъютантлари ерга бўр билан доира шаклини чизишарди. Бошқаларнинг кириши қатъий ман этилган бу доиранинг марказида турган полковник Аурелиано Буэндиа мухтасар ва қатъий буйруқлар бериб, жаҳон тақдирини ҳал этарди. У генерал Монкадани отганидан кейин Манаурега бориб қолганида ўз қурбонининг сўнгги тилагини бажо келтириш учун шошилди; генералнинг беваси эрининг кўзойнагини, соат, узук, кичик санамини олди, аммо полковникка уй остонасига қадам босишга ҳам ижозат бермади.

— Кирманг, полковник, — деди у. — Сиз ўз урушингизда қўмондонлик қиласиз, ўз уйимда эса мен буйруқ бераман.

Полковник Аурелиано Буэндиа жаҳли чиққанини сездирмади, аммо унинг шахсий соқчилари беванинг уйини талон-торож қилишиб, уйини ёндириб юборишганидан кейин кўнгли жойига тушди. «Юрагингни эҳтиёт қил, Аурелиано, — дея огоҳлантирди уни ўшанда полковник Херинельдо Маркес. — Сен тириклайин чириаянсан». Ана шу вақтда полковник Аурелиано Буэндиа кўзғолончи кўшинлар командирларининг иккинчи кенгашини чақирганди. Бу ерга турли тоифадаги одамлар: идеалистлар, шухратпараастлар, таваккалчилар, жамиятдан сурилган одамлар ва ҳатто оддий жинойатчилар ҳам тўпланган эди. Шунингдек, улар орасида давлат мулкани совургани учун жазо олишдан чўчиб, инқилоб томонига ўтиб кетган бир чиновник-консерватор ҳам бор эди. Уларнинг аксарияти ҳатто нега жанг қилаётганини ҳам билмасди. Эътиқод борасидаги ички келишмовчиликлардан портлаш арафасида турган бу бебош оломон орасида маъюс ва ҳукми ўтадиган бир киши — генерал Теофило Варгас алоҳида ажралиб турарди. Одамларни телба мутаассибларга айлантиришга хизмат қилувчи доҳиёна фирибгарликни ўзида мужассамлаштирган бу қўпол, саводсиз генерал аслида ҳинду қавмидан эди. Полковник Аурелиано Буэндиа бу кенгашда кўзғолончиларни сиёсатдонларнинг ҳийла-найрангларига қарши кураш олиб бориш учун бирлаштиришни режалаштирганди. Аммо генерал Теофило Варгас унинг режасини барбод қилди: у бир неча соат ичида энг тажрибали қўмондонлар орасида ихтилоф уйғотишга улгурди ва ўзи бош қўмондонликни қўлга киритди. «Бу шайтондан узоқроқ юрган маъқул, — деди офицерларига полковник Аурелиано Буэндиа. — Бундай одам биз учун ҳарбий нозирдан ҳам хавфлидир». Шунда доимо журъатсиз ҳисобланган ёшгина бир капитан, иккилана-иккилана, шаҳодат бармоғини кўтарди:

— Бу жудаям жўн иш, полковник, — деди у. — Уни ўлдириш керак.

Полковник Аурелиано Буэндианинг шахсий фикридан бир неча сония илгарилаган бу таклифнинг бешафқатлиги эмас, балки уни изҳор қилиш шакли полковникни тараддулантириб қўйди:

— Мени бундай буйруқ беради деб кутманглар, — деди у.

Ҳақиқатан ҳам у буйруқ бермади. Лекин орадан ўн беш кун ўтгач, генерал Теофило Варгас пистирмага тушди ва бурда-бурда қилиб ташланди, полковник Аурелиано Буэндиа эса яна бош қўмондонликни қабул этди. Ҳукмдорлиги кўзғолончиларнинг барча бошлиқлари томонидан тан олинган ўша кечаси, у кўққисдан босган ваҳимдан чўчиб уйғонди ва бақириб, кўрпа келтиришларини буюрди. Суяк-суягига сингиб кетган ва ҳатто жазирамада ҳам азоб берадиган пинҳоний иситма, то полковник унга ўрганиб қолгунча, бир неча ой давомида уйқусига халақит берар эди. Мансабдан сармаст бўлиш ҳисси ўз-ўзидан жиддий норозилик ҳисси билан алмаша бошлади. Полковник иситмадан қутулиш чорасини қидириб, генерал Теофило Варгасни ўлдиришни маслаҳат берган ўша ёш офицерни отиб ташлашни буюрди. Унинг буйруқлари полковник уларни чиқармасдан ва ҳатто ўйламасдан ҳам ижро этилар ва бу буйруқлар доимо полковник назарда тутган чегарадан ҳам анча нарига ўтказилиб юбориларди. Чексиз ҳокимият туғдирган танҳолик биёбонида адашиб, таянчини йўқотаётганини сеза бошлади. У ишғол қилинган шаҳарлардаги оломоннинг шодиёна қийқириқларидан энди ғижинар, бу одамлар унинг ғанимларини ҳам ана шундай олқишлагандек туюларди. Қаерда бўлмасин, кўзлари унинг кўзларига ўхшаш, товушлари унинг овозига ўхшаш ўспиринлар ҳадиксираб қутлашар ва ўзларини унинг ўғиллари деб аташарди. Шунда ғалати бир туйғуни ҳис этдики, назарида гўёки жисмини кимдир беҳисоб марта кўпайтиргандек туюлар, лекин ёлғизлик туйғуси асло сусаймас, қайтага баттар азоб берарди. У ҳатто шахсий офицерлари ҳам алдашаётганига ишонч ҳосил қилди.

Бора-бора герцог Мальбородан ҳам кўнгли совуди. «Энг яхши дўстим, бу —

<sup>1</sup> Герцог Мальборо — (1650—1722) — инглиз қўмондони ва сиёсий арбоби.

халигина ўлган одам», — дея такрорлашни ёқтирарди у ўша кунлари. У доимий гумонсирашлардан, туганмас урушнинг хавфли сўқмоқлари бўйлаб юраверишдан ҳориган, қанча ҳаракат қилмасин, нуқул бир жойда айланавериб, тобора қартайар, тобора тинкаси қурир эди. У турадиган бўрли доира сарҳади атрофида доимо кимлардир бўларди. Бу қимсалар турлича эди: кимгадир пул етишмасди, бировнинг боласи кўкйўталга гирифтор бўлган, бошқа бири эса лаънати урушдан безганидан, нуқул нариги дунё ҳақида орзу қилар, қолганлари бўлса, бор кучларини тўплаганча худди буйруқ олгандай қад ростлаб туришар ва: «Ҳамма нарса жойида, ҳаммаси жойида, осойишталик, полковник», дея ахборот беришарди. Урушдаги энг мудҳиш нарса айна шу осойишталик эдики, у аҳвол турғунлигини англатарди. Танҳоликка маҳкум этилган, эндиликда олдиндан билиш ҳиссини йўқотган полковник Аурелиано Буэндиа, ўзини то қабргача кузатиб борадиган иситмадан халос бўлиш мақсадида сўнги бошпанаси — эски хотиралар гулхани тафтида исинишга уринарди. Полковник шу қадар лоқайд эдики, унга либераллар партиясининг вакиллари муҳим сиёсий муаммолар юзасидан маслаҳатлашгани келишганини хабар қилишганида, ҳатто кўзини ҳам очмади, нариги ёнига ағдарилиб қўйди, холос.

— Фоҳишаларга рўпара қилинг уларни, — деб тўнғиллади у.

Вакиллар — сюртук ва цилиндр кийиб олган олти нафар адвокат — жазирама офтобда қолиб кетишди. Ахийри, Урсула уларни ўз уйига жойлаштирди. Улар ётоқхонага беркиниб, куни билан маҳфий йиғилиш ўтказишар, кечаси эса соқчи ва аккордеончилар ансамблини беришни сўрашар ва Катарина ишратхонасини эгаллаб олишарди. «Уларга ҳалақит берманг, — деб буюрди полковник Аурелиано Буэндиа. — Мен уларга нима кераклигини яхши биламан». Орзиқиб кутилган музокаралар, декабрь ойида бошланиб, гарчанд кўпчилик уларни чексиз баҳсга айланиб кетади, деб ўйлаган бўлса-да, бир соатга етар-етмас тугади.

Полковник Аурелиано Буэндиа бу сафар эшиги олдида баайни кафандек оқ чойшабга ўралган, арвоҳни эслатувчи пианола турадиган диққинафас меҳмонхонага, адъютантлари чизган бўрли доирага кирмади. Узининг сиёсий ёрдамчилари ёнидаги стулга ўтирди ва ёмғирпўшига ўранган ҳолда, лом-мим демай, вакилларнинг қисқа таклифларини тинглай бошлади. Ундан қуйидагиларни илтимос қилишарди: биринчидан, либераллар-заминдорларнинг партияга мадад беришларини қайта тиклаш мақсадида уларнинг ерларга эгаллик ҳуқуқини тафтиш қилишдан воз кечиш; иккинчидан, диндорлар ўртасида таянч топиш учун черковга қарши кураш олиб боришдан бош тортиш; ва ниҳоят, оила муқаддаслигию мустақамлигини сақлаб қолиш учун қонуний ва қонунсиз туғилган болаларни тенг ҳуқуқли қилиб қўймаслик.

— Демак, — деб жилмайди Аурелиано Буэндиа, вакиллар ўз ваъзларини тугатишгач, — биз фақатгина ҳокимият учун жанг қилаётган эканмиз-да.

— Биз бу тузатишларни программамизга тактика нуқтаи назаридан киритдик, — дея эътироз билдирди вакиллардан бири. — Ҳозир энг муҳими — халқ ўртасида кўплаб хайрихоҳларга эга бўлиш. У ёғини кейин кўраверамиз.

Полковник Аурелиано Буэндианинг сиёсий маслаҳатчиларидан бири шоша-пиша сўхбатга аралашди:

— Бу мутлақо ақлга тўғри келмайди, — деди у. — Башарти, тузатишларингиз яхши экан, демак, консерваторларнинг ҳам идора усули яхши, деб тан олишга тўғри келади. Сиз таъкидлагандай, халқ орасида обрўйимизни қўшимча тузатишлар йўли билан оширсак, демак, консерваторлар идора усулининг халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланишини тан олган бўламиз. Хулоса қилиб айтганда, биз йигирма йил давомида миллат манфаатларига қарши курашган эканмиз-да, деб иқрор бўлишимиз керак.

У гапини давом эттирмоқчи бўлди, аммо полковник Аурелиано Буэндиа уни тўхтатди. «Вақтингизни беҳудага ўтказманг, доктор, — деди у. — Муҳими, биз ана шу кундан бошлаб фақат ҳокимият учун курашамиз». У вакиллар узатган қоғозларни олиб, имзо чекишга тайёрлана бошлади.

— Шундай экан, — хулоса ясади у, — эътирозимиз йўқ.

Бўлиб ўтган воқеадан эсанкираб қолган офицерлар бир-бирларига таажжубланиб қарашди.

— Мени кечиринг-у, полковник, — деди секин полковник Херинельдо Маркес, — аммо бу — хоинлик.

Полковник Аурелиано Буэндиа сиёҳга аллақачоноқ ботирган перосини ҳавода муаллақ тутиб турди: ва бу шаккок одамга ҳамла қилди:

— Қуролингизни менга топшинг, — деб буюрди у.

Полковник Херинельдо Маркес ўрнидан туриб, қуролини столга қўйди.

— Қазармага боринг, — деди унга полковник Аурелиано Буэндиа. — Сиз инқилоб трибуналининг-ихтиёрига топшириласиз.

Сўнгра у декларацияга имзо чекди ва уни вакилларга узата туриб:

— Сенъорлар, мана қоғозларингиз. Улардан унумли фойдаланингиз, — деди. Икки кундан сўнг, давлатга хиёнат қилишда айбланган полковник Херинельдо Маркес отувга ҳукм қилинди. Яна тўшагига ўралиб олиб хаёлга чўмган полковник Аурелиано Буэндиа дўстининг бир қошиқ қонини сураб келганларга эътибор ҳам бермасди.

Гарчанд ўғли ҳеч кимни киритмасликка буйруқ берган бўлса-да, Урсула қатл арафасида унинг ётоғига кирди. Қора кийинган, ниҳоятда басавлат кўринадиган Урсула уч дақиқалик учрашув давомида типпа-тик турди. «Биламан, сен Херинельдони отиб ташлайсан, — деди у хотиржамлик билан, — бунга халал бериш қўлимдан келмайди. Аммо сени бир нарсадан огоҳлантириб қўймоқчиман: ота-онамнинг хоки ҳаққи, Хосе Аркадио Буэндианинг хотираси ҳаққи, худо олдида онт ичаманки, агар унинг ўлигини кўрсам, қаерда бўлмайин, сени толиб, мана шу қўлларим билан ўлдираман!» У жавобни ҳам кутмади, хонадан чиқа туриб:

— Сен нақ чўчка думли бўлиб туғилган одамдай иш тутяпсан, — дея сўзини якунлади.

Полковник Херинельдо Маркес Амарантанинг хонасида ўтказган кечаларини ўйга фарқ бўлиб эслаётган бу узун тунда, полковник Аурелиано Буэндиа ёлғизликнинг қалин зирҳини ёриб чиқишга муваффақ бўлди. Отаси музни кўрсатишга олиб борган ўша узоқ кечадан кейин, тақдир унга ҳадея қилган бахтиёр онлар заргарлик устахонасида ўтган бўлиб, полковник у ерда олтин балиқчалар тайёрлар эди. У оддий ҳаётнинг афзалликларини кашф этмасидан илгари, салкам қирқ йилча кечикиб бўлса-да, ўттиз иккита урушнинг тугунини ечган, бир неча ўлимга чап берган, шўхрат балчиғига чўчкадек ағанаган эди.

Тонг маҳали, қатлга бир соат қолганида, у уйқусизликдан соб бўлай деган бир аҳволда, ғулу кишанлар сақланадиган хонага кирди. «Уйин тугади, дўстим, — деди у полковник Херинельдо Маркесга, — ароқхўрларимиз сени отишгунларича бу ердан кетайлик». Полковник Херинельдо Маркес унинг муомаласидан нафратланганини яширолмади.

— Йўқ, Аурелиано, — деб жавоб берди у. — Сенинг сотқинга айланиб қолганингни кўрганимдан, ўлганим маъқул.

— Сен буни кўрмайсан ҳам, — деди полковник Аурелиано Буэндиа. — Этигингни кийиб ол, кейин бемаъни урушни тугатишда менга ёрдамлашасан.

Шундай деркан, у урушни тугатиш бошлашдан кўра минг чандон оғирлигини билмасди. Унинг ҳукуматни кўзғолончилар манфаатини кўзлайдиган сулҳ тузишга мажбур этишига роса бир йил кетди ва ўз тарафдорларига бундай талабларни қабул этишлари шарт эканини тушунтириши учун яна бир йил керак бўлди. У ғалабани сотишни истамаган шахсий офицерларининг исёнини бостириш учун мислсиз ёвузликларга бориб етди ва уларнинг қаршилигини тамоман синдириб ташлаш учун ҳатто душман кўшинларини ҳам ишга солишдан ҳазар қилмади.

У ҳали ҳаётида ҳеч қачон бунчалик кескин кураш олиб бормаган эди. Сиёсатдонлар шароитга қараб бемалол тескари томонга буриб юборадиган мавҳум ғоя ва шиорлар учун эмас, балки ўз эрки учун кураш олиб бораётганига ишонч унга жўшқин шижоат бағишларди. Илгари ғалаба учун қандай курашган бўлса, мағлубият учун ҳам ана шундай зўр эътиқод ва сабот билан курашган полковник Херинельдо Маркес уни беҳуда жасурликда айбларди. «Ташвишланма, — деб куларди полковник Аурелиано Буэндиа. Улиш кўпчилик ўйлаганидек, унчалик осон эмас». Бу гал ҳам унинг ўзига нисбатан тўғри эди. У қафо соати олдиндан белгилаб қўйилганига ишонар ва бу ишонч уни урушнинг хавф-хатарларидан эсон-омон асрар, аммо охир-оқибатда унга мағлубиятга эришишга имкон берарди, бу эса ғалабага нисбатан аңча оғир бўлиб, жуда кўп қон ва қурбон талаб қиларди.

Урушда ўтказган йигирма йиллик умрида полковник Аурелиано Буэндиа уйига тез-тез бориб турар, аммо унинг доимо шошиб туриши, атрофини ўраган ҳарбий мулозимларнинг салобати, ҳатто Урсулани ҳам лоқайд қолдирмаган афсонавий шўхрати билан, у бора-бора қариндошларига ёт бўлиб қолди. Полковник Макондога сўнгги бор келиб, учала маъшуқаси билан алоҳида уйни ижарага олганда, ўз оиласига бор-йўғи икки ёки уч марта меҳмонликка бориб, шундагина улар билан кўришолди, холос. Гўзал Ремедиос ва уруш энг қизиган пайтда туғилган эгизаклар уни деярли танишмасди. Амаранта ёшлиги олтин балиқчалар тайёрлаш билан ўтган ақаси билан, манави ўзи билан бошқа ҳамма одамлар ўртасида уч газлик тафовут ўрнатган афсонавий сипоҳ иккови бир одам эканлигини хаёлига сингди-ролмади. Аммо вақтинча сулҳнинг яқинлиги ҳақидаги миш-мишлар кўпайгач, ҳаммалари полковник Аурелиано Буэндианинг, эҳтимолки тез орада уйга қайтиши ва оддий, қариндош-уруғларини тушунадиган одамга айланиб қолиши ҳақида ўйлашар, чунки унинг аңча вақт давомида узоқ уйқуда ётган қариндошлик туйғулари қайта уйғона бошлаганди.

— Хайрият-э, — дерди Урсула. — Уйимиз тагин эркак кишига ёлчийдиган бўлди.



Расмни Виктор БУДАЕВ чизган

Улар полковникни бир умрга йўқотишгани ҳақида илк бор Амарантада шубҳа пайдо бўлди. Вақтинча сулҳ тузилишига бир ҳафта қолганида, полковник уйга кириб келди; мулозимларсиз, шоҳона анжомидан қолган ягона ёдгорлик — шеърлари солинган сандиқча ҳамда хачирнинг эгар-жабдуғини икки нафар ялангоёқ мулозимига орқалатиб, хона эшиги ёнидан ўтаётганида, Амаранта акасини чақирди. Полковник Аурелиано Буэндиа қаршисида ким турганини эслай олмайганга ўхшаб кўринарди.

— Мен Амарантаман,— деди қиз чехраси ёришиб, унинг қайтганидан қувончга тўлган ҳолда, сўнг қора боғичли қўлини кўрсатди:— Қара.

Полковник Аурелиано Буэндиа бундан анча илгари — ўлимга ҳукм этилиб Макондо кўчалари бўйлаб ўтаётганида, қизнинг латта боғланган қўлини кўриб жилмайганидақа жилмайиб қўйди.

— Даҳшат,— деди полковник.— Вақт бунчалар тез ўтмаса!

Ҳукумат қўшинлари уй ёнига соқчилар қўйишга мажбур бўлишди. Каттароқ пулга сотилиш учун урушни атайлаб чўзишда айбланган полковник Аурелиано Буэндиа уйга ғоят таҳқирланган ҳолда қайтганди. Унинг аъзои-бадани безгак ва совуқдан титрар, қўлтиқлари остига яна чипқон тошиб кетган эди. Бундан олти ой илгари, вақтинча сулҳ тузилишидан воқиф бўлган Урсула ўғлининг ётоғини очиб, хонани тозалаб, ўғлим марҳума Ремедиоснинг эскириб қолган кўғирчоқлари орасида қариб-қартайгунича тинчгина яшагани келади, деб ўйлаб, ҳамма кунжакларга мирра<sup>1</sup> қатронини тутатган эди. Аслида эса ўғли сўнгги икки йилда

<sup>1</sup> Мирра — хушбўй қатрон олинадиган дарахт, хушбўй қатрон.

хаёт билан ҳисоб-китоб қилиб қўйган ва ҳатто кексалик даври унинг учун аллақачон ортда қолиб кетгандай эди. У онаси алоҳида меҳр билан йиғиштирган заргарлик устахонаси ёнидан ўтаётиб, ҳатто эшик қулфида кўриниб турган калитга ҳам эътибор бермади. Хонадонда юз берган кичик, аммо қалбни титратувчи, узоқ айрилиқ давомида ҳам ўзининг тирик хотираларини сақлаб қолган ҳар бир одамни қаттиқ мутаассир этадиган хароблик унинг шуурига бориб етмади. Юрагини ҳеч нарса: на деворларининг кўчиб тушган сувоқлари, на бурчакларни босган ўргимчак уялари, на ўз ҳолига ташлаб қўйилган бегониялар, на ёғочхўр чумолилар илма-тешик қилиб юборган тўсинлар, на эшиклар ёндорини пўпанак босиб кетгани ачиштирди. Унинг тош кўнгли айрилиқ туйғуси қўйган айни тузоқларнинг бирортасига ҳам илинмади. Полковник худди уйга ёмғирдан қочган одамдек бўлиб кирди, этигини ҳам ечмай, ёмғирпўшига ўралиб, галереяда ўтирганча, гулларни юваётган ёмғирни кечаси билан кузатиб чиқди. Шунда Урсулага унинг бу ерда узоқ яшамаслиги аён бўлди. «Балки, яна урушни кутаётгандир,— деб ўйлади у,— агар уруш бўлмаса, демак, бошқа бир ажалга учрайди». Бу фикр шунчалар аниқ ва ишонарли туюлдики, шу боис, Урсула уни башоратдай қабул қилди.

Кечки овқат пайтида Аурелиано Иккинчи ўнг қўлига нон, чап қўлига қошиқ олди. Унинг эгизак укаси Хосе Аркадио Иккинчи нонни чап қўлига, қошиқни эса ўнг қўлига олди. Икковининг ҳаракатлари шу қадар мос эдики, улар юзма-юз ўтирган эгизаклар эмас, гўё бир одамнинг ҳақиқий туси ва яна кўзгудаги кўринган аксидай таассурот қолдирарди. Аммо полковник бу ҳолатни пайқамади. У атрофдагиларга шунчалар ёт эдики, ҳатто ошхона эшиги ёнидан қип-яланғоч ҳолда ўтган Гўзал Ремедиосга ҳам эътибор бермади. Фақат биргина Урсула унинг хаёлини бузишга журъат қилди:

— Агар сен яна кетишга тарадди кўраётган бўлсанг,— деди,— ақалли шу кечада қай кўринишда эканимизни эслаб қолишга урин.

Полковник Аурелиано Буэндиа қалбининг қанчалар қашшоқлашиб қолганини биргина Урсула пайқаганини тушунди; у ажабланмади, лекин узоқ йиллар давомида илк бор Урсулага тик қарашга журъат этди. Онасининг юзини сон-саноксиз ажинлар қоплаган, тишлари сарғайган, сочлари хашақдай қуруқ ва туссиз бўлиб, қарашада ҳайрат сезиларди. Аурелиано Буэндиа унинг айни сиймосини ўзи эса сақлаб қолгани — болалигида қайноқ шўрва солинган хурмача полга тушиб кетажagini олдиндан айтган ва хурмача ҳақиқатан ҳам қулаб чил-парчин бўлган кундаги сиймоси билан таққослай бошлади. У ноғохон онасининг юзида ярим асрлик умр босган муҳрни — тимдаланган излар, қадоқлар, жароҳат ва чандиқларни кўрди, бироқ бу қайғули аломатлар кўнглида ачиниш ҳиссини уйғотмади. Илгарилари унда уятга ўхшаш бир туйғу бор эди ва аҳён-аҳёнда беихтиёр онаси томон талпинарди. Аммо уруш бор меҳрини қуритиб қўйди. Ҳатто мархума хотини Ремедиос ҳам ҳозир унга худди қизи тенги ёт бир сиймода гавдаланарди. Мухаббат саҳросида учраган ва унинг наслини бутун қирғоқ бўйлаб сочиб юборган сон-саноксиз аёлларнинг бирортаси ҳам полковник қалбида из қолдирмаган эди. Одатда унинг олдига аёллар тунда келишиб, тонгга яқин чиқиб кетишар, эртасига эса у шунчаки қондирилган ҳирсдан ўзга нарсани эслолмасди ҳам. Полковник акаси Хосе Аркадиога бўлган меҳринигина бус-бутун сақлаб қолди, чунки бу туйғу севги эмас, балки харифахоналик ҳисса туфайли чўзилган эди.

— Авф этинг,— узр сўради у Урсуланинг талабидан сўнг.— Бу уруш бутунлай ҳолдан тойдирди.

Эртасига у барча буюмларини йўқотишга киришди. Заргарлик устахонасида фақат ўзига тегишли бўлмаган нарсаларга тегмади, кийимларини мулозимларига улашди, қуролни эса, худди Пруденсио Агилярни ўлдирган отамерос найзасини кўмиб ташлаганидек, қилмишидан ўкинганича, ҳовлига кўмди. Ўзига биттагина ўқи бор револьверни олиб қолди. Урсула ҳеч нарсага аралашмади. У фақат бир марта, ўғли Ремедиоснинг меҳмонхонага осилган ва ёнидаги чироғи мудом ўчмайдиган суратини олиб ташламоқчи бўлганида қаршилик кўрсатди. «Бу сурат сеники эмас,— деди Урсула.— У оиламизнинг энг муқаддас мероси». Вақтинча сулҳ арафасида, уйда полковник Аурелиано Буэндиани эслатувчи бирортаям нарса қолмаган пайти, у Санта София де ла Пьедад печка ёқишга ҳозирлик кўраётган нонвойхонага шеърлари солинган сандиқни кўтариб келди.

— Манавини тутантириқ қилақол,— деди унга сарғайиб кетган қоғозлар ўрамини узатиб.— Бундай эски-туски нарсалар жудаям яхши ёнади.

Камсўз, кўнгличан, ҳатто ўз ўғилчаларининг ҳам сўзини қайтармайдиган Санта София де ла Пьедаднинг назарида, полковник унга шаккоклик қилишни таклиф этаётгандай туюлди.

— Бу муҳим қоғозлар-ку,— деди аёл.

— Йўқ,— дея эътироз билдирди полковник.— Бунақа нарсаларни одам фақат ўзи учун ёзади.

— Ундай бўлса, уларни ўзингиз ёқиб ташлайқолинг, полковник,— деди аёл.



Полковник, на фақат қоғозларни ёқди, балки сандиқни болта билан чопиб, пайраҳаларигача оловга ташлади. Бу воқеадан бир неча соат аввал уни Пилар Тернера йўқлаб келганди. Полковник Аурелиано Буэндиа Пилар Тернеранинг бунчалар қариб қолганидан, семириб кетгани ва кулгиси ҳам аввалги жарангини йўқотганидан ажабланди, айна чоғда, унинг фолблинк маҳорати нечоғлик ошганидан ҳайратга тушди. «Оғзингни эҳтиёт қил»,— деб маслаҳат берди Пилар Тернера. Полковник ўйга толди: «Ахир ўтган йили — шон-шавкатим айна гуллаган бир пайтда Пилар Тернера айтган худди шу сўзлар уни ҳайратомуз башорати бўлиб чиқмаганмиди, ахир?» Пилар Тернера билан учрашувдан сўнг полковник шахсий врачини чақиртирди, синчковлигини билдириб қўймасликка уриниб, ундан, юрагим қайда жойлашганини кўрсатиб бер, деб сўради. Врач унинг юрак уришини тинглади-да, йодли пахта билан кўкрагига доира шаклини чизиб қўйди..

Вақтинча сулҳга имзо чекилган ўша сешанба совуқ ва серёмғир бўлди. Полковник Аурелиано Буэндиа бу сафар ошхонага ҳар галгидек соат бешда эмас, сал барвақтроқ келди ва одатдагидек бир финжон шакарсиз қаҳва ичди. «Сен худди мана шундай кунда дунёга келгандинг»,— деди унга Урсула.— Очiq кўзларинг ҳаммамизни кўрқитиб юборганди». У онасининг гапларига эътибор бермади, чунки саф-саф тизилган солдатларнинг эрта тонг сукунатини бузаётган қадам товушлари, трибунал сигнали ва узук-юлуқ берилаётган буйруқларга қулоқ солаётган эди. Умри жангу жадалларда кечган полковник Аурелиано Буэндиа аллақачон бу овозларга кўникиб кетганига қарамай, ҳозир худди ўспиринлигида яланғоч аёлни илк бор кўргандагидек тиззалари қалтираб, эти увушганини сезди. Агар ўша аёлга уйланганида на урушни, на шуҳратни билмай, номи чиқмаган хунарманд — бахтиёр ҳайвон бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида ўйлай бошлади. Соат олтида полковник Херинельдо Маркес бир гуруҳ кўзғолончи офицерлар билан кириб келганида, у одатдагига нисбатан янада мунғайган, хаёлчан ва ғариб кўринарди. Урсула полковникнинг елкасига янги ёмғирпўш ёпмоқчи бўлди. «Ҳукумат одамлари нима деб ўйлашлари мумкин,— дея аврай бошлади у.— Ҳатто ёмғирпўшга ҳам пули қолмаганидан таслим бўлаётир, деган хаёлга боришади-ку!» Аркадио Буэндиа ёмғирпўшни киймади, лекин эшикдан чиқаётганида, осмондан шариллаб қўйилаётган ёмғирни кўриб, эски фетр шляпасини олишга рози бўлди. — Аурелиано,— деб илтимоc қилди Урсула,— агар у ерда қийналиб қолсанг, албатта мени эслагин.

Полковник бунга жавобан паришон табассум қилди, бармоқлари ёзилган қўлини тепага кўтариб сўз берган бўлди ва лом-мим демай, остона ҳатладю ордин бутун шаҳар бўйлаб эргашган дағдаға, таъна ва лаънатлар томон юрди. Урсула энди умрининг охиригача эшикни очмасликка қарор қилиб, лўкидонни суриб қўйди. «Биз бу эшиклари берк аёллар монастирида чириб кетамиз,— ўйлади у.— Хокка айланамиз, аммо бу разил одамларга ҳеч қачон кўз ёшимизни кўрсатмаймиз». У ўғлининг хотирасига дахлдор бирор нарса топишга уриниб кўрди, аммо уйнинг энг хилват бурчакларидан ҳам ҳеч вақо топа олмади.

Маросим Макондодан йигирма чақирим нарида, улкан сейба дарахти остида бўлиб ўтди; кейинроқ унинг атрофида Неерланд шаҳрига асос солинди. Ҳукумат ва партия аъзолари ҳамда кўзғолончиларнинг қуроллари йиғиштириш учун вакил қилиб юборилган делегацияга, ёмғир тўзитиб юборган каптарлар тўдасини эслатадиган оқ кийинган бир гала роҳиба қизлар хизмат қиларди. Полковник Аурелиано Буэндиа туллаган, исқирт бир хачирни миниб келди. Унинг соч-соқоллари ўсиб кетган эди. Полковник ширин хаёллари пучга чиққанидан эмас, балки чипқон оғриғидан азоб чекар, чунки энди мутлақо умидсиз бўлиб қолган, барча шуҳрату шуҳратпарастликни аллақачон унутган эди. Унинг истагига биноан, на музыка, на фанфаралар янгради, на тантанали қўнғироқлар жаранглади, на «Ура! ҳайқириқлари эшитилди. Аурелиано Буэндиани атиги бир марта расмга олган дайди сураткашни, ҳатто авлодларга қолиши мумкин бўлган суратга ишлов беришга ҳам қўймай, негативни йўқ қилишга мажбур этишди.

Вақтинчалик сулҳ тузиш маросими ҳужжатларга имзо чеккулик вақтни олди, холос. Делегатлар тўзиган цирк чодирининг қоқ марказига ўрнатилган оддий стол атрофида ўтиришар, атрофда эса полковник Аурелиано Буэндиага энг сўнгги дамгача содиқ қолган офицерлар тик туришарди. Республика президентининг шахсий вакили имзоларни тўплашдан олдин капитуляция ҳақидаги актни ўқиб эшиттирмоқчи бўлганида, полковник бунга қарши чиқди. «Вақтни расмийлик учун сарфламайлик»,— деди у ҳужжатни ўқимай имзо чекишга шайланиб. Шунда офицерлардан бири чодирнинг мудроқ сукунатини бузди:

— Полковник,— деди у,— бизга илтифот қилиб, биринчи бўлиб қўл қўймасангиз...

Полковник Аурелиано Буэндиа кўнди. Ҳатто перонинг қоғозда қитирлашидан қанақа ҳарф ёзилаётганини англаб олиш мумкин бўлган теран сукунат ичра

хужжат стол атрофини айланиб чиққан бўлса-да, ундаги биринчи сатр ҳамон буш эди. Ниҳоят, полковник Аурелиано Буэндиа уни тўлдиришга ҳозирланди.

— Полковник, — деди шунда офицерларидан бошқа бири, — ўзингизни шармандалиқдан сақлаб қолишингизга ҳали имконият бор.

Полковник Аурелиано Буэндиа пинак бузмай, актининг биринчи нусхасига имзо чекди. Сўнги нусхага қўл қўяётганида, иккита сандик ортилган хахирнинг нўхтасидан тутган кўзғолончи қўшинлар офицери чодир ёнида пайдо бўлди. Ута ёшлигига қарамай, бу офицер жиддий ва вазмин одамга ўхшаб кетарди. У кўзғолончиларнинг Макондо округи хазинабони эди. Хазинабон бу ерга вақтида етиб желиш учун, очдан ўлаёзган хахирни етаклаб, олти кунлик машаққатли йўлни босиб ўтганди. У хахир устидаги сандикларни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тушириб, уларнинг қопқоғини очди-да, столга бирин-кетин етмиш икки дона тилла ғишт чиқариб қўйди. Бу — бор-йўқлигини ҳаммалари унутиб юборган катта бойлик эди. Охириги йили марказий қўмондонлик барбод бўлган, инқилоб эса бошлиқларнинг қонли рақобатига айланган бўлиб, бу умумий тартибсизликда ҳеч ким ҳеч нарса учун жавоб бермасди. Кўзғолончиларнинг ғишт шаклида қўюлиб, сўнг усти лой билан сувалган олтинлари назоратсиз қолиб кетганди. Полковник Аурелиано Буэндиа етмиш икки олтин ғиштнинг барини капитуляция актига зўрлаб киритди ва ҳеч қандай муҳокамага йўл қўймасдан имзо чекди. Тинка-мадори қуриган хазинабон йигит ҳанузгача тик турар ва унинг тиниқ, шакар қиёмига ўхшаш сарғиш кўзлари полковникка қадалган эди.

— Яна нима? — деб сўради полковник Аурелиано Буэндиа.

Ёш офицер тишини тишига босиб:

— Тилхат, — деди.

Полковник Аурелиано Буэндиа унга тилхат ёзиб берди. Кейин бир стакан лимонад ичди ва роҳибалар таклиф қилган бир бўлак бисквитни еди, сўнг ўзига ажратилган чодирга кириб кетди. Бу ерда у кўйлагини ечди, каравотнинг бир четига ўтирди ва кундузи соат учдан ўн беш дақиқа ўтганида, шахсий врач кўкрагига йод билан чизган доирага тўппончасидан ўқ узди. Худди ана шу дақиқада Урсула плита устида анчадан бери турса-да, негадир қайнамаётган сутли хумчанинг қопқоғини очди ва унда бир талай қурт бижийётганини кўрди.

— Аурелианони ўлдиришди! — деб хитоб қилди у.

Сўнг ҳовлига назар ташлаб, ўлган кунидан бери яна кексайиб қолган, ғамгин, ёмғирда шалоббоси чиққан Хосе Аркадио Буэндиани кўрди. «Уни номардлик билан ўлдиришди, — деди Урсула. — Бечоранинг қовоғини бостирадиган одам топилмади».

Урсула тунда, гўёки қулаётган юлдузлардек осмонни шиддат билан кесиб ўтаётган ярқирок тўқ сариқ халқаларни кўрди ва уларни ўлим аломати деб ўйлади. Қондан қотиб қолган ёмғирпўшга ўралган Аурелиано Буэндиани олиб келишганида, она каштан тагида, эрининг тиззаларини қучиб, ҳанузгача бўзларди. Полковникнинг кўзларида ғазаб алангаланарди.

Полковник хавфдан холи эди. Уқ тешиб ўтган яраси шу қадар текис ва тоза эдики, врач йод суркалган чийратма ипни кўкрагидан суқиб, орқасидан чиқариб олди. «Мен учун энг нодир яра, — деди табиб мамнуният билан. — Уқ бирорта аъзога шикаст етказмай ўта оладиган бирдан-бир жой асли шу». Полковникни роҳибалар ўраб олишган эди. Унга ачиниш билан боқаётган қизлар ғоят ғамгин псалмалар<sup>1</sup> айтишарди. Полковник шундагина Пилар Тернеранинг фолини мазахлаш ниятида тўппончани нақ юзига қўйиб отмаганидан пушаймон бўлди.

— Агар мен яна ҳокимиятга эга бўлганимда, — деди у врачга, — сизни судсиз ва терговсиз отиб ташлардим. Менинг ҳаётимни сақлаб қолганингиз учун эмас, балки мени калака қилганингиз учун.

Амалга ошмай қолган ўлим Аурелиано Буэндианинг обрўсини бир неча соат давомида қайтадан тиклади. Полковник урушни деворлари олтин ғиштли хонага алмаштиргани ҳақидаги латифани ўйлаб топган одамлар ҳам, унинг ўз жонига қасд қилишга уринганини ғоят олийжаноб иш деб баҳолашди ва полковник Аурелиано Буэндиани жафокаш деб эълон қилишди. Кейинроқ, у республика президенти томонидан тақдим этилган «Ҳурмат ордени»ни олишдан бош тортганида, унинг ҳузурига либералларга мансуб энг ашаддий душманлари келишиб, сулҳ шартларини бузиб, янги уруш бошлаб юборишни илтимос қилишди. Уй одамлар аввалги гуноҳларини ювиш умидида юборган совға-саломлар билан тўлиб-тошди. Собиқ қуролдош дўстларининг, бирмунча кечикиб бўлса-да, қўллаб-қувватлаётганидан ийиб кетган полковник Аурелиано Буэндиа, уларнинг илтимосларини қондириш имкониятини инкор этмасди. У бир замон янги уруш ғоясидан шунчалар руҳланиб кетдики, ҳатто Херинельдо Маркес ҳам, полковник

<sup>1</sup> Псалма — диний қўшиқ, оят.

уруш бошлаш учун баҳона кутяпти шекилли, деган хаёлга борди. Республика президенти уруш қатнашчилари бўлмиш либераллар ва консерваторларга, то уларнинг ҳар бирининг ишини махсус комиссия кўриб чиқиб, конгресс маблағ ажратиш ҳақидаги қонунни тасдиқламагунча ҳарбий нафақа белгилашга кўнмаганида, ўша баҳона чиндан ҳам топилди. Полковник Аурелиано Буэндиа ғазаб соча бошлади: «Бу — зўравонлик! Нафақа олгунича, улар қариб ўлиб кетишади». Соғайиш вақтида Урсула олиб берган тебранма каравотни илк бор тарк этди ва ётоқхонанинг у ёғидан бу ёғига бориб келиб, республика президентига юбориш учун мардонавор номани айтиб ёздирди. Ҳеч қаерда эълон қилинмаган ушбу телеграммада президентни Неерланд сулҳи шартларини бузишда айблади ва, агар нафақага маблағ ажратиш ҳақидаги масала яқин икки ҳафта ичида ҳал этилмаса, ҳаёт-мамот уруши эълон қилажagini билдириб дўқ урди. Унинг талаблари шу қадар ҳаққоний эдики, консерваторлар партиясига мансуб уруш иштирокчилари ҳам қўллаб-қувватлашларига умид боғласа бўларди. Аммо ҳукумат жавоб бериш ўрнига, полковникни қўриқловчи ҳарбий соқчиларни кўпайтирди ва унинг ёнига киришни ман қилди. Ҳар эҳтимолга кўра, кўзғолончиларнинг ҳукумат учун хавфли ҳисобланган бошқа командирларига нисбатан ҳам ана шундай тадбирлар қўлланилди. Бу тадбирлар ўз вақтида, кескин ва муваффақиятли олиб борилдики, вақтинчалик сулҳ тузилганидан икки ой ўтгач полковник Аурелиано Буэндиа батамом оёққа турганида, унинг барча содиқ ёрдамчилари ўлдирилган ёки сургун қилинган бўлиб, бошқалари эса ҳукуматга сотилиб кетган эди.

Полковник Аурелиано Буэндиа ётоқхонасидан декабрь ойида чиқдию янги уруш ҳақида ҳатто ўйлаш ҳам мумкин эмаслигига амин бўлди. Кекса Урсула ёшларга хос ғайрат билан уйни яна бир бор янгилади. «Энди менинг кимлигимни билиб қўйишин, — деди у ўғли тирик қолажagini хабар қилишган куни. — Меҳмоннавозликда бу телба хонадондан ўтадиган бирорта ҳам уй бўлмайди» У хоналар полини ювиш ва бўйаш, мебелни алмаштириш учун кўрсатма берди, боғни тартибга келтирди, янги гул кўчатлари ўтқазди ва кўзни қамаштирувчи ёз ёғдуси ҳатто ётоқхоналарга ҳам таралсин деб, барча эшик ва деразаларни ланг очиб қўйди. Сўнгра узоқ давом этган азадорлик мuddати тугаганини ҳаммага маълум қилди ва эгнидаги эски қора кўйлагини ечиб, ёшларга ўхшаб яسانيб олди. Уйда яна пианоланинг шўх садолари янграй бошлади. Уларни эшитган Амаранта, Пьетро Креспини, галереядаги тунги суҳбатларини, лаванда ҳидини эслади ва унинг сўлгин юраги тубида яна адоват уйғонди, бу ғоят тиниқ, вақт ўтиши билан янада ёқимлироқ тус олган бир адоват эди. Бир куни кечқурун меҳмонхонани йиғиштираётган Урсула уйларини қўриқлаётган солдатлардан кўмаклашишни сўради. Уларнинг командири — ёшгина офицер рухсат берди. Урсула солдатларга ҳар куни янги-янги юмушлар топширарди. Уларни овқатга чорлар, кийим-кечак ва пойабзал ҳада қилар, ўқини ва ёзишни ўргатарди. Кейинроқ, ҳукумат соқчиликни бекор этгач, солдатлардан бири хонадонда яшаб қолиб, Урсулага анча йиллар хизмат қилди. Гўзал Ремедиоснинг илтифотсизлигидан жинни бўлиб қолай деган ёш офицернинг ўлигини эса Янги йилнинг биринчи тонгида қизнинг деразаси остидан топишди.

\* \* \*

Орадан кўп йиллар ўтади ва ўлим тўшагида ётган Аурелиано Буэндиа Иккинчи ўзи тўнғич фарзандини кўриш учун ётоқхонага кирган ўша ёмғирли июнь кунини эслайди. Гарчанд ўғли мажмағил, йиғлоқи бўлиб туғилса-да, Буэндиалар авлодига заррача ўхшамаса-да, отаси чақалоққа қанақа исм бериш тўғрисида узоқ ўйлаб ўтирмади.

— Биз уни Хосе Аркадио деб атаймиз, — деди у.

Аурелиано Иккинчи бундан бир йил олдин уйланган Фернанда дель Карпио исмли гўзал аёл эрининг фикрига қўшилди. Урсула эса, аксинча, изтиробли ташвишини яширолмасди. Унинг назарида, бу оиланинг узоқ тарихи давомида бир хил исмларнинг сурункали такрорланишида ёмон бир синоат бордай эди. Аурелианолар одамови ва зеҳни ўткир бўлиб етишар, барча Хосе Аркадиолар жўшқин феъл-атвори, уддабурролиги билан ажралиб туришар ва уларнинг қисматида албатта недир фожиа юз берарди. Фақат Хосе Аркадио Иккинчи билан Аурелиано Иккинчи бундан холи эди. Болаликда улар бир-бирига жуда ҳам ўхшаб кетар ва иккиси ҳам шу қадар тектурмас эдики, ҳатто Санта София де ла Пьедад ҳам уларни ажратолмасди. Чўқинтириш куни Амаранта уларнинг қўлларига исмлари битилган билагузук тақди ва икковига исму шарифларининг бош ҳарфлари тикиб ёзилган икки хил рангдаги костюм кийдирди, аммо эгизаклар мактабга борганда кийим-бошлари, билагузуқлари ва ҳатто исмларини ҳам алмаштирадиган қилиқ чиқаришди. Хосе Аркадио Иккинчини кўк кўйлагидан ажратишга одатланиб қолган муаллим Мельчор Эскалона унинг қўлидаги

«Аурелиано Иккинчи» ёзуви бор билагузукни кўриб, жиғибийрони чиқиб кетди. Оқ кўйлак кийган бошқа бола эса, билагузугига «Хосе Аркадио Иккинчи» деб ёзилганига қарамай, «Мен Аурелиано Иккинчи бўламан» деб таъкидларди. Шундан бери одамлар эгизаклардан бировининг номини атаб чақирришга ботинолмас, хато қилиб кўйишдан чўчишарди... Урсула ҳатто эгизаклар улғайишиб, ҳаёт уларни турлича қилиб кўйганида ҳам, улар бир-бирларининг кийим-кечакларини кийиб ўйнашган пайтида ақлдан адашиб, охир оқибатда бир умрга алмашилиб қоладимикан, деган гумонга борарди. Балоғат ёшига қадар эгизаклар худди икки синхрон механизмга ўхшарди. Улар бир вақтнинг ўзида уйғонишар, бир вақтнинг ўзида ювинишар, бир хил касаллик билан оғришар ва ҳатто бир хил тушлар кўришарди. То Санта София де ла Пьедад улардан бирига бир стакан лимонад бермагунича ва у лимонадни ҳўплаётган пайтда иккинчиси «лимонад ширин эмас» деб айтмагунича, уйдагилар ҳақиқатни билишмас, эгизаклар уларни лақиллатиш мақсадида ўзаро хатти-ҳаракатларини олдиндан келишиб олишяпти, деб ўйлашарди. Ростдан ҳам стаканга шакар солишни эсидан чиқарган Санта София де ла Пьедад бу ҳақда Урсулага маълум қилди. «Уларнинг ҳаммасиям шунақа ўзи, — деди Урсула заррача ҳам ажабланмай. — Савдойи бўлиб туғилишадди». Вақт ўтиши билан чигаллик янада ортди. Кийимни алмаштириш найрангидан сўнг Аурелиано Иккинчи исмида қолган эгизаклардан бири худди бобоси Хосе Аркадио Буэндиага ўхшаган норғул йигитга айланди, Хосе Аркадио Иккинчи исмлиси эса полковник Аурелиано Буэндиага ўхшаб озгин бўлиб ўсди. Эгизакларда сақланиб қолган бирдан-бир умумий нарса — бутун оилага хос бўлган ёлғизлик сиёғи эди. Балки уларнинг бўйлари, исмлари ва феълу атворларидаги кейинчалик сезилган мутаносиблик туфайли ҳам, Урсула, эгизаклар болалигида алмашиб қолишган, деган фикрга боргандир.

Асосий тафовут уруш қизиган бир пайтда Хосе Аркадио Иккинчи полковник Херинельдо Маркесдан одамларни отишларини кўришга рухсат сўраганида аён бўлди. Гарчанд Урсула эътироз билдирса-да, унинг талаби қондирилди. Аурелиано Иккинчи, аксинча, қатлни кузатиш мумкинлиги ҳақидаги фикрни эшитиб, сесканиб кетди. У кўпроқ ўтиришни маъқул кўрарди. Ун иккига тўлганида Урсуладан эшиги доимо берк турадиган хонада нималар борлигини сўради. «Қоғозлар, — жавоб берди Урсула, — Мелькиадеснинг китобларини у умрининг охирида битган ажойиб-ғаройиб ёзувлар». Бу изоҳ Аурелиано Иккинчини баттар қизиқтириб кўйди. Хонадаги нарсаларга тегмайман, дея ялиниб-ёлворгач, Урсула унга калитларни топширди. Хонага Мелькиадеснинг жасади чиққанию эшикка кулф урилганидан бери ҳеч ким кирмаган эди. Аурелиано Иккинчи деразани очиши билан, хона чароғон бўлди. Ҳеч қаерда, чанг ёки ўргимчак ини кўринмас; анжомлар Мелькиадес дафн этилган кундагидан ҳам тоза ва саранжом-сариништа эди; сиёҳдон ҳам сиёҳга тўла, зангламаган маъдан буюмларнинг сирти нуқрадай ялтирар, Хосе Аркадио Буэндиа симоб куйдирадиган ўчоқда ҳамон олов ёниб турарди. Токчаларда кўҳналиқдан андак бужмайиб қолган сарғиш-малла муқовали китоблар турар, худди ўша ерда қадимий қўлёзмалар ҳам бус-бутун ётарди. Неча йиллар давомида ёпиқ турганига қарамай, хонанинг ҳавоси уйдаги бошқа хоналардагига нисбатан анча тоза тўюларди. Орадан бир неча ҳафта ўтгач ҳам хонадаги тартиб мутлақо бузилмади. Полни ювиш учун бир пақир сув, чўтка кўтариб келган Урсула бу ерда унинг учун ҳеч қанақа юмуш йўқлигини кўрди. Аурелиано Иккинчи мук тушиб, аллақандай китобни ўқирди. Бола китобнинг номини билмас (унинг муқоваси йўқ эди), аммо бу нарса китобда нақл этилган воқеалардан завқланишга монелик қилолмасди. Китобда столга ўтириб олиб нуқул гуруч ейдиган, ҳар донга гуручни иккита тилла тўғнағичга санчиб оладиган аёл ҳақида; қўшнисидан тўр сўраб олган ва эвазига унга битта балиқ ҳадея этган балиқчи ва ўша балиқ қорнидан чиққан каттағича гавҳартош тўғрисида; ҳар қандай тилакни бажо келтирувчи чироқ ҳамда учаргилам ҳақида сўз борарди. Бола нақллардан ҳаяжонга тушиб, Урсуладан уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини сўради. Тўғри, дея жавоб берди Урсула, чунки бундан бир неча йил илгари лўлилар Макондога ўзлари билан сеҳрли чироқлару учар бўйралар олиб келишганди.

— Гап шундаки, — деб хўрсинди Урсула, — охирзамон бўлаяпти, шу боис энди бунақанги воқеалар юз бермайди.

Кўпгина ҳикояларининг охири йўқ, анча саҳифалари етишмайдиган китобни ўқиб бўлган Аурелиано Иккинчи, Мелькиадес қўлёзмаларининг сирини ечишни ўзига мақсад қилиб олди. Бу амалга ошириб бўлмайдиган юмуш эди. Ҳарфлар қуриштириш учун сим дорга осиб қўйилган кирларни эслатар, оддий ёзувдан кўра, кўпроқ мусиқий нота белгиларига ҳам ўхшарди. Бир куни жазирама чошгоҳда қўлёзмаларни ҳафсала билан тадқиқ қилаётган Аурелиано Иккинчи хонада аллаким борлигини пайқаб қолди. Деразанинг ярақлаган роми ёнида қўлларини тиззасига қўйган Мелькиадес ўтирарди. У ёши қирқдан ошмаган одамдек кўринарди. Эски нимчасини ва соябонлари қарғанинг қанотиғи эслатувчи

шляпасини кийиб олган, рангпар чаккасидан худди жазирама иссиқда эриётган мойга ўхшаб тер қуйиларди. Лўлининг қиёфаси Аурелиано билан Хосе Аркадио болаликларида кўрган пайтдагидек эди. Аурелиано Иккинчи Мелькиадесни дарҳол таниди, чунки лўли ҳақидаги эсдалик гўё бир мерос каби авлоддан авлодга ўтиб келарди.

— Салом, — деди Аурелиано Иккинчи.

— Салом, йигитча, — деди Мелькиадес.

Ана шундан буён улар бир неча йилгача деярли ҳар куни учрашиб туришди. Мелькиадес унга дунё ҳақида ҳикоя қилиб берар, болага ўзининг андак эскирган донолигини юқтиришга уринарди. Аммо ўз қўлёмаларини шарҳлаб беришни истамасди. «То қўлёмаларнинг сақланаётганига юз йил тўлмагунча ҳеч ким унда нима ёзилганини билмаслига керак», дея тушунтирарди у. Аурелиано Иккинчи айна учрашувларни бир умрга махфий сақлади. Урсула бир куни хонага нақ Мелькиадес борлигида кириб келди. Қўрқиб кетган Аурелиано Иккинчи ҳозир ҳаммаси барбод бўлади, деб ўйлади. Аммо Урсула лўлини кўрмади.

— Ким билан гаплашяпсан? — сўради у.

— Ҳеч ким билан, — жавоб берди Аурелиано Иккинчи.

— Катта буванг ҳам шундай эди, — деди Урсула, — у ҳам доимо ўзи билан ўзи гаплашарди.

Худди шу пайтда Хосе Аркадио Иккинчининг одамларни отишаётганликларини кўриш орзуси амалга ошди. У олтига милтиқ оғзидан бараварига гумбурлаб чиққан кўкимтир ўтни, тоғлар аро янраган акс-садони, жазога ҳукм этилганнинг қайғули табассумио саросима ичра боқшини ва кўйлаги қонга беланса-да, тик турганини, гарчанд уни устундан ечиб, оҳақ тўлдирилган каттакон қутига жойлаштиришса-да, ҳамон кулаётганини умрининг охиригача эслаб қолди. «У тирик, — ўйлади ўшанда Хосе Аркадио Иккинчи, — улар уни тириклайин кўмишди». Бу ҳол болага шу қадар қаттиқ таъсир қилдики, кейинчалик қатл учун эмас, отилганларни тириклайин кўмишдек мудҳиш одат учун барча ҳарбийларга ва урушга нафрат билан қарайдиган бўлди. Хосе Аркадио Иккинчининг бутхонада кўнғироқ чалаётганини ва Вайсақининг вориси бўлмиш падре Антонио Исабелга ибодат чоғида ва қавм уйи ҳовлисидаги урушқоқ хўрозларни боқишда ёрдам бераётганини ҳеч ким пайқамасди. Бироқ, бу воқеа ошқор бўлгач, полковник Херинельдо Маркес ҳар бир виждонли либералга номуносиб иш билан машғуллиги учун Хосе Аркадио Иккинчини қаттиқ койиди. «Биласизми, — деди бунга жавобан Хосе Аркадио Иккинчи, — назаримда, мендан консерватор чиқади». У пешонасига айна қисмат ёзилганига ишонар эди. Полковник Херинельдо Маркес норозилигига Урсулага ҳам билдирди.

— Яхши-да, — деди Урсула, чеварасининг феъл-атворини қўллаб-қувватлаб. — Қани энди у руҳоний бўлиб етишса, балки ўшанда худо бизнинг хонадонимизга ҳам мадад берармиди.

Орадан кўп ўтмай, Урсулага падре Антонио Исабелнинг ўз шогирдини биринчи маросимга тайёрлаётгани маълум бўлди. Руҳоний хўрозларнинг бўйнидаги тукларини қириш чоғида Хосе Аркадио Иккинчига ақоидни ўргатарди, ҳозирча, кўрк товукларни ин-инларига жойлаштираётганларида эса, шогирдига олам яралганининг иккинчи кунида худо жўжаларни не сабадан тухумдан чиқаришга аҳд қилганини оддий мисоллар асосида тушунтирарди. Падре Антонио Исабел ўшандаёқ қариб, мияси айна бошлаган эдики, айна заифлик уни яна бир неча йил ўтгач, шайтон худони енгиб, арши аълога хўжайин бўлиб, эҳтиётсизларни тузоққа илинтириш учун ҳозирча ўзининг кимлигини билдирмаётир, деган гумонни айтишга мажбур қилди. Хосе Аркадио Иккинчи бундай жасур мураббий бошчилигида бир неча ой ичидан на фақат илоҳиётнинг шайтонни ҳам шошириб кўядиган ҳийлаларини мукаммал ўрганди, балки айна замонда хўроз уриштириш бобида ҳам роса билимдон бўлиб олди... У хўрозбоқарга айланди. «Уларни бошқа жойга олиб бор, — буюрди Урсула, у уйга сараланган хўрозларни илк бор кўтариб келганида. — Хўрозлар бошга солган кулфатлар шусиз ҳам етти пуштимизгача етиб-ортади». Хосе Аркадио Иккинчи бахслашиб ўтирмади, хўрозларини Пилар Тернераникига элди. У эса неварасини уйдан кетказмаслик учун ҳамма шароитларни муҳайё қилиб қўйган эди. Падре Антонио Исабель ўргатган ҳийлаларни хўроз уриштиришда қўллаган Хосе Аркадио Иккинчи тез орада шунчалик кўп пул туширдик, бу катаklarини янада кўпайтиришга, боз устига ўзининг эркаклик талабларини қондиришга ҳам етарди. Хосе Аркадио Иккинчини укаси билан таққослаб кўрган Урсула, бир-бирига монанд эгизаклардан қандай қилиб турли одам чиққанидан ҳайратланарди. Урсула айна мулоҳаза юзасидан узоқ бош қотириб ўтирмади, чунки орадан кўп ўтмай, Аурелиано Иккинчи ҳам дангасалик ва бебошликка берила бошлади. У Мелькиадеснинг хонасига беркиниб ўтирган чоғларида, полковник Аурелиано Буэндианинг ёшлигидагидек индамас, доимо ўз фикрларига чўмиб юрадиган одам эди. Аммо Неерланд битимидан сал

илгари бир тасодиф билан хилват маскандан чиқдию ҳаёт билан юзма-юз бўлди. Лотерея сотувчи ёш аёл тўсатдан у билан худди эски танишдек сўраша кетди. Йигит ажабланмади, чунки илгарилари ҳам уни кўпинча укаси билан адаштиришарди. Йигит аёлнинг уйда бир тун меҳмон бўлди. Кейин аёл унга қаттиқ боғланиб қолди ва маҳбубига ютуқ чиқиши учун лотереяларни мослаб чийлайдиган бўлди. Икки ҳафтадан сўнг Аурелиано Иккинчи аёлнинг уни Хосе Аркадио билан адаштириб, ўзи ва укаси билан галма-гал ётаётганини сезиб қолди. У гапни кавлаштириб ўтирмади, аксинча, бор кучи билан ҳақиқатни яширишга ҳаракат қилди. Энди у Мелькиадеснинг хонасига бошқа кирмай қўйди, кун бўйи ҳовлида ўтирганча, мотам муносабати билан уйларида музика чалишни ман қилган ва бусиз ҳам Франсиско Одамнинг ворислари бўлмиш дайди музикачилар сози ҳисобландиган аккордеондан ҳазар қиладиган Урсуланинг жаврашига қулоқ солмай, нотасиз — ёдаки музика чалишни ўрганарди. Пировардида Аурелиано Иккинчи моҳир аккордеончига айланди ва ҳатто бола-чақали бўлиб, Макондонинг энг нуфузли одамига айланганида ҳам аккордеон чалишни ташламади.

У ўша аёлни салкам икки ой укаси билан бирга баҳам кўрди. Укасининг кетидан кузатар, режаларини бузар, Хосе Аркадио Иккинчининг жазманлариникига бормаслигига тўлиқ ишонч ҳосил қилган кечалари уникига ўзи йўл оларди. Бир куни эрталаб касал бўлиб қолганини англади. Икки кундан сўнг мўрчага кириб, девор ёнида, жиққа терга ботиб, кўзларидан қайноқ ёш тўкиб, хўнграб йиғлаётган укасини кўриб қолдию ҳамма гапни тушунди. Укаси аёлга хунук касаллик юқтирганини (касалликни аёл шундай деб атаган экан), аёл ҳайдаб юборганини тан олди. Пилар Тернера уни қандай даволашга уринаётганини айтиб берди. Аурелиано Иккинчи укасига билдирмасдан, матоҳини иссиқ марганцовка эритмаси билан ювадиган бўлди. Уч ойлик хуфиёна муолажадан сўнг икковиям соғайиб кетди. Хосе Аркадио Иккинчи аёл билан бошқа учрашмади. Аурелиано эса ундан кечирим сўради ва умрининг охиригача ўша аёл билан бирга бўлди.

Лотереячи аёлнинг исми Петра Котес эди. У Макондога лотерея сотадиган бир эркак билан келган эди. Эркакнинг вафотидан сўнг эса унинг ишини ўзи давом эттирадиган бўлган эди. Петра Котес озодаликни ниҳоятда ёқтирадиган ёшгина мулат бўлиб, сарғиш кўзлари юзига қоплонга хос шафқатсизлик ифодасини берар, аммо юраги тоза, меҳрибон, ишқу муҳаббатга мойилроқ аёл эди. Хосе Аркадио Иккинчининг урушқоқ хўрозларнинг урчиатаётгани, Аурелиано Иккинчи эса жазманлар уйдаги шовқин-суронли зиёфатлар пайтида аккордеон чалаётгани ҳақидаги миш-мишлар қулоғига чалинган Урсула уятдан жинни бўлаёзди. Эгизаклар гўёки оиладаги барча иллатларни ўзида мужассамлаштирган ва оиланинг бирорта ҳам яхши фазилатини мерос қилиб олмагандай эди. «Энди авлодимизда ҳеч кимга на Аурелиано ва на Хосе Аркадио деб исм қўямиз», — деб аҳд қилди Урсула. Лекин Аурелиано Иккинчи тўнғич фарзанд кўрганида, у чеварасининг раъйини қайтаролмади.

— Мен розиман, — деди Урсула, — аммо шартим шуки, уни ўзим тарбиялайман.

Гарчанд Урсула юзга кирган бўлса-да, катаракта<sup>1</sup> туфайли кўзлари унчалик яхши кўрмаса-да, серғайрат, ақли расо эди. Урсуланинг фикрича, чақалоқни ўзидан бошқа ҳеч ким одамшаванда аждодларининг илгариги нуфузларини тиклашга қодир, сулоланинг таназзулга юз ҳутишига сабаб бўлмиш тўрт офақ — уруш, хўрозлар жанги, ярамас аёллар ҳамда бемаъни ниятлар ҳақида ҳеч нарса билмайдиган одам қилиб тарбиялай олмаслигига ишончи комил эди. «У руҳоний бўлади, — дея тантанавор руҳда ваъда қилди Урсула. — Агар худо менга яна умр берса, у Рим папаси бўлади». Урсуланинг баралла айтган сўзлари фақат ётоқхонадагина эмас, балки ўша куни Аурелиано Иккинчининг шўх-шодон дўстлари тўпланишган уйда ҳам кулгига сабаб бўлди. Хотира қатларига аллақачон итқитилган уруш, шампан виноси пўкаклари отилганида, қисқа бир лаҳзага бўлса-да, яна эсга тушди.

— Папанинг саломатлиги учун ичамиз! — ҳайқирди Аурелиано Иккинчи.

Меҳмонлар унга бир овоздан жўр бўлишиб қадаҳ кўтаришди. Сўнгра уй эгаси аккордеон чалди, ҳавога мушаклар отилди. Тўйиб шампан виноси ичган меҳмонлар сахармардонда олти буюқни бўғизлаб, гўштини кўчага — эл ихтиёрига жўнатишди. Бу эса хонадондаги ҳеч кимни ташвишлантормади. Бу хил зиёфатлар, Аурелиано Иккинчи уйдаги барча ташвишларни ўз зиммасига олган кундан бошлаб, оддий воқеага айланиб қолганди. Уй ҳайвонларию паррандалари фавқулодда кўп урчиш хислатига эга бўлган Аурелиано Иккинчи, гарчи ўзи уринмаса ҳам, кутилмаган омад туфайли водийнинг энг обрўли кишиларидан

<sup>1</sup> Катаракта — кўз гавҳарининг хира тортиши.

бирига айланди. Байталлари унга бирийўла учтадан тойчоқ ҳады этар, товўқлари кунига икки маҳал тухум туғар, чўчқалари эса шу қадар тез семирардики, одамлар буни афсунгарликдан бошқа ҳеч нарсага йўйишмасди. «Пулни асраб қўй, — деб уқтирарди Урсула енгилтак чеварасига, — бундай омад умрбод давом этавермайди». Лекин Аурелиано Иккинчи унинг сўзларига эътибор бермасди. Дўстларини меҳмон қилиш учун қанча кўп шампан шишасининг оғзини очса, моллари тўхтовсиз бошлагани сайин, чекига тушган бу ажойиб омад ўзининг сазийи-ҳаракатига эмас, балки севгиси барча жонотларни уйғотишга қодир маҳбубаси Петра Котесга боғлиқ эканига шунча кўп ишонч ҳосил қиларди. У бойлик манбаи айна шунда эканига тобора қаттиқ ишонар ва Петра Котесни ўз ёнида сақлашга ҳаракат қиларди; Аурелиано Иккинчи уйланиб фарзанд кўргач ҳам, шаръий хотини Фернанданинг розилигини олиб, жазмани Петра Котес билан учрашиб турарди. У боболари каби бақувват ва норғул бўлиб етишди, аммо улардан ҳаётсеварлигию дилбарлиги билан ажралиб турар, боболарига ўхшаб, унинг ҳам мол-ҳолга қараш учун деярли вақти бўлмасди. Аммо Петра Котесни молхонага эргаштириб борса ёки биргаликда отда яйлов кезса борми, у тамға босган ҳар бир ҳайвон тийиб бўлмас серпуштлик балосига йўлиқарди.

Аурелиано Иккинчи ва Петра Котеснинг узоқ ҳаётлари давомида юз берган барча яхши ҳодисалар каби, бемеъёр бойлик ҳам асло қутилмаган нарса эди. Урушлар тугагунича Петра Котес лотереядан тушган даромадлари эвазига кун кечирар, Аурелиано Иккинчи бўлса ора-сира Урсуланинг ақчадонидаги пулларни батамом қоқиб оларди. Улар иккиси ҳам ниҳоятда енгилтак бўлиб, фақат бир нарсани, ҳатто черков тақиқлаган кунлари ҳам эртароқ тушакка ётиб, тонгга қадар шўхлик қилишни ўйлашарди, холос.

«Бу аёл сени хароб қилади, — дея қичқирарди Урсула телбакезик одамдек оёғини зўрға судраб ўйи томон келаятган чеварасига. — Қараб тур, санчиқ тутиб ётиб қоласан, ҳали қорнингга совуқ қурбақа босишга тўғри келади». Муҳаббат бобидаги шеригини анча кечикиб билиб олган Хосе Аркадио Иккинчи акасининг эҳтиросига ҳеч тушунолмасди. Унинг хотирасида Петра Котес ўта жўн, тушакда ҳийла суст ва умуман ўлиб-тирилишга арзимайдиган бир аёл сифатида сақланиб қолди. Аммо Аурелиано Иккинчи Урсуланинг гапларига ҳам, акасининг мазохларига ҳам эътибор бермади. У Петра Котес учун ижарага уй олиб берди. Полковник Аурелиано Буэндиа, майли, мен ҳам кексалик гаштини сурай, деб, устахонасини яна очганида, Аурелиано Иккинчи тилла балиқчалар яшаш сердаромад юмуш бўлса керак, деган фикрга келди. У полковникнинг металл тахтачаларга ҳаётдан безган одамга хос сабр тоқат билан ишлов бераётганини ва улар аста-секин тилла тангачаларга айланаётганини кузатганча, ҳавоси дим хонада соатлаб ўтирарди. Заргарлик Аурелиано Иккинчига шу қадар қийин, Петра Котес ҳақидаги ўй-фикри эса шу қадар қатъий ва барқарор туюлдики, ахийри уч ҳафта деганда устахонадан безор бўлди. Кейин у лотерея ўйинига тикиш учун ўзининг севимли қуёнларини жазманга олиб келди. Энди жониворлар тез урчиб-унадиган бўлиб қолишди. Петра Котес лотерея билетларини сотишга зўрға улгурарди. Аурелиано Иккинчи аввалига қуёнларнинг кўпайиши даҳшатли тус ола бошлаганини пайқамади. Аммо шаҳарда энди ҳеч ким ютуғига қуён чиқадиган лотерея ҳақида эшитишни ҳам истамай қўйганида, бир куни кечқурун ҳовлига қараган девор ортидаги қаттиқ шовқин-сурондан уйғониб кетди.

«Қўрқма, бу қуёнлар», — деди Петра Котес. Лекин узоқ давом этган шовқин жонларига тегиб, иккови ҳам қайта кўз юммади. Эрталаб Аурелиано Иккинчи эшикни очдию ҳовли қуёнлар билан тўлиб тошганини кўрди. Қуёнларнинг юнги тонг шафағида мовий тусга кирганди. Петра Котес жинниларга ўхшаб хохоларди. «Булар шу кечаси туғилган қуёнлар», — деди у.

«Зўр-ку! — хитоб қилди Аурелиано Иккинчи. — Буни сигирларда ҳам бир синиб кўрсанг-чи, а!»

Петра Котес ҳовлини қуёнлардан бўшатиш ниятида тез орада уларни сигирга алмаштирди, сигир эса уч ойдан кейин бир йўла учта бузоқ туғди. Аурелиано Иккинчи бир пасда яйловлари подаларга эга бўлиб қолди. Отхоналару чўчқахоналарни кенгайтиришга зўрға улгурарди. Бунинг бари тушга ўхшар ва Аурелиано Иккинчининг кулгисини қистатарди. Севинчини ғалати қилиқлар қилиб ифодалашдан ўзга чора тополмасди. «Тезроқ туғинглар, сигирлар, умр — калта!» — дея қичқирарди у. Урсула, эҳтимол чеварам аллақандай ёмон ишлар билан шуғулланиб, қароқчи ёки мол ўғриси бўлиб кетмадимикин, дея шубҳаланар ва чевараси ҳар гал вақтихушлик учун шампан шишасининг оғзини очиб, кўпигини бошидан қуйганида, уни исрофгарчиликда айблаб бақириб берарди. Урсуланинг койишлари жонига теккан Аурелиано Иккинчи бир куни тонгда руҳи тетик бир ҳолда уйга келиб, бир қути қоғоз пул, бир банка елим ва чўтка олди-да, Франсиско Одамнинг эски қўшиқларини овозини баралла қўйиб қуйлаганича, бутун уйнинг ичу ташига қиймати бир песолик пул ёпиштириб чиқди. Пианола келтирилганидан бери фақат

оқ рангга бўяб келинаётган бу қадимий уй мачитга ўхшаш шубҳали бир тус олди. Урсула ва қариндошлар дарғазаб бўлиб бақиршиётган бир пайтда, кўчада тўпланган одамлар исрофгарчилик мадҳиясида иштирок этишдан шод-хуррам эди, Аурелиано Иккинчи ҳамма жойга, пештоқдан тортиб, ошхона, ҳатто мўрчахона деворларига ҳам пул ёпиштириб чиқди ва ортиб қолганини ҳовлига улоқтирди.

— Энди, — деди у пировардида, — ишонаманки, бу уйда бирорта одам менга пул тўғрисида бошқа оғиз очмайди.

Худди шундай бўлди ҳам. Урсуланинг кўрсатмасига биноан, деворлардаги пуллар ёпишиб қолган сувоқ парчалари билан биргаликда кўчирилди ва уй яна оққа бўялди. «Эй худо, — деб илтижо қиларди Урсула, — бу ерларга келганда қанчалар камбағал бўлсак, ўшандай ночор бўлайлик, йўқса, у дунёда исрофгарчилигимиз учун жавоб берамиз». Унинг ибодати негадир аксинча талқин қилинди. Пулларни кўчиришайётган ишчилардан бири, уруш тамом бўлишидан сал илгари аллаким келтирган авлиё Юсуфнинг каттакон гипс ҳайкалини эҳтиётсизлик қилиб туртиб юборди, ҳайкал ерга тушиб чилпарчин бўлди. Унинг ичи қавак бўлиб, тилла тангалар билан лиқ тўлдирилган экан. Ҳайкал уйга қачон келиб қолганини анчагача эслашолмади. «Уни уч эркак кўтариб келувди, — деб тушунтира кетди Амаранта. — То ёмғир тингунича шу ерда туришига рухсат сўрашди, мен уларга ҳайкалга ҳеч ким урилиб кетмаслиги учун бурчакка қўйишларини тайинладим, улар ҳайкални эҳтиёткорлик билан ўша ерга қўйишди, шундан бери ўша жойда турибди, ахир, уни олиб кетиш учун ҳеч ким келмади-да».

Сўнгги пайтларда Урсула ҳайкалнинг олдига шамлар ёқиб, тиз чўқар, авлиёга эмас, балки нақ икки юз килоча чиқадиган тиллага сиғинаётганини хаёлига ҳам келтирмасди. Узининг ғайрихатиёрий бутпарастлигини анча кеч анлаган Урсуланинг дили баттар ғаш бўлди. У полда ётган танга уюмини йиғиб олди ва учта халтага солиб, чекка бир жойга кўмиб қўйди, чунки эртамин-кечми, бари бир ўша учала нотаниш киши бойликни сўраб келади, деб ўйлади. Орадан бир неча йил ўтгач, мункиллаб қолган Урсула уйларига келадиган мусофирлардан ҳар гал, мабодо уйимизга ёмғир тингунича туриб турсин деб, авлиё Юсуфнинг ганчдан ясалган ҳайкалини ташлаб кетмовдиларми, дея сўрарди.

Урсулаи ташвишлантираётган тўкин-сочинлик ўшанда оддий бир ҳодиса эди. Макондода эртақлардаги каби роҳат-фароғат ҳўкм сурарди. Шаҳарда азалдан яшовчиларнинг лой ва қамишдан қилинган уйлари ўрнида дабдабали, ичи салқин ғишт иморатлар қурила бошланди. Чанг босган бодом дарахтларию шаффоф сувли дарёгина бир вақтлар Хосе Аркадио Буэндиа асос солган қишлоқни эслатиб турарди. Хосе Аркадио Иккинчи дарё ўзанини тозалаб, уни кемалар қатновига мосламоқчи бўлганида, дарёнинг қадим даррандаларнинг улкан тухумларини эслатовчи тошлари сангтарошларнинг болғачаларини синдириб юборди. Бу бемаъни режа бўлиб, уни фақат Хосе Аркадио Буэндианинг телба уйларига таққослаш мумкин эди, негаки дарёдаги ададсиз тошлар Макондони денгиз билан боғлашга асло имкон бермасди. Аммо Хосе Аркадио Иккинчи ўз лойиҳасини қаттиқ туриб маъқулларди. У ҳали бирор марта ҳам тасаввур қўламини айна даражада намоён қилмаган эди. Агар Петра Котесни ҳисобга олмаганда, хотинлар билан ҳам олди-берди қилмаган эди. Урсула бу чеварасини Буэндиалар авлодидаги энг уқувсиз, ҳатто ҳўроз уриштиришга ярамайди, деб ҳисобларди. Бир куни полковник Аурелиано Буэндиа Хосе Аркадио Иккинчига денгиздан ўн икки чақиримча берига чиқиб қолган испан кемаси қолдиқларини уруш йилларида кўрганини сўзлаб берди. Ҳамма полковникнинг уйдирмаси деб ҳисоблайдиган бу ҳикоя Хосе Аркадио Иккинчи учун қутилмаган янгилик бўлди. У ҳўрозларини кимовшига сотди, пулига ишчилар ёллади, турли асбоб-ускуналар харид қилди ва мисли кўрилмаган ишни бошлади: тошларни майдалади, каналлар қазиди, дарё тубини тозалади, ҳатто шовваларни ҳам текислади. «Мен буларнинг барини ёд биламан! — деб қичқирарди Урсула. — Вақт доира буйлаб айланаётганга ўхшайди ва биз нимадан иш бошлаган бўлсак, яна ўшанга қайтиб келдик». Хосе Аркадио Иккинчи дарёда кема қатнай олади деб, акасига ўз режасини батафсил тушунтирди ва у Хосе Аркадио Иккинчига бу режанинг амалга оширилиши учун етарли миқдорда пул берди. Шундай кейин у анча вақтгача қаёққадир ғойиб бўлди. Макондоликлар Хосе Аркадио Иккинчи кема сотиб олиш баҳонасида акасини алдади, энди пулни совуради, деб ўйлай бошлаганида, бирдан шаҳарга яқинлашайётган қандайдир ғалати кема ҳақида миш-миш тарқалди. Хосе Аркадио Буэндианинг телбанома ишларини аллақачон унутиб юборган макондоликлар дарё тарафга югуришди ва қирғоққа яқинлашайётган — Макондога қадар сузиб келган биринчи ва сўнгги кемани кўзларига ишонқирамай томоша қилишди. Бу атиги бальс ёғочидан қилинган сол бўлиб, уни қирғоқ ёқалаб югураётган йигирма эркак йўғон арқонда судраб келарди, холос. Солнинг тумшугида турган Хосе Аркадио Иккинчи, кўзлари қувончдан чарақлаб, рулни бошқариб борарди. У ўзи



билан бир гала ажойиб француз гетераларини<sup>1</sup> бошлаб келган эди. Аёллар офтоб нурларидан очик рангли соябонлар остига бекиниб олишган, бежирим елкаларига шоҳи рўмол ташланган, юзлари қизғиш ва оқ упа-элик билан чапланган, сочлари гуллар билан безалган эди. Уларнинг кўлларида тилла билагузуклар, оғизларида эса тишларига қадалган гавҳарлар ярқирарди. Балс ёғочидан ясалган сол Хосе Аркадио Иккинчи оқим бўйлаб тепага — Макондога олиб келишга муваффақ бўлган яккаю ягона сузувчи восита ҳисобланса-да, у бари бир нияти пучга чиққанини асло тан олмади, балки, аксинча, ўзининг бу фаолиятини инсон иродасининг табиат устидан қозонган буюк ғалабаси, деб эълон қилди. У акасидан олган қарзини тўла-тўқис қайтарди ва яна жангари хўрозлар парваришига астойдил киришиб кетди. Эндиликда ажойиб мақомлар билан эру хотинлик санъатининг анъанавий усулларини буткул ўзгартириб юборган, жамоат талабини қондиришга жонбозлик кўсатишлари туфайли Катаринонинг эскирган ишратхонасини ер билан яқсон этишга ундаб, бу хилват кўчани хитой фонусларию органчанинг ҳазин қуйи таралувчи ғаройиб ярмаркага айлантириб юборган француз гетералари Макондога олиб келган янги ҳаёт шабадасигина Хосе Аркадио Иккинчининг омадсиз режасини эслатиб турарди, холос. Макондони уч кун давомида девонавор ҳолатга тушуриб қўйган ва Аурелиано Иккинчига Фернанда дель Карпио билан танишиш имкониятини яратган қонли карнавалнинг ташаббускорлари худди ана шу француз аёллари эди.

Гўзал Ремедиос карнавал кироличаси, деб эълон қилинди. Урсула бунга монелик кўрсатолмади. Шу пайтгача у Гўзал Ремедиосни ибодатхонага бориш учун кўчага фақат Амаранта билан бирга чиқарар ва ўшанда ҳам чеварасига юзини албатта қора тўр билан бекитиб олишини уқтирарди. Ҳатто руҳоний кийимини кийиб олишиб, Катарино ишратхонасига динни таҳқирловчи ибодатлар қилишдан ҳам тоймадиган энг диёнатсиз эркаклар ҳам афсонавий чиройи водийга дoston бўлган Гўзал Ремедиоснинг рухсорини ақалли бир лаҳза кўриш учун черковга келишарди. Ҳавасмандлар қизнинг юзини кўришлари учун эса озмунча вақт кетмади. Аслида эса уларнинг бундай тасодифни кутмаганлари яхши эди, чунки шундан сўнг кўпчилик бедорликка мубтало бўлди. Уларнинг орзуларини амалга оширишга кўмаклашган, яъни Гўзал Ремедиоснинг юзини кўришларига сабабчи бўлган одам — келгинди бир кабальеро эса мутлақо ҳаловатини йўқотиб, тубанлик ва қашшоқлик ботқоғига ботди ва орадан бир неча йил ўтгач, темир йўлда ўхлаб қолганида поезд тагида қолиб кетди. У ибодатхонада сўк чийдухоба костюму гулдор нимчада пайдо бўлганида, Гўзал Ремедиоснинг сەхрли жодуси ўз домига тортган бу кимса жуда узоқдан, ҳатто бошқа бир мамлакатдан келганида аён бўлди. Йигит шу қадар хушрўй ва хушқад, ўзини шунчалар вазмин ва виқор билан тутардики, Пьетро Креспи унинг олдида гўёки чала туғилган одамга ўхшаб кетарди. Кўпчилик аёллар ҳасад билан жилмайиб, Гўзал Ремедиоснинг эмас балки ана шу йигитнинг юзини тўр рўмол билан бекитиш керак, дея пичирлашарди. У Макондода ҳеч кимни танимас, ҳар яқшанба тонгда кумуш узангили ва бахмал жабдуқли отда, худди эртақлардаги шаҳзода каби пайдо бўлар, ибодатдан сўнг шаҳарни тарк этарди.

Кабальеро черковга кириб келган илк дафъадаёқ, ҳамма унга ўгирилиб қаради ва одамлар бу йигит ва Гўзал Ремедиос ўртасида пинҳоний ва кескин жанг бошлангани, улар ўзаро махфий бир шартнома тузишгани ҳамда улар ораларида на фақат муҳаббат, балки ўлим билан тугалланувчи рақобат вужудга келганини тушунишди. Олтинчи яқшанбада у сариқ атиргул кўтариб келди. Кабальеро, одатдагича, ваъзни тик туриб эшитди. Ибодат тугагандан сўнг Гўзал Ремедиоснинг йўлини тўсиб, унга гул тақдим қилди. Қиз буни анчадан буён кутгандай, гулни индамай олди, кейин юзидаги тўр рўмолини бир лаҳза кўтариб, нотаниш йигитга жилмайди. Минг афсуски, фақат кабальеро учун эмас, балки у билан ёнма-ён турган барча эркаклар учун шу сониянинг ўзи етарли эди.

Шундан бери кабальеро Гўзал Ремедиоснинг деразаси остига бутун бошли оркестрни етаклаб келар ва оркестр кўпинча то эрталабгача куй чаларди. Буэндиа оиласида кабальерога чин юракдан хайрихоҳ бўлган бирдан бир одам — Аурелиано Иккинчи унинг қатъиятини сусайтиришга уринди. «Вақтингизни беҳуда сарфламанг, — деди унга бир куни кечаси. — Бу хонадоннинг аёллари эшакдан ҳам ўжар». У нотаниш йигитга, дўст бўлайлик, деб таклиф қилди, уни шампан vinosида чўмилтирмоқчи, Буэндиалар авлодининг аёл вакиллари азалдан тошбағир эканини тушунтирмоқчи бўлди, лекин бари бир кабальерони фикридан қайтаролмади. Тунгги концертлардан жиғибийрони чиққан полковник Аурелиано Буэндиа кабальерога, сени фақат тўппонча ғуссадан қутқариши мумкин, деб

<sup>1</sup> Гетера — эрсиз, мустақил яшовчи, ўқимишли, аммо енгилтак аёл.

пўписа қилди. Аммо оғир ишқ дардига йўлиққан йигитни то у чуқур тушкунликка мубтало бўлмагунича, ҳеч ким аҳдидан қайтара олмади. Кабальеро охири хушрўй ва башанг одамдан аянчли чувриндига айланди-қолди. Гарчанд ҳеч ким йигитнинг наслу насабини билмасе-да, у узоқ диёридаги мансаби ва бойлигидан воз кечган, деган миш-мишлар юрарди. У энди ўжар, ароқхўр, жангари одамга айланди. Деярли ҳар куни тонггача Катарино ишратхонасида бўларди. Ҳақиқатан ҳам унинг энг аянчли фожиаси — Гўзал Ремедиоснинг, ҳатто у черковга шаҳзодалар каби яسانيб келганида ҳам лоқайд қараганида эди. Гўзал Ремедиос унинг қўлидаги атиргулни ҳеч бир ноз-карашмасиз, йигитнинг шунчаки фавқуллодда муомаласидан бироз димоғи чоғ бўлиб олган, тўр рўмолни бўлса, юзини кўрсатиш учун эмас, балки йигитни яхшироқ кўриш мақсадида кўтарган эди.

Очигини айтганда, Гўзал Ремедиос бамисоли осмондан оёғини узатиб тушгандай эди. У йигирмага кирган бўлса-да, ҳамон на ўқиш-ёзишни, на дастурхон бошида қошиқ-товоқлардан фойдаланишни билди ва на хоналар бўйлаб яланғоч ҳолда кезишни тарк этди. Соқчилар бошлиғи бўлмиш ёш офицер унга севги изҳор қилганида рад жавобини берди, чунки Ремедиосни унинг энгилтаклиги ажблантирганди. «Гирт аҳмоқ, — деди у Амарантага. — Сен туйфайли ўлапман, дейди-я, нима, мен ўлат ёки вабومانми?» Офицернинг жасадини Гўзал Ремедиоснинг деразаси остида топишганида, у ўша фикрни яна бир карра таъкидлади.

— Мана кўрдингизми, — деди қиз. — Гирт аҳмоқ-да.

Аллақандай ғайритабиий заковат гўё қизга нарсаларнинг сиртки, ташқи кўринишини сидириб ташлаб, уларнинг асл моҳиятини кўра билиш имконини берарди. Ҳамма ақли заиф деб ҳисоблайдиган Гўзал Ремедиосни полковник Аурелиано Буэндиа анча зийрак қиз, деб ўйлади. «Унга қарасанг, назарингда, йигирма йиллик уруш бўлмагандек туюларди», дея тақорлашни ёқтирарди у. Урсула ҳам оилаларига фавқуллодда беғубор қизни ҳаё этгани учун худога ташаккур билдирарди. Аммо қизнинг чиройи Урсулани ташвишга солар, чунки чеварасининг гўзаллиги унга хислат эмас, балки иллат — шайтон тузоғи бўлиб туюларди. Шу сабабли, у Гўзал Ремедиосни одамлардан узоқроқда тутишга, ҳаётнинг йўлдан оздирадиган васвасаларидан асрашга уринар, аммо Урсула чевараси онанинг қорнидаёқ ҳар қандай хавфу хатардан абадий муҳофаза қилинганини билмасди. У чеварасини карнавал деб аталувчи жинлар базмининг қироличаси қилиб сайлашларига ҳеч қачон йўл қўймасди. Лекин байрамга йўлбарс ниқобини кийиб чиқиш иштиёқида куйиб-ёнаётган Аурелиано Иккинчи падре Антонио Исабелни Урсулага карнавал аслида мажусийлар байрами эмас, балки католик черкови томонидан муқаддаслаштирилган халқ удуми эканини тушунтириб беришга кўндирди. Ниҳоят, руҳонийнинг гапларига астойдил ишонганидан сўнг, гарчанд ижирғаниб бўлса ҳамки, у чеварасининг бошига тож кийдиришларига ройиш берди.

Ремедиос Буэндиа байрам қироличаси бўлиши ҳақидаги хабар бир неча соат ичидеёқ бутун округга, ҳатто ҳали қизнинг бениҳоя чиройи довруғи бориб етмаган йироқ гўшаларга ҳам тарқалди ва ҳамон Буэндиа номи исён рамзи бўлиб келаётгани учун баъзи бировлар саросимага тушди. Саросима учун ҳеч қандай асос йўқ эди. Агар ўшанда бирор бир кимсани беозор деб аташ керак бўлса, кексайиб, кўнгли совиб, мамлакат ҳаёти билан алоқаси тобора узилиб бораётган полковник Аурелиано Буэндиа бунга энг муносиб номзод бўларди. У устахонасида эртадан-кечгача ёлғиз ўтирарди. Тинчликнинг биринчи кунлари унинг уйини кўриқлаб туришга юборилган солдатлардан бири балиқчаларни водийнинг шаҳар ва қишлоқларига чиқариб сотар ва уйга тилла тангалару бир қатор хушхабарлар билан қайтиб келарди. У, консерваторлар ҳукумати ҳар бир президент ҳокимият тепасида юз йил туриши учун либераллар ёрдамида йил жадвали — тақвимни ўзгартирмоқчи бўлаётгани; ниҳоят диний ҳукмдор билан шартнома тузилгани ва Римдан кардинал таширф буюргани, унинг тожиги сон-саноксиз гавҳартош қадалгани, тахти эса қуйма олтиндан экани; либерал нозирлар унинг олдида тиз чўкиб, узугини ўпганича суратга тушишгани; испан труппаси билан пойтахтга гастролга келган раққосани пардозхонадан ниқоб таққан номаълум шахслар ўғирлаб кетгани ва у эртасига эрталаб, яқшаңба куни республика президентининг ёзги саройида қип-яланғоч рақс тушгани ҳақида ҳикоя қилиб берарди. «Менга сиёсатдан гапирма, — дерди унга полковник. — Бизнинг ишимиз — балиқча сотиш». Полковникнинг мамлакат аҳволини билишни истаганини ва ўз устахонасида ўтириб, тилла балиқчалар сотиб бойиб бораётганини эшитган Урсула кулиб юборди. Турмуш икки-чикирларини миридан-сиригача биладиган Урсула балиқчаларни олтин тангаларга, кейин эса тангаларни тилла балиқчаларга айлантириб, шу тариқа қанча кўп мол сотса, шунча кўп ишлайдиган, оғир аҳволга тушиб қолган полковник машғул бўлмиш айни савдонинг маъноси нимадан иборат эканлигига ҳеч тушунолмасди. Тўғриси айтганда, полковникни савдо-сотик эмас, балки иш

жараёни қизиқтирарди. У балиқчалар танасига тангачалар ёпиштирар, уларни қисқич орасига жойлаб зиғирдаккина ёқут кўз ўрнатар, жабраларига сайқал берар, дум ясар, уруш ва урушга боғлиқ умидсизликларни эслаши учун умуман бўш вақти қолмасди. Заргарлик санъатининг аниқлиги ва нозиклиги шундай диққат-эътибор талаб қилардики, натижада у қисқа вақт ичида анча қариб қолди: узоқ ўтиришдан бели букчайди, ишнинг нозиклигидан кўзлари хиралашди. Аммо шунга қарамай, унинг кўнгли таскин топди. Полковник урушга боғлиқ масала билан энг сўнгги марта унга либераллар ва консерваторлардан иборат бир гуруҳ ветеранлар ҳукумат томонидан ваъда қилинган умрбодлик нафақанинг пайсалга солинаётганлиги бўйича мурожаат қилиб, ёрдам сўрашганида шуғулланган эди. «Нафақани ёдларингдан чиқаринглар, — деди полковник Аурелиано Буэндиа. — Кўряписизлар-ку, умримнинг охиригача кутавериб азобланмай деб, нафақадан воз кечдим». Дастлаб кечалари унинг ёнига полковник Херинельдо Маркес келар, иккаласи кўча эшиги ёнида ўтирганча, кўрган-кечирганларини эслашарди. Амаранта ниҳоятда ҳориб-чарчаган бу тепакал одамни кўриши биланоқ, қалбида уйғонадиган хотиралар азобини кўтаришга мутлақо ожизлик қиларди ва шу боис полковник Херинельдо Маркесни ҳар сафар атайлаб камситарди. Охир-оқибатда у уйларига камдан-кам ҳолларда келадиган бўлди ва кейинчалик умуман қадамиди узди — полковник шол бўлиб қолди. Одамови, мингаймас, янги ҳаётнинг уй бўйлаб эсаётган шабадасига бефарқ полковник Аурелиано Буэндиа осуда кексалик сири — танҳолик билан ҳаққоний иттифоқ тузишдан иборат эканини бора-бора тушунди. Қуш уйқусига гирифтор бўлган полковник ҳар куни эрталаб соат бешда уйғонар, ошхонага кириб одатдагидек бир финжон қора қахва ичар ва сўнгра кун бўйи устахонасига беркиниб оларди. Кундузи соат тўртларда эса табуреткасани судраганча галерея бўйлаб ўтар ва кўча эшиги ёнида чивинга ем бўлиб ўтирарди. Бир куни ўткинчилардан бири унинг оромини бузишга журъат этди.

— Нималар қилиб юрибсиз, полковник?

— Ўтирибман, — деб жавоб берди у, — жасадим солинган тобутни ёнимдан олиб ўтишларини кутяпман.

Гўзал Ремедиосга тож кийидирилишию полковник Аурелиано Буэндиа номининг яна ҳамманинг тилига тушиши боис, айрим давраларда юз берган саросималик замирида ҳеч қандай аниқ асос йўқ эди. Аммо кўпчилик эса мутлақо зид фикрда эди. Бошлари узра осилган фожиани кўрмаётган макондоликлар гурас-гурас бўлиб шоду хуррамлик билан шаҳар майдонига тўпланишарди. Карнавалнинг шўх телбаликлари юқори нуқтасига етганида ва қатта оломон орасида уёқдан-буёққа юриб, тўхтовсиз бақираверганидан овози хириллаб қолган Аурелиано Иккинчининг йўлбарс никобини кийиш ҳақидаги орзуси амалга ошган бир маҳалда, водийга элтувчи йўлда баногоҳ маскарад либосидаги катта бир гуруҳ пайдо бўлди. Улар бир аёл тик турган заррин замбилни кўтариб келишарди. Аёл шу қадар мафтункор эдики, инсон зоти бундай жозибани ҳатто тасаввурига ҳам келтиролмади. Макондо аҳли кўзни қамаштирувчи зумрад қадалган тож ва бўрсиқ мўйнали мантия кийган бу тенгсиз гўзални яхшироқ кўришга интилиб, ўз ниқобларини бир дақиқага ечишди; Аурелиано Иккинчи зудлик билан туғилиши муқаррар парокандаликнинг олдини олди; у ажнабийларни фахрий меҳмонлар деб эълон қилди ва сохта қироличани Гўзал Ремедиос билан бир шоҳсулага ўтқазиб жуда ҳам доно иш қилди. Бадавийлар либосини кийиб олган келгиндилар ҳам умумий шодиёналарда иштирок этишди ва ҳатто байрамга ўз улушларини кўшишди — лўлиларнинг аллақачон унутилган санъатини эслатувчи моҳирона акробатика машқларию турли пиротехника янгилекларини намойиш қилишди. Аммо бир оздан сўнг, шодиёна авжга чиққан маҳали, бу омонат мутаносиблик бузилди.

— Яшасин либераллар партияси! — дея ҳайқирди кимдир. — Яшасин полковник Аурелиано Буэндиа!

Уқлар чақнаши мушакларнинг жилвагар шуъласини тўсиб қўйди, музыка оҳанглари эса даҳшатли бақирӣқ-чақирӣқлар остида қолиб кетди. Шодиёна ўрнини саросима эгаллади. Яна бир неча йил ўтгач, халқ ўша сохта қироличанинг мулозимлари аслида доимий кўшин эскадрончилари бўлиб, улар бадавийларнинг серҳашам якталари остига карабинларини яшириб олишган эди, деган гап чиқарди. Ҳукумат ўзининг махсус ахборотида буни рад этди ва бўлиб ўтган қонли воқеанинг сабабини аниқлашга сўз берди. Аммо, бари бир, ҳақиқат юзага чиқмади, ва сохта қироличанинг мулозимлари ҳеч қандай асоссиз, ўз бошлиқларининг ишорасига биноан, оломонни аёвсиз ўққа тутганлиги ҳақидаги тахмин ғолиб чиқди. Осойишталик ўрнатилиб, шаҳарда бирорта ҳам сохта бадавий қолмаганида, майдонда ўликлару ярадорлар чўзилиб ётарди, холос; шу жумладан, беш нафар масҳарабоз, тўрт нафар қоломбина, ўн олти нафар қарта қироли, битта шайтон, уч музикачи, Франциянинг икки пәри ва уч нафар япон император хотини. Тўс-тўполон ва умумий саросимада Хосе Аркадио Иккинчи Гўзал Ремедиосни ҳавфсиз

жойга яширишга муваффақ бўлди, Аурелиано Иккинчи эса кўйлаги йиртилиб кетган ва бўрсиқ мўйнали мантияси қонга беланган сохта қироличани кўлида кўтариб, уйга олиб келди. Уни Фернанда дель Карпио деб аташарди. Қизни мамлакатдаги беш минг гўзал аёл ичидан энг соҳибжамол дея танлашиб, уни Мадагаскар қироличаси қилиб эълон этишга ваъда бериб, Макондога алдаб олиб келишганди. Урсула унинг ортидан гўё ўз қизининг орқасидан эргашгандек юрарди. Шахарликлар бу содда қиздан ғазабланишмади, аксинча жуда ачинишди. Майдондаги қирғиндан сўнг ярим йил ўтиб, барча ярадорлар тузалиб кетгач ва биродарлик қабристонидagi энг сўнгги гул сўлиб битгач, Аурелиано Иккинчи Фернанда дель Карпионинг кетидан узоқ шаҳарга бориб, отасининг розилиги билан қизни Макондога олиб келди ва нақ йигирма кун давом этган доврўғи оламга кетган тўй қилиб, унга уйланди.

\* \* \*

Икки ой ўтгач, оилалари бузилишига оз қолди, сабаби — Петра Котес олидидаги гуноҳини юмшатмоқчи бўлган Аурелиано Иккинчи уни Мадагаскар қироличаси либосида суратга туширишга кўрсатма берди. Бундан хабар топган Фернанда сеп-сидирғасини сандиқларга жойлади-да, ҳеч ким билан хайрлашмай, Макондодан чиқиб кетди. Аурелиано Иккинчи унга водийга элтувчи йўлда етиб олди. Кўпдан-кўп илтижою ваъдалардан сўнг хотинини уйга қайтаришга муваффақ бўлди; жазманидан эса воз кечди.

Ўз кучига ишонган Петра Котес заррача ҳам ташвиш чекмади. Ахир, у Аурелиано Иккинчининг кўз очиб кўргани эди-да.

Аурелиано Иккинчи одамови, мудом ўзи танҳо ўй сурадиган бўлиб туғилган, Петра Котес эса унинг феъл-атворини бутунлай ўзгартириб, жўшқин, киришимли, очиқ одамга айлантирганди; бу аёл унинг қалбига ҳаёт қувончини олиб кирган, унда сершовқин ўйин-кулгиларга ва соҳибкарамликка мойиллик уйғотган ва охири-оқибатда уни — зоҳирий ва ботиний жиҳатлардан ўзи ўсмирлик йилларидаёқ орзу қилиб юрган эркакка айлантирган эди. Сўнг у уйланди. Ҳар бир йигит эртамикечми бари бир шундай қилади. Уйланаётганини Петра Котесга айтишга журъат этолмай юрди. Ўзини худди болалардек тутди: гоҳо бўлар-бўлмасга таъналар ёғдирар, нималардандир хафа бўлар, шу баҳона, энди Петра Котеснинг ўзи мен билан бошқа гаплашма кўяди, деб умид қиларди. Бир куни у жазманини ноҳақ айблаётганида, Петра Котес унинг тузоғига илинмади:

— Ҳамма бало шундаки, — деди у, — сен қироличага уйланмоқчисан.

Усал бўлган Аурелиано Иккинчи дарҳол дарғазаб қиёфага кирди, ўзини ўринсиз ҳақоратланган одамдай тутди, жазманини излаб келмай қўйди. Петра Котес бардошли эди. У заррача ҳам ташвиш чекмади, узоқдан таралаётган куйларни, фанфаралар товушини, тўй базмининг гулдираган ғовур-ғувурини худди дам олаётган йиртқич ҳайвон каби хотиржам тинглар, назарида унга тўй Аурелиано Иккинчининг янги бир шўхлигидек туюларди. Ҳамдардлик билдирганларни ўзининг хотиржам кулгиси билан юпатарди. «Ташвишланманглар, — дерди Петра Котес уларга: — Кези келса, қироличалар ҳам менга югурдаклик қилади». Йўқотилган хушторининг сурати ёнига дуою дам солинган шам ёқишни маслаҳат берган қўшнисига:

— Уни қайтишга мажбур қиладиган яккаю ягона шам ҳали ўчгани йўқ, — деди у.

Аёл тахмин қилгандек, Аурелиано Иккинчи уникага чилла ўтиши биланоқ келди. Ҳар доимги ошналари ва дайди сураткаш ҳам у билан бирга эди. Аурелиано Иккинчи Фернанда карнавалга кийиб чиққан кўйлак ҳамда қонга беланган бўрсиқ мўйнали мантияни ҳам ола келганди. Базм шовқин-суронида Петра Котесга қиролича либосини кийдириб, уни Мадагаскарнинг ягона ва доимий ҳоқимаси деб эълон қилди, сураткашга расмга туширишни буюрди ва суратларни ўз дўстларига улашиб чиқди. Петра Котес, Аурелиано Иккинчи анча қийналгани боис ҳам ана шундай ғайриоддий ярашиш йўлини ўйлаб топган шекилли деб, ич-ичидан унга раҳми келди. Қиролича либосини ҳануз ечмаган Петра Котес кеч соат еттида Аурелиано Иккинчини ўз тўшагида қабул қилди. Петра Котес уйланганига ҳатто икки ой ҳам тўлмаган бу йигитнинг хотини билан алоқаси наридан-берилигини сезди ва, ниҳоят, рақибасидан қасос ололганидан лаззатли бир қониқиш туйди. Аммо орадан икки кун ўтиб, Аурелиано Иккинчи ўзи шахсан келишга журъат қилолмай, унинг ёнига улар қанақа шартлар асосида ажралишларини келишиб олиш учун воситачи юборганида, Петра Котес ўзи уйланганидан кўра каттароқ сабр-бардош талаб этилажғини тушунди. Аёл Аурелиано Иккинчининг хоҳишига қаршилиқ қилмади. Энди барча одамлар уни, бечора қиз, раҳм-шафқат қилишга арзийди, деб ҳисоблашарди; Петра Котесга маъшуқадан фақат ботинкаларигина хотира бўлиб қолди. Йигит уларни ўзи айтишича, тобутда кийиб ётиши учун сотиб олганди. Петра Котес ботинкаларни латтага ўраб, сандиққа солиб қўйди ва

тушқунликка тушмай, бардош билан кутишга аҳд қилди. «Эртами-кечми, бари бир қайтиши керак, — деди у ўзига-ўзи. — Жилла қурса, ана шу ботинкаларни кийгани келар-ку».

У ўзи ўйлаганчалик узоқ кутмади. Тўғриси айтганда, Аурелиано Иккинчи Петра Котеснинг ёнига ўша локланган ботинкаларни кийишга мажбур бўлишдан анча илгари қайтажагини никоҳ кечасиёқ тушунди; гап шундаки, Фернанда осмондан оёғини узатиб тушганлардан эди. У узоқ мамлакатдаги зимистон бир шаҳарчада туғилиб ўсганди. Бу шаҳарнинг ўттиз икки кўнғироқхонасидан ҳар куни кеч соат олтида дафн маросимининг мунгли жоми эшитиларди. Мустахлака замонидан қолган, деворларига қабртошлар қопланган кўҳна уйлари офтоб юзини мутлақо кўрмасди. Ҳовлида ўсувчи сарвнинг шох-бутоқларидан, боғдаги намикқан табаргуллардан, ранги ўчган дарпардалардан жаҳаннамга хос сукунат уфуриб турарди. Фернанда балоғатга етгунича, кўшни уйда чалинаётган пианионнинг ҳазин куйларидан бошқа бирорта ҳам товушни эшитмади, ўша уйдаги ижро узоқ баллар давомида уни тушки уйқу ҳаловатидан маҳрум қиларди. У деразанинг чанг босган витражларидан тушган ёғдуда юзи кўкиш-сарғиш тус олган бемор онасининг ёнида ўтириб, тартибли, ўжар, одамни ғуссага чўмдирувчи оҳангларни тинглар, қабр учун гулчамбарлар тайёрлаб, ҳориб-чарчаётган пайтлари. Бу куй наздида йироқ бир ўлкада чалинаётгандек туюларди. Галдаги безгак хуружидан жиққа терга ботган онаси аждоқларининг дабдабали ўтмиши ҳақида сўзлаб берарди. Ёшгина Фернанда ойдин кечаларнинг бирида оппоқ либос кийиб, кичик бутхона томон бораётган гўзал бир аёлни кўриб қолганди. Арвоҳ билан бўлиб ўтган бу бир лаҳзали учрашувда у ўша аёлга тамоман ўхшаб кетишини сезиб, ғоят ҳаяжонланди. Нотаниш аёл унинг ўзгинаси эди. «У — Қиролича, сенинг катта бувинг, — деб тушунтирди онаси, йўталдан ўзини зўрға тийиб. — У ўлган, чунки боғдаги табаргулларни бутаганида уларнинг ҳидидан заҳарланувди». Орадан бир неча йил ўтиб, Фернанда ўзининг катта бувисига ўхшаб кетишини яна бир бор ҳис қила бошлаганида, болалигидаги ўша учрашувни эслаб, ҳеч ишонгиси келмади, аммо онаси Фернандани койиб берди.

— Бизнинг бойлигимиз ва қудратимиз чексиз, — деди у, — бир куни бориб сен ҳам қиролича бўласан.

Гарчанд қорун-ночор аҳволда яшаса-да, уйларидаги узун, устига юпқа дастурхон тўшалган ва кумуш санчқи-пичоқлар қўйилган столда унга ҳамиша бор-йўғи бир финжон шоколадли сув ва бир дона печенье беришса-да, Фернанда онасининг гапларига ишонди. Гарчанд отаси дон Фернандо унга сеп сотиб олиш учун уйини гаровга тикишга мажбур бўлган эрса-да, Фернанда то тўй ўтган кунгача афсонавий қироличалик ҳақида ширин хаёлларга ботарди. Бу орзулар соддалик ёки улуғлик васвасаси эмасди, албатта. Қизни ана шундай руҳда тарбиялашганди. Фернанда ўзини танибдики, оилавий герб тасвири туширилган тилла тувакка ўтирарди. Ун иккига кириб, монастирдаги мактабга жўнаш мақсадида илк бор уйини тарк этганида, гарчи масофа унчалик узоқ бўлмаса-да, уни файтонда олиб кетишганди. Синфдош дугоналарини бу янги қизнинг ғалати қилиқлари: улардан анча нарида, жуда баланд суяниқли стулда ўтириши ва ҳатто танафусда ҳам уларга қўшилмаслиги ҳайрон қолдирарди. «У сизлардан тубдан фарқ қилади, — деб тушунтирарди қизларга роҳиба аёллар. — У қиролича бўлади». Қизлар бунга ишонишган, чунки Фернанда ўшандаёқ улар ҳаётда учратилган энг сулув, ҳимматли ва камтарин қизча эди. Орадан саккиз йил ўтиб, лотинча шеърлар ёзиш, музыка чалиш, кавальеро билан лочин ови, архиепископлар билан эса апологетика<sup>1</sup> ҳақида сўхбатлашишни, чет эл ҳукмдорлари билан давлат ишларини, папа билан эса илоҳиётга тааллуқли масалаларни муҳокама қилишни ўрганган Фернанда ота-онасининг кулбасига қайтиб келди ва яна дафн гулчамбарлари ясашга киришди. У уйлари ҳувиллаб қолганини кўрди. Унда фақат турмуш учун энг зарур мебеллар, қандиллар ва кумуш сервизгина қолган, бошқа нарсаларни аста-секин сотишга мажбур бўлишган эди. Онаси безгак хуружидан ўлганди. Ҳамиша қоп-қора кийимда юрадиган, ёқаси таранг, оҳорланган, соатининг тилла занжири-ни кўкрагига кўндаланг осиб юрадиган отаси дон Фернандо унга ҳар душанбада рўзғор харажати учун биттадан кумуш танга берар ва қизи бир ҳафта давомида тўқиган гулчамбарларни олиб кетарди. Бошқа пайтлар у деярли куни бўйи кабинетда ўтирар, онда-сонда шаҳарга чиққанида ҳам, ибодатга қизи билан бирга боришга улгуриш учун соат олтига қолмай қайтиб келарди. Фернанда ҳеч ким билан ҳеч қачон дўстлашмади. Мамлакатлари урушда кўп қон йўқотиб ҳолсизланганини асло эшитмади. У ҳар куни кундузи соат учда пианинода ижро этиладиган машқларни эшитишни қанда қилмасди. Уйга кираверишдаги эшикка осилган болғача бир куни тўсатдан икки марта сабрсизлик билан тақиллаган кезде,

<sup>1</sup> Апологетика — теологиянинг христиан динининг баркамоллиги ва барҳақлигини исботлашга қаратилган қисми.

у қиролчаликдан умидини уза бошлаган эди. Фернанда эшик очиб, басавлат, Фавқуллода назокатли, чандиқли, кўкрагига олтин нишон тақилган ҳарбий кишини кўрди. Меҳмон уйга кириб, кабинетда қизнинг отаси билан холи гаплашди, Орадан икки соат ўтгач, дон Фернандо қизининг хонасига келди. «Шайлан, қизим, — деди у. — Сен узоқ сафарга отланасан». Шу тариқа Фернандани Макондога — отаноса бир неча йиллар давомида ундан усталик билан яшириб келишган росмана воқелик бор жойга олиб келишди. Қиз уйига қайтиб келгач, хонасига қамалиб олиб, таҳқиқланган кўнглига таскин беришга уринган дон Фернандонинг ялиниб-ёлворишларию ваз-қорсонларини эшитмай, узоқ йиғлади. Фернанда энди то ўлгунча ётоғидан чиқмасликка аҳд қилди, аммо шу пайт унинг ортидан Аурелиано Иккинчи кириб келди. Бу — ақлга сиғдириб бўлмайдиган омад эди, чунки ғазабдан гангиб қолган Фернанда Макондода ўзининг кимлигини билдирмаслик учун йигитга ёлгон гапирганди-да. Нотаниш қизни қидириш учун йўлга отланган Аурелиано Иккинчи қизнинг гапини эшитган, лаҳжасидан тоғлик эканини, шунингдек, унинг дафн гулчамбарлари ясабини биларди. Йигит уни излаб топиш учун куч-қувватини ҳеч аямади. Аурелиано Иккинчи Фернандани умидсизланмай, Хосе Аркадио Буэндиа Макондога асос солиш учун тоғ тизмаларини кесиб ўтгани каби жасорат, полковник Аурелиано Буэндиа ўзининг барча беҳуда урушларини олиб борганидаги каби кўр-кўрона ифтихор, ўз зурриёти ҳаловати учун курашган Урсула сингари телба бир ўжарлик билан қидирди. У одамлардан дафн гулчамбарлари қаерда сотилишини сўраб-суриштирарди. Одамлар уни энг яхши гулчамбар танлаб олиши учун у хонадондан бу хонадонга бошлашарди. У ер юзидаги энг гўзал аёл қаерда яшашини сўраганида, барча оналар ўз қизлари ёнига олиб боришарди. Бир неча ҳафта давом этган самарасиз қидирувлардан сўнг, барча кўнғироқлари худди марҳумга мотам тутаётгани каби чалиниб турган номаълум бир шаҳарга кириб келди. У ҳаттоки бирор марта кўрмаган ва эшитмаган бўлса-да, шимолдан эсган шамоллар учириб келган туз таъсирида деворлари емирилган, равоқларининг ёғочи чириб, қорайиб кетган ва эшиги тепасидаги бир парча картондаги «Дафн гулчамбарлари сотилади» деган ёзуви ёмғирдан ўчаёзган уйни (дунёда бундан кўра қайғулироқ ёзув бўлмаса керак) дарров таниди. Айни лаҳзадан бошлаб, то Фернанданинг она-игуменья<sup>1</sup> назорати остида бўлган вақт шу қадар тез ўтдики, бу муддатда роҳибалар келинлик сарпосини тикишга ҳамда қандил, кумуш идиш-товоқлар, тилла тувак ва икки асрдан бери давом этаётган оилавий ҳалокатнинг сон-саноксиз ва фойдасиз қолдиқларини сандиқларга жойлашга зўрға улгуршиди. Дон Фернандо қизни кузатиб боришга кўнмади. У қарзларидан қутилган заҳотиёқ Макондога етиб келишга сўз берди ва қизига оқ фотиҳа бериб, яна ўз кабинетига беркиниб олди ва фарзандига мотам виньеткалари ҳамда оилавий герб тасвири туширилган қоғозларга битилган қисқа мактублар йўллаб турди. Фернанда уйларидан чиқиб кетган кунни қайта тўғилгандай бўлди. Аурелиано Иккинчи учун эса, бу кун ҳам бахтнинг ибтидоси, ҳам интиҳоси эди.

Фернанда зарҳал гуллар билан безатилган, эру хотинлик бурчини адо этишдан тийилиш кунлари руҳоний томонидан бинафша ранг сиёҳда белгилаб чиқилган бежирим тақвим олиб келди. Унда бир қатор саналар, жумладан: якшанбалар, ҳар ойнинг ибодатбоп илк жумаси, рўза ва назр-ниёз кунлари, шунингдек, вақти-вақти билан бўладиган касаллик даврини ҳисобга олмаганда, бинафшаранг холлар сочиб ташланган қуюқ ўрмоннинг ҳар жой-ҳар жойига ташлаб қўйилган қирқ икки яроқли кун қоларди, холос. Вақти келиб бу тиканли тўсиқ кунпаякун бўлишига ишонган Аурелиано Иккинчи тўй базмини сал узоқроқ давом эттирди. Шампан ва коньякдан бўшаган шишалар уюмининг уйни босиб кетмаслиги учун уларни ахлат ташувчига тинимсиз чиқариб беришдан чарчаган ва келин билан куёв турли вақтда ҳамда турли хоналарда ётишларидан, фанфараю музика овозлари тинмаётганидан, мол сўйиш ҳанузгача давом этаётгани хаёлини банд қилган Урсула ўзининг келинлик тажрибасини эслаб, Фернандадан унинг инфат камари бор-йўқлигини суриштирди. Шундай бўлган тақдирда, бу ҳол эртами-кечми шаҳарга овоза бўлиб, охири ёмонлик билан тугарди. Аммо Фернанда ҳеч қандай камари йўқлиги, фақат тўйдан кейин икки ҳафта ўтишини қутаётганини ва шундан сўнг ўзини эрининг ихтиёрига топширажагини айтди. Дарҳақиқат, ана шу муддат ўтгандан кейин у ўзини қурбон қилишга тайёрлаб, куёви ётоғининг эшигини очди ва Аурелиано Иккинчи кўзлари ҳуркак оҳуникига монанд, мисранг узун сочлари ёстиққа ёйилиб ётган, дунёдаги энг сулув аёлни кўрди. Махлиё бўлиб қолган куёв, Фернанда энглари узундан-узун, човида катта, чети маҳорат билан кашталанган думалоқ тешик қолдирилган, қордай оппоқ кўйлак кийиб олганини кейинроқ пайқайди. Аурелиано Иккинчи ўзини кулгидан тия олмади.

<sup>1</sup> Игуменья — аёллар монастирининг бошлиғи.

— Умримда бунақа уят нарсани кўрмаганман! — қичқирди у кула-кула. Кулгиси бутун уйни, тутиб кетди. — Мен роҳибага уйланибман.

Орадан бир ой ўтди. Хотини ўша оқ кўйлагини ечавермагач, у Петра Котесни қиролича кийимида суратга тушириш учун борди. Кейинчалик, у Фернандани йўлдан қайтаришга муваффақ бўлганида, келин ярашув шавқидан маст бўлиб, куёв хоҳишига рози бўлди, аммо Аурелиано Иккинчи ўттиз икки қўнғироқли шаҳарга йўл олаётиб орзу қилган оромини бахш этолмади. Бир куни кечқурун, тўнғич ўғиллари туғилмасидан анча илгари, Фернанда эри яширинча Петра Котеснинг ёнига борганини билиб қолди.

— Ҳа, сен ҳақсан, — тан олди у ва хотинига ўз ихтиёри билан, ҳаммасидан тамоман воз кечишга тайёр одамдай, тушунтира кетди: — Мен поданинг серпуштлигини ўйлаб шу ишни қилдим.

Албатта, хотинни бу ғайриоддий далилга ишонтириш учун анча вақт кетди, лекин Аурелиано Иккинчи рад қилиб бўлмас далиллар келтириб, ниҳоят бунга эришганидан кейин, Фернанда ундан фақат бир нарсани — жазман тўшагида ўлиб қолмасликка ваъда беришини сўради, холос. Улар учовлон, бир-бирларига асло ҳалақит бермай, яшашни давом эттиришди; Аурелиано Иккинчи иккала аёлга ҳам меҳрибон эди. Петра Котес ўз ғалабасидан завқланар, Фернанда бўлса ўзини ҳеч нарсани билмасликка соларди.

Гарчанд Фернанда эри билан сулҳ тузса-да, қолган Буэндиалар билан тил топишолмади. Урсуланинг илтимослари бекор кетди. Фернанда хотинлик бурчини бажарган кечанинг «ртасига қора жун капот<sup>1</sup> кийиб чиқиш одатини ташламади. Бу капот аллақачон қўшнилариинг шивир-шивирига сабаб бўлганди. Шунингдек, Урсула Фернандани мўрча ва ҳожатхонадан фойдаланишга, тилла тувагини балиқчалар тайёрлаш учун полковник Аурелиано Буэндиага сотишга ҳам мажбур қилолмади. Фернанданинг сўзларни нотўғри талаффуз этиб, ниҳоятда пардалаб, нақ зарбулмасал қилиб айтиш одати Амарантанинг жиғига тегар, шу сабаб, у Фернанда билан доимо қандайдир тушнуксиз бир тилда гаплашарди. «Буфа қизфа фе ўзаро тедагидафа бурнинифе жийирафа тоифасиданфefe», — деб қолди Амаранта тўсатдан бир куни.

Фернанда ошқора мазахдан дарғазаб бўлиб, изоҳ сўраганида, Амаранта пардалаб ўтирмади:

— Сен рўза тутиб, савобини кетидан кутадиган одамсан!

Ана шу кундан эътиборан, улар гаплашмай қўйишди. Жуда зарур пайтлари эса, хат ёки воситачи орқали иш тутар эдилар. Фернанда Буэндиаларга ўз аждодларининг олижаноб анъаналарини сингдирмоққа уринарди. У ҳар кимнинг ўзи хоҳлаган пайтда ошхонага кириб овқатланиш одатини йўқотди ва бутун оилани устига қордай оппоқ дастурхон, шамдон ва кумуш идиш-товоклар қўйилган каттакон стол атрофига қатъий бир соатда тўплайдиган бўлди. Урсула энг жўн нарса деб ҳисоблайдиган тамадди жараёнининг тантанали маросимга айланиши; уйда шу қадар тоқат қилиб бўлмайдиган батартиб муҳит яратдики, ҳатто камгап Хосе Аркадио Иккинчи ҳам бунга қарши чиқди. Лекин, бари бир, бу янги қоида, бошқа бир янглик — кечки ибодат каби тантана қилди; бу эса қўшнилариинг эътиборини тортди ва Буэндиаларнинг стол атрофида оддий одамлардек ўтирмасликлари, уларнинг тамаддини нақ ибодат маросимига айлантиргани овоза бўлиб кетди. Ҳаттоки Урсуланинг ирим-сиримлари ҳам Фернанданинг отамерос иримларига мутлақо зид бўлиб чиқарди. Урсуланинг тўрт мучаси соғ пайтида оиланинг айрим эски анъаналарига риоя қилинарди. Аммо Урсула кўр бўлиб қолиб, рўзғор юмушларидан четлашганидан сўнг, Фернанда келин бўлиб тушгач, хонадон қаттиққўллик исканжасида қолди. Эндиликда оила тақдирини Фернандадан бўлак ҳеч ким ҳал этолмасди. Урсуланинг хоҳишига кўра, Санта София де ла Пьедад қандолат сотишни давом эттирарди. Фернанда эса буни оила учун номуносиб иш деб баҳолади. Эртаю кеч ланг очик турадиган эшикларий олдинига тушки уйку пайтида ёпилса, бора-бора умуман очилмайдиган бўлди. Макондо бунёд бўлганидан бери эшик кесақисига осиглиқ турадиган бир тўтам алоэ ва бошоқ ўрнини Исонинг юраги тасвирланган токча эгаллади. Полковник Аурелиано Буэндиа бу янгиликларни сезган: «Биз оқсуякларга айланиб қолаяпмиз, — деб норозилик билдирди. — Энди консерваторларга қарши уруш очиб, уларнинг ўрнини қиролга олиб беришга тўғри келади». Фернанда полковник билан орани бузмасликка ҳаракат қиларди. Албатта, у полковникнинг мустақиллигидан, уйда жорий этилган янги қоидаларга монелик кўрсатишидан ичида норози бўларди. Унинг ҳар куни эрталаб соат бешда қаҳва ичишдан, устахонасидаги тартибсизликдан, илма-тешик бўлиб тўзиб қолган ёмғирпўшидан, кечқурунлари кўча эшиги ёнида ўтириш одатидан фиғони чиқарди. Лекин Фернанда оила механизмининг-бу

<sup>1</sup> Капот — уй ичиде кийиб юриладиган кийим.

бебош детали билан муроса қилишга мажбур эди. Чунки полковникнинг йиллару ноумидлик бир амаллаб хонакилаштирган ёввойи ҳайвон эканини, агар ғазаби келса, хонадондаги янгица тартибни таг-томири билан қўпориб ташлашини яхши биларди. Эри тўнғич фарзандларига катта бобосининг исмини қўйганида, Фернанда эътироз қилолмади. Аммо қизча кўргангида чақалоққа онаси шарафига Рената деб исм қўяжagini баралла айтди. Урсула эса, уни Ремедиос деб атаймиз, деб туриб олди. Аурелиано Иккинчи ўрталикда антиқа бир воситачилик вазифасини бажарган кескин бахслардан кейин, қизчага Рената Ремедиос деб исм қўйишди. Фақат онасигина уни Рената деб чақирар, қолган ҳамма эса Ремедиоснинг исмини қисқартириб, Меме, деб аташарди.

Фернанда дастлаб ота-онасидан гап очмасди, аммо кейинчалик уларни очичқасига улуғлай бошлади, у отасини нақ авлиё қилиб тасвирлар эди. Қайнотасининг бунчалар кўкка кўтарилишидан таажжубланган Аурелиано Иккинчи ўзини тиёлмай, хотини йўқ пайтида қайнотаси ҳақида ҳазил-ҳузил қиларди. Бошқалар ҳам унга эргашар эди. Ҳаттоки оила тинчини жон куйдириб кўриқлаб, уйларидаги ғавғолардан пинҳоний азиат чекиб юрувчи Урсула ҳам бир кун: «Кенжа неварамни папалик тахти кутмоқда, чунки унинг «бобоси авлиё, онаси — киролича, отаси эса — мол ўғриси», деб қолди. Бу шўх фитначиларнинг майнавозликларига қарамай, Аурелиано Иккинчининг болалари боболарини доимо диёнатга доир шеърлар битилган мактублар, рожество арафасида эса совғалар солинган улкан кути (у шунчалар катта бўлардики, эшикдан хонага базўр олиб киришарди) юбориб турадиган афсонавий одам деб ўйлашга одатланишди. Дон Фернандо невараларига аждодларидан қолган мулкнинг энг сўнги қолдиқларини бирин-кетин жўнатарди. Тўралар хонадонларининг дафнга дахлдор кўҳна ва мунгли ҳашами аста-секин Буэндиаларнинг шинам ва ёруғ уйига ҳам кўчди. «Бизга бутун бир оилавий қабристонни юборишди, — деди бир пайт Аурелиано Иккинчи. — Мажнунтолу қабртошлар етишмай турибди, холос». Гарчанд боболари юборадиган қутилларда болаларбоп ҳеч вақо бўлмаса-да, неваралар бари бир декабрь ойини сабрсизлик билан кутишар, чунки қадимий ва кутилмаган буюмлар уларнинг ҳаётига доимо аллақандай ранг-баранглик бахш этарди. Унинг рождествога ўтар чоғи, кичик Хосе Аркадиони семинарийга жўнатишга ҳозирлик кўришаётганларида, боболаридан тагин каттакон кути келди. Одатдаги муддатдан анча илгари юборилган бу кути михлаб маҳкамланган, нам тегмасин учун чокларига қатрон суртилган, устига готик ҳарфларда «Сеньора донья Фернанда дель Карпио де Буэндиа зоти олийлари» деб битилган эди. Фернанда ётоғига ўтиб хатни ўқиётган пайтда, болалар кутини очишга ошиқиб югуришди. Ҳар галгидек Аурелиано Иккинчи уларга кўмаклаша бошлади. Улар қатронни қиртишлаб ташлашди, михларни суғуришди, қипиқларни олиб ташлашди ва унинг остида мис мурватлар билан маҳкамланган узун кўрғошин сандиқни кўришди. Сандиқнинг саккиз мурватини бураб чиқарган Аурелиано Иккинчи ноғохон қичқириб юборди ва болаларни четга олишга аранг улгурди. У андак кўтарилган қопқоқ тагида дон Фернандонинг ўлгини кўрди. Марҳумга қора либос кийдирилган, кўкрагига хоч қўйилган эди. Жасад қуртларнинг кўпикли, бижғиган қайласида аста-секин димиққан, териси эса сассиқ кекирикдек товуш чиқариб ёриларди.

Рената туғилганидан сўнг хийла вақт ўтгач, Неерланд муваққат битимининг галдаги муносабати билан ҳукумат дафъатан полковник Аурелиано Буэндианинг юбилейини нишонлашга кўрсатма берди. Бундай қарор расмий сиёсатга шу қадар қовушмасдики, полковник ҳеч иккиланмасдан рад этди ва қутлаш маросимидан воз кечди. «Мен «қутлаш» сўзини биринчи марта эшитишим, — деди у. — Лекин у нимани англамасин, бари бир, бу очикдан-очик таҳқирдир». Унинг тор устахонаси турли вакиллар билан тўлиб тошди. Илгарилари полковникнинг атрофида кузгундек айланадиган ўша қора костюмли адвокатлар яна пайдо бўлишди. Улар энди кексайиб қолишган, лекин аввалгидан кўра салобатлироқ эди. Полковник адвокатларни кўриб, уларнинг уруши боши берк кўчага олиб кириш мақсадида келганларини эслади, сурбетларча мақтовларга чидай олмай, мени холи қолдиринглар, деб буюрди. «Сиз таъкидлаётгандек миллат озодлиги курашчиси эмас, балки ўтмиши йўқ оддий ҳунармандман, бирдан-бир орзуим — олтин балиқчалар орасида ҳолдан тойиб, қашшоқ ва унутилган одам сифатида ўлиш», деб айтди. Республика президентининг Макондодаги тантанада шахсан иштирок этиши ҳамда полковникка «Ҳурмат» орденини тапшириши ҳақидаги хабар уни айниқса ғазаблантирди. Полковник Аурелиано Буэндиа президентга қуйидагиларни сўзма-сўз етказишларини илтимос қилди: «Ҳукуматнинг қонунини бузаётгани, мансабни суистеъмол қилаётгани учун эмас, балки беэиён қарияни беҳурмат қилгани учун президентнинг пешонасига ўқ узадиган қулай вазиятни сабрсизлик билан кутаман». У шу қадар қизиққонлик билан дўқ-пўписа қилдики, оқибат натижада республика президенти энг сўнги дақиқада аҳдидан қайтиб, орденин шахсий вакили орқали бериб юборди. Тўрт томондан қуршовга олинган



полковник Херинельдо Маркес, илтимос ва талабларга кўнди ва охири эски қуролдош дўстини авраш мақсадида ўзининг шоллик тўшагини тарк этди. Полковник Аурелиано Буэндиа тўрт киши кўтариб олган тебранма курсидаги катта ёстиқлар орасида ўтирган дўстини кўрганида, ёшлик йилларидан буён ғалаба ва мағлубиятни биргаликда тотиб келаётган полковник Херинельдо Маркес ҳузурига фақат бир мақсад — унинг азми қарорини қўллаб-қувватлаш учун келганига бир зум ҳам шубҳа қилмади. Аммо ташрифнинг асл муддаосини билгач, устахонадаги курсини полковник Херинельдо Маркес билан бирга чиқариб ташлашни сўради.

— Сени аввалроқ отиб ташласам бўларкан, дўстим, — деди Аурелиано Буэндиа, — ўшанда бугунгидақа номусга қолиб юрмасдинг.

Шу тариқа қўтлов маросими Буэндиаларнинг иштирокисиз ўтказилди. Қўтлов карнаваллар ҳафталигига тасодифан тўғри келди, аммо ҳукумат мени атай мазах қиляпти, деган фикр полковник Аурелиано Буэндиага тинчлик бермасди. У устахонада ўтириб ҳарбий музика садолари, артиллерия залпини, кўнғироқлар жарангию ва кўчаларига унинг номи берилиши муносабати билан сўзланган нутқларнинг айрим жумлаларини эшитди. Полковник Аурелиано Буэндианинг кўзлари ёшга тўлди, ёшлигидаги шижоати йўқолганидан илк бор надомат чекди. Урсула устахона эшигини қоққанида, ҳали қўтлов тантаналарининг акс-садоси тинмаган эди.

— Мени тинч қўйинглар, — деди полковник Аурелиано Буэндиа. — Мен бандман.

— Оч, — Урсуланинг товуши ҳамишагидек вазмин эди. — Бунинг байрамга ҳеч бир алоқаси йўқ.

Шундан сўнг у эшик лўкидонини суриб, эшик олдида турган ўн етти нафар эркакни кўрди. Гарчанд уларнинг ташқи қиёфаси, афт-ангори, ранг-туслари турлича бўлса-да, аллақандай умумий ўхшашликлар бор эди. Улар полковникнинг ўғиллари эди. Ака-укалар, гарчи бир-бирларини мутлақо танимасалар-да, юбилей тўғрисидаги хабарини эшитиб, ҳар бири ўзича соҳилнинг энг узоқ бурчакларидан келишганди. Улар исмлари Аурелиано эканидан фахрланишарди. Меҳмонлар уч кун ичида уйни остин-устун қилиб ташлашди. Бундан Урсула қувонар, Фернанданинг жаҳли чиқар эди. Амаранта эски қоғозлар орасидан Урсула бир пайтлар ҳар бир неварасининг туғилган ва вўқинтирилган куни ҳамда адресини ёзиб қўйган дафтарчани қидириб топди. Бу рўйхатга қараб, йигирма йиллик урушнинг ҳар бир йилини хотирада қайта тиклаш мумкин эди. Аурелиано Иккинчи қариндошларининг ташрифини шампан виноси ва аккордеонли сершовқин базм билан нишонлади. Меҳмонлар уйдаги гулдонларнинг нақ ярмини чил-парчин қилишди, каттакон ҳўкизни кўрпага ўраб гандираклатиш ниятида кува-кува, атиргулларни пайхон қилишди, барча товўқларни отиб ташлашди. Амарантани Пьетро Креспининг ҳазин вальсларига рақс туширишди, Гўзал Ремедиосга шим кийдириб, учига соврин илинган узун хомага чиқаришди, улар емакхонага ҳайдаб кирган, танасига ёғ суркалган чўчка Фернандани туртиб ағдариб юборди. Аммо кўнгилсизликлардан ҳеч ким арз қилмади, чунки бутун уйни ағдар тўнтар қилиб ташлаган бу зилзила уларга аллақандай ҳузурбахш бўлиб туюлди. Полковник Аурелиано Буэндиа ўғилларининг қилиқларидан бироз овунди ва жўнашлари олдидан ҳар бирига биттадан тилла балиқча ҳадя этди. Одамови Хосе Аркадио Иккинчи эса амакиваччаларини хўроз уриштиришга таклиф қилди. Бу воқеанинг фожеа одамлар тугашига оз қолди. Аурелианоларнинг кўпчилиги хўроз уриштиришнинг ҳадисини олган эдилар. Улар беллашувда пешқадамлик қилаётган падре Антонио Исабелнинг муттаҳамлигини дарҳол фош этишди. Қариндошлари сайр-томоша ва ўйин-кулгига ўчлигини сезган Аурелиано Иккинчи уларни шу ерда олиб қолишга аҳд қилди. Унинг таклифига куч-қуввати тўлиб-тошган ва бобоси сингари тадқиқот ишларига мойиллиги зўр баҳайбат мулат — Ғамгин Аурелиано рози бўлди, холос. У омад қидириб дунёнинг ярмини кезиб чиққан, энди унга қаерда яшашнинг аҳамияти йўқ эди. Бошқалари эса, гарчанд ҳали оилали бўлишмаса-да, ўз тақдиримизни топганмиз, деб ҳисоблашишарди. Уларнинг барчаси қўли гул хунаромандлар бўлиб, рўзгор тутишни ҳам жойига қўядиган одамлар эди. Чоршанба, улуғ рўзанинг биринчи кунини, йигитлар ўз уйларига жўнаб кетмасларидан бурун, Амаранта уларни черковга боришга ундади. Полковникнинг ўғиллари черковга тазару учунмас, балки эрмак учун боришди. Падре Исабель ҳар бирининг пешонасига қулдан хоч тасвирини чизиб қўйди. Қайтиб келишгач, уларнинг кенжаси пешонасини артмоқчи бўлса, ҳеч ўчмади. Акаларининг манглайидаги белгилар ҳам ўчмади. Улар сув ва совун, қум ва чипта, охири эса жилвиртош ва жавҳарни ишга солишди, бироқ хочни ўчира олишмади. «Қайтага яхши-ку, — деди Урсула ака-укалар билан хайрлашаётиб. — Энди сизларни ҳеч ким адаштирмайди». Улар оркестр садоси остида, бир тўп бўлиб ва шаҳарда Буэндиалар пушти асло қуримайди, деган тасаввур қолдириб, йўлга тушдилар.

Телба ихтирочи Хосе Аркадио Буэндиа орзу қилган ўша муз фабрикасини Ғамгин Аурелиано шаҳар четида бунёд этди.

Макондога келганидан бир ой ўтгандан сўнг, ҳамма таниб, ёқтириб қолган Ғамгин Аурелиано онаси ва эрга чиқмаган синглиси (у полковникнинг қизи эмасди) учун қулай жой излаб, майдон бурчагидаги катта, беўхшов ва эски иморатга қизиқиб қолди. Бу бино жуда ташландиқ аҳволда эди. Ғамгин Аурелиано одамлардан уй эгасини суриштирди. Унга, бу уй бўш, деб айтишди. Илгари унда кесаххўр бир бева яшаркан. Уни ўлимидан олдин икки мартаба — майда сунъий гуллар қадалган шляпа ва эски туфлида майдонни кесиб, епископга ёзган хатини жўнатиш учун почта идораси томон бораётганида кўришган экан. Йигит беванинг яккаю ягона дугонаси бағритош бир оқсоч аёл бўлганини ва у уйга кириб қолган ит, мушук ҳамда бошқа жониворларни ўлдириб, жасадларини кўчанинг ўртасига иргитишини билиб олди. Уй соҳибаси ва унинг оқсочи уруш тамом бўлишдан анча илгари ўлиб қетганлигига ҳамманинг ишончи комил эди. Иморат эса кўпдан буён қаттиқроқ қиш ва бурон бўлмаётгани учунгина қулаб тушмаганди. Ошиқ-мошиқларини занг еб битирай деган эшиклар гўё ўргимчак ипларига осилиб тургандай эди; дераза ромлари намликдан шишиб кетганди; галереядаги ўйдим-чукур бўлиб кетган цемент полдан ўт ва дала гуллари униб чиққан бўлиб, уларнинг орасида калтакесак ҳамда бошқа жониворлар ўрмалаб юрарди. Хуллас, айти манзара уйда қарийб эллик йилдан буён ҳеч ким яшамаётганини таъкидларди. Бесабр Ғамгин Аурелиано уйни эгаллаши учун бу далилларнинг чораги ҳам кифоя қиларди. Ғамгин Аурелиано оёғи остидан чиққан чанг босилгунича остонада кутиб турди, сўнгра меҳмонхона ўртасидаги ўтган аср модасида кийинган озиб-тўзган аёлга кўзи тушди. Унинг бирорта туки қолмаган бошидан бир неча дона сарғиш ўт ўсиб чиққан, ҳали гўзаллигини йўқотмаган йирик кўзларида умид учкунлари сўна бошлаган, танҳолик азобидан ажин тушган озгин юзлари тиришиб кетган эди. Арвоҳ билан учрашувдан ҳаяжонга тушган Ғамгин Аурелиано аёл қўлидаги эски нусха ҳарбий тўппончадан нишонга олганини сал кечикиброқ пайқади:

— Мени кечиринг, — деди у шивирлаб.

Аёл эски буюмлар билан тўлиб-тошган хонанинг ўртасида турганча, пешонасига қулдан хоч тасвири туширилган, кенг елкали бу паҳлавонни диққат билан кузатди ва ҳали батамом босилмаган ғира-шира ғуборда у кўзига қўшоғиз милтиқ осиб олган, қўлида қуён тугган одамдек туюлди.

— Йўқ! Худо ҳақи! — қичқирди аёл хирилдоқ товушда. — Менга энди буни эслатиш шафқатсизлик бўлади.

— Мен уйингизни ижарага олмоқчи эдим, — деди Ғамгин Аурелиано.

Шунда аёл яна тўппончасини Ғамгин Аурелианонинг пешонасидаги хочга тўғрилади ва қатъийлик билан тепкини кўтариб қўйди.

— Кетинг, — деб буюрди у.

Кечқурун, овқат маҳали Ғамгин Аурелиано воқеани уйдагиларга сўзлаб берди ва унинг ҳикоясидан ғамга ботган Урсула кўзёши қилиб олди. «Вой худойим-эй, — дея илтижо қилди у бошини чангаллаганча. — У ҳали тирик экан-да!» Вақт, урушлар, беҳисоб бахтсизликлар туфайли Урсула Ребекани бутунлай унутиб юборганди. Кексайиб қолган бир сўзли Амарантагина, Ребека тирик, деган ўйдан ҳалос бўлолмасди. У тонглари ғариб тўшагида чўчиб уйғониб кетганида ҳам, салўган баданини юваётганида ҳам, оқ газламадан тикилган кампирларбоп юбка ва корсажини кияётганида ҳам, мудҳиш гуноҳини эслатувчи қора билакбандини алмаштираётганида ҳам, нуқул Ребека ҳақида ўйларди. Амаранта доимо, ухлаётганида ҳам, бедорлигида ҳам, руҳи кўтаринки ва нияти бузилган дақиқаларда ҳам Ребекани ўйларди; танҳолик унинг хотираларини маълум бир тартибга солди — турмуш юрагига қалаб ташлаган, кўнгилга ғам-ғуссаларни эслатувчи суприндиларни ёзиб юборди ва бошқа қатор аччиқ хотираларини тозалаб, уларга мангулик ато этди. Гўзал Ремедиос Ребеканинг ҳаёт эканини Амарантадан яширди. Улар унинг путурдан кетган уйи ёнидан ўтишаётганида, Амаранта қизга ҳар сафар Ребеканинг нонкўрлиги ёки рақибасининг номи билан боғлиқ аллақандай кўнгилсиз ёки беҳаё воқеа тўғрисида ҳикоя қилиб берар ва ҳолдан тойдирувчи адоватини шу йўсинда Гўзал Ремедиос билан бирга баҳам кўришга, уни ўлимидан сўнг давом эттиришга интиларди. Лекин унинг уринишлари мудом самарасиз яқунлар, чунки Гўзал Ремедиосга бошқаларни ҳаяжонлантирувчи эхтирослар мутлақо ёт эди. Урсуланинг ҳислари эса Амарантаникига батамом зид эди: Ребека у учун барча разилликлардан холи бир хотира эди. Урсуланикига ота-онасининг шикилдоқ суяклари солинган қоп билан биргаликда келтирилган бу бечора митти қизнинг сиймоси Ребекани Буэндиаалар авлодига номunosиб қилиб қўйган ўша шармандали хатти-ҳаракатлари ҳақидаги хотирадан устун чиқди. Аурелиано Иккинчи Ребекани уйларига кўчириб келиб, унга ғамхўрлик кўрсатишга қарор қилди, аммо Ребеканинг ўжарлиги туфайли бу эзгу

ният амалга ошмади. Ребека танҳолик имтиёзини ўзгалар паноҳидаги шафқатга, сохта лаззатлардан иборат беором кексаликка алмаштиришни хоҳламасди.

Февраль ойида Макондога полковник Аурелиано Буэндианинг пешоналаридаги хоч тасвири ҳали ҳам ўчмаган ўн олти ўгли яна келганида, Ғамгин Аурелиано уларга Ребека ҳақида гапириб берди ва улар бир неча соат мобайнида Ребеканинг уйини сувовдан чиқаришди, эшик ва деразаларини алмаштиришди, пештоқни дилни яйратадиган ёрқин рангга бўяшди, деворларига тиркагич ўрнатишди, галерея полини қайтадан цементлашди. Аммо уйнинг ичкарисини тузатишга рухсат бўлмади. Ребека ҳатто эшик ёнига ҳам яқин келмади. Ака-укалар таъмир ишларини тугатишгач, Ребека бунинг қийматини ҳисоблаб чиқди ва кекса оқсочи Архенидадан бир ҳовуч танга бердириб юборди (бу пуллар охириги урушдан сўнг муомаладан чиқарилган, аммо Ребека ҳамон уларни яроқли деб ўйлар эди). Шундан кейингина улар Ребека билан бу дунё ўртасида нақадар чуқур чоҳ борлигини сезишди ва таркидунё қилган аёлни то қалбидаги ҳаёт учқуни батамом сўнмагунча, бирор жойга олиб кетиш мумкин эмаслигини тушунишди.

Полковник Аурелиано Буэндианинг ўғиллари иккинчи бор келишганида, улардан яна бири — Жавдарранг Аурелиано Макондода қолди ва Ғамгин Аурелиано билан биргаликда ишлаб бошлади. Жавдарранг Аурелиано полковникнинг чўқинтириш учун уйга олиб келинган илк ўғилларидан бўлиб, Урсула билан Амаранта уни жуда яхши эслаб қолишганди, чунки у қўлига тушган барча мўрт буюмларни бир неча соат мобайнида синдириб ташлаган эди. У бетида чечак излари қолган ўрта бўйли одам эди, аммо болаликдаги бузармонлиги ҳамон қолмаганди. У қанчадан-қанча ликопчаларни синдирди. Ҳатто кўли тегмаса-да, ёнида турган идишлар ҳам чил-парчин бўларди, қимматбаҳо сервизини аяган Фернанда унга қалайи ликопчалар харид имкониятлари торлик қилиб қолди ва Ғамгин Аурелиано водийнинг бошқа ерларида ҳам муз сотиш муаммоси ўйлантириб қўйди. Худди шу пайт унинг миясига ажойиб фикр келди.

— Темирийўл ўтказиш керак, — деди Ғамгин Аурелиано.

Бу — Макондода «темирийўл» сўзининг биринчи марта жаранглаши эди. Ғамгин Аурелиано чизган чизмалар бир вақтлар Хосе Аркадио Буэндианинг ҳукумат раҳбарларига йўллаган куёш уруши қўлланмасининг бевосита давоми ҳисобланар ва буни курган Урсуланинг, олдинга эмас, балки доира бўйлаб ҳаракат қилади, деган шубҳаси тасдиқланди. Аммо Ғамгин Аурелиано бобосидан фарқли ўлароқ, на уйқусини, на иштаҳасини йўқотди ва на дилгир кайфияти билан бировларни қийнади, аксинча, ҳайратомуз лойиҳаларини пиширтар экан, уларнинг яқин фурсат ичида амалга ошишига қатъий ишонар, қиймату муҳлатга алоқадор барча ҳисоб-китобларни уқув билан тузар ва режаларини ҳеч иккиланмай амалга оширарди.

Агар Аурелиано Иккинчи нимаси биландир катта бобосига ўхшаб кетса ва нимаси биландир полковник Аурелиано Буэндиадан фарқ қилса, бу энг аввало унинг ўтмишнинг аччиқ сабоқларига мутлақо бепарқлигидан эди; у бир вақтлар акасининг беҳуда кемасозлик саноатига аямай пул сочгани каби, темирийўл қурилиши учун ҳам хасислик қилиб ўтирмади. Ғамгин Аурелиано тақвимга бир кўз ташлаб олди-да, ёмғирлар мавсуми тугаши билан қайтишга ваъда бериб, чоршанба куни жўнаб кетди. Шу-шу, дом-дараги бўлмади. Жавдарранг Аурелиано фабрика ишлаб чиқарган ортиқча маҳсулотлар орасида нафаси қайта-қайта, сув ўрнига мева шарбатидан муз тайёрлаш бўйича тажрибалар ўтказар ва кутилмаганда музқаймоқ тайёрлаётганини пайқаб қолган эди.

Қиш фаслининг бошларида дарёда кир чайётган аёл ғоят асабий бир ҳолатда, дод-вой солганича, шаҳарнинг марказий кўчасига югуриб чиқди.

— У ёқдан даҳшатли бир нарса келяпти! — деди аёл, — Худди ғилдиракли ошхонага ўхшайди, ортига бутун бир шаҳарни тиркаб олган!

Макондо ўша заҳотиёқ даҳшатли ҳуштак ва пишқириқ овозидан ларзага келди. Кўпчилик бундан бир неча ҳафта илгари ишчилар артели аъзоларининг ёғоч ва темир из ётқиизишганини кўришган, лекин бунга ҳеч ким жиддий эътибор бермаганди, чунки ҳаммалари буни ўша юз йил бурунгидек ҳуштак ва дўмбира чалиб, Қуддуси Шариф даҳолари ихтиро қилган ғалати суюқ дориларни овоза қилиш учун қайтиб келган лўли қавмининг галдаги найранги деб ўйлашган эди. Аммо дастлабки саросима тарқагач, барча макондоликлар кўчага отилиб чиқишди ва паровозда туриб қўл силкиётган Ғамгин Аурелиано ҳамда гуллар билан безатилган роса саккиз ой кечикиб келган биринчи поездни кўришди. Бу — Макондо бошига чексиз шубҳа ва ишонч, эзгулик ва ёвузлик, кўпдан кўп ўзгартиш,

офат ва қайғу ёғдиришга маҳкум этилган, кўринишдан беозоргина сарикранг поезд эди.

Кетма-кет содир бўлаётган ғаройиб ихтиролардан эс-ҳушини йўқотган макондоликлар ҳатто ҳайратланишга ҳам улгуролмасди. Ғамгин Аурелиано поездда олиб келган электр машина (унинг жонга тегувчи «тум-туми»га ўрганиш учун кўп вақт ва куч керак бўлади) токидан бўзарган чироқларни томоша қилганча, коммерсант дон Бруно Креспи театрда намойиш этадиган ҳаракатланувчи расмлардан ғазабланар, чунки бу фильмда ўлган, дафн этилган ва раҳмдил томошабинларнинг аччиқ кўзёшини оқизган қаҳрамон бошқа фильмда тагин тирилиб қолар, бунинг устига, ҳабашга айланган бўларди. Икки сентаво ҳақ тўлаган оломон кўз кўриб-қулоқ эшитмаган бу масхарабозликка чидай олмай, барча курсиларни синдириб ташлади. Алкальд ўзининг махсус ахборотида, дон Бруно Креспининг қаттиқ талабига биноан, оломонга бу ускуна иллюзиялар вужудга келтирувчи кино — бор-йўғи бир аппарат эканини, оломоннинг бу қадар дарғазаб бўлишига арзимаслигини тушунтириб берди; бу мужмал изоҳлардан кейин кўпчилик, лўлиларнинг янги бир бемаъни найрангига қурбон бўлибмиз-да, деб ўйлади ва кулфатимиз ўзимизга етиб-ортарди, уйдирма шахсларнинг уйдирма мусибатларига кўзёш қилишимизга ҳожат йўқ деб, кинога бошқа бормасликка қарор қилишди. Француз гетералари эскира бошлаётган органчалар ўрнига олиб келишган ва маҳаллий чолғу оркестрининг нонини яримта қилган граммофонлар пайдо бўлганда ҳам худди шундай ҳодиса юз берди. Ялпи қизиқувчанлик илгари одамларнинг келиши тақиқланган бу кўчадаги мижозлар сонининг ўсишига сабаб бўлди ва ҳатто, айтишларича, бу жумбоқли буюмни яқиндан кўриш истагида шаҳарнинг обрўли аёллари эркакча кийиниб келишарди, улар граммофонларнинг нақ пинжига тикилиб олишиб, шунчалар узоқ тикилишардики, одамлар тез орада, граммофон ҳамма ўйлагани ва гетералар ишонтиришга уринишгани каби сеҳрли тегирмон эмас, балки бураб ҳаракатлантирувчи оддийгина ўйинчоқ, унинг куйини эса оркестрнинг қалбни тўлқинлантирувчи, инсоний, тўла ҳаёт ҳақиқати билан йўғрилган куйига мутлақо таққослаб бўлмайди, деган қарорга келишди. Граммофонлар жуда тез тарқалиб, уларни ҳар бир уйда учратиш мумкин бўлса-да, одамларнинг ихлоси қайтиб кетган эди. Лекин уларни катталарнинг эмас, балки болаларнинг овунчоғи сифатида харид қилишганди, болалар бу антиқа машиналарнинг «ичак-чавоғи»ни ағдариб, кўнгилларини хуш этардилар. Лекин шаҳарликлардан бири темирйўл станциясида ўрнатилган, узун айланма дастали, олдинига граммофоннинг шунчаки жўн нухсаси, деб юришган аппарат — телефоннинг аччиқ ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, энг бей одамлар ҳам саросимага тушиб қолишди. Худои таоло гўёки макондоликларнинг ҳайратлари чегарасини текшириб кўриш учун, уларни мудом завқ ва умидсизлик, шубҳа ва эътироф ўртасида иккилантириб туришга аҳд қилганга ўхшарди. Бу — ҳақиқат билан иллюзиянинг шу қадар чалкаш-чулкаш қоришуви эдики, ҳатто Хосе Аркадио Буэндианинг каштан остидаги арвоҳи ҳам изтиробга тушиб, куппа-кундуз куни уй бўйлаб кеза бошлади. Темирйўл расмий равишда очилиб, ҳар чоршанба куни эрталаб соат ўн бирда поезд келадиган, ёзув столи, телефони бор ҳамда билет сотиш учун ойнача ўрнатилган ёғоч павильонли ўртамайнагина станция қурилгач, Макондо кўчаларида ўзларини энг оддий юмушлар билан шуғулланувчи тўпори одамлар деб аташган, аслида эса цирк артистларига ўхшаб кетувчи эрқагу аёллар пайдо бўлишди. Кўчама-кўча ташиб юриб, суви қайнаганида ҳўштак чалувчи декчадан фойдаланиш ҳамда рўзанинг еттинчи куни жонни соғ-омон сақлаб қолиш қоидаларини бундай сўзамоллик билан тушунтираётган бу дайди найрангбозлар, гарчи лўлилар туфайли неча бор оғзи куйган бу шаҳарда ҳеч қанақа муваффақиятга умид боғламаса-да, уларнинг сафсаталаридан чарчаб, охири айтган шартларига рози бўлганлар ва лаванглар ҳисобига (бундайлар эса ҳамма жойда топилмади) анчагина маблағ жамғаришди. Бир чоршанба куни Макондога бу товламачилар билан биргаликда оғзидан кулги аримайдиган, пакана мистер Герберт ҳам келди. Орадан кўп ўтмай, у Буэндиалар оиласида яшай бошлади. У чавандозлар чалвори, чарм кўнжли этик, пўкак қулоқчин кийиб олган, пўлат гардишли кўзойнаги остидан икки кўзи сарғайиб кўринарди.

Бир шингил бананин еб тугатмагунча, ҳеч ким унга эътибор қилмади. Аурелиано Иккинчи уни «Ёқуб мусофирхонаси»да дафъатан, бўш хона йўқлигидан ғазаби қайнаб, испан тилини бузиб алланарсалар деяётганида учратди ва ҳар сафаргидек, бу келгиндини ҳам уйига бошлаб борди. Мистер Герберт бир-бирига боғланган бир неча аэроостатнинг эгаси бўлиб, улар билан қарийб ер юзининг ярмини айланаб, ҳамма жойда ҳам каттагина даромад қилганди, аммо у макондоликлардан бирортасини ҳам осмонга кўтаришга муваффақ бўлолмади, чунки лўлиларнинг учарбўйраларини кўрган одамлар учун аэроостат бир қадам ортга чекиниш, ҳисобланарди. Мистер Герберт бир ҳафтадан сўнг қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Одатдагидек тушлик пайтида емакхонага йўлбарс терисига ўхшаш йўл-йўл бир бош бананни олиб келишганда, биринчи бананни ҳафсаласизлик билан узиб олди. Аммо кейин яна биттасини, сўнг шоша-пиша яна бошқасини узиб олди: суҳбатини бир зум тўхтамай, банан кетидан банан ер, уларни обдан чайнаб, лаззатини тотиб, олимларга хос лоқайдлик билан гашт қиларди. Биринчи бошни тугатиб, яна банан олиб келишларини сўради. Сўнгра доимо ўзи билан олиб юрадиган асбоб-ускуналар қутисидан ўлчов асбоблари солинган кичик ғилоф чиқарди. У бананлардан бирини гавҳарфурушга хос шубҳа билан атрофлича ўрганиб чиқди; унга махсус жарроҳлик наштари билан ишлов берди, дорихона тарозисида тортиб кўрди, қуролсоз усталар фойдаланадиган калибрда ўлчади. Кейин қутисидан бошқа асбоблар комплектини олиб, бананларнинг ҳароратини, намлигини ва рангини аниқлади. Бу иш шу қадар қизиқарли туюлдики, ҳеч ким бемалол овқатлана олмади: барчаси мистер Герберт якунловчи фикр айтиб, ҳамма нарса аниқ равшан бўлишини кутарди. Лекин у муддаосини айтмади. Кейин мистер Гербертнинг шаҳарнинг чеккасида кўришди, у қўлига дастали тўр сават ушлаганча, капалак тутарди.

Навбатдаги чоршанбада эса бир гуруҳ инженер, агроном, гидролог, топограф ва ер ўлчовчилар келишди, улар мистер Герберт капалак қувиб юрган жойларни бир неча ҳафта давомида ўрганишди. Анчадан сўнг кумуш билан ишлов берилган, диванига бахмал тортилган, томи ҳаворанг ойналардан иборат сариқ поезднинг думига уланган вагонда жаноб Жек Бран келди. Бошқа вагонда келишган, илгарилари полковник Аурелиано Буэндиани ҳамма ерда кузатиб юрган ўша адвокатларга ўхшаш қора кийимдаги, димоғдор ҳуқуқшунослар жаноб Брауннинг атрофида гирдикапалак бўлишаётгани туфайли, халқ агрономлар, гидрогеологлар, топограф ва ер ўлчовчиларни ҳам, мистер Герберт ёки жаноб Браун каби урушга дахлдор одамлар бўлса керак, деб ўйлар эди. Қолаверса, ўй суриш учун вақт етишмасди, Макондонинг ҳамма нарсадан шубҳаланувчи кишилари, нималар бўляпти ўзи, деб сўрашга шайланишаётганида, шаҳар кутилмаганда дунёнинг турли гўшаларидан келган ажнабийлар қароргоҳига айланиб қолди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, гринголар ўзларининг хуморкўз, муслин кўйлакли ва катта шляпали хотинларини олиб келишди ва темирйўлнинг нариги томонидан яна бир шаҳар барпо этишди; унинг кўчаларига пальмалар ўтқазилган, уйларининг деразаларига симтўр ўрнатилган, айвонларига оқ столчалар қўйилган, шифтга эса улкан парракли вентиляторлар осилган; унинг ёнидаги каттакон яшил ўтлоқда товусу беданалар сайр қилиб юришарди. Бу даҳа худди электрлаштирилган баҳайбат товуқхона каби, баланд темир панжара билан ўралган бўлиб, ёзнинг салқин тонглирида панжаранинг бир чеккаси тин олиш учун кўнадиган қалдирғочлардан қорайиб турарди. Ажнабийларнинг Макондода нима қидираётганини ҳеч ким билмасди.

— Ҳазимизга-ҳазимиз бош оғриқ сотиб олдик-а, — дерди полковник Аурелиано Буэндиа. — Ҳамма гап қандайдир бир грингони банан билан меҳмон қилганимиздан бошланди.

Аурелиано Иккинчи бўлса, аксинча, ажнабийлар келганидан хурсанд эди. Уй тез орада жаҳоннинг турли гўшаларидан келган ҳар хил нотаниш одамлар, тузалмас майшатпарастлар билан шу қадар тўлиб-тوشдики, ҳовлига янги ётоқхоналар қуришга, ошхонани кенгайтиришга, аввалги столни каттароғига алмаштиришга, янги идиш-товоқлар харид қилишга тўғри келди. Фернанда ўзларининг беандиша меҳмонларга нафратини зўрға босиб, қиролчаларга хос назокат билан уларнинг кўнглини овларди; улар галереяга лой ботинкалари билан чиқаверишар, тўғридан-тўғри боққа қаратиб пешоб қилишарди.

Мистер Гербертнинг ташрифидан бир йил кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, фақат бир нарса — келгиндилар Хосе Аркадио Буэндиа шериклари билан буюк кашфиётлар очиш ниятида босиб ўтган ўша ерларга банан экишга тайёргарлик кўришаётгани аниқланди, холос. Полковник Аурелиано Буэндианинг пешонасига хоч тасвири туширилган яна икки ўғли Макондога келди. «Биз Макондога ҳамма бораётгани учун келдик», дейишди улар ўзларининг бу ерга келиш сабабини изоҳлаб.

Гўзал Ремедиос банан васвасаси юкмаган бирдан-бир одам эди. Қиз гўёки ўз ёшлигининг ажойиб даврида сақланиб қолинган ва у турли шартлиликлардан кундан-кунга ётсираб, маккорлик ҳамда шубҳаланишлардан тобора узоқлашиб, ўз дунёсининг оддий ҳақиқатларидан чексиз бахт топарди. У, аёлларга корсаж ва юбкалар нега керак, деб ҳайрон бўлиб, ўзига аллақандай дағал матодан балахон тикди ва бир пайтнинг ўзиде кийимда юриш ҳамда ўзини яланғоч ҳис этиш муаммосини ана шу йўсинда ҳал қилди. У нақ тақимиға уриб турадиган чиройли

<sup>1</sup> Балахон — кенг ва узун, қопага ўхшаш бир либос.

сочини батамом олдириб, улардан авлиё ҳайкалларига париклар ясади. Аурелиано Буэндианинг ўғиллари Макондога биринчи марта келишганида, Урсула улар билан Гўзал Ремедиоснинг қони бир хил эканини эслаб, аллақачон нутилган кўрқувдан сесканиб тушди. «Ўзинга эҳтиёт бўл, — огоҳлантирди у Гўзал Ремедиосни. — Улардан кўрган фарзандларинг чўчка думли бўлади». У эса катта бувисининг ўгитига эътибор ҳам бермади. Кўп ўтмай эркакча кийиниб, учига соврин ўрнатилган хомага киши учун қумда роса ағанади ва қадду қоматини кўриб авзойи бузилган ўн етти ака-уканинг фожеали можаросига сабабчи бўлишига оз қолди. Шу боис ҳам Урсула йигитларнинг бирортасига ҳам уйда тунашга рухсат бермади. Макондога келган тўртови бўлса, Урсуланинг кўрсатмасига мувофиқ, шаҳар чеккасидаги бир уйда ижарага яшарди. Агар Гўзал Ремедиос айна эҳтиёткорлик ҳақида эшитса борми, кулавериб ичаги узилган бўларди. Гўзал Ремедиоснинг қадду баста дағал балахон ичида рўй-рост кўзга ташланиб турарди. Қиз эркакларда чидаб бўлмас ички ҳалокат туйғусини уйғота олишини билмас, суҳбатлашганда заррача муғомбирлик қилмас ва ўзининг содда илтифоти билан уларнинг жонини оларди. Урсула чеварасини ажнабийлар кўздан узоқроқда тутишни истаб, уни ошхонада Амаранта билан биргаликда овқатланишга мажбур этганида, Гўзал Ремедиос аллақандай тартибларга бўйсуниб заруратидан қўтулгани учун ҳам қувонди. Очиғини айтганда, унинг учун маълум вақтларда икки иштага келишига қарабми, қаерда ва қайси вақтда овқат ейишнинг аҳамияти йўқ эди. Баъзан у енгил-елпи овқатланиш учун эрталаб соат учда уйғонар, сўнгра эса кечгача донг қотиб ухларди ва шу тарика, бутун кун тартибини чалкаштириб, қандайдир тасодиф уни уйда ўрнатилган тартибга тушмагунча ойлаб яшайверарди. Лекин ўшанда ҳам соат нақ ўн бирда ётоғини тарк этар, мўрчага икки соатча бекиниб олиб, тешиктирқишлардан чиқаётган чаёнларни ўлдирганча, қаттиқ ва узоқ уйқудан аста-секин ўзига келарди. Кейин у ҳовузчадан сув олиб, тепасидан қўябошларди. Бу узоқ давом этадиган ва диққат талаб этиладиган юмуш эди. Гўзал Ремедиосни яхши билмайдиганлар, қиз ўз андомидан завқланаяпти, деб ўйлашарди. Аслида бу сирли маросимлар ҳар қандай ҳиссиётдан холи бўлиб; Гўзал Ремедиос учун иштаҳаси келгунча вақт ўтказиш усули эди, холос. Бир куни у эндигина ювинаётганида қандайдир ажнабий киши томдаги черепицаларни битталаб олиб ташлай бошлади. Гўзал Ремедиоснинг яланғоч танини кўриб, бояқиш ажнабий энтикди. Гўзал Ремедиос унинг черепицалар орасидан мўлтираётган маънос кўзларини кўриб уялмади, саросимага тушди, холос.

— Эҳтиёт бўлинг, — деди у. — Қулаб тушасиз.

— Мен фақат сизга қарамоқчиман, — дея гўлдиради ажнабий.

— Шундайми? — деди қиз. — Майли, лекин жуда эҳтиёт бўлинг, том чириб қолган.

Ажнабийнинг юзи ҳайрат ва азобдан бужмайиб кетган, гўё бу ажиб сароб ёйилиб кетмаслиги учун вужудини қамраб олган ҳирс билан сассиз курашаётгандек туюларди. Гўзал Ремедиос уни черепица қулаб тушишидан кўрқаяпти, деб ўйлаб, бечорани ортиқча таҳликага солмаслик учун одатдагидан кўра тезроқ ювинишга ҳаракат қиларди. Қиз баданига сув қуяркан, том жуда чириган, чаёнлар черепица устига тўкилиб, ёмғирдан намиқиб кетган барглар орасидан мўрчага ўтса керак, деб айтди. Ажнабийга қиз ўз майлини мана шу сафсата орқали пардалаётгандек бўлиб туюлди ва Гўзал Ремедиос баданини совунлашга тушганида, бахтини синаб кўрмоқчи бўлди.

— Ижозатингиз билан сизни ўзим совунлаб қўйсам, — деб шивирлади у.

— Яхши ниятингиз учун миннатдорман, — жавоб қайтарди қиз, — аммо ўзим бемалол эплайман.

— Жилла қурса, елкангизни, — деб ўтинди ажнабий.

— Нега? — таажжубланди қиз. — Одамлар елкасини совунлаганини қаерда кўргансиз?

У ювиниб бўлиб артинаётганида, кўзлари ёшга тўлган ажнабий, менга тегсанг, деб ёлворди. Гўзал Ремедиос, чўмилаётган аёлни кўриш учун ўзини тушлик овқатдан маҳрум қилган гўл одамга ҳеч маҳал тегмайман, деди. Охири Гўзал Ремедиос балахонини кийди. Ажнабий ортиқ чидай олмади. У мўрчага тушиш ниятида яна иккита черепицани тортиб олди.

— Жудаям баланд-ку! — кўрқув аралаш огоҳлантирди қиз. — Нобуд бўласиз-а!

Чириган том худди тоғ кўчкисидек даҳшатли товуш чиқариб пастга қулади, ажнабий кўрқувдан қичқиришга аранг улгуриб, цементли полга ағдарилиб тушди ва бош суяги қақилиб, тил тортмай жони узилди. Шовқин-суронни эшитиб емакхонага югуриб келишган ажнабийлар марҳумни мўрчадан чиқаришаётиб, унинг терисидан Гўзал Ремедиосга хос ғоят анвойи бўй ҳид таралаётганини сезишди. Бу ҳид мўрчага шу қадар сингиб қолгандики, гўё бош суягидаги ёриқлардан қон ўрнига шу сеҳрли ҳид билан йўғрилган мушқу анбар чиқарди; шунда Гўзал Ремедиоснинг бўйи у дунёда ҳам, то марҳумлар суяги хокка

айлангунича азоб бериши аён бўлди. Аммо ҳеч ким бу мудҳиш воқеани Гўзал Ремедиосни деб ҳалок бўлган аввалги икки эркакнинг ўлими билан боғламади. Ажнабийлар ва Макондонинг туб аҳолиси Ремедиос Буэндиадан севги эмас, балки ажал нафаси уфуриши афсона эмаслигига иноишлари учун яна битта қурбон керак бўлди. Аини воқеа орадан бир неча ой ўтгач, Гўзал Ремедиос дугоналари билан банан плантацияларини кўргани борганида юз берди. Банан дарахтлари орасидаги рутубат ариб турувчи узун «йўлак» бўйлаб сайр қилиш макондоликлар учун одат тусига айланганди; бу ерда бокира бир осойишталик ҳукм сурар, гўё уни узоқлардан, сукунатли бегона хилқатдан атай кўчириб келингандек туюларди. Бу маскан гўё товуш етказишнинг ҳадисини олмагандай эди, шу боис, баъзан бир қадам нарида айтилган гап эшитилмас, гоҳида эса плантациянинг нариги четидаги гап ҳам қулоққа аниқ-таниқ чалинар эди. Бананзордаги осойишталик шу қадар катта шухрат қозондики, Урсула Гўзал Ремедиоснинг беозор ўйин-кулгусига қаршилик кўрсатмади ва унга шляпа ҳамда кийилиши фарз либосларни илиб олиш шарти билан плантацияга боришга рухсат берди. Қизлар бананзор чегарасига кириб келишлари биланоқ ҳаво анвойи бўйга тўлиб-тошди. Ариқ қазийтган эркаклар аллақандай сеҳрли куч измига тушиб, ўзларига кўзга кўринмас хатар таҳдид қилаётганини сезишди. Кўпчилик хўнграб йиғлаб юборди. Гўзал Ремедиос билан дугоналари илиққан эркаклар тўдасидан қочиб, яқин орадаги уйларга беркинишга муваффақ бўлишди. Уларни ёрдамга келган тўрт ака-ука Аурелианолар халос этишди. Гўзал Ремедиос ишчилардан бири унинг қорнига худди бургутдек титраб-қақшаб чағ солганини ҳеч кимга айтмади. Гўё яшин чақилдию қизнинг кўзларини бир лаҳза қамаштирди, у дилозорга ўгирилиб, унинг маъёс нигоҳини яққол кўрди, юрагида озгина раҳм-шафқат уйғонди. Кечқурун Турклар кўчасида ўша ишчи ўзининг ботирлигини гапириб, бахти чопганидан қорандию бир неча дақиқа ўтмасдан от тепкисига учраб, кўкраги мажақланиб кетди; ишчини ўраб олган бир гала ажнабий тошқўча ўртасида ўз қонига бўкиб, нафаси қайтганича жонталаш бўлиб ётганини кўрди.

Гўзал Ремедиоснинг эркак зотига ажал келтириши эндиликда рад этиб бўлмас. Тўртта далил билан исботланди. Гарчанд мақтанишни хуш кўрадиган айрим эркаклар шундай жозибали аёл билан бир кеча бўлиш учун жонларини қурбон қилишга тайёр эканликларини айтишса-да, аслида уларнинг бирортаси ҳам бунга журъат этолмасди. Гўзал Ремедиосни забт этиш учун, у келтиражак ажал йўлини тўсиш учун қадимий ва ғоят жўн бир ҳис — муҳаббат даркор эди, лекин бу фикр ҳеч кимнинг миясига келмасди.

Урсула чеварасига эътибор бермай қўйди. Илгари у қизни оддий рўзгор юмушлари билан қизиқтиришга уринарди. «Эркакларга сен ўйлаганингдан кўпроқ нарса керак; — дерди у сирли қилиб. — Сен ўйлаганлардан ташқари, яна бетиним овқат пишириш, супуриш-сидириш, ҳар хил майда-чуйда нарсалар учун азоб чекиш керак». Урсула чеварасининг рўзгорбор хотин бўлолмаслигини сезарди. Чунки ўз хирсини қониқтириб бўлгач, Гўзал Ремедиоснинг ақл бовар қилмайдиган ялқовлигига бир кун тоб берадиган бирорта эркак топилиши амримас эди. Кенжатоё Хосе Аркадионинг туғилиши ва уни Рим папасига ворис қилиш истаги бечора аёлни чевара ташвишидан кечишга мажбур этди. Эртами-кечми муъжиза юз беришга ва бу дунёда Гўзал Ремедиосдек даҳмаза юкни елкасига оладиган эркак топилишига ишонган Урсула қизни тақдир зайига топшириб қўйди. Амаранта эса, Гўзал Ремедиосни тарбиялаш бефойда эканини Урсуладан анча илгари тушунди. У Гўзал Ремедиосни шунчаки овсар қизча, деб ўйларди. «Сени лотерёга тикиш керак», — дерди Амаранта унинг эркаклар ҳақидаги суҳбатга мутлақо бефарқлигидан ташвишланиб. Кейинроқ Урсула Гўзал Ремедиосга черковга юзини тўр рўмол билан ёпиб боришни буюрганида, Амаранта бу ҳол диққатни жалб этади ва тез орада соҳибжамолнинг юрагига йўл ахтарадиган бирорта эркак пайдо бўлиш мумкин, деб ўйлади. Аммо Гўзал Ремедиос ҳатто шахзодалардан ҳам жозибали даъвогарга ўйламай-нетмай рад жавобини берганида, Амарантанинг сўнги умиди ҳам пучга чиқди. Фернанда бўлса, ҳатто Гўзал Ремедиосни тушунишни ҳам истамас эди. Уни қонли карнавал куни қиролича либосида кўрган Фернанда, Ремедиос бу дунёнинг одами эмас, деган хулосага келди. Лекин унинг овқатни қўл билан ейишни ва барча гаплари телба-тескари эканини кўргач, Буэндиа авлодида телбалар жуда кўплигидан афсусланиб кетди. Гарчанд полковник Аурелиано Буэндиа Гўзал Ремедиоснинг ўзи билган энг ақлли инсон эканига ишониб, буни қайта-қайта такрорлаб турса-да, қариндошлари аллақачон қизни худо измига топшириб қуйишган эди. Гўзал Ремедиос ёлғизлик саҳросида қолди, лекин бундан заррача азобланмади, у ўзининг сокин тушлари, узундан-узоқ чўмилишлари, тартибсиз овқатланишию ҳар қандай хотирадан холи умри давомида улғайиб борарди. Бу ҳол то Фернанда боғдаги ипга осилган чойшабларни йиғиштириб олишга кўмаклашиш учун аёлларни чақирган баҳор

кунигача давом этди. Ушанда, ҳали иш бошланмай туриб, Амаранта ногаҳон Гўзал Ремедиоснинг юзи оқариб, ҳатто аллақандай шаффоф тус олганини сезди.

— Тобинг қочдимми? — деб сўради у қиздан.

Чойшабнинг нариги четини тутган Гўзал Ремедиос, маъюс жилмайганча, жавоб қайтарди:

— Аксинча, мен ҳеч қачон ўзимни бу қадар яхши ҳис қилмагандим.

Фернанда Гўзал Ремедиос гапини тугатгани заҳотиёқ майин нурга йўғрилган шамол қўлидаги чойшабни юлиб олишга интилаётганини сезди ва чойшабнинг ҳавода бир зумда энламасига ёйилиб текисланганини кўрди. Амаранта эса юбкаси этагидаги тўрларнинг сирли титрашини пайқади ва ўша дақиқа Гўзал Ремедиос кўкка парвоз қила бошлаганида, йиқилиб тушмаслик учун ўз чойшабининг бир чеккасига маҳкам ёпишди. Кўзлари деярли ожиз бўлиб қолган Урсулагина энгиб бўлмас бу шамолнинг табиатини тушуна олди. У чойшабларни шамолнинг нурли оқими ихтиёрига топширди ва улар билан биргаликда кўтарилаётган кўзни қамаштирадиган даражадаги оппоқ, ҳилпираётган чойшаблар орасидаги Гўзал Ремедиоснинг видолашиш учун қўлини силкитаётганига қараб турди; чойшаблар кўкка ўрлагандан ўрлаб, қиз билан биргаликда хотиротнинг энг балан учадиган қушлари ҳам қувиб ета олмайдиган поёнсиз бўшлиқларда кўздан ғойиб бўлишди.

Ажнабийлар, қиз ниҳоят бирор эркакнинг домига илинган, оиладагилар эса ўз шарафини меърож ҳақидаги чўпчак билан ҳимоя қилаётир, деган фикрга келишди. Ҳасад ўтида куйган Фернанда бора-бора мўъжизани тан олди ва кўп вақтлар давомида чойшабларини қайтариб беришини сўрайвериб, худонинг ҳол-жонига тегди. Маконд аҳлининг ақсарияти ҳам мўъжиза юз берганига ишониниши ва ҳатто шам ёқишиб, дуо ҳам ўқишди. Агар мўъжиза хусусидаги ҳайратни барча Аурелиано-ноларнинг ваҳшиёна қириб ташланиши ҳақидаги шумхабар сиқиб чиқармаганида, балки одамлар Гўзал Ремедиоснинг парвози ҳақида янада кўпроқ гапиришган бўлишарди. Гарчанд полковник Аурелиано Буэндиа ўз ўғилларининг фожиавий ўлими муқаррар эканини қайсидир даражада сезса-да, буни башоратга йўймади. Ажнабийларга қўшилиб келган икки ўғил — Арракаш Аурелиано билан Аурелиано Аркайя Макондода қолиш истагини билдирганида, ота уларни раъйдан қайтаришга уринди. У қоронғулик тушиши биланоқ хатарли жойга айланадиган бу шаҳарда уларга нима борлигига тушунмасди. Аммо Аурелиано Иккинчи қўллаб-қувватлаган Жавдарраг Аурелиано билан Ғамгин Аурелиано унчаларини ўз қорхоналарига ишга жойлаштириб қўйишди. Полковник Аурелиано Буэндианинг бу қарорни қўллаб-қувватламасликка ҳали ўзига ҳам унчалик равшан бўлмаган асоси бор эди. У жаноб Браунни Макондода пайдо бўлган илк автомобилда — усти очиладиган ва гудоги шаҳар итларини даҳшатга соладиган зарғалдоқ рангли машинада кўрган дақиқадан бошлаб, одамларнинг гринго олдида қўлларча тиз чўкишларидан ғазабланиб ва тушуниб етдики, илгари елкасига милтиқ осганча, бола-чақасини уйда қолдириб урушга отланган довюрак эркакларнинг табиатида нимадир ўзгарибди. Неерланд муваққат сулҳидан кейин Макондонни алькальдлар бошқарарди. Номустақил, ғоят ночор ҳакамлар эса тинчликпарвар ва жуда толиққан шаҳар консерваторлари орасидан шунчаки номигагина сайлаб қўйилган эди. «Бу — ожизлар ҳукмдорлиги, — деб таъкидларди полковник Аурелиано Буэндиа, фақатгина ёғоч таёқ билан қуролланган ялангоёқ жандармачиларга. — Демак, биз уйларимизни кўк рангга бўяш учун шунча вақт жанг қилган эканмизда». Банан компанияси вужудга келгач, маҳаллий амалдорлар жаноб Брауннинг электрлаштирилган паррандахонасига жойлашган зўравон ажнабийлар билан алмаштирилди. Илгариги жандармачилар ўрнини эса мачете кўтарган ёлланма қотиллар эгаллашди. Полковник Аурелиано Буэндиа устахонасида ўтириб, айни ўзгаришлар тўғрисида ўйлади ва урушни қатъий туриб охиригача етказмай хато қилганига амин бўлди. Худди ана шундай қунарларнинг бирида ҳамма унутиб юборган полковник Магнifico Висбалнинг акаси ўзининг етти яшар невараси билан лимон шарбати ичгани шаҳар майдонидаги дўкончага келди. Бола тасодифан ёнида турган жандарм капралнинг мундирига лимон шарбатини тўкиб юборди, шунда ваҳший капрал ўткир мачетеси билан уни бурдалаб ташлади ва неварасини қутқармоқчи бўлган чолнинг бошини бир силтов билан танасидан жудо қилди. Чолнинг бир неча эркак уйига кўтариб бораётгани бошсиз танасини, кимдир аёл киши сочидан ушлаб олган калласини ва боланинг бурдаланган танаси солинган қонли халтани бутун шаҳар кўрди.

Бу воқеа полковник Аурелиано Буэндиани тавбасини унутишга мажбур қилди. У ёшлигида, қутурган ит қопгани учун қундоқ билан уриб ўлдирилган аёлниг жасадини кўрганида қанчалар ғазабланган бўлса, ҳозир ҳам шундай ғазабланибди. Полковник кўчада йиғилган томошабинларга бир назар солди-да, момақалди-роқдек овоз билан юрагига сифмаётган нафратини ошкор этди.



— Қараб тулинглар, — қичқирди у, — бу аблаҳ гринголарга барҳам бериш учун мен шу кунларда ўғилларимни қуроллантираман.

Номаълум жиноятчилар полковникнинг ўн етти нафар ўғлини бутун қирғоқ бўйлаб, худди қуёнларни овлашгандек бир ҳафта давомида овлашди; улар кул билан чизилган хочнинг қоқ марказига қарата ўқ узишарди. Ғамгин Аурелиано кечкурун соат еттида онасининг уйидан чиқаётганида, қоронғуликда милтиқ овози гүмбурлади ва ўқ унинг пешонасини тешиб ўтди. Жавдарранг Аурелиано фабрикадаги гамагида топилди: унинг қошлари ўртасига муз ушатиладиган мисранг то дастасигача қоқилган эди. Арракаш Аурелиано ўз қайлиғини кинодан сўнг уйига кузатиб, сутдай ёруғ Турклар кўчаси бўйлаб ортига қайтарди; номаълум қотил оломон орасида туриб, унга тўппончадан ўқ узгач, бечора йигит ёғ эритилаётган қозонга йиқилиб тушган эди. Орадан беш дақиқа ўтгач, Аурелиано Аркайя бир аёл билан ётган хонанинг эшигини кимдир тақиллатиб: «Тезроқ чиқ, акаларингни ўлдиришяпти!» деб бақирди. Уша аёлнинг кейин ҳикоя қилиб беришича, Аурелиано Аркайя жойидан ирғиб туриб эшикни очган ва эшик ортида бош суягини мажақлаб ташлаган маузер ўқиға учган. Фернанда, уйда тўрттала марҳумга жаноза ўқишга тайёргарлик кўрилатган ана шу қонли қеъада Петра Котес, полковникнинг исми билан аталувчиларнинг ҳаммасини ўлдиришса керак, деб ўйлаб, жавонга яшириб қўйган эрини телбаларга ўхшаб, бутун шаҳар бўйлаб қидириб чиқди. Петра Котес Аурелиано Иккинчини орадан тўрт кун ўтгач олинган телеграммадан номаълум ғанимларнинг ғзаби фақатгина пешонасига кулдан хоч тасвири туширилган ака-укаларга қаратилганлиги маълум бўлганидан сўнг жавондан чиқарди. Амаранта жиянлари ҳақидаги маълумотлар ёзилган дафтарчани қидириб топди ва олинган телеграммаларга қараб, то тўнғич жияннинг исми қолгунича, бошқа ҳаммасининг номларини ўчирди. Буғдойранг, кўзлари оч яшил бу йигитни уйдагилар яхши эслаб қолишганди. Унинг исми Ошиқ Аурелиано бўлиб, у дурадгорлик қилар ва тоғ тизмалари орасидаги овлоқ қишлоқлардан бирида яшарди. Икки ҳафта давомида унинг ўлими ҳақида ҳеч нарса эшита олмаган Аурелиано Иккинчи Ошиқ Аурелиано ҳеч нарсдан хабари йўқ деб, уни хатардан қутқариб қолиш ниятида олдиға чопар юборди. Чопар Ошиқ Аурелиано бехатар жойда, деган хабар келтирди. Қирғин оқшомида ўникиға икки киши келиб тўппончалардан ўқ узган, аммо йигитнинг пешонасидаги хочиға бирорта ҳам ўқ тегмаган эди. У девордан сакраб тушиб, маҳалий ҳиндулар билан дўстлиги туфайли ҳар бир сўқмоғи таниш бўлиб қолган тоққа яширинганди. У ҳақда бошқа ҳеч нарса эшитишмади.

Бу кунлар полковник Аурелиано Буэндиа учун энг қора кунлар эди. Республика президенти унга атрофлича тергов ишлари олиб бориш ваъда қилинган ва марҳумлар мақталган телеграмма юбориб, ҳамдардлик билдирди. Президентнинг бўйруғиға биноан, шаҳар алькальди дафнга тўртта гулчамбар олиб келди ва уларни тобулларнинг устиға қўймоқчи бўлди, аммо полковник уни кўчаға ҳайдаб чиқарди.

Давоми келгуси сонда

Русчадан Нурали ҚОБУЛ,  
Анвар ЖУРАБОЕВ таржимаси



## Дафтарларда қолган сатрлар

САИДА ЗУННУНОВА  
ТУҒИЛГАН КУННИНГ  
60 ЙИЛЛИГИГА

Саида Зуннунова

\* \* \*

Кошки билсанг эди ўртанганимни,  
Қалбимда бир жаҳон ўтнинг борлигин.  
Кошки билсанг эди, сенингсиз менга —  
Яшамоқ азобу олам торлигин...

\* \* \*

Кўзларингни қанча севсам ҳам,  
Кўрганда бир марта тик боқолмадим.  
Гарчанд занжирланган бандидек ўзим,  
Шу қувноқ кўзларнинг асири эдим...

\* \* \*

Фисқу фужур уяларига

Иложи бўлса-ю, кўксимни очиб,  
Мисоли кўзгудек кўрсатсам сизга.  
Билган бўлардингиз қанча разилсиз,  
Балки туфлардингиз ҳунарингизга.

Майлиди, юракнинг афти-ангорин  
Кўришдан баҳолаб бўлса инсонни.  
Фақат ориятим, обрўйимни, деб  
Фидо қилмоққа ҳам тайёрдим жонни.

Хурматни алишманг муҳаббат билан,  
Тўғрилиқ сиғмайди муғомбирликка.  
Биларсиз, ҳеч кимса тингламаса ҳам  
Ҳунари: вақирлайверади ҳақка.

Агар муҳаббатни билмас экансиз,  
Унинг тўғрисида лоф ура кўрманг.  
Эҳ-ҳа, билсайдингиз шоир юрагин,  
Мутлақо билмайсиз, билмайсиз, аттанг...

\* \* \*

Гўё ойга тегиб тургандек,  
Кўринади қаршимда адир,  
Юзларимга урилиб муздек,  
Майин шамол эсади ғир-ғир.

Саида опанинг ёшлик йиллари эди. Бундан 37 йил муқаддам...

Аммо у пьесаси театрда қўйилган, насрий асарларга қўл ураётган, шеърлари қанот қоқа бошлаган адиба...

Ушанда унинг болаликда бирга ўсган, талабалик даврини бирга бошдан кечираётган Меҳрихон Ашурова деган дугонаси бор эди.

Саида опа аксар янги ёзган шеърларини дугонасига ўқиб берарди. 1949 йилда у мана шу шеърлар жамланган жигарранг муқовали бир дафтарни Меҳрихонга тақдим этди...

— Дафтарни қўлга олишим билан, — дейди бугунги кунда Андижон давлат педагогика институтида хизмат қилаётган Меҳрихон Ашурова ўйчан ҳолатда, — кўз олдимда Саидахоннинг ўша пайтлардаги бўй-басти гавдаланади. Овоз чиқариб шеър ўқийману қулоғимда ўзим эмас, азиз дугонамнинг латиф овози жаранглаётгандек бўлади...

Албатта, бу шеърлар ҳали бадийлик либоси билан яхши безанмаган уриниш-изланиш маҳсули эди. Аммо улар соддалиги, самимияти билан кишини бари бир мафтун этади. Муҳими, улар кейинчалик баракали янграқ асарлар ёзган ажойиб шоирамиз ижодининг куртаклари эди...

Исмоил ТУЛАКОВ

Хув, пастликда жимирлайди сув,  
Енбағирда куюқ арчазор.  
Кўринади жуда хомуш у,  
Гўё биров бергандек озор.

Ёки у ҳам бирор кишига  
Илинарми шу манзарани?  
Ё янгилаб қўйдими билмай  
Қалбидаги эски ярани?..


## Онажон

Аччиғланма, она, койима зинҳор,  
Мен уни қанчалар севаман, билсанг.  
Кўзимдан ҳеч нари кетмас кўзлари,  
Кошкийди унутмоқ иложин қилсанг.

Сен менинг онамсан, гапирмагил, қўй,  
Қуриб кетсин ўша чиройи, моли.  
Ўзганинг олтини, жавоҳиридан,  
Мен учун ортиқроқ унинг хаёли.

Майли, оғир эмас, ўтабераман,  
Одамлар гапига ҳеч солма кулоқ:  
Ҳаётга, меҳнатга ва муҳаббатга,  
Онажон, қизингинг кўзи билан бок.

Укаларим ўсар, орзу-ҳавасни,  
Кел, сақлаб турайлик шулар тўйига.  
Бирга ўстирайлик, бирга севайлик,  
Бирга қувонайлик қадди-бўйига...



Субҳида сува тиксам бир ўчиги тамизлар  
Ангу кўчи бул ўнда, соҳ буриб, соҳ дўшар  
Қоп-қаро кўзлар тиклаш сува айтиб арзуи  
Ў унинг кўзиде бир ноҳириб ёри кўрар  
Тонг шомали арса қилим соҳиридан шў тўра  
Ох уриб, ундан ўчиги ёр шорпаси қилим суғар  
Қолса зилдан назор ташлаб дилим бўлиб забун  
Билмадим кўчи қасда, суғраиб бузда турар  
Қай нарилам кўради пайваста қилар қилма  
Дар соҳида шў қазин билмоганим шў урар

Бир ғазал дастхати

## ХОТИРАЛАР

Баъзан хаёл олиб кетади. Ўтган йўлларингга, босган изларингга қарайсан. Кимлар юрган йўллардан келдинг, кимлар босган изларни босдинг, ҳамма-ҳаммасини кўрасан. Қандай яшадинг, кимлар билан бир дастурхонда ризкингни бўлишдинг. Кимлардан меҳрибонлик кўрдинг, кимлардан панд единг, кўз олдингдан бир-бир ўтаверади.

Ёрқин умидлар билан йўлга отланган ҳамроҳларинг қани, деб ўзимдан ўзим сўрайман. Уларнинг кўпи энди йўқ. Манзилга етолмай, жуда тиниқ, жуда шаффоф умидларини ўзлари билан олиб, йўқлик деб аталмиш мангуликка кетдилар.

Сенга раҳнамолик қилган устозларинг қани? Қўлингдан етаклаб ижоднинг сўнгсиз йўлларига олиб чиққан, табаррук номлари дил қатида умрбод қолиб кетган устозлар қани?

Юрган йўлларида кулги тўкилган, кирган хонадонига бир уй қувонч ташлаб кетадиган Ғафўр Ғулом қани? Чақнаб турган кўзларига олам фалсафаси жо бўлган, хаёллари сўнгсиз уфқлардан ошиб ўтган доно Ойбек қани? Қаҳри метиндан қаттиқ, меҳри каптар кўксидек майин, қалами учигаги чақмоқ қоғозни куйдирадиган Абдулла Қаҳҳор қани?

Бу табаррук зотлар юртга берадиганларини бериб, элдан қарзларини узиб, шоғирдлари қалбига нурли ошён қуриб, абадият уйқусига бош қўйдилар.

Ана шуларни эслаганимда юрагимда ажиб бир ёрқин хотиралар уйғонади. Саидахонни эслаб кетаман. Йигирма етти йил тирикликнинг гоҳ нурли, гоҳ нурсиз йўлларида бирга ҳамроҳ бўлган, биргина қизини келинлик либосида кўролмай, ёр-ёрини эшитмай, етдим деганда йиқилган кадрдон кимса тушларимга киради. Жавонларни тўлдирган китоблари қатидан чиқиб, ўзи кўрмаган неваралари бошида ўтириб тонг отдиради.

Бу гапларни ёзиш қанчалик оғирлигини биламан. Шунинг учун ҳам хотира ёзишга қўлим бормасди. Хотиралар ёзилар, аммо унинг охири Саидахондан айрилиб қолган кун билан яқунланади. Ана шуниси алам қилади. Мен унинг хотира бўлиб қолишини асло истамайман. У менинг онгимда, ҳаётимда ҳаммиша тирик қолишини истайман. На чора! Ёзмоқ керак.

Вақтики келиб, мен ҳам кетарман. Эсдаликлар ўзим билан кетмасин.

Саидахон баъзи-баъзида ҳазиллашиб, шоирлар хотинларига бағишлаб шеър ёзишади, афсус сиз шоир эмассиз-да, деярди.

Бу гап юрагимда ўкинч бўлиб чўкиб ётганди.

Мана бугун ўзи чироғини ёқиб кетган хонада китобларию сувратлари қуршовида ўтириб хотиралар ёзаяпман. Уч романдан иборат «Уфқ» трилогиямни унга бағишладим, назаримда кўнгли тўлмади. Мана энди ўзини ёзаяпман.

Магнитофонни қўйиб овозини эшитаман. Альбомлар қатида ухлаган сувратларига тикиламан. Китобларини варақлаб сеҳрли сатрларини такрорлайман.

Шунда бирдан ўзи жонланиб аста хонамга кириб келади. Елкасида меңинг костюмим, кўлида қалам, варақларига ёғ сачраган блокнот билан аста диванга ўтиради.

— Мана, сизга атаб шеър ёздим.

Секин, худди шивирлагандек ўқийди:

.....

Эшик тирқишидан бир чизиқ ёниб,  
Офтоб бўлиб кириб ёритар хонам.  
Машинканг чиқиллар, тўхтайдн баъзан,  
Биламан, чекапсан, чекапсан улаб.  
Кошки очиб қўйса, деб деразани,  
Камроқ чекса-чи, деб бўламан хўноб.  
Хонангни тутундан поклаш дардида  
Бедор ўтираман сендан нарида.

## Йўллардан терилган сатрлар

Саидахон уйим-жойим деган аёллардан эди. Қай юртга бормасин бир кундаёқ уйини соғиниб қоларди.

1963 йили бир муддат хасталаниб қолди. Врачларнинг маслаҳати билан Трусовец деган курортда даволаниши керак эди. Бу курортга путёвка топиш жуда мушкул экан: Уёққа югуриб, буёққа югуриб иложини қилолмадик. Охири Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аралашиб Украина Компартияси Марказий Комитети орқали путёвка олиб берди. Хулласи, кўпчилик бўлиб Саидахонни поездга чиқариб қўйдик. (Самолётда учишга унамади.) Кетар олдида эндигона уч ёшга тўлган Нодирани бағрига босиб йиғлаб юборди.

— Боламга яхши қаранглар. Иссиқ-совуғига хушёр бўлинглар, — деб қайта-қайта тайинлади. — Ҳиди келиб турсин, деб битта ювилмаган кўйлагини олиб кетяпман, қидириб юрманглар.

Эртасига ишдан келиб, дарвоза ёнбошидаги кўнғироқ тугмасини босдим. Эшикни Саидахон очди.

Муни қарангки, поезд Саксовул деган станцияга етганда Саидахон вагондан тушиб қопти. Боласини соғиниб кечаси билан мижжа қоқмапти. Қизининг кўйлагини ҳидлаган сари баттар соғиниб кетаверипти. Охири Львовгача олинган билетини проводникка бериб орқага қайтипти. Шунча пуллик путёвка ҳам, Тошкент-Москва, Москва—Киев, Киев—Львов поездининг билетлари ҳам куйиб қолаверди.

— Нега бундай қилдингиз, даволаниб келсангиз қандоқ яхши бўларди, — дедим.

— Қўйинг. Мен курортларда дам олишга, денгиз бўйларида сайру саёҳат қилишга ўрганмаганман. Ҳар қанча дардим бўлса, шу қизимни бир марта бағримга боссам, оддек соғайиб кетаман.

Она-бола кечаси билан нималарнидир чуғурлашиб гаплашиб ётишди. Тонг маҳал уйғониб кетдим. Қарасам, Саидахон тиззасига блокнот қўйиб нималарнидир ёзаяпти. Блокнотга қарадим. Шеър ёзаётган экан. Шеър шундай бошланар эди:

**Қизгинам, ишларинг, ташвишларинг кўп,  
Менинг бахтим бўлган жанжал, сўроқлар.  
Менинг бахтим бўлган эркаликларинг,  
Менинг бахтим бўлган хушбўй дудоқлар.**

Бирон меҳмонгами, тўйгами боргудек бўлсак, Саидахоннинг томоғидан овқат ўтмасди. Бирон ширинликми, тансиқроқ бирон нарсаними дастурхондан олиб салфетка қоғозга ўраб сумкасига солиб қўйгандан кейин дастурхонга қўл узатарди.

Баъзан унинг бу ишдан хижолат чекардим.

— Битта-яримта кўрса уят қилади-я, — дердим қулоғига шивирлаб.

— Қизимга илиндим. Бўлмасам томоғимдан овқат ўтмайди, — деб кулиб қўярди.

Олтмиш еттинчи йили биз ҳам бошқаларга ўхшаб денгиз бўйларида дам олиб келайлик, деб ният қилдик. Ригадаги ёзувчилар ижод уйига путёвка олиб айна саратон авжига чиққанда йўлга отланиб қолдик. Саидахон самолётда учишга сира унамади.

— Қўйинг, бир бало бўлиб қолса учовимиз ҳам йўқ бўлиб кетмайлик. Поездда кетганимиз дуруст.

Унинг кўнглига қараб поездда кетдик. Ҳаво иссиқ. Тошкент вокзалида куни билан офтобда тандирдек қизиган вагон то саҳаргача совумади. Йўловчилар иссиқда безовта бўлиб ҳар разъездда сувга югуришади. Чемадан судрашиб Қозон вокзалидан Рига вокзалига ўтдик. Бир сутка йўл юриб Ригага ҳам етиб келдик. Аксига олгандек, ўша кезлари Рига ҳам худди Тошкентдек ниҳоятда исиб кетган экан. У жойларда ўттиз даражали иссиқ Тошкентнинг қирқ беш даражасидан ҳам оғир кўчар экан. Ҳаво нам, атроф кўллардан, денгиздан, ўрмон оралиғидаги ботқоқликдан кўтарилган нам ҳаво нафас олишга имкон бермасди.

Бордигу ўша куниек ҳафсаламиз пир бўлди. Саидахон кетаманга тушиб қолди. Ригада бир кеча ётдигу эртасига самолётга ўтириб Тошкентга қайтиб келдик.

Бизни кузатиб қўйганлар ҳайрон. Саидахон уларга:

— Э, ўз уйимдан ўтаверсин, — деб жавоб қиларди.

Орадан уч кун ўтиб Саидахон Рига сафари тўғрисида бир шеър ёзди:

Шовуллаган яшил, чексиз ўрмонлар,  
 Хуснингизга сира келтирмасман шак.  
 Лекин не қилайки, олисдан чорлар  
 Райҳонлар ҳид сочган торгина эшик.  
 ...Зира, зирк солинган хушбўй паловнинг  
 Бир чимдими ҳозир қилди хумори.  
 Милдираб қайнаса шўрва оловда  
 Жамбилларни солсанг минг дардга дори.  
 ...Кеча кузатишган дўсту қадрдон,  
 Ногаҳон учратиб қолурлар ҳайрон:  
 Баъзида ўзим ҳам ўзимдан ҳайрон:  
 Гоҳи ғалатиман, ростдан ҳам ғалат.

Олтмиш тўрт сатрдан иборат шеър юрт соғинчи, унинг рангин бўёқлари, беқиёс манзаралари тасвиридан иборат эди.

Болтиқ соҳилида жойлашган Райнис номидаги бу ижод уйида мамлакатимизнинг жуда кўп машҳур ижодкорлари ўзларининг элга овоза бўлган асарларини битганлар. Саидахон бу шеърида ўша ижодхонадан узр сўраётгандек бўлади:

Не-не шоҳ сатрлар битилган бунда,  
 Аммо илҳом мени қилиб қўйди тарк.  
 Қўлга ўрганмаган ҳуркак оҳудек  
 Тартибу столдан чўчиса керак.  
 Ахир, мен аёлман, бир уй бекаси,  
 Сатрлар етилса қозон бошида  
 Қоғозга тушади ярим кечаси,  
 Уйқуда жилмайган қизим қошида.  
 Бир кунда шунчалик соғинч байтлари,  
 Бир кунда шунчалик дард тўлмиш дилга.  
 Кошки қанот бойлаб шундай пайтлари,  
 Одамзод чирмашиб учолса елга.

Олтмишинчи йилларнинг бошларида «Москвич» машинамиз бўларди. Нима бўладию шу машинада узоқроқ юртларга саёҳат қилгимиз келиб қолади. Июнь охирларида шу машинада Иссиқкўл томонга йўл олдик. Иссиқкўл Тошкентдан тўққиз юз километр нарида. Тонг саҳарда йўлга чиқиб кунботар маҳали Фрунзегга етиб келдик. Қирғиз ёзувчилари келишимиздан хабар топиб меҳмонхонадан жой олиб қўйишган экан. Бир кеча дам олиб, яна йўлга тушдик.

Иссиқкўлнинг Рибачий соҳилидан бир уйни ижарага олдик. Йўл юриб чарчаганимизга қарамай Иссиқкўлнинг ойдинда кумушдек товланишини томоша қилдик. Эрталаб сайёҳларга қўшилиб чўмилдик. Туш маҳали Саидахон Нодиранинг кўйлаklarини ювиш учун ҳовлига чиқди. Уй эгаси ғоз боқар экан, элликтача ғоз ҳовлини тўлдириб ғағалайди. Уларнинг шовқинидан қулоқ-бошларингиз айланиб кетади. Саидахон кир юватуриб узугим бармоғимдан чиқиб кетса мағзавага кўшиб тўквормай, деб чиқазиб табуретка устига олиб қўйди. У ювилган кирни сиқаётган эди бир ғоз келиб узукни лиқ этиб ютиб юборақолди. Мен узукни ютган ғозни кувлаб кетдим. У ўлғир ҳам ўзини ғозлар тўдасига урди. Ҳаммаси оппоқ, Қайси бири узукни ютганини билиб бўлмайди. Уй эгасига, ғозингиз узукни ютиб юборди, энди нима қиламиз, десак, у ҳам қўрсина экан, мен нима қилай, элликта ғознинг ҳаммасини сўйиб жиғилдонини титкилайми, ё ҳаммасини бир-бир рентгенга солайми, деди.

Бу узукни мен Саидахон туғилган куни совға қилган эдим. Жуда қиммат узук эди. Француз заргари барг нусха қилиб ишлаган, барг орасига учта бриллиант ўрнатилган эди. Саидахон жуда хафа бўлиб қолди. Иссиқкўл манзараси ҳам, ҳавоси ҳам татимай кетди. Кетгиси келиб қовоғини уйиб олди.

— Нима қилайлик, кетақолайликми,— дедим.

У ҳам шу гапни кутиб турган экан, дарров рози бўлақолди.

Тўққиз юз километр йўл босиб борган йўлимиздан яна шунча йўл босиб Олой тизма тоғлари оралиғидаги Туяошув довони орқали Андижонга қайтиб келдик.

Беш қисмдан иборат «Йўллар» шеъри ўша сафар таассуротлари маҳсули эди:

Ҳатто машина ҳам ҳарсиллаб қолур,  
 Энтикиб сув сўрар бу тоғларда гоҳ.  
 Терлаган яғриндек ялтиллаб тошлар  
 Бу ерларда ўтган кураш, бардошлар  
 Сиридан қилгандек бўлади огоҳ.



Шоиранинг болалиги (ўртада).

**Йўллар, йўллар, дoston сатрларидек,  
Ҳар қадамда сизни ўқиса бўлур.  
Тилакларни улаб тилаклар билан,  
Юракларни улаб юраклар билан,  
Яна олисларга йўллар йўл олур.**

Бу шеърда қирғиз тоғларининг ажиб манзараси чизилади. Ўнгирларда эримай қотиб қолган асрий қорлар, садафдек ялтираган чўққилар, шовқин солиб пастга куйилаётган шаршаралар кўз олдингизга келади.

Бу орада қанча воқеалар бўлиб ўтди. Қанча китоблар ёздик. Нодирани биринчи марта мактабга кузатиб бордик. Саидахон адабиётдаги хизматлари учун иккинчи марта орден билан мукофотланди. Мен эллик ёшга кирганимда юбилей қилдик. Саидахон юздан ортиқ меҳмонга дастурхон ёзиб мезбонлик қилди. Шу шодликлар орасида бирдан ўша ғоз ютиб юборган узук эсига тушиб қолиб меңга пичинг қиларди.

— Сиз ўша узукни оғриниб совға қилган экансиз, шунинг учун ғоз ютиб юборди.

Хулласи, ўша узукдан ҳам яхшисини совға қилиб тинчидим.

Андижонда Қорадарё билан Фарғона канали оралиғидаги оролга ёзда яшаш учун чорбоғ тиклаган эдик. Бир ёнидан дарё, бир ёнидан канал оқади. Шийпони-миз тўғрисида Катта Фарғона каналининг Куйганёр тўғони кўриниб туради. Тўғондан қуйилаётган сув тўзонлари шамол эсган пайтларида айвонимизгача етиб келади. Канал бўйида ўсган бир туп клен дарахти тагига сўри қургандик. Клен шохлари сўрига тангадек офтоб туширмасди. Саратон қиздирган кунлари кечгача шу ерда дам олардик.

Катта Фарғона канали ҳақидаги «Қирқ беш кун» деган романимни шу ерда ёзаётган эдим. Роман охири бобларга келиб юришмай тўхтаб қолган эди.

Дарёдан тутган балиқларни тозалаб бердим. Саидахон яхшилаб қовурди. Балиқни еб бўлгач, Саидахон қоғозга қўлларининг ёғини артаётганда ўша мен иккинчи марта совға қилган узук бармоғидан чиқиб чўлп этиб сувга тушиб кетди.

Бу жойда сув буралиб-буралиб, қирғоққа сапчиб ўтади. Узукни сувдан қидириб топиш амримаҳол эди.

Бу узук ҳам Саидахонга буюрмади.

— Узукни яна оғриниб совға қилган экансиз. Бундан кейин ҳеч нарса совға қилманг. Керак бўлса ўз пулимга оламан,— деб яна зарда қилди.

Тавба, менда нима гуноҳ.

Саидахон бир нимани аҳд қилса охирига етказмай қўймасди. Бошқа ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб аҳд қилган ишига ёпишиб оларди.

Узук каналга тушиб кетган кун шундай деган эди: «Бир дoston ёзайки, сиз совға қилган иккала узукдан ҳам қимматли бўлсин».

Ўша кундан бошлаб камгап, хаёлчан бўлиб қолди. Гапирсам чала-чулпа жавоб қилади. Нодиранинг нонуштасига сут қайнатса тошириб юборади, пиширган овқати гоҳ шўр, гоҳ тузсиз бўлади.

Мен боғда экин-тикинни суғориш билан овораман. Саидахон клен тагидаги сўрига ўтирволиб нималарнидир тўхтамай ёзади.

Шу зайлда ўн беш кунлар ўтиб, қалин бир дафтарни қўлимга берди.

— Уқинг. Дoston ёздим.

Дафтарни очдим. «Лирик нутқ» деган дoston экан. Кўзойнакни тақиб, ўқишга тушиб кетдим.

Шоира бу дostonда ўз таржимаи ҳолини дарёга қиёслаб, Андижон манзараларига омухта қилиб ёзганди. Дoston боблари турли вазнларда ёзилган. Уқиганда бир хил вазнда зерикарли бўлмасин, деб, атайлаб шундай қилганди. Яхши кўрган узугини ютган канал шаънига ҳам анча қайноқ сатрлар бағишланган эди.

Тошкентга қайтиб келганимиздан кейин орадан бирон ойларча вақт ўтиб Куйганёрдаги қўшнимиз Ҳакимбой аканинг хотинидан хат олдик. Канални ремонт қилиш учун суви бекитилган экан. Лойқа аралаш қумлар орасидан узукни топишибди.

— Мана, — дедим хатни унга кўрсатиб. — Бу узук ҳалол пулга келган. Канал экан-ку, денгизга тушиб кетса ҳам йўқолмайди.

Саидахон яна бир-икки кун хаёлчан бўлиб қолди. Бу хаёлчанлик шеър бўлиб қоғозга тушди. Шеърда ўша канал бўйдаги сўри, қирғоққа урилиб оқадиган бўтана сув баҳона бўлиб саратон манзараси тасвирланарди:

**Бўтана сувлар оқса ялпизларни тортқилаб,  
Қалқиб-қалқиб кўринса қовункоса пўстлоғи.  
Капалаклар учишса алвон рангни орқалаб,  
Ҳеч жойдан тополмасман ҳордиқнинг дурустроғин.**

**Оқ яқтак, оппоқ соқол чоллар силкиниб кулса,  
Лорсиллаб кетгусидир сувга қурилган сўри.  
Лабда қимтиб узилган узумдан бол тўкилса,  
Соқолларда товланар қуёшнинг етти нури.**

**Ненидир тутиб кетди қалдирғоч бир шўнғишда,  
Анжирга кўзин тикиб, хилват пойлар зарғалдоқ.  
Дехқоннинг яхна чойи сувда турар чойдишда,  
Шимирсангиз бадандан сизиб чиққуси чарчоқ.**

Назаримда, Саидахоннинг бу шеъри узугини қайтиб берган тошқин сувга миннатдорлигининг ифодасига ўхшаб кетарди.

Саидахон ўзи дуч келмаган, ўзи шоҳид бўлмаган, ўз бошидан кечирмаган воқеаларни қаламга олмасди. Нимаики ёзган бўлса ўз бошидан кечирган ва ёки ўзи шоҳид бўлган воқеалардир.

Шеърларида ҳам, ҳикоя ва қиссаларида ҳам ўзи кўриниб туради.

Мен унинг сафарлар таъсирида ёзилган шеърларидан бир нечасини айтиб бердим. Ҳали буёқда айтадиган гапларим кўп.

Ажойиб шоира, гўзал ҳикоянавис Саида Зуннунова ўз халқига каттагина адабий мерос қолдирди.

Шоиранинг олтмиш йиллик тўйида қалбимиз қатида ардоқлаб келган хотираларни ўртага ташлаймиз.

## **БИЗ ШУНДАЙ ЯШАДИК**

Саидахоннинг иш столида ўтириб бирон нарса ёзганини эслаёлмайман. Ошхонада қозон кавлаб туриб бир қўлида шеър ёзарди. Боласининг беланчагини тебратиб ўтириб тиззасига дафтар қўйиб ёзган пайтлари кўп бўлган.

Уйда сақланаётган қўлёзмаларининг кўпчилигига ёғ сачраганда, сут томганда қолган доғлар бор.



Қаерда илҳоми келиб қолса ўша ерда ёзаверарди. Журнал саҳифаларининг четидаги оқ жойларига жуда майда ҳарфлар билан қора қаламда ёзган шеърларининг қўлёзмалари ҳозир ҳам уйимизда бир ёдгорлик бўлиб сақланади.

Сафарларда юрган пайтларимда чиройли-чиройли блокнотлар олиб келардим. Ўша блокнотларнинг дастлабки саҳифаларига шеър битилардию кейинроқ бориб уларнинг саҳифалари бозорда қилинган харажатлар ҳисоб-китоби билан тўлиб кетарди.

— Нега унақа қиласиз, атайлаб шеър ёзишингиз учун олиб келгандим, — дейман.

— Бозорга бир чангал пул билан кетиб у-бу оламану шунча пул қаёққа кетганини билмай ҳисоблаб ўтирмаман.

Биламан, Саидахон менинг пулимни харжлаганидан хижолат бўлиб шунақа қилади. Ўз пулини харжлаганда ҳисоблаб ҳам ўтирмайди.

— Сиз унақа қилманг. Қачон мен топиб келган пулимга ҳисоб сўрабман?

— Шунақа дейсиз-у, — дейди у хижолат аралаш илжайиб, — умримда бировнинг пулини ишлатмаганман.

Чиндан ҳам Саидахон отадан етим қолган бир этак укаларини боқиш ташвиши билан ёшлигининг хузур-ҳаловатини кўрмаганди. Онаси Сабохон кўхликкина, меҳнаткаш аёл эди. Ўқишдан қайтган қизларини ёнига олиб чорси, дўппи тикишарди. Шу арзимаган даромад орқасидан рўзғор тебратишарди. Саидахон Андижон ўқитувчилар институтини тугатгандан кейин Избоскан районининг Тўрткўл қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Ҳар ҳафтада топганини уйга ташлаб йигирма километр йўл юриб орқасига қайтиб кетарди. Шу ташвишлар орасида тинмай китоб мутолаа қилар, шеърлар машқ қиларди.

Бировнинг қўлига қарамай, ўз меҳнати билан яшаган Саидахон турмушга чиққандан кейин ҳам эрининг пулини сарф қилишга сира кўниколмасди.

Китобимга каттароқ пул олган пайтларимда ҳаммасини унинг қўлига бериб қўярдим. Шу пул то тамом бўлмагунча ҳар куни ишдан келишим билан блокнот очиб бугунги харжларни ўқиб берарди. Мен бундан хижолат чекардим. Баъзан жаҳлим чиқиб қўлидаги блокнотни олиб ҳовлига отиб юборардим.

— Э, пулингиз ҳам қурсин. Магазинга кирсам ҳам, бозордан бирон нима харид қилсам ҳам худди орқамдан нима қиляпсан, деб қараб турганга ўхшайсиз. Қўйинг, энди менга пул берманг. Рўзғорга керагини ўзингиз олиб келаверинг.

Саидахоннинг ўзи гонорар олганда биратўла ҳаммасини харжлаб ўзига кийим-кечак олиб келарди.

— Ҳой, инсофингиз борми? — дейман ҳазиллашиб. — Участка бошлаб қўйганмиз-а. Томини ёпишга тунука олишимиз керак, шувоғига пул керак.

Шунда Саидахон хандон отиб куларди.

— Эркаклар хотинига тилла узуклар олиб беради. Хотинини кўғирчоқдек ясатиб қўяди. Ўз кийим-бошини ўзи эплайдиган хотинингиз борлигидан сўйинсангиз-чи.

Бу хил гаплар ҳазил-мутойиба йўли билан ўтиб кетарди.

Гап Саидахоннинг столда асар ёзмаганлигида эди.

Уйимизда бир эмас, учта ёзув столи бор эди. Бари бир унда ёзишга Саидахоннинг қўли тегмасди. Эртадан кечгача уй ичида ғимирсиб юраверарди. Албатта уйда хотин киши учун ҳаммавақт иш топилади. Кир ювиш, бичиш-тикиш, уй йиғиштириш, овқат қилиш, келди-кетдини кўтиш...

Мана шундай юмушларни бажариб юриб йўл-йўлакай хаёлида шеърини пиширарди-да, дераза раҳига тирсагини қўйиб ё бўлмасам дазмол қиладиган тахтага қоғоз қўйиб етилган сатрларни қоғозга туширарди.

Баъзи шеърларининг икки сатри журнал муқовасига, тўрт сатри телефон номерлари ёзилган рўйхат тагига ёзиб қўйиларди. Шеърни шу йўсин битказардию, кечга бориб машинкада икки нусха кўчириб оларди.

Табиатимда ўйинқароқлик бўлганидан кечаси ишлардим. Бунга сабаб кўчага чиқиб кетиб бўлмайди. Ҳамма ухлаган. Ўтириб ишлашдан бошқа илож йўқ. Ҳали-ҳалигача кечаси ишлайман. Шунга ўрганиб кетганман.

Мен ҳеч қачон ёзган ҳикояларимни таҳрир қилмай, Саидахонга кўрсатмаганман. Кечаси тонг отгунга қадар ишлаб ҳикоямни битираман-да, бир варақ қоғозга «Саида Зуннуова, ҳикоя битди. Ҳозирча ўқиманг!» деб ёзиб эшикка ёпиштириб қўяман.

Мириқиб ухлаб турганимдан кейин таҳрир қиламан. Саидахонга ўқиб бераман. У ортиқча эътибор бермай шунчаки тинглайди.

— Аллақачон ўқиб бўлганман. Яхши ҳикоя ёзбисиз, — деб мени табриклайди.

Ана шундан кейин ёзиб бўлган ҳикояларимни таҳрир қилмай туриб бирон жойга, Саидахон тополмайдиган жойга бекитиб қўядиган бўлдим.

Олтмиш биринчи йили телевизор кўриб ўтирганимизда (қайси фильм эканлиги эсимда йўқ) асар қаҳрамони «Турна» деган кўшиқ айтди. Негадир бу

қўшиқ менга жудаям таъсир қилди. Фильм тугаганда Саидахонга «Турна» деган ҳикоя ёзмаман, дедим.

Авваллари ҳеч қачон палон нарса тўғрисида ёзмаман, деб айтмасдим. Саидахон ҳайрон бўлди.

Кўпдан бери ҳеч нарса ёзмай ўртоқларимдан дакки эшитиб юрган пайтларим эди. Саидахон ҳар куни овқат маҳалидаям, бирон иш қилаётган пайтимдаям, қачон биронта ҳикоя ёзасиз, сиз тенгилар тез-тез ёзиб туриштипти, бунақада орқада қолиб кетасиз-ку, деб тинмай гапираверарди. Турна тўғрисида ёзмаман деганимдан жуда севишиб кетди.

Хулласи, ўша кеча ухламай тонг отдирдим. Ёшлигимда эшитган, ўзим кўрган воқеаларни эсладим. Болалик пайтимда битта чўлоқ турна бўларди. Орқамдан эргашиб юрарди. Онамнинг айтишларига қараганда бу турна қаердадир яраланиб тонг маҳали тўдасидан ажралиб ҳовлимизга тушган экан. Ўша турна кўз олдимга келаверди. Бугунги воқеаларга омухта қилиб ўша турнани ҳикояга қаҳрамон қилдим. Ҳикоя тонготар маҳали битди. «Саида Зуннунова, ҳикоя битди. Қидириб юрманг, сиз тополмайдиган жойга бекитиб қўйганман», деб ёздиму эшикка ёпиштириб уйқуга кетдим. Уйғониб катта уйга чиқсам, Саидахон ҳикояни ўқиб ўтирипти. Ҳайрон бўлдим.

— Қандоқ қилиб топдингиз. Печканинг ўтхонасига тиқиб қўйган эдим-ку, шунинг ҳам топдингизми? — дедим.

— Хотин киши ўз уйидаги ҳамма тешиқ-теликларни билади. Аёл кишидан нарса бекитиб бўлмайди. Топдим. Жуда яхши ҳикоя ёзисиз. Жумлаларида ғализликлар бор, тузатарсиз.

— Ана шунинг учун ўқимай туринг дейман-да.

— Мен ишлаган қишлоқ манзараларини жуда аниқ ёзисиз. Ўқиб таъсирланиб кетдим. Чолнинг турнаси учиб кетганда кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Мен ҳам бир ҳикояни қоралаб қўйдим. Аввал ўзингизникини таҳрир қилиб бўлинг, кейин меникини ўқиймиз.

Бирон соат ўтириб ҳикоямдаги ғализ жумлаларни таҳрир қилдим. Нонуштадан кейин Саидахоннинг ҳикоясини ўқидик. Яхши ҳикоя ёзисиз. Аммо ҳикоя оҳанги менга унча ёқинқирамади. Ҳикоя ёлғиз ўғлини уйлантирган бир бева хотин тўғрисида эди. Кампир тўй куни келинига бармоғидаги узугини чиқариб совға қилади.

Тўй тарқаган уй манзараси ниҳоятда чиройли ёзилганди. Кампирнинг портрети ҳам жуда яхши.

— Менга қаранг, ҳикоянинг номини «Қўллар» деб қўйинг. Бутун ҳикоя давомида кампирнинг қўлларини тез-тез тилга олиб туринг. Шунда унинг меҳнати, муҳаббати, меҳри ўқувчи кўз олдида пайдо бўлади.

Бу гап Саидахонга жуда ёқди. Ҳикояни бир ўтиришда таҳрир қилиб, мен айтган гапларни қўшиб ўқиб берди. Ҳикоя ниҳоятда таъсирли чиқди. Икковимизнинг ҳикоямиз олдинма-кейин «Совет Ўзбекистони» газетасида босилди. «Қўллар» рус тилига таржима қилиниб «Правда» газетасида, сал фурсат ўтиб «Советская женщина» журналинда босилиб чиқди.

«Қўллар» Саидахонга жуда катта шўҳрат келтирди.

Негадир мен танқидни унчалик хуш кўрмайман. Танқид эшитган куним қўлим ишга бормайди. Бирон ҳикоямми, китобимми танқидга учраса ойлаб ёзмай қўяман. Мақтов эшитсам ёзгим келаверади. Шу феълимни билган Саидахон кўчадан гап топиб келади. Ростми, ёлғонми менга ёқадиган гап бўлади.

— Ойбек акани кўргандим. Ҳикояларингизни жуда яхши кўрар экан. Нега ёзмапти, деб сўрадилар.

Бу гап ёлғон бўлишини билсам ҳам бари бир ёқарди. Балки ростдир, Ойбек ака ўқиса ҳафсаласи пир бўлмасин, деб яхшироқ ёзишга ҳаракат қилардим.

Саидахон бир куни, Ғафур акани кўрдим, ундоқ деди, бир кун Абдулла акани кўрдим, сизни бундоқ деди, деб мени қизиқтириб қўярди.

Олтмиш бешинчи йилда «Шарқ юлдузи» журналинда «Уфқ» романимнинг биринчи китобини қаттиқ танқид қилган мақола босилипти. Почтачи журнал олиб келганда Саидахон варақлаб кўрса шунақа мақола бор. Узи ўқиб ўша саҳифаларни йиртиб олиб қўйипти. Ўша кезларда романимнинг иккинчи китобини жуда ҳафсала билан берилиб ёзаётган пайтим эди. Ўқиса қўли ишга бормай, янги китоби бирикки ой тўхтаб қолади, деб атайин шундай қилган. Мақолани бошқалардан эшитиб, бирон ойлardan кейин ўқидим.

Биз манан шундай бир-биримизни аярдик. Ёзишга бир-биримизни рағбатлантириб турардик.

Албатта, жанжалсиз уй йўқ, дегандек орамизда ғиди-биди гаплар ҳам бўлиб турарди. Кўпинча бунақа воқеаларга мен сабабчи бўлардим.

Уй қуриб, машина олиб, юбилей қилиб анча чиқимдор бўлиб қолдик. Менинг қўлим очиклиги, бўлар-бўлмасга пул сарф қилиб юборишимни билган Саидахон



### Шеърхонликдан сўнг...

рўзгор бошқаришни ўз қўлига олди. Топганимизни расамади билан билиб-билиб сарфларди. Албатта, бу менга ёқмасди. Эркак одамнинг кўчада озми-кўпми харжи бўлади. Саидахон худди қулоққа ўлчаб бергандек жуда оз пул берарди. Мен ҳам бўш келмай, олган гонорларимдан ўмариб қолардим. Саидахон буни билмасди.

Миртемир домла менга ўхшаган серсарф одам эдилар. У киши билан бир маҳаллада турардик. Домланинг Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистондан келадиган шоир ўртоқлари кўп бўларди. Уларнинг ҳаммасини Тошкент ресторанларида яхшилаб меҳмон қилиб кузатардилар. Баъзи-баъзида кечаси таксида келиб деразамни чертардилар. Форточкани очиб саломлашардим.

— Қорақалпоқдан ўртоқларим келиб қолди. Омонат касса ҳозир берк. Эрталабгача юз сўм бериб тур, аммо Саида билмасин, деб тайинлардилар.

Шунда мен бекитиб қўйган «ўғрилиқ» пулдан юз сўм олиб узатардим. Домла пулни олиб, эртага албатта ўз қўлига бераман, дердилар.

Эртасига айтган гаплари эсларидан чиқиб, пулни Саидахонга бериб кетардилар. Саидахон, бу пулни қаердан олгандингиз, деб мени қийин-қистовга оларди. Шундай қилиб мен ҳам пулдан ажралардим, ҳам пул «ўғриси» бўлиб қолардим.

Нодира қизимиз тўрт ёшга кирган пайт эди. Машинада далаларга чиқардик. Нодира сут ичиб уни қаердан пайдо бўлишини билмасди. Анор еб, заводда чиққан, деб ўйларди. Далаларда юрганимизда сигир соғаётган хотинларни, анор гулини, ҳосилини кўриб, қовуннинг марзада палак орасида дўмпайиб туришини, маккажў-хорининг попугини кўриб ҳайрон бўларди.

Саидахон унинг бу ҳолатларини кузатиб юрган экан. Эндигина оламини таниётган гўдак тўғрисида «Ойдан тушган қиз» деган жуда нурли, беғубор ҳикоя ёзди. Уқиб жуда таъсирланиб кетдим. Уша ҳикоя «Гулистон» журналида босилди. Редакция ходимларидан бири сарлавҳасини «Осмондан тушган қиз» деб ўзгартирипти. Саидахон жуда-жуда хафа бўлиб кетди.

— Ахир, нега сўрамасдан ўзгартиришади. Осмондан тушган сўз салбий маъно англатади-ку. Ғўдайган одамга осмондан оёғингни узатиб тушган бўлсанг ҳам менга хўжайинлик қилма, деган гап бор. Ойдан тушган, деганда қандайдир нурли бир нарсани тасаввур қиламиз.

Саидахон ҳамма вақт ўз асарларидаги ҳар бир сўз учун курашарди. Чунки у ҳеч қачон сўзларни нотўғри ишлатмасди.

Ғафур Ғулом вафот этганда унинг мотамига атаб «Шоирни эслаб» деган бир шеър ёзганди. Сарлавҳа тагига «Ғафур Ғулом вафоти кунлари ёзилган» деб қўйилган эди. Шеър босилиб чиққандан кейин афсусланиб қолди.

— Муни қаранг, Ғафур аканинг ўлимидан қаттиқ куйган эканман. Бир сўзни хато ёзганимни сезмай қолибман. «Вафоти кунда» дейиш ўрнига «Вафоти кунларида» деб ёзворибман. Жуда уятли иш бўлди-да.

Саидахон эллик бир йил умр кўриб бировга бош эгмади. Имонини маҳкам ушлади. Узига гард юқтирмади. Оламдан ҳалол-покиза яшаб ўтди. Лаганбардорлик, бировга мутелик, ҳасадгўйлик унга бегона эди.

**Курашсиз, меҳнатсиз шодлик, кулгини  
Ўғирлик мол дейман, қиламан ҳазар.**

**Қалбимнинг парчаси сингмаса агар,  
Розимасман биров ҳадя этса зар.**

Бу сатрлар Саидахоннинг шеърда чизилган сувратига ўхшайди.

## **Шоиранинг феруза осмони**

Ёмғирдан кейин осмонда пайдо бўладиган камалак ёйи жаҳондаги жамики рангларни еттига ипга чийратма қилиб тортиб турганга ўхшайди. Ушса етти ипни ёйиб юборсангиз анвойи рангларга тўлиб кетадигандек.

Одам боласи борки, шу ранглардан бирини ўзиники қилиб олади. Бутун тақдирини, таржимаи ҳолини, орзу-умидларини ва ниҳоят, оламни шу ранг орқали кўради. Табиати ҳам шу ранг таъсирига боғланиб қолади.

Масалан мен гунафша рангини яхши кўраман. Шу рангга кўзим тушиши билан бутун умрим кўз олдимга келади. Яйраб кетаман: Бунга сабаб, ёшлигимда гунафшаранг қоғоздан варрак ясаб учирардим. Кўм-кўк баҳор осмони болалар учирган анвойи ранг варракларга тўлиб кетарди. Улар орасида менинг гунафша ранг варрагим алоҳида ажралиб турарди. Ҳозир ҳам гугурт қутисининг орқа томониغا ёпиштирилган гунафшаранг қоғозга қараб ўйга толаман. Болалигим, ёшлик орзуларим бир дам жонлангандек бўлади.

Саидахон феруза рангини яхши кўрарди. Такси чироғини кўрганда кўзлари яшнаб кетарди. Меҳмонга борганимизда феруза зирак таққан хотиннинг ёнига бориб ўтирарди.

Унинг шеърми, ҳикоями ёзмоқчи эканини дарров билардим. Баъзан бармоғидаги феруза тош қадалган узукка тикилиб жим ўтириб қоларди. Шундай пайтларда Нодирага, юр, қизим, ойингни илҳоми келиб қопти, нариги уйга чиқайлик, дердим.

Чиндан ҳам ўша куни шеърми, ҳикоями албатта ёзиларди.

— Феруза рангнинг нимаси яхши экан,— дейман ажабланиб.

— Э, сиз билмайсиз. Болалигимни эсимга туширади. Сомонли шuvoқ қилинган томимизда баҳор кезлари кўрпадек бўлиб лолақизғалдоқлар очиларди. Атайин томга чиқиб чалқанча ётардим-да, осмонга тикилардим. Осмон сўнгсиз, кўм-кўк. Худди ферузага ўхшарди. Хаёлимга эҳ-ҳе, нималар келмасди ўшанда. Учиб чиқиб кетгим келарди. Негадир, ҳозирги осмонда ўшанақа тиниқ феруза ранг йўққа ўхшайди.

Биламан, ёшликда кўрган ранглар, эшитган товушлар кейин топилмайди. Бунга сабаб табиатда бирон ўзгариш бўлгандан эмас, ёшлик ҳисларининг ўша таъсирчанлигидан. Болалик кўзи соф ҳолда кўради, кўрадио кўнглида, хотирасида умрбод муҳрланиб қолганини ўзи ҳам сезмайди. Кўнглида туғилиб келаётган умидлар, истаклар шу рангларга қоришиб кетади ва болаликнинг узвий бир бўлагига айланиб қолади.

Мен ўқиган мактабнинг биноси жуда катта эди. Синф хоналари ҳам бениҳоя кенг эди. Яқинда йўлим тушиб мактабим ёнидан ўтдим. Ажаб, жуда ҳам пастак бино экан. Синфлар ҳам ниҳоят тор. Шунда бу даргоҳни ёшлик кўзлари катта-лаштириб кўрганини билдим.

Саидахоннинг ҳам ёшлик осмони ана шундай, энди асло қидириб топиб бўлмайдиган феруза осмон эди.

Баъзан Саидахон Андижонни мақтаб қоларди:

— Шаҳримизнинг қоқ ўртасидан Андижонсой ўтади. У қирғоғидан бу қирғоғига сузиб ўтиш кийин. Хўтанариқ деган анҳор ундан сал кичикроқ. Болалигимизда шу анҳор бўйида ўйнаб юрардик. Онәм, эҳтиёт бўлинглар, сув оқизиб кетмасин, деб тайинлардилар.

Андижонга борганимизда сойни кўриб, Саидахон ҳайрон бўлиб қолди.

Ия, сой кичкина бўлиб қоптими? Хўтанариқ ҳам...

Саидахон болалигида бу сойларга кичкина кўз билан қарагани учун унга катта кўринганини тан олгиси келмасди. Тошкентга қайтиб келганимиздан кейин ҳам Андижон тўғрисида гап кетса, ўша сойни, Хўтанариқни мақтаб қоларди.

Гап унинг феруза рангини яхши кўриши тўғрисида эди.

Бу ранг Саидахонга қанчалаб шеърлар берди. Қанчалаб ҳикоялар берди. Етмиш иккинчи йили Ҳамзаободга бордик. Тошкентда ҳаво жуда исиб кетган пайтлар эди. Ҳамзаобод ниҳоятда салқин, дам олиш кунларини сайру саёҳат қилиб ўтказишга келган фарғоналиклар, марғилону кўқонликлар кўп эди. Дам олувчиларнинг аксари аёллар. Узингиз яхши биласиз, водий аёллари жуда шўх бўладилар. Уйин-кулгига ўч бўладилар. Улар тўда-тўда бўлиб сой устига қурилган

чорпояларда ўтиришар, чирманда чертиб қўшиқ айтишарди. Саидахон уларнинг ўйин-кулгиларига қараб завқланарди.

Биз ҳам ўтириш учун бўш сўри излаб аланглаб турган эдик, ўрта яшар бир аёл Саидахоннинг олдига келиб:

— Сиз Саида Зуннунова бўласиз-а?!— деб сўради.

— Топдингиз,— дедим мен Саидахон ўрнига жавоб бериб.

— Сизни кўриб қизлар билан баҳслашиб қолдик. Мен Саида опа десам бошқаси йўқ, ўхшамайди, дейди. Гапим тўғри чиқди, мен ютдим.

— Нимадан баҳслашган эдинглар,— деб сўради Саидахон.

— Ким ютқазса, бир шиша «Красная Москва» деган духи олиб беришга шартлашганмиз.

Аёл Саидахоннинг қўлидан ушлаб, юринг, ўзингиз тасдиқланг, бўлмасам ишонишмайди, деб туриб олди. Ноилож улар тўдасига қараб юрабошладик.

— Мана, шоира опамни бошлаб келдим. Атирни чўзинглар.

Аёллар дув кўзғалиб, Саидахонни давра тўрига олишди.

Улар Марғилон атлас фирмасининг тўқувчилари экан. Сухбат қизиб кетди. Мен четда ўтириб уларнинг суҳбатига қулоқ соламан. Ҳаммаси шаддод, бировга гапни бермайдиган «бойвучча» аёллар эди. Ҳатто бирининг кўксига Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати деган нишон бор эди. Бир аёл чилдирмани қўлига олиб қўшиқ бошлади. Тўрда ўтирган паст бўйли аёл қўл силтаб қўшиқни тўхтатди.

— Сен туратур. Ашулангни кўп эшитганмиз. Шоира меҳмонимиздан эштайлик. Саидахон, синглим, радиода, телевизорда сиз ёзган қўшиқларни эшитганмиз. Ўзимизнинг фарғоналик Таваккал Қодиров билан Исроилжон Усмоновлар қўшиқларингизни қойил қилиб ижро этишади. Айниқса «Ҳай-ҳай»ни, «Ёр ўтдим»ни эшитганимизда маза қиламиз. Энди ўзингиздан шеър эштайлик.

Сой шовуллайди. Паст овоз билан гапирсангиз биров эшитмайди. Саидахоннинг овози пастроқ эди. Уқисам, эшитилармикан, деб андиша қиларди.

— Қанақасидан ўқиб берай. Ишқийсиданми, ўйлатадиганиданми...

Унинг гапи тугамай аёллар чувиллашиб кетишди.

— Ишқийсидан бўлсин, ишқийсидан.

Саидахон баҳайбат тошларга сапчиётган тўлқинларга тикилиб ўйланиб қолди. Кейин ўқийдиган шеърининг дастлабки сатрини эслашга уриниб қўлидаги мошдеккина феруза кўзли узугига қаради.

**Ишқ дарсида мени лол айлади Лайло тамом,  
Улки устозликда танҳо, мен эдим хатсиз авом.  
Чарх зайлининг ҳама хил шевасидан очди сўз  
Сўнг деди: умримни энди сен ўзинг эткур давом.  
Билмадим, бу илтифотми, ёки душманнинг иши,  
Неки кўйга солса солди мени шу ўтли калом.  
Ё ақл солди бошимга ёки олди борини,  
Ичкизиб ашки кўшилган бодасидан битта жом.  
Қалб хазинанг менга бўлсин, тақдирингни олмагум  
Минг шукр, ёр васлидан обод уйим ҳар субҳи шом.  
Посбон бўлсин Саида бу тиниқ дил мулкига,  
Бўлмасин нопок пойидан покиза гулзор ҳаром.**

Хотинлар чувиллашиб шоирани олқишлай бошладилар. Бу пайт бошқа сўридаги эркагу аёллар атрофни ўраб олишди. Уша йили янги босмадан чиққан Саидахоннинг «Нилуфар» деган тўплами Ҳамзаобод китоб дўконига келган экан, кўпчилик қизлар, йигитчалар дастхат олиш учун биттадан китоб олиб Саидахонга яқин келолмай туришарди. Аёллар яна шеър ўқинг, деб қишашди. Саидахон кетма-кет бешта шеър ўқиб, энди бас, деб чой хўплай бошлади.

Бутун суҳбат давомида гапга аралашмай кўкчоё ичиб ўтирган кексагина аёл ҳамон жим ўтирарди. Саидахон, шеър ёқмади, шекилли, деб унга қарадио кўзлари яшнаб кетди. Кампирнинг қулоғида феруза тош ўрнатилган зирак йилтираб турарди. Шоира мунча менга тикилиб қолди, деб кампир уёқ-буёғини тузата бошлади.

— Ая,— деди Саидахон.— Зирагингизни менга сотмайсизми?

— Йўқ, қизим. Сотмайман. Бировга ҳам бермайман. Бу зиракни ўлганимда қулоғимдан ювғучи чиқариб олади. Ювғучининг ҳақи бу.

Орага аллақандай совуқ жимлик тушди. Ўз ўлимини бемалол, сесканмасдан гапирётган кампир ажаб-ғалати бўлиб туюлган эди:

Тўрда ўтирган жўрабоши аёл жимликни бузди. У аскияга ҳам дуруст экан, гапни чийраб, пайровини жойига қўйиб гапирарди.

— Ая, гап деганни қайновини келтириб гапиринг-да. Нима қиласиз, илимилиқ

гапларни ўртага тўкиб. Ўнбеш йилдан бери ўламан, деб кўйдирасиз. Уламан деганингиз сари рангингиз тиниқиб, ажинингиз тарқаб кетяпти.

Аёллардан бири гап қўшди.

— Иштаҳаларини айтмайсизми!

— Шунга айтман-да,— деди жўрабоши аёл.— Сиз ўлмайсиз. Двойной пенсия оладиган ёшга етгунча яшайсиз. Кўпчилик бўлиб эрга берамиз, деб тайёргарлик кўряпмизу сиз ўламан дейсиз-а.

Давра гуриллаб кулиб юборди. Бошқаларга қўшилиб кампирнинг ўзи ҳам тишсиз оғзини очиб кула бошлади.

Яна давра илгариги қувноқ изга тушиб кетди. Жўрабоши аёл Саидахонга юзланди:

— Феруза зиракни яхши кўрасизми? Сизга ўзим шунақа зирак топиб бераман. Агар истасангиз.

У гапиратуриб ёнида ётган сумкасини олиб оча бошлади. Ичидан даструмолга тугилган ниманидир олиб тугунини тиши билан еча бошлади.

— Мана, хоҳласангиз шуни олинг.

Кўп тақилгандан гардиши ейилиб симга айланиб кетган феруза кўзли узукни Саидахонга узатди.

Саидахон олиш-олмаслигини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Узукни олиб унга ўрнатилган ўрик данагининг мағзидек ферузага қаради. Кейин ўрнидан туриб мендан машина қалитини сўради. Қалитни олиб, шовуллаб турган Шохимардон сойи кўпригидан ўтиб машина томон кетди. Сал ўтмай қоғозга ўроғли бир нарса кўтариб келди.

— Бўлмасам манаву сизга мендан эсдалик бўлсин.

У шундай деб қоғозни очди. Ундан Бухорога борганимизда олган, зардўз усталар ясаган ковушни олиб узатди.

Бу ковуш ниҳоятда чиройли, турли зар иплар билан безатилган эди. Ковуш қўлма-қўл бўлиб кетди.

— Синглимжон,— деди жўрабоши аёл.— Ковуш ўзингизга буюрсин. Мен узукни кўнглимдан чиқазиб беряпман.

Хулласи узукка ковуш айрибош қилинди.

— Майли, яқинда келин туширадиганман. Келинимга атаб яхши ният билан оламан. Шоира опангдан тўёна дейман, келинимга.

Китоб кўтариб турганлар бирин-кетин келиб Саидахондан дастхат ола бошладилар.

Саидахон ўша узукни қўлидан қўймасди. Ҳаммавақт унга тикилиб ўтириб, кўп нарсаларни ўйларди. Шу узукка тикилиб ўтириб, «Йўл бошида», «Қарз», «Янги секретарь», «Кечикиш», «Қуз ёмғири», «Дафтардаги дардлар» каби ўнлаб ҳикоялар, қанчадан-қанча лирик шеърлар, дostonлар ёзган.

Ўша узукни оиламизнинг нодир мулки сифатида жуда эҳтиётлаб сақлаймиз.

Саидахон жийда гулининг ҳидини бениҳоя севарди. Ҳар баҳор жийда гуллаганда маст одамдек довдираб юрарди.

Кўчамизда биздан уч ҳовли наридаги уй дарвозаси олдида бир туп жийда бор. Шу жийда гуллаганда ҳар оқшом кўчада айланардик. Жийда гули бутун кўчани тутиб кетарди. Бизга қўшилиб қўшни хотинлар ҳам жийда тагига келишарди. Қайтишда жийданинг гуллаб турган шохидан синдириб олиб келардик. Шиша банкага солиб столга қўярдик. Шунда ҳовлимиз жийда гулига тўлиб кетарди. Саидахон шундай кезларда то ярим кечагача ҳовлида электр ёруғида нимадир ўқиб ўтирарди. Бирданига стулда букчайиб ўтирганча, тиззасига дафтар қўйиб шеър ёза бошларди.

Саидахоннинг кўп шеърлари баҳорда, жийда гуллаган пайтда ёзилган эди.

Жийда гулининг умри қисқа бўлади. Бир-икки кунда ҳаммаёққа атир пурқаб ўтади-кетади. Унинг ҳидига тўймай қолган Саидахон келаси баҳордан умид қилиб, тоқат билан кута бошларди. Ёзувчилар боғидаги икки туп липа дарахти май ойининг ўрталарида гулларди. Ҳиди айнан жийда гулининг ҳидига ўхшарди. Атайлаб Дўрмондаги ижод уйига липа гулини ҳидлагани борардик.

Етмиш еттинчи йилнинг баҳори эди. Март ойининг ўрталарида ўрик гуллади. Ҳовлимиздаги ўрикнинг гуллаган шохидан синдириб олдим. Гилос тагидаги бўйрадеккина жойга гунафша эккан эдик. У ҳам ҳовлининг бир четига сиёҳ тўкилгандек бўлиб турибди. Бир даста қилиб териб олдим-да, янгигина босмадан чиққан «Танланган асарлар»нинг иккинчи томи билан бирга қўшиб, Саидахонни кўргани касалхонага бордим.

У аввал босмахона ҳарфларининг ҳиди келиб турган иккинчи томни шошилмай варақлади. Кейин гунафшани ҳидлади. Ундан кейин ўрик гулига қаради.

— Ҳовлидаги ўригимизнинг гулими?— деб сўради.

— Ҳа,— деб бош ирғадим. Кейин у:



Саида Зуннунова — шоиралар даврасида

— Марғубаларнинг эшиги. олдидаги жийда ҳали гуллагани йўқми?— деб сўради.

— Яна бир ойлardan кейин гуллайди,— деб жавоб бердим.

— Мен йўғимда гуллаб қўймасмикин, деб ўйлаб ўтирган эдим. Хайрият гуллаганда уйда бўларканман...

Йўқ. Жийда гуллаганда Саидахон йўқ эди.

Саидахон бизни ташлаб кетгандан бир ой ўтиб ўша жийда қийғос гуллади. Чамандек гуллаган шохидан синдириб қабрига обордим. Яна битта шохини суврати олдига қўйдим.

**Жийда гулларидан ҳаво муаттар,  
Табиат кучига ўқийман таҳсин.  
Сочим, димоғимга яширгим келар,  
Шу жаҳоки гулларнинг тенги йўқ исин.**

**Шохин синдиришдан тиёлмам ўзни,  
Истамасам ҳамки қилмоқни увол.  
Баъзан яхши нарса яхшилигидан,  
Ўз умрига ўзи бўларкан завол...**

Кўчамиздаги бир туп жийда шоирани қўмсаб ҳар баҳор гуллайди. Унинг беғубор ҳидлари шоирани қидириб, ҳовлимизда бир-икки айланиб, яна аллақайларга бош олиб кетади.

## Ҳамишалик туйғулар

Андижон педагогика институтида адабиёт кафедрасини бошқарар, адабиёт назарияси ва тарихидан дарс берар эдим. Ёзувчилар союзига аъзо бўлиб, Тошкентдан қайтиб борган куним хонамга икки қиз кириб келди. Улар, иккинчи курс талабалари, мени табриклагани келган эканлар.

Шуларнинг бири Саида эди. Думалоқ юзли, тили жиндак чучук, йиғноқ жуссали бу қизни илгари аудиторияда кўриб, ундан имтиҳонлар олиб юрардим у яхши танимас эканман. Шу кун шешрият ҳақидаги мулоҳазаларини эшитиб, ҳайратда қолдим. У мен билан ғарб «демонизм»ни, шунга алоқадор тарзда Байрон ва Лермонтов ҳақида, Ҳамзанинг «Сармоядорлар» ва Тоқташнинг «Ер ўғли» асарлари ҳақида баҳслашди. Мен муаллим сифатида албатта, кўпроқ ундан «гап олиш»га, фикр йўналишларини англашга уринардим. У эса эрк берган сарим мавзунинг иккарироғига кирар, адашар, фикрларни чалкаштирар, гоҳо қайтиб чиқолмай қолар эди. Мени бу хато ё чалкашликлар чўчитмади, чунки муаллимга шогирднинг мутолаа савияси, дадил ва мустақил фикрлай олиш қобилияти зарурроқ эди.

Шундан кейин, биз у билан адабиёт дунёсига шўнғиб-шўнғиб, кўп ва бафуржа суҳбатлашадиган бўлдик. Очиғини айтиш керак, бу зийрак талаба билан суҳбатларимнинг ўзимга ҳам кўп нафи теғди: лекцияларимда программа билан чекланиш, билимларни ўта системали қиламан, деб гоҳо схемага солиб кўйиш каби нуқсонларимни сездим.

Саида ҳар бир қувонч баҳонаси билан мени топиб келар эди. Бизнинг қувончларимиз эса доим адабиёт билан боғлиқ бўларди. Адабиётда топилмалар кўпинча беихтиёр юз беради. Институтда шеър ёзадиган ёшлар кўп, лекин мен беихтиёр равишда мана шу ажойиб зеҳнли қизни «танладим» — шоира, бўлишига умид боғладим. Унинг дастлабки шеърларида ошқора тақлидлар билан бирга, бокира қиз қалбининг нозик жилвалари сезилар эди. Ажабки, у шеърларига мен тақлиф

қилган таҳририй тузатишларни қабул қилмади. Бу ўжарлик менинг унга яна ҳам эътибор билан қарашимга сабаб бўлди. Чиндан ҳам, кутганимдай, бу «ўжарлик» кейин, у шоира бўлиб танилганида катта талабчанлик, ижодий мустақиллик фазилатларига айланди.

Мухаррирлик пайтларимда Саиданинг кўпгина асарлари, қўлёзмалари билан дучлашишга тўғри келди. У ҳар бир асарининг нашрга тайёрлаш, таҳрир, корректура, босмахона процессларигача ўзи бевосита иштирок этишини, барини ўз кўзи, ўз қўлидан ўтказишни талаб қилар, бировнинг «аралашиши»га жуда эҳтиёт билан қарар эди. «Гулистон»да бир поэмасини босганимизда автор анчагача редакция ходимлари билан ишга баробар келиб, баробар кетиб юрди. Таҳрирларимизни узоқ ўйлаб, ўзига ишонч ва катта талабчанлик билан, зўрға сингдирар эди.

Мен ўз асарлари тақдирига «босилса бўлди» деб қаровчи авторларни ҳам биламан. Шуларни ўйлаганимда «ўжар» Саидага ҳурматим яна ошар, уни ҳаммамиз Қаҳҳор Саидасига ўхшатар эдик. Шоира бир тўпламининг рус тилига қилинган таржимасини бутунлай рад этгани эсимда. Китоб автор талаби билан босмахонадан қайтарилиб олинган. Бундай ҳол адабий тажрибамизда камданкам учрайди. Кўплар китоб чиқишига қизиқиб, ўзига унча ёқмаган таржималарга ҳам муроса билан қарайдилар. Саидада бундай одат йўқ эди. Менимча, ўз ижоди учун китобхон олдида жавобгарлик ҳиссининг бу қадар кучлилиги ҳаммамизни ўйлатадиган, сабоқ бўладиган бир фазилат.

Саида нафис лирикада тиниқ ижтимоий оҳангларни, ўз граждандлик позициясини, халқона ахлоқий талабларни узвий ва табиий бўёқларда ифодалай билар эди. Устоз Фафур Фулом унинг бу фазилатини юксак баҳолаб, «Саида — халқ қизи, халқимизнинг жажжи қизи» деб атаган, илк китобларидан бирига «Қизингиз ёзди» дея ном ҳам қўйиб берган эди.



Халқ қизи нималарни ёзди? Биз шу бугун курашаётган ғоялар — юксак инсоний фазилатлар, поклик, ҳалоллик, инсоф, меҳнатсеварлик, эътиқод... Аммо бу граждонлик талаблари Саида шеърларида самимий, таъсирчан лирик бўёқларга йўғрилиб берилади. Шоиранинг мана бу мисраларида одамзоднинг азалий ва абадий зарурати Инсоф ҳақида ҳамишалик туйғуларни сезамиз:

**Усиз етармиди дунё шу ёшга,  
Одамзод шунчалик улғаярмиди!  
Муҳаббат ё ғазаб тўлиб оташга,**

**Виждон деган нарса тўлғанармиди!!  
Кимдан эшитмайин бу қутлуғ сўзни,  
Қалбидан қалбимга оққан каби нур.  
Осмонга бир устун қўйилганидек,  
Олам кенгайгандек, қиламан ҳузур.**

Ҳа, синглим Саидахон, бу қутлуғ сўзнинг қадрини шу кунларда биз яна ҳам чуқурроқ англаймиз. Сизнинг ҳаётингиз ҳам, ижодингиз ҳам бу сўз билан маҳкам боғлиқ эди. Шунинг учун сиз ҳамиша барҳаётсиз.

Ойдин Ҳожиева

## Нозик хаёл шоира

Эсимда. Қирчиллама қиш кунлари. Дарвозахонанинг музлаган зулфинини туширарканман, ғўзапоя босилган том тепасидан оқ капалакдай қор гувиллаб тўкиларди. Мудраган қишлоқ томларига, кумушранг осмонга қор кўприклари мингашиб кетгандай туюларди. Яхлаган ариқлардаги сувлоқда, тизза бўйи қор йўлкаларда из тушмаган сукунат, кўз қамаштиргувчи поклик аро ҳеч бир куйга ўхшамаган оҳанг эшитиларди. Юрагинг кенгайиб кетгандай, шу оппоқ хаёлли оламда сен ҳам қор зарралари бўлиб чарх ургинг келарди. Эрта баҳорда йўрғалаб, қайгадир ошиқаётган жилғалардан кўтарилган илиқ ҳарорат жонни иситар, димоғингга шафтоли, ўрикзорларнинг майин ислари келарди. Чунки бу саҳар худди кексаларнинг тилагидай покиза, ғўдакларнинг тушларидай маъсум эди. Мана, ҳозир мен ғўдакликнинг саргузашт сўқмоқларида эмас, қор бўралаб ёғаётган қишлоқ кўчасида эмас, азиз бир шоирамнинг арғувон гулларидай алангали, ялпиздай хушбўй шеърятти йўлларига шўнғиб кетдим. Ҳамма ёқда гул. Лолалар, райҳонлар, ғўза гуллари... Бинафшалар — севгидай беғубор. Қадамлардан унган гуллар. Тонгнинг ўзи — оппоқ гул... Бўтана сувларнинг юзида гул... Ойдинда мудраган беҳининг биллур косасидаги хаёл — гул... Бу гулга ғарқ поэзия — севимли Саида опамизнинг соддагина, сокин оққан дарёдай тиниқ ижоди. Унинг сўзларини ўқисангиз, худди Жиззах йўлларида ўтаётганингизда икки ёқдан гул шафақларидай «оқиб ётувчи» ббдомзорлар оралаб юрганга ўхшайсиз. Юзларингизга раққоса капалакларнинг шойи қанотчалари тегиб ўтади. Қулоқларимга бу жасоратли, овозида ғалати шикасталик мавж урган шоиранинг сўзлари худди кечагидай шивирлайди:

— Узим ҳақимда нима ҳам дейишим мумкин? Яхшиси, шеър ўқиб бера қолай. Сизларга маъқул келса, мен учун бахт шу.

Самарқанд Давлат университетининг залида мушоира. Микрофонсиз, қоғозсиз ўқилаётган шеър ҳар бир юракка етиб борар, жамланганлар нафас ютмай тинглардилар. Йўқ, бу қуруқ, дабдабали сатрлар эмас, граждон шоиранинг замондошларига, студент ёшларга дил изҳори, ҳаёт, меҳнат, кураш ҳақидаги ўйлари — кўшиғи эди. Шоира сўнги сатрини ўқиб бўлгачгина, мухлислар учрашув бўлаётганини ҳис қилдилар. Бу юзма-юз суҳбат, худди дўстнинг орзиқиб қутилган муҳоби билан, маслаҳатчиси билан яйраб, очилиб-сочилиб тиллашган чоғларидай гўзал эди... Эҳ-ҳе, бундай учрашувларнинг қанчаси табиатнинг бўйнига қарз бўлиб қолди...

Самарқанддан Бухоро йўлига тушдик. Ҳали баҳор ўз ҳуқуқини қўлга олмаган, апрель ойининг бошлари. Саид Аҳмад ака шўх латифалари билан гоҳ Саида опани кулдирар, унинг кулгусидан ўзи ҳам мириқар, узоқ йўлнинг чарчоғи билинмасди. Қандайдир бир қабристон олдидан машина зувиллаб ўтаркан, Саида опа негадир маъюс, ўйчан тортиб қолдилар. Оппоқ юзларининг кулчасига бир лаҳза заъфар шуъла югурди:

— Қабристон олдидан ўтаётганда ҳар қандай каззоб, ашаддий ўғри, юлғичлар ҳам бир лаҳза инсофга келса керак! Ҳеч ким йиғиб-терганини, данғиллама

иморатини орқалаб, мана шу қора ерга олиб кетмайди. Ҳаммаси қолади-кетаетди.

Саида опанинг ўзлари эса бир нафас ҳам инсоф, диёнатини йўқотмаган, ўзи куйлаган садоқатидай содда, куйманиб яшаган мард Инсон эди.

Бухорога борган кунимизнинг тонгида Газлида қаттиқ zilзила бўлди. Уша куни шаҳардаги бир неча қорхоналарда учрашув белгиланганди. Лекин Саида опа кўнмадилар: «Ер беланчакдай тебраниб, одамларнинг юраги қалқиб турганда, кўйинг, уларни безовта қилмайлик! Нодирахон нима қилди экан? Иккаламиз ҳам сафарда бўлсак! Тошкентда қаттиқ қимирламадимикан!» Шу андиша билан Тошкентга кетамиз, деб туриб олдилар.

— Мени юбилейимда мақтаманглар. Агар жуда сўз айтмоқчи бўлсангизлар, шеърларимдан ўқиб берсанглар, кифоя!

Лекин унинг майин, бинафшадай сўлим шеърларини ким ҳам шоиранинг ўзидай берилиб, ҳар сўзига жон бағишлаб, ёддан ўқий оларкин! «Суврат билан суҳбат», «Лирик нутқ» дostonларидан ёд ўқиганларида, мафтун бўлиб тингланганларим... Устозларга беҳад эҳтиром, иззат билан «Ғафур Ғулом, қайдасиз?» деганда этлар жимирлиб кетарди. «Жингала сочларини шамоллар тўзғитган Шайхзода»нинг донишманд чеҳраси Саида Зуннунова шеърларида балқиб турарди.

Коммунистик партияга садоқат билан меҳр изҳор қилганлари бу нафис қаламли шоирага ярашганини айтсаммикан?

### **Сен бўлмасанг, чўридан ўзга кимса бўлмасдим, Ўлмай, ўлимтик бўлиб ўтар эдим дунёдан!**

Саида опа ўзига ёқмаган шеърларимни ўқиганда, одатда ҳеч нарса демасдилар. Ёққанларини эса, кўрганларича сабр қилмай, телефон орқали бўлса ҳам айтиб, хурсанд қилишни яхши кўрардилар.

— Ёшлар сендан зўрроқ ёзса, мардларча тан олмоқ ҳам керак-да. Мен бундай ёш шоирга фақат ҳавас билан раҳмат айтгим келади, — дегандилар Ёзувчилар союзининг катта йиғилишларидан бирида. «Шоира сингилларимга» деган бағишловларини ўқисам, ҳар гал кўзларимдан ёш тирқираб кетаетди. У Гулчеҳралар бўлиб шеър ёзмоқни, «Ойдин бўлиб тунлар илҳом тўкмоқ»ни яхши кўрарди! Нақадар самимий, меҳрчан, аёвчан, камтарин мисралар! Эл севган, қўшиқларини тинглаганда сел бўлган, илҳомланган, қойил қолган бир забардаст шоира ўзи билан изма-из келаётган сингилларига айтган сўзида ҳам нақадар олижаноб! Бу иқрорда яна гулнинг мусаффолиги, тозаллиги бор!

Саида опа шеърятда гоёят нозик хаёл, нафис, таъсирчан аёлдай таассурот қолдиради. Лекин бу туйғулари ипақдай майин шоиранинг Саид Аҳмад ака ҳазилларига гўдакдай жилмайиб туришлари, хурсанд бўлиб кулишлари мени таажжубга солганди. «Шарқ юлдузи» журнаliga шоира тез-тез келиб турарди.

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида бўлиб ўтган бир йиғинда танаффус пайтида барча шоира қизлар Саида опа атрофига йиғилишдик. «Саидахон, тушиқ қиласизми?» деб Саид Аҳмад ака хонага кирдилар. Бир лаҳза Саида опага тикилдилар-да, ҳазил аралаш дедилар:

— Бу нима, актрисаларга ўхшаб олабайроқ бўлиб келибсиз?

Саида опа кулиб юбордилар. Жилмайиб туриб, жавоб қайтардилар:

— Шу гапингизни уйда айтақолсангиз бўлмасмиди?

— Уйда эсимга келибдим, мана шу шоира сингилларингиз олдида билиниб қолди-да!

Саида опа яна кулдилар...

Саида опанинг ўша бахтиёр чеҳраси, юзларига ёйилган ўша иссиқ, ёруғ кулгу ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди...

Яна... Ўша баҳор тонгида уни уйқуда кўрганим... Кичкинагина ҳовличада бўйрадеккина ерга шоира ўзи эккан бинафшалар очилиб ётарди. Пешайвондаги магнитофонда эса... шеър зорилларди, «ўрик гулларига арғимчоқ солиб учган ёшлик...», «гулларга шивирлаган ишқ...», «шеърга солинган азоб лаззати» гумбурларди... Нодирахонни овутиб кириб-чиқаётган Карим Маҳмудовнинг аёли дамба-дам «Овозларингдан ўргилайин-а, Саидахон», деб кўярди. Пушти гулдай ухлаб қолган Саида опанинг кўксига тўрт донагина бинафша — баҳорнинг элчилари мўлтираб турарди...

Умрнинг қай ғафлат дақиқаси — ўлимнинг қарахт қилувчи қанотлари тегиб, ёниб турган юракни музлатиб кетди экан? Бу савол ҳали-ҳанузгача мухлислар дилида зирапчадай оғриқ бериб келади. Одамзод доим кўнгулга таскин топиб яшайди. Муаллима бўлиб адиба ёзган ҳикоялар, драмалар, шеърлар, қўшиқларни ўйлаб, овунгандай бўлади киши: унинг ёқимли овози ҳар куни қулоғимизга киргани, шеърларини соғиниб ўқиганимиз, сафда туриб хизмат қилаётган асарлари

Саида Зуннунова бугун ҳаёт, у ижод қилмоқда, шоира сингилларини кузатиб турибди, деб ҳуқуқ беради!

**Шоирамни изладим мен аргувонлар бағридан,  
Гулга тўлган маконлардан, ломаконлар бағридан,  
Пиру устоз, шогирдлардан, жонажонлар бағридан...  
Бинафшадай ўлтирарсиз шеър — чаманлар бағрида!  
Шу — ҳаётнинг Саидаси — даврон сўзли сози шу!**

Гулчеҳра Жўраева

## Ёниб ўтган умр

Шоиранинг одмигина, аммо ҳаётини мушоҳадаларга, камалак янглиғ туйғуларга ўралган шеърларини ўқир эканман, сатрлари ичра содда, самимий, наҳордек тиниқ юзли, тонгги офтобдек товланган ним табассумли, аёллик нафосатини кўз-кўз қилиб турган андижонча балдоқлари ва хонатлас кўйлаги ўзига ярашиб тушган оқила аёл — Саида Зуннунова чиқиб келади.

Мана, дийдорга, соғинчга ташна аини дақиқаларда мен яна Саида опа билан чақчақлашиб ўтирибман. Фақат жиндай изтироб билан. Қўлимда «Ёшлик» журналининг сўнгги муқовасида машҳур ёзувчи Саид Аҳмад билан Саида опанинг рангин суврати эълон қилинибди. Адабиётимизнинг эгизак фарзандлари — Ҳасан-Зухралари.

Ҳаётда эгизакларнинг дунёга келиши нечоғлик ноёб, эъзозли ва қувончли бўлса, уларнинг бундай бетакрор, меҳрибонона қиёфалари, бахтиёр лаҳзалари мени шу қадар тўлқинлантириб юборди. Қани энди Саида опа ҳаёт бўлсалару ўзлари орзу қилган ушбу ҳаяжонли дақиқалардан баҳраманд бўлсалар...

«Икки ижодкорнинг оила қуриб яшамоғидаги қийинчиликларни сезаётгандирсиз. Чунки ҳар иккиси ҳам ишлаш учун вақт, имконият, шароитга муҳтож, бу ёқда эса рўзгор ташвишлари, болалар тарбияси сенга интиқ.

Аммо бунинг хосиятли томонлари кўп, улар бир-бирига устун, мададкор, биринчи китобхон, биринчи танқидчи, бир-бирининг илҳомчиси. Бу шарофатлар олдида қолган барча тўсиқлар офтобда эриган қордек йўқ бўлади, кетади...» Шоира, рафиқа ва онанинг ўз ёзувчисига, умр йўлдошига, фарзанди отасига, қолаверса, умумадабиётга бўлган катта муҳаббати, садоқати ва ҳурмати нақадар буюк!

**«Кичкина уйимга сиғади олам,  
Тортишув, баҳслашув бўлур  
авжида...»**

Бу сатрлар ҳамон юқоридаги ўғитларни эсимга солиб туради.

Саида опа табиатан босиқ, лекин қалб исёнлари чеҳрасида ёки тилида, ё қаламида акс этарди. Чунки у лоқайдлик ва хотиржамлик билан сира чиқишолмасди. «Шиддаткор, талабчанлик» билан нафас олаётган ушбу замонда лоқайдликни жиноят деб билган шоира тараққиётимизга соя тушириб келаётганларга бепарқ қарай олмасди:

**Баъзан рўзгордаги бирон буюмни  
Кўздек ардоқлаймиз чангдан  
ва намдан...**

**...Шунча аясайдик агар одамни,  
Шунча асрасайдик ўксик ва ғамдан,  
Юзлар табассумдан аримасмиди,  
Касод бўлармиди дори бозори...**

Саида опа менинг ҳаётимга қандай кириб келди? Албатта, энг аввало, жозибали шеърлари билан. Уқирдик, ҳавас қилардик. Кейин эса бевосита суҳбатлари билан. Талабалик йилларим эди. Машқларимни олиб «Совет Ўзбекистони маданияти» (у вақтда ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси шундай аталарди ва у Биринчи май кўчасида жойлашган эди) редакциясига бордим. Адабиёт бўлимининг ходими Саида опа ёзганларимни кўздан кечириб чиқдиларда, қошларини чимирдилар, чеҳраларида норозилик аломатлари бўртиб чиқди. «Ўлдим дедим, ёқмади, демак ёмон ёзганман». «Шеърда муваффақият қозонмай туриб, нега ҳикоя жанрига қўл урдингиз?»

Лолақизғалдоқ бўлиб кетдим. Қайси жанрда қўлим келишини синамоқ учун

қўл урганимни айтмоққа лаб жуфтлади-му журъатим етмади, юқори қаватдан қандай қилиб кўчага отилиб чиққанимни сезмай қолдим. «Саида опа шеърларида жуда юмшоқ кўринсалар-да, ҳаётда шартакироқ эканлар», деб ўксиниб ҳам қўйдим ичимда. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб кетаётган эдим, орқамдан кимдир отимни айтиб чақирди. Қайрилиб боқсам шу редакция ходимларидан бири: «Зинҳор хафа бўлманг, Саида опа бир оз аччиқроқ қилиб гапирсалар ҳам доим ростини айтадилар», дея менинг кайфиятимни кўтармоқчи бўлди.

Дарҳақиқат, вақт ўтиб, бу меҳрибонлик тубига, аламоқ таъна мағзига тушундим. Ёш ижодкорни тўғри йўлга солишда мақтовдан кўра танқид кўпроқ фойда беришига имоним комил бўлди, илк машқларимни қайта қўлга олар эканман; ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Ғирт риторика, анъанавий ура-ура гаплар, бирор бадий топилма йўқ. Ҳеч ким кўрмасин дея уларни парча-парча қилиб йиртиб ташладим.

Саида опа билан иккинчи маротаба Ёзувчилар союзи биносида, ёшлар семинарида учрашдик. Опа оппоқ йўргакланган чақалоғини бағрига босганча залга кириб келди, биз — қизлар дув этиб опани ўраб олдик. У эса қизалоғини кўз-кўз қилиб, «қани, опаларингга бир салом бериб қўй-чи», дейишлари билан чақалоқ чинқириб юборди. Мен шоираларни она сифатида ҳеч тасаввур қилолмасдим. Саида опанинг шакар тилларидан томаётган болдек овунчоқ сўзларини эшитиб, «ҳа, улар ҳам бизнинг онамизга ўхшаган ширингина бўлишар экан», дегандим ўшанда.

Шу-шу шоира билан мулоқотларда, давраларда, хонадонларида тез-тез учрашадиган бўлиб қолдим. У кишини ўзимизнинг сирдош, тенгдош дугонамиздек ҳис этиб ҳар қандай мавзуда бемалол, тортинмасдан дардлашишга ботинардик.

Кунлардан бир кун телефон жиринглаб қолди, трубкани кўтардим. Саида опанинг нозик овози янгради. «Томо-

ша»ни ўқидим. Мана энди шеър ёза-бошлабсиз. Шу йўсинда давом этаверинг». Кўзларим чарақлаб, вужудим бўйлаб алланима жимирлиб чопгандай бўлди.


Бешафқат ўлим шоира опамизни орамиздан бевақт олиб кетишини билмай доғда қолдик. Энди бўлса гоҳи-гоҳида шогирдлик бурчини ўз ўрнига қўя олмаганимиздан хижолат тортасан, ачинасан киши. Саида опа катта-кичик — барча ёшларнинг ижоди билан қизиқарди. Илтимос ё кўмак сўраб келган ёшларга бирор марта бирор сабабни ваз қилиб рад жавобини бермаганлар. «Менга Саида опам «оқ йўл» ёзганлар», «Менга Саида опам тавсиянома берганлар», «Илк китобимни чиқаришда Саида опа катта ёрдам қилганлар» қабилидаги мамнуният ва ифтихорли гапларни тез-тез эшитиб тураман. Ҳа, чинданам, Саида опа мени ҳам Ёзувчилар союзига тавсия этганлар. Фақат мени бир андиша қийнайди — Саида опа ишончларини оқлай оляпманми, йўқми?!

Саида Зуннунова камтарона яшади. У ўз халқининг орзу-умидларига, дардига, меҳнатига камарбаста эканлигини биларди, холос. Лекин ҳеч қачон у шоиралигини даъво қилмасди, эъзоз-икром кутмасди, шухратпарастликка ён босмасди. Ўз таъбири билан айтганда, «Қаноатда Саида филча» бўлиб яшади. Бу ҳам шоира учун жасорат!

**Мен қудуқ қазийман игна учида,  
Бутун юрагимни сатримга қўшиб.  
Шундай яшадим мен, шундай яшайман,  
Олов бўлиб ёнди бағримда юрак.  
Бу ўт — яхшиларнинг йўлини ёритиб,  
Ёмонни ёқмаса не учун керак!**


Бу ўт, бу олов ҳамон сўнгани йўқ. Ёмонни ёқиб, яхшилар йўлини ёритиб келмоқда.

Саида Зуннунованинг сабоқ мактаби шогирдлар учун ҳамиша очиқ, қалб чаманзори эса китобхонлар билан доимо гавжум...



Акбар Юнусов

## ҲАКИМ ЯЛЛО ҚИССАСИ



Акбар Юнусов — ишчи. Кўпдан бери ҳикоялар машқ қилиб юради. Анчамунча нарсаси матбуот юзини ҳам кўрган. У жимжимадор гаплардан қочади, содда ва лўнда қилиб ёзади. Биз журналхонлар ҳукмига ҳавола қилаётган ҳикоя ҳам айни шу йўсинда ёзилган. Ҳикоя қаҳрамони Ҳаким недир жиҳатлари билан Александр Твардовскийнинг Василий Тёркин номли шоввоз қаҳрамонини эслатади. Ҳаким бир қарашда жўнроқ туюлса-да, ичидан пишган, ҳазил-мутойибани хуш кўради, энг қийин дамларда ҳам қувноқлигини йўқотмайди, хуллас, адолат тантанасига ишонган совет жангчиси... Унинг ҳар бир юрак зарбида урушга нисбатан битмас-туганмас нафрат сезилади.

Уйингга буғдой тўлгур, дўхтир ука, рухсат бер, касалхонангдан кетай. Кўхлик гапни билмайманки, анграйтириб юрагингни сел қилиб алдаб кетсам. Соддагина қилиб айтаман. Нондек азиз бўл. Майли, койисанг койи, осилган мўйловим ҳурмати, ғиринг деган номард. Кечагина бошимдан чиққан осколка билан қасам ичаман.

Сочимни Ҳожи сартарошга олдираётган эдим, бирдан устараси қирс этиб, бошим жиз этди. Оббо, Салим бошоғриқнинг зиёфатидаги аскиям жонидан ўтиб, дилида кек сақлаган экан-да, хувори, деб ўйладим. Бошимни силасам — осколканинг учи чиқиб турибди. Шартта суғуриб олсам, сартарош деганинг, кўзлари чархпалак бўлиб:

— Устаранинг пулини бер, тифини единг, — дейди.

— Бекорларни айтибсан, ўзингнинг қўлинг бебарака, — дедим. — Сочимни сенга олдириганимдан бери сийраклашиб кетяпти-ю, яғир жойига ҳам баравар ҳақ оласан.

Сартарошдан шоҳлар ҳам ҳайиққан. Иягинг тагида тиғ ўйнатгандан кейин ҳайиқмай бўларканми! Дилидагини ким билади?

Қани, осколкани бу ёққа ол-чи. Маҳалламизда уруш ветеранларига музей қилишмоқчи, ўшаларга бераман.

Хафа бўлмайсан, ука, қаричилик. Машойихлар айтади: «Эркакнинг кучи қирқ ёшгача белида, кейин тилида бўлади», деб. Рухсат бер, кетаман. Энди, буёғи ўзингга маълум — олтимиш ёшдан кейин ҳар ой биттадан касаллик салом бериб, танангга эга бўлиб, жойлашиб олавераркан.

Даволамай кўя қол. Жарроҳнинг иши бошқа — ҳам кўримли, ҳам унумли. Сен бўлсанг, ҳадеб ҳабдори берасан. Ёшгина, кўхликкина қиз келиб, бўксангга укол қилади. Кейин у эмас, сен юзга қарагани уяласан.

Навбатчиман, дегин? Биз ҳам, қаричилик, қуш уйқу бўп қолдик. Бир тарихимни гапириб берайми? Ҳарқалай, ибрат-да, дилимизда, ичимизда қолмасин. Хўп, қани, андисиз чойдан кўй. Узиям чумчуқнинг оёғи ботмайдиган бўлибди-да, раҳмат.

Хўш, отадан ҳам, онадан ҳам етим қолганмиз. Етим улоқади, муқим ери йўқ. Бировникида ортиқча, бошқасиникида бегонадай хароб. Шу сабаб, саводимиз ҳам чалароқ. Алифбенинг ҳарфларини эндигина битталаб ақлга жойлагунча бошқаси пайдо бўлди. Ҳарқалай, девдек гавдам билан майда-чуйда болаларнинг ичида юриш эриш туюлдими, пешонада бор экан, ўқши юкмади.

Кетмончмиз. Бригадир — тоғамиз. Қувлигу шумликларимиз бор. Муҳаббат деганинг товондан то пешонагача хўжайин. Чойнак қўйсанг, суви баданингда қайнайдиган даврлар. Қатортолдан Қанига чиройли қизни бир кўриш учун пиёда боришга эринмайсан.

Йўқ, қўшнимизнинг қизи Хотира элак сўраб чиқиб, бир қарадио юракни ғалвир қилиб кетди. Дийдори хумор қилиб, «уф» тортиб, қўрғон айланаман. Хаскашни синдириб, жўхориюяларнинг ичига беркитиб, уларникини сўрагани чиқаман. Хуллас, мен сув бойлагани, Хотира сигирдан хабар олгани чиқиб, бедазорда учрашиб, гуноҳ иш қилиб кўйдик. Бизга бу ёқиб қолибди, дегин. Ёқиб қолгандирки, иккимиз ҳам қуёш ботишини, одамлар донг қотишини кутамиз.

Ошиқда ақл бўлмайди. Хўшёрлик йўқолиб, бедазорда қўлга тушдик. Тоғам тушмагур синчворроқ эдилар. Бутун бошли ишқомдан узўмнинг бир ғужумини узсанг ҳам сезардилар. Кузатиб юрган эканлар. Роса тўполон бўлди. Хотира туйнугига қўйининг боши ҳам сизмайдиган қазноққа қамалди. Биз эса, боғнинг пастидаги айвонга «сургун» бўлишдан олдин, беҳидан ясалган обкашнинг таъмини роса тотдик.

«Ошиққа таёқ ўтмас, урса ҳам олдидан кетмас». Бўлар иш бўлди. Кеч бўлса ҳам фотиҳаси сизлардан, дегандек — безмиз.

Йўқ, беш-олти қария икки етимнинг бошини чаптиб қўйишди. Хуллас, уйландик. Бунинг савобини аввал билганимизда туғилган соатиёқ уйландик. Ноилож, аммо кўнгил хижил-да.

Хотинимнинг опаси сингилни бегона қилмайман, деб ният қилган эканми, бечоранинг ҳаммаёғини, роса чимчилаб, кўкартириб ташлабди. Буниси майли, силасак, сариёғдек ёқиб ялтирайверади-ку, аммо опаси инсоф билан иш тутмади. Онасидан қолган анчагина бисотни бермади: қозоқи наमत, сатил, икки офтоба, дастшў, яна анчагина чинни асбоблар...

Майли, бизга Хотиранинг ўзиям бўлаверади.

Уруш бошланган кун эсимда: сур гўштан шилпилдоқ бўлган эди. Юқори полиздан иккита эртапишар қовунни узиб, ҳовузнинг зах ерига, ҳовуридан тушсин, деб қўювдим. Шилпилдоқнинг шўрини қуритиб турган пайтим эди, девордан Собир алмасоқ сакраб тушди-да, кўзларини ола-кула қилиб: «Гирмон бостириб кирибди!» — деса бўладими?!

Тоғам, юзлари оқариб, овқатга ҳам қарамай, чойхонага чиқиб кетдилар. Биз эса, чиллали кувё, қоронғи тушиб, ҳуфтон қилиб келиш яхшимас, уйда қолдик. Уша маҳалларда ким билибди бу бошда не савдолар борлигини! Уйлабмиз-да, эрталаб Пиёнбозорга борган одам кеч қилиб қайтади-ку, Гирмон қаёқда, деб! Аммо қочган номард! Муштлашишга ишқибозлик йўқ-ку, лекин четлаб ўтмаймиз. Ҳозирча сувбошига чиққанимизда унча-бунча одамга бўш келмаганмиз.

Тўғрисини айтсам, урушни бизсиз ҳам бир ёқиб қилиб қўйишар, деб ўйлаган эдик. Аввалгисидан, «фин» дегани бор-ку, буниси зўрроқ чиқиб қолганга ўхшайди, бизни ҳам йўқлаб қолишди.

Тахмон бузилиб, димиқиб ётган сарполар ёйилди. Беда сотганда тоғага бериш «эсдан чиққан» озгина пул кўрпанинг тахидан чиқиб қолди. Уялмасин, деб белбоқча тугиб олдим. Тўнни елкага ташлаб, даканг хўроздек бўлиб, военкомга бордик.

Тумонат одам. Бир чеккадан отангни исмию ўзининг исмингни жуфтлаб чақирса, қизик бўларкан. Оломондан суғирилиб, сафга турдик. Ҳаммани ичкарига олиб киришди.

— Ҳов, ечинсанг-чи, ҳувори — деб туртишди.

— Нега, эй акаси, биз ҳаммомга кирганда икки тангани лунгидан аямаймиз!

Ечинмадим. Ичкаридан биттаси чиқиб, бургутқараш қилди. Биз ҳам зарғалдоқ эмасмиз, бемалол кўз уриштириб тўрибмиз.

— Уяласанми?

— Бегона ўтирибди-ку.

— Ахир у доктор, ундан уялмайдилар. Касби шу.

— Аёл-ку, нафси йўқми?

Атрофимдагилар кулди. Бошлиқ «чорт-порт» дейди. Мен бўлсам, бақувват, ўнинчи лампа пилигидан ясалган боғичимни маҳкам ушлаб турибман. Охири бошқа хонага олиб чиқиб кўришди.

Дилим ҳуфтон, уйга келсам — ҳаммаёқ чароғон. Ҳовли супурилган, супага жой солинган. Қишга атаб боқиладиган қўй сўйилиб, қозонга тушибди. Қариндош-уруғ, қариялар чой чайқатиб ўтиришибди.

Доим тергаб, хўмрайиб юрадиган тоғам «Ке, ўтир, майли, уч-тўрт кун дамингни ол, ўйна», дейдилар. Хўрматнинг зўрлигини қаранг. Ҳар куни урушга бориш керак экан-да!

Қариялар айвонга кўчишди. Биз ҳам таваккал қилиб гўннга кўмилган хумни олиб чиқиб, ҳовузга бўй бердириб қўйдик. Тоғам, кўзлари ўйнади-ю, индамадилар.

Қуёш осмонда чарақлаб кулиб турибди. Пастда экинзорлар оралаб илонизи ариқлар чўзилган. Обид аканинг қўрғони тепасидаги шийпон гердайган.

Муҳаммаднали аканинг боғини мирзатераклар ўраб, келиндек шивирлашади. Азим ёнғоқ тагидаги ҳовлида аканг қарағайнинг Хотираси юмуш қилиб юрибди...

Эшилиб ётган бедазор-чи? Кечаси оёғинг тагида хуркиб, бедана учади. Хотира эса чўчиб, «Вой, қўрқаман», деб бўйнимга ёпишади.

Э, ҳаммасини айтишга забон қани? Чорбоғлару ярим доира ишқомлар — ҳаммаси тўшақдаги гўзал жувондек яшнаб чақириб ётибди.

Шуларни ташлаб кетаманми?

\* \* \*

Эрталаб кўзимни қўл билан ҳам очиб бўлмайди. Қовоғимга харсангтош бостириб қўйгандек.

Хотиним эса турткилайди:

— Вой, турсангиз-чи, адамлар боядан бери кутяптилар.

Қарасам, чошгоҳ. Муҳаббат у шароб гағгитган бадан сўзга қулоқ солмайди. Зўрға туриб, ювиниб, тоғанинг олдиларига бордим. Салом бердим, индамай боғ оралаб кетдилар. Ора-чора дарахтларнинг тарихини, экан одамларни эслаб, айтиб бордилар. Ниҳоят, бир нокнинг олдига келиб тўхтадилар.

— Нок — умри боқий дарахт. Бобомиз экиб, парвариш қилган эканлар, мана, учинчи авлодга ҳам меваси насиб қилибди. Нок илдизи ердан қувват олади. Мана, сен ҳам уйланиб, илдиз отдинг. Эл бошига тушган уруш бизни четлаб ўтмади. Йигитлик номинг бор. Узоқ элларга кетяпсан. Пешонангга не битилган — ўзига аён. Қаерда бўлмагин, шу юртнинг обрўсини баланд тут. Мендан рози бўл. Ўқитолмадим, баҳоли қудрат тергадим. Хотинингдан кўнглинг тўқ бўлсин. Энди манови омонатингни ол, бобонг бешикка беланганинга ёстиқ остига қўйганлар, эсли-хушли йигитсан, тиғни адолат учун қиндан чиқарасан, — деб сопи кийик шохидан ишланган пичоқ бердилар-да, ариқ бўйлаб кетдилар. Мен бўлсам ҳам ҳайронман, ҳам пичоқдан хурсандман.

...Кунлар ўтди. Қий-чув, йиғи-сиғи билан поездга тушиб кетдик. Қизиқ, шаҳар кўзимизга кенг кўринар эди-ю, лекин поезд озгина юрмасдан поёнлаб қолди.

Олам кенг экан-а, Қозоғистонда бир неча кун юрдик. Ҳаммаёғи бепоён чўл. Гоҳида шошиш қонида бўлмаган туя гердайиб туради. Қаёққа ҳам шошарди? Адоғи йўқ ернинг чегарасига етолмай, ҳафсаласи пир бўлганидан ҳаваси ҳам ўлиб қолгандир.

Поездда одам зерикиб кетаркан. Кўрпанинг ичига озгина беркийтиб қўйганим бор эди. Тамом бўлди. Бекорчиликдан хотинни сўкаман. Ақли бўлса, атлас кўрпача билан пар болишни берадимми? Бари бир ташлаб юборишар экан.

Қарағайзорга келиб тушдик. Қани, ўша гирмонингни кўрсат, куч синашиб қўяйлик. Йўқ, ҳаммани қатор қилиб, «бир, икки, уч» деб ёш болани атак-чечак қилгандек, юришни, салом беришни ўргатди.

Ҳа, майли, чидаб юрибмиз, аммо ўрис тилини билмасанг ёмон-да. Дилингдаги гапни айтолмаганингдан кейин, одамга алам қилади, даврадан бир четга чиқиб қоласан. Пиёнбозорда икки-уч ўрганган сўзимизнинг мағзи сўкиш чиқиб қолди.

Одамлар ҳар хил бўлади. Тили бошқа бўлса ҳам, дили бирлари бор. Семён дегани бор эди. Бир қоп ёнғоқ. Афтига қараб куласан-у, аммо доно эди. Русчани ўргатарди. Кейин гирмоннинг немиси бир-у, фашисти бошқа эканини тушунтирарди. Уша фашист оёқ босган ерни ўзиники ҳисоблаб, минг йил яшаган халқ унга қулмиш. Нотавон кўнглинга қўтир жомашов, яна нималарни хоҳламайсан?

Семёнга раҳмат, эринмасдан русчани ўргатди, ҳалигидек сўзларни нотўғри бичиб, энгини ёқасига ёпиштириб айтсам ҳам қулмайди.

Тунларни солдатлар немис техникаси ривожланганию пиёда эмас, машинада юриб урушга кириши ҳақида гапиришади.

Душман ожизмас. Боболар айтгандек, «хушёр қайна», лалайиб юрсанг шалпайиб кетасан, эс-хушингни йиғ, Ҳақим.

Ҳа, бу ерлар қиройли, ҳаммаёқ дарахт, бутазор бўлгани билан совуқ. Ўрмонзорлар чеки йўғ-у, жонзот кўринмайди. Бизда битта теракда камида бешта

қушнинг уясини топасан киши. Бу ерда ўнта дарахтда ҳам битта қуш уяси учрамайди.

Шу ернинг суви бизга борса, жаннат бўларди. Ёмғири мўл. Уч соат ёғмай қолса, бир-биримизга ҳазиллашамиз: «Ёғмаганига анча бўлди-я», деб:

Дилим шунақа ғашки, юракнинг ярмисини арралаб ташлаб енгил тортсам дейман.

Ненидир кўмсайман, кўнглим орзиқиб, кўргим келади. Э, топдим, қуёшни соғинган эканман. Қисталоқ роса кеч чиқди. Ялт этиб энди қизитишни бошлайди-ю, булут орқасига беркиниб, дилингда шўртанг армон қоладики, ҳеч нарса билан ювомайсан.

Кўнглим ғаш. Устига устак, дўстим Семён одамови бўлиб қолди. Бир кун эрталаб, азонга яқин оғир ингроқдан уйғониб кетиб, секин ёнимдаги Семёнга қарадим: кўзлари катта очилган; икки томчи ёш чаккасидан оқиб тушяпти. Кейин билсам, немислар ота-онасини ўлдириб, хотинини зўрлашибди.

Алҳазар! Ҳамма халқда ҳам марази, олқиндиси бўладикки, ундан ҳамма жабр тартади, лекин бутун бир халқнинг ёппасига ақлдан озишига ишонгинг келмайди.

Эсимда, Ҳожи сартарош қўшни маҳалладан уйланди. Қийқириқ билан куёвнавкар бўлиб келинчосига бордик. Соқи ўша ерда бир ёш жувонга кўз қисган экан, маҳалла йигитлари роса калтаклашибди. Куёв бу ёқда мўлтайиб қолиб, биз йигитларни эргаштириб, сайхонликка олиб чиқдик. Кўчада муштлашиб бўлмайди. Ёш болалар ҳам томдан кесак ғириллатиб туради, кўнгилдагидек ташлашолмайсан. Хуллас, тарафма-тараф саф тортдик. Нариги маҳалланинг жангари йигитлари гердайиб, хезланиб турибди: «Қани, келавер, фақат йигитчасига; пичоқ олган номард».

Бирдан оппоқ соқолли нуроний чол ёнимизга келди:

— Хўш, болаларим, нима гап?

— Ҳеч нарса,— деб тўмсайдим.

— Муштлашмоқчимисиз? Тилимиз, еримиз, дилимиз бир бўлса, бир-биримизга кўз олайтириб, мушт отиш ақлдан эмас.

— Калтакни еб кетаверамизми?

— Бир безорини деб жумла мўмин азият чекиши инсофдан эмас. Агар аламингиз бўлса, мана, мен турибман, мени уринг.

Шимарилган билагимда гупурган қон бирдан пасайиб қолди денг.

— Йўғ-э.

— Уравер. Мен ҳам шу маҳалладанман. Учингни ол.

— Сиз айбдор эмассиз-ку?

— Хайрият-э, фаросатинг бор экан. Нима қиласан, халқни қақшатиб? Йигитсизлар, ичингизда мой қайнайди. Лекин ҳали қувват керак бўлади. Кучни бекорга исроф қилма,— деб насиҳат қилди чол.

— Отахон, соқолингиз ҳурмати, кетамиз, аммо йигитларингизга айтинг. Бирор кори-ҳолни бошлашса...

— Маҳалла йигити қўл кўтарса, айбдори мен...— деб насиҳат ўқиб, попугимизни пасайтирди.

— Қани, йигитлар, кетдик.

Наҳотки ўша немис халқининг ичида ўзгаларнинг оғриғини сезадиган доно қариялар йўқ бўлса? Ҳаммага насиҳат билан далолат қилиб, халқнинг кўзини очиб, адолат ва ҳақгўйликка чақирмаса!

Эшитганим лоф бўлмаса, улар ўзининг ҳақгўй, доно қарияларининг сўзига қулоқ солмай китобини ёққанмиш. Одобсизлик қилиб, ҳовлиқма, маҳмадона қуруқларнинг сўзига учиб юрган бўлса керак-ов.

Халқ урушга кирса, четда турадигани бўлмайди. Бирниқи мингга, мингники туманга айланиб, ҳўлу қуруқ баробар ёниб, оломон жанги бўлаётганга ўхшайди. Кўпам ўйлаб поёнига етолмайман. Қизиқ олам Қатортолга жо бўлгандек юрар эканмиз-да. Тўғри-да Қанига ёки Қозироботга ошга чақирса гоҳ-гоҳда борардик, бўлмаса — йўқ.

Ҳозир бизда саратоннинг охири. Қуёш ҳади тик. Тупроқ товонни куйдиради. Қани энди елкага тўнни ташлаб, илонизи ариқ четидаги йўлдан гузарга кетаётган бўлсанг. Деворлар устида сап-сарик беҳилар кўчага чиқиб, кулиб турибди. Ишқомларда олтинга ўхшаб етилган узумлардан авжи мусаллас соладиган вақт. Қори аканинг катта ҳалқали эшиги, сал нарида азим ёнғоқ тўкилиб, палласи очилиб, ғалвир танасидан мағзи кўриниб турибди. Биз анжирхўрлик қилиб юрган боғлар. Толзорлар орқасида яккачўп устидан ўтиб, чапга бурилсанг — мажнунтол, чойхона, ҳовуз... Начора, у жойлар олисда қолди. Уруш кетаяпти...

Икки соатли уйқудан кўз сал илиниб, энди тан ором ола бошлаган заҳотиёқ туриб постга боришга тўғри келади. Вужуд карахт, мия ғовлаган.

Қоровулдан қайтсам, командир чақирибди. Оббо, яхшиликмикан? У ёқ-бу ёғимни тўғрилаб, штабга яқинлашсам, солдатлар давраси кўринди. Суқулиб



кирсам, асир немис, камари ечилиб, шимининг тугмалари узиб олингани учун икки кўли белида, кўзларини ерга тикиб турибди.

Командирнинг олдига кирдим. У милтиқни текшириб, кўзимга қаттиқ тикилди.

— Район марказига бориб, асирни топшириб келасан.

Асирни олиб, дароҳтлардан шовуллаб ёмғир томчилари устимдан тўкилаётган ўрмондан совуқ шамол ўйнаётган очиқ йўлга чиқдим.

Асир-чи, олифтанамо кўнжи паст этикларни аяб, кўлмакларни айланиб, қуруқ йўл танлаб кетяпти. Узоқда арава кўринди. Яқинлашганда кўрсам, аравакаш ўзимизнинг хўжалик взводигади Қурбон экан. Ҳарқалай, элатдошмиз. Мен учун хат ёзиб, келган хатларни ўқиб бериб туради. Қурбон немисни кўрдию ўрнидан туриб кетди.

— Даюсни қаерга олиб кетяпсан?

— Район марказига.

Бечора Қурбон акасида «қора хат» олганидан кейин аламзада эмасми:

— Судраб овора бўлиб ўлтирасанми, отиб ташла,— деди.

— Асир-ку?!

— Гирибонидан олгандан кейин қўлни кўтарган-да. Сенга хат бор, ўқидим,— деб чўнтагидан хатни чиқарди. — Тоғаннинг ўғли Мавлон, кейин улфатинг Қарим шаҳид бўлибди...

Хатни олдимۇ арава кетидан қараб қолдим. Тўғриси айтсам, Мавлонни ҳам, Қарим фўримни ҳам назарга илмай юрардим.

Мавлон нозиктаъб, мусичадек беозор эди. Танбур чертганда юрагинг эриб, рўхинг энгиллашиб кетарди. Хотирани кўрганимдек энтикиб хурсанд қиладиган куч пайдо бўларди. Миямнинг қатиғи қайнаб кетдими, икки чаккамда оғриқ турди. Кўз олдима — Мавлон, икки боласи. Ўзидан бўлагина, дўмбоқчина хотини босиқ хайрлаша туриб, бирдан ўзини йўқотиб Мавлоннинг бўйнига ёпишди. Кичкина ўғли ва қизи ҳайрат билан, кўрқув билан опасига эргашди. Мавлон бизга қараб, «Буларни кўринглар», дегандек кулимсирамоқчи бўлди-ю, лаблари тортилиб, йиғлаб юборишига оз қолди. Шартта хотинини итариб, эшикка отилдию кўчага чиқиб деворга беҳол суяниб қолди.

Қизиқ йигит экан. Гулларни кўриб, кулимсирарди, ўрик баргини олиб, зўр чиққан мусалласга қарагандек маҳлиё. Кийимига гард юқтирмасди. Йигит киши сал тўпори бўлиши керак. Гуноҳи нима? Нега ўлдиришди уни?

Қарим фўрим-чи, саноатни, зироатни ўстирамыз, деб орзу қилиб юрарди. Кўз олдима икки одам қоронғу ер қаърига кириб кетгандек йўқолди.

Йўлимиз кичик қишлоқдан ўтарди. Қараб, танимабман. Вайрона. Немис аэропланининг қилган иши. Уйлар ёниб, қатта печкаси туянинг бўйнига ўхшаб қаққайиб қолибди. Итлар думини қисиб, четлаб юришади. Катта сарой эшиги очилиб, пўстин кийган қиз кўринди. Кампир чиқиб, асирга ўқрайди-да, қизчанинг юзини ўгириб бағрига тортди. Асир гуноҳини сездимми, оёғи тезлашди. Қишлоқдан чиқаётганда сўқмоқ йўлдан бир жувон, унинг орқасидан қулоқчинининг учлари бири баланд, иккинчиси паст, телогрейка кийган жиккак чол кўринди. Жуда чиройли аёл шундай хафа, кўзларини ерга тикиб келарди. Аёл бош кўтариб, кўзи немисга тушиб, лаблари пирпирарди. Нозик бурунчаси кенгайиб, немисга ташланиб, тимдалаб, юлқиб, тортиб ура бошлади.

Бақувват асир муштларнинг оғриғини сезмай, миқ этмай ўзини четга олди. Аёл ўзининг ожизлигини сезди-ю, алаmidан тўлғониб, девор четига ҳолсиз суянди.

Ҳалиги чол аёлни турғизишга ҳаракат қилар, менга қараб гапирарди. Ярим тушунсам, аёлнинг тўрт яшар ўғли бомба остида ҳалок бўлган экан...

Ёмғир шивалаб ёға бошлади. Шинелимдан тер ҳиди чиқиб, оёғим намиқиб кетди. Падарига лаънат! Аламимдан жоним ҳалқумимда.

Ким мени бу ҳолга солди? Қатортолимда балчиқ кечиб, тупроқ чангитиб юрмасмидим! Яхши еб-ичгани ялтираган семиз афтидан билиниб турган манави немис мени шу ҳолга солди.

Бировнинг уйда сенларга пишириб қўйибдимми? Қўйиб берсам, уйимга ҳам боради-я. Кўз олдима бомба тушиб, сасиб ёнаётган кўрғонимиз кўринди. Енг шимариб, автомат кўтарган анови семиз нусха тиржайиб кўчамизда хўжайиндек юради. Назаримда, семиз нусха беданадек писиб қочаётган Хотирамни хоҳолаб қувлаяпти.

— Тўхта!— дедим.— Қонга — қон, жонга — жон! Мавлон билан Қаримнинг қасосини оламан. Тўхта, мараз!

Асир арава изи солинган, учи уфққа туташиб кетган йўлда тўхтади. Ўзининг тилида нимадир, деб ёлдингади, тиржайди.

— Ҳали масҳара қиладиган бўлдингми, кўрсатиб қўяман сенларга, туш пастга!— деб йўл четини милтиғим билан кўрсатдим. Милтиқ кўтарган қўлимнинг пайларида оғриқ пайдо бўлди. Асирга ўқ уздим, йиқилди.

Кўкрагимни очиб ташладим. Елкаларим титраб, танамда қандайдир нохушлик

пайдо бўлди. Милтиғимни елкага ташлаб, кўлмакларни босиб-янчиб командирнинг олдига келганда, у ўрнидан туриб:

— Асир қани, қочдимми?— деб сўради.

— Отиб ташладим.

— Нима?! Милтиғингни бер, еч камарни!

Ўртоқларим, «Фронддан узоққа жўнатишмайди, кўрқма», дейишди. Нимадан кўрқаман! Мавлон ва Каримлардан ҳам жоним азиз бўлдимми? Аммо текинга бермайман.

Дудуқнинг жаҳли чиқса, соқов бўлади. Менинг ҳам ҳамма билган русча сўзларим эсимдан чиқса бўладими? Қаергадир олиб кетишди. Ярим кечада тақир қирилган бошига шапка кийган бошлиқ ўтирган ертўлага олиб киришди.

— Нега асирни отиб ташладинг?— деб хўмрайди бошлиқ.

— Уларни ёмон кўраман.

Истеҳзоли кулди.

— Қаҳр-ғазабингни жанг майдонида кўрсат, қуролсиз одамни отиш...

— Улар-чи?!

— Бизлар немислар билан эмас, фашистларга қарши курашяпмиз. Штрафной батальонга, гуноҳингни қон билан ювасан.

— Тезроқ юбор!

Ертўладан чиқсам, соқчи солдат олдимга овқат қўйди.

— Полковникнинг паёғи. Сенга беришга буюрди. Ўзи икки кундан бери овқат емайди. Оиласи бомба остида ҳалок бўлибди.

Қошиқ котелокнинг четига тиқ этиб тушиб, гўшт томоғимга тиқилиб бемаза резинка таъмини берди.

Батальон командири ертўлага киришим билан:

— Дезертирмисан? — деб сўради.

— Ҳа, гуноҳкорман-да.

— Қочсанг, отиб ташлайман.

— Кўрқитма.

Командир қоғозига қаради-да, сал юмшади:

— Нега алдадинг? Интизомни бузувчиларни ўзим отаман. Гуноҳингни жангда ювасан.

Тонг ғира-ширасида атакага кўтарилдик.

Немис биқиниб, пулемётидан қийратиб ётибди. Етиб олсам — бўлди. «Ҳе, онангни» деган сўкиш худди дуои муқаддасдек янграйди.

Окопга ётиб олиб бошини икки елкаси орасига беркитмоқчи бўлган кишига найза санчдим. Ғазабдан одамнинг кучи ўн баробарлашиб кетаркан. Ур, бос, янч. Отанг немис формасида бўлса, аяб ўтирмассан. Бирини оёғидан ушлаб отдим. Иккинчисини қалла қўйиб қўлидаги ханжари билан тинчитдим.

Оёғим жиз этди. Немис жуфтакни ростлаб қолди. Ўлтириб, ҳалқоб сувдан юзимга сепсам, жизиллаб буғга айланди. Энди сездим. Бошмалдоғимни ўқ учириб кетибди. Шимимга немис ханжари санчилиб ётибди. Оғзим негадир қон...

Ёнимга батальон командири келиб, папирос узатди. Пешонасини ўқ ялаб кетган, шапкаси йўқ...

Тунда ўрнимизни бошқалар эгаллашди. Эй, окоси, бутун бошли батальондан тўққиз киши омон қолган. Бори ҳам қон сизган бинтга беланган. Госпиталга айлантирилган мактаб синфхонасида доска тагида ётибман.

Одамзод ўзини пайпаслаганида нозикка ўхшар экан-у, аммо ҳамма қийинчиликка, азоб-уқубатга чидаркан. Ярадорни олиб келишади, бечорани йиртиб ташлаганми дейсан. Йўқ, ямаб-ясқаб тўзатишади. Туриб фронтга кетади.

Ун беш кун ётдим. Кейин Ленинград шаҳрига юборишди. Шаҳарнинг ўзини кўрганим йўқ, муюлишнинг чап тарафида қолиб кетди: Уша кунни қуршовда қолдик. Немис бизни ботқоққа ҳайдаб, ўраб олди-да, миномётдан ўққа тутаяпти. Хўштак чалиб тепадан мина тушади. Портлайди. Лой, сув сачрайди. Белгача сув. Уч кун қолиб кетдик. Оёқлар оқем бўлиб кетган, юзлар гезарган. Ўт ёқиб бўлмайди.

Командир ботқоқлик ўртасидаги қуруқликка чиқди.

— Ё қуршовни ёрамиз, ё жанг қилиб ҳалок бўламиз!

Немис бизни аллақачон ўлган деган бўлса керак, ботқоқликдан индамай чиқиб келганимизда, нақ бақа бўлиб қолди.

— Ол, насибангни, бизга раво кўрганинг — ўзингга сийлов!

Қуршовни ёриб, қайинзорга кирдик. Ярим тунда ўзимизга ўхшаган қуршовдан чиққанларга дуч келдик. Семёни учратдим. Жимгина қучоқлашиб кўришдик. Сўрашишга ҳол борми, аҳволни кўз билан кўриб турибсан-ку. Қўрама қўшин йиғилган. Комбinezон кийган танкчилар, қилич осган отсиз суворийлар, тўпчилар... беш кун улоқдик. Озиқ-овқат йўқ. Халтани титиб, нон увоқларини топиб, оғзингга соласан. Қора қон қанддек эриб, бутун тананг бўйлаб оромбахш куч оқаётгандек туюлади. Уша ҳам йўқ. Нафсни тийиш, қоринни алдаш учун дарахтнинг оқ

пўстлоғини шилиб чайнайсан. Нордон, тилни ўртайдиган шира ичакларни ачиштиради, жирканиб туфлаб ташлайсан...

Йўқ, кечаси ярим тунда йўлга чиқдик: Совуқ кучайган, қиш бошланиб қолган. Тонгга яқин кўққисдан ҳужум қилдик. Милтиғимга қум кирган, отилмайди, ташлаб юбориш мумкинмас. Дарахтлар орасидан найзамни ўқталиб, тўппа-тўғри кўчма ошхона олдидан чиқиб қолдим. Автоматни четга қўйиб, олов ёқаётган немисга найза санчиб, автоматини олдим. Ошпазнинг қўлидаги чўмичи тушиб кетди. Семён уни қозонга ағдариб юборди. Бир буханкадан нонни қўйнимизга солиб, автоматни кўтариб, йигитлар орқасидан чопиб оқопга кирдик. Автомат сайраб берди-ку!.. Бизникилар сезишиб ёрдам қилиб қолишди. Бахти чопган ўтди, ярадор йиқилди.

Пешинга яқин ҳаммамизни сафга тизишди. Узун шинель кийган суворийлар командири ҳаммамизни кўздан кечириб, олдимда тўхтади:

— Милтиғинг қани?

— Қум тиқилиб қолди, ташлавордим!..

— Қайси қисмдансан?

— Ҳалиги... пиёдамиз-да...

— Душмандан нечтасини ўлдирдинг?

— Э, оз ҳали... Ҳали немис тиқилиб ётибди!..

— Қани, сафдан чиқ!..

Сафдан чиқдим, у мени қучоқлаб ўпди, мақтади. Орқага ўтказишиб, ювинтириб, янги полк ташкил қилинди.

Семён тил билади, саводи бор, хуллас, командир бўлди. Қаршимизда — немислар. Патефон қўйиб, гармошка чалганини эшитиб, ижирғаниб ётасан.

Семён тиним билмайди. Узиям разведкачи бўлиб туғилганми? Алам, қасос ҳисси ақлни чархлаб, куч-қувватни ошириб юбораркан. Ҳозир урушни эсласам, ваҳимам келади. Зах ертўла совуқ, овқатнинг мазаси йўқ, ҳеч ким шамолламайди-я, касал ҳам бўлмайди!

Биз-ку, разведкачи-командирнинг эркасимиз. Мушук бўлиб писиб, немис тарафга ўтиб, «тил» оламиз.

Қиш. Қор. Катта бошлиқдан буйруқ келди. Офицерни ушлаш буюрилди. Икки кун яроғ тозалаб, хипчагина бўлиб энгил, аммо беками кўст қуролланиб, қор ёғишдан фойдаланиб, немислар тарафга ўтиб, йўл бўйида ётибмиз.

Кечга яқин мотоцикл тириллаб қолди-ку. Йўлга оқ арқонни ташлаб, келиши билан кўтарган эдик, мотоциклли ўмбалоқ ошиб тушди. Тан бериш керак, бехосдан уриб қолдик, бўлмаса роса барваста, муштлашишнинг ҳадисини олган немис экан. Семённинг қўлини синдирди. Қўндоқ билан уриб чўзилтириб қўйдим.

Яхшилаб боғлаб ўрмон ичига олиб кирдик. Семён — ярадор, уч қултум спирт ичган бўлса-да, афти гезарган, бужмайган. Немис автоматини олдим. Бироқ, асир ўзича юрмай тихирлик қилади. Калтак таъсир қилмай, кўзи бўриникидай ёнади.

Асирни полкка олиб келдик. Командир бизни озгина спирт ва яхши овқат билан сийлади. Қаердандир бир мухбир келиб сўроқ қилди. Газетага ёзар эмиш...

— Жасоратингиз ҳақида икки оғиз сўз?

— Жасоратмас, оқоши, мажбурият. Жар ёқасида икки киши бўғишса, зўри ютади-да.

Ўзича бичиб-тўқиб ёзди. Ўқиб берувди, «Жа катта кетибсан», дегани тилим бормади. Мақтов ҳаммага ёқади-да.

Яна бир операция — немиснинг штабига ҳужум уюштирмақчи бўлишди. Чапдаст, қўрқув билмас йигитларни йиғяпти, менга алам қилади, боролмайман. Чанғида сирғанишни билмайман. Урганмоқчи бўлдим-у, аммо оёқда туролмай, ўмбалоқ ошиб йиқиламан. Худди оёғимга кишан солгандек, юролмайман.

Ярим тунда Семён билан хайрлашдим.

— Ҳакимчик, мени ким эслайди, орзиқиб кутади, йиғлайди, ҳеч кимим йўқ...

— Ундай дема, савоб иш қилганларни ҳамма эслайди. Номи ўчмайди.

Кетди-ю, лекин қайтмади. Ертўлада ёнимдаги жой бўш. Сафар халтаси етимдек дўппайган. Бирор қор-қол рўй бердимикин?.. Йўғ-э, яхши ният қилмоқ керак...

Юзта маслакдошинг бўлгани билан битта дўстинг бўлмаса, яққамоховсан. Ўзим ҳам улфат, тўпори йигитларни яхши кўраман.

Инсонда умид ўлмайди. Кечалари чиқиб, увиллаган шамолга юзимни бериб қулоқ соламан. Семён лоп этиб чиқиб келса-я. Разведкадан бир киши келдию умид узилди. Семён шахид бўлибди.

Фашист ҳужумга ўтди. Битта ёшгина ҳовлиқма лейтенант келиб, иккинчи қатордаги окопни кўриб ўшқирди:

— Бир қарич ҳам силжиш йўқ. Чекинганни отиб ташлайман!

Оббо, майли, казармада ёўдай, ҳамма нозингни кўтарамиз, аммо «Кемага тушганнинг жони бир», дегандек жангда ўзингни бос. Унвонинг катта бўлса ҳам, қарияларнинг сўзига қулоқ сол. Немис аввал биринчи окопни кўзлаб ўққа тутуди,

биз секин иккинчи қаторга ўтиб кутамиз. Отиб бўлгач, яна биринчисига қайтиб ўтамиз.

Ҳамма ёқ ағдар-тўнтар. Осмон кўринмайди. Кўз олдим чақнаб йиқилдим. Кўзимни очсам, мусаффо осмон. Юлдузлар ярқирайди. Аравадаман, бош кўтаришга мажол йўқ. Яна бир марта кўзимни очсам — қорда қатор ётибмиз. Уйқусизликдан кўзлари киртайган доктор ярадорларни саралаяпти.

Шунча ярадорга қандай қарайди? «Қуршов» деган ваҳима гаплар юрибди. Узингни тут, Ҳақим, дилхаста бўлса юзингда тушқунлик пайдо бўлади. Қатортолимни, Хотирамни эсладим у дилим равшан тортди.

Доктор ярамни кўриб, кўзимдаги ишонччи сезиб: «Операцияга» деди.

Тун. Ертўла. Кичкина спиртли чироқ. Забардәст аёллардан биттаси оёқ тарафимга, иккинчиси бош тарафимга ўтирди-да:

— Бақиравер, сўкин, жоним, наркоз йўқ,— деди. Доктор тиғни урди. Тишларим ғижирлаб, болохонадор сўкишларимдан ертўла жаранглаб кетди...

Ўзбекчани доктор билмайди. Мендан олдин битта арманми ёки грузинми сўкинганини эшитгандим.

Қиши билан Камишин деган жойда ётдим. Уйдан хат келди. Ота бўлибман! Ёпирай, худди онадан туғилгандек бўлиб кетдим. Тиржайиб палата кезаман. Ажалнинг базми қизиганда ҳаётни қаранг-а!

Фронтга қайтаётиб бомбардимонда қолдиқ. Тепада ҳуштак чалганини биламан, холос. Кейин машинадан коптоқ қилиб учуриб юборди. Кейин жим-жит, «Ўлибман-да», деб ётибман.

Рухим гаранг бўлиб, жоним азобда қолиб, ҳали танамдан чиқмагандир, ё одам ўлса, ҳамма нарсани билиб ётарканми, дейман.

Тепамга иккиси келди. Бири «ўлган» деса, иккинчиси «йўқ» дейди. Бири устимга энгашди. Белимнинг тўппайиб турганидан сезди-ёв. Ҳар қалай, озгина бисот — соат, отамерос пичоғим, пулим белимда эди. «Мол аччиғи — жон аччиғи» дегандек кўзимни очишим билан иккаласининг энгағи осилиб, кўзи бақа бўлиб, ўзига келиб, мени замбилга жойлаб зинғиллади.

Бу галги яра энгил тузалди-ю, бош кантузияга учрагани ёмон бўлди. Кантузия дегани жин урган касал экан. Сал табиатингга ўрнашмаган гап бўлса, лаб учади, қўл қалтирайди, елка силкинади.

Комиссия узоқ текшириб, сафга нолойиқ топиб, фронт орқасига ишга юборди. Аравакашман.

Фронт орқаси дейман-у, тирикчилик тушдек ўтади. На уйқуда, на ҳордиқда, на овқатда ҳаловат бор. Немис самолёти товушига қулоқ динг, энг ичида махорка чекиб, ярадорларнинг ёнида қоп-қора нонни чайнаб лойли йўлларни амаллаб босиб кунлар ўтарди...

Эҳ-ҳе, қанча отларни алмашдим. Яшнатиб, керилиб улоққа чопадиган, ингичка бел, нозик оёқ туркман отларидан тортиб, эшак нусха каллахум мўғул отларига-ча — ҳаммасини миндим.

Маҳалладаги кўпни кўрган, ҳар бир йигитга разм солиб башорат қилган қариялар тоғамга: «Ҳақимдан хавотир олманг, будли-шудли йигит, тегирмонга тушса бутун чиқади», дейишганди.

Ақлим, ҳушим, танам жойида бўлса-да, ўзим хўжайин эмасман. Қўрқмайман, деган ерда юрак «шиғ» этади, кейин ўзингдан ўзинг жирканиб юрасан. Хотира гоҳида сийқаланиб кетадики, командирнинг номини эслолмайман.

Ҳақим, ўзингни тут. Ё майибманми? «Дунёни сезадиган етмиш икки томир бор» дейишган. Ҳамма томирим соғ, бир оз лат еган бўлса кераг-ов. Узингга келиб ол, Ҳақим. Кечалари пичан устида ётиб, отнинг куртиллаб пичан чайнашига қулоқ солиб ётаман.

Эй, жонивор... Булар ҳам гапга тушунса керак-да. Кўзидан маълум, дилингни ёрсанг, қулоғини динг қилиб эшитади.

Ўзимга келгандек бўлдим. Разм солиб қарасам, бизнинг арава пойгакка, хўжалик ишларига тушиб қолибди. Ҳа, танқларимиз чаққон, машина кўп. Дарҳақиқат, гап техникада экан. Карим фўрим айтса, майна қилардик. Бизнинг йигитлар тоғдек келади, пулемётни орқалаб пиёда юради-ю, машина ҳайдай олмасди. Немисларнинг дастлабки кучи уларнинг техникасида экан.

Икки немиснинг бири — шофёр, ҳаммаси мотоцикл ҳайдайди.

Девдек кучинг бўлсину техникани юргиз, кам бўлмайсан. Омон-эсон борсам, ўғлимни шофёрликка бераман.

Белоруссиянинг Мозир шаҳрига келганда уйдан шум хабар келди. Тоғадан ажрабмиз.

Тоғам ота ўрнида эди. Койиб-бақириб юрсалар, менга оғир ботарди. Ижирғанардим. Урушга кузатиб, гўдак боладек мўлтайиб, елкалари чўкиб, пешонамдан ўпган пайтларини эслаб юрагим ачишди.

Аҳмоқ, нега бу одамларнинг қадрини ҳайит ўтгандан кейин биламиз?



Расми **Нурилла ИКРОМОВ** чизган

Инсон — жумбоқ. Шундай синашта даврлар келадики, одамнинг бирор фазилати билан дилинг очилиб, яхши кўриб қоласан киши. Ёки аксинча.

Гоҳида етти ёт бегона одам туғишгандан ҳам азиз бўлиб қолади. Ва яна аксинча. Дўст душманга айланиши ҳам мумкин. Баъзан қариндошларинг билан ҳам юзкўрмас бўлиб кетасан. Алам қиладигани шуки, деярли аксарият одамлар инсонни кейин билиб, «оҳ» уриб қолиши фойдасиз:

Ой ўтмай хотиндан хат келди:

«Ҳақим оға! Тоғам вафот қилибдиларки, бирор марта ис чиқаролмадим. Иложини қилсангиз шу нарсаларни юборинг:

1. Гуруч — 5 кило.
2. Ёғ, кунжутники бўлса яхши бўларди — 2 кило.
3. Сабзи...»

Оббо, зирворларни, гугуртни, тузни ҳам эсдан чиқармабди! Ҳаммасини ёзиб юборибди. Утин керак эмасми, жоним?

Эй, хотин, озгина сабр қил. Омон-эсон етиб борсам, чироқни жинкўчага улоқтириб тунда яхшилаб тушунтириб қўяман. Сабр қил.

Ҳаммаси ҳам бекордан эмас. Тўкин дастурхон бирдан ғорат бўлса, одам ҳайрон қолади-да. Тоғамнинг ҳам вақтли ўлишларига уруш сабаб-да. Сержаҳл кўринган тоғам бировнинг ғамидан куйиб, «оҳ-воҳ»лаб, ўзларини қўйгани жой тополмасдилар. Ғам-қайғунинг устига, тирикчиликнинг мазаси бўлмагач, йўғон чўзилади, ингичка узилади.

Ҳақим, сенга нима бўлди? Ахир елкангни қадоқ қилиб юборган Семённинг алами ёнига тоғангни қўшилиб, юрагингни қамчилаб ташламадими?! Берч тўнқамисан, гап кор қилмаса? Бева қолгандек бир чеккада ётган милтиқни ол! Бошлиқнинг олдига келиб, қамчинни оёғининг остига отдим.

— Арава ҳайдамайман. Фронтга жўнат.

Қари капитан ҳайрон. Мўмин-қобил, ўзи билан ўзи овора солдат бирдан шернусха бўлиб қолса, албатта анграяди-да...

— Уч марта ярадор бўлдинг. Орденлар сени четлаб ўтди...  
— Бизда «қиёмат қарз» деган нарса борки, одам виждонини поклай олмаса, гўрда ҳам ётолмайди. Фашистада бир жуфт қасосим бор.

— Сенга аталган бир янгилик бор, гаплашамиз...

Эртаси менга унвон берилиб, елкамдаги погонга икки чизиқ тушиб, кўкрак керилди. Младший сержантимиз ҳам менга қўлини чеккасига қўйиб салом беради. Комиссия текшириб, яраларимни кўриб, ўзаро тиллашди:

— Фронтнинг чегараси йўқ! Аравани ҳайдайверинг. Шахсий қасосни эса ҳаммамиз оламиз!

Бир вақтлар юртимизга гердаиб келган фашиста энди сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолди. Чийиллатиб қувгандан-қувиб, чиққан зойига обориб қўйдик.

Берлинг етолмадим. Кичкина бир шаҳарчада ётган эдик. Эрталаб бирдан капитанимиз тўппончасини қинидан чиқариб, отиб югурди.

— Йигитлар! — у биринчи марта ҳарбийча эмас, оддий қилиб чақирганини эшитдим. — Ғалаба қилдик, Гитлер ўлди!

Жони дўзахда бўлсин! Узиям қанча бегуноҳ қон тўкиб, жаннатни тўлдириб юборди.

Узига бўлмаса ҳам, турадиган уйига икки жуфт ўқ отиш ниятим бор эди. Орзум шу эди. Милтиғимни олиб, осмонга отдим.

Фронт орқасига арава ҳайдайдиган бўлинма йиғилди. Митинг бўлди, қучоқлашамиз, бақирамиз. Сибирлик чорпахил, ҳеч кулмайдиган савдойироқ солдат арава устига ётиб, елкалари титрайди.

Арава тепасида — капитанимиз. Уставни бузиб, ёқавайрон гапиради. Ҳаммамизни қучоқлаб, орден ваъда килади.

Давра жим бўлиб қолди. Эсимизга кўрган азобларимиз, шаҳидлар келди. Юрак аламдан чангак.

Кимдир патефонни топиб, ўзимизнинг пластинкалардан тополмай, немиснинг музикасини қўйди.

Эсимга оч, зах фронт окопида дириллаб ётганимизда қаршимда хотиржам немисларнинг қўйган сурбет ашуласи эшитилди.

Сибирлик чорпахил ўрнидан туриб: «Германия ҳамма нарсадан устун!» деган пластинкасига чунон урдими, нина ушлайдиган боши лаганнынг ичига тугма қадалгандек ёпишди. Гармон чалинди. Кўзи йиғлаб, танаси рақсга тушаётган солдат ҳануз кўз олдиди.

Уруш ҳам тамом бўлди. Қани энди уйга қайтсак! Ҳар кун йилдек ўтади. Тушларимда уйни кўраман... Қуёш чарақлаган қоқ пешинмиш. Ҳовуз бўйидаги супада чордана кўриб ўлтирганмишман. Қаердандир, мусаффо осмонданми, ариқдаги сувданми ёки пахса девор ошиб ҳовуз бўйи айланиб, ишқомларни оралаб, ўтларни сийпалаб куй оқиб келади.

Мавжланган бедазорнинг ўртасида турган Ҳотирам, нега келмайсан, дегандек нозу ўкинч аралаш боқади.

Куй баландлашди. Хотирам рақсга туша бошлади. Дам олдимга келади, дам аразлагандек қочади. Куйга ўралиб, осмонга учади, пастга оёғим остига келиб, муқом қилиб, яна тутқич бермай қочади. «Тўхта, ҳозир бораман, кетма!» — деб чопмоқчи бўламан-у, оёқларим кўтарилмайди. Талпиниб, араванинг четига бошимни уриб, уйғониб кетдим.

...Хўмрайган осмон. Тик ўсган дарахтлар тагидан «Наво» эшитилади. Чала уйқуда телбаларча араваларни айланиб, қўрғондан чиқсам, ёшгина ўзбек йигит най чалаапти.

Аста ёнига бориб чўккаладим. Най чалиб бўлгач, йигит менга ҳайрон қаради.

— Эй, оқаси, бормисан! — деб қучоқлашиб кўришдим.

— Кимсиз? Танимаяпман.

— Ҳакимман, Қатортолдан. Тошкентлик. Ўзбекмисан?

— Ушданман.

— Қўшни эканмиз-ку! Оқаси, яна пуфла сивизфангни.

— Пуфланмайди, чалинади бу.

Қарасам, елкасида иккита юлдузи бор. Амалини пеш қилиб, назарга илмаяптими?

Куйни қўмсаб тик қотдим-да, қоидаси бўйича товонларимни бирлаштириб ҳеч ё бердим:

— Уртоқ лейтенант! Битта чал!

Ҳурмат ёқдим, кўнгли эриб:

— Жоним билан-ку, лекин вақтим йўқ-да. Кечкурун келинг, албатта чалиб бераман. Шаҳарга сув беришим керак. Водопровод бузилган, — деб узокдан келаётган машинани кўриб, найини этик қўнжига тикди-да, йўлнинг юзига чиқди.

Қизиқ, бу найчи-лейтенантнинг уйидагилар ариқдан сув ичса керак, бу-чи, немисга водопровод қуриш қайғусида юрибди-я?! Уйим-чи, ўн бир болорли,

айвонларимиз бўлгани билан бу ердаги баланд ғиштин иморатлар, ерости ариқларимиз йўқ.

...Кечқурун бисотимни тартибга солдим. Ярим килоча махорка, қанд, бузилиб қолса отиб юборадиган немиснинг айбаки икки соати, янги этик, эскисини авайлаб кийиб юрибман. Бу ёғи икки жуфт ички кийим. Хотинимга нима совға оламан? Уғлимга-чи, аммамга... Вой-бу, маҳалла-чи? Тоғам раҳматли гузарга чиқсалар, кўни-кўшни болалари билан супада тизилишиб кутардик. Қуртми, хўрозқандми, чўнтақларини тўлдириб келиб, ҳаммага улашардилар.

Тўрт йилга яқин урушда яралардан бошқа нима орттирдинг?

Хотинингнинг хатига қараганда, рўзғор тақчил, атала дастурхоннинг подшоси эмиш. Таваккал. Най чаладиган лейтенант олдига бордим. Илтимос қилган эдим, кўлига қоғоз ва қалам олди.

— Ёз руйхатни, — дедим. — Хўш... Битта говмуш сигир. Учта жиянларга велосипед. Бешта бош-қоёқ сарупо болаларга. Катта ва кенгроқ бўлса ҳам майли. Акадан укага мерос қолади. Хаскаш, капгир, чўмич, хотинларга кийса бадани кўринадиган ички кийим...

— Ҳақим оға, бу нимаси?

— Рўзғор — ғор. Уйга олиб кетаман.

— Биласизми, ўлжа талаб қилаясиз-ку?

— Йўқ, Ҳақимнинг окиси. Агар уруш бўлмаганда қанча ишларни қойиллатардик. Шаҳарларимиз... Кўрдинг-ку, ғишт уюми. Қишлоқларда хотинлар от ўрнига қўш тортаяпти. Гуноҳимиз нима?

— Сиз озодлик, адолат учун уруш қилдингиз.

— Хўш, нима бўлибди? Бизга ҳам уй-жой, кийим-кечак керак-да. Менга эмас, болаларга. Ахир уларнинг айби нима? Тўйиб овқат емай, нимжон ўсишяпти.

— Ахир, уруш... тақчиллик, етишмовчилик бўлмай иложи йўқ.

— Урушни биз бошладикми?! Немислар ютганда-ю, нима қилишини ўзлари биларди. Биздаям нафс бор. Ер-сув сўраётганим йўқман. Шара-бара, ипириқки нарсалар. Қара, велосипед тоғ бўлиб ётибди. Қозон-товоқ, асбоби рўзғор...

— Ҳақим оға! — йигитнинг ранги бўзрайиб, бегоналашди. — Гаплашманг мен билан!

— Бўлди. Биз бировга миннат қиладиган, яхшилик қилиб, кейин юзига соладиган халқ эмасмиз. Кези келганда валдираб қўйдим. Бизга ёғоч чўмич ҳам бўлаверади. Овқатни тузини татиганда лаб куймайди. Йигитнинг моли ерда...

...Соқолни қўйиб юбордим. Ақлимдан тез ўсиб, баракали белкуракдек кўксимни беркитди. Қани энди уйга жўнатишса, кузги экиш-тикишга етиб олсам!..

Сафга тизишди. Чақмоқдек полковник орденларини жиринглатиб, қаршимда тўхтади. Ярадорлик нишонларимни кўриб:

— Боланг нечта? — деб сўради.

— Бешта.

— Биринчи навбатга ёзилсин.

Уғлим битта, ҳали ўзини кўрганим йўқ, лекин бари бир алдамадим. Тоғамдан қолган жиянларга ҳам отамиз-да, тушунтириб ўтирадим.

Уйга кетаяпман. Поезд Ўзбекистонга яқинлашиб қолганда, чарақлаган куёш баданимни қизитганда, юрагим равшан тортиб, олам кулгандек бўлди.

Вокзалда поезддан тушиб, оломон ичида кетаётсам, олдимга сочлари оқарган, дока рўмолини елкасига ташлаган озғин, юзларини ажин босган кампир келиб:

— Болам, ўғлимни кўрмадингми? — дея кўзларимга тикилди. — Баланд бўйли, қорақош. Дутор чалганда томлар маҳалла қизларига тўлиб кетарди.

— Йўқ, она, дуо қилинг, келиб қолади.

Кампирнинг кўзларига қайғу пардаси тортилиб, олдиндаги чап кўли осилган, мўйловлари махоркадан сарғайган солдатга ёпишди:

— Болам, ўғлимни кўрмадингми? Баланд бўйли...

Енгимдан биров тортиди. Қарасам, ёшгина каллахум бола. Бошида пилталари очилиб қолган дўппи, оёғида катта юзсиз калиш.

— Амакижон, хафа бўлманг, акамдан «қора хат» келгач, ойм шунақа бўлиб қолганлар.

Яшин ургандек тўхтаб қолдим. Бутун баданим бўшашди. Аранг симёғочга сўянмоқ учун кўл чўзган эдим, кимдир:

— Қаҳрамонни кўтаринг! — деди. Ҳамма ёпишиб кўтарди.

Одамларнинг кўлида йиғлаб кетаяпман. Омон қайтиб келгандан, азбаройи шодлигидан йиғлаяпти, деб ўйлашгандир. Мен эса кампирнинг қайғусида юрагим эзилиб кетди. Нега, а? Ахир урушда озмунча даҳшат, дилинг сесканиб кетадиган, ақл бовар қилмайдиган ваҳшийликни кўрдимми! Қалбим ёғочга айланиб қолгандир, деб ўйлардим. Йўқ, инсон қалби доимо юмшоқ бўлиб, қайғу кирса ларзага тушаркан.

Кўчани тўлғазиб кетаяпман, ҳамма қарайди, бировлар келиб умид билан кўришади, бировнинг кўзида ёш қалқийди.

Гузарга яқинлашиб қолдик. Супалар — етим, бир-икки чол кўринади. Қаровсиз қолган дўкон. Саданинг остидан бирдан чинқиряқ эшитилди:

— Вой, адаси, бормисиз?!

Қарасам, Хотирам, униққан кўйлақда, ямоқ халта кўлида, учиб келаяпти. Бўйнига ёпишди. Гузар уйғонгандек ҳамма қаради. Ия, уят қилиб ўтирмасин яна...

— Бўлди, бўлди, уйга борганда...

Бечора Хотирам тушиб кетаётган рўмолининг учини қидиргандек гир айланади, илтижоли боқади.

Уйга кириб бордим. Аросат, йиғи-сиғи. Дастурхонда лавлаги ҳолвайтар. Хотирам шаҳардан бир буханка қора нон билан шишада керосин олиб келаятган экан. Мени кўриб, ўзини отганида шиша синиб, нон керосинга бўкибди. Яхшиям, паёғимни авайлаб сақлаган эканман. Қопчиғимдан бир буханка оқ нон билан ликобчанинг юзини бекитгулик шакар чиқди.

Ярим кечада, бегонасираб қараган ўғлимнинг ухлатиб, чироқни сал баландлатиб, хотинимнинг кўзига тикиламан. Бечора кўкраклари силкиниб йиғлайди...

Ҳақим! Омон келганингга шуқр қил! Ўлсанг, Хотирам умид ва интиқлик билан кимларга термуларди...

Ана шунақа, болам, тарихим узун, гапираверсам...



Орадан қанча йил ўтди. Уруш даҳшатларини юмшоқ ўриндиқда ўтириб, телевизорда кўрасан. Қорнинг тўқ, устинг бут, уйинг иссиқ. Гоҳида маслаҳат бериб, бундоқ қилишса, яхши бўларди, деб қўйишади. Окаси, бир он урушда бўлганингда, уруш томошамас, даҳшат эканлигини билардинг.

Бу уруш дўзахида эмаклар, жон бериб, қон тўкиб, сизларга жаннатни опичлаб олиб чиқдик, қадрига ет.

Буёғини ўйласак, биз учун уруш тамом бўлгани йўқ. Палатамизга киргин, кўрасан, қирқ йиллик фронтнинг заҳри билан, яраси билан урушиб ётибмиз. Оқ чойшаб — фронт чизиғи...

Тўхта-чи, болам, қулоқ сол-чи, нимадир товуш келаяпти. Ҳа, Турди найнов экан. Яраси яна азоб беряптими, коридорда юрибди...





Йўлдош Сулаймон

*ЎЗУВУМЛАР АҚВАТ*

«Алифбе»ни таърифлаб,  
Қўшиқ айтган ҳарфлар  
Тизилишди бир сафга,  
Бурилиб ўнгу


чапга —

Шайланишиб, чамамда,  
Кутишарди команда.  
Илму ҳикмат толиби —  
Ўзимизнинг «Алифбе»  
Сафга бир-бир кўз ташлар,  
Сўнг салмоқлаб сўз бошлар:  
— Бежирим болаларим,

Жону дил лолаларим,  
Ҳаммангиз ҳам ярақлаб,  
Офтоб каби чарақлаб,  
Нур сочдингиз дилимга,  
Сизлар ҳамма билимга  
Йўл бошловчи вожатий,  
Чиқар бутун ҳожати  
Сизни севса кишилар.  
Сиз, эй жигаргўшалар,  
Орангизда қийшайган  
Ёки чизикдай тойган —  
Хомсемиз ёки ориқ  
Ё бўлмаса тиш оғриқ,  
Милки шишган ҳарф йўқ,  
Бирорта ҳам ғариб йўқ.  
Йўқ ҳеч баланд-пастингиз,  
Бир текис бўй-бастингиз.  
Сизни ҳамма табриклар.  
— Шошманг, — дейди ҳарфлар —  
Бизни роса яйратган,  
Оқ қоғозда сайратган,  
Ўқувчининг меҳнати —  
Сизни мана бу хати  
Ярақлаб сеҳрлабди.  
«Алифбе» деди:

— Топдинг,

Шунинг-чун ўшаларга  
Раҳматнинг қўшалоғи.  
«А» ҳарфи саф бошида,  
«Б» унинг ёнбошида.  
«В», «Г»лар кўл ушлашиб,



Бирга кўнгил хушлашиб,  
Сўзлашади:

— Баримиз,  
Уқувчи аскаримиз.  
Биздаги вақти чоғлик,  
Командирларга боғлиқ!

## Қўшнилар

Иноқ бизнинг маҳалла,  
Қўшнилар ҳар маҳали —  
Бир-бирига қарашар,  
Дўстлик қандай ярашар!  
Шуларни ўйлаганда,  
Ловиллар бир ҳис танда —  
Дунёда кўп аҳоли,  
Дунё ҳам бир маҳалла:  
Мамлакатлар — қўшнилар,  
Мамлакатлар, кўшинлар,  
Сиз нимага безовта?!

Қўшнисининг дастидан  
Арабларда инграр тән.  
Ҳамон қалби озурда —  
Африкада кўп халқлар,  
Ўвузликни ким ёқлар?!  
Дунёдаги қўшнилар  
Диллар қачон кўшилар?  
...Бошда тутса бир-бирин,  
Ҳаёт бўлади ширин.  
Эй дунё, эй маҳалла,  
Тинч яшасин аҳоли!

•••



*Тўлов*  
*қўшнилар ҳаётидан*


Флобер эрталаб соат тўққиз ёки ўндан бошлаб ишга ўтирарди. У нонушта учун танафус қилиб олиб, яна дарҳол ишини давом эттирарди. Кўпинча тушлиқдан сўнг бир-икки соат мизғиб оларди, шундан кейин яна ишдан бош кўтармасди.

Достоевский кўпинча, фақат тунлари ёзган.

М. Горький ёш адибларга маслаҳат беради:

«Ҳар куни маълум бир соатларда ишлаш лозим. Бу нарса тезда одатга айланиб қолади. Вақт бўлгач, сизни ўз-ўзидан стол ёнига чорлайди. Иш соатини ўтказиб юборсангиз нимадир сизга ётишмаётгандек туюлади».

Алексей Максимовичнинг ўзи хатларидан бирида ёзади: «Мен иш билан тирикман. Ҳеч ерга чиқмай, стол ёнида 10—12 соатлаб ўтираман. Ҳатто сайр қилишга ҳам кам чиқаман. 14 соатлаб ўрнимдан кўзгалмай зўр эҳтирос билан ишлайман».




Ёқуб Хўжаев

## ОНА ЕРНИ АСРАШНИ!»

Ярим тунда деразадан  
Ой боқади нур сочиб.  
Глобусга термилади  
Бола уйқуси қочиб:


«Эҳ, жаҳонда қанча-қанча  
Бордир ажиб мамлакат.  
Аммо унинг ҳаммасида  
Бирдай эмасдир ҳаёт».  
Глобусдан чегаралаб,  
Белгилар кўп ўлкани:  
«Бу ерларда аҳвол оғир,  
Бу ерлар — бахт кулгани».  
Йироқларга термилиб у,  
Узоқ ўйга толади.  
Дунё бахтин ўйлаб, қўлга,  
Дафтар, қалам олади:  
«Эй жаҳоннинг болалари,  
Урушга йўл қўймангиз,  
Она-ерни оловлардан  
Асраш йўлин ўйлангиз.  
Қачонгача ваҳший кучлар  
Халқ ҳаётин заҳарлар?  
Қачонгача ўт ичида —  
Ёнар қишлоқ, шаҳарлар?  
Замбуруғдай ёғилганда,  
Бомба замин устига —  
Эй жаҳоннинг болалари,  
Жим турасиз, хўш, нега?!  
АҚШнинг корчалонларин  
Бир безовта қилайлик.  
Кўнглида бор не муддао  
Очиқ-ойдин билайлик.  
Хат йўллайлик. Хатимиздан  
Улар-ку бўлмас хурсанд,  
Лекин ўқиб титраб кетар,  
Ахир, бизлар — миллиард!  
— Ўзга юртлар тупроғидан  
Жуда қисқа муддатда,  
Қурол-яроғ, аскарингни

Олиб чиқ, деб, албатта,—  
Бир овоздан ҳамма бола  
Талаб қилсак агарда,  
Ажаб эмас, озод этсак.  
Ерни бомба, заҳардан...  
Дунё халқин болалари  
Фикрлашса — сирлашса,  
Дўстлик учун, тинчлик учун  
Бир мақсадда бирлашса,  
Миллиард қалблар туташганда,  
Аҳд тантана қилгуси.  
Шунда она-сайёрада  
Бахт тантана қилгуси.  
Азал-абад дунё халқин  
Дўстлиги бебаҳодир.  
Сизга салом йўллар дилдан  
Ўзбек ўғли Баҳодир!»



## ТЕМИР-ТЕРСАК ЙИҒАМИЗ

Кўчада шовқин-сурон  
Авжига чиқар бу он.  
Болалар тинмай, демак,  
Йиғишар темир-терсақ.  
Йиғишар ҳар хил буюм,  
Бўлади уюм-уюм:  
Эски темир каравот,  
Бергансан менга роҳат,  
Роса ўн йилу тўрт кун  
Қилган хизматинг учун,  
Чин дилдан, раҳмат, дейман,  
Энди куч омад, дейман.  
Мажақланган самовар,  
Сен мақтовга сазовор.  
Қарийб қирқ йилдан ошиқ  
Чойинг қайнаган тошиб.  
Кузатгансан кўп меҳмон,  
Хизматинг олам-жаҳон.  
Қалайи, мис тоғора,  
Ишинг бўлди кўп сара.  
Яша, эй чўян қозон,  
Сендан гуллар дастурхон.  
Сен ҳақингда ўйлаб биз,  
Эскиргани қўймаймиз.  
Занг босмагин мунғайиб,  
Ётмагин гўё майиб.  
Хизматда толмагин, деб,  
Ҳурматдан қолмагин, деб,  
Энди кўп чанг бостирмай,



Заррача занг бостирмай,  
Йўллаб янги ҳаётга,  
Топширамиз заводга.  
Қайтадан ярақлайсан,  
Нур каби чарақлайсан.  
Балки зўр кучга тўлиб,  
Фазовий кема бўлиб,  
Учқурликда ўзасан,  
Ойда эркин кезасан...

Қамбар УТАЕВ таржималари



*Буюк  
китоблар ҳаётиндан*

Генрик Ибсен драмаларини айтиб туриб ёздирётганида бетўхтов юриб, трубка чекарди. Драматург А. Островский ва Некрасов диктовка олдидан узоқ вақт уёқдан-буёққа юриб турардилар.

Лев Толстой тўғрисида қайсинглиси Т. А. Кузьминская ёзади:  
«У менга ҳеч қандай аҳамият бермай, овоз чиқариб: «Йўқ, бемаъни чикди, бўлмайди!» дерди. Еки лўндагина қилиб «Учир!» деб қўярди. У буйруқ оҳангида айтиб туриб ёздирар, овозида сабрсизлиги сезиларди, диктовка қилар экан, бир жойнинг ўзини уч-тўрт бор ўзгартирарди. Баъзида у оҳишта, силлиқ, гўё ёдлаб олган нарсасини айтаётгандек ёздирарди, аммо бу камдан-кам бўларди, бундай пайтларда унинг юз ифодаси хотиржамроқ бўларди. Диктовка қилганида ҳам у зўр эҳтирос билан шошиб-пишиб ёздирарди».



Эрнест Хемингуэй

# ФРЭНСИС МАКОМБЕРНИНГ ОМОНАТ БАХТИ



Нонушта пайти, улар палатканинг қўшқабат, яшил соябони остида хотир-жам овқатланиб ўтиришар эди.

— Сизга лимон шарбати берсинми ёки лимонадми? — деб сўради Макомбер.

— Коктейль, — дея жавоб қилди Роберт Уилсон.

— Менга ҳам коктейль, — деди Макомбернинг хотини. — Кўнгил ўткирроқ нарсани тусаяпти.

— Ҳа, дарҳақиқат, ҳаммасидан маъқули шу бўлса керак, — дея рози бўлди Макомбер. — Унга айтинг, учта коктейль қилиб юборсин.

Қора танли хизматкор ишга киришиб кетди. Муз солинган қоплардан тер босган шишаларни чиқара бошлади. Палаткага соя ташлаган дарахтлар орасидан шамол эсарди.

— Уларга қанча берсам бўларкин? — деб сўради Макомбер.

— Бир фунт етиб ортади, — деди Уилсон. — Уларни талтайтириб юбормаслик керак.

— Каттасига берсам-чи, ўзи тақсимларди-да?

— Ҳа, шундай қилган яхши.

Фрэнсис Макомберни бундан ярим соат олдин ошпаз, хизматкору қўшни ходим, ҳаммол биргаликда қўлларидан бардор-бардор қилиб, лагер чегарасидан тантана билан ўз палатасига олиб келиб қўйишганди. Милтиқ кўтариб юрувчилар бу ишга аралашмади. Маҳаллий кишилар уни палатаси ёнида ерга қўйишганида, у бир-бир ҳаммасининг

Битта жангни кўриш, унда иштирок этиш ёзувчи учун чакана нарса эмас. Эрнест Хемингуэй учта урушни — икитаси жаҳон уруши — кўрган, мардлик, жасорат нималигини яхши билади. Мардлик эркак киши учун табиийлигига иккиланмайди ёзувчи эътироф этади, тиз чўкмайди, тасвири ҳам шундан келиб чиқади. Биринчи қараганда муаллиф ўзи яратаётган воқеаларга аралашмаётгандек, бетарафдек, ўз муносабатини билдирмаётгандек туюлади, аммо бу — ташқи кўриниш. У ёки бу мавзуни танлашнинг ўзи маълум фалсафий хулосага йўллаш — муносабат. Кўп ҳолларда ёзувчи ифода қилмаган фикрни бирон қаҳрамони очади. «Одамни ўлдириш мумкин, аммо одамни энгиб бўлмайди», дейди «Чол ва денгиз» қиссасининг қаҳрамони Сантьяго.

Хемингуэй қатор романлар, қиссалар, ҳикоялар автори, Америка ёзувчиси. Америкага бўлган муносабатини китобхон ҳатто куйидаги ҳикоя мисолида кўрса бўлади. «Фрэнсис Макомбернинг омонат бахти» — Хемингуэйнинг ўнлаб ҳикояларидан биттаси, ҳикоя ёзувчининг тематик ва бадий йўналишини аниқловчи курсаткич, аммо унинг кўпқиррали ижодининг битта жиҳати.

қўлини сиқиб, миннатдорчилигини билдирди, кейин уларнинг табрикларини эшитди, сўнгра палатасига кириб, хотини келгунча уни кутиб каравотда ўтирди. Хотини унга ҳеч нима демади, Фрэнсис ўша заҳоти ташқарига чиқди-да, сафарда олиб юриладиган чилопчинда ювингач, овқатхонага ўтиб, шабада эсиб турган салқин жойга қўйилган қулайгина ёйма креслога чўкди.

— Мана, ниҳоят шерни ҳам ўлдирдингиз, — деди унга Роберт Уилсон, — ўзиям шермисан шер экан-да.

Макомбер хоним Уилсонга ялт этиб қараб қўйди. У жуда ҳам чиройли ва ниҳоятда нозиктаъб эди. У ҳусн-жамоли ва хуш хулқи билан жамиятда ўзига яраша донг қозонганди, бир пардоз-андоз воситаларини тарғиб этадиган журналда расми ҳам босилиб чиққан, бу реклама маъносида аттор корчалонларга катта фойда келтирган, натижада бундан беш йил олдин Макомбер хоним беш минг долларга эга бўлган эди. У Фрэнсис Макомберга ўн бир йил аввал эрга текканди.

— Ҳақиқатан ҳам зўр шер экан, а? — деди Макомбер.

Энди аёл эрига қараб қўйди. У иккала эркакка, уларни худди биринчи марта кўраётгандек, қаттиқ тикилиб қолди. Бинобарин, оқ танли овчи Уилсонни у биринчи бор кўриши эди. Уилсон ўрта бўйли, малласоч, чақмоқ мўйловли, юзлари қизил, кўзлари эса жуда совуқ одам эди. Кулганида юзидаги ажинлар қуюқлашарди. У хонимга қараб жилмайди. Аёл кўзларини ундан олиб қочиб, кенг френчисини туртиб чиққан елкасига, чап чўнтагидаги тўртта патронга, офтобда қорайган бесўнақай қўлларига, чавандозча эски шимига, чағ-лой пойабзалига қаради, кейин яна унинг қип-қизил юзига боқди. Ҳозир палатка устунига қоқилган, миҳга илинган, кенг айвонли шляпаси гардишидан қолган, пешонасида оппоқ бўлиб оқариб турган из бу қизилликни янада бўрттириб кўрсатар эди.

— Қани, ўша шер учун ичайлик, — деди Роберт Уилсон. У яна аёлга қараб жилмайиб қўйди, аёл эса тишини оқини кўрсатмай, овчига синовчан, мойилона тикилди.

Фрэнсис Макомбер новчагина, хиҷча, хушқомат, қора сочи эшкакчи йигитларникидай калта қирқилган, лаблари юпқа одам эди. Уни ҳамма келишган, ёқимли инсон деб ҳисобларди. Эгнида Уилсонникига ўхшаган, фақат яп-янги овчилар кийими. Еши ўттиз бешларда. У моҳир теннисчи, балиқ тутиш мусобақаларида бир неча марта биринчи ўринни олган. Аммо у ҳозир ўзини ношудларча тутар, бошқаларга ҳам ландовурдек кўринар эди.

— Майли, шер учун ичайлик! — деди у. — Қилган яхшилигингиз учун қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмаяпман, — деди у Уилсонга қарата. Маргарет яна ялт этиб Уилсонга қаради.

— Шер ҳақида гаплашмайлик, — деди Маргарет.

Уилсон хотинга қаради, аммо бу сафар кулмади. Аёл унга қараб жилмайди.

— Бугун жуда ғалати кун бўлди-да, — деди Маргарет. — Сиз шляпангизни кийиб олинг, тушга бориб соябон таги ҳам қизиб кетади, деб ўзингиз айтувдингиз-ку менга.

— Ҳа, кийса ҳам бўлади, — деди Уилсон.

— Биласизми, мистер Уилсон, юзингиз жуда ҳам қизариб кетибди, — деди аёл яна жилмайиб.

— Кўп ичаман, шунинг таъсири бўлса керак, — деди Уилсон.

— Йўғ-э, менимча, бу ундан эмас, — деди хотин, — Фрэнсис ҳам кўп ичади, лекин юзи ҳеч қачон қизармайди.

— Бугун қизарди, — деди Макомбер гапни ҳазилга бургандай.

— Йўқ, — деди Маргарет, — бугун мен қизарганман. Мистер Уилсоннинг юзлари доим қип-қизариб тураркан-а, қандай яхши!

— Бу миллий хусусият бўлса керак, — деди Уилсон. — Умуман, менинг башарам ҳақида гапиришмасак қалай бўларкин?

— Мен гапни энди бошладим-ку, — деди Маргарет нозланиб.

— Майли-да, бас қилақолайлик, — деди Уилсон.

— Унда нима ҳақда гаплашамиз? — ҳайрон бўлиб сўради Маргарет.

— Бачкана бўлаверма, Маргарет! — деди Фрэнсис.

— Гаплашадиган гап кўп, — деди Уилсон. — Мана, масалан, ажойиб бир шер ўлдирилди.

Маргарет иккала эркакка бир-бир қаради. Улар аёлнинг йиғлаб юборай деб турганини сезишди. Уилсонга хотин кишининг оби-дийдаси ёқмасди. Макомбер эса хотинининг йиғи-сигисига анчадан бери эътибор бермай қўйганди.

— Нега менга яна шернинг ўлдирилганини эслатдингиз-а? — деди йиғламсираб Марго ва ўз чодри томон хомуш юриб кетди.

— Аёл истиғноси ва шунга ўхшаш ҳоказо қилиқлар, — деди Уилсон беписандгина. — Ҳеч нарса бўлмайди. Хотин кишининг асаби ўзи шунақа.

— Йўқ, — деди Макомбер. — Кечирилмайдиган бир иш бўлди. Улгунимча эсимдан чиқмайди. Шерни ўзим ўлдиришим керак эди.

— Кўйинг бўлмаган гапларни. Яхшиси, келинг, ичайлик, — деди Уилсон. — Бу воқеани унутинг. Кўнгилни ёзадиган гаплардан гаплашайлик.

— Тўғри-ку... — дея талмовсиранди Макомбер, — аммо сиз мен учун шундай бир иш қилдингизки, буни ҳеч қачон унутмайман.

— Хижолат бўлаверманг, — деди Уилсон. — Гапиришга ҳам арзимаёди.

Улар акация дарахтларининг тарвақайлаган шоҳлари соясида, соҳил тарафга оқаётган жилға пайдо қилган ям-яшил ўтлоқ ва ўрмон этаги ўрасидаги тошлоқ бир тепада, чодирда илиб қолган лимон шарбати ичиб, бир-бирларига қарамасликка тиришиб, ана шундай суҳбатлашиб ўтиришарди. Айни вақтда қора танли хизматкорларнинг нонуштага дастурхон тузашларини кутишарди. Хизматкорлар ҳамма нарсадан огоҳ эканлигига Уилсон шубҳа қилмасди. Столга ликопча қўяётган Макомбернинг хизматкори хўжайинига ер остидан қизиқиб қараётганини кўргач, Уилсон уни суахили тилида сўкиб берди. Ҳабаш тескари қаради — юзида мутлақо бепарволик акс этиб турарди.

— Унга нима дедингиз? — деб сўради Макомбер.

— Ҳеч нарса. Шунчаки тезроқ қимирла, йўқса, ўн беш қамчи ейсан, ўласан, — дедим.

— Қанақасига? Қамчи дедингизми?

— Ҳа, албатта, бу қонунга хилоф иш, — деди Уилсон. — Аслида уларга жазо ўрнида жарима солинади.

— Сизларнинг бу жойларингизда ҳабашларни ҳозир ҳам уришадими?

— Истаганларича уришади. Агар шикоят қилишса, катта жанжал кўтарилиши мумкин. Лекин шикоят қилишмайди. Чунки жарима тўлаш калтак ейишдан оғirroқ.

— Ғалати экан, — деди Макомбер.

— Сиз ўйлаганчалик ғалати эмас, — деди Уилсон. — Дейлик, шахсан сиз бу жазолардан қайси бирини афзал кўрардингиз. Қамчиними ёки пулнимми? — Уилсон Макомберга бу саволни беришга бердию ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолди. Уртадан хижолат пардасини кўтариб ташлаш учун: — Аслида қайдир йўсин билан ҳаммаимизни савашмоқда, — деди.

Уилсон ичида: «Бундан баттари ҳам бўлади. Афсус. Сипоришни билмайман, гапни дўқ эткизиб айтиб қўяқоламан-да», дея ўйлади.

— Тўғри, ҳаммаимизни уришади, — деди Макомбер ҳамон унга қарамай. — Анави шер билан боғлиқ воқеа кўнглимни жуда хижил қияпти. Миш-миш тарқалиб кетмасмикан? Расво бўлди-да! Сиз...

— Яъни, мен буни «Матайга-клуб»дагиларга айтаманми-йўқми, шуни билмоқчимисиз? — дея Уилсон Макомберга совуқ назар ташлади. Макомбер буни кутмаганди.

«Ие, бу кўрқоқчина эмас, нодон ҳам экан-ку, — деб ўйлади Уилсон. — Бошида у менга маъқул тушган эди. Аммо бу америкаликларнинг қанақалигини ким билиб ўтирибди?»

— Йўқ, — деди Уилсон. — Овчилик менинг касбим. Бизлар ўз мижозларимиз ҳақида ҳеч қачон гапирмаймиз. Бу хусусда кўнглингиз тўқ бўлсин. Лекин мижозлар менга шунақа савол беришганда жиним кўзийди.

Уилсон, Макомбер билан ғижиллашиб қолсам яхши бўларкан, дея ўйлади. Шунда ўзи алоҳида ўтириб овқатланарди, китоб ўқирди. Улар ҳам ўзларича овқатланишарди, ҳар хил гап-сўз билан Уилсоннинг бошини қотиришмасди. Ов тугагунча бирга юришади, аммо у расмий муомалага ўтиб олади. Французлар айтганидек, «бағоят ҳурматли» деганга ўхшаш такаллуфлардан қутулади. Уларга яқинлашмагани, ош-қатиқ бўлмагани ҳар жиҳатдан маъқул. Макомберни ҳақорат қилади-ю, улар аразлашиб қолишади. Кейин Уилсон ўзича алоҳида, холи, китобини ўқиб, уларнинг вискисини аввалгидай ичиб, маза қилиб юраверади. Бу ерларда шунақа, «вискисини ичиб юрибман» деган гап бор. Башарти овда бирон ғиди-биди чиқса, яъни овчилар у мижозлар жанжаллашиб қолишса, шу иборани ишлатишади. Бирон оқ танли овчини учратиб қоласан-да: «Ишлар қалай?» деб сўрайсан. У: «Чакки эмас, ановиларнинг вискисини ичиб юрибман», дейди. Шунда дарҳол иш чатоқлигини тушунасан.

— Кечирасиз, — деди Макомбер, доим, то қаригунча болалик туси аримай-диган америкача юзини унга ўгириб. Уилсон унинг калта қирқилган сочини, чиройли, аммо беқарор кўзларини, қирра бурнини, юпқа лабларини ва бежириим иягини назаридан ўтказди. — Узр, фаҳхламабман. Ахир мен кўп нарсаларни билмайман.

«Ўзики бунақа деб тургандан кейин нима қилардинг?» дея ўйлади Уилсон. У шу топда бир нарсани важ қилиб узил-кесил жанжал кўтармоқчи эди, ҳозиргина у ҳақорат қилган бу каллаварам эса, думини чотига тортиб узр сўраб ўтирибди.

Уилсон яна бир бор унинг қитиғига тегишга уриниб кўрди.

— Кўрқманг, бировга гулламайман, — деди у. — Даромадимдан жудо

бўлгим келмайди. Бу ерда, Африкада, биласизми, хотин кишининг шерга отган ўқи бекор кетмайди, оқ танли эркак эса ҳеч қачон жуфтак уриб қочмайди.

— Мен қуёндек қочвордим; — деди Макомбер.

«Шуни одам деб ўтирибман-а, шунақа нарсаларни гап деб гапириб ўтирган одамни нима ҳам қилиб бўларди?»

Уилсон ўзининг бекорлиги, мовий кўзларини Макомберга ўқдай қадаган эди, у Уилсонга қараб илжайиб қўйди. Агарда унинг кўзлари қандай мунгли эканини ҳисобга олмаганда, бу яхши кулги эди.

— Балки ҳали кўтослар овида ютиб чиқарман, — деди Макомбер. — Ахир уларга энди навбат келди-ку?

— Хўп десангиз, эртагаёқ мен тайёрман, — деб жавоб берди Уилсон, ундан беҳуда ғазабланган эканман, деган фикрга келиб. Макомбер ҳақ, ўзингни худди шундай тутишинг керак. Бу америкаликларга ёрилиб кетсанг ҳам тушунолмайсан. Уилсоннинг кўнглида Макомберга нисбатан яна хайрихоҳлик уйғонди. Қани энди бугунги тонгни унутиб бўлса. Аммо унутиб бўлармиди. Тонг шунақа бошландики, бундан расвоси буюртирганингда ҳам бўлмайди.

— Ана, соҳибамиз ҳам келяптилар, — деди Уилсон.

У булар томон ўз палаткасидан аста юриб келар, дам олиб тиниққан, қувноқ, мафтункор эди. Юз бичими шунчалар силлик, ифодасиз эдики, дабдурустан уни тентак деб ўйлаш ҳам мумкин эди. «Йўқ, унақа эмас, — деб яна ҳаёлидан кечирди Уилсон, — йўқ, бу хотин тентак эмас».

— Қирмизи юз, суқсур йигит мистер Уилсон ўзларини қандай ҳис қиляптилар? — дея таманно қилди овчиға ва эриға ҳам ғамза билан: — Хўш, Фрэнсис, жонгинам, сен қалайсан? — деди.

— Анча тузукман, — деди Макомбер.

— Мен бундоқ ўйлаб кўриб, бўлиб ўтган воқеани унутиб юборишга аҳд қилдим, — деди Марго, оҳиста столға ўтирди. — Фрэнсис шерни қандай отади, ўлдирадими-йўқми, менга нима фарқи бор? Шу билан осмон узилиб ерга тушармиди. Овчилик унинг касби эмас. Бу мистер Уилсоннинг касби. Мистер Уилсон ўлжаға ҳамла қилганида, ўлдирган пайтида ҳақиқатан ҳам жозибали бўлиб кетаркан. Сиз ҳар қанақа ҳайвонни ҳам ўлдираверасиз, а, тўғрими? — дея Уилсонга боқди.

— Ҳа, ҳамма нарсени, — деди Уилсон. — Нима дуч келса отавераман.

«Бунақангилар шафқатсиз бўлади, — дея ўйлади Уилсон. — Энг тошбағир, энг бемеҳр, энг қонхўр ва энг мафтункор, энг қақшатқич хотинлар ҳам худди шунга ўхшаган бўлади. Эрлари уларнинг олдида ортиқ даражада мулойим кўринишади, думларини қисиб туришади, ёки бирмунча жазавали, жаҳлдор бўлиб қолишади. Балки бунақанги аёллар гаҳ деса қўлларига кўнадиган эркакларни атайлаб танлармиканлар? Лекин улар бу ғаразни қандай қилиб амалга ошира қолишади, ахир барвақт эрга тегадилар-ку?...» Яхшиямки Уилсон америкалик аёлларни биринчи марта кўраётгани йўқ; аммо, бари бир, буниси жудаям жозибадор эди, Уилсоннинг кўнглидаги мойиллик тобора кучаймоқда эди.

— Эртага кўтос овига борамиз, — деди у Маргаретга.

— Мен ҳам бирга бораман, — деди аёл.

— Сиз бормайсиз, — деди Уилсон.

— Йўқ, бораман. Ё мумкин эмасми, а, Фрэнсис?

— Балки лагерда қолганинг яхшидир, — деди эри унга.

— Ҳеч-да, — деди Марго. — Бугунгидек томоша бўлармишу мен кўрмай қолармишман. Нимага келдим бу ёққа унда?

«Ҳали у йиғисини яшириш учун чодирига кетаётганида, менга ажойиб аёлдай кўринувди, — дея ўйлай бошлади Уилсон. — Ушанда у аҳволини тушунгандек, эриға ҳамдард бўлгандек; ҳар иккалови учун хижолат чеккандек туюлган эди. Энди эса, чорак соатдан сўнг, аслиға тортиб, ўзининг америкача шафқатсиз аёллик ниқобига бутунлай чулғаниб оляпти. Улардан кўрқулик. Улар даҳшатли».

— Эртага сен учун яна томоша кўрсатамиз, — деди Фрэнсис Макомбер.

— Аммо эртага ҳам сиз бормайсиз, — деди Уилсон аёлға қарата.

— Бекорни айтибсиз, — деди Марго шиддат билан. — Мен сизни яна томоша қилмоқчиман. Бугун эрталаб жуда ёқимтой эдингиз — бир ҳайвоннинг калласини узиб ташлаган, одамнинг қандай ёқимтой бўлишини тасаввур қила олсангиз керак?! Уилсон унинг гапига эътибор бермади.

— Мана, нонушта ҳам келди, — деди у. — Сиз, менимча, нимадандир хурсанд кўринасиз?

— Бўлмаса-чи! Мен бу ерларга зеркиш учун келмаганман, — деди аёл.

— Ҳа, майли, ҳозирча зеркишга тўғри келади, — деди Уилсон.

У ирмоқнинг тиниқ сувлари остидаги тошларга, узоқдаги баланд қирғоққа, эрталаб ов қилган жойларидаги дарахтларга қаради-да, ҳаммасини бир-бир эслади.



— Майли, зериксам ҳам чидайман,— деди Марго.— Жуда ажойиб кун бўлди-да. Эртага-чи? Мен эртани шу қадар ҳаяжонланиб кутаётганимни сиз тасаввур қилолмайсиз.

— Мана, антилопа гўшtidан ҳам татиб кўринг,— деди Уилсон.

— Жуда ҳам мазали гўшт,— деди Макомбер.

— Антилопа деганингиз сигирга ўхшаш, қуёндай сакрайдиган ҳайвон-да, а?

— Балли, жуда тўғри таърифладингиз,— деди Уилсон.

— Уни сен оддингми, Фрэнсис?— дея сўради Марго.

— Ҳа.

— Улар хавфли эмасми?

— Устингизга ағанаб тушмаса хавфли эмас,— дея жавоб қилди Уилсон.

— Қўрқмаса бўларкан.

— Бас, Марго, эви билан-да,— деди Макомбер ва гўштнинг бир бўлагини кесиб вилкасига илди-да, эзилган картошка, сабзи аралаштирилган қайлага ботириб ея бошлади.

— Яхши, жоним,— деди Марго.— Сен илтимос қилиб турганингдан кейин йўқ дермидим.

— Кечқурун шерга шампан пуркаймиз, ҳозир кун жуда иссиқ,— деди Уилсон.

— Ҳа, дарвоқе, шер ҳам бор-а,— деди Марго.— Шер хаёлимда ҳам йўқ экан.

«Ана! Энди бу хотин мени таҳқирлашга тушади,— дея ўйлай бошлади Роберт Уилсон.— Ёки ичини мушук таталаётган пайтида одам ўзини шу қабилда тутуши керак, деб ўйлаптимикин? Хўп, эри номарддигини англаб етган аёл ўзини қандай тутуши лозим? Улардек шафқатсиз хотин экан. Умуман, буларнинг қайси бири шафқатсиз эмас? Ахир улар — ҳукмрон, ҳукм сурган одам баъзан шафқатсизлик қилиши табиий. Аслида-ку, буларнинг золимлиги жонимга тегиб кетди-я...»

— Қовурдоқдан олинглар,— деди Уилсон Маргога илтифот билан.

Кечга томон Уилсон ва Макомбер қора танли шофёр ҳайдаган машинага ўтириб, икки нафар қурол таъшувчини ҳам ёнларига олиб, жўнаб кетишди. Макомбер хоним лагерда қолди. Ҳаво жуда иссиқ, боргим келмаяпти, деди у. Эртага эрталаб бари бир улар билан бирга боради. Машина йўлга тушганда аёл каттагина дарахт остида уларни кузатиб турар, туриши жуда чиройли эди. Эғнида жигарранг костюм, тим қора сочлари пешонасидан орқага таралиб, энсасига йиғиб-тугилган. Юзи нокдек таранг. Худди Англияда тургандек. Уилсон хотиннинг ана шу ҳолатини равшан тасаввур этди. Ана, у қўлини силкитиб улар билан хайрлашди. Машина қалин ўсган ўт-ўланларни босиб пастликни айланиб ўтди, дарахтзор орасидаги эгри-бугри йўлдан ғумай поялари кўриниб турган тепалик сари илгарилай бошлади. Бутазорда бир пода антилопа ётган экан, ҳуркийтиб юборишди. Уларни сув кийиги деса ҳам бўлади. Машинадан тушишди, шохлари эгилган қари нар кийикни отмоқчи бўлишди. Макомбер уни мерганчасига бир ўқ билан кулатди. Кийик улардан икки юз қадамча нарида ер тишлади. Айни пайтда қолганлари қўзғалишиб, жон ҳолатда сакраб, бир-бирларининг устларидан ирғиб, туёқларини букиб, худди одам тушида учганидай, узоқ-узоққа равон сакрай-сакрай қоча бошлашди.

— Яхши оддингиз,— деди Уилсон.— Уларга ўқ теккизиш осон эмас.

— Хўш, қалай энди, арзигулик туёқми ўзи?— дея мамнун оҳангда сўради Макомбер.

— Арзигулик бўлганда қандоқ!— деди Уилсон.— Ҳамма вақт шунақа отинг, бу ёғи яхши бўлаверади.

— Сиз нима дейсиз, эртага кўтосларни топа олармиканмиз?— деб сўради Макомбер.

— Топсак керак. Улар саҳарда ўтлоққа чиқишади. Агар ов бароридан келса, ўтлоқда уларни учратамиз.

— Анави шер билан боғлиқ нохушлиқлар ғуборини ювиб юборсам дегандим,— деди Макомбер.— Уз хотининг олдида шу аҳволга тушиш кишига ёқмайди ҳар қалай.

«Хотининг сени яхши кўрадимми-йўқми, менга нима қизиғи бор, бу ҳақда гапириш нодонлик-ку, ахир», дея кўнглидан кечирди Уилсон. Лекин ўзини тутиб туролмади ва:

— Бу хусусда ҳадеб ўйлаверманг,— деди.— Манман деган одам ҳам шерга биринчи бор дуч келганида ўтакаси ёрилади. Утган ишга салават. Бас энди.

Лекин кечқурун, гулхан ёнида ўтириб, бир стакандан содали виски ичиб, овқатланиб олишгач, Фрэнсис Макомбер пашшахона тутилган ўрнида тундаги товушларга қулоқ солиб ётаркан, ўша воқеа унга тинчлик бермади. У қандай рўй берган бўлса шундайлигича, фақат баъзи тафсилотлари алоҳида ажралиб кўз олдига келаверди, Макомбер ўз қилмишидан уялиб, орланиб роса қийналди. Аммо уятдан кўра ҳам кучлироқ, дилни кемирувчи аллақандай бир совуқ қўрқув жону жисмига ёпишиб олиб, уни қаттиқ беҳаловат қилди.

Бу туйғу аввалги куни кечаси уйқудан уйғониб, ирмоқнинг бош тарафидан келаётган шер наърасини эшитганда бошланган эди. Бу буйғиқ ўкирик, ириллаш тингач, йўтал овози эшитилди. Кейин Макомберга шер худди чодирнинг ёнгинасида ўкираётгандек туюлиб, юраги ўйнаб кетди. Ёнида хотини бир маромда ухлаб ётарди. Фрэнсис миқ этишга қўрқар, дардини айтишга дардкаш йўқ, ўзи ёниб, ўзи жиғибийрон бўлар, бу эса қўрқувни баттар оширар эди.

Макомбер ўзининг худди мана шу ҳолатига оид бир самоли ривоятини эшитмаганди. У ривоятда айтилишича, довжорак киши умрида уч марта қўрқади: биринчиси — шер изини кўрганда, иккинчиси — шер ўкиригини эшитганда, учинчиси — унга дуч келганда. Эрталаб улар чироқ ёруғида нонушта қилаётганларида, шер яна ўкирди. Фрэнсисга овоз шундоққина ёнларидан келаётгандай туюлди.

— Қари шерга ўхшайди,— деди Роберт Уилсон қаҳва ичаётиб,— қаранг, қанақа йўталапти.

— У бу ерга жуда яқинми?

— Жилға бошида, икки чақиримча нарида.

— Уни кўрармиканмиз?

— Кўришга ҳаракат қиламиз.

— Товуши ҳамиша ҳам шунақа узоқдан эшитиладими? Худди лагерь ичкарасига кирганга ўхшайди-я.

— Жуда узоқдан эшитилади, унинг олисда турганига ишониш ҳам қийин,— деди Роберт Уилсон.— Овимиз бароридан келсин, деб тураверамиз-да. Шу ерликлар бу атрофда жуда катта шер бор, деб айтишганди.

— Агар отишга тўғри келиб қолса, қаерини мўлжаллаш керак?— деб сўради Макомбер.

— Курагини,— деди Уилсон.— Уддасидан чиқсангиз, бўйнига отинг. Суягини нишонга олинг. Бир ўқ билан ўлдиришга ҳаракат қилинг.

— Уқим бекорга кетмас деб ўйлайман,— деди Макомбер.

— Сиз яхши отасиз,— деди Уилсон.— Фақат ҳовлиқманг. Жон жойига отинг. Биринчи ўқ ҳал қилувчи бўлади.

— Қанақа масофадан отган маъқул?

— Айтиш қийин. Бу масалада шернинг ҳолати ҳисобга олиниши керак. Агар масофа жуда олис бўлса, отманг, Улишига кўзингиз етсагина ўқ узинг.

— Юз ярд<sup>1</sup> дан яқин бўлиши керакми?— деб сўради Макомбер.

Уилсон унга ялт этиб қараб қўйди.

— Юз ярд — энг қулай масофа. Яқинроқ бўлса, яна ҳам яхши. Агарда шер узоқда бўлса, ўқ беҳуда кетади. Хуллас, қулайи юз ярд. Бунақа жойдан истаган нуқтангизни нишонга олишингиз мумкин. Ана, бекамиз ҳам келяптилар.

— Салом,— деди Марго.— Хўш, кетдикми?

— Аввал сиз нонушта қилиб олинг, кейин кетамиз,— деди Уилсон.— Узингизни яхши ҳис қиляпсизми?

— Яхши бўлганда қандоқ!— деди Марго.— Мен жудаям ҳаяжонланаяпман.

— Бориб қарай-чи, нарсалар тайёрмикин,— дея Уилсон ўрнидан турди. У нари кетиб бораркан, шер яна ўкирди.— Ие, жуда ғалва қилиб юборди-ку бу,— деди Уилсон.— Майли, биз унинг нафасини ўчириб қўямиз.

— Сенга нима бўлди, Фрэнсис, мунча хомушсан?— дея сўради хотини Макомбердан.

— Ҳеч нарса,— деди Макомбер.

— Йўқ, жуда шаштинг паст, нима бўлди ўзи, айта қол.

— Ҳеч нима.

— Айт!— хотини унга синовчан тикилди.— Мазанг қочиб қолдимми?

— Анали... овозинг ўчкурнинг ўкиришини қара...— деди у.— Тун бўйи тинмади.

— Нега мени уйғотмадинг? Мен ҳам эшитардим.

— Энди уни гумдон қилмасам кўнглим тинчимайди,— деди Макомбер қаҳр билан.

— Ўзи бу ерга шунинг учун келгансан-ку.

— Ҳа. Лекин негадир кўнглим ғаш. Бу ўкирик жиғимга тегяпти.

— Жиғингга тегаётган бўлса, ўлдириб қўяқол. Мистер Уилсон айтганидек, нафасини ўчир.

— Бўпти, жоним,— деди Фрэнсис Макомбер.— Оғизда айтиш жуда осон, тўғрими?

— Нима, юрагинг дов бермаяптими?

— Йўқ. Фақат туни билан овозини эшитиб чиққаним учун кўнглим ғашланяпти.

<sup>1</sup> Ярды — тахминан бир қулочга тенг.

— Уни гумдон қиласан-да, ўзинг ҳам тинчийсан,— деди Марго.— Уни тезроқ ўлдирсанг эди, қандай ўлдиришингни жудаям кўргим келяпти.

— Бўпти, нонуштани тугат, жўнаймиз.

— Ҳозир-а?— деди Марго.— Ҳали тонг ҳам ёришмади-ку.

Шу пайт шер яна ўкирди, ўкирик садоси тўлқинлана-тўлқинлана тобора кучайиб бориб гулдирашга айланди, ҳавони ларзага солиб, аста бўғик, паст ириллаш билан тугади.

— Худди шу атрофда юрганга ўхшайди,— деди Марго.

— Уф-ф,— деди Макомбер,— овозига тоқатим қолмади.

— Овози даҳшатли экан.

— Ҳа! Даҳшатдан ҳам баттар!

Уилсон йўғон, бесўнақай қўндоқли калта милтиғини кўтариб, илжайганча кириб келди.

— Жўнадик,— деди у жўшқин овозда.— Сизнинг дов-дастагингиз билан нариги милтиғингизни қурол ташувчилар олди. Ҳаммаси машинада. Уқлар ўзингиздами?

— Ҳа.

— Мен тайёрман,— деди Макомбер хоним.

— Унинг овозини ўчириш керак,— деди Уилсон.— Шофёрнинг ёнига ўтиринг. Бека орқа ўриндиқда, менинг ёнимда ўтирадилар.

Улар машинага жойлашиб, тонг бўзарган пайтда ўрмон оралаб сойнинг юқори томонига жўнашди. Макомбер милтиғини олиб, отишга тайёрлаб қўйди. Қўлининг титраётганини кўриб, ичида ғижинди. Чўнтагидаги, кўкрагидаги ўқларни бармоқлари билан ушлаб-ушлаб кўраркан, кўнглида таскин ва ғазаб аралаш бир туйғу ғалаён қиларди. Орқага қараб, Уилсон ва хотинининг кулишиб ўтиришганини кўрди. Машинанинг ичкараси тўртта ғилдиракка ўрнатилган қутини эслатарди. Уилсон олдинга энгашиди-да, Макомбернинг қўлоғига шивирлади:

— Қаранг, қушлар кўняпти, бу шернинг нарига кетгани аломатидир.

Макомбер ён томонга қадади ва ўрмон устида доира ясаб учиб юрган, пастга ўқдек шўнғиётган ўлаксахўр қўзғунларни кўрди.

— У ётиш олдидан буюққа сув ичгани келиши керак,— деди Уилсон яна шивирлаб.— Шай бўлиб туринг.

Улар машинада тошлоқ ўзандан тик кўтарилган дўнглик бўйлаб аста юриб боришар, атрофдаги дарахтлар сершоҳ, йўл илонизи эди. Рўпарадаги қирғоққа тикйлганча хаёл суриб кетаётган Макомбер бирдан Уилсон елкасига қўл қўйганини сезди. Машина тўхтади. Кейин Уилсоннинг:

— Ана у,— деган товуши эшитилди.— Рўпарада. Унг томонда. Тушинг энди машинадан. Отинг. Шермисан шер экан.

Макомбер шерни кўрди. У баҳайбат бошини улар томонга ўгирган ҳолда ёнламасига турарди. Майин шабада шернинг қорамтир ёлини тараб-соллантирар, тонгги ғира-шираликда унинг баҳайбат жуссаси, кенг кўкраги, ялтироқ, сип-силлиқ танаси яққол кўриниб турарди.

— Орадаги масофа қанчайкин?— дея сўради Макомбер милтиғини шайлар экан.

— Етмиш ярд келар. Машинадан тушинг-да, отаверинг.

— Шу ердан отсам-чи?

— Машинадан шерга ўқ отиб ўлдирмайдилар,— деди Уилсон Макомбернинг шундоққина қўлоғи тагига келиб.— Тушинг энди. Шер кечгача сизга бундай туриб бермайди.

Макомбер тараддулланиб пастга тушди. Шер ҳамон осойишта, виқорли ҳолатда кўзига ғайритабиий, каркидонга ўхшаб кўринган машинага қараб турарди. Одам ҳиди унгача етиб бормаган чоғи, у оғир калласини вазмин чайқаб, ғалати шарпага тикилар, хавф сезмас, аммо шарпа — машина борлиги учунми, ирмоққа тушиб келавермас эди. Шер шарпадан одам қиёфаси ажралиб чиққанини кўрди, дарахтлар панасига ўтиб кетар чоғида қаттиқ гумбурлаган товушни эшитди, танасида кучли оғриқни сезди. Тўнғизўқ унинг биқинига ёпишиб, куйдириб, кўнглини беҳузур қилиб ошқозонидан ўтиб кетди. Баҳайбат шер жароҳат ва тўқлиги боис оғир-оғир одим ташлаб ўт ва дарахтлар панасига ўзини олди. Шу пайт яна ўқ овози янгради. Ўқ ҳавони титратиб, шундоққина ёнимдан ўтди. Шу асно қаторасига яна бир неча ўқ товуши варанглади, ўқ шернинг пастки қовурғасига тегиб нариги биқинидан чиқиб кетди. Шернинг оғзига иссиқ қон кўпиги қуйилди, у жонҳолатда ўзини баланд ўтлар орасига урди.

Макомбер машинадан ташаётганида шер ҳақида ўйламас, билгани шу эдики, қўллари қалтирар, оёқларини аранг босар, сони, болдири ҳолсиз жимирлар эди. У милтиқни шайлаб, шер бўйинини кўзлади, тепкини босди. Аммо қанча уринмасин, милтиқ отилмади. Шунда предохранителга қўйганини эслади, очмоқчи бўлиб қуролни туширар экан, яна бир ножўя қадам ташлади, автомобиль шарпасидан



Расмни **НИҒМАТ ҒУЛОМОВ** чизган

ажралиб чиққан одамни кўриб, шер ўгирилиб, баланд ўтлар панасига кета бошлади. Макомбер, ўқ узди ва «танқ» этган таниш товушни эшитиб, мўлжалга урганлигини англади, аммо шер ҳамон чопар эди: Макомбер яна ўқ узди, шернинг олдидаги ер тўзиб кетди, буни ҳамма кўрди. У яна отиш ниятида тепкини итариб, ўз жойига киргизмоқчи эди, шер ўтлар орасида ғойиб бўлди.

Макомбер қуролни мўлжалга қараб бураркан, қўллари қалтирар, кўнгли айнир, ёнида хотини ва Роберт Уилсон сукут сақлашар, ҳабашлар ўз тилида нималардир деб валдирашар эди.

— Ўқ тегди,— деди Макомбер,— Икки марта тегди.

— Биқинига тегди,— деди Уилсон лоқайд.— Кўкраги ҳам яраланди чоғи.— Ҳабашларнинг кўриниши жуда жиддий, улар сукут сақлашар эди.— Балки сиз уни тамом қилгандирсиз,— давом этди Уилсон.— Бир оз кутамиз, кейин бориб кўрамиз.

— Яъни?

— Ҳолдан тойсин, кейин изидан борамиз.

— Ҳа-а...— деди Макомбер.

— Ажойиб шер, худо ҳақи,— хурсанд тарзда деди Уилсон.— Фақат ёмон жойда бекиниб олгани чатоқ.

— Нега ёмон жой? Нимаси ёмон?

— Яқин бормаса, кўриб бўлмайди.

— Ҳа-а...

— Хўп, кетдик,— деди Уилсон.— Хоним шу ерда, машинада қолсинлар.

Изини қараш керак, қон оққандир.

— Марго, сен шу ерда тура тур,— деди Макомбер базўр хотинига, унинг томоғи қуриган эди.

— Нега энди?— сўради Маргарет.

— Овчи шунақа деяпти.

— Биз аввал бориб билайлик, аҳвол қанақа экан,— деди Уилсон.— Сиз шу ерда қолаверинг. Бу ёқдан кўриш ҳатто қулай.

— Майли.

Уилсон суахили тилида шофёрга нимадир деди, у бош ирғаб:

— Хўп,— деди.

Кейин улар пастқамликка тушишиб, тошлоқ ўзандан ўтишди, илдишларга қоқила-қоқила нариги қирғоққа чиқиб олишди ва қирғоқ бўйлаб юриб, Макомбер биринчи марта ўқ узган ва шер югурган жойга бориб тўхташди. Ҳабашлар қон томчиларини кўрсатишди — из дарахтлар томон йўналган эди.

— Энди нима қиламиз?— сўради Макомбер.

— Нима қилар эдик, бошқа чора йўқ,— деди Уилсон.— Қирғоқ баланд, машина ўта олмайди. Бир оз ҳолдан тойсин, кейин сиз билан бирга бориб, қидириб кўрамиз.

— Утларни ёндириб юборсак бўлмайдимиз?— сўради Макомбер.

— Утлар ҳўл, ёнмайди.

— Ҳайдовчиларни юборсак-чи?

Уилсон Макомберга тикилди.

— Юбориш мумкин, албатта,— деди у.— Тайин ўлимга юборгандек бўламиз.

Шер яраланганини биламиз-ку. Шер соғ бўлса, уни ҳайдаб бориш мумкин — товушдан қочади. Аммо яраланган шер қочмайди, ҳамла қилади. Ерга ёстаниб ётади, ҳатто куён яширина олмайдиган жойларда сездирмай ётади. Мунақа жойга кимнидир юбориш хавфли. Майиб қилиши турган гап.

— Қурол ташувчилар-чи?

— Улар биз билан боришади. Уларнинг бурчи, контракт тузишган, «шаур» дейишади. Лекин бари бир улар ҳам мунақа ишга оғринишади.

— Мени у ёққа боргим келмаяпти,— деди Макомбер, сўзлари ўйлаб-нетгунича оғзидан чиқиб кетди.

— Мени ҳам,— деди Уилсон дангал.— Аммо илож қанча.— Кейин ниманидир ўйлаб, Макомберга қаради: у қалтирар, аҳволи тушкун эди.

— Сиз, албатта, бормаслигингиз мумкин,— деди у.— Шунинг учун ҳам мени ёллашади. Шунинг учун ҳам нархим баланд-да.

— Яъни, сиз бир ўзингиз бормоқчимисиз? Балки унга тегмаганимиз маъқулдир?

Шу топгача фақат шер билан машғул бўлиб, Макомбер ҳақида ўйламаётган Роберт Уилсон уятли бир нарсани пайқаб қолгандек хижолат чекди.

— Буни қандай тушуниш керак?

— Шер ётган жойида қолаверсин, дейман.

— Шерни яраланмаган, деб ўйлайсизми?

— Йўқ. Қайтиб кетамиз, вассалом.

— Мундай қилиб бўлмайди.

- Нера?
- Биринчидан, шер қийналади. Иккинчидан, биров унга дуч келиб қолиши мумкин.
- Тушунарли.
- Лекин сиз биз билан боришингиз шарт эмас.
- Мен борардим-у,— деди Макомбер,— лекин чўцияпман, юрагим дов бермаяпти.
- Мен олдинда бораман,— деди Уилсон.— Анови чол, Кончони, изни қараб боради. Сиз мени пана қилиб, сал четроқда юринг. Шер товуш бериб қолиши мумкин, эшитиб қоламиз. Кўришимиз билан ўқ узамиз. Бараварига. Хавотир бўлманг, мен ёнингиздан нари кетмайман. Дарвоқе, сиз балки ростдан ҳам бормаганингиз маъқулдир?
- Йўқ, бораман.
- Ихтиёрингиз,— деди Уилсон.— Лекин оёғингиз тортмаётган бўлса, бормай қўяверинг. Ахир бу иш менинг «шаури»им.
- Бораман,— деди Макомбер.
- Агар хотинингизда гапингиз бўлса, ҳали фурсат бор,— деди Уилсон.
- Йўқ!
- Мен бориб айтай, шошмасинлар.
- Майли,— деди Макомбер. Бориб шерни ўзинг гумдон қилиб кел, дейишга тили бормади. Тер босиб, оғзи қуриб, кўнгли айнаб, ўтириб қолди.
- Тезда Уилсон қайтиб келди.
- Мен штуцер<sup>1</sup>ингизни ола келдим,— деди у.— Ушланг.
- Макомбер штуцерни олганида, Уилсон:
- Мендан уч-тўрт қадам ўнгроқда юринг,— деди.— Мен нима десам, шуни қиласиз.— Кейин иккала ҳабашга суахили тилида нималарнидир уқтирди, уларнинг авзои бузук эди.— Кетдик,— деди у.
- Бир қўлтум сув бўлса, томоқни хўллаб олардим,— деди Макомбер.
- Уилсон қурол ташувчиларнинг бошлиғига нимадир деди, у белидаги флягани ечиб, қалпоғини буради, Макомберга узатди, Макомбер олди — фляга оғир, кичик филофи ғадир-будир, жунли эди. У сув идишини оғзига яқинлаштирар экан, кўзлари баланд ўсимлиқлар ва яшил буталари ялпоқ дарахтларга тушди. Майин шамол юзга урар, ўтлар боши чайқалар эди. У қурол ташувчига қаради ва у ҳам ҳадиксираётганини пайқади.
- Уттиз беш қадамча нарида шер ерга бағрини бериб, қимирламай ётар, қулоқлари қисилган, фақат учи қора кокилли думи сал ғимирлар эди. У панага келиши биланок ерга ётганди; ғалвир қилиб ўтиб кетган ўқ зарбидан кўнгли айнар, яраланган ўпкаси ҳолсизланар, ҳар нафас олганида ҳалқумига суоқ қизил кўпик қуйилар эди. Иккала биқини иссиқ ва ифлос, ўқ тешиб кирган майда тешиқлар атрофида пашшалар қалашган, нафрат тўла йирик, сариқ кўзлари ҳар нафас олганида юмилиб-очилар, узоқларга тикилар, ўткир чангаллари юмшоқ ерга чуқур ботган эди. Оғриқ, ўқчиш, нафрат, охирги куч — ҳаммаси сўнгги ҳамла учун тўпланган эди. Овозлар яқинлашгач, думи жимиб қолди ва шер одамларни кўриши билан бўғиқ ихради-да, ўзини улар томон отди.
- Кончони издан кўзини узмай олдинда кетар, Уилсон отишга тайёр милтиқ билан ўт орасида ҳар бир ҳаракатни назардан кечириб борар, иккинчи қурол ташувчи тик этган товушга қулоқ солар, Макомбер эса Уилсоннинг ортидан аста юрар экан, бармоғи милтиқ тепкисида, отишга тайёр эди. Улар энди баланд ўтлар ичига кирувдилар ҳамки, Макомбер ғарғарасимон ўкиришни, шу ондаёқ ўтларни тасмадек чирсиллаганини эшитди ва айна шу пайтнинг ўзида ҳамма нарсани унутиб орқага қочаётганини англаб қолди. У «қа-ра-ванг» этган милтиқ товушини икки марта эшитди ва тўхтаб, орқага, Уилсонга кўз ташлади — бошининг бир бўлаги қаёққадир портлаб кетган даҳшатли махлуқ Уилсон томон ўрмалар, қирмизи юз одам милтиғини мўлжалда тутиб, яна ўқ узар «қа-ра-ванг» товуши яна янграр эди... Судралиб келаётган шернинг сариқ, баҳайбат танаси тўхтади, мажағи чиқиб кетган калласи олдинга мункиди-да, ерга тақалиб қолди.
- Қўлида ўқланган милтиқ, икки ҳабашнинг таъқиб назари остида Макомбер олазарак бўлиб майсазорда тураркан, шернинг адо бўлганини англади ва Уилсоннинг ёнига борди.
- Уилсон Макомберга бир қараб олгач:
- Расмга тушасизми?— деди.
- Йўқ,— деди Макомбер.
- Машина олдиға етиб боргунларича ҳеч ким чурқ этмади.
- Ажойиб шер,— деди ниҳоят Макомбер.— Ҳозир терисини шилишади.

ди Уилсон!

<sup>1</sup> Штуцер — найи қирқилган ов милтиғи.

Машинанинг орқа ўриндиғида ёнма-ён ўтиришган бўлса ҳам, эр-хотин бир-бирларига қарашмади. Уилсон олдинда хаёл суриб ўтирар эди. Макомбер бир қимирлаб, хотинининг қўлини ушлади, аммо у қўлини тортиб олди. Ирмоқнинг нариги бетига, ҳабашлар шерни ағдар-тўнтар қилаётган томонга боқиб, бу ердан ҳамма нарсани яққол кўрганини билди. Кейин хотини олдинга интилиб, қўлларини Уилсоннинг елкасига қўйди, Уилсон бу томонга ўгирилган эди, Маргарет дарҳол унинг лабларидан ўпиб олди.

— Ие, ие,— деди Уилсон, унинг қизил юзи баттар қизариб кетди.

— Мистер Роберт Уилсон,— деди аёл.— Ажойиб инсон мистер Роберт Уилсон!

Кейин Маргарет қайтиб жойига ўтирди-да, эри томон қарамай, сойнинг нариги, шер ётган томонига назар ташлади. Ниҳоят ҳабашлар шернинг хом, оғир терисини келтиришиб, автомобилга чиқишди. Машина жўнади. Лагерга етгунча машинадагилар бир-бирларига лом-мим дейишмади.

Шер билан боғлиқ воқеа шундай бўлган эди.

Ўқ-дорининг икки тонна келадиган зарби шернинг калласини ўпириб кетишидан аввал шер ҳамлага ҳозирланаётганида, сакраганидан кейин навбатдаги ўқ зарбидан умуртқаси чўрт узилиб кетганда, олов пурқаётган нарсага ўзини ташлаб, ажалини топганда, шернинг ҳолати қанақа эканини Макомбер билмасди. Буни Уилсон яхши билади ва билганини «ажойиб шер» ибораси билан ифода қилди-қўйди. Айни пайтда Уилсоннинг дилидан нималар ўтган — бу ҳам Макомберга ноаён. Уша топда хотини ҳам нималарни ҳис қилди — унга қоронғи, фақат бир нарсга равшан — хотини энди у билан бирга турмайди. Ажрашиш нияти хотинининг дилида бир неча бор туғилган, аммо узоққа чўзилмаган. Макомбер жуда бой ва яна бойиб кетиши муқаррар бўлиб, энди хотини ажралмаслигини биларди. У ёшлигида чиройли бўлган, ҳозир ҳам Африкадаги гўзаллардан бири Маргарет эди, аммо бу эри тарк этиб, дурустроғини топиш учун Америкадаги аёлларнинг энг чиройлиси бўлиши керак. Маргарет энди у тарозини боса олмайди, буни ўзи ҳам, эри ҳам яхши тушунади. Агарда эри ҳам аёллар талабига яроқли бўлганида, у бошқа биронтасини топиб кетаверади-да, деган гумонда қийналиб юрарди, аммо Маргарет эри нималарга қодирлигини англаган, у ҳеч қаёққа кетолмаслигидан кўнгли тўқ. Бунинг устига Макомбер кўп ҳолларда чидашга ўрганган, кўникувчи эр эди, бу эса унинг энг ёқимли ва айни пайтда энг хавфли хислатлари эди. Уларнинг турмуш негизи мустаҳкам бўлиб, Маргаретнинг ҳусни ажралмаслик учун, Фрэнсиснинг бойлиги хотинининг бардошига гаров эди.

Тун бўйи шер ҳақида ўйлаверишдан чарчаган Макомбер соат учларда бир муддатгина ухлади, уйғониб яна кўзи илинди, теласида турган шернинг қонга беланган калласини тушида кўриб, яна уйғониб кетди, нималаргадир бир оз қулоқ солиб ётди-да, юраги ҳаприқиб, нохуш бир нарсани англади; хотинининг ўрни бўш эди. Тушини уйлаб, Макомбер икки соат кўз юма олмай ётди.

Икки соатдан кейин хотини палаткага кириб келди, пашшахона этагини кўтариб, ўрнига шўнғиди.

— Қаерда эдинг?— сўради Макомбер қоронғида.

— Хэлло, — деди хотини. — Уйғоқмидинг?

— Қаерда эдинг?

— Тоza ҳавога чиқувдим.

— Бекор айтибсан.

— Нима дейишим керак, ўргилай?

— Қаерда эдинг?

— Тоza ҳавога чиқувдим.

— Бу нима, янгича иборами? Қанжиқ.

— Сен кўрқоқсан.

— Хўш?— деди Фрэнсис.— Кўрқоқ бўлсам нима қипти?

— Мен учун ҳеч нима. Ке, жоним, ҳозир суҳбатнинг пайти эмас, уйқим келяпти жуда.

— Мени индамайди, ютиб кетаверади, деб ўйлаяпсанми?

— Имоним комил, ўргилай.

— Энди чидамайман.

— Ке, жоним, жим ётайлик, уйқим келяпти.

— Ахир бу ишларга чек қўйилди, деб келишувдик-ку? Бошқа қайтарилмайди, деб ваъда берувдинг-ку ўзинг?

— Қайтарилиб қолди,— деди аёл майин оҳангда.

— Биз бу ерларга сафар қилсак, анави ишларингни такрорланмайди, девдинг.

Ваъда қилувдинг ахир...

— Тўғри, жоним. Ниятим ҳам шунақа эди. Аммо кечаги кун сафаримизни бузиб ташлади. Ҳозир энди бу ҳақда гапириш ўринсиз.

— Ўлжа тўғри келса, сен бу имкониятдан воз кечмайсан, шундай-а?

— Илтимос, бу ҳақда ҳозир гаплашмайлик. Жудаям уйқим келяпти, ўргилай.

— Гаплашамиз.

— Ундай бўлса, майли, мен ухлайман.— Ва у уйқуга кетди.

Тонг ёришишига ҳали бор, улар учови нонушта қилиб ўтиришар эди.

Макомбер: одамлар орасида энг ёмон кўрадиганим Роберт Уилсон, деб ўйларди.

— Қандай ухладингиз?— сўради Уилсон, трубкасини тамаки билан тўлдирар экан.

— Ўзингиз-чи?

— Нимасини айтасиз, жуда маза қилиб ухлапман.

«Аблаҳ,— дея хаёлидан кечирди Макомбер,— малъун!»

«Демак қайтиб келиб эрини уйғотибди-да,— дея ўйлади Уилсон, икковига бепарқ ва совуқ назар ташлаб.— Хотинига қараса ўладими. Менга нима? Ҳирсим ўликми? Авлиёманми? Ўзингдан кўр».

— Қўтосларни учрата олармикинмиз?— сўради Маргарет, ўрик солинган ликопни Уилсон томон суриб.

— Учратсак керак,— деди Уилсон ва унга қараб кулиб қўйди.— Сиз лагерда қолсангиз тузук бўлармиди?

— Ҳеч-да,— жавоб берди аёл.

— Айтинг хотинингизга, лагерда қолсинлар,— деди Уилсон Макомберга.— Буюринг:

— Ўзингиз буюринг,— деди Макомбер зарда билан.

— Келинглар, яхшиси буйруқни кўяйлик,— деди аёл эрига қараб.— Ножўя гапларни ҳам, Фрэнсис.

— Қачон юрамиз?— сўради Макомбер.

— Мен тайёрман,— деди Уилсон.— Хоним бирга борсалар майлими? Сиз шуни истайсизми?

— Истайманми, истамайманми, бари бир эмасми?

— Бари бир,— деди Уилсон.

— Балки сиз хотиним билан бирга лагерда қолиб, қўтослар овини ўзимга қўйиб берарсиз,— сўради Макомбер.

— Ҳақим йўқ,— деди Уилсон.— Умуман қўйинг мунақанги гапларни.

— Бу беҳуда гап эмас. Кўзимга ҳамма нарса бало бўлиб кўриняпти.

— Бало — яхши сўз эмас.

— Фрэнсис, марҳамат қилиб ақлингни йиғиб гапир,— деди аёл.

— Ҳалиям ақлимни йиғиб гапиряпман,— деди Макомбер.— Умрингизда шунақа бадхўр овқатни татиб кўрганмисизлар?

— Овқат ёқмадимми?— осойишта сўради Уилсон.

— Овқат ҳам.

— Оғайни, сал ўзингизни тутиб олинг,— деди Уилсон жуда совуққонлик билан.— Хизматкорларнинг бири инглиз тилини тушунади.

— Тушунса ундан нари.

Уилсон ўрнидан турди, трубкасини бурқситиб нари кетди, йўл-йўлакай уни кутиб турган қурол ташувчига суаҳили тилида алланамалар деди.

Дастурхон атрофида эр-хотин ўзлари қолишди. Макомбер кўзини қаҳва қуйилган идишдан узмас эди.

— Агарда жанжал кўзғайдиган бўлсанг, жоним, мен сен билан яшамайман.

— Яшайсан.

— Жанжал кўзғагин, кўрасан.

— Сен мени ташлаб кетмайсан, биламан.

— Тўғри, — деди Маргарет. — Агар ўзингни яхши тутсанг.

— Яхши тутсанг! Гапингга ўлайми? Яхши тутсанг эмиш!

— Ҳа. Яхши тутсанг.

— Сен ўзингни яхши тутсанг бўлармиди.

— Шунча ҳаракат қилдим. Шунча.

— Анави қизилэт тўнғизни кўрарга кўзим йўқ,— деди Макомбер.— Турқидан кўнглим озяпти.

— Унақа дема, у чакки эмас.

— Бас! — дея чинқириб юборди Макомбер.

Шу пайт уларнинг ёнига автомобиль келиб тўхтади, ичидан шофёр ва икки қурол ташувчи ирғиб тушди. Уилсон стол олдига келиб, эр-хотинга синчков назар ташлади.

— Овга жўнаймизми? — сўради у.

— Ҳа, — деди Макомбер, ўрнидан тураётиб.— Жўнаймиз.

— Иссиқ кийим олволинг. Йўлда совуқ бўлади, — деди Уилсон.

— Чарм курткани олиб чиқаман, — деди Маргарет.

— Куртка хизматкорда, — деди-да, Уилсон шофёр ёнига ўтирди. Фрэнсис билан хотини индамай машина орқасига чиқишди.



«Бу хумпар орқамдан ўқ қўйиб қолсая, — деб ўйлади Уилсон. — Нега хотинларини эргашириб юришади?»

Автомобиль пастга шўнғиб, соининг тошлоқ жойидан ўтиб, нариги қирғоққа чиқди. Қирғоқ баланд, дарахтлар сийрак эди, кенг ўтлоқларда, баргу бутоқларда шудринг йилтирар, ғилдирақлар тагида мажақланган ўт-ўланнинг ҳиди анқир эди. Роберт Уилсон табиатнинг шу ҳолатини ёқтирарди, шунинг учун у ҳозир орқада ўтирган эр-хотин ҳақида ўйламасди. Ҳозир унинг хаёли қўтослар билан банд. Қўтослар кундуз кунлари ботқоқликда юришади, ботқоқлик қамишзор билан ўралган, бу ерда ов қилиш қийин. Қўтослар ўтлоққа кечаси чиқишади. Ботқоқ ва ўтлоқ орасига машина билан кириб, йўлини кессакмикин, дея ўйлади Уилсон. Ана ўшанда Макомбер очикликда ов қилар, ундан нари бўлар эди. Уилсоннинг чангалзорда Макомбер билан ов қилишга ҳуши йўқ эди. Умуман Макомбер билан ов қилишни истамас эди, аммо касби шу, начора.

Агар бугун қўтос учраса, каркидон қолади, шу билан Макомбернинг бугунги хавф тўла ҳордиқ кунни якунланади. Аёл билан Уилсон бўлак донлашмайди, кечаги ҳодисани Макомбер бир амаллаб ҳазм қилиб юборади. Бинобарин, у ягона ҳодиса эмас, бечора бунга ўхшаш нарсаларни кўравериб кўникиб кетган. Узингдан кўр, ландовур.

Роберт Уилсон овга чиққанида, эҳтиёт шарт деб, доим кенгроқ каравот олиб юрарди. Унинг мижозлари — тарала-бедоду кайфу сафога берилган зодагонлар, турли мамлакатдан келган ҳаваскор-спортчилар ва шу каравотда оқ танли овчи билан ётиб кетишмаса харажатлари тўла оқланмайди, деб ўйлайдиган аёллар. Кўздан йироқ пайтда у аёллар овчининг назарида қабих кўринар, аммо бу ёққа келиб, эркақлар билан баравар ов сафарига чиққанда, унга ёқа бошлар эди. Қандай бўлмасин, Уилсоннинг кунни шулар туфайли ўтади, шунинг учун уларнинг барча хархашаларини кўтаришга мажбур. Барча хархашалардан фақат унинг овчилиги мустасно, бу соҳа унинг ихтиёрида, одамлар у ўрнатган қоидаларга бўйсунди ёки бошқа овчи ёллайди. Кўплар Уилсонни шу қоидалари учун ҳурмат қилишади. Мана бу Макомбер эса... ғалати одам... Уилсон улар томон кўз ташлади. Макомбер хафа ва баджаҳл эди. Маргарет табассум қилди. Бугун у ёшроқ, покиза, ифбатли кўринди. Хаёлида нималар бор — буни Уилсон билмас эди. Кечаси у кўп гаплашмади. Бари бир ундан кўз узиш қийин.

Уилсон шофёрга тўхташни буюрди, кейин дурбин орқали узоқдаги ўтлоққа қаради.

Машина яна жилди, тўнғиз хандақ ва чумоли қуббаларини четлаб, ўша томонга кета бошлади.

Уилсон кескин ўгирилиб:

— Ана, қўтослар, қаранг! — деди Макомберга.

Машина илдамлашди, Уилсон ҳабашлардан бири билан суҳбили тилида тез-тез гаплаша бошлади, Макомбер у кўрсатган томонга қараб, ўтлоқдан ҳаққалаб ўтаётган учта баҳайбат қўтосни кўрди.

Учалови буқа экан, — деди Уилсон. — Йўлини кесиб чиқиш керак.

Автомобиль ўнқир-чўнқирларга қарамай уча кетди, Макомбернинг кўз олдида қўтослар борган сари каттая бошлади, энди Макомбер бир оз орқада қора ялтироқ шохларини елкасига қадаб бир маромда елаётган, бўйни билан танаси бирлашиб кетган буқанинг тақир, кулранг, серқазғоқ ғадир-будир гавдасини яққол кўрди, дарҳол милтигини ҳозирлади, аммо Уилсон: «Машинадан отманг-да, тентакмисиз, э!» деб қичқирди. Шу топда Макомбернинг дилида ҳеч қандай қўрқув йўқ, аксинча, Уилсонга нисбатан ғараз ва нафрат қайнар эди. Шофёр тормоз берди чоғи, машина ғилдирақлари билан ерни ҳайдаб, сирғалиб кетди, мотор ўчиб қолай деди. Уилсон бир томонга отилди, Макомбер эса иккинчи томонга сакраб, муккаси билан кетди, аранг ўзини ушлаб қолди, учиб бораётган қўтосга ўқ узди, ўқ мўлжалга тегди. Макомбер шитоб билан басма-бас тепкини босди ва шу заҳотиёқ милтиқни қайта ўқлай туриб, қулаётган буқага кўзи тушди. Буқа чўккалаб қолган, оғир калласини жон ҳалпида чайқар, аланғлар эди. Макомбер елиб бораётган иккита қўтосни кўрдию дарҳол ўқ узди, ўқ биринчисига тегди, у тумшуги билан ерга қадалиб қолди.

— Қойил! — деди Уилсон. — Энди учинчисини мўлжалланг!

Биринчи қўтос ҳамон аввалги шиддат билан қочар, ўлим исканжасида типирчилаётган шерикларига қарамас эди. Макомбер ва Уилсон кетма-кет қўтосга ўқ узишди, аммо биронтаси ҳам мўлжалга тегмади.

— Машинага! — деб қичқирди Уилсон ва Макомбернинг кўлидан тортди. — Узоқлашиб кетди, ўқнинг зарби етмайди.

Улар икки томондан машинага отилишди, машина дўнгликлар оша учди, ҳеч қаёққа қайрилмай олдинда югураётган қўтосни кувиб етишди ва машина ҳайвонга тенглашганида, Уилсон: «Тўхтат!» деди. Кескин тормоздан машина яна сирпаниб кетди, ағдарилишига сал қолди; Макомбер машинадан отилиб тушди, аммо

йиқилмади, дарров тепкини ростлаб, учиб бораётган махлуққа ўқталиб ота бошлади. Аммо шунча ўқ бехато тегишига қарамай, қўтос шиддат билан узоқлашар, ўқ кор қилмас эди. Шу пайт Уилсоннинг милтиғи шаранглади, қўтос гандираклар қолди, овчи қунт билан ўқталиб, яна отди, қўтоснинг баҳайбат қора танаси калта ва йўғон туёқларини босиб гуппа ағдарилди.

— Қойил! — деди Уилсон. — Мерган деган шунақа бўлади. Учалоги тайёр. Макомбернинг дилида ҳозир аллақандай мастона сурур тугён урарди.

— Сиз неча марта ўқ уздингиз? — деб сўради у.

— Фақат уч марта, — деди Уилсон. — Биринчисини сиз ўлдирдингиз. Энг каттаси ўша эди. Қолганларига мен бир оз кўмаклашдим, акс ҳолда тўқайзорга кириб кетишарди. Уларниям асосан ўзингиз қулатдингиз. Мен шунчаки туртки бердим, холос. Нишонни яхши олдингиз.

— Машинага борайлик, — деди Макомбер. — Жичча ичким келяпти.

— Аввал мана буни бир ёқли қилайлик, — деди Уилсон қўтосни кўрсатиб. Қўтос чўккалаганича жойидан тура олмай, яқинлашаётган одамларни кўриб, калласини силкий бошлади, тўнғизникидек кўзларини ола-кула қилиб ўқирди.

— Қаранг, тагин туриб кетмасин, — деди Уилсон. Сўнг кўшиб қўйди: — Сал ён томонига ўтинг-да, қулогининг орқасига отинг.

Макомбер шошилмай мўлжаллади-да, ўқ узди. Қўтоснинг калласи шилқ этиб тушди.

— Жуда соз, — деди Уилсон. — Умуртқасига тегди. Ваҳиманинг ўзи-я, курғур!

— Юринг, ичайлик, — деди Макомбер. Ҳеч вақт унинг дили ҳозиргидек завққа тўлмаган эди.

Макомбернинг хотини автомобилда ранги ўчиб ўтирар эди.

— Сен қаҳрамонсан, ургилай, — деди у эрига қараб туриб. — Бунақасини биринчи кўришим!

— Машина қийнадимми? — сўради Уилсон.

— Жуда кўрқинчли бўлди. Ҳаётимда бу қадар кўрққан эмасдим.

— Қани, ичайлик, — деди Макомбер.

— Ичамиз, — деди Уилсон. — Биринчи бўлиб хонимдан...

Маргарет флягани олиб виски хўплади, хўплай туриб, сесканиб кетди, идишни Макомберга узатди, у вискини лаззатланиб симириди. Ундан кейин Уилсон ичди.

— Одам жазавога тушиб қолар экан, — деди Маргарет. — Ҳатто бошим сирқираб оғрий бошлади. Мен автомобилдан туриб қўтосларга ўқ узиш мумкинлигини билмасдим.

— Ҳалиям ҳеч ким автомобилдан ўқ узгани йўқ, — деди Уилсон совуқ оҳангда.

— Автомобилда қувлашни айтаман.

— Умуман бундай қилмаган маъқул, — деди Уилсон. — Лекин бугунгиси жуда гаштли бўлди. Унқир-чўнқирликлар, дўнғлар демай ов қилиш пиёда ов қилишдан хавфлироқ. Қўтос биринчи ўқдан кейиноқ бизга ташланиши ҳеч гап эмас эди. Ҳар қалай, одамларга айтиб юрмаганингиз дуруст. Бу йўсинда ов қилиш қонуний эмас, агар сиз шуни назарда тутган бўлсангиз.

— Менимча, — деди Маргарет, — машинага чиқиб олиб, бечора ҳайвонларни қувлаш инсофдан эмас.

— Шунақами?

— Найробидагилар бундан бохабар бўлишса-чи?

— Уша заҳотиёқ қўлимдан гувоҳномамни тортиб олишади ва ҳоказо шунга ўхшаш кўнгилсиз расмиятчиликлар рўй беради, — деди Уилсон виски хўплаб.

— Ростдан-а?

— Ҳа, ростдан.

— Ана холос, — деди Макомбер хотинининг хулқидан хижолатланиб. Сўнг кун бўйи тундланиб юрган одам биринчи марта табассум қилди ва: — Энди, мана, сизга ёпишишга ўтди, — деди.

— Ибораларинг нақадар теранки, жоним, — деб истехзо қилди Маргарет.

Уилсон уларга разм солди. «Агар эр аҳмоқ, хотин номуссиз бўлса, — дея ўйлади у, — булардан тарқаган фарзанддан нимани қутиш мумкин?»

— Биз битта қурол ташувчимизни йўқотиб қўйдик, сиз сездингизми?

— Наҳот? Сезмадим, — деди Макомбер.

Кончони исмли чол булар томон оқсаб келар, бошида тўқима қалпоқ, эгнида яшил куртка, тиззасигача келадиган калта шим, оёғида резина шиппак бўлиб, авзои бузуқ, нафратли эди. У суаҳили тилида нимадир деб бақирувди, Уилсоннинг қиёфаси дарҳол ўзгариб кетди.

— У нима деди? — сўради аёл Уилсондан.

— Биринчи қўтос туриб кетибди, тўқайзорда юрганмиш. — Уилсон бу хабарни айтarkan, овозида ҳеч қандай ҳаяжон сезилмади.

— Энди нима бўлади? — ҳайрон бўлиб сўради Фрэнсис.

— Шер қанақа хунар кўрсатган бўлса, шунақа бўлади, — деди Маргарет завқланиб.

— Унақа бўлмайти, бекор гап, — деди Уилсон бир оз ижирганиб. — Макомбер, яна ичасизми?

— Раҳмат, — деди Макомбер ва яраланган шерни қувишганида ва ўлдириша-ётганида туғилган ҳадик яна дилимни зирқиратармикин, деб ўйловди, у ҳолат қайталанмади. Ҳаётида биринчи марта у қўрқув ҳиссини сезмас, бутун вужудида аллақандай бир шавк, кўтаринкилик мавжуд эди.

— Иккинчи қўтосни бориб кўриш керак, — деди Уилсон.

— Мен ҳам бирга бораман, — деди Маргарет.

— Марҳамат.

Учовлари ўша томон кетишди. Иккинчи қўтос бамисоли қора дўнг бўлиб ўтлоқда ётар, тумшуги ерга қадалган, юмуқ кўзини пашша талар эди.

— Калласи ажойиб-да, — деди Уилсон. — Шохининг ораси икки қаричча келади.

Макомбер ҳавас билан қўтосга тикилар эди.

— Кўриниши курсин, — деди Маргарет. — Юринглар, сояга борайлик.

— Ҳозир, — деди Уилсон. Кейин Макомберга қараб: — Ҳув анови тўқай-зорни кўряпсизми? — деди.

— Кўряпман.

— Биринчи қўтос ўша ёққа кириб кетипти. Кончони машинадан ағанаб тушганида, буқа ўқ еган жойида ётган экан. Бир маҳал ўзига келиб қараса, ҳайвон ўрнидан туриб олибди. Чол қочиб қопти, қўтос, ҳеч нарса бўлмагандек, тўқайзорга кириб кетипти.

— Уни қидиришга ҳозироқ борамизми? — тоқатсизланиб сўради Фрэнсис Макомбер.

Уилсон унга синовчан тикилди. «Тентаквой, — деб ўйлади у. — Кеча ваҳимага тушиб қалт-қалт титраётувди, бугун ўзини тия олмаяпти, хаёли жангда».

— Бир оз сабр қилиш керак, — деди Уилсон.

— Юринглар ахир, сояга ўтайлик, — зорланиб деди Маргарет. Унинг ранги қув ўчган, кўриниши хаста эди.

Улар орқага қайтиб, кўланкада турган машинага ўтиришди.

— Балки қўтос ўлиб бўлгандир, — деди Уилсон. — Бир оз кутамиз-да, кейин бориб кўрамиз.

Макомбер ўзини ўта бахтиёр ҳис қилар, у бундай онларни ҳеч қачон бошидан кечирмаган эди.

— Жудаям завқли ов бўлди-да! — деди у. — Умрим бино бўлиб бунақа зўр шижоат гирдобига тушган эмасман. Ҳақиқатан ажойиб саргузашт бўлди, а, Марго?

— Ирганарли даражада.

— Нега?

— Ваҳшиёна, — деди Маргарет. — Аблаҳона!

— Биласизми, Уилсон, мен бундан буёқ ҳеч қачон ҳеч нарсадан тап тортмасам керак, — деди Макомбер Уилсонга юзланиб. — Қўтосларга дуч келиб, қува бошлаганимизда, вужудимда аллақандай ўзгариш рўй берди. Қанақадир чигал ечилиб кетгандек бўлди. Тенгги йўқ завқ-а!

— Жигарга шифо, — деди Уилсон. — Ҳақиқатан, одамзод бошига қандай синовлар тушмайди, дейсиз.

Макомбернинг юзи-кўзи бахтиёрликдан ял-ял ёнарди.

— Ростдан ҳам вужудимда қанақадир ўзгариш рўй берди, — деди у жўшиб. — Мен ўзимни мутлақо бошқа одамдай ҳис қиляпман.

Маргарет эрига ғалати бир қараш қилди, аммо энтикиб гапиришига эътибор бермади.

— Биласизми, мен ҳозир жон деб шер овига чиқардим, — деди Фрэнсис. — Энди шердан мутлақо кўрқмайман. Очиғини айтганда, улар мени нима қила оларди?

— Нима қила оларди? — деди Уилсон. — Нар и борса, сизни ямлаб ташлайди, холос. Шекспирда ажойиб сўзлар бор. Нима эди? Ҳозир эслайман. Ҳозир. Бир пайтлар ёд билардим, ҳамиша қайтариб юрардим. «Худо ҳақи, менга бари бир; ажалга чап бериш бемаънилиқдир, ажалнинг ҳам ҳақи бор бизда. Бир нарса эрур ҳақиқат — бу йил ўлган кимса келгусида ўлмас такроран». Қалай, яхши, а?

Бу сўзлар Уилсоннинг ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга эди, аммо шу сўзларни ҳозир такрорлаганидан негадир ўзи уялиб кетди. Баъзиларнинг камолотга етиши овчининг кўзи олдида рўй берган ва бундай кезларда у ҳаяжонга ҳам тушган. Тасодифий тўқнашувлар ёки ов пайтида тезлик билан нимадир қилиш зарурати, аввалдан хавфсираш, баъзан кўрқишга ҳам имкон танқислиги — шулар эмасми Макомбернинг фойдасига хизмат қилган омиллар? Аммо бошқа омиллар ҳам

бўлиши мумкин эди. Қандай бўлмасин, шу ҳодиса, бошқачароқ айтганда, синовдан Макомбер бутун чиқди — бу аниқ! Ғалаба унинг кўнглидаги ҳадикни чил-парчин қилди, энди уни янги босқичларга, янаям дадил бўлишга ундаяпти. Гапнинг пўст калласини айтганда, бунга ўхшаганларнинг кўплари анча пайтгача болалик ҳолатидан чиқиб кета олмайди. Баъзилар бир умр болалигича қолиб кетаверади. Ёши эллиқда, қомати эса ёш болаликдек. Ҳаммани илжайтирадиган Американинг эркак-ғўдаклари. Худо ҳақи, ғалати халқ. Бироқ Макомбер ҳозир овчига ёқиб турипти. Энди у хотинининг ановинақа ишларига йўл қўймайди. Бу чакки эмас. Жуда кўнгилдаги иш! Бечора бир умр кўрқиб-қалтираб келган бўлиши керак. Энди ундай бўлмайди, тамом-вассалом! Макомбер кўтосдан ҳайиқишга улгурмади. Унинг устига ғазаб исканжасида. Энди уни букиб бўлмайди. Урушда ҳам шунақа зиддиятлар учраб туради — номусдан айрилишдан кўра ҳам жиддийроқ нарсалар бор. Таҳликадан энди асар ҳам қолмади, гўё уни суғуриб олиб ташлагандек. Унинг ўрнини энди янги нарса, эркак киши учун энг муҳим, уни эркак деб аташга имкон берадиган нарса ишғол қилди. Аёллар бу хислатни доим эътироф этишади. Ваҳимага чек қўйилди.

Маргарет машина бурчида ғужанак бўлиб олиб, эркаклардан кўзини узмас эди. Унинг назарида Уилсон аввалгидек, кечаси ўз кучини қандай кўрсатган бўлса, шундай эди. Аммо Фрэнсис Макомбер мутлақо ўзгарган, буни пайқамаслик мумкин эмас эди.

— Алланечук нарсани кутиш билан боғлиқ бўлган бахт нашидаси сизга танишми, мистер Уилсон? — дея сўради Макомбер ўз туғенидан ҳаяжонланиб.

— Одатда бу ҳақда баралла гапирмайдилар, — деди Уилсон Макомберга синовчан тикилиб. — Кўп ҳолларда аксини, яъни ҳайиқиш ҳолатини айтишади. Унутманг, сиз ҳам кўплаб таҳликага тушишингиз, иродангиз раъингизга юрмай қолиши мумкин.

— Эҳтимол, деди Макомбер. — Аммо сизга ҳозир мен айтмоқчи бўлган бахт ғалаёни танишми?

— Таниш, — деди Уилсон. — Вассалом. Бу ҳақда ваъзхонлик қилавериш ўринсиз. Акс ҳолда ҳамма нарса вайрон бўлиши мумкин. Бир нарсани ҳадеб такрорлайверилса, гашти қолмайди.

— Икковингиз ҳам жуда маҳмадона бўлиб кетдиларингиз, — деди Маргарет зарда билан. — Учта ҳимоясиз жониворни машинада қувиб, ўтакасини ёриб, энди мақтанишга бало борми?

— Узр, — деди Уилсон, кўзлари бежо аёлга қараб. — Мен ростдан ҳам керагидан ортиқ лақмалик қилиб юбордим.

— Эй, хотин, суҳбатимиз маъносини тушунмасанг, нима қиласан гапга аралашиб? — деди Фрэнсис.

— Оббо! Бир пасда довюрак бўлиб қолибсанми? — деди Маргарет нафрат билан, аммо унинг нафрати шунчаки эди. У нимагадир зимдан ҳайиқарди.

Макомбер овозининг борича қаҳқаҳа отиб кулиб юборди.

— Ҳа, нима? — деди у. — Довюрак бўлсам нимаси ёмон?

— Эндими? — деди хотини заҳарханда билан. — Кеч эмасми?

— Мен учун кеч эмас, — деди Макомбер.

Маргарет ҳеч нарса демай, янада нарироқ сурилиб олди.

— Энди вақт бўлгандир? — жонланиб сўради Макомбер.

— Ҳа, анча вақт ўтди, — деди Уилсон. — Сизда ўқлар борми?

— Қурол ташувчида бир оз бор.

Уилсон суаҳили тилида алланима деб бақирди, кўтос калласини танасидан ажратаётган қари ҳабаш ўқлар солинган қутичани олиб келиб Макомберга берди, у милтигини ўқлади, қолган ўқ-дориларни чўнтагига солди.

— Сиз қўлингиздаги қурол билан отасиз, унга ўрганиб қолдингиз, — деди Уилсон ва бошқа милтиқни кўрсатиб: — Бунисини хонимга қолдирамыз. Кончонида ҳам бир найли штуцер бор. Мен ўзимникини оламан. Энди гапимни эслаб қолинг, — деди. Уилсон айтмоқчи бўлган гапларини Макомберни аввалдан чўчитиб қўймаслик учун атайин кейинга сақлаган эди. — Кўтос ҳамла қилганда, боши олдинга чўзилган бўлади. Пешонаси шохининг негизи билан қолланган, у ерини мўлжалласангиз, ўқ бекор кетади. Тумшугини нишонга олинг ёки кўкрагини. Агар ён томонга тушиб қолсангиз, бўйни билан елкасига отинг. Яраланган кўтосни батамом ўлдириш жуда қийин. Бошқа усулларни қўллашга уринманг. Жон жойини кўзлайверинг. Ана, улар ҳам каллани ажратиб бўлишди.

Уилсон ҳабашларни чақирди, улар қўлларини арта-арта етиб келишди, бошлиғи машина орқасига чиқиб олди.

— Мен билан фақат Кончони боради, — деди Уилсон. — Иккинчиси шу ерда қолиб, қушларни ҳайдаб туради.

Автомобиль сувсиз сойдан ўтиб, ўтлоқ гурсиллаб ураб, оғзи қурий бошлаган, аммо бу кўрқиш эмас, ҳаяжон аломати эди.

— Мана шу ерда қўтос тўқайзорга кириб кетган, — деди Уилсон ва ҳабашга қараб суаҳили тилида буюрди: — Сен изини ахтар.

Машина ўтлоққа чиққанида, Уилсон, Макомбер ва қурол ташувчи машинадан сакраб тушишди. Макомбер орқасига ўгирилиб хотинини кўрди. Унга қўл силкиди, аммо у жавоб қилмади.

Олдиндаги чакалакзор қалин, оёқ ости қуруқ эди. Қари ҳабаш бир зумда терлади. Уилсон шляпасини қошигача тушириб олгани учун Макомбер унинг қизил бўйинини кўриб борарди. Шу пайт Кончони Уилсонга нимадир деди-да, олдинга югуриб кетди.

— Қўтос тамом бўпти, — деди Уилсон ва Макомберга ўгирилиб қўлини маҳкам сиқди. Улар энди бир-бирини қутлай бошлаган эди, шу пайт Кончонининг қичқириғи эшитилиб қолди. Улар ялт этиб ўша томонга қарашди. Чакалакзор ичидан худди қисқичбақадек орқасига тисарилиб Кончони қочиб келар, қўтос қонга тўлган майда кўзларини чолга тикиб, қувмоқда эди. Яқинроқ турган Уилсон дарҳол тиззалаб ўқ узди, Макомбер эса ўз милтиғи овозидан гаранг бўлган ҳолда қўтоснинг пешонасидан шиферга ўхшаган парчалар сачраб кетганини, сўнг боши силтанганини кўрди. Макомбер қўтоснинг тумшугини мўлжаллаб тепки босди, ҳайвоннинг боши яна тепага силтанди, яна суяк парчалари сочилди. Энди Макомбер Уилсонни кўрмас, унинг барча диққат-этибори сурилиб келаётган қора гумбазда, унинг сузиб мажақлашга тайёр, олдинга интилган калласию кичкина ёвуз кўзларида эди. Макомбер яна ўқ узмоқчи бўлиб тепкига бармоқ кўйганини билади, шу лаҳза миясининг ичиде аллақандай ёруғ оташ тўсатдан портлаб кетганини туйди. Макомбер шундан кейин ҳеч қачон ҳеч нарсани сезмади.

Воқеа шундай бўлганди: қўтоснинг бўйинини нишонга олиш учун Уилсон ўзини четга отди. Макомбер шу топда тинмай қўтосга ўқ узар, унинг шохлари тарсиллаб ёрилар, шифер парчасидек атрофга сачрар, қўтос синган шохи билан Макомберни илиб итқитмоққа интилар эди; машинада турган Маргарет қўтосга ўқ узди, ўқ эрининг бош суягига бориб тегди...

Фрэнсис Макомбер қулаган қўтосдан икки қадам нарида думалаб ётар, унинг устида чўк тушган хотини, нарироқда Уилсон турар эди.

— Юзини ўгирманг, — деди Уилсон.

Аёл асабий йиғламоқда эди.

— Машинага бориб ўтира туринг, — деди Уилсон. — Қурол қани?

Аёл йиғидан бужмайган юзини кўтариб, имо қилди, ҳабаш ерда ётган милтиқни олди.

— Жойига қўй, — деди Уилсон ҳабашга. — Абдуллани чақириб кел, бахтсиз ҳодисага гувоҳ бўлсин.

Уилсон шофёрни чақириб, қўтос танасини бирон нарса билан ёпиб қўйишни буюрди, ўзи машина томон кетди. У ерда аёл ғужанак бўлиб йиғлаб ўтирар эди.

— Ташвиш орттириб қўйдингиз-да, хоним, — деди Уилсон лоқайд тарзда. — Тирик бўлганида сиздан юз ўгирарди.

— Бас, — деди аёл.

— Албатта, бу бахтсиз ҳодиса, — деди Уилсон. — Узим кўрдим-ку.

— Бас! — деди аёл.

— Ғам еманг, — деди Уилсон. — Бир оз кўнгилсиз тadbирлар бўлиши мумкин, лекин мен одамларимга айтаман, улар бир неча хил расмлар олишади, тафтиш пайтида бу расмларнинг жудаям фойдаси тегади. Шофёр ва қурол ташувчилар ҳам гувоҳ бўлишади. Сиз бу ёғидан ташвиш қилмасангиз ҳам бўлаверади.

— Бас!

— Оворагарчилиги кўп бўлади, — деди Уилсон. — Юк машинасини кўлга жўнатамиз, у ердан шаҳарга хабар қилишади, самолёт келиб, учовимизни Найробига олиб кетади. Нега эрингизни заҳар бериб ўлдира қолмадингиз? Ахир Англияда айнан шунақа қилишади-ку.

— Бас! Бас! Жим бўлинг! — чинқирди аёл, Уилсоннинг лоқайд, мовий кўзларига тикилиб.

— Бас, жим бўламан, — деди Уилсон. — Бир оз жаҳлим чиқди. Эрингиз энди-энди менга ёқиб келятувди.

— Утинаман, жим бўлинг! — ёлборди аёл. — Утинаман! Худо ҳақи, жим бўлинг!

— Бу бошқа гап, — деди Уилсон, — Утинаман, деганингиз анча дуруст. Энди жим бўламан.

Русчадан **Учқун НАЗАРОВ** таржимаси



Мурод Ҳамроев

# Алишер Навоий ва уйғур адабиёти

Мана, вақт аталган улуғ қудрат ер курраси буйлаб беш асрдан ортиқ вақтдан буён залварли қадам ташламоқда, бир вақтлар қудратли ҳисобланган шаҳарлар ер юзидан учиб кетди, халқ зодагонлар ва султонлар номини унутиб улгурди, бироқ шоир номи, унинг илҳомбахш асарлари, гўё ўрта аср зулматида эмас, тахт ва тож учун ўзаро қонли олишувлар замонларида, шафқатсизлик ва мустабиллик ҳукмронлиги пайтида эмас, балки бугун яратилгандек барқарордир.

Алишер Навоий асарлари унинг салафлари Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий ижоди қаторида асрлар чўққилари оша бизгача етиб келишининг боиси, шундаки, улар нафақат бадий жиҳатдан тўлақонли, баркамол, балки шоирнинг бутун ижоди инсонга муҳаббат руҳи, ватанпарварлик ва оптимизм ғоялари билан суғорилгандир. Шоирнинг демократик ғоялари ўз даври адабиётига янги руҳ бағишлабгина қолмай, диний мистик оқимга қарши курашда муваффақиятлар қозонди: бошқа халқлар адабиётларининг ғоявий-бадий шаклланишига ғоят баракали таъсир кўрсатди.

Алишер Навоийнинг энг улуғ хизматларидан бири туркий тилдаги адабиётга асос солиши бўлди. Шундай қилиб, у фақат биргина ўзбек адабиётининг эмас, балки ҳамма адабиётларнинг бўлмаганда ҳам бир неча туркий халқлар адабиётининг асосчиси бўлиб қад кўтарди. Бу ҳақда профессор И. Савранбоев жуда тўғри қайд этганидек: «Темур ва темурийлар давлатига нафақат ҳозирги ўзбекларнинг отабоболари, балки бир қатор бошқа Урта Осиёлик халқларнинг аجدодлари ҳам қарашли эди; булар, жумладан, қозоқлар, туркманлар, қорақалпоқлар ва бошқалар. Ана шу тарихий шароит ҳам Алишер Навоийни Урта Осиёнинг кўплаб халқларига қадрдонлаштиради». Алишер Навоий ижоди ўзбек адабиёти ва маданиятидагина эмас, маълум даражада уйғур, озарбайжон, қозоқ, қорақалпоқ, туркман ва бошқа адабиётлар учун ҳам сезиларли воқеа бўлди.

Ахир тасодифий эмаски, Алишер Навоий

номи кўп халқлар фольклорига яшаб келади. Туркман халқ ғзаки ижодида бош қаҳрамони топқир ва халқ ҳимоячиси бўлган Мирали (Навоий) қатнашган юморлар, эртақлар жуда кенг тарқалгандир. Навоий қаҳрамонлари билан биз қозоқ фольклорига ҳам учрашамиз; Алишер Навоий поэзиясининг Абайга ва бир қатор озарбайжон шоирларига бўлган таъсири ҳаммага маълумдир...

Бошқа барча туркий тилдаги халқларга қараганда Алишер Навоий асарлари ва номи уйғурлар орасида кенгроқ тарқалган ва яқинроқдир. Шунинг учун ҳам улуғ шоир шеърятининг уйғур шоирлари ижодига бўлган таъсири беҳад чуқур ва ҳар томонламадир. Агар ажойиб уйғур шоирлари Абдурахим Низорий, Турди Ғарбий, Билол Нозим Алишер Навоий ижодини бадий камолот чўққиси сифатида қабул қияган бўлсалар, агар машҳур уйғур музикачилари Рўзи тамбур, Турдиоҳун ал нағма ва Қосим оҳунлар буюк мусиқий обида «Ун икки мақом» учун асосан ушбу гениал шоир шеърларини манбаъ қилиб олган бўлсалар, уйғур халқининг кенг жамоатчилиги учун, профессор С. Е. Малов уқтиришича, Алишер Навоий: «фавқуллода сеvimли, кўп ўқиладиган автор эди. Бунга турли асрлардан бизгача етиб келган шоир қўлёмалари гувоҳлик беради. Ҳозирги вақтда ҳам, ҳатто узоқ гўшаларда Навоий шеърлари ўқилади, куйланади ва декламация қилинади. Достонлари сюжети эса эртақ, ҳикоя ва бошқа жанрларда берилади. Буларнинг ҳаммасини бевосита мен ўзим эшитганман. Айнан шу тўғрида Марказий Осиё буйлаб саёҳат қилганлар, жумладан, швед сайёҳи Свен Гедин хабар берадилар».

Ҳатто ушбу фактлар ҳам Алишер Навоий асарлари уйғур халқи ўртасида ғоят кенг тарқалганидан гувоҳлик бериб туради. Бу қонуний ҳодисадир. Уйғур ва ўзбек халқлари этник ва тил жиҳатдан шунчалик уйғун ва яқинки:

Бу аввало, уйғур ва ўзбек тилларини бир гурпуага қўшадилар, иккинчидан эса, туркий халқларнинг ўрта асрлардаги тарақиёти ҳақи-

да сўз борар экан, ушбу тилларни\* икки мустақил тилга ажратмай, уларни бир бутунликда ҳисоблашни мақсадга мувофиқ деб биладилар. Ленинградлик олим А. Шчербак, чунончи, X-XIII асрлар туркий текстларини ўрганиш асосида шундай хулосага келади: «X асрдан XIII асрлар давомида ўзбек ва уйғур тилларини ажратиш тўғри эмас. Қорахонийлар хонлигига қарши Шарқий Туркистон қабилалари группалари ва қисман Чигатоё улусига қарашли элларнинг сиёсий бирлиги туфайли жануби-шарқий Урта Осиё ва Шарқий Туркистон территориясида яшовчилар муттасил тил яқинлигига эга эдилар. Кейинчалик бир неча мустақил халқларнинг шаклланиши билан алоҳида мустақил группаларга бўлинган тиллар у вақтларда шартли равишда бирлик ҳолатида эди».

Таниқли туркшунос Н. А. Баскаков ҳам ушбу фикрга кўшилади, уйғур ва ўзбек тилларининг умумийлиги ва бирлиги деярли XVII асрларга-ча сақланганини қайд этиб, ушбу бирлик муддатини узайтиради.

Алишер Навоий замондошлари ва унинг устози Лутфийга келсак, тадқиқотчи В. Д. Артамошина қайд этишича, уларнинг поэтик тили ҳали «қорахонийлар давридаги классик уйғур тили билан» алоқасини сақлаган эди.

Ўзбек шоири ва адабиётшуноси Мақсуд Шайхзода ҳам Алишер Навоийнинг «Бадоеул бидоя» девони дебوحасидаги: «Ва уйғур иборатининг фусаҳосидин ва турк алфозининг булагосидин мавлоно Саккокий ва мавлоно Лутфий раҳимаҳу маллоҳким; бирининг ширин абёти иштиҳори Туркистонда бегоят ва бирининг латиф фазалиёти иштиҳори Ироқ ва

Хуросонда бениҳоятдурур ҳам девонлари мавжуд бўлғай», деган фикрига асосланиб, айни юқоридаги фикрга келади: «Ушбу сўзлар моҳиятига етиб борилса, аниқ бўладики, эски ўзбек тили ва уйғур тиллари орасида фарқ йўқ эди, яъни Лутфий ва Саккокий асосан бир — эски ўзбек тилида ёзган эдилар».

Бундан ёрқин маълум бўладик, инқилобга-ча яшаган уйғур шоирлари учун ўзбек классикаси, хусусан, Алишер Навоий асарларини ўрганишга нисбатан ҳеч қандай тил тўсиғи масаласи бўлмаган. Бугина эмас, Хитой халқ республикасининг Синцзян — Уйғур Автоном районуида 1953 — 57 йилларда изланиш ишлари олиб борган адабий экспедиция бу ердан Хирқатий, Залилий, Навбатий, Абдурахим Низорий, Турди Ғарибий, Наврўзохун Зиёий асарлари билан бирга кўплаб Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқа буюк шоирлар асарлари қўлёзмаларини қўлга киритдилар. Ушбулардан энг нодир Алишер Навоийнинг «Хазойинул маоний» лирик девони бўлиб, бу шоир вафотидан кўп ўтмай кўчирилган — 1557 йилги қўлёзмадир... Топилдиқлар орасида мадрасалар учун Абдурахим Низорий томонидан тузилган «Навоий» номидаги дарслик ҳам диққатга сазовордир. Уйғур адабиёти классикари ўз даврининг чуқур маърифатли кишилари бўлиб, узоқ йиллар машҳур мадрасалар ҳужраларида риёзат чекиб, Рудакий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий ва бошқа классикларнинг маснавий ва ғазалларини ёд олар эдилар. Салафлар асарларининг бадий фазилатларини юқори ҳи-

Совет адабиётшунослигининг таниқли намоёндаларидан бири, СССР Педагогика фанлари академиясининг муҳбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор, Бутуниттфоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати ва СССР Педагогика фанлари академиясининг Ушинский номидаги мукофоти лауреати Мурод Каримович Ҳамроев тирик бўлганда 1985 йилнинг декабрь ойида 50 ёшга тўларди. У гоят жўшқин, салоҳиятли олим ҳамда улкан ташкилотчи, тиниб-тинчимас, толмас коммунист, чинакам инсон эди. Ижтимоий фанлар ва маданият соҳасида у қўл ўрмаган жабҳа оз эди.

М. К. Ҳамроев Олмаотада ишчи оиласида дунёга келди. 1954—1959 йилларда В. И. Ленин номидаги Урта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетида таҳсил қилди. 1959—1961 йилларда Қозоғистон Фанлар академияси Тил-адабиёт институтининг аспирантурасида таълим олди. 1961—1963 йиллари М. Аvezов номидаги Адабиёт ва санъат институтининг илмий котиби, 1963—1967 йилларда Қозоғистон Фанлар академияси уйғуршунослик бўлимининг катта илмий ходими, 1967—1974 йиллари уйғуршунослик бўлими мудири, 1975—1976 йилларда Қозоғистон ССР Педагогика Фанлари илмий текшириш институтининг, 1976—1977 йилларда эса Ўзбекистон ССР Педагогика Фанлари илмий-тешириш институтининг директор ўринбосари, 1977 йилдан умрининг охиригача шу институтининг директори бўлиб ишлади. Бу йиллар мобайнида у кўпгина филолог ва педагог мутахассисларнинг камолотга етишида устозлик қилди.

М. К. Ҳамроев серқирра олим ва етук таржимон сифатида совет адабиётшунослигининг таниқли вакилларида бири даражасига кўтарилди. Қисқачина илмий, адабий фаолияти жараёнида қанчадан-қанча илмий-назарий монографияларни яратди. «Туркий шеърият асослари» [1963], «Уйғур халқининг маданияти гулламоқда» [1967], «Туркий тиллардаги адабиётнинг қисқача луғати» [1966], «Мангу барҳаёт сўз» [1969], «Тарих, назария, маҳорат» [1969], «Туркий шеъриятнинг назарий очерклари» [1969], «Давр саҳифалари» [1972], «Адабиётшунослик терминлари луғати» [1974] каби монографиялари шулар жумласидандир. Шунингдек, у бир қатор илмий, назарий, адабий ва бадий тўпламларнинг тузувчиси ҳамда масъул редактори сифатида ҳам катта меҳнат қилди. Айни замонда, у Лутфулла Муталлиб, Билол Нозилларнинг шеърий, насрий, илмий асарларини рус, ўзбек тилига таржима қилган истеъдодли таржимон ҳам эди.

Мурод Ҳамроевнинг партия ва халқ олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени ва қатор медаллар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган эди.

Уйғур халқининг аҳойиб истеъдодли фарзанди, таниқли совет олими, баркамол таржимон Мурод Ҳамроевнинг асарлари ва ёрқин хотираси қалбимизда домл барҳаётдир.

Рўзӣ ҚОДИРИЙ

соблаган халафлар устозлар асарлари даражасида ижод этиш иштиёқида ёнар эдилар.

Уйғур классик шоирларидан Алишер Навоий таъсирини кўпроқ ўзларида Билол Нозим, Абдурахим Низорий ва Турди Ғарий билар яққол сездилар. Уларнинг асарларида бир ўринда Алишер Навоий номи тилга олинса, иккинчи бир ўринда Алишер Навоийни ўз устози сифатида қайд этишади, учинчи бир ҳолатда эса, уларнинг анъанавийликка мойилликлари, Алишер Навоий асарлари руҳида ижод этиш, устоз асарлари руҳида у ёки бу образни очиш усуллари сезилади...

Чунончи, ўзини Абдурахмон Жомийнинг шогирди деб билган Билол Нозим (маълумки, Навоий ҳам ўзини Жомий шогирди ҳисобларди) такрор-такрор Алишер Навоий номини ҳам тилга олади. Билол Нозим ғазалларидан биридан қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

**Қани ҳазрати Навоий, қилса эрдилар давоё,  
Ишқ ўти қилиб адоий куйдирар мени бугун пок.**

Шоир «Китоби ғазот дар мулки Чин» (Чин мамлакатидagi ғазот китоби) номли йирик эпик асарида Алишер Навоий номини икки марта эсга олади:

**Қиёб нағмадан турфа-турфа садо,  
Навоий тирилди қилурга наво.**

Ҳамда: «Мирзотхон Навоийдан ўқиган ғазали» дейилади-да, давомидан қуйидаги мисралар тизилади:

**Жаҳон аҳлига гар юз минг қуёшча меҳр  
кўргузсанг,  
Вафо зинҳорким бир зарра чоғлиғ эътимом  
этма.**

Абдурахим Низорий ва унинг адабий мактаби учун Алишер Навоий энг биринчи устоз бўлиб, унинг асарларига Навоий таъсирининг баракали қудрати мутлақо сезиларлидир.

Туркий тилда ижод қилувчи классикларимиз учун хос бўлган бир хусусият форс-тожик ва ўзбек адабиётининг етук асарларини мукаммал ўзлаштириш эди. Бунинг натижасида анъанавийлик тобора кучаярди. Бу усул нафақат адабиёт, балки барча фанлар учун ҳам хосдир. Минг йиллик адабий анъаналар, устозлар маҳорати мактабидан таълим олиш қалам аҳли истеъдодини жуда қайрар эди. Бунга мисол қилиб «Хамсачилик» анъанасини келтириш мумкин. Ҳар бир навбатдаги хамсанавис «Хамса»нинг маълум сюжетлари асосида қалам тебратар экан, янги қахрамонлар, янги эпизодлар, ситуациялар киритиш билан бирга, анъанавий бўлиб қолган Лайли, Мажнун, Фарҳод, Ширин, Хисрав, шоҳ Баҳром ва бошқаларнинг образларини янгича ёки янги қирраларини ёритиши лозим эди. Булар эпик жанрга боғлиқдир. Лирикага муносабат этадиган бўлсак, бу ерда биз «тахмис»га дуч келамизки, ушбу анъанага мувофиқ кейин яшаган шоирлар ўзларидан илгари ўтган шоирларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлар эдилар.

Ушбу анъанавий усул, шубҳасиз образлар трактовоксини янада чуқурлаштириб, адабиётни бойитар, ўз навбатида бу шоир ва ўқувчилар оммасининг ҳам адабиёт ҳақидаги билимларини ошириб борар эди.

Ана шундай поэтик анъанага садоқат кўрсатган, адабий традицияларни кўз қорачиғидай сақлаб, уни бойитган шоирлардан бири шубҳа-

сиз, Абдурахим Низорий эди. Низорийнинг кўп қиррали ижодида асосий ўринни шарқ адабиётидаги анъанавий дostonлар цикли тутади. Ушбу сюжетлар авлоддан авлодга ўта борган сари қайралар ва мукаммаллаша борар ёки аксинча талантсиз шоир қўлида аввалги назокатини йўқотар эди.

Ушбу анъанавий циклдаги сюжетларнинг энг қадимийларидан бири Фарҳод ва Ширин тўғрисидаги ишқий романтик поэмалар бўлиб, бунга турли даврларда бир неча улуғ хамсанавислар қалам урган эдилар: улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий, Ҳиндистондаги форс-тожик адабиётининг асосчиси Амир Хисрав Деҳлавий, гениал шоир Алишер Навоий, ажойиб уйғур шоири Абдурахим Низорий ва кўплаб бошқа Урта Осиё, Закавказье ва Шарқий туркistonлик истеъдодлар бу соҳада куч синашганлар.

Абдурахим Низорий томонидан уйғур тилида ёзилган «Фарҳод ва Ширин» достони шоир ижодида олға қўйилган қадам бўлиб, айна пайтда уйғур классик адабиёти тарихига қўшилган сезиларли ҳисса бўлди. У асарларининг кириш қисмида Абдурахим Низорий ўзига хос камтарлик билан ёзади:

**Чу сўзни мунда қилиб мужмал баён,  
Навоий қилибтур мутававал баён.  
Киши истаса нақл татвилини  
Топар «Хамса»да қулли тафсиллини.**

Абдурахим Низорий деярли ўзининг ҳар бир йирик асарида ўз устози ва маънавий ҳомийси Алишер Навоийга қайта-қайта мурожаат этади. «Муҳаббат дostonлари» циклининг киришида эса автор қайд этадики: «Каминга нотавон котиб Абдурахимни юртимизнинг ҳокими Зоҳириддиндек олийлари ўз ёнига чақириб: «Улуғ устоз Амир Алишер Навоий ҳазратларидек муҳаббатлар оламининг жавоҳирлари билан тўлган дostonларини янгидан бунёд этсалар» деб қистаб хижолат чеккизгани ваъжидан, ундай улуғ устод «Хамса»сига ўхшаш янги жавоҳирларнинг дostonларини ўз улусимизга тақдим этмак иштиёқида қаламни андакки тебраттим».

Абдурахим Низорий асарларининг сюжети Алишер Навоий достони таъсири руҳи билан суғорилгани учун ҳам анъанавийдир. Унда бошқа Шарқ классиклари таъсири сезиларли эмас. Агар бошқа шоирлар ўз асарларини «Хисрав ва Ширин», «Ширин ва Хисрав», «Фарҳоднома» дея атаган бўлсалар, Низорий Алишер Навоийдан кейин ўз достонини «Фарҳод ва Ширин» деб номлаганининг ўзиёқ муҳимдир. Чунки уйғур шоири ўз достони қахрамони Фарҳодни худди Навоий сингари бош қахрамон қилиб олади. Маълумки, Алишер Навоий шарқ адабиётида биринчи бўлиб, Фарҳодни дostonнинг марказий персонажи қилиб олган эди. Низорий ана шу новатор изидан бориб асар сюжетини Фарҳод образи асосига қуради.

Абдурахим Низорий талқинида ҳам Фарҳод идеал образдир. Ёшлиқданоқ у ақлли, жисман бақувват, камтар ва адолатли. Унга ҳукмронликка интилиш ётдир. У ўша вақтдаги бошқа шаҳзодалардек тахтга интилмайди, аксинча, ихтиёрий равишда тахтдан воз кечади. Фарҳод образи орқали Абдурахим Низорий ўз идеалидаги келажак киши қиёфасини яратган эди. Бу образ Абдурахим Низорийнинг дунёқарши ва у мансуб бўлган адабий мактаб моҳиятини бизга ёритиб беради.



Ушбу дostonнинг Алишер Навоий традициялари ва бевосита таъсири остида яратилганига асосий персонажлар трактовки ва етакчи воқеалар талқини ҳамда асарнинг умумий тўқимаси гувоҳлик бериб туради. Шунингдек, муаллифнинг ўз гувоҳлиги, Алишер Навоий «Хамса»сига тез-тез мурожаати ҳам муҳимдир. Чунончи, асар куйидаги байтлар билан тугалланади:

**Булар васфи татвил эрур «Хамса»да,  
Ҳама сўзи тафсил эрур «Хамса»да.  
Ки мужмал баён айладук қадри ҳол,  
Назар солган эл бўлмасун деб малол.**

Алишер Навоий ижоди Абдурахим Низорий ва унинг мактабига шунчалик кучли таъсир ўтказганки, гоҳо биз деярли Навоий мисралари билан бир хил бўлган сатрларга дуч келамиз. Иккита мисолга тўхталиб ўтайлик. Фарҳод шарафига уюштирилган меҳмондорчилик базмини Алишер Навоий шундай тасвирлайди:

**Бу фанларда булар бир-бирдан аҳсан,  
Юз ул фанлик аро ҳар қайси яқфан.  
Дилорому Дилорою Дилосо,  
Гуландому Суманбою Сумансо.  
Паричеҳра, Паризоду Париваш,  
Парипайкар зиҳи ўн исми дилкаш.**

Абдурахим Низорий дostonида ўқиймиз:

**Муганний бўйла лаҳн оғозлар,  
Чиқиб пардадин рақспарвозлар.  
Дилором, Дилорой, Дилосодурур,  
Гуландом Саманбу, Сумансодурур.  
Парихад, Паризод, Парикаш дағи,  
Парипайкар, ўн исми дилкаш дағи.**

Алишер Навоий соқийга қарата мурожаат этади:

**Кетур, соқий, шароби дардпарвард,  
Ки бўлди кўнглумиз парвардаи дард.  
Бошимга дард чекмастин бурун тиг,  
Бу дам базми нишот айлагил биг.**

Абдурахим Низорий ёзади:

**Кетур, соқие, бодаи дардни,  
Ки бахш айласун дард юз дардни.  
Чу бошига чопмаста ул дардни тиг,  
Бу базм нишотойинда қил кўзини миг.**

Албатта, ушбу мисралар орасидаги жуда яқинлик Абдурахим Низорий дostonининг мустақиллигига шубҳа туғдирмайди. Бу уйғур адабиётининг оригинал классик асаридир. Сезиларли яқинлик боиси эса, Алишер Навоий ижодининг Абдурахим Низорий асарлари ва у мансуб мактабга баракали таъсирини яна бир қарра тасдиқлайди.

Бу жиҳатдан Абдурахим Низорийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи ҳам диққатга сазовордир. Бу дoston сюжети ҳам Алишер Навоий маснавийсига ҳамоҳанг. Абдурахим Низорий ўз ижодига Алишер Навоий таъсирини қайд этиб, дostonни куйидаги мисралар билан ниҳоясига етказди:

**Бу сўз «Хамса»да анча татвил эрур,  
Маротиб била анча тафсил эрур.  
Дейишди бу сўзни хижолат била,  
Амир «Хамса»сига риоят била.**

**Кифоят қилиб мунда тақсирга,  
Ҳавола қилиб Мир Алишерга.  
Аё толиби дардманди фироқ,  
Навоий каломига солғил қулоқ.**

Абдурахим Низорий эпик ижоди учун шу хусусият хоски, деярли ҳар бир дostonнинг сўнггида Алишер Навоий, унинг асарлари ва қаҳрамонлари номларини эсга олади.

Ўз даврига кўра бой билимга эга бўлган Абдурахим Низорий Шарқ классикаси адабиёти намуналари билан яхши таниш эди. Шоир «Асмоъ ҳикояти» асарида ўз устозлари қаторида жаҳонга исмлари маълум бўлган Низомий, Аҳмад Яссавий, Саъдий ва бошқаларни зикр этади:

**Чу аввалгиси Аҳмади Яссавий,  
Иккинчиси ки шах Носир Хисравий,  
Учинчиси Имом Али Мусо Ризо,  
Чахорум Низомиддин эрди расо.  
Яна тўрт пир маърифат ичра бор,  
Булар ҳар бири орифи номдор.  
Биринчиси, ул Мавлавий Румидур,  
Яна Шамси Табрес марҳумидур.  
Бири Шайх Саъдий сабуқбор ҳам,  
Ки тўртинчиси Шайх Аттор ҳам.**

Муаллиф ўз устозлари сафида Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийни ҳам таъкидлашни лозим кўради:

**Навоий пирим гадоси бўлуб,  
Яна Жомийнинг жон фидоси бўлуб.**

Абдурахим Низорийнинг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» дostonлари хусусида билдирган фикрларимизни, Турди Ғарибий қаламига мансуб бўлган шоҳ Баҳром ҳақидаги дostonга ҳам дахли бордир. Чунки Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonи Турди Ғарибий учун йўлчи юлдуз, порлоқ намуна бўлиб хизмат қилади.

Шоҳ Баҳром қиссаси Шарқда кенг тарқалган эди. Уни биринчи марта қаламга олган адиб гигант «Шоҳнома» ижодкори Абулқосим Фирдавсий эди. Ундан сўнг бу ривоятларга Низомий ва Амир Хисрав мурожаат қилдилар. Ўз салафларидан фарқли равишда Алишер Навоий ушбу ривоятни бошқача талқин қилади. Қизиғи шундаки, Турди Ғарибий Алишер Навоий асари сюжетини тўла такрорлайди. Бугина эмас, дostonда муаллиф тез-тез Навоий «Сабъаи сайёр»ини эслатиб, ким воқеани мукамалроқ билишни истаса, ўша дostonга боқсин, деган мазмунда кўрсатмалар беради.

Биз юқорида уйғур шоирларининг эпик ижодига Алишер Навоий маснавийлари таъсири хусусида сўз юритдик. Қайд этиш керакки, Алишер Навоий традицияларининг уйғур классик шоирларига таъсири фақат дostonлардагина эмасдир. Уйғур шоирлари кўпинча Шарқ адабиётининг анъанавий приёми — тахмисга ҳам мурожаат этар эдилар.

Уйғур адабиётида ушбу приёмга биринчилар қаторида Абдурахим Низорий мурожаат этиб, Алишер Навоийнинг ўттиз етти ғазалига муҳаммас боғлади. Ушбу тахмислар шаклан ва вазн жиҳатидан устоз мисраларига мослашган тизмалар бўлмай, балки шоир фикрлари, деталлари ва ғояларини янада теранлаштирган, ўткирлаштирган, кенгайттиргандир. Ушбу фактни алоҳида қайд этиш керакки, Низорий

мухаммасларининг ҳар бири мустақил, оригинал асарлардир. Муаллиф ўз мухаммасларида устоз фикрларига садоқат билан ёндашар экан, ҳар бир тахмис сўнггида устоз номини қайд этиб ўтади. Масалан, Алишер Навоийнинг қуйидагича бир ғазали бор:

**Ўтинг, ишрат аҳлики, зорларбиз,  
Туман минг балога гирифторларбиз.  
Кўнгулни қилиб юз яра ишқ ўти,  
Тараҳҳум қилингким, дилафгорларбиз...**

Абдурахим Низорий ушбу ғазал асосида қуйидаги тахмисни яратади:

**Фано дайрида толиби ёрларбиз,  
Анинг ғайрига анча ағёрларбиз,  
Муҳаббат майига ажаб зорларбиз,  
Ўтинг, ишрат аҳлики, зорларбиз,  
Туман минг балога гирифторларбиз...**

Аниқки, биргина автор ижодида Алишер Навоийнинг қирққа яқин ғазали тахмис бўлиши — яъни иккитадан қаторга эга бўлиши ҳодисаси уйғур адабиётида ягонадир. Бундай ҳодиса ўзбек адабиётининг ўзида ҳам учрамаса керак.

Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоийнинг кўп қирралли ижоди ўзбек маданияти доирасидан чиқиб, бутун цивилизациялашган дунё мулки бўлиб қолди. Бу ижод уйғур адабиётининг Урта Осиё ва Қозғистон халқлари адабиёти билан ва хусусан, ўзбек адабиёти билан алоқаларининг тамал тоши бўлиб келди.

Буюк шоирнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonида айтган сўзлари тўла маъноси билан амалга ошди:

**Низомий олса Барда бирла Ганжа,  
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа,  
Чекиб Хисрав доғи тийғи забонни,  
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни.**

**Яна Жомий Ажамда урса навбат,  
Араб доғи чолса кўсу шавкат.  
Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси ҳуд менингдур.  
Олибмен тахти фармонимга осон  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.  
Хуросон демаким, Шерозу Табрет  
Ки, қилмишдур найи килким шакаррез.  
Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,  
Не ёлғиз турк, балки туркмон ҳам!**

Алишер Навоийнинг уйғур классик адабиётига таъсири жуда кучли эканлиги шубҳасиздир. Уни уйғур халқининг ҳозирги авлодлари ҳам севиб ўқийдилар. Навоий асарлари ҳозирги замон шоир ва ёзувчиларига, уларнинг фикр ва туйғуларига ҳам баракали таъсир этиб келмоқда. Ушбу ҳаққоний фактни талантили уйғур шоири Лутфулла Муталлиб «Алишер Навоийга» шеърисида жуда яхши ифода-лаб берган:

**Ўқиб ашъорларин, завққа ғарқ бўлиб,  
Қалбга таассурот, туйғулар тўлиб,  
Кўзим бир нуқтадан қотиб қолади,  
Жисмим хаёлларга ботиб қолади.  
Қўлимда китоби дилдан сўрайман,  
Навоий нечоғлиқ буюк зот дейман,  
Қани у Навоий! Изласам, топсам,  
Муборак қўлини ардоқлаб ўпсам,  
Қараб турсам, «Хамса» ёзилган чоғи,  
Кўрсам қаламини — гавҳар яроғин.  
Фарҳод қиёфасин чизганин кўрсам,  
Тўймасман Баҳромнинг қиёфатига,  
Мафтунман Гуландом латофатига,  
Кўй, шоир, сўзлама, ўртанма йўққа,  
Навоий кўмилган эмас тупроққа!  
Юраги сикмайди оламга асло,  
Руҳи кезар ер-кўк, қиъалар аро,  
Ҳар мисрада унинг боқий умри бор,  
Ҳар варақдан сўнмас ҳаёти порлар.  
Ижоднинг чексиз, жўшқин дарёси,  
Ҳар сатрда сўнгсиз умрин садоси...**

# Бул Ҳаёт Алишер қиссаси

## ТУРК ХАЛҚ ДОСТОНИ<sup>1</sup>

Бу — ошиқнинг<sup>2</sup> дебочасидир:  
...Тарихи мозийдан топдим бир вароқ,  
Мутолаа этиб, айладим мароқ,  
Зулматли қалбимда ёнди бир чироқ,  
Дедим, нашр ўлсин ҳикоятимиз...

Шонли улусима ўлсин жон фидо,  
Тарих — минг тўққиз юз қирқ бирда эди,  
Кун пайшанба, соат йигирма эди,  
Келди ҳикоятга ниҳоятимиз.

Таҳсилим йўқ, илми ҳикмат, кимёдан,  
Зотан, бир кун фалак сўрар кунёдан,<sup>3</sup>  
Дер Мудомий: кетарканмиз дунёдан,  
Биздан ёдгор бўлсин ҳикоятимиз...



Қадим замонда Самарқанд шаҳрида Ҳусайн Бойқаро деган бир подшо ўтирар эди. Бойлиги, давлатини дарёга тўкса, дарёнинг овози ўчарди. Ҳашаматда Жамшид ва Нуширавон каби эрди. Қўл остида бир кўп вилоят беклари бор эди. Улардан Мир Алишер исмли бир бек ёз ойлари Самарқанд вилоятига қарашли Сабзвор деган бўз қирга чиқар, қишда кўрғонига қайтар эди. Мир Алишер бир ёз боши Сабзвор бўз қирида маскан қуриб, бир неча ой ўтиргач, сурув мол ҳайдаб, Самарқандга келди. Сурувни кўрган Самарқанд аҳли — тожирлар, аснофлар, этлик мол оламиз, деб йиғилишиб, харидор бўлишди. Мир Алишер жўмардликда Алига ўхшарди, молимни фуқарога ҳадя этаман, дейишга уялиб, бой-зангин билан савдо қилмайман, улар билан олиш-беришим йўқ, фақат фуқарога сотаман деб жарчи кўйди. Бунни эшитган Самарқанд йўқсиллари Мир Алишернинг бошига жам бўлиб, ҳар бириси ҳадди етганига қараб бирор мол олиб, бунинг ижратини қачон тўлаймиз, деб сўрашди. Мир Алишер мен молимнинг ҳақини сиздан ҳозир олмайман, деди... «Бўлмаса, қачон оласан?» «Қачон султон Ҳусайн Бойқаро вафот этса, ўшанда оламан». Бирор кимса бу гапнинг маъносини англамади. Ҳар ким мол олганига хурсанд бўлиб, уни дуо қилиб жўнайверди... Энди гапни бошқа ёқдан эшитинг. Султоннинг айғоқчилари Мир Алишернинг сўзларини оқиқмай-томизмай қоғозга тушириб, Ҳусайн Бойқарога етказдилар. Шоҳ уларни ўқиб ғазаби ошди. Туклари тўнидан бир қарич ташқари чиқиб, тикка турди. У замоннинг миршабларини «қаввос» дермишлар. Қаввосларни чақириб, шу нохалаф одамни топиб, ҳузуримга келтиринг, деб фармон берди. Қаввослар: «Амрингиз бош устига!» дея равона бўлдилар. Мир Алишерни тутиб, шоҳ девонига келтирдилар. Мир Алишер ичкарига киргач, бош эгиб, кўл қовуштириб турди. Султон Ҳусайн Бойқаро бу йигитнинг тавозе ва назокатини ғоят ёқтириб қолди. Жой кўрсатиб, ўтиришга буюрди. Мир Алишер яна ер ўпиб, султон Ҳусайн Бойқаро кўрсатган жойга бориб ўтирди.

Султон Ҳусайн Бойқаро бош кўтариб, сўради: «Исминг нима?»

Мир Алишер деди: «Шафқатпаноҳ, исмимни Алишер, дерлар».

Султон Ҳусайн Бойқаро кулди: «Али»-ку Али, «шер» нимаси? Магар шерлигинг ҳам борми?»


«Султоним, болаликда исмимни шундай атамишлар...»

«Жуда соз! Бозорга сигир суруви келтириб, аҳли фуқарога тарқатган сенмисан?»

<sup>1</sup> Айрим қисқартиришлар билан босилмоқда.

<sup>2</sup> Ошиқ — бу ерда «бахши» маъносига.

<sup>3</sup> Кунё — тириклик олаmidан.



Расмни Рустам ЗУФАРОВ чизган

«Балли, бандангиз».

«Хўп, нечун менинг вафотимни муҳлат қўйдинг? Еки мендан бирор ёмонлик, жабр-зулм кўрганмисан?»

Мир Алишер деди: «Авф этгайсиз, шафқатпаноҳ, менинг бу ишим сизга қарши бир адоват ёки ёмон ниятли ҳаракат нишонаси эмасдир. Эшитганларингиз чин, лекин мен шунинг учун сизнинг вафотингизни муҳлат қўйдимки, фуқаро қарзини тўламаслик учун, шоҳимнинг умрлари узун бўлсин, деб дуо қилгай... Шунинг учун биз бўйла сўйладик. Боқий фармон яна шоҳимнинг ихтиёридадир».

Султон Ҳусайн Бойқаро бу жавобдан ғоят хурсанд бўлди. Мир Алишерни саройда вазир қилиб тайинлади. Мир Алишернинг қир ҳавосини яхши кўришини ўйлаб, султон Ҳусайн Самарқанд ташқарисидаги катта боғлардан бирини унга ҳада этди. Мир Алишер бунда ўзига муносиб бир уй қурдирди. Кундузни шоҳ девонида ўтказар, оқшомлари боғдаги масканида истироҳат қиларди. Баъзан овга чиқар эди:

Бир жума куни тушдан сўнг овга жўнади. Қайтишда кўза кўтарган бир қизга дуч келди. Бу қиз шу қадар гўзал-париваш эдики, ҳатто кун ўз шуъласини унинг юзига сочишга уяларди. Мир Алишер қизни кўргач, гўёки уч юз олтмиш олти томирига ўт кетгандек, ёна бошлади. Ҳушини аранг йиғиб, келинг эштайлик-чи, юрагига ишқ ўти солган гўзалга у не дедию қиз нима деб жавоб қайтарди.

Мир Алишер:

**Занжири ишқингга этдинг гирифтор,  
Кошки кўрмасайдим, дилрабо, сени.  
Кўнгил қушимни, сен, айладинг шикор,  
Жон олувчи кўрдим, маҳлиқо, сени.**

Мир Алишернинг бу сўзларини эшитган Гул орқасига ёйилган қирқ тўрт кокилини бирини олиб, кўксига ташлади. Сийна — баёз, зулф — сиёҳ! Кўрайлик-чи, Мир Алишерга қиз энди не деркин.

Гул:

**Қодир қисмат ёзувларни ёзганда,  
Айламиш ишқ ила ошно сени.  
Рухлар ишқ майидан бода сузганда,  
Соқий олмиш майдон бошина сени.**

Мир Алишер:

**Ҳуснинг зиёдадир заррин камардан,  
Жамолинг шуъласи шамсу қамардан,  
Оташ бердинг уч юз олтмиш томирдан,  
Мумкинми унутмак дунёда сени!**

Алишер Навоий ижоди — буюқ ишқнома, сирнома: асрлар ўқиб тўймайди, наслар қўлидан қўймайди. Ана шу «Ишқи жаҳон ароқнинг сарчашмаси, бошлангич мотивлари ҳақида Урта Осиё ва Яқин Шарқ халқлари тилларида ҳануз ажойиб нақллар, афсоналар юради... Мана, ўша афсоналардан яна бири — «Гул ила Алишер ҳикояси» деган турк халқ достони. 1941 йилда ошиқ-бахши Мудомий тилидан ёзиб олиниб, Туркияда чоп этилган бу дostonда Навоий ва Гули ўртасидаги оташии севги-садоқат ўзига хос йўсинда, нафис ва ҳассос пардаларда тараннум этилади. Асарда Алишер буюк қалб, етук заковат соҳиби сифатида гавдаланади, лекин унинг офтобдек муҳаббати ҳукмрон феодал муҳитнинг мудҳиш бўғовлари остида заволга юз тутади...

Дoston шарқ халқлари ижодига хос анъанавий «ҳамд» ила бошланиб, анъанавий хотима билан яқунланади. Аммо, биз учун энг муҳими — асар марказида турган Алишер образининг гўзал талқини, унинг порлоқ сиймоси, инсоний камоли, ўлмас муҳаббати...

Бизга ушбу асар нуҳасини лўфтан тақдим этган турк олими, профессор Элхон Бошқўзга чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Иззат СУЛТОН,  
ЎзФА мухбир аъзоси, Ўзбекистон  
Ёзувчилар союзи қошидаги Навоий  
комитетининг раиси.

Гул:

**Ҳар кимса файз олар оҳанг-ғазалдан,  
Олами руҳият, базми азалдан,  
Кўнгил узармисан кўрган гўзалдан,  
Чунки ишқ айламиш рўшно сени.**

Мир Алишер қизни рангин гулга ўхшатиб, унинг исми ҳам Гул эканлигини билмасдан, эшитайлик-чи, яна нималар деркин.

Мир Алишер:

**Алишерда топди тенгин янги гул,  
Сенга менгзар, гулистонда ҳанги гул.<sup>1</sup>  
Исми-да гул, жисми-да гул, ранги гул,  
Қувониб яратмиш шу дунё сени.**

Гул:

**Гул исмим кам толе чиқмас орадан,  
Рақиб ғофил қолсин бу можародан,  
Қулни қулга сабаб этмиш яратган,  
Йўқса, куйдирмасди беҳуда сени...**

Сўз тамомига етди. Мир Алишер уйига қайтаркан, ҳамсояларидан бу кимнинг қизи эканлигини суриштирди. Қизнинг отаси исмини Хўжа Солиҳ дедилар. Хуллас, у кечани ўйлар, хаёллар ичида ўтказди, ухламади... Орадан бир ҳафта ўтди. Мир Алишер уялганидан ушбу воқеани на подшога, на бўлак вазирга арз этди. Бир жума оқшоми, «ёлғиз бола киндигини ўзи кесар» деганларидек, ўзи ўзига совчилик тадорикини кўриб, Хўжа Солиҳнинг уйига борди. Бориб, эшикни қоқди. Хўжа Солиҳ эшикни очди, қарасаки, султон Ҳусайн Бойқаронинг вазири Мир Алишер... Хўжа Солиҳ бу улуғ меҳмонни минг таъзим ила уйига бошлади. Ҳолига яраша ясатилган уйда, қалин кўрпачага ўтказди, қаҳва, чилим, таом келтирди. Емак-ичмакдан сўнг суҳбатга киришдилар. Мир Алишер деди: «Хўжа афанди, менинг бунда келишимнинг сабабини нега сўрамадингиз?» Хўжа Солиҳ деди: «Хуш келдинг, сафо келдинг, миннатинг бош устига. Меҳмондан, нега келдинг, деб сўрашарми?» Мир Алишер деди: «Сўзингиз ҳақ, хўжам. Лекин ўрни келганда сўраш ҳам керак». Хўжа Солиҳ: «Қулоғим сизда», деди. Бунинг жавобига Мир Алишер деди: «Мен васфи ҳолимни тилимдан сўйласам, тоқат қилиб бўлмас. Ижозат берсангиз; тор тили или баён этсам».

Олди Мир Алишер:

**Гашти гулзоримдан хабар ол, хўжам,  
Ҳеч демассан, нечук ҳола келмишам.  
На кундузим кундуз, на кечдир кечам,  
Ишқ дастидан ёмон ҳола келмишам...**

Хўжа деди: «Улуғ вазирим, якка отнинг чанги чиқмас, отинга от қўшайин».

Олди Хўжа:

**Хуш қадаминг дийдам узра ери бор,  
Мен-да билдим, не хаёла келмишсан.  
Ҳар чечакнинг матлабинда ари бор,  
Билдимки, арисан, бола келмишсан.**

Олди вазир:

**Аввал буки, ўла қисматдан ёзув,  
Эшигингдан ҳайдаб, рад этма бизи.  
Дилда туғён айлар ишқнинг денгизи,  
Бошдан-оёққача тўла келмишам.**

Олди Хўжа:

**Ишқи ҳақиқат-ла бўлганлар дамсоз,  
Бири ҳақдан сўйлар, бириси мажоз,**

<sup>1</sup> Ҳанги гул — қайси гул.

**Сен босган йўлларга юзим поёндоз,  
Кўзим узра меҳмон ўла келмишсан.**

Олди вазир:

**Бу савдо ақлимни келтирди зоя,  
Куним йилга тенгдир, соатим оя,  
Қўнди кўнгил қушим гули раъноя,  
Нолакор булбулам, гула келмишам...**

Вазирнинг нима демоқчи эканлигини тушуниб, қизига совчи бўлиб келганини билди.

Олди Хўжа:

**Англаб, билай қалбингдаги ниёзи,  
Ўлкалар сардори, шоҳнинг сарбози,  
Балки толедандир муқаддар ёзув,  
Ахтариб, ахтариб, топиб келмишсан.**

Олди вазир:

**Алишер Навоий меҳмондир сиза,  
Фармон толедандир, қодир ризо,  
Муродим — ёр ўлмак Гул отли қиза,  
Қисматнинг амри-ла бўйла келмишам.**

Олди Хўжа:

**Солиҳ дер, одамдан одат дунёга,  
Истасанг йўқсилга, истасанг бойга,  
Елғиз бир авлодмас от солган сойга,  
Мен не десам, не маола келмишсан...**

Сўз охирига етди. Хўжа Солиҳ деди: «Мен вазирнинг таклифига қарши заррача эътироз этмайман. Ва лекин, рухсат этсангиз, бориб, қизимдан ҳам сўрай. Унинг ҳам кўнглини билай». Мир Алишер: «Ихтиёр сизда, марҳамат, хўжам», деди. Хўжа Солиҳ ичкарига кириб, масалани аввал хотинига, сўнг қизига баён этди. Қиз гўзаллиги устига ғоятда ақлли ҳам эди. Бир оз ўйлагандан сўнг: «Бир вазир мендек фуқаро қизни наинки никоҳига, ҳатто чўриликка сўраса, юзим узра, кўзим узра ери бор», дея қабул этди. У аввалданок Мир Алишерни кўриб, ёқтириб қолган эди-да.

Хўжа Солиҳ қизининг жавобини эшитиб, мамнун бўлди. Меҳмоннинг олдига чиқди. Рози-ризалик, нишона шарбати ичилгандан сўнг, Мир Алишер ўз уйига қайтди. У аста-секин тўй тадорикини кўраверсин. Гапни энди бошқа ёқдан эшитинг.

Кунлардан бир кун султон Ҳусайн Бойқаро шаҳарни сайр этиб, Алишернинг севгилиси Гулнинг эшиги олдидан ўтиб қолди. Гул ҳам севикли ёри султоннинг хос маҳрамларидан эканлигини ўйлаб, подшо ва хос ҳамроҳларини томоша қилгани панжара олдига келиб ўтирган эди. Подшо унга кўзи тушиб, бу ёш гўзалга бир кўнгилдан минг қарра ошиқ бўлиб, унинг зулфи занжирига кўнгли боғланди-қолди. Бировдан бу уйнинг эгаси кимлигини суриштиргандан сўнг сайрни қолдириб, саройга қайтди. Узининг шайхул-исломи бўлмиш Қози калонни совчи қилиб жўнатди. Магарса, Мир Алишернинг саргузашт ва аҳволотидан шоҳ беҳабар эди.

Қози калон Хўжа Солиҳнинг уйига келиб, қаҳва ичиб, чилим чекиб, кайфини чоғ этгандан сўнг подшо томонидан Гулга совчи бўлиб келганини айтди. Хўжа Солиҳ не дейишини билолмай, ҳайрат ила қозининг юзига тикилиб қолди. Ва мулоҳаза этдики: «Шояд десамки, қизимни узатдим... «Кимга?» деб сўрайди. У замон лозимки, шоҳнинг вазир Алишернинг номини тилга олсам... Балки унда бу йигитнинг ҳаёти ҳавф-хатарда қолар... Энг яхшиси, бориб, қизимга маслаҳат солай. Умрининг охиригача бирга яшагувчи у-ку. Агар унинг майли бўлмаса, хоҳ вазир бўлсин, хоҳ султон — фойдаси йўқ. Султон Сулаймондан сўрамышларки, тотлидан тотли нимадир? «Эр-хотинлик» — деб жавоб бермиш у... «Аччиқдан-аччиқ нимадир?» — сўрамышлар яна. «Эр-хотинлик» — деб жавоб бермиш у тагин. Қиз ҳам ўз эри билан шириндан-ширин яшамай, аччиқдан-аччиқ турмуш кечирса, умрбод бошимга қарғиш ёғилур...» Шу ҳаёл билан у қизининг кўнглини сўрагани келди. Гапни очиқ айтгач, қиз бир оз ўйланиб деди: «Сабаби ҳаётим, суюкли отам, мен бир туя эмасманки, икки марта бўғизлансам ва бу қайси китобда борки, бир қизга бир эр учун қисматнинг амри ижобат этилсин-да ва у ҳали ҳаёт экан, ўша амр ерда қолдирилиб, бир бошқаси учун қисматнинг амри қабул қилинсин... Мен подшонинг амрини рад этаман. Султон Ҳусайн Бойқаро йўқотган нарсасини бошқа жойдан изласин...» Хўжа Солиҳ қизининг бу жавобини Қози калонга бил-

дирди. Лекин қизининг Алишерга унаштирилганини айтмади. Қози калон ҳам келиб, бор гапни султон Хусайн Бойқарога етказди. Султон Хусайн Бойқаро бутунлай афкорланиб, ошиқларнинг зарбулмасалида айтилганидек:

**«Уқ теғмиш Маҳмудга, ярадор каби  
Етмади бир ёна, кечди бу кеча...»**

У кечани ухламай, ўй-хаёлда кечирди. Тонг отди. Ҳаммамизнинг юзимизга эзгу тонглар отиб, нурлар сочилсин! Кун Кўҳиқофдан бош кўтариб, тоғлар жубба тўнни кийиб, «лаббай» дегандан кейин, ҳар бир куш ўз маҳбубини йўқлагандан сўнг подшо бу ишнинг ҳдрасини Мир Алишердан бўлак ҳеч кимса ҳал этолмаслигини ўйлаб, бор гапни унга баён қилди.

Алишер икки дарё, магар икки ўт орасида қолмишди. Ердан кечсинми, орданми? Йўқса, сардан кечсинми? Бир оз ўйлагач, ўз-ўзига шундай деди: «Магар қисмат бизга кулиб боққанда бу масаланинг орасига шоҳ аралашмасди: Балоба ризо керак!» Ва султон Хусайн Бойқарога ҳам: «Эй улў султоним, модомики мен қулингизга бу масаланинг ҳаллини буюрдингиз, амрингиз бош устига», — деб Хўжа Солиҳнинг уйига йўл олди. Ичкарига кириб, қаҳва ичиб, чилим чеккандан сўнг Хўжа Солиҳга гапни очди. Султон Хусайн Бойқаро Гулга эга бўлишни истагани учун энди ундан қалбан бўлмаса-да, ҳол ила кечмак лозимлигини сўйлади. Хўжа Солиҳ бир оз ўйлагандан сўнг, бориб яна бир қатла қизимдан сўрай, деди.

Хўжа Солиҳ Мир Алишернинг ёнидан чиқиб, қизининг олдига келди. Масалани тушунтирди. Мир Алишер сени ўзига ҳамшира тутиниб, шоҳга сўраб келмиш... Қизим, сенинг фикринг нечук? Қиз ақлли, идрокли эди. Ўз-ўзига дедими, мен бугун подшога оила бўлишим мумкин, фақат ўлгунча на Алишер мендан кечар, на мен ундан... Бир оз ўйлагандан сўнг деди: «Сабаби ҳаётим, бошимнинг тожи бўлмиш падарим! Мир Алишерни менинг олдимга юбор. Икки оғиз сўзим бор. Ундан сўнг тақдиримга тан бераман». Хўжа Солиҳ Мир Алишернинг олдига қайтди ва уни қизининг ҳузурига юборди. Гул орадан пардани кўтариб, Мир Алишернинг ёнига келиб, ўлтиргандан кейин деди: «Мир Алишер! Бу қандоқ гап? Мен туя, эмасманки, икки марта бўйнимни кессалар. Бу ишнинг бўлмағур иш эканлигини англамадингми?»

Мир Алишернинг қадди янада букилди. Ва деди: «Кўзимнинг нури! Гарчи биз унаштирилган бўлсак-да, бу ишга султон Хусайн Бойқаро аралашгандан сўнг, сен менинг қиёматлик синглим бўлдинг. Мен не қилай, иложим қанча?» Қиз бир оз ўйлаб, деди: «Мен сенинг тақлифингни қабул этдим. Лекин менинг ҳам икки ўтинчим бор. Қабул қилсанг, хўп. Қабул қилмасанг, йўлингга кетавер». Мир Алишер: «Айт ўтинчингни», деди. Гул бир хат ёзиб, зарф<sup>1</sup> ичига солди, бошқа бир хат ёзиб, бошқа бир зарфга жойлади. Ҳар иккисининг оғзини бекитди ва деди: «Биринчи шартим шуки, буларни очмасдан, фалончи атторга элтасан ва у нима берса, олиб қайтасан. Иккинчи шартимни қайтганидан сўнг айтаман». Мир Алишер хатларни олиб, тўғри аттор ҳузурига борди. Хатларни унга узатди. Аттор биринчи мактубни ўқиб, кулди; иккинчисини очиб ўқиркан, кўзларидан маржон-маржон бўлиб ёш қуйилди. Хуллас, аттор қиз сўраган нарсаларни ҳозирлаб, шишаларга солиб, Мир Алишерга берди. Мир Алишер шишаларни олиб, Гулнинг ёнига қайтди ва уларни қизга топширди. Гул деди: «Эй Алишер, иккинчи тақлифим шуки, буларнинг бирини мен, иккинчисини сен ичасан!» Мир Алишер шундай гўзалнинг кўлидан захар бўлса ҳам ичишга тайёр эканлигини айтиб, шишанинг бирини бўшатди. Бошқасини Гул ичди. Алишер бир нарса сўрамасдан, ташқарига чиқмоқчи экан, Гул сўз бошлади: «Мир Алишер! Сабр қил! Кўнглимда борини атай, кейин кетсанг ихтиёринг!»

Олди Гул:

**Тўхта, Мир Алишер, бир саволим бор,  
Аттордан олганинг, айтгил не эрди!  
Икки шартки қўйдим сенинг бўйнингга,  
У шартларни айтгил бизга, не эрди!**

Олди Мир Алишер:

**Эй дилрабо, бу рамз ила бу розинг  
Маъноси нимадир — билолмадим мен.  
Аттор кулди аввал ўқиб ёзганинг,  
Сўнгра у йиғлади — билолмадим мен.**

<sup>1</sup> Зарф — идиш, бу ерда «конверт» маъносида.



Олди Гул:  
Алишер, не теран маъно бор бунда,  
Ортар кундан-кунга аламинг бўйла,  
Ёзилмиш азалдан қисматинг бўйла,  
Гул ҳаётин фидо қилди — не эрди!

Олди Мир Алишер:  
Чархи кажрафторга кўяркан қадам,  
Бири кулса, бири қон йиғлар дийдам.  
Навий, фиғоним ортар дам-бадам,  
Умр иқболимдан кулолмадим мен...

Сўз тамомига етди. Гул деди: «Боқ Алишер! Сенинг йўлингда мен жонимдан кечдим. Мен ичган нарса қирқ кунда амал қиладиган заҳар эди. Сени ичганинг эса сени зурёддан маҳрум айлагувчи дори. Мен энди дунёга ҳам, сизларга ҳам қирқ кунлик меҳмонман». Мир Алишер бу аламли сўзларни эшитаркан, кўзларидан қонли ёшлар Нил ва Жайхун каби селоб бўлиб оқа бошлади ва малул-маҳзун аҳволда у ердан чиқиб, шоҳ ҳузурига келди. Қизнинг шоҳ амрини қабул этганини унга сўйлади.

Шоҳ энди, ўз фикрича, умрининг энг масъуд кунига эришганига севинди. Тўй тараддудини кўриб, никоҳ ўқитиб, жамоатга шарбат ичириб, жума оқшоми Гулни саройга келтирди. Ҳарамхона алвон мато, парёстиклар, дур-маржонлар билан безатилган эди. Қирқта янга соғу сўлидан ўраб, нозу назокат-ла келтириб: «Ол омонатингни, султоним!» дея Гулни ичкарига киргизиб, сўнг орқалари билан юриб, чекиндилар ва уй-уйларига тарқалдилар. Гул шу оқшом бир баҳона кўрсатиб, султондан айру ётди. Нияти бул эди: «Модомики, илк насибамдан айрилдим, қирқ кунлик умрим бор, холос, мен унга лаъли висолимни насиб этмасман!» Иккинчи кун яна бошқа баҳона кўрсатиб, алҳосил деди: «Шафқатпаноҳ тождорим, султоним! Менинг аҳдим будирки, менга қирқ кунгача қўл тегизманг!» Қизнинг бениҳоя гўзаллиги туфайли шоҳ унинг ҳар қандай хоҳишини қабул этарди, бу истагини ҳам қабул этди.

Орадан ўттиз икки кун ўтгач, қиз ичган заҳар унинг уч юз олтмиш олти томирига ёйила бошлади. Гул касалга чалинди. Буни эшитган султон Ҳусайн Бойқаро не қиларини билолмай, тинчини йўқотди. Орадан ўттиз беш кун кечди. Гулнинг хасталиги борган сайин ортди, бошқача айтганда у кундан-кунга ўлимга яқинлашаверди. Буни кўрган султон Ҳусайн Бойқаро не қилишини билмас эди. Охири бир кун ўзига-ўзи: «Овга чиқайин, балки кўнглим ёзилар», деб отини ҳозирлатди. Буни эшитган Гул яширинча бир хизматчисини Мир Алишерга жўнатди. «Султон Ҳусайн Бойқаро бугун овга чиқади, сени ҳам ўзи билан олиб жўнамоқчи. Бир баҳона қилиб, овга чиқма. Ортиқ сени кўролмайман. Жилла бўлмаса, сўнгги нафасимда бир кўрай». Бу хабарни эшитган Мир Алишер ётоғини очиб, касал бўлдим, деб ётиб олди. Султон Ҳусайн Бойқаро хизматчисини юбориб, Мир Алишерни овга таклиф қилди. Келган хизматчи Мир Алишерни хаста кўриб, изига қайтди, аҳволни шоҳга баён этди. Отлар тайёр бўлгани учун султон Ҳусайн Бойқаро энди орқага қайтмайин, бир оз сайр қилай, кейин қайтаман, дея арғумоғини миниб, хос маҳрамлари билан жўнади...

...Мир Алишер Гулни хаста ҳолда кўриб, кўзларидан селоби ҳасрат оқа бошлади. Боз бунинг устига, кўрайлик-чи, Гул Мир Алишерга нималар деркин. Мир Алишер унга не жавоб айтди, биз дейлик, жамоатимиз тингласин.

Олди Гул:  
Алвидо, севгилим, ушбу дунёдан,  
Сўнг дамда хотирим сўр ювош-ювош.  
Энди фалак сурар бизни кунёдан  
Очилур мазорга йўл ювош-ювош.

Дардиндан, эй, дардиндан,  
Чеккан оҳ-войиндан.  
Кунда бир қирпич тушар  
Умримнинг саройиндан...

Олди Мир Алишер:  
Менга ўлим афзал бу тирикликдан,  
Сен билан кўрардим кун ювош-ювош.  
Сўлар Гулим муродига етмасдан,  
Вужудим тарк этар жон ювош-ювош.

У ёқдану бу ёқдан,  
Карвон қалқар қаёқдан.  
Келган кўнар, кўнган жўнар,  
Қолган борми бу ёқдан...

Олди Гул:  
Мен сенинг йўлингга ўлмишам адо,  
Айладим ўлимга ўзимни фидо,  
Уч ихлос-ла бир фотиҳа ҳар сабо  
Ўқи-да, руҳимга бер ювош-ювош.

Лочинми бу, шахбоздир,  
Ё жилвадир ё ноздир.  
Ёна-ёна кул бўлдим,  
Дерлар: яна ён, оздир...

Олди Мир Алишер:  
Бу сўзларинг жонга ўт солди ғоят,  
Ба ҳаққи Фирқаний, ўттиз жуз оят,  
Сендан сўнгра менга ҳаром бу ҳаёт,  
Йўлчиман йўлингга мен ювош-ювош.

Ёндим, э воҳ!  
Бездим, толиқдим, э воҳ!  
Дунёда бир гул битмиш,  
У ҳам дер, сувсиз ёндим, э воҳ!

Олди Гул:  
Ғунча эдим, рози бўлдим ўлима,  
Ёт булбулни кўндирмадим гулима,  
Ҳаётда тегмади кўлинг кўлима,  
Тобутим остига кир ювош-ювош.

Сумбулми ё гулчечак,  
Уртанажак, ёнажак.  
Ёна-ёна кул бўлдим,  
Нимама қолди ёнажак...

Олди Мир Алишер:  
Забоним ўт тутар, этолмам дуо,  
Ёвмул жазо менадан айлама даво.  
Қуриди кўзёшим, Алишер Наво,  
Оқар ёш ўрнига қон ювош-ювош.

Ошиқни алам тўғлар,  
Ақлсиз нодон йўғлар.  
Келган-кетган пайқамас —  
Бу дарди недан йўғлар...

Сўз тамомига етди. Гул деди: «Эй Алишер, сени бу ёққа олиб келишдан мақсадим шудир: сен ҳам биласанки, мен энди умримнинг сўнги кунларини яшайман. Ва сўнги нафаслардаман... Сендан илтижо шулки, аввало мен ўлгандан сўнг дунёда кўлинг кўлимга тегмаган экан, лоақал жасадим ётган тобутим остига кирсанг, ҳеч бўлмаса, кўлинг тобутимга тегса... Иккинчи васиятим шулки, умринг борича ҳар сабоҳ мени ёд этсанг... Учинчи васиятим шулки, ўлгунча мени унутмасанг...»

Бу сўзларни эшитган Алишер Навоий йўғисининг таърифини инсон нари турсин, малак ҳам тавсиф этолмас.

Забоним ўт тутар, этолмам дуо — Тилим сўзга келмайди, сўзлашга ожизман, дейилмоқчи.

Улар бу ҳол ила йиғлашар экан, ташқарида шовқин-сурон кўтарилди. «Нима гап?» деб суриштиришса, подшо овдан қайтаётган экан. Мир Алишер не қилишини билмасдан, ҳаракатсиз туриб қолди, шунда Гулнинг ёнидаги хизматчилардан бири деди: «Мир Алишер, шоҳ сени бу вазиятда кўргудек бўлса, ўзга хаёлга бориб, сени мавҳ айлар. Машҳур зарбулмасалдурки, дарёга чўккан илонга ёпишар... Сен ҳам бурчакда турган қозонга кириб, яширин!» Чунки у ерда шу қозондан бўлак бекинадиган жой йўқ эди. «Биз унинг қопқоғини ёпиб, чиқарамиз. Агар шоҳ сўраб қолса, овқат бор, деймиз. Шоҳ ичкари киргач, сен чиқиб кетасан». Ноилож Мир Алишер қозоннинг ичига кириб ўлтирди. Қопқоғини ёпдилар. Уч-тўрт жория қозоннинг қулоғидан тутиб, кўтариб, ташқари чиқарар экан, шу пайт шоҳ ҳам ичкарига кириб келаверди. Бунинг ичидаги нима эканини сўраса, овқат, деб жавоб бердилар. Султон Ҳусайн Бойқаро: «Ажабо, қандай овқат тайёрладингларки, уни кўчага олиб чиқяпсизлар?» деб қизиқиб, қопқоғини очди. Не кўз билан кўрсинки, қозоннинг ичида Мир Алишер ўтирарди... Султон Ҳусайн Бойқаро уни сўнг даражада севганидан, ҳеч нарса демай, яна қозоннинг қопқоғини ёпиб қўйди...

Мир Алишер ташқарига чиққач, уят-хижолатдан не қиларини билмай, тўғри дарвишларнинг тақясига бориб, уларнинг бирига: «Дарвиш бобо, келинг, сиз билан либосларимизни алмаштирайлик», деди. Дарвиш севинч ила бунга рози бўлди. Мир Алишер дарвиш кийимини кийиб, тўғри Байтуллога қараб кетаверсин... Гапни энди султон Ҳусайн Бойқародан эшитинг. Султон Ҳусайн Бойқаро ичкари кириб, севгилсини ўлим тўшагида кўриб, чидаб туролмади; мажнун бўлиб, тоғларга бош олиб кетар аҳволга тушди. Бир миқдор йиғлаб, у ердан чиқди. Девонига келиб, дард йўлдоши бўлмиш Мир Алишерни йўқлади. Мулозимлар Мир Алишерни тополмасдан, қайтиб келишганда, шоҳнинг таажжуби икки қатла ошди. Валийлар унинг қаландархонага кетганини сўйлادилар. Дарвишлар: «Ҳа, Мир Алишер келиб, бу ерда тўнини алмаштириб, Ҳижозга кетди», деб жавоб беришди. Бунинг эшитган Ҳусайн Бойқаро қисқа бир мактуб битиб, у замонлар «бодпой» ҳозир «велло» деб аталувчи тез суръатли чопарлардан бирига берди ва амр этди: «Бу қоғозни Мир Алишерга зудлик билан етказ!»

Чопар қоғозни олиб, тоғдан, дарадан, тепадан ошиб, йўл босиб бораркан, йирокдан бир одам қорасига кўзи тушди. Яқинлашиб, қараса, Мир Алишер... Кўринмас бир йўлдан унинг олдидан чиқиб, қоғозни йўл устига қўйиб, ўзи бир бута орқасида беркиниб турди. Мир Алишер қоғозга яқинлашиб, уни кўргач, ёзувли эканини пайқаб, «Қани, нима экан?» дея олиб очди... Кўрайлик, шоҳ не ёзмиш, Мир Алишер не ўқир, биз айтамыз, жамоатимиз тингласин:

**Нафратинг менданми, аё, қадрдон,  
Йўқса, ажзинг борми шикоятингдан!  
Биласанки, сенсиз туролмам бир он,  
Нечук тарк ўлурсан вилоятингдан!**

**Кел, эй қадрдон, кўрай,  
Дардга дармон бўл, кўрай.  
Жоним ўртанар ёмон,  
Унга Луқмон бўл, кўрай...**

**Бойси не, хабарсиз ватандан чиқмоқ,  
Тўлқин кўтарилмай, кўпириб оқмоқ.  
Азим гуноҳ-ку бир кўнгилни йиқмоқ,  
Бу маълум кечмишнинг ҳикоятиндан.**

**Дардингдан эй тапон кез,  
Тўрва тутиб, нолон кез.  
Истама ғурбат беклигин,  
Ўз юртингда тилан кез...**

**Қара, кам толеим «қаро» мисоли,  
Ортингда «Вой» қолди, қолди «Ҳусайни»,  
Кел, шикаста қалбимга бер тасалли,  
Савобдир Ҳижознинг зиёратиндан.**

**Кўнгил дардлардан фориг,  
Гар кўнгилни ёд этсанг.  
Юз минг Каъбадан авло —  
Бир кўнгилни шод этсанг...**

Бунинг орқасига шу сўзларни ҳам ёзган эди: «Мир Алишер, биласанки, мен сенсиз туролмайман. Менинг кўнглимни синдириб, Ҳижозга бориш не даркор? Бу мактубни олганинг замон изингга қайт ва қалбимга тасалли бер. Боқий саломлар!»

Мир Алишер шуларни ўқиб, ўйга толди. Шу аснода бодпой унинг қаршисига чиқиб, одоб билан салом берди. Мир Алишер алик олгандан сўнг: «Бу мактубни сен келтирдигми?» деб сўради. «Ҳа, мен келтирдим!» Мир Алишер кўп йўл юриб, анча ҳориган эди. Шунинг учун бодпойга: «Менинг сен билан баробар юргудек ҳолим йўқ», деди. Бодпой унга шундай жавоб қилди: «Султонимнинг фармонига биноан мен сени орқамда кўтариб олиб кетаман!» Бодпой Алишерни орқасига опичиб, йўлга тушди. Йўл юриб, Самарқандга дохил бўлди.

Мир Алишер султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳузурига киргач, икки содиқ дўст бир-бирларини қучоқлашиб, шундай йиғлашдиларки... Атрофларида ҳозир бўлган бор халойиқ ҳам, меҳмонлар ҳам йиғладилар.

Тонг отди. Ҳаммамизнинг юзимизга оппоқ тонглар очилсин! Энди султон Ҳусайн Бойқаронинг ташқарида юргудек ҳоли қолмамишди. Зери заминда (ер остида) бир ҳужра бунёд эттирди, отини «Дорулфиғон» қўйиб, шу ерда кечаю кундуз йиғлаб ётаверди...

Кунлар ўтиб бўлди. Гул кўзларини яна бир бор очиб, ёруғ дунёни бошқа кўрмас бўлиб, юмди... Саройда шундай бир фиғон кўтарилдики... Бундай ҳолни кўрган Мир Алишер маъюс, муқаддар, ҳазин, малул йиғлаб, султон Ҳусайн Бойқаронинг эшиги олдига келди. Кўрайлик, Мир Алишер эшикни очмасдан, ичкарига кирмасдан султон Ҳусайн Бойқарога не деркин:

**Ало, эй шоҳи Самарқанд, қандни захр этмак керак,  
Чунки бу фоний жаҳондир, ҳар келан кетмак керак.  
Ҳамма нарса холиқийдир, якка шу дунё қолур,  
Сарви гулнинг соясинда сўлди гул, нетмак керак!**

Зеро, Гулнинг ётган ҳужраси олдида бир туп сарв оғочи ўсар, остида гуллар очилиб ётар эди... Алишер ҳам шу байтлар билан Гулнинг ўлимини баён этар эди. Буни тушунган султон Ҳусайн Бойқаро қора бағрини муштлаб ва кўзларидан селдай ёшлар оқизиб, кўрайлик, не деркин:

**Ўлажак ўлур на чора, найламак, нетмак керак,  
Сарвдин тобут ясаб, гулдин кафан этмак керак.  
Чун аносир<sup>1</sup> хокка марбут<sup>2</sup> охири ҳам хок ўлур,  
Тез ювинг ҳам кўтаринг, тез манзилга етмак керак...**

Сўз охирига етди. Вазиру вузаро: «Не қилайлик, шавкатлим? Қулининг қўлида эмас. Ҳаммамиз ўша йўлнинг қарвонимиз. Жаноби вожибул вужуд сизларнинг вужудингизни шодлик ва узун умр ила муаммар айласин!» дея тасалли бердилар. Ҳар не қилса, бўладиган иш бўлади — хоҳ кўнглингни кенг тут, хоҳ тор!

Гулнинг тобутини ҳозирлаб, уни борса келмас йўлга элтиш учун тўрт одамнинг елкасига бердиларки, улардан бири Мир Алишер эди. Заволли Мир Алишер у Гули раънонинг дунёдан номурод кетгани ва ўз йўлида жонини фидо этганини ҳар дақиқа хотирида тутарди. Кўзларидан дўл донасидек ёшлар оқизиб, шу байтларни ўқирди:

**Эй дилоро, бир боқиш-ла не ҳолга солдинг мени,  
Шона каби бардор этиб, зулфингга тақдинг мени.  
Судрадинг, гам баҳрининг туширдинг канорига,  
Чекилиб бир канорга, балога, отдинг мени.**

**Кимдан кимга дод айлайин — кадарим қаросига,  
Луқмон ҳам йўқ борсам унга, бу дардим чорасига,  
Бир туганмас олов солдинг жигарим ярасига,  
То умрбод қайғуларга, ўтларга ёқдинг мени...**

**Мен суюнган тоғларга магар ёғмиш қор бугун,  
Не бўлди бийрон забонинг, ғунчанг ўлди хор бугун,  
Зийнати кўрмам жаҳоннинг, дунё бошга тор бугун,  
Молу мулку хонумондин, тамалдин йиқдинг мени.**

<sup>1</sup> Аносир — унсулар, элементлар.  
<sup>2</sup> Марбут — боғланган, боғли.


**Алишери бенавомен, қутулмадим ғуссадин,  
Умр юки оғир келди, букди қаддим тозадин,  
Не бўларди менга берсанг сен нўш этган косадин,  
Очилмай сўлдинг, гулим, ғамга чулғатдинг мени...**

Бечора Гулни элтиб, қора тупроққа топширдилар. Мир Алишер бенаво шу ҳафта охирида, уйда туришга тоқати қолмади. Гулнинг мозорига келиб, бир муддат йиғлади ва шуларни сўйлади:

**Алишер Навоий, чорла Гулингни,  
Уқи минг марсия шод эт Гулингни,  
Унутма бир умр ёд эт Гулингни,  
Тўк қонли ёш, йиғла Гул мозоринда...**

Мир Алишер шу кеча Гулнинг мозорида тунади. Тонг отгач, уйига қайтди. Ва умрининг охиригача ҳар тонг ёрининг руҳига бағишлаб ғазаллар битди. Дерларки, у умр бўйи уйланмай, тоқ ўтмиш, шул сабабдин зурёд кўрмамиш...


Туркчадан **Жамол КАМОЛ таржимаси.**



## Игорь жангномаси



ЭПОСДАН БОБЛАР



«Игорь жангномаси» рус сўзи ва фикрининг шаклланиши ҳамда камол топишида муҳим роль ўйнаган адабий обидадир. Жангноманинг тасвири ва оҳанги, фикрнинг жўшқинлиги ва воқеанинг ҳаракати, сўзларнинг жозибаси ва тилининг рангдорлиги, ўз вақтида, Жуковский, Пушкин, Белинский, Гоголь, Блок сингари рус адабиётининг йирик вакиллари мафтун этган. Уларнинг кўпгина асарларига руҳ берган. Ватанга муҳаббат, она-заминга меҳр иштиёқи билан сўғорилган ушбу асарга ижодкорларнинг ҳар бир янги авлоди мушоақат қилиб, унинг ўзига хос қирраларини топаверади. «Игорь жангномаси» яратилганига саккиз юз йил тўлди. Шу муносабат билан журналхонлар эътиборига ундан боблар ҳавола этилди.

Келиб етмадими,  
Жўралар, бу дам  
Кўҳна оҳангларда  
Куйламоқ чоғи,  
Игорь юришлари  
Қиссасини, ҳам  
Князнинг жангларда  
Тортган жафосин?  
Куйлайлик, жўралар,  
Рухни этиб шод,  
Оғир қисматини  
Айлайлик баён.  
Қадим ривоятдек,  
Этажакмиз ёд,  
Гарчи ўзга куйда  
Куйламиш Боян...

\* \* \*

Жўралар, қиссани.  
Бошлайлик, бу он,  
Князь Владимир  
Замонидан то —  
Игорь давригача  
Билмасдан поён.  
Жангар йиллар эди  
У йиллар зеро,  
Игорь шуурида  
Қайноқ жасорат,  
Жўшиб кетди ўтли  
Юрагида қон,  
Рухи жанговарлик  
Туйғуларга банд,  
Излаб кетди Игорь  
Майдон аро шон.  
Йўл олди бешафқат  
Ўйдан ўртаниб,  
Қумонлар юртига  
Тортди у қўшин,  
Рус учун қасослар

Олмоқчи қониб,  
Фанимлар бошига  
Солмоқчи қирғин.  
Ортига бурилиб  
Кўз ташлар. Шу он —  
Гўё қорайгандек  
Кўринар куёш,  
Лашкари келмоқда  
Кўтариб тўзон,  
Зулматга ўралиб  
Фалак эгар бош.

\* \* \*

Қўлини кўтарар.  
От узра мағрур.  
Гап бошлар. Қўшини  
Сақлайди сукут:  
«Оғалар, мен бугун  
Сиз билан масрур,  
Ёв сари боргаймиз,  
Қилмангиз унут.  
Билингки, асирлик  
Ўлимдан ёмон,  
Жангда жон бермоқлик  
Афзалдир минг бор.  
Арғумоқ таққон,  
Минингиз чаққон,  
Зангор Дон дарёсин  
Кўргаймиз зинҳор».

Князь шууридан  
Келди-ю устун,  
Истаги бошлади  
Улуғ Дон сари.  
Дон сувин симирмоқ  
Орзуси бутун —  
Мардона вужудин  
Ўтдек ўртади:  
«Қумонлар даштига  
Санчармиз найза,  
Ғалаба гаштини  
Тотиб кўрармиз.  
Ёки... ўлим шу ҳол  
Қисматда бўлса —  
Жанг чоғи мардона,  
Бирга ўламмиз!...»

\* \* \*

Дашт бўйлаб кўзғалди  
Қумонлар кўчи,  
Шовқин солиб борар  
Буюк Дон сари:  
Бамисли оққушлар  
Тўдаси чўчиб —  
Учгандай... чайқалар  
Аравалари.  
Ярим тун кўйинини  
Тўлдирган сурон,  
Самони бўғади

Қалтироқ даҳшат.  
Қарғалар ўзини  
Уради ҳарён,  
Отлар дупуридан  
Тўлғанар зулмат.  
Дон томон буради  
Игорь отини,  
Ортидан изғийди  
Қора кузғунлар.  
Бурилар сезгандай  
Қоннинг тотини,  
Жарликлар оралаб  
Изма-из изғир.  
Калхатлар селпинар  
Ўлжага ташна,  
Ёвуз рўх сингари  
Қоқарлар қанот.  
Тулкилар акиллар  
Олисдан қараб —  
Қизғиш қалқонларга,  
Кўркув ҳатто ёт...  
Отлар пишқиради  
Зулмат қўйнида,  
Кумуш узангилар  
Жаранги маъюс.  
Игорь шон излайди  
Дарё бўйидан,  
Довонлар ортида  
Қолиб кетди Рус!  
Тун оғир чўзилди,  
Тун — қора хаёл.  
Мудроқ босди ҳатто  
Булбуллар куйин.  
Зоғчалар шовқини  
Тинмайин алҳол —  
Тонг нури уфқда  
Бошлади ўйин.  
Руслар ўраб олди  
Тутишиб қалқон,  
Қалин туман босган  
Қумонлар даштин.  
Ўзига ўлжа-ю  
Князь учун шон —  
Излашар сургали  
Ғалаба гаштин.  
Қон билан йўғрилди  
Жума саҳари,  
Туёқлар остида  
Эзилди бошлар.  
Қочди Қумонларнинг  
Мағлуб лашкари,  
Қонларга бўялди  
Майсалар, тошлар.  
Асира қизлару  
Ўлжа — беҳисоб.  
Зеб-зийнатга тўлди  
Қуйин-қўнжилар.  
Олтин-кумушларни  
Олдилар тўплаб,  
Отларга ёпилди

Чакмон-пўстинлар,  
Ботқоқ, кўлмакларга  
Отдилар сўнгра  
Ортиб қолган ўлжа —  
Бойликлар барин.  
Босқилаб, янчдилар  
Аямй сира —  
Олқишлаб князнинг  
Тонгги зафарин.  
Ғолиблик шавкати  
Князга насиб,  
Ботир навкарларга —  
Асира қизлар.  
Отлар ҳам ғалаба  
Гаштини сезиб,  
Яйдоқ ўтлоқларда  
Депсиниб кишнар...

\* \* \*

...Даштда оч қашқирдай  
Елади Гзак,  
Юриши, қилмиши  
Афсунга ўшар.  
Қузғунга айланиб  
Кўк узра Кончак  
Қанот қоқиб, борар  
Ҳамда йўл бошлар.  
Мағлублик алами  
Ўртайди бағрин,  
Кўзи қонга тўлган,  
Кўксида фарёд,  
Ошиқар кетма-кет  
Буюк Дон сари,  
Чирпираб айланар  
Дашту самовот!

\* \* \*

Тонг отар. Тўлғанар  
Туманли саҳро,  
Уфқда оқади  
Қон рангли шафақ.  
Қора булут ўраб  
Хўмраяр само,  
Яшил шамшир каби  
Ярқираб чақмоқ...  
...Гурсиллайди оғир,  
Тўлғанар замин,  
Дарё пишқиради,  
Бўтана бўлиб.  
Дашт чангин кўтарар  
Гирдоблар тағин,  
Қумонлар келмоқда  
Тўфондай тўлиб.  
Денгиз томон боқсанг —  
Келар Қумонлар,  
Лашкари-саноқсиз,  
Лашкари — сонсиз,  
Дон томонга боқсанг —

Келар Қумонлар,  
Яроқлар ярқираб  
Ўйнар омонсиз!  
Инсу жинс сингари  
Ув тортар улар,  
Алғову далғовда,  
Қолади жанггоҳ.  
Қалқонларин кўлда  
Тутганча руслар,  
Туришар мардона  
Ташлашиб нигоҳ...

\* \* \*

...Жўралар!  
Не оғир  
Кунларга қолдик,  
Шум қисмат кулфатни  
Оширди ҳаддан.  
Елғиз Дажбоғ — худо  
Набираларин  
Бу кун мағлуб этди  
Саҳройи қудрат.  
Шум хабар қадрдон  
Остона сари  
Етиб боргусидир,  
Шу экан қисмат...  
Князлар силласин  
Қуритган нифоқ,  
Сўнг ғаним қўлига  
Тутқазар имкон.  
Ўзаро низодан  
Ёв бўлгач оғоҳ —  
Фурсатни берарми  
Қўлдан ҳеч қачон?!  
Оға-инига: «Бу —  
Меники!» деса,  
Ини — оғага: «Йўқ,  
Меники!» деса,  
Барака қоларми  
Жанжаллик уйда,  
Каттаси кичик деб,  
Бир-бирин эзса!  
Бурунги замонлар,  
Қайларда қолдинг?  
Наҳот, ботирларнинг  
Энди йўқ шашти?  
Бари яксон бўлди,  
Бари йўқолди,  
Қумонлар сурмоқда  
Ғалаба гаштин!..

\* \* \*

Святослав туш кўрар,  
Тушлари алғоқ —  
Киев довонида  
Нотинч тўлғанар.  
Икки нордек ўғли,  
Эмишки, шундоқ —



Уни ўриндиқда  
Қорага ўрар.  
Ҳамда май тутармиш,  
Зангори ранг май.  
Тахир эрман ҳиди.  
Анқирмиш ундан,  
Уғиллар оғзига  
Қуяр аямай,  
Ота кўнгли озар  
Зангор заққумдан.  
Қумонларнинг бўм-бўш  
Садоғин қоқиб,  
Кўксига тўкармиш  
Олмосу гавҳар.  
Тинимсиз олқишлар  
Айтишар эмиш,  
Том эса осилиб,  
Солармиш хатар.  
Қарғалар қағиллаб  
Солармиш шовқин,  
Учиб-қўнар эмиш  
Силташиб қанот.  
Бутун борлиғида  
Мудҳиш бир ваҳм,  
Бутун вужудида  
Бир соқов фарёд.  
Плесне кентининг  
Юксак девори —  
Устида қузғунлар  
Тиним билмади.  
Олисан князнинг  
Маскани сари,  
Чарх уриб учишни  
Канда қилмади.  
Кисани ўрмони  
Кўзғалиб қолди,  
Босиб бораверди  
Денгизга қараб.  
Гулдиради ўрмон,  
Қасирға солди,  
Даҳшат изғийверди  
Борлиқни қамраб...

\* \* \*

Тушга таъбир сўрар  
Князь уйғониб,  
Юраги алағда,  
Сир бермас аммо.  
Боярлар сукутда,  
Ўйларга толиб —  
Оғир хўрсиниқдай  
Қилурлар имдод:  
«Хаёлинг чулғамиш  
Қайғули армон,  
Тақдир юз ўгириб,  
Тарк этмиш омад.  
Икки лочин учиб  
Олис юрт томон  
Этмоқ истадилар Тьму —

тароканни забт.  
Аммо қанотлари  
Қирқилди ноғоҳ,  
Узоққа бормасдан,  
Тойдилар ҳолдан.  
Гирдларини зулмат  
Қоплади мутлақ,  
Умидин уздилар  
Эрку иқболдан...  
...Святослав ва Олег —  
Ёрқин кўш ҳилол,  
Қоял дарёсига  
Чўкди-да кетди.  
Фарқ бўлди умидинг,  
Князь, қулоқ сол,  
Улар ҳалокати  
Евга қўл келди.  
Энди Қумонлар ҳам  
Ошгуси ҳаддан,  
Бостириб келурлар  
Қуюндек даштдан.  
Сиртлондек изғишар  
Бизнинг ёқларда,  
Энди эл қолмагай  
Улардан омон.  
Оҳу воҳлар учар  
Қон дудоқлардан,  
Евуз руҳ — ҳукмрон,  
Қасос — ҳукмрон.  
Шоён эркимизни  
Қилмоқда қувғин,  
Тизгинин йўқотган  
Саркаш гирдибод.  
Ночор бошлар узра  
Чарх урар қузғун,  
Тушинг маъниси шу,  
Таъбири — фарёд...»  
Святослав уҳ тортди,  
Кўзғалди оғир,  
Сўз очди. Бебаҳо —  
Сўзлари аммо —  
Кўзлари аламли  
Ёшлардан басир,  
Қаддин букмиш бошга —  
Тушган бу савдо...

...Кекса лочин ётар  
Уясида жим,  
Ожизлик эмас бу,  
Абгорлик эмас.  
Одатий ҳолатдир  
Тилламоқ учун,  
Парвозга шайланиб  
Оладир нафас.  
Яна юксак бўлгай  
Унинг парвози,  
Қушларга бешафқат  
Солгайдир чангал.  
Чағир кўзларида  
Ёнар қасоси;

Ғаним тўдаларни  
Кўргани маҳал,  
Оёғости қилиб  
Қўймас ошёнин,  
Ҳимоя қилмоққа  
Қудрати етар.  
Ишга солгусидир  
Барча имконин,  
Фақат тадбиркорлик  
Мақсадга элтар...  
Римов қалъасидан  
Келар дод саси,  
Экри қиличлардан  
Сайрайди охлар.  
Олис Переяславл  
Шаҳрида эса  
Князь Владимир  
Ярасин боғлар...

\* \* \*

...Ногоҳ тун бағрида  
Тўлғанар денгиз,  
Пўртана чимранар,  
Кўпиклар сочар.  
Гирдоб айланади —  
Ваҳшатли чексиз —  
Туманлар йўлини  
Сахрога очар.  
Қумонлар тангрисин  
Кенгдир даргоҳи,  
Саҳройи тош санам —  
Шафқатларга мўл.  
Денгизга қаҳрини  
Тўкиб тун чоғи,  
Игорга кўрсатар  
Уйи томон йўл.  
Банди йўларини  
Тарк этмас мудом,  
Олтин пойтахти-ю  
Она тупроғи.  
Ухлаб-ухлаёлмас,  
Ололмас ором,  
Уртайди мағлублик,  
Жудолик доғи.  
Хаёлан чамалаб  
Кўрар саҳрони,  
Катта Дондан тоқи,  
Кичик Дон қадар.  
Ҳасрат дуди эмган  
Еру самони,  
Дардли ўй остида  
Этади сафар...  
...Овлур ҳуштак чалиб  
Чорлайди отни,  
Ғафлатда қолади  
Соқчилар тунда.  
Бандига эрк берар  
Ғолибнинг марди,  
Ер титраб, майсалар  
Бош эгар шундан.

Ўзини уради —  
Қамишзор ора,  
Ўтовдан отилиб  
Мисли оқсувсар —  
Игорнинг жонига  
Тун кирар оро,  
Ботирга тун ваҳми  
Сололмас хатар.  
Ёввойи ўрдакдай  
Сув узра сузиб,  
Интиқиб, энтиқиб  
Отади қулоч.  
Сўнгсиз дашт тупроғи  
Қолади тўзғиб,  
Чимраниб учса от —  
Тақдирга тилмоч...

\* \* \*

...Тортар йўл танобин  
Тунни титратиб,  
Қумон чўлларида  
Гзак ва Кончак.  
Булутдан-булутга  
Арғамчи отиб,  
Фақат, ой бепарво  
Учар беланчак.  
Ҳатто қарғалар ҳам  
Чиқармайди сас...  
Ҳатто зоғчалар ҳам  
Чиқармайди сас...  
Ҳатто зағизғонлар  
Чиқармайди сас...


\* \* \*

Сўз ташлайди Гзак  
Кончакка қараб,  
Оти тизгинини  
Силтаркан ҳавол:  
«Қарчиғай учса гар  
Уяси тараф —  
Жўжасин отмоқ шарт,  
Бўлмағай увол!»  
Кончак жавоб қилар —  
Бош чайқар нохуш:  
«Учса гар қарчиғай  
Уяси томон —  
Жўжасин лозимдир  
Қилмоқ банд-бехуш,  
Йўлига сулув қиз —  
Ҳуснин этиб дом!»


Гзак нигоҳида  
Қораяр хаёл.  
Кончакка кўз қирин  
Қўяди ташлаб:  
«Бошинга тушмаган  
Сенинг, эҳтимол,  
Ватан соғинчи не,

Балки билмассан...  
 Сулув қиз ҳуснига  
 Боғланса агар —  
 Қарчиғай боласи  
 Оларда-кетар.  
 Сўнгра кўпаярлар  
 Жўжалар очиб,  
 Чексиз эрк бағрида  
 Қоқарлар қанот.  
 Охир ўз бошинга  
 Балолар очиб,  
 Қумон дашти сари  
 Учиб келар бот!..»  
 Ярослав даврининг  
 Куйчиси Боян,

Доноларча ҳикмат  
 Этмишди ирод:  
 «Елкасиз қолса гар —  
 Бош топмас омон,  
 Бошсиз елканинг ҳам  
 Аҳволига дод!»  
 Игорсиз улуғ Рус —  
 Ерлари ғариб,  
 Фақат она юрtda  
 Қуёшдир қуёш.  
 Олам равшан тортар  
 Кўкдан нур ёғиб,  
 Игорь қайтаётир,  
 Игорь — жафокаш...  
 Ёдгор ОБИДОВ таржимаси




*Рассом альбомидан*



Рассом Д. СИНИЦКИЙ


Ёқубжон Шукуровнинг  
 «Қасос» романига иш-  
 ланган суратлар.



Ўзбек халқининг асл фарзанди Усмон Юсупов бутун умрини халқ ишига бағишлади, партия қаерга юбормасин, қандай топшириқ бермасин виждонан бажарди. Босган изи боғ ва бўстон бўлган бу жўшқин қалб эгасининг номи ҳамиша кишилар қалбида яшайди.

Р. Альбековнинг ушбу фоторепродукцияларида Усмон Юсупов ҳаётидан айрим лавҳалар тасвирланган.





Турғун Жамолов

## ЖҮШҚИН УМР ЛАҲЗАЛАР

«Менинг орзум Мирзачўлни, янги ерларни ўзлаштириш эди. Мен буларни ўз қўлим билан амалга ошириш бахтига муяссар бўлдим».

Усмон Юсупов

— Совхозимизга Усмон Юсупов директор бўлиб келаётган эмиш. Бу хабар гўё радиотўлқинда акс-садо бергандек, 2-«Боёвут» совхозининг ҳар бир хонадонига кириб борди...

1955 йилнинг февраль ойи эди ўшанда. Авжи қиш. Пана жойларда қор уюми. Йўллар лой. Уйдим-чуқурларда қўлмак. Осмон бадқовоқ. Қор бўлиб қормас, ёмғир бўлиб ёмғир эмас, гўё толқон қилинган дўл парчалари ерга тушиб, этни жунжиқтиради. Шунга қарамай, бу ерга тўпланган одамлар уйларига кетишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Улар ҳаяжонли ва қувончли воқеани орзиқиб кутар эдилар.

— Ана келяптилар!

«МАЗ» яқинлашган сари одамларнинг ҳаяжони тобора орта борди. Ҳа, Усмон Юсупов шу машинада эди. Бошида кўк рангли шапка, эгнида қундуз ёқа пальто, кузовда тик турганча, икки қўли билан кабина четини ушлаб келарди.

Машина сирғаниб-силтаниб одамлар ёнига келиб тўхтади.

— Салом ўртоқлар!— деди Усмон ота.

Тўладан келган, шу жиҳати уни сал думалоқ қилиб кўрсатарди. Аслида тик қоматли Усмон Юсупов, кутилмаган шиддат билан, кузов борти устидан бир оёғини ошириб машина баллонига қўйди. Шу пайт унга кимдир қўлини узатди.

— Раҳмат, болам,— миннатдорчилик билдирди Усмон ота.

Шундан сўнг Усмон Юсупов халойиққа қараб мурожаат қилди:

— Азизлар, бу ерга нега тўпланганларингизни билолмай турибман?

— Сизни кутиб олишга келдик, Усмон ота,— деди кимдир.

— Раҳмат, миннатдорман,— босиқ овозда деди у.— Ортиқча овора бўлибсизлар-да. Ҳа, майли. Энди гап бундоқ ўртоқлар. Партия мени сизлар билан бирга ишлашга юборди. Урғатиб-ўрганиб, бирга-бирга ишламоқчиман.

— Жуда яхши, ғоят соз! Раҳмат сизга!

— Ҳали «раҳмат»га яраша иш қилганимча йўқ.

— Совхозимизга келишингизни ўзи катта гап, бошимиз осмонга етди, Усмон ота!

— Осмонга дейсизми, энди сал пастга тушишга тўғри келади,— ўзига ярашиқли табассум билан жавоб берди Усмон Юсупов.— Мен совхозингизни биламан, бу ерда қаттиқ ишлаш керак. Тузатиш эмас, деярли ҳамма нарсани қайтадан бошлаш зарур, азизларим! Қани, энди идорага борайлик, ўша ерда бафуржа гаплашамиз...

Шундай қилиб, Усмон Юсуповнинг директорлик фаолияти бошланди. Бир сўз билан айтганда, у Мирзачўлда ишлади. Уша йили совхоз далаларини шўр босиб кетган эди. 40 фоиз ер ўртача, 60 фоиз ер юқори даражада шўрланган. Устига-устак майдон паст-баланд, ботқоқлик. Бекобод шамоли хуруж билан ўтар, ердаги намни сўпуриб кетарди. Сал бепарволик қилинса — чигитни ерда нам бор чоғида экиб олинмаса, унинг бир текис униб чиқиши амримаҳол эди. Бунинг устига шу

палладаги аҳвол... Совхозда ишловчи ва яшовчилар учун зарур шарт-шароитларнинг йўқлиги ҳам ҳўжаликнинг иқтисодий жиҳатдан чўкиб қолишига олиб келганди. Ҳўжаликда яшовчиларнинг атиги ўн етти фоизи уй-жой билан таъминланган. Қолганлари электр чироғи бўлмаган ертўлалардами, қамиш капалардами истиқомат қилишарди. Йўллар, эҳ, бу йўллар нақадар ночор эди, ёзда чанг-тўзондан кўз очиб бўлмасди, қишда эса, сал муболага билан айтганда, айрим жойлардан техника уёқда турсин, одамнинг ўзини трактор билан тортиб чиқаришга тўғри келарди. Куздан то ёзга қадар тиззагача лой. Совхоз одамлари орасида юртга нафимиз тегсин, деганлардан ташқари, у-бу нарса орттириш илинжида юрганлар ҳам йўқ эмасди...

Усмон Юсупов келган кунидеъқ совхоз кўчаларини кезди, хонадонларга кирди. Одамлар билан самимий мулоқотда бўлди. Уларнинг арз-додларини, орзу-истакларини эшитди. Икки-уч кун ўтар-ўтмас шундай хулосага келди: «Совхозда аҳвол ўйлаганим ва кутганимдан ҳам мушкулроқ экан. Ҳамма нарсани қайтадан қуриш кўлимдан келармиким?!— Бу иккиланишни бошқа дадил фикрлар тўзғитиб юборди, сен келажак ҳақида фикр юрит. Совхоз истиқболи эса нурли, файзли. Буюк келажак учун ўзингда куч топ. Ўзингни сира аяма. Биласанми, чўл қувгани келган бу одамларнинг бахтли бўлишга ҳақлари бор, ҳа, бор. Сен шундайин олижаноб ишга бош-қош бўл».

Шундай кунларнинг бирида у ўйдим-чуқур кўчадан кирза этикда зўрға юриб борар экан, эшак минган бир мўйсафид рўпарасидан чиқиб қолди. Мўйсафид салом бериб, янги директорнинг хаёлини бўлиб юборди. Негадир бу чолнинг овози танишга ўхшарди.

— Мен сизни қаердадир кўрганга ўхшайман, отахон,— деди Юсупов унга тикилиб,— кўзимга иссиқ кўриняпсиз?

— Сиз Усмон Юсуповсиз, шундайми?

— Ҳа!

— Яхшилаб ўйланг, эсингизга тушади,— деди мўйсафид самимий жилмайиб.

— Сангирполвон эмасмисан?!

— Худди ўзи...

— Эшакдан туш, қайта кўришайлик, қара-я, қанча йиллар ўтибди!

— Тушолмайман, бу оёқ ўлгур...

— Оёғинг тузалмадими?

— Ўшанда қаттиқ совуқ урган экан.

— Айтмовдимми. Одам бир каттанинг, бир кичикнинг гапига кириши керак эди-да. Шундай дегин... Оёқ дегин...

Ҳар иккаласи бир-бирларига тикилиб қолишди. Хаёл оти уларни ўтмишга етаклади.

...Улуғ Ватан уруши йиллари эди. Фарҳод ГЭСи қурилиши давом этарди. Канал қазиларди. Бир куни канал бошида йиғилиш бўлди. Йиғилишда республика Компартияси Марказкоми секретари Усмон Юсупов ҳам иштирок этди.

— Мен,— деди сўз олган Сангирполвон Эралиев,— каналда ишлаётган ҳар бир кишини яккама-якка мусобақага чақираман.

— Бу полвонни қувватлаш керак,— деди Юсупов хурсанд бўлиб.— Қани ўртоқлар, бир қарсақ чалиб юборинглар.

Ваъда вафоси билан дегандек, Сангирполвон қишу ёз, куну тун демай ишлади. Кундуз куни тушликда сал мизғиб оларди. Катта шоли-қопда 2 центнеру 15 кило тупроқни кўтариб, йигирма метр баландликка чиқариб тўккан полвон шу киши эди!

У оёғини совуқ ургангани ҳам сезмай қолибди. (Тизза баробар қор эди ўшанда.) Усмон Юсупов бир куни «Нега оқсаяпсиз?» деди. «Оёғимни совуқ урганга ўхшайди»,— жавоб берди Полвон. «Касалхонага боринг». «Мен кўпчиликни мусобақага чақирган эдим. Енгилсам, бош кўтаролмай қоламан. Улигим каналнинг ичидан чиқса ҳам майли, лекин касалхонага бормайман». «Бекор қиласиз, бундай ўжарлик сизга қимматга тушиши мумкин, дўхтирга албатта учрашинг...»

— Ўшанда дўхтирга учрашмаган экансан-да?

— Вақт бўлмаганди.

— Ҳўш, ҳозир тирикчилик қалай, бирон нарсдан камчилик йўқми?

Сангирполвон нима дейишини билмай қолди. Шукрона айтса ёлғон гапирган бўлади. Уй-жойнинг тайини йўқ, бола-чақаси билан қапада ётиб юрибди. Камчилигим бор деса... Умр бўйи сира шикоят қилмаган, қолаверса қийинчиликка доим бардош берган полвонга бу «арз-дод» ярашмайди. Полвоннинг жим қолишидан директор аҳволни фаҳмлади.

Усмон Юсупов полвонни гоҳ «сен», гоҳ «сиз»ларди. Полвон бунга эътибор ҳам бермасди.

— Ёшимиз тенг бўлса керак, «сен», «сиз» деб гапирворяпман.

— Мени биласиз-ку...

— Ҳозир йўл бўлсин, полвон?

— Уйга.

— Ҳайданг, биз ҳам орқангиздан юраимиз. Уйингизни бир зиёрат қилайлик.

Полвон яшаб турган уйни кўрган Юсуповнинг ҳафсаласи пир бўлди, жаҳли чиқди. Лекин буни Полвонга билдирмади. Идорага қайтиб келиб, совхоз қурилиш бригадаси бошлиғини чақирди. Унга Сангирполвонга уй қуришда ёрдамлашишни бугундан бошлаш ҳақида топшириқ берди.

— Ахир, ҳамма иш кетмон билан бажарилган бир пайтда бу одам бизга жуда керак бўлганди. У бир норма ўрнига ўн олти норма бажариб, инсон кудратининг нималарга қодирлигини кўрсатган чинакам қаҳрамон эди. Энди ҳеч кимга керак бўлмай қолдими?! Йўқ, бунақаси кетмайди, бу инсофдан эмас...

Усмон Юсупов бу гапни қурилиш бригадаси бошлиғигами, ўзига айтяптими, маълум эмасди.

\* \* \*

— Биз — боғбон халқмиз. Боғбонлик бизга аждодларимиздан мерос.

Усмон Юсуповнинг дилидан ҳам, тилидан ҳам шу гап аримасди. У ҳар гал боғлар, гулзорлар ҳақида гапирибгина қолмай, машҳур боғбон Ризамат отани чўлга таклиф этди. Ота Боёвут районидаги Карл Маркс номли (ҳозирги Ленин номли) колхозда, Усмон Юсупов эса 2-«Боёвут» совхозида боғлар яратишга киришдилар.

Усмон Юсуповнинг боққа ишқибозлигини бутун республика биларди. Республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретарлиги чоғларида хўжаликларга борганда раҳбарлар билан суҳбати: «Қанча гектар боғингиз бор?» деган савол билан бошланарди. Дарахтларнинг хосияти ҳақида тўлиб-тошиб гапирар, машҳур боғбонлар, шу жумладан республика президенти Йўлдош ота Охунбобоев ҳаётидан мароқли ҳикоялар келтирарди.

Бир куни Йўлдош ота водийга сафар чоғида йўл устидаги бир чойхонага кирибди. Чойхоначидан «Райижроком раиси ким?» деб сўрабди. Чойхоначи уйга толиб, «билмайман» маъносида елка қисибди. Шунда ота ёнғоқ тарафга қўл чўзиб: «Бу ёнғоқни ким эккан?» деб сўрабди. «Бундан ўттиз йил бурун бу ёнғоқни палончи эккан эди», деб жавоб қилибди чойхоначи...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, шахсий пенсионер Ҳамро ака билан илгари ҳам суҳбатда бўлган эдик. У бир инсон умрига кўплик қиладиган ғамташвишли кунларни бошидан кечирган. Болалиги Бухорода ўтди. Уша ердан жангга кетди. Финляндиянинг шимолий чегараларидан тортиб Карпат тоғигача бўлган жанг майдонларининг тирик гувоҳидир. Буюк ғалабадан сўнг чўлга отланди. 1956 йилнинг август ойида 2-«Боёвут» совхозидagi ўрта мактабга директор этиб тайинланди.

Директорлик вазифасига келган биринчи кунларини Ҳамро Жумаев шундай эслайди:

— Совхоз партия комитетининг секретари Ҳошим Мирбобоевга йўлиқдим. У совхоз директори Усмон Юсупов билан учрашиш лозимлигини айтди. Шунда мени қаттиқ ҳаяжон босди. Партком секретари билан бирга директор кабинетига қандай кириб келганимни билмайман. Усмон Юсупов оғир қафтларини тиззасига кўйиб, бир киши билан суҳбатлашиб ўтирарди...

— Қаерликсан?— сўради Усмон Юсупов.

— Бухороданман, Қоракўл районидан.

— Жуда яхши. Худойқул Раҳматовни биларсан?

— Ҳа, танийман.

— Яхши раис, ташкилотчи, пахта устаси. Раисликдан олишибди, деб эшитдим. Уни ҳам чўлга бошлаб келмайсанми? Яхши иш бўларди. Ушанақа одамлар жуда керак-да!

— Уриниб кўраман,— деди Ҳамро Жумаев.

Усмон Юсупов партком секретарига мурожаат қилди.

— Бу кишига бошпака топиб бер. Ҳар қандай шароитда ҳам ўқитувчига уй топиб беришимиз керак. Ўқитувчи болаларни тарбиялайди. Болалар эса бизнинг келажагимиз...

Ҳамро Жумаев бир воқеани сира унутмайди. Йиғим-терим палласи эди. Усмон Юсупов яшаётган уй (бу уй ҳозир совхознинг шуҳрат музейи) этагида пахтазор ястаниб ётарди. Идора ҳовлиси сим билан ўралган. Пайкалда мактаб ўқувчилари пахта терар эдилар. Усмон Юсупов ўқувчиларни кўриб, улар тарафга оҳиста қадам ташлаб борди. Сим тўрни кўтариб: «Ҳорманглар, болаларим!» деди. Кейин ўқитувчиларга илтимос қилди: «Буёққа бирпас ўтинглар». Мактаб директори

Жумаев ва ўқитувчилар пайкалдан ҳовлига ўтишди. «Юля, чой олиб кел»,— овоз берди Юсупов.

Юля Леонидовна дастурхон ёзиб, чой, асал, колбаса, нон олиб келди.

— Қани, марҳамат, олиб ўтиринглар,— дея Усмон Юсупов ўзи чой куйди. Гапдан-гап чиқиб, Ҳамро Жумаевдан сўраб қолди:

— Уйингда огородинг борми?

— Бор, Усмон ота.

— Нечта дарахт эккансан?

Ҳамро Жумаев мулзам бўлиб, индамай қолди.

— Жим бўлишингга қараганда бирорта дарахт ўтқазмагансан. Биласанми, кимки дарахт экса, уни фарзандидан кам кўрмайди. Ким ўз фарзандини ташлаб кетади дейсан?!

Бу гап Ҳамро Жумаевга қаттиқ таъсир қилди. Унинг баъзан ҳардамхаёл бўлиб юришини Юсупов сезган эди. Шу гап сабаб бўлиб, Ҳамро Жумаев томорқа қилди, боғ ва тоқзорлар яратди. Қўшнилари эса ундан ўрнак олиб, шўр босган ерларни жаннатмақон бир бўстонга айлантирдилар.

1960 йилнинг айна пахта йиғим-терим палласи. Ўқувчилар ҳам, мактаб ўқитувчиси Райҳоной Жалилова ҳам қизғин иш билан банд. Райҳонойнинг юрагида бир олам қувонч. Кеча ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди, у КПСС аъзолигига қабул қилинди. Коммунистларнинг йиғилишида сўз олган совхоз директори Усмон Юсупов:

— Совхозимизда Райҳонлар, Райҳонийлар кўпаяверсин,— дея гап бошлади.— Болалар жамиятимизнинг энг имтиёзли табақаси. Шунинг учун ҳам ҳамма яхши нарсалар болаларники деймиз. Чунки улар бизнинг идеалларимиз учун курашадилар. Болаларнинг қалбини пок тутиш ва бойитиш кўп жиҳатдан ўқитувчиларга боғлиқ. Ўқитувчи ўзининг маънавий қиёфаси, ички ва ташқи дунёси билан ўқувчига намуна бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда ўқитувчи, бу — устоз. Устоз бўлиш осон эмас...

Райҳоной Жалилова ўқувчи қизлар билан ёнма-ён пахта терар экан, Усмон Юсуповнинг кечаги айтган гаплари қулоғи остида қайта жарангларди.

— Ҳа,— деди у ўз-ўзига,— устоз бўлиш осон эмас.

Шу пайт пахта тераётган болаларнинг «директор келдилар», «Ота келдилар» деган қий-чувлари ҳаммаёқни тутиб кетди. «Газик» машина хирмон олдига келиб тўхтади. Ундан Усмон Юсупов тушди. Хирмон бошидаги бригадир ва табелчи билан бир нималар ҳақида гаплашиб, сўнг теримчи қизлар томон юрди.

— Ҳорманглар, болаларим!

— Бор бўлинг, отажон!

— Қандайсизлар?

— Яхшимиз,— дейишди теримчилар.

Усмон Юсупов соатига қаради.

— Ия, тушлик ҳам бўлиб қолибди-ку, хўш қизларим, ўзларинг ёпган тандир нонларингдан борми? Баракалла, қани олинглар, бирга тушлик қиламиз. Райҳоной, сиз ҳам келинг, қизларимиз ҳозир бизни меҳмон қилишади...

Қизлар чувиллашиб камзул, рўмол, тугунлари қўйилган марза томон югуришди. Тезда дастурхон ёзилиб, нон, мева, помидорлар, тухум, асал — ким нима топса олиб келдилар. Бу тушлик ҳам иштироқ этганлар ёдида бир умр сақланиб қолди.

Ҳа, Усмон Юсупов болаларни жуда-жуда севар эди. Совхозга келган биринчи йилидаёқ Ховос райони территориясига қарашли Баландчақир қишлоғида — тоғ ёнбағрида пионер лагери қурдирди. Лагернинг ёнида санаторий ҳам очилди. Иш энг қизғин паллада ҳам чарчаган, толиққан бирор ишчини кўрса: «Путёвкани ол, бир ҳафтага санаторийга бориб кел, кейин икки карра яхшироқ ишлайсан», дер эди.

Йиғим-терим палласи эди. 1958 йилнинг октябрь охирларида уст-устига ёнгарчилик бўлиб терим суръатини тушириб юборди. Ушанда Боёвут райони республикада орқа ўринларда судралиб борарди. 2-«Боёвут» совхозини ҳам қийинчилик гирдобига тушиб қолганди. Қўл кучи кам, бунинг устига лойгарчилик, қолаверса ҳосилнинг чўғи ҳам етарли эмас.

Уша кезлари совхоз директори Усмон Юсупов ич-ичидан эзилиб юрарди. Одамни ўтдан, сувдан қандайдир бир мўъжиза кутқаради. Пахтачиликда қандай мўъжиза бўлиши мумкин?! Фақат ғўзачилик истиқболини кўра билиш керак. Бу истиқболни Усмон Юсупов шундай чамалар эди: «Тор қаторлаб чигит экиш — Мирзачўл шароитида кўзланган натижани бермайди. Бу усул натижаси деҳқонни ҳеч қачон қувонтирмайди...»

Шу кунларда тўсатдан райкомдан комиссия келди.



Комиссия совхоз раҳбарларининг зиммасига анча-мунча айб қўйиб, масалани райком бюроси мажлисига ҳавола этди.

Райком секретари 2-«Боёвут» совхози адресига аччиқ гапларни айтиб, бош агрономга юзланди:

— Қани, ўртоқ, минбарга чиқиб жавоб беринг-чи, ишлар нега бу даражада хуржун? Қачонгача бизга кишан бўласизлар?!

Бош агроном ўрнидан кўзғалган эди, Усмон Юсупов унинг елкасига қўлини ташлаб, ўрнидан турди ва залда ўтирганларга қарата шундай деди:

— Ўртоқлар, партия бизнинг хатоларимизни ҳамиша кўрсатиб келган. Биз хатоларни тан олишимиз ва танқиддан тўғри хулоса чиқаришимиз керак. Бу — бизнинг партиявий бурчимиз...

Шу пайт минбарда ўтирганлардан бири Усмон Юсуповнинг гапини бўлди.

— Унда айтинг-чи, ўртоқ Юсупов, Андижон области бир кунда неча фоиз пахта беряпти-ю, сизлар қанча пахта топширяпсизлар?

— Сизга очиғини айтсам,— дангал жавоб берди Усмон ота,— Андижон области бир киши ҳисобига 1 тонна пахта беради, биз эса бир киши ҳисобига 12 тонна пахта топширамыз. Андижонда одамлар шинам уйларда яшаб келмоқдалар, қулай шароитда ишламоқдалар. Андижон областида йўллар теп-текис, асфальтланган, бизнинг техникалар умри эса лойга ботиб ўтяпти. Бу — сизнинг саволингизга жавобим,— дея Усмон Юсупов залдагиларга қараб сўзида давом этди,— партия бизни иш учун танқид қилади, танқидга қулоқ солиш ва ҳатони тузатиш бизнинг виждон ишимиздир. Биз камчиликларимизни бартараф этишга қодирмыз. Бу чўлда мард ўғлонлар кўп. Улар тоғни толқон қила оладилар. Ҳар бир бригадиримиз бўлимни бошқара оладиган, бўлим бошқарувчиларимиз эса бир совхозга моҳирона раҳбарлик қиладиган кишилардир. Чунки улар қийинчиликлардан заррача кўрқмай ишляптилар. Улар бу чўлнинг истиқболига қаттиқ ишонадилар. Чўл албатта обод ва кўркем бўлади...


\* \* \*

Усмон Юсупов ҳақидаги хотираларга бефарқ қараб бўлмайди. Унинг Мирзачўлда қолдирган бебаҳо ишларига завқ-шавқ, ғурур-ифтихор билан тикиласан киши. Бундай инсонларнинг умри қуёшдай гап.

Руцкий номли совхоз марказида Усмон ота хотираси учун мрамор лавҳа ўрнатилган. Унда шундай ёзув бор: «1955—1962 йиллар». Шу йиллар давомида Усмон Юсупов бу совхозга директорлик қилган.

Ҳар бир авлод ўзидан бир ёдгорлик қолдиради. Усмон Юсуповлар авлодидан ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишдек олижаноб фазилатлар бизга мерос. Бу авлод Улуғ Ватан уруши азоб-уқубатларини бошидан ўтказди. Чўлларни ўзлаштиришнинг мураккаб ва қийин жараёнлари ҳам шу авлод қисматига тўғри келди...

Бугунги кунда чўлда муаммолар кўп. Пахта етиштиришда комплекс механизацияни жорий этиш, экин экилавериш мадордан кетган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, чўлни фақат пахта макони деб билмай, боғ-роғларни, тоқзорларни тинимсиз кенгайтиравериш ҳам катта авлодга хос фазилат. Булар — биз учун муқаддас топшириқ. Уларни шараф билан бажармоғимиз лозим.



МУСА ЖАЛИЛ  
ТУҒИЛГАН КУННИНГ  
90 ЙИЛЛИГИГА

Муса Жалил

\* \* \*

Жасур бўлгин, дўстим, сўнггига қадар,  
Ишон ўзинга.  
Мардона юраклар кўкракда жўшар,  
Қайтма изинга.  
Чуқур ўрган ўлим илмини,  
Даҳшатлими сен учун ўлим?  
Тўсгил қора истакларингнинг  
Идрокинга боргувчи йўлин.  
Қизиғи йўқ: юзинг қанақа,  
Моҳияти ёруғ бўлсин ул.  
Инсон бўлгил сўнгги дамгача,  
Қалби, юксак бўл.

## Озодлик

Уйку кўзларимни юмган чоғда ҳам,  
Чорлаган чоғда ҳам мени тонготар,  
Ҳаётимда недир туюлади кам,  
Нимадир жуда ҳам етмас мухтасар.

Кўлим, оёғим бор — бари гўё бут,  
Вужудим, жоним бор — ҳаммаси ҳозир.  
Фақат озодлик йўқ! Шунда ҳамма гап!  
Фақат тутқунликда яшамоқ оғир.

Қамоқда сўзинг ҳам қотиб қолганда,  
Вужудингда жон йўқ — олганлар уни.  
Нима қизиғи бор ахир, оламда  
Уликлигинг ва ё тириклигингнинг.

Оёқсиздай бўлсам, ундан не фойда,  
Оёғим бор, аммо юра олмасам.  
Қадам қўёлмасам майлим бор жойда,  
Бемалол қўшиғим айта олмасам.

Мен ота-онасиз ўсдим, шунда ҳам  
Ўзни ҳис қилмадим ғариб ва етим.  
Аммо ҳаммасидан юз бор муҳтарам  
Азиз диёримни йўқотиб қўйдим.

Душманлар юртида мен бир қул, тутқун,  
Ватансиз ва эрксиз — ғариб қисматим.  
Бари бир ёв учун исёнчиман мен,  
Бетонга қамалган менинг ҳаётим.

Эркинлигим менинг, эй олтин ёзуғ,  
Сен қуш каби учиб кетдинг мангуга.  
Олиб кетсанг эди мени, учар чоғ,  
Шунда бирдан ўлиб кетмадим нега?

Изҳор қилиб бўлмас барча аламни,  
Қайтмас озодлигим, барча дардини.  
Эрк қадрин билмасдим эркинликда мен,  
Тутқунликда билдим эркининг қадрини!

Зулмат қасрин яксон қилиб аланга,  
Агар мени бунда топсалар омон.  
Эрк, озодлик учун муқаддас жангга  
Қолган ҳаётимни бераман тамом.

Маъруф ЖАЛИЛ таржималари.

## ҚАҲРАМОН ШОИР ВА ҚАҲРАМОН ИНСОН

Муса Жалил номи мардлик ва жасорат тимсоли, Ватан ва халққа садоқат ҳамда фидойилик рамзи бўлиб қолган. Унинг номини эшитган заҳоти, ҳар бир киши иккиланмай матонатли шоирни эслайди. Ҳавас ва изтироб билан ўйлайди. Мардлик ва жасорат уфуриб турган, қатъий ишонч, муҳаббат ва нафрат билан туғилган жанговар шеърлари, бағри кенглиги, самимийлиги билан мафтун қилиб, муҳрланиб қоладиган ҳазил шеърлари [булар ҳам жанговар шеърлардан] уни яна ҳам дилларга яқин қилади.

Муса Жалилнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишган киши унинг иши билан сўзи бир эканлигига қаноат ҳосил қилади. Киши ҳаётида ҳар хил ҳолатлар бўлади, билиб ёки билмай туртинади, турли ҳаёлларга бориб, иккиланиб қолади. Муса Жалил бир гоёга, ўша гоё эса Муса Жалилга шу қадар сингишиб кетганки, уларни бир-бирисиз тасаввур қилиш қийин. Бу жасорат ва ҳалоллик гоёсидир.

«Мен ўлимдан қўрқмайман. Бу қуруқ гап эмас. Агар биз ўлимдан нафратланамиз десак, бу ҳақиқатан ҳам шундай. Жисмоний ўлимдан кейин халқ тушунчасидаги, хотирасидаги иккинчи ҳаёт бор. Агар, мен, тирик пайтимда бирор муҳим, ўлмас иш қилолган бўлсам, демак, бу билан ўзимга «иккинчи ҳаёт» ҳуқуқини яратганман. Яшашнинг маъноси шунда эмасми!»— деб ёзган экан шоир, 1942 йилда жангга кетиш олдидан хотини ва қизига.

Бу қадар пок ва иродали одамни фақат эртагу дostonлардаги афсонавий қаҳрамонларга қиёслаш мумкиндай туюлади, менга. Ҳар томонлама ибрат олишга арзийдиган тақдир. У шундай, тақлид қилса, ибрат олса арзигулик Инсон. Фақатгина Инсон эмас, шундай Шоир ҳамдир. Унинг тақдирида Қаҳрамон Шоир билан Қаҳрамон Инсон тушунчалари бирлашиб кетган.

Таржимон

# QWERTY YUIOP

1. Биринги асарингизнинг эълон қилиниши тарихини гапириб берсангиз.
2. Ёневосита ёзиш жараёни Сизда қай тарифқа кезади? Ўзодда „туртки“ деган тушунга бор. Масалан, Лев Толстой синиб ётган бутакўзни кўриши билан қалбда, шуғрида тўсатдан „чакмоқ чаккану“ сўзу биз яқини биладиган „Ҳажимурод“ деган аждойиб асарини ёзган экан. Сизнинг тажрибангизда ҳам шундай ҳолатлар бўлганми? Қайси асарингизда?
3. Қайси асарингиз ўзингиз узун айниқса қадрли? Қайси биридан кўнглингиз тўлмаган?
4. Ўзодда кимни устоз деб биласиз?
5. Ёзувчининг актив эражданлик позицияси деганда нималарни тушунасиз?
6. Ҳаётингиздаги энг бахтли дамлар қайсию энг бахтсиз кун қайси?
7. Гикаётган асарларингизнинг қайси камчилиги Сизни айниқса ташвишга солади? Ўз ижодингизда ҳам камчилик сезасизми?
8. Инсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз? Қандай қусурларни ёмон кўрасиз?
9. Ёдавзи журналистонлар „Фалон китобнинг фалон қаҳрамони ҳаётда борми ёки уни ёзувчи ишдан тўқиб чиқарганми?“— деб сўрашади. Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланишини ўз ижодингиздаги айрим мисоллар билан айтиб берсангиз.
10. Танқидга муносабатингиз? Ўзингиз танқидга бўлсангиз нима қилардингиз?
11. Ҳозир қандай асар устида ишляпсиз?

Ушбу сонда Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ҳамид **ГУЛОМ**, ёзувчи **Муроджон МАНСУРОВ** ва Хайридин **СУЛТОНОВ**нинг анкета саволларига жавобларини ўқийсиз.

## Ҳамид Ғулом

1. Журналимиз редакциясининг саволларига жавобни «Кенгай, лагерь!» сарлавҳали биринчи шеъримни айнан кўчириш ва бунга алоқадор баъзи фикрларимни баён қилиш билан бошламоқчиман.

Шафақ кумуш тоғдан ўпич тилайди,  
Кўёш кўкдан томошага мўралар.  
Ел гулзорнинг ол қалбини силайди,  
Табиатда юмшоқ бир куй таралар.

Ойна каби оппоқ тиниқ чашмадан  
Ювинишиб, баданлар порлар ойдек.  
Кудуратсиз соф ҳаводан ташналар —  
Қонар, кўкрак кўтарилар Олойдек.

Кун нуридан баҳра олар асаблар,  
Ҳа, табиат — меҳр тўла она қалби!  
Горн янграр, турнадек тизиб сафлар,  
Ёшлар кулар тиниқ юлдузлар каби.

Кенгай, соғ тарбия ўчоғи — лагерь!  
Навқирон авлодлар севган макони.  
Бизники бу замон, бу даврон, бу ер,  
Кенгай бахт маскани, шодлик уммони!

1934 йил, Ёнғоқзор.

«Шарқ юлдузи» журналининг 1936 йил 2-сонида босилган бу шеърни ёзганимда мен ўн беш ёшда бўлиб, Урта Осиё Индустиал рабфаки (Ишчилар факультети)нинг иккинчи курсида ўқиб юрардим. Менинг шеър ёзабошлашимга адабиёт ўқитувчимиз Субутой Долимов сабабчи бўлди. Уша вақтда, яъни бундан 52 йил муқаддам оташнафас, сўзи ўткир, дарслари шавқ-завққа тўла ёш муаллим ўз фанидан дарс бериш билан кифояланмай, адабиёт тўғарагига раҳбарлик қилар, деворий газета чиқарар, истеъдодли ўспиринларни ижодга рағбатлантирар эди.

Индустиал рабфак Индустиал (ҳозирги Политехника) институтининг студентлар тайёрловчи базаси бўлиб, бизнинг группамиз уни 1935 йилда тасомлаб, институтга узатилди. Биз техника фанлари бўйича олий маълумот олиш билан тун-кун машғул бўлсак ҳам, лекин адабиёт ўқитувчимизнинг баъзи бирларимиз қалбига солиб қўйган чўғи сўнмади, аксинча йиллар оша оловга, алангага айланди.

Менга ҳар қачон биринчи асарим, биринчи шеърларим ҳақида савол берилганда кўз олдимда Субутой аканинг мўтабар сиймоси жонланади. Азиз муаллимимиз кейинчалик В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетидеда узоқ муддат давомида доцент сифатида адабиётдан дарс берди, хизмат курсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлди ва адабиётга биздан кейин кириб келган бир неча авлодга устозлик қилди.

«Кенгай, лагерь!» сарлавҳали илк шеърим тагида ёзилган вақти билан бирга ёзилган жойи — «Ёнғоқзор» ҳам қайд этилган. Бу жой Тошкент яқинидаги соясалқин оромгоҳ бўлиб, у ерга пионер лагери жойлашган эди. Мен ўша йили ёзги таътил ойларида лагерда пионер вожатийси бўлиб ишлаганман.

Хуллас, ўша вақтда адабиёт муаллимим сабабчи бўлиб, ишим, касбим, ҳаётим, тақдирим бутунлай ўзгариб кетди. Мен Политехника институтининг Тоғ факультетида ўқиб юрган йилларим шеърларим, таржималарим билан вақтли матбуотда тез-тез кўриниб турдим, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон каби устозлар назарига тушдим ва институтнинг тўртинчи курсидан кетиб, Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти Рус тили ва адабиёти факультетига кирдим.

2. «Бевосита ёзиш жараёни сизда қай тарзда кечади?» деган савол, айниқса «туртки» деган тушунчани айрим конкрет асарлар мисолида изоҳлаш истаги адабиётда ярим асрдан буён баҳоли-қудрат заҳмат чекиб келаётган менга тенгдош ёзувчилар хотирасида жуда кўп воқеаларни жонлантириши турган гап.

Биз ҳар биримиз ўз ижодимиздан мисоллар келтириб, у ёки бу асарни ёзишимизга сабаб бўлган прототиплар ҳақида сўзлаб беришимиз мумкин. Мен бу ерда «туртки» — урта прототип ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

Булардан биринчиси — «Машғал»нинг ёзилиш тарихига доир. Ёзишимга

ўз онамининг ҳаёти «туртки» бўлди. Роман бу муборак зотга — онам Қория Темир қизига бағишланганлиги ўқувчиларга унинг эпиграфидан маълум.

Отам 1921 йилда вафот этгач, биз, икки норасида ўғил — мен ва Саид онамизнинг бағрида қолдик. Онамиз биринчи ўзбек аёллари қаторида паранжичимматини ўтга отди, «Қизил тонг» фабрикасида мотористка бўлди, муаллималик қилди. Эсингизда бўлса: «Машъал» романида Ботирали ҳалок бўлгач, унинг сеvimли хотини Эъзозхон икки ёш боласи билан қолади-да, инқилобчи-большевик эрининг ишини давом эттиради.

Эъзозхон — онам Қория Темир қизининг умумлаштирилган бадий тимсоли. «Машъал»даги турли синф ва тоифаларга мансуб бир қанча бошқа қахрамонлар, чунончи Абдурахмонбой, унинг ўғиллари, Бўронбек, Утап, Лаъли ва яна анчагина персонажларнинг ҳам ҳаётда тимсоллари бўлган.

Лекин асосий «туртки», асосий сабабкор — бу менинг онам, унинг ҳаёти, бошидан кечирган машаққатли воқеалар, синфий кураш бўронларида чиниққан жони, тарбиялаган фарзандлари...

«Тошкентликлар» романида «Машъал»нинг мавзуи бошқа шароитда, бошқа қахрамонлар ҳаёти мисолида давом эттирилади. Маълумки, икки роман воқеалари орасида йигирма йилча вақт ўтади. «Тошкентликлар»нинг бош қахрамони «Қизил тонг» фабрикасининг директори Ойнисаниннг икки ўғли бирин-кетин армия ёшига етган бўладилар ва Улуғ Ватан уруши бошланган дастлабки кунлардаёқ фронтга кетадилар.

Китобхонларнинг жуда кўп хатларида Эъзозхон билан Ойниса ҳаёти ва тақдирининг бир-бирига яқинлиги, бадий образ сифатида Ойниса Эъзозхоннинг давоми эканлиги, бу икки машаққатли ҳаёт бир-бирини, айти вақтда воқеалар кечган даврни тўлдирганлиги ёзилади. Ҳа, чиндан ҳам шундай.

Иккинчи мисол. 1965 йилнинг кўкламида Пабло Неруда рафиқаси Матильда билан бирга Ўзбекистонга келди. Азиз меҳмонлар Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлдилар. Неруда Чилида, океан соҳилидаги Исла Негра шаҳарчасидаги ўз уйида «Бухоро» номи билан музей очиш орзусини билдирди ва Москвада чиққан китобининг қалам ҳақиға халқ санъати, ҳунармандчилиги буюмлари: сўзана, кулоллик, заргарлик ашёлари ва ҳоказо антиқа нарсалар сотиб олди.

Орадан бир неча йил ўтгач, Чилида Пиночет бошлиқ фашистларнинг қонли хуружи оқибатида демократик ҳокимият ўрнини халққа қарши ҳарбий диктатура эгаллади. Сальвадор Альенде ҳалок бўлди. Шундан бир неча кун кейин Пабло Неруда ҳам дунёдан ўтди. Фашизмга бўйин элмаган Чили пролетариати буюк шоирини «Интернационал» садолари остида дафи қилди...

Неруданиннг барча совет дўстлари қаторида мен ҳам қаттиқ қайғурдим. Бинобарин, ўша кунларда СССР Ёзувчилар союзининг делегацияси Чилига бориши керак эди. СССР — Чили дўстлик жамиятининг аъзоси сифатида мен ҳам йўл тараддудини кўриб юрардим. Бироқ...

Биз Чилидаги ўша мудҳиш кунларда фашистлар Неруданиннг Исла Неградаги уйига ўт қўйганликлари, унинг китобларини гулханга отиб ёндирганликларини эшитдик: Демак, шоирнинг «Бухоро» музейи ҳам куйиб кул бўлган...

Бу даҳшатли фикр «Амазонка қўшиғи» номли дostonимни ёзишимга туртки бўлди. Аммо мен воқеа содир бўладиган жойни, яъни Чилини кўрмаганим учун ақалли шунга яқинроқ ерни, унинг одамларини, табиатини кўриш учун Чилига қўшни Перуга бордим ва Перуниннг жанубида, Чили чегарасида океан қирғоғидаги қишлоқларни кезиб чиқдим. Тўлқинлар ямлаб ётган ороллардан бири менга Пиночет сиёсий маҳбусларни бадарға этиб, қийнайдиған Досон ороли бўлиб кўринди...

Шундан кейинги мен «Амазонка қўшиғи» номли дostonимни ёза бошладим.

Учинчи мисол: «Тошболта ошиқ» музыкали комедиясининг ёзилиш тарихига оид.

Машҳур комик актёримиз Соиб Хўжаев кўпгина асарларнинг айрим сахналарида ўз ролини қиёмега етказиб, томошабинларнинг ичакларини узар даражада кулдириб ўйнаса ҳам, бирорта спектаклда бош ролни ўйнамаган эди.

Мен шу туғма санъаткор учун комедия ёзишни ўйлаб юрардим.

Иттифоқо, 1960 йилда Тошкент шаҳар партия комитетида атеистик тарбия масаласи бўйича ўтказилган кенгашда иштирок этдим. Бу соҳадаги бошқа нуқсонлар қаторида ғаройиб бир факт келтирилди: шаҳарнинг баъзи маҳаллаларида чаламулла кишилар содда одамларни лақиллатиб, пул топши мақсадида, ўзбошимчалик билан хонадонларда «мачит» очиб олишган экан. Албатта, ғайриқонуний, ғайрирасмий бу бидъат уялари тезда тугатилди.

Бироқ у ер-бу ерда пайдо бўлган динфурушларнинг кирдикорларига лақиллаган содда одамлар ҳақида ўйлаганимда — нечундир Соиб Хўжаевнинг қиёфаси кўз олдимга келаверди.

Шу нарса туртки бўлди-ю, фирибгар динфуруш ва унга алданган содда одам саргузаштлари фикр-уйимда занжир ҳалқаларидай тизилиб, кулгили воқеалар қуйилиб келаберди...

Мен пьесани жадал ёзиб бўлгач, режиссёр Раззоқ Ҳамроев билан бастакор Манас Левиевга ўқиб бердим.

Тез орада Муқимий театрида иш бошланиб кетди.

Мана, чорак асрдирки, «Тошболта ошиқ» сахнадан тушмайди. Бош ролни ижро этган артистлар анчагина. Шу кунларда истеъдодли комик артист Хусан Шарипов Тошболта образини ўзича талқин этяпти, лекин ҳали ҳеч ким Соиб Хўжаев даражасига кўтарила билгани йўқ.

Хуллас, жуда кўп асарлар қаторида «Тошболта ошиқ» ҳам — ҳаётий туртки, ижтимоий зарурат тақозоси билан ёзилган асар.

3. Мен учун энг қадрли асар «Мангулик»дир. Лекин роман СССР Давлат мукофотига сазовор бўлгани, ўнлаб тилларга таржима қилиниб, нашр этилгани учунгина бундай деб таъкидлаётганим йўқ. «Мангулик» ҳаётимнинг энг оғир, энг изтиробли кунларида ёзилдики, буни ўқувчилар романнинг бағишловидан билишади.

Романдаги воқеалар кучли драматик пафос билан сўғорилган. Аслида давр шунақа бўлган, яъни йигирманчи йилларнинг бошлари ва ўрталари синфий кураш айни авжига чиққан оловли йиллар эди.

Мен романда ленинча маданий инқилобни амалга ошириш билан боғлиқ воқеаларни қамраб олдим. Бош қаҳрамон — ёш коммунист муаллим Масъуд бидъат уяси бўлган Хўжакент қишлоғида биринчи совет мактабини очади ва бу йўлдаги курашда ҳалок бўлади.

Зиддиятли давр, зиддиятли воқеалар, зиддиятли характерлар... Ўзбек совет прозасида айниқса, кейинги икки ўн йиллик давомида биз Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Улмас Умарбеков, Уткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев каби адибларимизнинг асарларида ҳаётни бутун мураккабликлари, зиддиятлари билан чуқур қамраб олиб тасвирлаш маҳоратини яққол кўраимиз.

Мен ҳам Масъуднинг бошига оғир савдолар солдим. Чунончи, у ўзининг энг ашаддий душманлари Норхўжабойнинг қизи, Шерхўжанинг синглиси Дилдорни севиб қолди. Бу муҳаббат қандай фожиа билан тугаганлиги китобхонларга маълум...

Энди «кўнглим тўлмаган» асарим ҳақидаги саволга жавоб берадиган бўлсам, бу асар «Шарқ юлдузи»нинг 1981 йил 1—3 сонларида эълон қилинган «Машраб» номли романимдир.

Мен асарнинг охирида журналхонларга мурожаат қилиб, роман устидаги ишни ҳали давом эттиражагимни, бу борада уларнинг, айниқса кекса машрабхон зиёлиларимизнинг маслаҳатлари менга зарурлигини ёзганман. Шундан кейин жуда кўп хатлар ёғилиб келди. Адабий танқидчилигимиз ҳам асар ҳақида ўз фикрини билдирди. Ҳозир роман устидаги ишни давом эттиряпман. Уйлайманки, яна икки-уч қаттиқ меҳнат қилгандан кейин янги қўлёзмани муҳокамага қўйиш мумкин бўлади.

4. Шеърятда менинг устозим Ғафур Ғулوم.

Насрда Лев Толстой, Алексей Толстой, Михаил Шолохов ва Абдулла Қодирийдан кўп нарса ўргандим.

Драматургияда, айниқса музыкали драма в комедия жанрида Лопе де Вега аъналарига, Ҳамзанинг ижодий тажрибаларига амал қилиб келмоқдаман.

5. Совет ёзувчиси марксизм-ленинизм назариясини чуқур билиши, коммунистик идеаллар йўлида фидойи бўлиши, ижодда социалистик реализм методига қатъий ва изчил амал қилиши керак:

Ёзувчи ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг граждонлик позициясида қаттиқ тура билиши, ўз тақдирини партия ва халқ ҳаёти билан маҳкам боғлаган бўлиши керак.

6. Ҳаётимда бахтли дамлар жуда кўп бўлган, анчагина бахтсиз дамларни ҳам бошдан кечирганман.

Аввал, бахтли дамлардан баъзилари ҳақида сўзлаб берай.

1954 йилнинг кузида Москвада Олий адабиёт курсида таҳсил кўриб юганимда курсдошларим қаторида менга ҳам устоз ёзувчилардан адабий консультант белгиланди. Бахтимга, мени ўша кунларда пойтахтнинг қадимий кўчасидаги уйлардан бирида турадиган Михаил Шолоховнинг ҳузурига юборишди. Мен бу учрашувнинг тафсилотини ёзиб ўтирмайман: Шолохов билан кўп марта учрашган тошкентлик доцент Михаил Сойфернинг «Шолохов маҳорати» номли китобида бу ҳақда ҳикоя қилинган.

Шолохов мендан нима ёзаётганимни ва асар воқеаларини батафсил ҳикоя қилиб беришимни сўради. Мен ўша вақтда «Машъал» романининг иккинчи китобини ёзаётган эдим, ашаддий душман маккор Бўронбекнинг ўз уйига ўт қўйиб,

қишлоқдан ғойиб бўлиш олдидан сеvimли қорабайир отини болта билан чопиб ўлдирётганида ҳўнграб йўглаб юборганини сўзлай бошлаган эдим, Михаил Александрович сўзимни бўлиб:

— Аввал от йўғласин, кейин бек,— деб маслаҳат берди.

Шолохов таклиф этган шу кичкинагина тузатишнинг катта маъносини мен кейин тушундим ва устоз маслаҳатига амал қилдим.

Биз Константин Симонов билан узоқ йиллар давомида дўст бўлдик. У 1957—59 йилларда Тошкентда яшади, «Тириклар ва ўликлар» трилогиясининг биринчи китобини шу ерда ёзди, ўзбек адабиётидан анчагина таржималар қилди. Энди у орамизда йўқ. Яқинда буюк ёзувчи таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан унинг менга ёзган мактубларини тартибга солиб, бирма-бир ўқиб чиқдим. Бу мактубларнинг ҳар бири хотирамда унутилмас воқеаларни жонлантирди. Симонов билан биргаликда қилган ҳар бир ишимиз, чунончи «Мирзачўл» номли тўла-метражли ҳужжатли фильм, ёки таржималар; Ўзбекистон, Белоруссия, Грузия ёки Рязань области бўйлаб биргаликда сафарлар; Тошкентда ижодий баҳсларда кечган оқшомлар... Ҳаётимдаги бахтли, хушнуд дамлар бўлган ўша учрашув дақиқалари!..

Бахтли дамлар... «Мангулик» роман-газетада икки ярим миллион нусхада босилган кун... Олтмиш ёшга тўлган кунимда Файз Аҳмад Файз менга ғазал битган кун... Москвада ўқиб юрган кезларимда Фафур Фулом юборган «Кўйлатиб қўйдинг мени» радиопла газалини олган куним... Пабло Неруда менинг уйимда эсдалик дафтариамга бир саҳифа таассуротлар ёзиб, уни ўз расмлари билан безаган кун... «Фауст» нашр этилганда Эркин Воҳидов дастхат ёзиб, тақдим этган пайт...

Бундай қувончли кунлар ҳаётимда беҳисоб бўлганидан шодман. Айни вақтда устозлар, дўстлар, шогирдлар ҳурмати, ишончи, умиди зиммамга улкан масъулият юклайдики, буни доим ёдда тутаман.

Энди энг бахтсиз кунни эсласак... Одам учун, ота учун фарзанд доғидан оғирроқ кулфат йўқ. Мен «Мангулик» романидаги Масъуднинг ҳаётдаги тимсоли — ўғлим Фарҳоддан жудо бўлган кунимни ҳаётимдаги энг бахтсиз кун деб ҳисоблайман...

7. Менимча, ўз асаридан тўла қониққан ёзувчи камдан-кам учраса керак. Қўлёзмага сўнги нуқта қўйилган дақиқадаги шавқ-завқ, фахру ғурур табиий бир ҳолдир. Бирок, асар ёзиб тамомланганидан кейин уни кўчириш, муҳокамага тайёрлаш, таҳрир қилиш вақтларида воқеалар ривожидagi, персонажлар ҳаёти ва хусусиятларидаги, қахрамонларнинг ўзаро муносабатларидаги, тасвирдаги, тилдаги камчиликлар аста-секин, бирин-кетин ва тобора кўпроқ кўзга ташланаверади. Баъзи ёзувчиларнинг, ҳатто классикларнинг ўз қўлёзмаларини қайта-қайта ишлаб, қайта-қайта кўчирганликлари бежиз эмас.

Агар умр тақозо этса, вақт, имконият мавжуд бўлса мен икки китобдан иборат бўлган «Машъал» романининг учинчи китобини ёзиб, уни трилогияга айлантириш, Эъзозхон, Бўронбек ҳамда бошқа ижобий ва салбий қахрамонлар ҳаётининг давомини батафсилроқ баён этиб, ўша даврни янада кенгроқ тасвирлаган бўлардим. Шунингдек, «Тошкентликлар» романининг давомини ёзишим шарт. Ахир, асарда воқеа 1941 йилнинг кеч кузи, гитлерчи қўшинлар Москва остоналаридан эндигина чекина бошлаган кунларда узилиб қолган. Бинобарин, китобхонлар ҳам мазкур икки романининг давомини кутажаклари ҳақида жуда кўп хатларида ёзганлар.

«Шарқ юлдузи»нинг 1985 йил 11—12-сонларида «Қорадарё» номли янги романим босилиб чиқди. Бу албатта, асарнинг қисқартирилган, «журнал варианты». Шу кунларда эса, «Ёш гвардия» нашриёти романи тўлалигича нашр этди. Янги асар ҳақида ўқувчиларнинг фикрига муштоқ адибнинг аҳволини янги боғига меҳмон чақирган ва улардан гуллари, дарахатлари ҳақида фикр эшитишни кутаётган боғбоннинг аҳволига ўхшатса бўлади. Мен роман қўлёзмаси устидаги иш давомида касбдошларим муҳокамада айтган фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олишга ҳаракат қилдим. Лекин, мен бунга қанчалик муваффақ бўлганимни ва асарнинг мен муаллиф сифатида илғаманган қандай камчиликлари борлигини эндilikда журналхонлар, китобхонлар ва танқидчиларнинг ёзма ва оғзаки фикрларидан билиб оламиз.

8. Мен одамлардаги камтарлик ва садоқат фазилатларини алоҳида қадрлайман. Одам камтар бўлса ишини ҳалол бажаради, борлиқни, жамиятни, оилани, дўстларни ғурурсиз, оддий кўз билан кўради; ёмонликни нафратлайди; эгри йўлга кирмайди; меҳнатда мардлик, жасорат кўрсатса ҳам буларни табиий бир ҳолат деб тушунади.

Садоқат — инсондаги бебаҳо фазилат.

Айниқса, маслакдош кишилар бир-бирларига садоқатли бўладилар.

Содиқлик икки томонлама бўлади. Устоз билан шогирд, эр билан хотин, дўст билан дўст ўртасидаги умрли садоқат ота-она меҳридай эзгу ва муқаддасдир.



Афсуски, бундай муборак туйғуни вақтинча ҳою-ҳаваслар, мартабаю бойликлар, беҳуда ғурурлар остида таҳқир этувчилар ҳам оз эмас. Адабиётимизда бундай иллатларнинг қули бўлган, гўзал инсоний фазилатларни пайҳон этган салбий характерлар йўқ эмас, албатта. Биз бундай образларнинг ижтимоий илдиэларини очиб ташлашимиз, ҳаётдаги салбий ҳодисаларга қарши курашни ҳаққоний тасвирлашимиз керак.

9. Ёзувчи воқеаларни ҳам, қаҳрамонларни ҳам ҳаётдан олади; фақат кўчириб олмасдан умумлаштириб, типиклаштириб олади.

Биз, бир гуруҳ ёзувчилар бундан йигирма йилча аввал Мирзачўлга бориб, Гулистон районидаги Ленин номли колхозда бўлдик. Уша вақтда дондор раис кўкларга кўтариб мақталиб юриларди. Бориб кўрсак, аҳвол бошқача: раис мақтанчоқ, зўравон, маишатбоз бўлиб чиқди. Ёзувчилар келганини эшитган одамлар йўлимизни пойлаб, учрашиб, юракларини поралаган дардларини кўрқа-писа, кейин дадилроқ айта бошладилар. Жуда кўп фактлар ёдимда йўқ-ку, лекин биттасини ҳеч унутолмайман: раис «Тез ёрдам» машинасининг янги ғилдирақлари-ни ечиб олиб, ўз шахсий машинасига қўйдиргани сабабли фожиа юз берибди...

Биз колхозчиларнинг шижоятлари асосида газеталарга танқидий мақолалар ёзиб, муттаҳам раиснинг ишдан олиб ташланишига ва халқ аҳволининг тубдан яхшиланишига ёрдамлашдик.

Кейинчалик мен «Феруза» [аввалги номи — «Сенга интиламан»] романимда чўл ерларига ваҳшийларча муносабатда бўлиб, уни шўр бостириб, ботқоқликка айлантирган, софдил одамларни таъқиб этган, маишатбоз раис Мирҳосилнинг салбий образини яратганимда ўша биз танқид қилган раисдан бир қадар «нусха кўчирганман».

10. Мен: «танқид — келажакнинг меваси», деган ҳикматга ҳамиша амал қилиб келганман.

Мен катта ҳарфлар билан ёзишга арзийдиган ТАНҚИД, яъни адолатли, беғараз, чуқур илмий танқидни сидқидилдан ҳурмат қиламан.

Адабий танқид, адабий жараёни олимларга хос билимдонлик, даҳоларга хос адолат билан таҳлил қилиши, ёзувчиларнинг ижодига яхши ният билан холис баҳо бериши керак.

Танқидчилик — бу, аввало марксизм-ленинизм таълимоти билан суғорилган, ўз анъаналарига эга бўлган билимдир.

Танқидчи шахсий ғараздан, шахсий манфаатдорликдан, ошна-оғайнигарчи-ликдан, хушомадгўйлик ва ҳоказо шу каби иллатлардан мутлақо узоқда бўлиши шарт.

Танқидчининг асосий вазифаси — адабиётда юксак гоъвий-бадий савиядаги янги асарнинг майдонга чиқишига кўмаклашиш ва мазкур асар эълон этилгач, уни кенг тарғиб қилиш.

Агар мен, танқидчи бўлсам, шу айтганларимга албатта, амал қилган бўлардим.

11. Мен шу кунларда «Бир миллион можароси» номли сатирик драмани ёзиб тамомладим ва кўпдан ўйлаб юрган ишимни — замондошлар ҳақидаги хотиралар китобини бошладим.

## Муроджон Мансуров

1. Биринчи асар биринчи муҳаббатга ўхшайди. Кечиб кечолмайсан! Етиб етолмайсан! У ўзи алоҳида туғилади шекилли.

Тақдири ҳам биринчи муҳаббат сингари баъзан бахтли, баъзан бахтсиз кечади. Уни ҳам ким армон, ким қониқиш билан эсга олади. Лекин у қандай тақдир топмасин, қандай баҳо олмасин, ёзувчи биринчи китобини, ўзини адабиётнинг сирли оламига олиб кирган асарини унута олмас экан. Шахсан ўзим... Яхшиси бир бошдан айтиб бера қолай...

Баъзан шундай бўладики, бир асар бошингда айланиб юриб-юриб эртақдек бир ўтиришда қоғозга тушиб қўя қолади. Уттиз беш қоғозга етиб-етмаган «Азиз инсон» қиссам шундай туғилган эди. Уни бир кечада, Янги йил кечасида ёзганман. У пайтда лойиҳа институтида инженер эдим.

Қисса эса, талай баҳслардан кейин устоз Абдулла Қаҳҳорнинг ҳукмига ҳавола қилинди. Кечагидек эсимда, тизза бўйи қор кечиб, Абдулла аканинг Шелковичная кўчасидаги уйларига борганим. Домла илқ кутиб олдилар; юзларидан фариштали одамларда бўладиган бир нур ёғилиб турарди. Меҳмонхонадаги столга таклиф

қилдилар. Мен қисиниб-қимтиниб стулга чўкдим. Кибриё опа чой келтирдилар. Қани энди асаримдан гап очолсам, ҳатто чой хўплашга журъат эта олмай ўтирибман.

Домла аҳволимни тушундилар шекилли:

— Қаердансиз, йигит! — дея гапга тортдилар. Ота-онамни, кимлигимни суриштирдилар.

Мен айтдим. Тошкентнинг биқинидаги Чўлпон ота деган жойда туришимиз, кичкиналигимда отадан етим қолиб, ҳозир она-бола ёлғиз яшашимизгача. Ундан кейин инженерликка ўқиб, ҳеч қанча ишламай газетага ўтганимгача. Лекин асарим хусусида оғиз очишга тилим бормасди. Тўғриси, юрагим бетламай турибди. Бекор келдим шекилли, дейман нуқул ўзимга-ўзим.

У киши ҳамма гапдан хабарлари бор экан, «ташлаб кетинг, кейинги ҳафтага хабар оларсиз», дедилар. Лекин орадан бир кун ўтмай ишхонадан хабар келди. Домла йўқлаган эмишлар. Борарканман.

Меъ учиб бордим.

— Аввал Кибриё опангиз ўқиб чиқди. У кишига ёқибди. Мен ҳам ўқидим, — дедилар домла ўзларининг фикрларини айтишга шошилмай, — қўлингиз келиб қолган. Асар ўқилади. Лекин уни биринчи шахс тилидан ёзиб, ўзингизни анча чеклаб қўйибсиз. Ҳар ким ҳам она ҳақида ёза олиши мумкин. Езувчилик эса, бундан баландроқ иш. Кейин мен сизга айтсам, ҳақиқий Турсуноилар ўша уруш йилларида чиққан. Трактор рулига ўтириб, эркакларнинг ўрнини босган. Сиз ана шуни кўрсатиб берсангиз бўлармиди. Бир ишлаб кўрмайсизми!

— Майли, — дедим мен у кишининг фикрларидан руҳланиб.

Домла уч ой муҳлат бердилар. Лекин мен қиссани бутунлай қайта ёзиб чиққан бўлсам-да, икки ой деганда битирдим. Қолган бир ой олиб борсамми, борсамми деган таҳликада ўтди. Мен унинг қандай чиққанини ҳеч билолмасдим.

Ниҳоят, кўнғироқ қилиб, қиссани ташлаб келдим. Чақиргунларича ўтган кунларни қандай ўтказганимни, қандай ётиб, қандай турганимни ҳали-ҳали эслай олмайман. Домланинг ҳукмларидан биз шунчалик ҳайиқардик.

— Қаттиқ меҳнат қилибсиз, — дедилар у киши келаси гал борганимда. — Лекин мен сизга учинчи шахс тилидан ёзинг демаган эдим шекилли!

Абдулла ака нима демоқчи эканликларини тушундиму юзларим ловуллаб кетди. Лабимни тишлаб қолдим.

— Майли, — дедилар ниҳоят қиссани очиб, — асарнинг бошидан уч бобни олиб қўйинг-да, чиқаришга бера қолинг. Мен «Еш гвардия» нашриётига айтиб қўяман. — Кейин кутилмаганда таклиф қилиб қолдилар, — дарвоқе, қиссани «Шиша кўз» деб атасак-чи!

Мен дарҳол кўзи ногирон бўлиб қоладиган қаҳрамонимни ўйлаб:

— Сал совуқроқмасми, домла! — дедим.

— Ўзингиз биласиз, — дедилар у киши. Бошқа ҳеч нарса демадилар.

Орадан йиллар ўтиб, энди билсам, устоз рамзий маънода шундай сарлавҳа таклиф этган эканлар. Юрт бошига иш тушганда жони ширин кўриниб, ота-онасию яқинларидан, ҳатто муҳаббатидан юз ўгириб қочган Раҳим тақдирига ишора қилган эканлар. Устознинг бир оғиз сўзлари замирида ётган улкан маънони энди англаб тургандайман. Лекин кеч.

Қисса келгуси йили «Садарайҳон» номи билан «Еш гвардия» нашриёти чоп этган «Гунафша» тўпламида чиқди. Бу қисса менинг кўзимни очди десам муболаға бўлмас. Уни қайта ишлаш жараёнида бир нарсани, ҳали ҳаётни, одамларни яхши билмаслигимни сезиб қолдим. Уз ихтиёрим билан «Совет Ўзбекистони» газетасининг область мухбири бўлиб Фарғонага кетганим шундан эди.

Орадан 20 йил ўтиб, узоқ йили «Шарқ юлдузи» журналида ўша оғир уруш йилларида Аччи қйрларида эркакларнинг ўрнини босиб, трактор рулида турсуноиларчасига ер очган қизлар, уларга ҳамдард, ҳамсоя бўлган кишилар жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи асарим босилди. У кўп жиҳатлари билан биринчи асарим «Азиз инсон»ни эсга солади. Бир ҳисобдан қисса ўша вақтда босилмаганига ҳам хурсандман. У давр ҳаёти мен ўйлагандан анча мураккаброқ, одамлар ўртасидаги муносабатлар ундан чуқурроқ экан. Қиссада афтидан шу нарса етишмаган бўлса ажабмас.

2. Езувчи шуурида тўсатдан чақмоқ чақиб, ижод бўлоғининг кўзи очилиб кетадиган кезлар бўлмаса ҳақиқий асарлар туғилмасди ҳисоб. Кўпинча бирор асарни ўйлаб-пишитиб, унинг тўлғоғида юрган кезларингда шундай ҳол кечади. Бирор бир воқеа-ҳодиса, ўзинг илгари сезмаган, кўзинг тушмаган ғалати манзара, ҳатто бир оғиз оҳори тўқилмаган сўз борлигининг ларзага солиб, ички дунёнгни ёритиб юборади. Езадиган асарларингни кўз олдинга келтириб қўядики, ёзишга шошилиб қоласан.

Синфдош бир дўстим бор. Нуқул мен боғдан келсам, у тоғдан келади. Қарангки, шу дўстим жуда ишбилармон, уddaбурро чиқиб қолди. Бошини

суқмаган кўча йўқ. Ўзи оддий болалар врачлари эди, долзарб мавзу топиб, уч йилга қолмай кандидат-олим бўлиб олди. Энди ўзи айтмоқчи, мўмай ойликни ёнга уриб юрибди. Бир куни шу дўстимникига чиқсам, қаердандир жимит-жимит тошбақа болаларини топиб келиб, уларни сўяпти. Ҳой, инсон, нима қиляпсан десам, чиғаноғи керак, чиғаноғи дейди.

— Чиғаноғини нима қиласан!— дедим унинг ҳеч тап тортмай тошбақа чиғаноғини ажратишидан жунжикиб.

— Палласини тўнтариб бир-бирига ёпиштирса, мана бундай... мўъжаз кулдон бўлади. Эртага домланинг туғилган кунлари...

Титраб кетдим. Лекин шу заҳоти миямда бир нарса ярқ этиб чақнагандай бўлдию Устюртда адашган геологлар қиссаси бошдан-оёқ ёдимга тушиб кетди. Улар тамомила бошқа ҳолатда, бошқа нурга йўғрилиб кўз ўнгимда жонланди: «Султонор ҳам домласининг туғилган кунда... совға излаб қолса-чи! Зиёфат уюштирса-чи! Кейин сайгоқ ови... Адашув — топдим!»

«Ҳамманинг яшагиси келади» қиссам ана шу тариқа дунёга келган. Ортиқ образи кўп жиҳатлари билан бояги дўстимга ўхшаб кетиши шундан.

3. «Ҳамманинг яшагиси келади» асарим босилиб чиққанига беш йил бўляпти. Лекин ҳалигача негадир унинг таассуротларидан қутилолмайман. Ушанақа асар ёзим келаверади, жилла бўлса-да ўшандай мукамал бўлса, мазмун ҳам, шакл ҳам ўшандай мутаносиб туғилса эди, дея орзу қиламан. У миямда ўн беш йилдан ортиқ айланиб юриб, пишиб-етилиб ёзилгани учунми, асарларим ичида энг қадрлиси. Русча таржимасини «Советская писатель» нашриётига топширдим. Яқинда уни «Звезда Востока» журнали қабул қилиб олди. Лекин назаримда қисса адабиётшунослар томонидан ҳали ўз баҳосини олмагандай.

Бундан қатъий назар, у менга бир мактаб бўлгани билан ҳам азиз. Агар айтиш жоиз бўлса, ёзувчилик санъатининг нозик сирларини шу қиссани ёзиш жараёнида англагандек бўлдим. Гап шундаки, мен бу қиссага икки марта қўл урганман. Биринчи гал геолог Мамажон ака Эгамбердиевдан Устюртда адашган экспедиция тарихи ва тақдирини эшитдимю уни ёзмай тура олмадим. Шу тариқа «Саҳройи» қиссаси туғилди. Лекин уни Одил Еқубов ўқиб кўриб, ташлаб қўйишни маслаҳат бердилар.

— Ҳали асар бўлмабди. Балки бир кун нимаси биландир асқотиб қолар,— дедилар.

Шу-шу ташлаб қўйган эдим. Домла айтганларича бор экан. Саксонинчи йилларга келиб, мен тамомила янги одамлар, характерларни кўриб-билиб, ҳаётга янгича назар ташладиму ўша Устюртдаги адашув шароитида бу одамлар қай аҳволга тушардилар, деб ўйлаб қолдим. Кейин бояги дўстимнинг «кашфиёти» туртки бўлдию тамомила бошқа асар ёзилди. «Саҳройи»даги шароитга асқотди. Ундан бошқа ҳечнима қолмади. Ҳатто эски қиссани варақлаб кўришга ҳожат ҳам бўлмади. Шундан бери ёзиладиган асарларимни иложи борича узоқ пишитиб юрадиган бўлдим. Сўнг асар нима билан тугаши маълум ва маъқул бўлмагунча ёзишга ўтирмайман.

Ростини айтсам «Қирғоқлар» повестимдан кўнглим тўлмаган. Айниқса, у «Ёш гвардия» нашриётида қисқариб-юлиниб, уч нуқталарга тўлиб чиққач, кўзимга шундай хунук кўриниб кетдики, асти қўяверасиз. Асарни қарийб уч босма лист қисқартиб чиқишларига рози бўлганимдан минг пушаймонлар едим. Лекин ўзимдан ўтган жойи ҳам йўқ эмас. Катта Фарғона каналининг афсонавий қаҳрамони Дўнан Дўсमतов ҳаёти асосида асар ёзаман деб, ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантира олмаганимни энди сезиб турибман.

4. Асарлари Иттифоқимиз сарҳадларидан чиқиб, жаҳон халқларининг мулкига айланиб бораётган адибимиз Одил Еқубовни устозим деб биламан. Деярли чорак асрдан бери у кишининг маслаҳатлари, қимматли фикр-мулоҳазаларидан, далда ва амалий ёрдамларидан баҳрамандман. Жуда кўп асарларимни у киши вақт топиб ўқиб, бўладиган-бўлмайдиган томонларини кўрсатиб берганлар. Ёзувчилик тажрибаларини ҳеч аямаганлар. Одил ака эълон қилинмаган «Орзу-умидларим», «Кўшсинч», «Саҳройи», «Фарғона ҳангомалари» сингари қиссаларим ҳақида тегишли фикрларини айтганлар. Айниқса, «Мангу жанг» романининг композицион бутунлигини таъминлашга қийналиб қолганимда берган маслаҳатларидан жуда-жуда миннатдорман. Одил акадек катта санъаткор адибимиз, устозимиз борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

5. Ёзувчининг актив граждандлик позицияси аввало ижодида, асарининг руҳида кўринади. Қолаверса, у ёзувчининг давр кишиларини тўлқинлантириб турган ўткир ҳаётий масалаларга муносабати, ҳозиржавоблиги билан, одамларнинг кўнглидаги гапни топиб айти олиши билан белгиланади. Ёзувчи ўз қобиғига ўралиб яшашга ҳаққи йўқ. Халқ ташвишини тушуниб етмаган, уни ўз ташвиши деб билмаган ёзувчининг асари қўлма-қўл бўлиб ўқилишига ишонч йўқ. Одамларнинг орзу-интилишларию армон ва қувончларини қаламга тушира олмаган, унинг ўй-

кечинмаларини асарида бера олмаган адибдан ўлик асар «туғилади», Бу замондан орқада қолиш белгисидир.

6. Кейинг бир армоним бор, бинокор инженер бўлиб, битта бино қурмаганимдан афсусда юрар эдим. 1981 йилда шаҳар ижрокомидан маҳалламиз гузарига 21 сотих ер ажратиб беришдию ўша ерга бир клуб қуриб, шу орзун амалга оширгим келиб қолди. Маҳалла оқсоқолларига, ўша ерда яшайдиган меъмор, пойиҳачи, қурувчиларга маслаҳат солган эдим, маъқул топилди. Чизмаларини тузиб, фарғонача усулда клуб-чойхона (икки томонга қараган кенг пешайвонлари билан) қуришга киришиб кетдик. Уни ҳашар билан ишдан бўш вақтларда тиклаётган эдик. Томини ёпишга келтириб қўйганимизда (ўзиям тўрт сотихни эгаллаган эди-да) бир кун ик кечқурун зилзила уриб бердию битмаган том шундай босиб туша қолди. Қурилиш тепасига бориб кўзимдан ёш чиқиб кетди. Узимни дунёда шундай бахтсиз ҳис этдимки, умрим бино бўлиб бунақа қўйга тушмаган эдим. Одамларнинг кўзига қандай кўринаман дейман нуқул. Яхшиям халқ бор экан, кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб ёрдамлашиб юборди. Илгаригисидан ўн чандон бақувват қилиб, пишиқ ғиштдан тиклаб олдик. Лекин ўша мижджа қоқмай тонг оттирган машъум кеча — ҳаётимда энг бахтсиз кун бўлиб қолди.

7. Кейинги пайтда номукаммал асарларни босиш хийла кўпайди. Айниқса, ҳали қиёмига етмаган роман ва қиссалар эълон қилиб юборилди. Зора янги йилда бу нарса камайса, журнал ва нашриётларимиз талабни янада кучайтирса. Ёшлар ижодида ўсиш, ҳақиқий бадий асар яратишга интилиш жуда кучли. Шу боисдан ҳам адабиётимизда юзага келаётган ҳар битта ўртамиёна асар бутун камчиликлари билан кўзга ташланиб қоляпти. Уқувчи ўқийверади деб ҳар қандай бўш асарни босишга ҳаққимиз йўқ. Тўғри, ўқийвериши мумкин. Лекин биз қачонгача ўқувчимизни шу савияда ушлаб туришимиз керак. Ахир бу гуноҳ-ку.

Ўзим мана неча йилдирки, газета тилидан қутула олмай ҳалакман. Буни «Ёшлик» журналига ишга ўтганимдан кейин сезиб қолдим. Ўзимни таҳрирга устаман деб юрсам, биз газетада қиладиган таҳрирлар ҳолва экан. Асқад ака «Гулистон» журналига муҳаррирлик қилган пайтда ишлаган бир гуруҳ ёшлар таҳрир санъатини шундай эгаллаган эканки, улар билан «Ёшлик»да ишлаб, рости жуда кўп нарса ўргандим. Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Сулаймон Раҳмон, Абдулла Шерларнинг тил устида, таҳрир бобида эринмай, шафқатсиз ишлашлари ҳар бир ёзувчига сабоқ бўлиши мумкин. Мен уларнинг қалами тегиб, кўп асарлар ортиқча, керакисиз, сийқа сўзлардан тозаланиб, жилоланиб кетганини кўрдим.

Шундан бери ҳар бир асаримнинг тили устида ишлашдан ҳеч эринмайман. Газетачилик қусуридан қутулишга уринаман. Бўш қолдим дегунча луғат титаман, халқ эртакларини ўқийман. Ўзимга маъқул асарларни қайта-қайта ўқиб, тил устида изланишларни ўзимча таҳлил этаман.

8. Ростгўйликни, ҳалолликни қадрлайман! Фирром одамларни жинимдан ёмон кўраман. Ҳақгўй ва истъододли кишиларни қаттиқ ҳурмат қиламан.

9. Бу саволга юқорида қисман жавоб бердим шекилли. Шундай бўлса-да, ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантириш машаққатлари ҳақида алоҳида тўхталишни лозим кўрдим. Рости, бу санъатни эгаллаш осон эмас экан. Мен илгари бир сира ёзиладиган асаримга ҳаётдан арзирли прототип излашга ружу қилган эдим. «Саҳройи»га Мамажон Эгамбердиевни, «Қирғоқлар»га Дўнан Дўсмаатовни, «Умр чорраҳалари»га Райимжон Еқубовни, «Фарғона ҳангомалари»га Адҳам Ҳамдамовни прототип қилиб олган эдим. Шулардан фақат биттасида, «Умр чорраҳалари»да бадий ҳақиқатга салгина яқинлашиб борганга ўхшайман. Қолганларида эса, прототипдан узилиб чиқиб кета олмадим. Шунинг учун ҳам улар ярим бадий, ярим ҳужжатли асарларга ўхшаб кетади. Бу нарса кейинги асарларим — «Ҳамманинг яшагиси келади» ва «Мангу жанг»ни ёзишда менга бир сабоқ бўлди.

10. Бирон асаримни миямда ўйлаб, пишитиб юрганымда ўзимга яқин танқидчилар билан фикрлашиб, ўртоқлашишни яхши кўраман. Улардан жуда кўп яхши фикрлар чиқади. Баъзан хотимасини маслаҳат солиб, маъқул кўришгандан кейингина ёзишга киришаман. Негаки, асарнинг нима билан тугагини ўзинг яхши билмай туриб ёзишдан ёмони йўқ. Бу саҳрода қолиб таваккал бир томонга йўл солиш билан баробар гап. Манзилга етиб чиқишинг ҳам, чиқолмаслигинг ҳам мумкин. «Ҳамманинг яшагиси келади» қиссамни пишитиш жараёнида берган кўпдан-кўп маслаҳатлари учун танқидчи дўстим Михли Сафаровдан, «Мангу жанг» романимни ёзиш, қайта ишлаш жараёнида эса, унинг вариантларини ҳеч эринмай кўриб, қимматли фикр-мулоҳазаларини айтган адабиётшунос олим Умарали Норматовдан бир умр миннатдорман. Танқид ҳолис бўлса, адолатли бўлса, дейман.

11. Археологлар ҳаётдан «Ёмби» деган қисса ёзганман... Шу баҳона замондошларим юрагига назар ташласам дейман.

# Хайриддин Султонов

1. Биринчи ҳикоям — «Миркарим чол» (агар уни ҳикоя деб аташга арзиса) студентлигимда, 1975 йили «Тошкент оқшоми» газетасида босилиб чиққан эди. Кейин ҳам бу газетада бир қанча машқларим эълон қилинди. Шунданмиқан, ишқилиб, бу газетага меҳрим бўлакча, ҳозир ҳам ўзимни унинг доимий ўқувчиси ва авторни ҳисоблайман. Биринчи асар ҳамма кишига илк муҳаббатдек қадрли бўлади: ҳаяжони, изтироблари, ғўрлиги... хуллас, ҳаммаси умр бўйи дилни орзиқтиради.

2. Ёзиш жараёни... менинча, буни тушунтириб бериш жуда қийин бўлса керак. Ёдимда, бундан уч-тўрт йил муқаддам санаторийда бениҳоя маърифатли, зукко бир одам билан бирга даволанган эдим. У киши медицина фанлари кандидати, йирик бир касалхонанинг етакчи мутахассисларидан эди. Сухбатларимизнинг бирида у ёзувчиларда «бевосита ёзиш жараёни» қандай кечиши билан қизиқиб қолди. Аввалига ҳазил-мўтойиба қилиб қутулмоқчи бўлдим, бироқ у жиддий туриб сўрайвергач, қўлимдан келганича, яъни ўзим тушунганимча унга тушунтирмоқчи бўлдим. «Ҳаётни, одамларни кўриб-кузатиб, маълум бир воқеадан таъсирланиб, айтадиган гапни тайин белгилаб олгач, ёзиб кетилаверади», дедим. Бироқ у киши гапимга мутлақо ишонмади. «Тахминан шундай бўлишини ўзим ҳам биламан, — деди у, — лекин масалан, ҳикоя қандай қилиб ёзилади? Қайси жумладан кейин қайси жумла келиши керак? Пеизажнинг ўрни қаерда бўлади? Диалоглар-чи? Ахир, мана шу нарсаларнинг ҳаммасини бир тартибга соладиган қоида бордир?» Мен кулимсираб, эҳтимол, бордир, лекин ёзаётган пайтда бу ҳақда ўйлаб ўтирмайсиз, дедим. Ҳамсуҳбатим жавобимдан хийла ранжиди. «Бундай бўлиши мумкин эмас, — деди у, — ҳар бир ишнинг қонун-қоидаси бор. Ёзувчиликнинг ҳам махсус бир қўлланмаси бўлса керак-у, бизга ўхшаганлардан сир тутасизлар-да...»

Ушанда анча вақтгача уриниб ҳам, ёзиш жараёни учун «махсус бир қўлланмалар» йўқлигини у одамга тушунтира олмадим.

Менинг тасаввуримда, ёзувчи чинакам илҳом билан ёзаётган пайтларда кўксига аллаким туғилаётган асарни сўзма-сўз шивирлаб тургандек бўлади. Асарнинг қораламаси ана шунда қоғозга тушади. Қолгани — оғир, машаққатли қора меҳнат самараси. Агар иш юришиб кетса, охир-оқибат кўнгилда ҳорғин бир қувонч туйиш мумкин. Ҳарҳолда, прозада шундай деб ўйлайман.

«Туртки» масаласига келсак, албатта, ижод жараёнида бу омилнинг ҳам аҳамияти катта. Шу билан бирга, асарнинг оҳангини ҳам топиб олиш ниҳоят муҳим. Флобер буни «дайди оҳанг» деб атаган эди. Ана шу «дайди оҳанг»ни жиловлаб олсагина, ёзувчи бир натижага эриша олади. Ақс ҳолда, яъни «дайди оҳанг» ёзувчини жиловлаб олса, ишнинг пачаваси чиқди, деяверинг.

3. Одатда, кўп машаққат чекиб ёзилган асарлар ёзувчи учун қадрли бўлади, дейишади. Умуман олганда, бу тўғри гап. Аммо, менинча, ноёб илҳом билан ёзилган асаргина ижодкор учун ҳаммаша қадрли бўлиши мумкин. Мен ана шундай асарни орзу қилиб яшаяпман. «Қайси асарингиздан кўнглингиз тўлмаган?», дейилибди навбатдаги саволда... Э, қайси бирини айтмай!?

4. Сўзи билан иши бир ҳамма яхши ёзувчиларни устоз деб биламан.

5. Ёзувчининг актив граждандлик позицияси фақатгина долзарб мавзуларда ҳозиржавоблик билан асар битишидангина иборат эмас. Актив ҳаётий позицияда турмоқ учун ёзувчининг аввало адабий позицияси мустаҳкам бўлиши лозим. Бу позиция, назаримда, қуйидаги таянч пунктларидан иборат: ижтимоийлик, граждандлик, бадият.

6. Ижозатларингиз билан шу саволни очиқ қолдирсам...

7. Биз «адабиёт — сўз санъати» деган ҳикматни кўп такрорлаймиз. Афсуски, аксарият асарларимизда «сўз санъати» ўрнини «гап санъати» эгаллаб борапти. Бу ҳол, менинча, адабиётга дахлдор ҳар бир виждонли ижодкорни ташвишга солмасдан қўймайди. Юрак қудрати билан эмас, билак қудрати билан ёзаётган асарларимиз кўп.

Максим Горький «Адабиётнинг биринчи элементи — тил», деб таълим беради. Минг афсуски, баъзи асарларимизда бадий тил, учинчи, тўртинчи даражали элементга айланиб қолмоқда.

Ўзимнинг машқларимда ҳам жуда кўп камчилик сезаман. Баъзан танқидчилар шуларни пайқамаетганига ҳайрон қоламан. Балки мени аяшаётгандир, деб ўйлайман гоҳо. Шояд шундай бўлса!

Яширишнинг ҳожати йўқ: бир қанча ҳикояларим шошма-шошарлик билан («Бир йигитнинг бахти») ёзилган, бир хиллари («Бир оқшом эртаги», «Паноҳ») эскизнамо бўлиб қолган, яна баъзилари («Йўқчилик ва тўқчилик») юзакироқ чиққан. Гоҳо «дайди оҳанг» мени «жиловлаб олган» пайтлар ҳам бўлган («Гражданд мудофааси»).

8. Ҳалолликни. Ҳалол меҳнат билан кун кечиришни. Ҳаром аралашган жойда ҳар қандай эзгулигу юксак орзулар ҳам кунпаякун бўлади.

Хушомадгўйликни ёмон кўраман. Чунки у хушомадгўйларнинг ўзинигина эмас, не-не ақлли, зукко, ҳалол ва заҳматкаш кишиларни ҳам одам қаторидан чиқармаган, дейсиз!

9. Бу ҳақда жуда кўп ёзилган, жуда кўп гапирилган. Менинг айтадиганларим ҳам шуларнинг такрори бўлиши мумкин, холос.

10. Танқидга муносабатим — танқидий: холис, бегараз танқидга, муайян асарнинг мен кўрмаган-сезмаган жиҳатларини очиб беришга қодир танқидга ҳурматим чексиз; айна пайтда, «қўшиб ёзадиган», йўқни йўндирадиган, борни назари илмайдиган ёки илғамайдиган танқидга нисбатан эса... шоир айтганидек, «нима ҳам қилардим, на иложим бор?»

Танқид — ёзувчи билан китобхон ўртасидаги учинчи одам. Шунинг учун ҳам, яна ўша шоирнинг сўзларини бот-бот такрорлаб тураман: «Сенга инсоф берсин, учинчи одам!»

Узим танқидчи бўлганимда, ким билади, нима қилардим?.. Балки кўпроқ ўқирдим...

11. Қурувчилар ҳаётидан кичик бир қисса ёзаяпман.



## *Тоғроқ Қишлоқлар ҳаётидан*

Аксарият ижодкорлар тинч, хотиржам шароитда, одамлар ғала-ғовуридан узоқда, хилватда, алоҳида хонада, турмуш ташвишларидан вақтинча бўлса ҳам тамомила холи бир вазиятда, маълум бир вақтларда ёзишга одатланганлар.

Гёте бир кун хотинига мурожаат қилган экан: «Яқин бир ҳафта ичида мени бутунлай холи қўй, йўқса бутун режаларим чипакка чиқиб кетиши турган гап».

Бальзак туни билан ёзиб чиқиб (бу пайтда у ўзига мақбул усулда тайёрланган қора кофени тўхтовсиз ичарди), тонг ёришиши билан деразаларга қора пардани тортиб қўярди-да, шаъмларни ўчирмай, китоб ёзишда давом этарди.

Руссо «Янги Элоиза» романининг дастлабки икки бобини жуда бежирим, олтинранг қоғозга ёздириб, ҳаворанг лента билан боғлаб асраган экан.

Гёте «Мариенбад элегияси»ни ўрта аср ҳаттотларига хос услубда чиройли битиб, ипак билан тикиб, қизил муқовага ўраб қўйган. Умуман, у ўз асарларининг ҳамма нусхаларини, хатларини, қайдларини алоҳида тўплаб, сақлаб борган.

Анатоль Франс илҳом келиб қолганида нима дуч келса, шунга ёзиб қўяверган, ҳеч қачон қоғоз ғамлаб қўймаган. У эски конвертлар, таклифнома-лар, хатларнинг, газета-журналларнинг оқ жойларига ёзганлиги маълум.

Илҳом СУЛТОНОВ тайёрлаган.



Исроил Тўхтаев

## «ЭЛ ҚАТОРИ»...

Октябрнинг охирлари. Қуёш тафти пасайган, дарахтлар япроқ тўка бошлаган осуда бир пайт. Тонгларида андак салқин ҳам тушади. Далалар узра енгил мезон толалари парвоз қилади.

Куз фаслининг тиниқ таровати Саид Каримовнинг ҳам табиатига ўтгандай. Унинг ҳам кайфияти тиниқ, кечалари тўйиб-тўйиб ухлайди, руҳи енгил, ишлари зўр, хуллас, эл қатори кун ўтказади. «Сиз ҳам бундоқ мартабага яраша ҳовли-жой қилсангиз, орзу-ҳавас кўрсангиз», дейдиган маслаҳатгўйларнинг гапларидан кулади, айтадики, «ўзиб кетсангиз бўлмайди, дўстим, элда не бўлса, бизда ҳам шу...»

Саид Каримов ўн йилдан бери трест бошлиғи бўлиб ишлайди. План ҳар йил бажарилиб турибди, мақтов қоғозлари, радио, газета, борингки, бутун воҳа аҳлининг тилида қурувчилар трестию қурувчилар сардори, кимсан камтарину камсуқум Саид Каримович... Унинг ўзи мақтовларга кўпда эътибор бермайди, ўша гапи гап: «ўзиб кетсангиз ҳам бўлмайди, дўстим, ҳарна, эл қатори...»

Бугун ҳам ишга барвақт келди. Соат саккиз ярим, яъники иш бошланишига яна ярим соат бор. Ходимлари ҳам ўзига ўхшаган; бири котиба қиз Дилдор бўлса, у бошлиқдан ҳам олдинроқ келиб ўтиради. Камсуқум, жиддий қиз, ишлаб ҳоримайди. Бугун унинг хаёли паришонроқ кўринади, ранги синиққандай, кўзларида мунг...

— Тинчликми, синглим? — деб сўради Саид Каримович. — Ё уйда бирор гап бўлдими?

— Тинчлик, — деди Дилдор бошини кўтармай.

— Ундайга ўхшамайди-ку, — деди Саид Каримович. — Ё чарчадингизми?

— Самарқандда... опамнинг тоблари қочибди...

— Борасизми?

— Иш-чи? — деди Дилдор. Қизнинг мўмин-қобиллиги Саид Каримовичнинг кўнглида андак ғусса уйотгандай бўлди. «Бечора қизча, — деб ўйлади, — муштдай боши билан шунча ишга ўзи балоғардон, шунча қоғоз, шунча ёзишма, икки йилдирки, отпусқа олгани йўқ...»

— Иш қочмайди, — деди у. — Майли, Самарқандга бориб келинг. Келибоқ отпускани тўғриланг. Бу ёғи... биз ҳам қараб турмасмиз, бирор жойга санаторий ёки курортга жўнатармиз.

— Дадам рухсат берармикин?.. — иккиланди қиз.

— Ўзим рухсат олиб бераман.

Қиз хурсанд бўлди. Бошлиққа бир кулиб қараб, яна қоғозларга шўнғиди. Саид Каримович кабинетга кирди, ечинди, кийимини шкафдаги илгичга илди, сўнг битта сигарет тутатиб, юмшоқ креслога чўкди. Шу пайт телефон устма-уст жиринглади. Саид Каримович трубкани олиб, қулоғига тутди:

— Алло?.. Прокуратура?.. Шундайми?... Эртага қолдирсак-чи? Бугун?.. Бугун бўлса бугун-да, укажон, майли, бажонидил, фақат... агар рухсат бўлса, тушдан кейин ўтсам... Ҳа, озгина ишлар бор эди... Хўп, кўришгунча, укажон...

Трубкини қўйиб, секингина ҳомуза тортди, керишди. Шу билан эрталабки ишга шайланган бўлди. Энди столда ётган қоғозларнинг бирини олган эдики, эшик очилиб, Дилдор чой кўтариб кирди.

— Тўқсон бешми? — деб кулди Саид Каримович.

— Тўқсон беш, Саид Каримович.

— Тилло қизсиз, синглим, — деб мақтади Саид Каримович.

— Саид Каримович, — деди котиба қиз ийманибгина, — Салима опамлар келган эканлар...

Саид Каримович андак қизарди. Сўздики, котиба қиз уларнинг тарихидан хабардор. Узгача бўлиши мумкин ҳам эмас. Негаки, у юмшоққўнғил одам, Салимага, ишхонамга борма, деб айтолмайди, қандай қилиб ҳам айтсин, кўнғил бергани рост, ўртада битта ўғилча бор, қуйиб қўйгандай ўхшайди, ўзини айбли сезади, бу ёқда оила, хотин, қонуний болалари, гўё Салиманинг дўмбоқдай ўғилчасини меҳрдан қисгандай... начора, тақдир экан-да, ҳар кимнинг чекига тушгани, ҳар кимнинг ўз каму кўсти...

— М-майли, — деди у дудуқланиб. — Айтинг, кирсин Салима опағиз...

Зум ўтиб Салима кирди. Саид Каримович уни четроқдаги журнал столи томон бошлади, креслога ўтқазиб, ўзи рўпарага чўкди. Озгина сукут сақлашди. Саид Каримович аёлнинг юзига қараб, яна ўзини айбли сезди. «Бечоранинг умри зое ўтди, — деб ўйлади, — мени деб зое ўтди, ваъда бериб ваъдамнинг устидан чиқолмадим, икки ўт орасида қолдим, бунни десам — у ёқдаги болалар етим қолади, уни десам... Боз устига, биқиниб яшаш, тиқ этган товушдан чўчиб, юрагинг зада...»

— Кўргали келувдим, — деди Салима.

— Раҳмат...

— Соғиндим...

— Еш болага ўхшайсиз, Салимахон, — деди Саид Каримович. — Мен кўрқаман...

— Кўрқсангиз майлийди-я, лекин кўнглингиз қолдими деб...

— Мени терговчи чақирди, Салимахон...

Аёл унинг гапига парво қилмади. Ғамгин боқиб тураверди.

— Қамаб қўйишлари мумкин...

— Алдаманг!.. — аёлнинг овозида аламли бир ноз пайдо бўлди.

— Рост, — деди Саид Каримович. — Ҳарна, шунча йил ишладим, бирор айб топишлари қийинми?.. Айб топишса, кейин... Сизга мундай ёрдам ҳам қилолмадим. Айтинг, балки пул-мул керакдир?..

— Бизга пул эмас, ўзингиз кераксиз...

— Тушунаман, Салимахон. Бу ёғи бойвачча ҳам эмасман, озгина топган-тутганим бор, нари борса — ўн минг... Шунча йил тежаб-тергаб топганим... Ёшгина нарса эдингиз, бахтингизга зомин бўлдим, бошқа бировни топсангиз бўлармиди?..

— Нега ундай дейсиз? Безор бўлдингизми?..

Аёл йиғламоқчи бўлди, йиғламоқчи бўлди-ю, эшикка қаради, қаерда ўтирганини сезди, шоша-пиша рўмолининг учи билан мижжаларини артди.

— Майли, мен борай, — деб ўрнидан турди. — Вақт топсангиз келиб туринг.

Саид Каримович индамади. Ўрнидан туриб, аёлнинг ёнига борди, бошини унинг елкасига қўйиб бир зум тек турди, сўнг уни ўпди, эшиккача бошлаб борди, кўзлари ёшланди, аёл кўрмаслиги учун юзини четга буриб турди...

Пешинда прокуратурага борди. Терговчи ўрта бўйли, озгин, ҳали ёшгина бир йигит экан. У Саид Каримовни очиқ чеҳра билан, кулиб қарши олди.

— Расмиятчилик, Саид ака, — дея жилмайди. — Тинчингизни буздик. Бир масалада бизга ёрдам бермасангиз бўлмайди. Трестингизга аталган ўн вагон тахта Тошкентга келиб йўқолиб қолди.

— Йўғ-э! — деди Саид Каримович. — Бирданига ўн вагон-а!

— Йўқолиб қолди десак унча тўғри бўлмас. Тахта топилди. Бир қисми пулланган экан. Орган ходимлари айбдорни тутишибди. У сизнинг ходимингиз экан. Биринчи терговдаёқ номингизни тилга олди.

Каримов терговчининг гапларини бўлмаёй эшитди, сўнг сўради:

— Отингиз нимаёйди, укажон?

— Абдувоҳид, — деди терговчи. — Абдувоҳид Шокиров.

— Фамилиянгизни биламан, — деб кулди Саид Каримович. — Гап бундай, укажон. Бу гапни бошқа галга қолдирсак, ўша жиноятчини бу ерга келтирсангизда, кейин мени чақирсангиз.



— Жиноятчи шу ерда, Саид ака.

— Зўр-ку! — деб кулди Саид Каримов. — Ёмон ишламабсиз, укажон. Хўш, у ким экан?

— Сотим Холбоев.

— Сотим Холбоев?! — дея ҳайратланди Саид Каримов. — Ҳа, шундай бир экспедиторимиз бор эди. Назаримда, туппа-тузук йигитдай эди. Ҳали мениям эш тортапти, денг?

— Мана, олдимда протокол турибди, Саид ака.

— Қўйинг, Абдухолиқжон, — деди Саид Каримов. — Қоғозни қўйиб, унинг ўзини чақиринг. Кейин, агар иложи бўлса, бир чойнак чой буюрсангиз, эрталабдан бери томоғим қақраб юрибди.

Терговчи телефонда Сотим Холбоевни олиб келишларини сўради, сўнг Саид Каримовга юзланди:

— Энди, ака, бизда чой қилишнинг иложи йўқроқ...

— Тушунаман... Майли, ука, чойни уйда ичармиз. Бир илтимос, менга тезроқ рухсат берсангиз.

Бирор ўн дақиқа ўтиб, эшик очилдию соқчилар кўзлари киртайган, кийимлари ғижимланиб кетган қирқ ёшлардаги бир кишини олиб киришди. Маҳбус Саид Каримовни хонада кўриб, безовта бўлди.

— Сотим Холбоев, — дея мурожаат қилди терговчи, — айтинг-чи, тахталарни ўзингиз пулладингизми ёки бировнинг кўрсатмаси биланми?

— Мана бу киши айтганлар, — деди маҳбус Саид Каримовични кўрсатиб. — Бизлар кичкина одамимиз, терговчи ака. Саид Каримовичнинг чизган чизигидан чиқармидик...

Саид Каримович сергакланди. Терговчига қаради.

— Иш анча жиддий кўринади, Абдувоҳиджон, — деди у жиддий. — Мен ҳозирча ўзимни қандай ҳимоя этишимни ҳам билмайман. Тушунишимча, тергов энди бошланибди, етарли далил йиғиб, гувоҳ топиб, кейин мени тергов қиласизми, ёки бўлмаса...

Терговчи иккиланиб қолди.

— Бугунча менга бир нарсани тушунтириб берсангиз, — деди у. — Жиноятчини ушлаган пайтимизда, унинг чунтагидан бир парча қоғоз чиқди... Манави қоғоз... Уқиб берайми?

— Уқинг, укажон.

— «Ҳурматли Василий Иванович, — дея ўқий бошлади терговчи. — Даливой менинг энг ишончли одамим, унга менга ишонгандай ишонинг. Ишларига ёрдам беришингизни сўрайман...» Имзо сизникими?

Саид Каримов қоғозни олиб қаради.

— Имзо меники, — деди у, сўнг қоғозни терговчига қайтариб узатди. — Экспертизага бериб юрмасангиз ҳам бўлаверади.

— Бу қоғозга нега ёзгансиз? — деб сўради терговчи.

— Шошманг, ука, — деди Саид Каримович. — Сиз аввал бу хатнинг қандай қилиб манави укамизнинг қўлига тушганини айтиб берсангиз. Нега хат Даливойда ёки Василий Ивановичда эмас, бунинг чунтагида юрибди?

— Хатда тахта хусусида сўз боряпти, шундайми?

— Тўппа-тўғри. База бошлиғига яна нима ҳақда ёзиш мумкин. Салгина ошначилигимиз бор, шу боис, андак эркимиз сиғиб ёздик буни. Кейин мен хатда манави укамизга тахтани сот, пулини ўмар, деб кўрсатма бермаганман чоғи?

— Тўғри, кўрсатма бермагансиз. Лекин ҳалиги Даливой деган одамнинг йўқолиб қолганига нима дейсиз?

— Ҳали у йўқолганми?

— Ҳа, йўқолган.

— Энди, ука, бир иш қилсак, — деди Саид Каримович. — Сиз менга ҳозирча жавоб берсангизу ҳалиги Даливой укамизни қидирсангиз, уни топиб, кейин мени таклиф қилсангиз.

— Даливой билан муносабатларингиз қандай эди?

— Яхши эди. Қадрдон укамиз, эди, чет эл сафарига бирга борганмиз, кейин уйда ҳам кўришиб турардик, жуда покиза, ҳалол йигит. Чўзманг, ука, қани, Сотим Холбоев укамиздан сўрайдиган гапингизни сўранг.

— Сўрайдиган гап қолмади, у сизни шеригим, деб атади. Шу керак эди, холос, — терговчининг овозида андак таҳдид сезилди.

— Бўлмаса, шу гапни инкор қилишимни бир четга қистириб қўйсангиз, — деб илтимос қилди Саид Каримович. — Кейин мен ўзим шуни имзом билан тасдиқласам. Ё яна бирор расмият борми?

Терговчи мийиғида кулди. Қувроқ экан, деб ўйлади Саид Каримович, бошда бўш-баёв кўринувди, лекин пихини ёрган чиқди.

— Энди сизни яна бир одам билан учраштираман, — деди терговчи. — Узоқ йўл босиб келган, учрашмай кетса яхши бўлмас...

— Жилла курса Холбоевни олиб кетишсин, — деди Саид Каримович. — Хона торлик қилиб қолади.

— Кўнгилни кенг тутасиз, Саид Каримович.

Шундай деб, терговчи телефон трубкасини кўтарди, буйруқ берди. Хонага ёши элликлардан ошган сариқ сочли киши кириб келди. Соқчисиз кирганига қараганда, у ҳали ҳибсга олинмаган эди.

— Учрашиб турган жойимизни қаранг, Саиджон, — деди ҳалиги киши қўл узата туриб. — Мени танияпсизми?

— Танидим, Василий Иванович. Хўш, сизни не шамол учирди?

— Терговчидан сўрасангиз айтади, — деб жилмайди Василий Иванович. — Гап бундай, Саиджон, сиз билан кўп йиллик қадрдонмиз. Бир-биримизни ноҳақ хафа қилсак айб бўлади. Ҳақиқат шуки, мен қанча ёғоч берган бўлсам, ҳаммаси қонуний йўл билан берилган. Бу ёқда Даливой йўқолган, деган гаплар юрибди. Мен уни кўрганам рост, ҳужжатларига қўл қўйиб, ёғочни бердим. Бошқа гапни билмайман.

— Даливой сизга Каримовнинг мактубини кўрсатмадими? — деб сўради терговчи.

— Йўқ, — деди Василий Иванович. — Мен кенгашга шошиб турувдим, бирор икки минутгина вақт ажратолдим, холос.

— Даливой сизга бирор совға-повға олиб боргани йўқми?

— Нима десам экан... — Василий Иванович андак тараддуланиб қолди. — Недир бир тугунни секретарь қизга қолдирган экан...

— Очиб кўрдингизми?

— Ҳа, очиб кўрдим, арзимас бир совға...

— Совғани мен юборганман, — дея тан олди Саид Каримов.

— Порами?

— Худо хайрингизни берсин, ўртоқ терговчи, пора эмас, бирор ўнтача пиёла, коса, кейин бир лаган. Бу гапларнинг Даливойга заррача алоқаси йўқ. Менинг бўйнимга юклайверинг. Василий Иванович билан орамизда бошқа хуфия ишлар бўлмаган. Ҳужжатларни текшириб кўргандирсиз?

Терговчи индамади. Хонага сукунат чўкди. Ташқарида сирена товуши эшитилди, чамаси, милиция машинаси шошилиқ рейдга жўнаб кетарди.

— Сиз боришингиз мумкин, Василий Иванович, — деди терговчи Сибирдан келган меҳмонга. — Яна бир-икки кун сабр қиласиз, керак бўлиб қоласиз, деган гумонимиз бор.

— Бажонидил, ўртоқ терговчи.

Василий Иванович хонадан чиқди. Терговчи Саид Каримовга юзланди:

— Даливой исзис йўқолган, Саид Каримович. Даливойнинг ёғочлари ярим йўлда пулланган. Хўш, ўша сотилган ёғочларнинг пули қаерда бўлиши мумкин?

Саид Каримов довдираб қолди.

— Мен қайдан билай, ука... — деди у. — Гўёки ўша ёғочларни мен сотгандай гапирасиз-а!.. Ёғочни гумдон қилган одамлардан сўрасангиз бўлармиди.

— Шундайми? — терговчи Саид Каримовичнинг кузларига тик қаради. — У ҳолда Даливой Пирматовни тирилтириш керак.

— Нима дедингиз?! У... у ўлганми ҳали?!

— Сиз билмасмидингиз?

— Улимдан хабарим бор, ука, лекин...

— Қизик бўлди-ю!.. Демак, хабарингиз бор экан-да, Саид Каримович!..

Саид Каримович, гарчи у довдираб турган бўлса-да, чидаёлмади:

— Одамни сал аясангиз бўларди, ука!..

Терговчи стол тортмасини очиб, семизгина бир папка чиқарди.

— Мана бу папка Даливой Пирматовнинг ўлими юзасидан олиб борилган тергов ишлари, — деди у. — Ҳужжатларга ишонсак, Даливой Пирматов ростдан ҳам Сибирга борган, ёғочларни юклаган, лекин қайтишда, нақ ярим йўлда исзис йўқолиб қолган. Мана бу — экспертиза хулосаси. Гап шундаки, 78-разъезд яқинида стакан ва шиша синиқлари топилган. Шишалардаги бармоқ излари сизга ва Даливойга тегишли. Минг уринсангиз ҳам, буни инкор қилолмайсиз!

Терговчининг овози бирдан ўзгарди. Саид Каримов унга ялт этиб қаради. Аъзойи-баданига титроқ оралади. Эътироз қилмоқчи бўлди, лекин тили айланмади, бир терговчига, бир полга михланган курсида тек ўтирган Сотим Холбоевга боқди... Томоғи баттар қақраганини ҳис қилди, ютинди.

— Даливой Пирматовнинг жасади топилди, — деди терговчи. — Сиз уни қаттиқ ичиргансиз, кейин ярим тунда, ҳамма уйқуга кетган маҳал, чекиш баҳонасида тамбурга олиб чиққансиз. Нарёғини балки ўзингиз айтарсиз?..

— Мен уни ўлдирганим йўқ, — деди Саид Каримов. — Даливой ўз инимдай эди; ўртоқ терговчи, жудаям қадрдон эдик, наҳотки энди...

— Даливой Пирматов йигирманчи сентябрда ўлдирилган, — деди терговчи. — Айни ўша куни сиз қаерда эдингиз?

— Командировкада эдим.

— Ёлғон. Биз текшириб кўрдик, сиз командировка ҳужжатларини олмагансиз. Лекин ишда бўлмаганингиз аниқ. Ун беш кунга ўз ҳисобингиздан отпускаи олгансиз. Отпускадан фойдаланиб, Сибирга боргансиз. Самолётда эмас, поездда. Негаки, самолётда борсангиз фамилиянгиз рўйхатга тушиб қоларди.

— Мен бошқа ёқда эдим, ўртоқ терговчи...

— Ҳўш?.. Исботингиз борми?

— Ўша кунлари Москва яқинида, бир танишимнинг дачасида яшадим.

— Танишингиз гувоҳлик берар?

— Бари бир ишонмайсиз. У дача калитини топшириб кўювди, лекин ўн кун мобайнида бир марта хабар олди, холос. Ун кунда Сибирга бемалол бориб келса бўларди.

— Ҳатто поездда боришга ҳам вақт етарли эди, шундайми?

— Қандай талқин қилиш сизга тан, ўртоқ терговчи. Лекин мен Сибирга бормаганман, на самолётда, на поездда.

— Далил керак! — деди терговчи асабийлашиб. — Далилингиз борми?

Саид Каримов индамади. Терговчи қўлидаги қалами билан столни черта бошлади. Зериккан чоғи, секин ҳомуза тортди.

— Холбоевни олиб чиқишса, — дея илтимос қилди Саид Каримов.

— Шахсан менга Холбоев халал бераётгани йўқ, — деди терговчи. — Унинг тақдири жуда ойдин: ўғирлик билан қўлга тушди, уйдан бешта япон магнитофони, ўттизта эркаклар костюми, ўн тўп атлас, тилла тақинчоқлар чиқди.

Холбоев ўтирган жойида нимадир деб гўлдирди, лекин Саид Каримов бирор маъно уқмади.

— Майли, менинг ҳам уйимни тинтиб кўришсин, — деди у.

— Уйингиздан ҳеч вақо чиқмайди, негаки, сиз Холбоевдан ақллироқсиз.

— Маошга яшаб юрибмиз, ука, эл қатори...

— Очиқроқ гаплашсак, Саид Каримович.

— Мен бирор гапни яширдимми?

— Яширясиз. Масалан, Москва биқинидаги дачада ким билан яшаганингиз?.. Шунга айтиб беролмайсизми? Майли, гувоҳсиз айтақолинг, — терговчи шундай деб, бурчакда тек котган соқчига юзланди: — Холбоевни камерага элтинг!

Жиноятчини олиб чиқишди. Хонада терговчи билан Саид Каримов юзма-юз қолдилар.

— Ҳўш, Саид Каримович, энди айтарсиз? Кўрқманг, бу гап орамизда қолади.

— Аёл киши, — деди Саид Каримов. — Аёл киши билан эдим. Энди уни бадном қилиб юрмасак, ука.

— Ўша аёл гувоҳлик бера оладими?

— Илтимос, ука, бадном қилмайлик... Бу ёғи... менинг оиламни ҳам ўйланг!..

— Буни сиз ўйлашингиз керак эди!

— Ўйлаганман, ука, лекин кечроқ эди унда. Ўртада бола бор. Сизга бутун тафсилотини айтиб беришим шарт эмасдир?

— Шарт эмас. Йигирманчи сентябрда сиз Александр Козловскийнинг дачасида гражданка Салима Яхъёева билан бирга эдингиз.

Саид Каримовнинг юзи оқариб кетди, стул суянчигига беҳол суянди:

— Салимани сўроқ қилдингизми? — деб сўради у.

— Йўқ, — деди терговчи. — Одобдан бўлмас, деб ўйладим, кейин бу гапларнинг жиноятга алоқаси йўқроқ.

— Раҳмат, Абдувоҳиджон. Билсангиз, у жуда камтарин аёл, меҳнатқаш, ортиқча даромади йўқ.

— Сиз ёрдам қилиб турарсиз?

— Иложим йўқроқ, — деди Саид Каримов қизариб. — Рўзгордан ортир-ролмаман. Бирор ўн минг жамғармам бор, энди шундан озроғини берсамми деб турибман...

— Ун бир минг, — деди терговчи.

— Ҳа, ўн бир минг, — деди Саид Каримович хижолат тортиб. — Сиз ҳамма нарсдан хабардорсиз, Абдувоҳиджон.

— Ишимиз шу, ака, хафа бўлмайсиз. Энди яна бир нарсани аниқлаб олсак, Саид Каримович. Сиз марҳум Даливой Пирматов билан оға-ини эдик, деб айтдингиз. Демак, орада борди-келди ҳам бўлган, шундайми?

— Йўқ, Абдувоҳиджон. Кўпроқ бетараф майдонда учрашардик.

— Охири марта қаерда кўришгансиз?

— «Навбахор» ресторанида. Озгина ичишдик.

— Коньякнинг маркасини айтолмайсизми?

— Ёдимда йўқ... «Плиска» эди чоғи...

— Тўғри, «Плиска». Аини шу маркали коньякдан бўшаган шиша 78-разъезд ёнидан топилган. Ресторанда сизга ким хизмат қилувди?

— Директор. Фамилияси — Халилов.

— Халилов Холбоевга тоға бўлади.

— Билмас эканман.

— Сиз кўп нарсаларни билмайсиз, Саид Каримович. Йўқса, коньяк шишасига кўл ҳам тегизмаган бўлардингиз.

— Наҳотки?... — дея ёқа ушлади Саид Каримов. — Наҳотки Холбоев ўша шишани поездга олиб чиққан бўлса?

Терговчи индамади. Саид Каримовичга шусиз ҳам ҳамма гап аён эди. Демак, терговчи уни шунчаки суҳбат учун чақирган экан. Ҳеч қандай гумони йўқ. Шунини ўйлаб, ичида яйради. Инсофли экан, деб ўйлади, мени аяди, Салимани шарманда қилмади, отасига раҳмат!..

— Абдувоҳиджон, — деди у секин, — нега у мен ёзган қоғозни Холбоевдан олдийкин?

— Билмадим, шу қоғозсиз уни фош қилолмасдик.

— Шунча нарсага ақли етган одам...

— Сизга ҳамма жиноятчи ақлли бўлади, деб ким айтди? Агар улар ҳаммаси ақлли бўлса, биз терговчиларнинг нони яримта бўларди.

— Гапингиз тўғри, ука. Лекин пул деб одам ўлдириш... ақлга сиғмайди! Тинчгина, нонини бут қилиб яшайверса бўлмасмиди? Одамда инсоф бўлмаса қийин экан-да, а?

— Қийин... — деб кулимсиради терговчи. — Раҳмат сизга, Саид Каримович, бизга катта ёрдам бердингиз.

— Сизга раҳмат, Абдувоҳиджон, мени бир маломатдан қутқардингиз. Энди мен бир нарсани ўйлаб қолдим. Уша ўн бир минг жамғарманинг мингини олиб қолиб, қолганини Салимага бераман. Бу ёғи, маош, мукофот дегандай... бу рўзгорнинг ҳам кунини ўтиб қолар?... —

— Ихтиёрингиз, Саид Каримович.

— Энди мен борсам, ука.

— Йўқ, ака, озгина сабр қиласиз. Сизни бу ерга чақирганимизни Холбоевнинг шериклари билишади. Ҳозирча уларни чалғитиш учун шу ерда қоласиз. Умрингизда бирор марта камерада ўтирганмисиз? — терговчи маъюсгина жилмайди. — Йўқми? Унда буням бир синаб кўрасиз, Саид Каримович!..

— Ёқимсизроқ бўлса кераг-ов, — дея тахмин қилди Саид Каримов.

— Начора...

Гарчи камера ёқмаса-да, Саид Каримовичнинг кайфи чоғ эди. Тўғри қилганман, деб ўйларди у, камтарину камсуқум яшайман, уйимда жиҳоз йўқ ҳисоби, эл қатори, элдан ўзмай... тинчгина яшаб юрибман. Салима масаласи ҳам тинчигандай бўлди. Асли унинг бошини айлантирмаслик керак эди, лекин, начора, бўлар иш бўлди, бўёғи сингди... Энди бу ёғига қарашмасам... номардлик эмасми?

...Уни ярим тунда камерадан чиқариб юборишди. Такси олиб, уйига борди. Ҳовли сув қуйгандай жим эди — хотинию болалари донг қотиб ухлашарди. Саид Каримов секин ҳуштак чалди, сўнг хиргойига ўтди...

У ҳовлига сиғмади, тагин кўчага чиқди. Шу кетганча бориб, эски қабристон ёнига етди. Бу ерга неча йиллардан бери одам қўйилмасди. Деворлари ҳам нурай бошлаган, чироғи йўқ, зимзиё... У девор кемтигидан ичкари ўтди. Қабрларни оралаб, ўртароққа юрди. Белгили бир жойга етганда, секин чўккалади. Устига чим босилган темир қопқоқни секин кўтарди-да, лаҳад ичига кирди. Гугурт қақиб, тупроққа кўмилган калитни топди, сейфни очди. Яна гугурт қақди, пастки қаватга қўйилган тилла тангаларга, устки қаватга тахланган бойлам-бойлам пулларга бир зум тикилиб турди, кейин сейфни яна қулфлади. «Сотим Холбоев деганлари ғирт аҳмоқ, — деб ўйлади, — пул учун одам ўлдириш шарт эмас... Тинчроқ яшаш керак, эл қатори, элдан ўзмай...»

У секин қабрдан чиқди. Тиззаларига юққан тупроқни қоқиб ташлади. Қаддини ростлаган маҳали, қўққисдан ёқилган чироқлар шуъласи кўзларини қамаштирди, қўлига кишан тушди.

— Қўрқманг, ака, бу менман, — деган овоз эшитилди.

— Ким?

— Абдувоҳидман, — дея терговчи ўзининг юзига чироқ тутди.

Каримов унинг елкасида капитан погонлари ярақлаб турганини кўрди.



БҮЛИМГА ҒАФУР ҒУЛОМ АСОС СОЛГАН

Ямин Қурбон

## Шухрат ошиғи

Ҳаммомга тушаки Мамажон-жимит,  
 Хоналар кимсасиз ҳовлидек, жимжит.  
 Битта-битта ташлаб қадамин ғоздай,  
 Керишди, очиб у, оғзини тосдай.  
 Сўнг чиқиб чиннидек силлиқ супага,  
 Ётди у бир нафас тушиб узала.  
 Ҳузурижон-супа терлатди дув-дув,  
 Милт-милт сизгандайин тоғ тубидан сув.  
 Очилиб чунонам кўнгли, чиройи,  
 Таъби тилаганча, қилди хиргойи.  
 Товуш, ҳофизаси, қарасаки, ванг,  
 Олур гўё кўнғил мевалари ранг.  
 «Шу чоққача, аттанг, юрибман билмай! —  
 Тепинди, куйиб у чўғдаги қилдай. —  
 Аслида, сахнада экан-ку ўрним,  
 Ҳа, сахнабоп, ҳатто, қомату кўрким!»  
 Ўт солиб кўнғлига шўрин бир туйғу,  
 Апил-тапил қуйди бошига у сув.  
 Қўлтиқлаб сўнг эса ўпка-жигарин,  
 Йўртди дон ахтарган тўрғай сингарин.  
 Санъат масканига етгач орзиқиб,  
 Керилди ўзин зўр иқтидор сезиб.  
 Йиғилиб билгичлар, шу заҳотиёқ  
 Унинг хонишига осдилар қулоқ.  
 Олди у чийиллаб, чўзиб бўйинини,  
 Шухрату мақтовлар чулғаб ўйини.  
 Билгичлардан бири кулди-да пиқ-пиқ,

Қалқди, тиқилгандек бўғзига қилтиқ.  
 Бири бош чайқади, қовоғин уйиб,  
 Бири қўл силтади, юзини буриб.  
 Хулласи, келмайин ҳеч кимсага хуш,  
 Бажаринг, дейишди, бошқа бир юмуш.  
 Нолиди Мамажон, чаққандек ари,  
 Жанғари хўроздек бўлиб назари:  
 «Эх, билармидингиз мендақаларни,  
 Қайда ардоқламиш темирчи зарни!  
 Фаҳми сўқирларга кўринмиш қай вақт —  
 Халқ ичидан чиққан мендақа талант!»

\* \* \*

Оқарди жўшиб нақ, айтгандек алёр,  
 Бола кулгусидек беғубор анҳор.  
 Чўғга тутғум келди бир ўсмир танин —  
 Кўриб сувга ахлат тўқаётганин.  
 «Кўй, бунда не гуноҳ, бу ҳали хамак, —  
 Бошин чайқади бир йўловчи амак. —  
 Улоқда не айб гар кемирса пўстлоқ,  
 Қилгай, ахир, эчки қилганин улоқ!  
 Қай маконда, қай пайт, айт-чи, ким кўрмиш,  
 Тўти мусичадан учирма бўлмиш?  
 Фаҳми етганга эл нақли эрур дарс;  
 Бош киши қай тарздир, кичик ҳам шу тарз...»

Муҳаббат Ҳамидова

## Яшавор, жиян!

— Гап шу, жиян, ташла ўша институт-пинститутингни. Бу ишни ҳам «етти хазинанинг бири» деб бежиз айтмаганлар. Уртоқларинг инқиллаб-синқиллаб диплом олгунча сени тувагинг тиллодан бўп кетади. Келишдикми? Ҳа, бу бошқа гап. Ҳеч иккиланмай савдо соҳасига ўтавер. Менинг гапимга хўп де. Бу ишнинг тилини топсанг, хазинанинг тагида қолдим деявер.

Тоғасининг сўзини икки қилолмаган жиян курсни битирган куниеқ яна унга учрашди.

— Мана бу ўғил болача иш бўпти, табрик-лайман! Юборишган жойлари ҳам чакки эмас. Анча чеккада, текшир-текшир камроқ. Бир оз ишлаб турсанг, кейин юқоридагилар билан келишиб, ёнимга оламан. Сенга мутахассис

сифатида биринчи маслаҳатим шу: ҳар эҳти-молга қарши уйингда икки-уч минг сўм запас туриши керак. Худо кўрсатмасин, савдо иши жуда нозик иш...

Мана, орадан ярим ой ўтказиб, тоға жиянидан хабар олгани келди-ю, унга билдир-май бир чеккада туриб кузатди. Чакки эмас, «оёқ-кўли чаққон. Кўли кўксида. Тоға енгил нафас олди. Шу чоқ бир харидор келиб, қайтимини кам берибсиз, деб қолди. Қани, энди жияни нима қиларкин.

— Кечирасиз, адашиб кетибман шоши-лингда, харидорлар кўп, мен бир ўзимман, узр, — жиян шундай деб ҳалиги харидорға шундай мўлтираб қарадики, тоғанинг раҳми келиб кетди. Харидорнинг ҳам бу муомаладан

кўнгли бузилиб, кўзида ёш ғилтилади: «Ҳеч-қиси йўқ, бўлиб туради» деб жияннинг елкасига қоқди-да, қайтимни ҳам унутиб эшикка йўналди.

Тоға жиянидан мамнун бўлиб, унга яқинлашди.

— Ҳорма, жиян, дуруст, дуруст, баракалла!

— И-и, тоғажон, тоғажоним, келинг, келинг! Қайси шамол учирди. Буёқларга юбориб қўйиб, хабар олмайсиз. Мен эсингиздан чиқиб кетгандирман, деб ўйловдим, — жиян тоғасига кучоқ очиб пешвоз чиқди.

— Эсимдасан, жиян, эсимдасан. Хўш, ўрганволдингми, қийналмаяпсанми? — сўради тоға жияни суриб берган курсига ўтираркан.

— Қийналяпман. Сиз бу томонларини айтмаган экансиз, — жиян тўлиб турган эканми, ҳасратини тўкиб солди: — Харидор сурбет бўларкан. Тарозини тешиб юборгудай тикилиб туришади. Яхшиям бу ерда устозлар бор, йўл-йўриқ кўрсатишади. Анави «арақвино» бўлимидаги Комил акамни танийсиз, бир пайтлар сизга шоғирд бўлган эканлар. Ишга тушганимнинг тўртинчи куни аста ёнимга келдилар. «Ука, ҳали ёшсан, сенга йўл-йўриқ кўрсатиш бизнинг бурчимиз. Шундай экан, аввало муомала масаласини пухта ўрганиб ол. Шляпали, галстук таққан кишиларга тўғри савдо қил. Сенга айтсам, зиёлилар ойликка яшайдиган халқ. Икки-уч тийиннинг устида тўполон чиқаришдан ҳам тўйишмайди. Иложи бўлса, камёб молларни уларга «йўқ» деб юборавер. Гап-сўзлари содда, бўш-бўёв кўринган харидорни қўлдан чиқарма. Кўпроқ уриб қолавер. Пастлик қилиб беш-ўн тийинга овора бўлма, қўлга тушсанг, бари бир айбдорсан», деб қолдилар.

Комил акамни кузатишим билан, нон бўлимидаги Эйтибор опа кириб келдилар. «Мўминжон, кузатиб юрибман, бўладиган бола кўринасиз. Ҳисоб-китобнинг ҳам ҳадисини олибсиз. Укам, томчидан денгиз ҳосил бўлгандек, тийиндан сўм туғилади. «Бир-икки» тийин деб менсимай юрманг. Мана, мен йигирма йилдан буён шу ерданман. Биласизми, тўққиз тийинлик патирни ўн тийиндан сотганимда ҳам, эҳ-ҳе... Бу ерни дўкон — таги кон, деб бекорга айтишмаган. Ҳа, яна бир гап, харидорга қайтим ўрнига «майда йўқ» деб троллейбус абонементи узатинг. Биз томондан троллейбус юрмайди. Ўз-ўзидан қолдириб кетишади. Қарабсизки, сиз ҳам куймайди,

кабоб ҳам. Харидор, ҳақимдан олиб қолди, деб даъво қилолмайди, сиз хотиржам ишлайверасиз», дедилар.

— Баракалла, улар кўпни кўрган, гапларига кулоқ солгин, кам бўлмайсан, — деди тоға насихатомуз.

— Бошлиқнинг ҳисобича, эҳ-ҳе... бу — ғазна! Ўз навбатида унга бериладиган пулни мен харидордан уриб қоламан. Омбордан мол олиб келган экспедиторга, уни туширишган ишчига қистириш керак, акс ҳолда, ўзинг ҳаммол бўлиб қоласан. Фаррош хотинга ҳам унча-мунча узатиб, турсанг, магазин гигиена қоидалари бўйича тозаланади, чўзмасанг, шипида ўргимчак арғимчоқ учиб, сайр қилиб қолади. Ҳаммасига қистиравер, барининг ҳисобини харидорлардан чиқарасан. Мудирга қистирмасанг, пештахта йиллаб ноёб мол кўрмайди, ўз навбатида мудир базадагиларга беради, бўлмаса магазин плани тўлмайди, икки-уч хил рангсиз конфету қора тикон тузга кимнинг кўзи учиб турибди.

Тоғанинг сўзини жиян илиб кетди.

— Бир куни нима бўлди денг. Комил акамнинг ўзи мени уч юз граммга алдабдилар. Мен ҳам ғинг демадимў етти сўм эллик тийинлик арақни саккиз сўмга ўтказдим. Индаёлмайд қолдилар.

— Тузук, шоғирд устоздан ўтибди-да. Бизда ҳам шунақа. Буни савдо деб қўйибди. Бу ишда қариндош-уруғ, ошна-оғайни бўлмайди. Жуда нозик иш, — деди тоға жияннинг ишини маъқуллаб.

— Лекин тезроқ ўзингизни қўлингизга ўтмасам бўлмайди. Ҳамиша хавотирда юрман. Ҳали халқ контроли келиб қолади, ҳали ревизия, ҳали Комил акам кириб, бир балодан қутулдинг, тафтишчини сендан четлатвордим, бир эрийдиган бўлдинг, — дейди.

— Яхши, жиян, анча пишиб қолибсан. Яқин орада ўзимга оламан. Қани, икки хил тоза шоколаддан торт-чи, меҳмонлар келишмоқчийди.

Жиян қалин қоғозга икки хил конфетдан ўради-да, тарозига қўйди. Тоға зўрлагач, пулни олиб, қайтим узатди. Тоға ташқарига чиқиб, одати бўйича аста қайтимга кўз югуртирди.

«Оббо жияни тушмагур-ей, ўрганган кўнгилад, «қистириб» қолибди», дея кўнгиладан ўтказиб, аста магазин томонга қаради: жиян қўл силкиб, жилмайиб турарди.

## Мундарижа

### ШЕЪРИЯТ

|  |    |
|--|----|
| Мақсуд Шайхзода. Менинг тухфам . . . . .                           | 3  |
| Туроб Тўла. Аруз талқинида ўн беш қўшиқ . . . . .                  | 45 |
| Шухрат. Оппоқ қор ёғади, оппоқ хаёллар . . . . .                   | 27 |
| Зоҳиджон Обидов. Ёшлик чоғин дилдан ардоқлаб . . . . .             | 30 |
| Жуманиёз Жабборов. Коммунизм ишига сафарбардир улуг вақт . . . . . | 4  |

### НАСР

|                                      |   |
|--------------------------------------|---|
| Дилбар Сидова. Овоз. Қисса . . . . . | 9 |
|--------------------------------------|---|

### ҲИКОЯЛАР

|   |     |
|---|-----|
| Олим Отахонов. Оқшом хаёллари . . . . .           | 33  |
| Анвар Дадабоев. Дунё кўриб, дунё топдим . . . . . | 43  |
| Акбар Юнусов. Ҳаким ялло қиссаси . . . . .        | 125 |

### ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

|  |    |
|--|----|
| Габриэль Гарсиа Маркес. Юз йил танҳоликда. Роман. Давами . . . . . | 53 |
|--|----|

### ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

|   |     |
|---|-----|
| Саида Зуннунова туғилган куннинг 60 йиллигига<br>Саида Зуннунова. Шеърлар . . . . . | 106 |
|---|-----|

|  |     |
|--|-----|
| Саид Аҳмад. Хотиралар . . . . .            | 108 |
| Асқад Мухтор. Ҳамишалик туйғулар . . . . . | 120 |
| Ойдин Ҳожиёва. Нозик хаёл шоира . . . . .  | 121 |
| Гулчехра Жўраева. Ёниб ўтган умр . . . . . | 123 |

### ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИ

|   |     |
|---|-----|
| Эрнест Хемингуэй. Фрэнсис Макомбернинг омонат бахти . . . . . | 141 |
|---|-----|

### БОЛАЛАР ДУНЕСИ

|   |     |
|---|-----|
| Йўлдош Сулаймон. Уқувчилар аскарари . . . . . | 137 |
| Ёқуб Хўжаев. Она ерни асрайлик! . . . . .     | 139 |

### НАВОИЙҲОНЛИК

|  |     |
|--|-----|
| Мурод Ҳамроев. Алишер Навоий ва уйғур адабиёти . . . . . | 158 |
| Гул ила Алишер ҳикояси. Турк халқ достони . . . . .      | 163 |

### ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

|  |     |
|--|-----|
| Игорь жангномаси. Эпосдан боблар . . . . . | 174 |
|--|-----|

### ПУБЛИЦИСТИКА

|  |     |
|--|-----|
| Турғун Жамолов. Жўшқин умр лаҳзалари . . . . . | 181 |
|--|-----|

### БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

|   |     |
|---|-----|
| Муса Жалил туғилган куннинг 90 йиллигига<br>Муса Жалил. Шеърлар . . . . . | 186 |
|---|-----|

### «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» АНКЕТАСИ

|   |     |
|---|-----|
| Дилдаги гаплар. Ҳамид Ғулум, Муроджон Мансуров, Хайриддин Сул-<br>тонов . . . . . | 189 |
|---|-----|

### САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

|  |     |
|--|-----|
| Исроил Тўхтаев. «Эл қатори...» Ҳикоя . . . . . | 199 |
|--|-----|

### ГУЛҚАЙЧИ

|  |     |
|--|-----|
| Ямин Қурбон. Шухрат ошиғи . . . . .        | 205 |
| Муҳаббат Ҳамидова. Яшавор, жиян! . . . . . | 205 |



Қирғиз эртақларига  
ишланган расмлар.

Рассом **А. КИВА.**

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)  
№ 2

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана  
Ташкент — 1986

Рассом **Х. Лутфуллаев.**

Техник редактор **М. Аҳмедов**

Корректор **М. Еқубова**

Редакция келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 10.12.85 й. Босишга рухсат этилди 24.01.86 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Р-08546. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55  
Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 162134. Заказ № 2350.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени  
босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти, 41.

© «Шарқ юлдузи», 1986.

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.